

АЗИМЖОН ҚОСИМОВ

**ТИББИЙ
ТЕРМИНЛАР
ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ**

IV жилд

Ўз.Р. ФА академиги, тиббиёт фанлари
доктори, профессор *Ш.И.Каримов*
тахрири остида

“Меҳридарё” нашриёти
Тошкент – 2008

ЎЗР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти илмий кенгаши ушбу луғатни нашрга тавсия этган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Ф.Ф.Назиров – тиббиёт фанлари доктори, профессор (раис), **Ш.Ш.Шоабдурахмонов** – ЎЗР ФА академиги, филология фанлари доктори, профессор, **А.П.Ҳожи**ев – ЎЗР ФА академиги, филология фанлари доктори, профессор, **Т.Мирза**ев – филология фанлари доктори, профессор, **Т.А.Дами**нов – тиббиёт фанлари доктори, профессор, **Г.И.Исмои**лов – тиббиёт фанлари доктори, профессор, **Н.Ҳ.Шомирза**ев – тиббиёт фанлари доктори, профессор.

ТАҚРИЗЧИЛАР

Тилшунослар: академиклар – *Ш.Ш.Шоабдурахмонов*, *А.П.Ҳожи*ев, ф.ф.д. проф. *Р. Дони*ёров, ф.ф.д. проф. *Н.П.Мах*мудов, ф.ф.н.-лари: *А.Мад*валиев, *Н.Мах*камов, *З.Мирах*медова.

Тибшунослар: т.ф.д., профессорлар **Г.И. Исмои**лов, *Х.И.Ирс*алиев, *Қ.И.Рас*улов, *С.Фах*риддинов, *А.Р.Худ*айбердиев, *Н.Ҳ.Шомирза*ев, **А.Х. Ян**гиев

5

Қ61

Қосимов Азимжон.

Тиббий терминлар изоҳли луғати./ А.Қосимов; Ш.И.Каримов таҳрири остида; Таҳрир ҳайъати Ф.Ф.Назиров ва бошқ. – Т.: Меҳридарё, 2008. –480 б.

Луғатнинг IV жилди, айрим жиҳатларини ҳисобга олмаганда, I жилднинг давомидир. Фақат луғат охирига айрим терминларнинг аталиши, ёзилиши ва имлоси талқин қилинган кўрсатчик ва хотима илова қилинган. Луғатда 6000 га яқин термин ўз ифодасини топган.

Луғат шифокорлар, талабалар, таржимонлар, матбуот, радио, телевидение ходимлари ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

ББК5я2

№184-2008/1775

© Азимжон Қосимов, 2008.

*Севги-муҳаббат ўтида қалбим
эвазига қалбини тақдим этган,
ҳаёт тақозоси ила бағримдан
кечиб бағрини бировга тутган
мактабдошим Муяссарга
бағишлайман...*

*Рухимга кириб ақл тафти ила
ақл-идрокимни уйғотган ва шу
билан ўқимишли бўлишимга тамал
тоши қўйган бу бокира қиздан
мангу миннатдорман.*

КИРИШ

Ҳурматли китобхонлар, азиз устозлар! Мана қўлингизда камина нашр эттирган «Тиббий терминлар изоҳли луғати»нинг навбатдаги IV жилди. Аслини олганда мазкур жилд луғатнинг I жилди давоми ҳисобланади. Чунки бу жилдда ҳам **туб** (майл, мамма, сеҳр, тақим, чанг), **ясама** (пуштсизлик, мойиллик, сасиш, ситиш, тажовузкорлик, тентаклик, хомиқиш), **қўшма** (сархушлик, супаюз, чакакюз), **бирирма** (буйрак косачалари, буралиб қолиш, меъда безлари, найсимон безлар) шаклидаги тиббий терминлар жой олган ва тегишли изоҳлар, қўшимча маълумотлар билан тавсифланган. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳар иккала (I ва IV) жилдда бир-бирини такрорловчи терминлар киритилмаган; айрим терминлар бундан мустасно.

Баъзи сабабларга кўра, қўлингизда мазкур луғатнинг I жилди бўлмай қолиши мумкин. Шунини назарда тутган ҳолда IV жилднинг ҳам тузилиш тартиби ва принциплари ҳақида қисқача тушунтириб ўтишни лозим кўрдик. Булар қуйидагилардан иборат:

1. Асосий (бош) термин тўқ қора ҳарфлар билан берилди; ундан кейин қавс ичида, агар мавжуд бўлса, синонимлари ҳам кўрсатилди:

Каловлаш (син. гангиш) — ...

Кергич (ик. номи **Кенгайтгиргич**) — ...

Бежигар сарғайма (син. ангепатик сарғайма, экстрагепатал сарғайма) — ...

Буйрак хўппози (син. буйрак карбункули) — ...

2. Мазкур маълумотлардан кейин терминнинг асосий маъноси очиб берилди, яъни термин изоҳ билан таъминланди:

Энгак (син. даҳан) — *анатомияда* — пастки жағнинг қуйи дўнглигига тўғри келадиган юзнинг олдинга туртиб чиққан қисми.

Рус. Подбородок.

Эсанкираш — *психологияда* — руҳан қаттиқ кўзғалиш оқибатида руҳий фаолиятда юзага келадиган саросимали довдир ҳолат; бу — ё ижобий воқеалар таъсирида, ёки салбий нарса-ҳодисалар орқасида вужудга келади.

Рус. Растеряться.

Юрак ички босими — юракнинг ритмик фаолияти жараёнида ўзгариб турадиган юрак бўшлиқларидаги қон босим.

Рус. Внутрисердечное давление.

Юқум манбаи (син. инфекция манбаи) — юқум — патоген микроорганизмлар (инфекциялар)ни ўзига юқтириб улар яшаши учун табиий муҳитга айланиб қолган одам ёки ҳайвон; энди у б. одам ёки ҳайвонга инфекция юқтириш манбаи ҳисобланади.

Рус. Источник инфекции.

3. Термин изоҳидан кейин унинг русча муқобили ҳам келтириб ўтилди. Буни сиз юқорида кўрсатилган мисолларда кўрдингиз.

4. Битта тиббий тушунчани ифодаловчи синоним терминлар баббаравар ишлатиб келинаётган ўринларда уларнинг фаолроқ ишлатилаётган ва бошқа жиҳатлари билан устунликка эга маънодоши асосий (бош) термин деб олинди ва унга луғатнинг тегишли жилдларида изоҳ берилди. Мас.: **Сут без** асосий термин қилиб олиниб, унинг синоними кўкрак беzi эканлиги таъкидланди ва асосий терминнинг изоҳига мурожаат этилиши кўрсатиб ўтилди. Яна мисоллар келтирамыз:

Буқоқ беzi — қ. *Айрисимон без*.

Орқа мия қисилиши — қ. *Орқа мия эзилиши*.

Оқсил беzi — қ. *Сероз без*.

Ўлик туғилиш — қ. *Ўлик туғилишлик*.

Маълумки, яқин ўтмиш саналмиш советизм даврида тиббиёт олий ўқув юртларида тиббиётнинг деярли барча соҳалари рус тилида ўқитилар, дарслик ва қўлланмалар (айримларини истисно қилганда) рус тилида чоп этилар эди. Мустақилликка эришилгандан кейин эса аҳвол ўзгарди. Тиббиёт ўқув юртларида дарслар ўз она тилимизда олиб борилмоқда. Шундай бўлишига қарамай, ҳозирда ҳам айрим тиббий адабиётлар рус тилидан таржима қилиб келинмоқда. Бундай ҳолат эса таржимондан ёхуд дарс берувчи устозлардан

русча-байналмилал тиббий терминларни яхши билишни тақозо этади. Шулар ҳисобга олинган ҳолда луғатнинг мазкур жилдида ҳам асосий қисмдан жой олган терминларнинг русча-байналмилал ва лотинча-грекча шакллари ҳамда уларнинг ўзбекча муқобилларини илова тарзида бериш лозим деб топилди. Намуна учун бир нечта мисол келтирамиз:

Конский хвост — от думи — *cauda equina*.

Крестцовая область — думғаза соҳаси — *regio sacralis*.

Кривизна желудка большая — катта меъда эгрилиги — *curvatura ventriculi major*.

Лекарственная пропись — дорихат — *praescriptio*.

Бундан ташқари, луғат сўнгида ўқувчиларни қизиқтириши мумкин бўлган айрим терминлар, ёзилиши ва имлоси мунозарали бўлган қўшма, бирикма лексемалар кўрсаткичи илова қилинди. Зеро, шу вақтга қадар ҳар хил ёзилиб келган сўз ва терминлар бора-бора ўзининг барқарор шаклини топса, деган умиддамиз. Чунки терминларнинг имловий нормаларини аниқлаш бағоят машаққатли ва масъулиятли ишдир. Бу бир кишининг иши эмас. Балки бутун бир тилшунослар жамоасининг ишидир. Шу жиҳатдан биз келтирган илова субъектив характерга эгадир. Масалан, **ақлноросолик, балиқоғиз, бақақорин, белоғриқ, бош айланиш, витамин дори, говмичча, гувала калла, елбўғоз, ёнбош ичак, ётоқяра, жигилдон қайнаш, ит иштаҳа** ва бошқалар шулар жумласидандир.

Энди шулардан айрим қўшма терминларнинг қўшиб ёки ажратиб ёзилишига тўхталадиган бўлсак, биргина мисол келтирамиз. Чунончи: **балиқоғиз, бақақорин, бўриоғиз, отюз, чўчқабурун, филоёқ** каби ҳайвон ёки предметнинг у ёхуд бу аъзосига ўхшайдиган одам аъзосини ифода этган қўшма терминлар қўшиб ёзилгани маъқул; **эгар бурун, эгар бачадон, ит иштаҳа, лайлак юриш** каби ҳайвон ёки предметнинг бевосита шаклини, хатти-ҳаракатини олган, унга ўхшаб турадиган одам аъзосини ифода этган қўшма терминлар **ажратиб** ёзилгани маъқул. (Сабабини тушунтириш бу ўринда жоиз эмасдир.)

Луғатда келтирилган баъзи терминлар уячаларида мазкур термин англатган тушунча ҳаётдан, турмушдан, одамлар хислатлари ва бошқалардан олиниб одамлар ва нарса-ходисаларни изоҳлаб берган ўринларда уларни фаннинг ҳеч бир соҳасига киритиб бўлмаган ҳолларда «амалиётда», «амалда» деган янги тушунчани киритдик ёки бутунлай кўрсатмай қўйдик. Чунки у хилдаги терминларга берилган изоҳлар, таъриф-тавсифлар назарий-илмий жиҳатдан ҳал

қилинмай, балки ҳаётда, амалда қандай маъно-мазмунда учраса, шундайлигича, яъни амалдагидек (гарчи улар изоҳи назарий билимлар билан боғланишда бўлса ҳам, назарий-илмий жиҳатдан асосли бўлса-да) таърифлаб берилди. Масалан, **шум бола**, **юмшоқ феъл**, **қаттиқ феъл** (қ.) ва бошқалар шулар жумласидандир.

Хуллас, ўзбек тили тиббиёт терминологиясининг такомилли, нормаллашуви ва унификациясида биз яратган мазкур луғат ҳам бир қадар аҳамият касб этади, деган ишончдамиз. Тиббий тил маданиятини кўтариш тиббиёт ходимлари билан биз тилшунослар, терминшунослар ва матбуот ходимлари вазифасидир.

Луғатнинг мазкур IV жилдини кўриб чиқиб ўз мулоҳазаларини, танқидий фикрларини илмий-объектив равишда, холисона биз билан ўртоқлашган барча дўстларга чуқур миннатдорчилик изҳор қиламиз.

Манзилимиз: *Тошкент ш., Юнусобод тумани, 12-мавзе, 36-уй, 25-хонадон.*

Муаллиф.

АЛИФБО

А	К	Х
Б	Л	Ц
В	М	Ч
Г	Н	Ш
Д	О	Э
Е	П	Ю
Ё	Р	Я
Ж	С	Ў
З	Т	Қ
И	У	Ф
Й	Ф	Х

ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР:

австрал.	—	австралиялик
австр.	—	австриялик
анат.	—	анатомик
арген.	—	аргентин
АҚШ	—	Америка Қўшма Штатлари
бельг.	—	бельгиялик
б.	—	бошқа (-лар)
вен.	—	венгер
гист.	—	гистологик
голл.	—	голланд
гр.	—	грекча
дан.	—	даниялик
ж.	—	жилд
ингл.	—	инглизча, инглиз
ирл.	—	ирланд
исп.	—	испан
итал.	—	италиан
кан.	—	канадалик
лот.	—	лотинча
мин.	—	минут
нем.	—	немисча, немис
пол.	—	поляк
рум.	—	румин
рус.	—	русча, рус
сим. уст.	—	симоб устуни
син.	—	синоними
сов.	—	совет
тав. этилмайди	—	тавсия этилмайди
туғ.	—	туғилган
уругвай.	—	уругвайлик
фин.	—	фин, фин халқи
фр.	—	французча, француз
чили.	—	чилиялик
швед	—	швед
швейц.	—	швейцариялик
шотл.	—	шотландиялик
эск.	—	эскирган
я. ў.	—	яшаб ўтган
қ.	—	қаранг
ҳ.з.	—	ҳозирги замон

А

Абдукция – қ. **Узоқлаштириш**.

Абел–Левенберг таёқчаси – қ. **Сассиқ тумов таёқчаси**.

Авлод – 1. *Биологияда* – умумий аждодлар бўйича бир хил даражада бўлган, яъни олдинги авлод индивидларининг бевосита наслидан бўлган популяцияга мансуб индивидлар гуруҳи.

2. *Демографияда* – бир колендар йилда туғилган одамлар мажмуи.

Рус. Поколение.

Аддукция – қ. **Яқинлаштириш**.

Аждод – илгари яшаб суяк суриб келаётган бир неча бўғин ва бир неча **авлод** (қ.)лар мажмуи.

Рус. Предки.

Аждодликни қумсаш – *амалиётда* – табиат маҳсули бўлган инсоннинг руҳан яна қадимгидек табиат таркибига айланишни исташи, генетик жиҳатдан қадимги аждодлар ҳаётини қумсаши.

Одамзод ўзини ўзи маданий ҳаётга, цивилизацияга олиб чиқиб энди асирлар ўтиши билан қадимги одамлар ҳаёт тарзини хоҳлаб қолиши уларнинг қадимги одамлараждоди эканлигини яна бир бор тасдиқлайди; ўрмонга кириб тўнкалар устида ўтириш, чайла қуриб ёввойиларча яшаш, экзотика деб яланғоч юришни истаб қолиш – буларнинг барчаси ирсиятимиздаги қадимги аждодларимиз ҳаётини қумсашдир.

Рус. Скучать присушим предкам.

Ажойиб тўр – *анатомияда* – артериядан чиқиб яна артерияга (мас. буйракда), венадан чиқиб яна венага (мас. жигарда) қуйиладиган капиллярлар тўри.

Рус. Чудесная сеть.

Ажратувчи йўллар – *эмбриологияда* – **ажратувчи каналчалар** (қ. III ж.)дан сийдикни клоака (клоаса) ёки қовуққа элитувчи каналларнинг умумий номи.

Рус. Выделительные протоки.

Айибдорлик хаёллари – илгари қилинган қандайдир қилмишлари ёки жиноятлари учун ахлоқан ўзини айбдор санаш мазмунига эга бўлган васваса хаёллар.

Рус. Идеи виновности.

Айланма бурмалар (син. Керкринг бурмалари) – ингичка ичак шиллиқ пардасида айланма бўлиб – циркуляр жойлашган бурмалар.

Рус. Круговые складки; син. складки Керкринга.

Айланма тешик — кала чаноғи понасимон суягининг катта қанотидағи тешик; у — ўрта калла чаноғи чуқурчасини қаноттанглай чуқурчаси билан туташтириб туради; А.т орқали калла бўшлиғидан юқори жағ нерви — уч шохли нервнинг иккинчи шохи чиқади.

Рус. Круглое отверстие.

Айри — 1. *Анатомияда* — а) кекирдакнинг иккига ажралган қисми — **кекирдак айриси**; б) олд **кўкс оралиги** (қ. I ж.)нинг юқори бўлимида жойлашган аъзо — **айрисимон без** (қ. I ж.).

Рус. Вилка, вилкообразное разделение.

2. *Нуқсон* — а) III ва IV бармоқлар оралигининг туғма равишда билак томон ва ҳатта билакка қадар айрилган бўлиши — **айри панжа** (қ.); туғма равишда «панжа»да бармоқлар бўлмаганда жарроҳлик йўли билан I кафт суягини ажратиб қўйишдан юзага келган айри — **айри панжа** (қ.).

Рус. Расщеплённая кисть.

Айри панжа 1. III ва IV бармоқлар оралигининг билак томон ва ҳатто билакка қадар айрилган бўлишидан юзага келган панжа бармоқларнинг айрига ўхшаб қолиши; аксарият ҳолларда **полидактилия** (қ. II ж.) — кўп бармоқли бўлиш билан қўшилиб келади; туғма ривожланиш нуқсони.

2. Туғма равишда «панжада» бармоқлар бўлмаганда жарроҳлик йўли билан I кафт суягини ажратиб яратилган сунъий айри.

Рус. Расщеплённая кисть.

Акроподион — қ. **Охирги нуқта**.

Аксеник микроорганизм экмаси — қ. **Соф эзма**.

Аксланган нутқ (син. *эхопалилалия*) — беморнинг беихтиёр бошқалардан эшитган сўзларни қайтариши; нутқ бузилиши сифатида қаралади; бош миянинг органик касалликларида, шизофренияда учрайди.

Рус. Зеркальная речь; син. *экопалилалия*.

Алас (син. *алас-алас*) — *халқ табобатида* — 1. Таёқча учига ўраб ёндирилган латгани ёки бемор кийимини касал бошидан ўгириб «даволаш».

2. *Ирим* — одамга илашган жин, опала ва б. лардан халос бўлиш учун Сафар ойида (қамария календари бўйича иккинчи ой) гулхан устидан сакраш.

Алас-алас — қ. **Алас**.

Аласлаш — *халқ табобатида* — таёқча учига ўраб ёндирилган латгани ёки бемор кийимини касал бошидан ўгириш, айлантириб ташлаш.

Алибер дерматолизи — қ. Шалвир тери.

Алиментар омил — қ. Овқатланиш омили.

Амалга ошмаган туғруқ — ҳомиладорликнинг камида 28 ҳафталик муддатида ҳомиланинг аёл қорнида нобуд бўлиб туғруқ фаолияти юз бермаган ҳолат.

Рус. Несостоявшиеся роды.

Амалий кўрлик (син. фуқоро кўрлиги) — кўрув анализатори функционал қобилиятининг бир қатор касб турларини бажара олмаслиги, беморнинг ўзи мустақил юра олмаслиги, ўзига ўзи хизмат кўрсата олиши имконининг чегараланиб қолиши.

Рус. Практическая слепота; син. гражданская слепота.

Амёбоцит — қ. Сайёр ҳужайра.

Анал соҳа — қ. Ортки чиқарув соҳаси.

Ананкази — қ. Мягга ўрнашиб олган ҳолат.

Анатомлар дўмбоқчаси — қ. Мурда дўмбоқчаси.

Ангепатик сарғайма — қ. Бежигар сарғайма.

Антигельминт воситалар — қ. Гижжаларга қарши воситалар.

Антигельминтлар — қ. Гижжаларга қарши воситалар.

Антиконвульсив воситалар — қ. Тиришишга қарши воситалар.

Антишовқин мосламалар — қ. Шовқинга қарши мосламалар.

Антропологик тип — қ. Одам ирқи.

Аралаш ҳолатлар — *психатрияд*а — депрессия ва манияларнинг айрим белгилари қўшилиб келган руҳий-патологик синдромлар мажмуи; мас.: руҳий кўзғалишнинг қайғу-ҳасрат аффекти билан, ҳаракат тормозланишининг фикрлар оқими билан, ҳаракатли кўзғалишнинг интеллектуал тормозланиш билан, ҳаракатли ва руҳий тормозланишнинг гипертимия — кайфичоғлик билан қўшилиб юзага чиқиши.

Рус. Смешанные состояния.

Арз-ноланиш (син. ҳ а с р а т л а н и ш) — майда, арзимас, баъзан, ҳеч бир асосиз кўнгил қолдиришларни дилга туғиб олиб шикоятвозлик, маҳқамабозлик, судвозлик қилиб нолиб юришлар билан юзага чиққан феъл-атвор бузилиши; бундай кайфият ҳеч қачон руҳий касаллик даражасига — восвосга бориб етмайди.

Рус. Кверулянтство.

Арилар — ноғорасимон қанотлилар туркумига мансуб ҳашаротлар оиласи ва турли хил арилар мажмуи; ниш аппарати безлари секретри одам учун заҳарли; кам миқдорда

айрим дори препаратлар таркибига қўшилади; одамлар орасида уларнинг заҳарини дори деб билганлар атайлаб ўзларини чақтиришлари шу боисдандир.

Рус. Пчёлы.

Арифмомания — қ. Мягга ўрнашиб қолган саноклар.

Артериоартериолосклеротик буйрак — қ. Бирламчи бурушган буйрак.

Артиниш камарчаси — ўқ-снаряд жароҳатида — танага ўқ текканида жароҳат атрофидаги тери юзаларига ўқ қуруми, дуди, мойлари тегиши — артинишидан ҳосил бўлган камбар жияк.

Рус. Поясок обтирания.

Асосий алмашиниш — энергетик алмашинишнинг интенсивлик кўрсаткичи; текширилаётган одамни ёқимли иссиқ шароитда ҳам руҳан, ҳам жисмонан бутунлай тинч ётқизиб қўйиб овқат егандан кейин камида 14 соат вақт ўтказиб аниқланади; бу — ккал/сут ёки ккал/м³соат бирликлари билан ифодаланади; ундан диагнозни ойдинлаштириб олиш ва текшириш мақсадларида фойдаланилади.

Рус. Основной обмен.

Асосий ранглар (син. бирламчи ранглар) — турли хил бирикувларда оптик жиҳатдан қўшилганда бошқа қолган спектрал ранглар (қ.) олиш мумкин бўладиган қизил, яшил ва кўк рангдан иборат учта спектрал ранг.

Рус. Основные цвета; син. первичные цвета.

Атриовентрикуляр тугун — қ. Бўлмача-қоринча тугуни.

Атроф-муҳит ифлосланганлиги — атроф-муҳитнинг гигиеник ҳолати, тавсифи; у — одамлар фаолияти мобайнида атроф-муҳитга тушадиган ва аҳоли соғлиғига ва тирик организмларнинг сақланиб қолишига хавф туғдирадиган турли хил моддаларнинг мавжуд миқдор даражаси билан белгиланади.

Рус. Загрязнённость окружающей среды.

Ачиган сут маҳсулотлари (син. нордон сут маҳсулотлари — эск.) — сутнинг ачишидан (аксари, спиртли ачишидан) ҳосил бўладиган озиқ-овқат маҳсулотлари; мас., сигир сути ёки қимизни ачитиб, ивитиб тайёрланадиган сузма, қатиқ, пишлоқ ва б. лар шулар жумласидандир.

Рус. Кисломолочные продукты; син. молочнокислые продукты — эск.

Ачитқили сут — сигир сутига ёғ ва ун қўшиб ачитқи паста солиб тайёрланган сутли аралашма; болалар овқатининг

калорияси ва биологик қийматини ошириш мақсадида улар овқатига қўшиб берилади.

Рус. Дрожжевое молоко.

Аччиқ — таъм — оғизда (тилда) сезиладиган, оғиз бўшлиғини, айниқса, тилни ачиштирадиган, жиззиллатадиган, ловуллатадиган, баъзан, куйдириб, сўлак оқизадиган ўткир маза; аччиқ таъмли дорилар иштаҳа очиш учун буюрилади; русчада «тахир» лексемаси ўрнида ҳам «горький» сўзи ишлатилади.

Рус. Горький.

Аччиқлар — оғиз бўшлиғидаги аччиқ сезувчи таъм рецепторларини таъсирловчи аччиқ дори воситалар; булар иштаҳани яхшилаш, меъда ширасининг кўпроқ ажралишини таъминлаш хусусиятига эга; тиллабош ер устки қисми, қоқи, аччиқ шувоқ илдизларининг препаратлари ва қалампирлар шулар жумласидандир.

Рус. Горечи.

Ашоф ф - Тавар тугуни — қ. **Бўлмача-қоринча тугуни.**

Аъзо(-лар) — изоҳи I ж.да — қ.

Тузилиши, функцияси, жойлашган ўрни ва б. жиҳатларига кўра у тахминан элик хил бўлади.

Рус. Орган(-ы).

Акцессор а. — қ. **Кўшимча а.**

Аналогик а-лар — бир хил вазифани ўтовчи, тузилиши ва келиб чиқиши жиҳатидан бир-биридан фарқ қилувчи турли хил ҳайвон ва ўсимликларнинг сиртдан ўхшаш аъзолари.

Рус. Аналогичные о.

Гомогенетик а-лар — қ. **Гомологик а-лар.**

Гомодинамик а-лар — бир организмнинг бир хил — гомологик аъзолари; оёқлар, қўллар бунга мисол бўла олади.

Рус. Гомодинамичные о.

Гомологик а-лар (син. гомогенетик а-лар) — бир хил муртак — пуштдан ривож олган, тузилиши бир-бирига ўхшаш бўлган ҳайвонлар ёки ўсимликларнинг аъзолари; бир хил ёки ҳар хил вазифаларни ўтайди.

Рус. Гомологичные о.; син. гомогенетичные о.

Дефинитив а. — шаклланиб бўлган организм танаси таркибига кирувчи аъзо.

Рус. Дефинитивный о.

Инкретор а. — қ. **Эндокрин а.**

Корти а-си — қ. **Спирал а.**

Критик а. — ионлаштирувчи нурланиш таъсирида патологик ўзгаришлар келиб чиқадиган ва шу билан муайян

одам ёки ҳайвондаги нурланиш патологиясининг табиатини ёки оғирлигини белгилаб берадиган аъзо.

Рус. Критический о.

На ф а с а – с и – қ. *Нафас аппарати* (II ж.).

Паренхимали а. – аъзонинг бажарадиган функцияси учун характерли бўлган специфик ҳужайралар мажмуи – паренхима асосий массаси саналадиган аъзо.

Рус. Паренхиматозный о.

Провизор а. – эмбрион ривожланиши учун ҳаётгий муҳим функцияни вақтинча бажариб турувчи аъзо; бирламчи буйрак дастлаб шундай вазифани ўтайди.

Рус. Провизорный о.

Рудиментар а. (син.: рудимент, қолдиқ аъзо) – **филогенез** (қ. II ж.) давомида ўз вазифасини йўқотган, аммо организмнинг бутун ҳаёти мобайнида сақланиб ривожланмаган аъзо.

Рус. Рудиментарный о.; син.: остаточный о., рудимент.

Спирал а. (син. К о р т и а – с и) – чиганоқ йўли қуйи деворининг бўртиғи; у – таркибида эшитув анализаторининг рецептор аппаратини сақлайди.

Рус. Спиральный о.; син. кортиев о.

Тиш а – с и (син. э мал а – с и) – ривожланиш жараёнида тиш пластинкасидан ажраб чиқувчи қалпоқчасимон анатомик тузилма.

Рус. Зубной о.; син. эмалевый о.

Э мал а – с и – қ. *Тиш а – с и.*

Эндокрин а. (син. и н к р е т о р а.) – гормонлар ишлаб чиқарадиган ва қонга қўшиб юборадиган аъзо.

Рус. Эндокринный о.; син. инкреторный о.

Қ ол д и қ а. – қ. *Рудиментар а.*

Қорин парда орти а – лари (син. р е т р о п е р и т о н е а л а.) – қорин парданинг орқа томонида жойлашган аъзолар; буларга – меъда ости беzi, буйрак, сийдик най, буйрак усти безлари киради.

Рус. Забрюшинный о.; син. ретроперитонеальный о.

Қўшимча а. (син. а к ц е с с о р а.) – муайян аъзодан ташқарида ёки у билан бирга юзага келадиган тўқималар тўплами.

Рус. Добавочный о.; син. аксессуарный о.

Аъзо культураси – қ. **Аъзо экмаси.**

Аъзолар ички босими – меъда, қовуқ ва б. аъзолар бўшлиғидаги босим.

Рус. Внутриорганный давление.

Аъзо экмаси (син. аъзо культураси) — одам (ёки хайвон) организмдан ташқарида, яъни махсус шароитда етиштирилган бутун бошли аъзо ёки унинг бир қисми.

Рус. Органная культура.

Ақлий иш лаёқати — қ. **Ақлий иш қобилияти**.

Ақлий иш қобилияти (син.: ақлий иш лаёқати, руҳий иш қобилияти) — ахборотларни қабул қилиш (идрок этиш) ва ишлаб чиқиш қобилияти.

Рус. Умственная работоспособность; син. психическая работоспособность.

Аҳоли зичлиги — у ёхуд бу ҳудудда истиқомат қилувчи аҳолининг миқдорий кўрсаткичи; 1 км² га тўғри келадиган доимий яшовчи одамларнинг сони билан ифодаланadi.

Рус. Плотность населения.

Аҳоли кўчиб юриши (син.: аҳоли механик кўчиб юриши, аҳоли миграцияси) — одамларнинг вақтинча ёки доимий яшаш учун кўчиб келиши-кўчиб кетиши; бу — стихияли ёки режага солинган ҳолда кечади; соғлиқни сақлашни режалаштиришда ҳисобга олиниши керак.

Рус. Переселение; син.: движение населения механическое, миграция населения.

Аҳоли санитария аҳволи — қ. **Аҳоли соғлиқ аҳволи**.

Аҳоли сони табиий ўзгариши — муайян ҳудуд аҳолиси сонининг асосий демографик жараёнлар — туғилиш ва ўлиш ҳисобига ўзгариб туриши.

Рус. Естественное движение населения.

Аҳоли соғлиқ аҳволи (син. аҳоли санитария аҳволи) — аҳолининг қатор демографик кўрсаткичларини, касалланиш ва жисмоний ривожланиш даражаларини талқин қилувчи ёки умумлаштирувчи аҳоли саломатлигининг ижтимоий-гигиеник жиҳатдан комплекс тавсифи.

Рус. Состояние здоровья населения; син. санитарное состояние населения.

Аҳоли қайта тикланиши — авлодларнинг табиий алмашиниш жараёни ҳисобига аҳоли сонининг ўзгариб туриши.

Рус. Воспроизводство населения.

-Б

Балиқлар — жабралари билан нафас оладиган, сузгичли, юраги икки камерали, тана ҳарорати доимий бирдай бўлмайдиган сув умуртқалилар иккита синфининг умумий номи; кўп Б. турлари истеъмол қилинади; Айрим Б. одам

учун патоген бўлган гижжаларининг оралиқ хўжалари ҳисобланади; баъзилари заҳарли.

Рус. Рыбы.

Балоғат ёши — ЎЗР Қонуни фуқоронинг жисмоний лаёқати, маънавий ва юридик салоҳияти тўла-тўқис етилганлигини тасдиқловчи ўспиринларнинг 18 ёши; 18 ёшдан бир соат — бир кун ўтгандан бошлаб кучга киради; Б.ё—ига етган-етмаганлик баҳс-мунозарали бўлганда уни аниқлаш суд-тиббийет экспертизаяси ваколатига киради.

Рус. Совершеннолетие.

Балчиқ давохонаси — шифобахш балчиқлар билан даволашга мўлжалланган даволаш-профилактик муассаса — шифохона.

Рус. Грязелечебница.

Балчиқ кўл — тубида қисман ёки бутунлай сульфидли балчиқ, балчиқсимон чиринди (сапропель) ёки гил чўкиндилари (лой) бўладиган кўл.

Рус. Грязевое озеро.

Балчиқ намлиги — шифобахш балчиқдаги сувнинг процентларда ифодаланган миқдори.

Рус. Влажность грязи.

Балчиқ намлик сиғими — шифобахш балчиқнинг тўла тўйинган ҳолатида унинг ўзида сақлаган сув ҳажми.

Рус. Влажность грязи.

Балчиқ тайёрлаш хонаси — қ. **Балчиқхона**.

Балчиқхона (син. балчиқ тайёрлаш хонаси) — балчиқ билан даволаш муолажалари учун балчиқ тайёрлашга мўлжалланган балчиқ давохонасида ажратилган хона.

Рус. Грязевая кухня.

Балчиқ эртимаси — таркибида тузлар, органик моддалар ва газ бўладиган шифобахш балчиқларнинг суюқ таркибий қисми.

Рус. Грязевой раствор.

Балғам (син. қоқирик) — изоҳи I ж. да — қ. Унинг саккиздан ортиқ хили бор.

Рус. Мокрота.

Зангсимон б. — нафас йўлларида айниган гемоглобин бўлганида балғамга занг рангли киритмалар қўшилишидан юзага келган қонли балғам; зотилжам ва ўпка силида кузатилади.

Рус. Ржавая м.

Йирингли б. — йиринг аралашган, йирингли тус олган балғам; ўпкадаги абсцесс ёрилиб бронх ичига қуйилган ҳолларда кузатилади.

Рус. Гнойная м.

Марваридсимон б. — шакли юмалоқ, ранги хира-оқ киритмали балғам; атипик хужайралар ва детритлардан таркиб топган; бронхларнинг ясси хужайрали раки — саратонида кўриш мумкин.

Рус. Жемчужная м.

Сероз б. — ўпка шишида ажраладиган суюқ кўпикли балғам.

Рус. Серозная м.

Уч қатламли б. — тиндириб кўйилганида уч қатламга ажралиб қоладиган бир талай йирингли балғам; устки қатлами — кулрангнамо кўпикли, ўрт қатлами — тиниқ сувсимон, пастки қатлами — гунгурт кулранг-яшил тусда бўлади; таркибини йиринг ва ўлган тўқималар ташкил қилади; ўпка гангренага учраганида кузатилади.

Рус. Трехслойная м.

Чириган б. — чириган ҳид анқиб турадиган йирингли балғам.

Рус. Гнилостная м.

Шиллиқ б. — таркибида деярли хужайра элементлари учрамайдиган рангсиз, тиниқ, ёпишқоқ балғам.

Рус. Слизистая м.

Қонли б. — қон аралашган балғам; нафас йўлларида қон чиққанда кузатилади.

Рус. Кровянистая м.

Бармоқлар — илмий тиббиётда — қўл кафти ва оёқ кафти бўғимлари оралиғидаги ёриқ билан чегараланган қўл панжа билан оёқ панжанинг дистал қисми.

2. *Халқ табобатида* — қўл панжа билан оёқ панжанинг чекка ярмидан бошланиб беш тармоққа бўлинган ва ҳар қайси тармоқ бўғимлар орқали ўзаро бирикиб турадиган ва охириги учларида тирноқлар жойлашган ҳаракатчан қисми.

Рус. Пальцы.

Бармоқлар нақши — қўл панжа бармоқларининг охири **фаланг** (қ. II ж.)ги терисидаги тароқсимон нақшлар; одам ирсиятини ўрганишда, ҳуқуқ бузарликни аниқлашда фойдаланиладиган далил-исбот.

Рус. Пальцевые узоры.

Бармоқ нуқтаси (син. дактилион) — қўл панжанинг ўрта бармоғи учидаги энг баланд юмшоқ нуқта; антропометрик нуқта.

Рус. Пальцевая точка; син. дактилион.

Бармоқ ретикуляр лимфангити — қ. *Лимфатик хасмол.*

Бартолин йўли — қ. **Катта тил ости йўли.**

Бацилла ташувчи — қ. **Юқум ташувчи.**

Бацилла ташувчилик — қ. **Юқум ташувчилик.**

Бачадон букилмаси — бачадон танаси ўқи билан бўйни ўқи оралигида юзага келган ҳолат; нормал ҳолат.

Рус. Перегиб матки.

Бачадон букламаси — қ. **Бачадон ретрофлексияси** (III ж.).

Рус. Загиб матки; ас.т. **Ретрофлексия матки.**

Бачадон бўшлиғи — бачадон танасининг эндометрий тўшалган ички макони.

Рус. Полость матки; син. маточная полость.

Бачадон воситалари — бачадон силлиқ мушак пардаси — миометрийнинг қисқариш фаолиятини кучайтирувчи дори воситалар; окситоцин, эргометрин ва б. лар шулар жумласидандир.

Рус. Маточные средства.

Бачадон ички босими — аёлнинг ҳомиладорлик даврида юзага келган бачадон бўшлиғидаги босим; у — бачадон тонуси ўзгариши ва қағоноқ суви ҳажмига боғлиқ равишда ўзгариб туради.

Рус. Внутри маточное давление.

Бачадон найига ҳаво юбориш — (син. пертубация) бачадон найи ўтказувчанлигини тиклаш мақсадида унга бачадон орқали босим билан ҳаво юбориш.

Рус. Продувание маточных труб; син. пертубация.

Бачадон найи оғзи — қ. **Бачадон найи тешиги.**

Бачадон найи тешиги (син. бачадон найи оғзи) — бачадон деворидаги бачадон туби соҳасида жойлашган тешик; шу тешик орқали бачадон бўшлиғи бачадон найининг қаваги билан тугашиб туради.

Рус. Отверстие трубы маточное; син. устье маточной трубы.

Бачадон найи тораймаси — бачадон найининг бачадонга яқинлашган бир текис сиқик бўлими.

Рус. Перешеек маточной трубы.

Бачадон найи қорин тешиги — бачадон найи варонкасидаги устки тешик; тухумдондан ажралган тухум хужайра қоринга шу тешик орқали ўтади.

Рус. Отверстие маточной трубы брюшное.

Бачадонни қинга бириктириб қўйиш — бачадон паст тушиб қолганида ва ҳаракатчан бачадон ретрофлексияси (к. II ж.)да бачадонни қин деворига тикиб бириктириб қўйиш амали.

Рус. Вагинофиксация матки.

Бачадон тешиги (син. бачадон томоғи) — бачадон бўйни каналининг ташқи тешиги; шу тешик орқали бачадон бўйни канали қин ичи билан тугашиб туради.

Рус. Отверстие матки; син. маточный зев.

Бачадон тешиги лаблари — бачадон тешигининг қин бўшлиғига қараган эркин жияклари; бу — *Олд ва Ортки бачадон тешиги лаблари* деб иккига тафовут қилинади.

Рус. Губы отверстия матки.

Бачадон тораймаси — бачадон танаси билан бўйни оралиғидаги сиқик жой.

Рус. Перешеек матки.

Бачадонча-қапча йўли — ички қулоқ ноғорасимон лабиринтининг эллиптик ва сферик қопчаларини туташтириб турувчи канал.

Рус. Маточно-мешочковый канал.

Бачкана нутқ — беморнинг ўз гапига тилёглама оҳанг бериб, кичрайтирма сўзлар ишлатиб миси чиқиб кетган мақтов сўзлар топиб мулойим силлиқ сўзлаши; бунга нутқ бузилган сифатида қаралади; *эпилепсия*, баъзи бир *психопатия* (қ. II ж.) касалликларида учрайдиган ҳол.

Рус. Слащавая речь.

Бағир — 1. *Тиббиётда* — аъзо ва тузилмалар этли қисмининг ораси; мас., айрим вакцина — эмдорилар тери (остига ҳам эмас, сиртига ҳам эмас) бағрига (демак, орасига) юборилади; луғатда бунга мисоллар кўп — эътибор беринг.

2. *Халқ орасида* — бағир — нсон жисми, танаси, вужудининг олд қисми (асосан кўкрак, кўкс оралиғи, тўш); Инсон ўз ота-онаси, меҳр-муҳаббат қўйган яқинларидан айрилганда ғам-андухдан унинг ана шу бағри — кўкраги эзилади, кўкси ичига ботиб кетаётгандай оғирлик сезади. Бундай қудратли, шафқатсиз аламни инсон бир ёки икки мартагина ҳис қилади, халос. Шунда ҳам ҳамма эмас.

3. **Бадий адабиётда** — «бағир»ни «жигар» деб аташ расм бўлган бўлса ҳам, тиббиётда уни «жигар» деб бўлмайди.

Башара буруштириш — ички ҳис-туйғуларга боғлиқ бўлмаган, ташқи шарт-шароитга алоқаси йўқ ҳолатда мимикани — юзни бужмайтириш.

Рус. Гримасничанье.

Бедорлик — *тиббиётда* — мия фаолиятининг фаол даражаси билан изоҳланадиган одамнинг руҳий ҳолати.

Рус. Бодрствование.

Бежигар сарғайма (син.: ангепатик сарғайма, экстрагепатал сарғайма) — жигар паренхималари дардга чалинган-чалинмаганлигига боғлиқ бўлмаган сарғайма.

Рус. Внепечёночная желтуха; син.: ангепатическая желтуха; экстрагепатальная желтуха.

Без I — қ. I ж.; унинг 100 дан ортиқ хили бор.

Рус. Железа (-ы).

Айрисимон б. (син.: буқоқ беzi, тимус) — олд кўкс оралиғининг юқори бўлимида жойлашган без; хужайравий иммунитет механизmlарининг шаклланиш ва фаолият кўрсатиш функцияларини бошқариб туради; А. б. фаолиятининг издан чиқиши буқоқ касаллиғига олиб келади.

Рус. Вилочкова ж.; син.: зобная ж., тимус.

Альвеолали б. — охирги секретор қисми альвеолалар тузилишини олган без.

Рус. Альвеолярная ж.

Аралаш б. — қ. *Гетерокрин б.*

Бартолин б-зи — қ. *Катта қин даҳлизи б-зи.*

Бачадон б-злари — бачадон шиллиқ пардаси — эндометрида жойлашган оддий найсимон шиллиқ безлари.

Рус. Маточные ж.

Бронхлар б-лари — бронхлар деворидаги шиллиқ ости асосларида жойлашган шиллиқлар ишлаб чиқарувчи сероз-шиллик безлари.

Рус. Ж. бронхов.

Бруннер б-злари — қ. *Ўн икки бармоқ ичак б-злари.*

Буқоқ б-зи — қ. *Айрисимон б.*

Гетерокрин б. (син.: аралаш б., поликрин б.) — бир вақтнинг ўзида *бир неча хил* секретлар ишлаб чиқарадиган ва ажратадиган без; сероз ва шиллиқ ажратадиган безлар шу тоифага киради.

Рус. Гетерокринная ж.; син.: поликринная ж., смешанная ж.

Голокрин б. — гландулоцитлари — без хужайралари бутунлай емирилиб кетиши оқибатида секрет чиқарадиган без; ёғ без шу тоифага киради.

Рус. Голокринная ж.

Гомокрин б. (син. монокрин б.) — фақат *бир хил* секрет ишлаб чиқарадиган ва ажратадиган без.

Рус. Гомокринная ж.; син. монокринная ж.

Дуоденал б.лар — қ. *Ўн икки бармоқ ичак б-злари.*

Ёш б. — пешонанинг ёш чуқурчасида жойлашган мураккаб бир жуфт найсимон-альвеолали без; ёш суюқлигини ажратади; кўз конъюнктивал қопчасининг латерал—чекка қисмига йўл очган.

Рус. Слёзная ж.

Ёғ б. — оддий альвеолали голокрин без; тери ёғини ишлаб чиқаради.

Рус. Сальная ж.

Заҳарли б-злар — ишлаб чиқарган секретни одам ва ҳайвонлар учун заҳарли бўлган жонзотлар беши; яна қ. I ж.

Рус. Ядовитые ж.

Катта қин вестибуляр б-зи — қ. *Катта қин даҳлизи б-зи*.

Катта қин даҳлизи б-зи (син.: Бартолин б-зи, катта қин вестибуляр б-зи) — қин даҳлизи пиёзчасининг ортки қисмида жойлашган мураккаб найсимон-альвеолали без; унинг чиқарув йўли кичик уятлиқ лабларнинг медиал (ўрта) чеккасига очилади; таркибида муцин ва қин деворини намловчи шиллиқ тугади.

Рус. Ж. преддверия большая; син.: ж. бартолинова, вестибулярная ж. большая, преддверная ж. большая.

Кичик вестибуляр б. — *Кичик қин даҳлизи б-зи*.

Кичик қин даҳлизи б-зи (син. кичик вестибуляр б.) — кичик уятлиқ лабларда жойлашган мураккаб найсимон-альвеолали ёғ без.

Рус. Ж. преддверия малая; син.: вестибулярная ж. малая, преддверная ж. малая.

Конъюнктивал б-злар (син. Краузе б-злари) — кўз конъюнктиваси шиллиқ пардаларида жойлашган найсимон-альвеолали шиллиқ безлар.

Рус. Конъюнктивальные ж.; син. ж. Краузе.

Краузе б-злари — қ. *Конъюнктивал б-злар*.

Кўкрак — қ. *Сут б.*

Кўкрак б-зи — қ. *Сут б.*

Мамма — қ. *Сут б.*

Меъда б-злари — меъданинг асл шиллиқ пардаси қаватида жойлашган ва меъда ширасини ишлаб чиқарадиган безларнинг умумий номи; асл (фундал), кардиал ва пилорус безлари фарқ қилинади.

Рус. Желудочные ж.

Меъда ости б-зи — меъда ва чарви халтаси орқасида қорин парда ортидаги маконда жойлашган ташқи ҳамда ички секретция беши; овқат ҳазм қилиш ферментлари ва гормонлари ишлаб чиқаради; булар карбонсув ва липидлар алмашинувини бошқаришда қатнашадиган секретлар саналади.

Рус. Поджелудочная ж.

Монокрин б. — қ. *Гомокрин б.*

Найсимон-альвеолали б. — охирги қисмлари ҳам найга, ҳам альвеола тузилишига ўхшайдиган мураккаб безлар.

Рус. Трубчато-альвеолярная ж.

Найсимон б. — охирги қисми най шаклини олган без.

Рус. Трубчатая ж.

Овқат ҳазм қилиш б-злари — овқат ҳазм қилиш йўллари бўйлаб жойлашган ва овқат ҳазмида қатнашадиган моддалар ажратадиган безларнинг умумий номи.

Рус. Пищеварительные ж.

Оқсил б. — қ. *Сероз б.*

Паратиреоид б-злар — қ. *Қалқонсимон б. олди б-злари.*

Поликрин б. — қ. *Гетерокрин б.*

Простата б-зи (син. *простата*) — эркакнинг сийдик чиқариш канали бошланғич қисми атрофида жойлашган без; шаҳват таркибига кирадиган секрет ишлаб чиқаради; эркакларнинг жинсий қувватида бу безнинг аҳамияти катта.

Рус. Предстательная ж.; син. *простата.*

Простатик б-злар — простата б-зи таркибига кирадиган найсимон-альвеолали безлар; елимшак, ёпишоқ суyoқ оқсилли лойқанамо секрет ишлаб чиқаради; шаҳват таркибида ташқарига ажраб чиқади.

Рус. Простатические ж.

Ривинус б-зи — қ. *Тил ости б*зи.*

Сероз б. (син. *оқсил б.*) — ишлаб чиқарадиган секретни оқсил табиатли маҳсулотдан таркиб топган без; сувда осонгина суюлади.

Рус. Серозная ж.; син. *белковая ж.*

Сут б. (син.: *кўрак*, *кўрак б-зи*, *мамма*, *эмчак*) — эпидермадан келиб чиққан бир жуфт апокрин без; аёлларда туғруқдан кейин—эмизикли даврда сут ишлаб чиқаради; яна қ. I ж.

Рус. Молочная ж.; син.: *грудь*, *грудная ж.*

Сўлак б-злар — ўлчамлари (катталиги), тузилиши — структураси ва жойлашган ўрни турлича бўлган, сўлак (тупук) ишлаб чиқарадиган безларнинг умумий номи; лаб, ёноқ (ва б.) безларидан иборат *Кичик с. б-злари* ва қулоқ ён б-зи, пастки жағ ости беzi, тил ости беziдан иборат *Катта с. б-злари* тафовут қилинади.

Рус. Слюнные ж.

Тер б-злар — терида жойлашган оддий найсимон безлар; улар лабнинг қизил жиякларида, эркак олатининг бош қисмида, аёллар тиллигининг бошчасини қоплаб турган тери дубликатурасида бўлмайди; асосан тер ажратади; одам ва аксари ҳайвонлар тер ажратиш билан гавда ҳароратини бирдай ушлаб туради; аммо ит ва мушуксимон ҳайвонларда тер безлар бўлмаслиги туфайли улар гавда ҳароратини тил ва ўпка орқали меърида тутиб туради.

Рус. Потовые ж.

Тил ости б-зи (син. Ривинус б-зи) — оғиз бўшлиғи тубида жойлашган найсимон-альвеолали бир жуфт сўлак беzi.

Рус. Подъязычная ж.; син. ж. Ривинуса.

Тимус — қ. *Айрисимон б.*

Шиллиқ б. — таркибида муцин ёки псевдомуцин—сохта муцин бўладиган секрет ишлаб чиқаради.

Рус. Слизистая ж.

Ўн икки бармоқ ичак б-злари (син.: Бруннер б-злари, дуоденал б-злар) — ўн икки бармоқ ичак ва очичак бошланғич қисми шиллиқ ости асосида жойлашган мураккаб найсимон безлар; ичак шираси ишланиб чиқишида иштирок этади.

Рус. Дуоденальные ж.; син.: ж. бруннеровы, ж. двенадцатиперстной кишки.

Ўт қопи б-злари — ўт қопи бўйин соҳаси шиллиқ пардасида жойлашган найсимон ва найсимон-альвеолали шиллиқ безлар.

Рус. Ж. жёлчного пузыря.

Қалқонсимон б. — бўйин олд соҳасининг курак-кекирдак учбурчагида жойлашган ички секреция беzi; бўйинчалари билан бирикиб турган икки бўлақдан иборат; моддалар алмашинувини, бўй ўсишини ва организм ривожланишини рағбатлантириб турувчи гормонлар ишлаб чиқаради.

Рус. Щитовидная ж.

Қалқонсимон б. олди б-злари (син.: паратиреоид б-злар, эпителиал таначалар) — қалқонсимон б. орқа (олди—*шартли*) юзасида жойлашган овал-тухум шаклидаги таначалар кўринишини олган ички секреция безлари; организмда кальций ва фосфор алмашинувини бошқаришда иштирок этадиган гормон ишлаб чиқаради.

Рус. Паращитовидные ж.; син.: околощитовидные ж., паратироидные ж., эпителиальные тельца.

Ҳиқилдоқ б-зи — ҳиқилдоқ олд юзасининг шиллиқ пардасида ва овоз бойламлари бағрида жойлашган шиллиқ ишлаб чиқарадиган сероз-шиллиқ без.

Рус. Ж. гортани.

Без II — қ. I ж.

Безгак — изоҳи I ж.да — қ.; келиб чиқиши, кечиши, оғир-енгиллиги ва б. клиник манзараларига кўра Б.нинг ўн олтида хили (формаси) маълум.

Рус. Малерия.

Аралаш б. — бир кишига бир неча хил безгак қўзғатувчилари юқишидан юзага келган безгак.

Рус. Смешанная м.

«*Барқарор*» б. — жамоатнинг Б.ка бўлган иммунитети паст бўлганда инфекция тарқалган пайтда ҳам, бир неча йил сидирғасига ҳам аҳолининг дардга тортилиши барқарор бўлиб туриши билан таърифланадиган безгак.

Рус. «Стойкая» м.

«*Беқарор*» б. — жамоатнинг Б.ка бўлган иммунитети паст бўлганда инфекция тарқалган пайтда ҳам, йилдан-йилга ҳам аҳолининг дардга тортилиши анчагина фарқланиб туриши билан таърифланади.

Рус. «Нестойкая» м.

Бромелиев б-ги — Жанубий ва Марказий Америкада ўсадиган бромелиев ўсимликларида кун кўрадиган *Anopheles* чивини турларидан бири юкум юқтирадиган безгак; бу безгакда сув ҳавзалари эпидемиологик аҳамият касб этмайди; безгакнинг нозогеографик вариантларидан бири.

Рус. Бромелиевая м.

Гиперэндемик б. — аҳолиси кўплаб дардга тортилиб турадиган ҳудудда қайд қилинадиган безгак; бунга 2–9 яшар болаларнинг 50%и ва катталарнинг кўпчилиги талоқ катталашган индекс бўйича касалланганлар киради.

Рус. Гиперэндемичная м.

Гипоэндемик б. — аҳоли дардга кам сонда тортилган жойларда қайд қилинадиган безгак; 2–9 ёшли болаларда талоқ катталашган безгак индекси 10%дан ошмайди.

Рус. Гипоэндемичная м.

Голоэндемик б. — аҳоли дардга кўплаб тортилган жойларда қайд қилинадиган безгак; бир ёшгача бўлган болаларда талоқ катталашган безгак индекси ҳамиша 75%дан ошиқ бўлади.

Рус. Голоэндемичная м.

Мезоэндемик б. — аҳоли дардга ўртача сонда тортилган жойларда қайд қилинадиган безгак; 2–9 ёшли болаларда талоқ катталашган безгак индекси 11–50% атрофида бўлади.

Рус. Мезоэндемическая м.

Овале б-ги — *Plasmodium ovale* келтириб чиқарадиган Б.нинг бир хили; кечкурунлари ёки тунлари 48 соат оралатиб пароксизмлар—касалик ҳолати мунтазам қайталаниб туриши билан ажралиб туради; енгил кечади.

Рус. Овале м.

Пернициоз б. — тропик безгакнинг оғир кечувчи хилларининг умумий номи.

Рус. Пернициозная м.

Трансфузион б. (син. эмлаш б-ги) — паразит ташувчи-донор қонини соғ одамга қуйиш (ёки безгакни даволаш) пайтида ёхуд безгакли беморга урилган асбобларни б. одамга ишлатганда юқадиган безгак.

Рус. Трансфузионная м.; син. прививная м.

Тропик б. — Plasmodium falciparum келтириб чиқарадиган, иссиқ иқлим мамлакатларида учрайдиган безгак; 48 соатдан кейин юзага чиқадиган, узоқ давом этувчи пароксизмлар билан кечадиган, ациклик ҳамда кескин интоксикациялар кузатиладиган безгак хили.

Рус. Тропическая м.

Тўрт кунлик б. — Plasmodium malariae келтириб чиқарадиган безгакнинг клиник хили; 72 соат оралатиб мунтазам пароксизмлар бошланиб туриши билан ажралиб туради.

Рус. Четырёхдневная м.

Туғма б. — патологик ўзгаришларга учраган плацента орқали ёки туғруқ вақтида юкум юқиб қоладиган чақалоқлар безгаги.

Рус. Врождённая м.

Уч кунлик б. — ҳар 48 соатда мунтазам пароксизмлар билан юзага чиқадиган безгакнинг клиник хили; буни Plasmodium vivax нинг иккита тури: инкубацион даври 6–13 ойга чўзиладиган шимолий тури — P.v.hibernans ва инкубацион даври 7–21 кунга чўзиладиган жанубий тури — P.v.vivax келтириб чиқаради.

Рус. Трёхдневная м.

Эмлаш б-ги — қ. *Трансфузион б.*

Яшиндек тезкор уч кунлик б. — хавфли кечадиган уч кунлик безгакнинг кам учрайдиган вариантларининг умумий номи; иситмали пароксизмларнинг қайсидир бирида хуруж бошлангандан кейин бир неча соат ичида беморнинг ўлими билан тугайди; баъзан болалар нотўғри даволаш оқибатида ҳам нобуд бўладилар.

Рус. Трёхдневная м. молниеносная.

Безгакка қарши воситалар — безгакни даволаш ва олдини олишда ишлатиладиган дори воситалар; акрипин, бигумаль, хингамин, хлоридин ва б.лар шулар жумласидандир; яна қ. I. ж.

Рус. Противомаларийные средства.

Безли майдон — барча ҳужайралари секрет ажратадиган эпителий қисми; меъда шиллиқ пардаси эпителийси, бачадон шиллиқ пардаси — эндометрий эпителийси ва б. лар шулар жумласидандир.

Рус. Железистое поле.

Бел соҳаси — белнинг иккига бўлинган бир жуфт соҳаси; у — юқоридан — XII қовурға; пастдан — ёнбош суяги қирраси, латерал — ён томондан — ортки қўлтиқ чизигининг ёнбош суяги қиррасигача, медиал — ўртадан умуртқа чизиги ёки ортки ўрта чизик билан чегараланиб туради.

Рус. Поясничная область.

Бел учбурчаги (син.: Петитов учбурчаги, Пти учбурчаги) — орқада пастдан — ёнбош қирраси, ўртадан — бел энг сербар мушаги чеккаси, ёндан — қорин ташқи қия мушаги билан чегараланган орқа қорин девори соҳаси; бел чурраси чиқадиغان жой.

Рус. Поясничный треугольник; син.: петитов треугольник, Пти треугольник.

Бел-қовурға учбурчаги (син.: Бохдалек ёриғи, Бохдалек учбурчаги) — диафрагманинг уни бел ва қовурға қисмларга бўлиб турувчи, мушак толаларидан маҳрум бўлган учбурчак соҳаси.

Рус. Пояснично-рёберный треугольник; син.: треугольник Бохдалека, шель Бохдалека.

Беморларни парвариш қилувчи ҳамшира — қ. **Кичик ҳамшира.**

Беморни уйда парвариш қилиш — бемор уйда унинг аҳволини енгиллатиш ва соғайиб кетишига имкон яратишга қаратилган санитария-соғломлаштириш тадбирлари ва тиббий муолажалар мажмуи; беморни шахсий гигиенага ўргатиш ишлари ҳам шунга қиради; буни аксарият патронаж ҳамшира бажаради.

Рус. Уход за больным на дому.

Беморни парвариш қилиш (син. гипургия) — беморнинг аҳволини енгиллатиш ва соғайиб кетишига имкон яратишга қаратилган санитария тадбирлари ва тиббий муолажалар мажмуи.

Рус. Уход за больным; син. гипургия.

Бемор ҳақида хабарнома — тиббиёт муассасасида беморга биринчи марта қўйилган диагноз (силнинг актив хили (формаси), таносил касаллиги, трихофития, микроспория, кал, шилпиқ, хавфли ўсма) ҳақида тўлдириладиган тезкор ҳисобга олиш тиббиёт ҳужжати; тегишли диспансерга жўнатилади.

Рус. Извещение о больном.

Бепуштлик — таърифи I ж.да — қ.

У — сабаби, келиб чиқиши ва муддатига кўра бир неча хил бўлади.

Рус. Бесплодие.

Аёллар б-ги — қ. I ж.

Бирламчи а. б-ги — сақланмаган ҳолда жинсий ҳаёт кечирувчи аёлларда бирон марта ҳам бўйида бўлмаслик ҳолати кузатиладиган аёллар бепуштлиги.

Рус. Первичное ж. б.

Иккиламчи а. б-ги — бир ёки бир неча ҳомиладорликни бошидан кечиргандан кейин икки йилдан ортиқ ҳомиладор бўлмаган аёллар бепуштлиги.

Рус. Вторичное ж. б.

Мутлоқ а. б-ги — бачадон бўлмаслиги, бачадоннинг оғир даражали **гипоплазия** (қ. II ж.)си, тухумдонлар йўқлиги, жинсий аъзолар норосолиги ва б. сабаблар туфайли ҳомиладор бўлиш имкониятининг бутунлай инкор этилиши билан боғлиқ аёллар бепуштлиги.

Рус. Абсолютное ж. б.

Эндокрин а. б-ги — эндокрин безлар ўзаро таъсири издан чиқиши муносабати билан овуляция циклининг бузилишидан юзага келган аёллар бепуштлиги.

Рус. Эндокринное ж. б.

Эркаклар б-ги — қ. I ж.

Секретор э. б-ги — эркак ҳужайраси ривожланиши ва сперма юзага келиши — сперматогенез издан чиқиши билан боғлиқ эркаклар бепуштлиги; мойк ва ортиқларининг норосолиги ёки дардга чалинганлиги, моддалар алмашинуви бузилиши ва эндокрин регуляцияси издан чиқиши сабаб бўлиши мумкин.

Рус. Секреторное м.б.

Эксретор э. б-ги — шаҳват отилиб чиқмай қўйишидан юзага келган эркаклар бепуштлиги; бу — уруғ йўли ривожланмай қолган, уруғ ташқарига чиқмайдиган бўлиб қолган ҳолларда кузатилади.

Рус. Экскреторное м.б.

Белтутгич — қ. **Рослагич**.

Бетовуш овоз — *психиатрияда* — артекуляция (қ. II ж.) сақлангани ҳолда шивирлашдан ҳам паст овозда секин гапириш; оғир кечаётган **депрессия** (қ. II ж.) симптоми.

Рус. Беззвучный голос.

Бехтеров нуқтаси — қ. **Оёқ кафти нуқтаси**.

Бигизсимон бўртиқ — ўрта кулоқ ноғора бўшлигининг бўйинтуруқ деворидаги дўмбайма.

Рус. Шиловидный выступ.

Бигизсимон нуқта — тирсак суяги бигизсимон ўсимтасининг энг дистал (чекка) нуқтаси; антропометрик нуқта.

Рус. Шиловидная точка.

Бигизсимон ўсимта – 1. Тирсак суягининг латерал (чекка) юзасида жойлашган унинг дистал (нариги) учидаги ўсимта.

2. Тирсак суягининг медиал (ўрта) юзасида жойлашган унинг дистал (нариги) учидаги ўсимта.

3. Пирамиданинг пастки юзасида жойлашган чакка суягининг чўзилиб чиққан ўткир учли ўсимтаси.

Рус. Шиловидный отросток.

Билак – қўлнинг тирсак билан қўл панжа (кафт) орасидаги қисми.

Рус. Предплечье.

Билак суяги бошчаси – билак суягининг проксимал (марказга яқин) охириги қисми; елка суяги бошчаси билан тирсак суяги бошчаси жойлашадиган (туташадиган) бўғим юзасига эга.

Рус. Головка лучевой кости.

Бирдай сақловчи муҳит (син. бирдай сақловчи озиқа муҳити) – **экма** (қ. I ж.) – культура хужайраларининг ҳеч бир ўзгаришсиз, катталаштирмай узоқ сақланишини таъминловчи озиқа муҳити.

Рус. Среда поддержки; син. питательная среда поддерживающая.

Бирдай сақловчи озиқа муҳити – қ. **Бирдай сақловчи муҳит**.

Биринчи келиш – қ. **Бирламчи мурожаат**.

Бирламчи буришган буйрак (син. артериоартериоло-склеротик буйрак) – артериолалари склерозга учраши оқибатида бурушган буйрак; гипертония касаллигида ва атеросклерозда кузатилади.

Рус. Первично-сморщенная почка; син. артериоартериоло-склеротическая почка.

Бирламчи жароҳат битиши – жароҳат четларининг фибрин лаҳталари билан бирикиб усти қорақўтир боғлаши ва остида фибриннинг грануляцион тўқима билан алмашилиши, сўнг эпителий юзага келиб жароҳат битиши ва ўрнида ингичка чандиқ ҳосил бўлиши.

Рус. Заживание первичным натяжением.

Бирламчи жароҳат тозалаш – травматик шиш юзага келишининг олдини олиш мақсадида жароҳатни ён-атрофидаги тўқималар билан қисиб ичидаги рутубатларни ташқарига чиқариб юбориш.

Рус. Очищение раны первичное.

Бирламчи кавак қуртлар – қ. **Юмалоқ қуртлар**.

Бирламчи муурожаат (син. биринчи келиш) – *тиббийта* – бир календар йилида биринчи бор шу касаллик бўйича ёки шу касаллик бўйича муурожаат қилинган олдинги йиллардан бери биринчи марта тиббий ёрдам сўраб муурожаат этишлик; Б.м. аҳоли касалланишининг шу муурожаат бўйича ҳисоб бирлигига хизмат қилади.

Рус. Первичное обращение; син. первичное посещение.

Бирламчи ранглар – қ. **Асосий ранглар**.

Биров қилган туш – беморнинг кимдир атайлаб шу тушни менда юзага келтирди, деб восвос хаёлга бориши; Кандинский–Клерамбо синдромининг юзага чиқиши.

Рус. Сделанные сновидения.

Бир шохли бачадон – бир шохи меъёрида ривожланган, иккинчи шохи ривожланмай қолган бачадон; туғма ривожланиш нуқсони.

Рус. Однорогая матка.

Битишма буйрак – иккала буйракнинг ўзаро битишиб қолган ҳолати; эмбрионнинг ривожланиш стадияларида юзага келади; туғма ривожланиш нуқсони.

Рус. Сращённая почка.

Биш ёғ танаси – қ. **Бўртиқ ёноқ**.

Болалар боғчаси – 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар ижтимоий тарбияланадиган муассаса; у – халқ таълими ташкилотлари, корхона, ташкилот ва б. идоралар тасарруфида фаолият кўрсатади.

Рус. Детский сад; син. детсад.

Болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш – болалар (14 ёшгача) ва ўсмирлар (15–18 ёшгача)нинг жисмоний ривожланишини мустаҳкамлаш, касалликка чалинишлари, шикастланишлари ва бахтсиз ҳодисаларга йўлиқишларининг олдини олишга қаратилган давлат ва жамиятнинг тиббий-ижтимоий тадбирлари системаси.

Рус. Охрана здоровья детей и подростков.

Болалар жарроҳи – болалар касалликлари ва шикастланишлари, шунингдек туғма нуқсонларига диагноз қўйиш ва жарроҳий операциялар ўтказиб даволаш методлари бўйича махсус тайёргарликдан ўтган мутахассис-врач.

Рус. Детский хирург.

Болалар муассасалари – 14 ва 14 ёшгача бўлган болаларга хизмат кўрсатадиган даволаш-профилактик ва таълим-тарбия муассасаларининг умумий номи; булар соғлиқни сақлаш, халқ таълими ташкилотлари, корхона ва ташкилотлар тасарруфида фаолият кўрсатади.

Рус. Детские учреждения.

Болалар уйи — туғилгандан то 3 ёшгача бўлган етим болалар, ёлғиз оналар боласи, талабалар оиласига мансуб болалар, ота-онаси оғир касалликка чалинган болалар, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганлар боласи боқиб-тарбияланадиган даволаш-профилактик муассаса; соғлиқни сақлаш ташкилотлари тасарруфида фаолият кўрсатади.

Рус. Дом ребёнка.

Болалар уни — таркиби: бугдой уни (асос), тухум кукуни, қуруқ сут, шакар, сариеғ ва ош туздан иборат озиқа маҳсулоти; бир ёшгача бўлган болаларга қўшимча овқат ўрнида тайёрлаб берилади.

Рус. Детская мука.

Болалик муғамбирлиги — болаларнинг болаларча устомонлигидан, катталар пайқамайди, сезмайди, билмайди деган фикрдан, катталар бунга қодир эмаслар деган тушунчадан келиб чиқадиган муғамбирлик; бу — болаларнинг ўзлари катталарнинг анча нарсалар билишларини билмасликлари, ундан воқиф эмасликлари оқибатидир; қиёсланг: «**Қарилик муғамбирлиги**».

Рус. Детская хитрость.

Болалик қайтиши — *геронтологияда* — ҳали эси қирмаган болаларда кузатиладиган камолига, такомилига етиб улгурмаган болаликдаги инсоний хислатларнинг қариликда такрорланиши; бу — одамзодда кейин — ҳаёт мобайнида ривож топиб борган олий нерв фаолияти қариганда олдин саёзланиб, ўтмаслашиб, чекланиб, маъносизланиб бориши билан боғлиқ равишда юзага чиқади.

Бунда — болаликдаги атай-чечайлик, гаплардаги пойтар-сойтарлик, аразғўйлик, интиқлик, бир нарсани қайта-қайта сўрашлик, нутқ норовонлиги, фикр узук-юлуқлиги, нарсасодисалардан маъно, жозиба тополмаслик, гўзалликка бефарқлик, тўсатдан алланарсаларни, аллакимларни эслаб, сўраб қолишлик, меҳр-оқибатдан йироқ бўлишлик ва б. талайгина хислатлар ўз аксини топади.

Рус. Возвращение детства.

Бола ўлдириш — *суд тиббиетида* — онанинг ўз боласини туғилаётган пайтда ёки туғилгандан кейин ўлдириши; у — *Актив б.ў.* ва *Пассив б.ў.*га тафовут қилинади.

Рус. Детоубийство.

Болдир — оёқнинг қуйи қисмини ташкил қилувчи, тиззадан оёқ панжагача бўлган бир жуфт илик суяклари ва уларга тегишли мушаклардан иборат аъзо.

Рус. Голень.

Болиш ушлагич — *стоматологияда* — пастки жағ тишларига пломба қўйишда пахта болишларни тутиб туришга мўлжалланган ўзак асбоб.

Рус. Валикодержатель.

Болгача бошчаси — ички кулоқдаги болгача суягининг йўғонлашиб тугайдиган қисми; сондан суяги танасига туташадиган бўғим юзасига эга.

Рус. Головка молоточка.

Болгачасимон бармоқлар — оёқ кафти билан фалангалар (бармоқлар) оралиғидаги бўғимларнинг ёзилган ҳолда қотиб қолиши — контрактураси ва биринчи фалангалар оралиғидаги бўғимнинг (бармоқлар биринчи бўғимининг) букилган ҳолда қотиб қолиши оқибатида юзага келган оёқ панжа деформацияси.

Рус. Молоткообразные пальцы.

Борде—Жангу бактерияси — қ. **Кўкйўтал таёқчаси**.

Босиқлик — *психологияси* — ҳар қандай шароитда ҳам вазминлик, сиполик, ўзини тутабиллишлик хислатлари қарор топган ва мустақкам иродага эришган шахснинг асабий-руҳий ҳолати; соғлом инсонга хос фазилат.

Рус. Сдержанность.

Босқичли даволаш — даволаш муолажаларини тиббий эвакуация билан қўшиб олиб боришни кўзда тутувчи ҳаракатдаги қўшиннинг даволаш-эвакуация таъминоти системаси; бу — эвакуация пайтида тиббий ёрдам кўрсатиш ишларини йўлда жойлашган тиббий пунктлар имконига қараб амалга ошириб боришни кўзда тутади.

Рус. Этапное лечение.

Ботиш камарчаси — *ўқ-снаряд жароҳатида* — танага теккан снаряд ён юзаларидан жароҳат атрофидаги терининг ичкарига ботиб қолиши (чўкиши)дан жароҳат оғзида ҳосил бўлган тўқ жигарранг зичлашган жияк.

Рус. Поясок осаднения.

Бохдалек ёриғи — қ. **Бел-умуртқа учбурчаги**.

Бохдалек учбурчаги — қ. **Бел-қовурга учбурчаги**.

Бош мия илмоғи — парагиппокампал эгрилигининг олди йўғонлашган қисми (охири); ҳид билиш анализаторининг пўстлоқ маркази шу ерда жойлашган.

Рус. Крючок головного мозга.

Бош мия рангсиз тўсиғи — мия гумбази билан қадоксимон тананинг олд қисми оралиғидаги ўрталиқ яссилиги (юзаси)да жойлашган мия моддасининг юпқа варағи; у — ёриқсимон бўшлиқ билан ажралиб турган иккита пластинкадан иборат.

Рус. Прозрачная перегородка головного мозга.

Бош тепа суяги соҳаси — олд томондан тож чоки, ордан — ламбдасимон чок, икки ён чаккадан — юқори чакка чизиқлари билан чегараланган бош тепа соҳаси.

Рус. Теменная область; син. темя — *тав. этилмайди.*

Бошқалар яхшилигини унутмаслик — *психологияда* — бошқаларнинг ўзига қилган яхшиликларини ҳеч қачон унутмайдиган, доим эсда сақлаб юрадиган, маврида келганда шу заҳотиёқ миннатдорчилик билдириб қўядиган кўнгли ҳам, қўли ҳам очиқ, яхшилик қилиш қонига, руҳига сингиб кетган кишилар тоифасига хос ҳислат; **Покизаликнинг** бир кўриниши; акси қ. **Ўз яхшилигини унутмаслик.**

Бошқариладиган нафас — беморнинг мустақил нафас олиши тўхтаб қолганда ёки у етишмай қолганда ўпкада газ алмашиниши учун имкон қадар шароит яратиш мақсадида автоматик равишда бошқарилиб туриладиган сунъий ўпка вентилизацияси.

Рус. Управляемое дыхания.

Бош қичиши — *паталогиясиз* — 1. Сочнинг оқариши, қазғоқ тушиши, соч тўкилиши ва яна чиқиши, кир босишидан бош терисининг қитиқланиши.

2. Бош терисиди, соч остиди кун кўриб келаётган, бунинг учун эса ундан озикланаётган миллионлаб нопатоген (камданкам патоген) жонзотлар — микроорганизмлар, уларнинг токсин (заҳар)ларининг таъсирланишидан юзага келадиган субъектив сезги.

Боқувчилар — қ. **Озиклантирувчилар.**

Боғлам — изоҳи I ж.да — қ. — Унинг қирққа яқин тури бор.

Рус. Повязка.

Антисептик б. (син. **бактерицид б.**) — бактерияларни ўлдириш (бактерицид) ёки урчишини тўхтатиб қўйиш (бактериостатик) таъсирга эга бўлган дори воситалар сингдирилган боғлам.

Рус. Антисептическая п.; син. бактерицидная п.

Бактерицид б. — қ. **Антисептик б.**

Бинокуляр б. — иккала кўзни беркитиб боғланадиган боғлам; кўз шикастланганида, кўзни операция қилинганда қўлланилади.

Рус. Бинокулярная п.

Босиб турувчи б. — муайян жойдаги анатомик тузилмаларни босиб турадиган боғлам; асосан қон тўхтатиш лозим бўлганда ишлатилади.

Рус. Давящая п.

Бошоқсимон б. — бинтни спиралсимон айлантриб муайян ерда уни бир марта бураб олинадики, шу жой бинтлашнинг охирига довр бир чизиқ бўйлаб бошоқ шаклига кириб боради.

Рус. Колосовидная п.

Гемостатик б. — қ. *Қон тўхтатувчи б.*

Гипертоник б. — жароҳатдан йирингли рутубатларни сўриб олишга мўлжалланган гипертоник эритма сингдирилган боғлам.

Рус. Гипертоническая п.

Гипсли б. — тез қотадиган гипсли боғлам ёки лонгета ёхуд ҳар иккаласи; оёқ-қўллар ёки умуртқа поғонасини иммобилизация қилишда ишлатилади.

Рус. Гипсовая п.

Даво б. — изоҳи I ж.да — қ.

Иммобилизацияловчи б. — бирор гавда қисмининг қимирламаслиги, силжиб кетмаслигини таъминловчи боғлам.

Рус. Иммобилизующая п.

Куйишга қарши б. — антисептик, оғриқ қолдирувчи, энгиллатувчи ва б. дори воситалар суртилган, сингдирилган, куйган жойга қўйиладиган боғлам.

Рус. Противоожоговая п.

Саллача б. — учбурчакли мато парчасидан иборат иммобилизацияловчи боғлам; шикастланган қўлни бўйинга осиб қўйиш учун ишлатилади; яна қ. I ж.

Спирал б. — ҳар қайси бинт айланаси устига навбатдаги айланиб келаётган бинт тушадиган боғлам; оёқ-қўлга ишлатилади.

Рус. Спиральная п.; син. долабра.

T-симон б. — бир мато тасмаси устига иккинчи мато тасмаси кўндаланг қилиб тикилган боғлам; асосан, чот оралиғига қўйиб боғланади.

Рус. T-образная п.

Қайишқоқ б. — эластик-чўзилувчан (трикотаж, резина қўшилган ва б.) матолардан тайёрланган, аксарияти пайпоқ шаклини олган боғлам; кўпинча, оёқ веналари варикоз кенгайганида ёки сурункали тромбофлебит бўлганида қўлланилади.

Рус. Эластическая п.

Қон тўхтатувчи б. (син. гемостатик б.) — қон оқаётганда томирларни босиб турадиган ёки унга сингдирилган қон тўхтатувчи воситалар таъсирида қонни тўхтатиб турадиган боғлам.

Рус. Гемостатическая п.

Ҳимоя б. – суртмалар суртиб жароҳатга қўйиладиган боғлам; жароҳат юзаси қуришиб грануляциялар ҳосил бўлишидан ва механик таъсирланишлардан ҳимоялаш учун ишлатилади.

Рус. Защитная п.

Боғлов олди хонаси – *ҳарбийда* – боғлов муолажасини кутиб турган ярадорлар вақтинча жойлаштириладиган дала боғлов хонасининг бир қисми.

Рус. Предперевязочная.

Боғлов хонаси – жароҳатларни боғлаш ва б. айрим жарроҳлик муолажаларини бажаришга мўлжалланган даволаш-профилактик муассасасининг маҳсус жиҳозланган хонаси; унинг уч тури мавжуд.

Рус. Перевязочная.

Йирингли б.х.-си – йирингли яллиғланиш ўчоғи бўлган касалликлар ва йирингли жароҳати бор беморларга мўлжалланган боғлов хонаси.

Рус. Гнойная п.

Тоза б.х.-си – йиринг туғдирувчи инфекциялар ажратмайдиган беморларга мўлжалланган боғлов хонаси; мас. операциядан кейин йирингламаган жароҳатларни боғлаш хонаси ва ҳ.

Рус. Чистая п.

Ҳаракатланадиган б.х.-си–қ. **Автобоғлов хонаси** (қ. III ж.).

Рус. Подвижная п.

Брахиезофагус – қ. **Туғма калта қизилўнгач.**

Бузилиш – *тиббиётда* – 1. Одам (ёки ҳайвон) системаси, аъзоси, тузилмаси, тўқима ва ҳужайралари иши, фаолияти, функцияси ва б. жиҳатлари издан чиқиши.

2. Организм системаси, аъзоси, тузилмаси, тўқимаси ва ҳужайраларининг бузилиши – структураси, шакл-шамойили ва б. сифат кўрсаткичлари анормал ҳолатга келиши, яъни бузилиши.

3. Дори модда ва озиқ-овқат маҳсулотларининг айниши, бузилиб қолиши, саси бошлаши.

Бузуқ кайфиятда уйғониш – диққатвозлик қилиб, уриш-жанжаллашиб, асабий ҳолатда ётган, бунинг устига, уй ҳавоси оғир, ётиш шароити ноқулай–ёзда иссиқ, қишда совуқ, тор, диққа-нафас жойда ухлаб турган одамнинг уйқудан оғирлашиб, боши хум бўлиб, таъби хира ҳолатда уйғониши; бундай пайтларда одамлар «чап томонинг билан турдингми» дейишади; «қандай кайфиятда ётсанг, шундай кайфиятда турасан» деган нақл ҳақиқат.

Буйрак жоми — буйрак синусида жойлашган воронкасимон йўл; у — катта буйрак косачаларидан бошланиб сийдик найга улашиб кетади; сийдик чиқарув йўлларининг бошланғич йўли.

Рус. Почечная лоханка.

Б у й р а к к а р б у н к у л и — қ. **Буйрак ҳўшпоз**.

Буйрак косачалари — буйрак синусида жойлашган ва буйрак жомига қуйиладиган сийдик чиқарув йўлларининг макроскопик қисми; улар *Катта б.к.-лари* ва *Кичик б.к.-лари*га тафовут қилинади.

Рус. Почечные чашки.

Буйрак мия моддаси — буйракнинг пўстлоқ моддаси остида жойлашган буйракнинг бир қисми; у — тўғри каналчалардан, юкстамедулляр нефронлар қовузлоқ (сиртмоқ)ларининг тушувчи ва кўтарилувчи қисмларидан, йиғувчи найчалар ва сўрғичсимон йўлларнинг охириги бўлимларидан ташкил топган.

Рус. Мозговое вещество почки.

Буйрак пўстлоқ моддаси (син. б у й р а к п ў с т л о қ и) — буйракнинг периферияси—чеккаси бўйлаб буйрак таначаларини тутувчи пирамидалар ва эгри-бугри буйрак каналчалари оралиғида жойлашган буйрак қисми.

Рус. Корковое вещество почки; син. кора почки.

Б у й р а к п ў с т л о қ и — қ. **Буйрак пўстлоқ моддаси**.

Буйрак усти беши — қорин парда ортидаги бўшлиқда буйрак юқори қутбеда жойлашган бир жуфт эндокрин без; унинг гормонлари моддалар алмашинувида ва организмнинг ҳимоя-мослашув реакциялари юзага чиқишида муҳим роль ўйнайди.

Рус. Надпочечник; син. надпочечная железа.

Буйрак усти беши мия моддаси — буйрак усти безининг хромаффин ҳужайралардан ташкил топган марказий қисми; катехоламинлар — адреналин ва норадреналин ишлаб чиқаради.

Рус. Мозговая вещество надпочечника.

Буйрак усти беши пўстлоқ моддаси (син. б у й р а к у с т и б е ш и п ў с т л о қ и) — мезотелий (қ. II ж.)дан ҳосил бўлган буйрак усти безининг периферик—чекка қисми; у — минералокортикоидлар, глюкокортикоидлар ва андрогенлар ишлаб чиқаради.

Рус. Корковое вещество надпочечника; син. кора надпочечника.

Б у й р а к у с т и б е ш и п ў с т л о қ и — қ. **Буйрак усти беши пўстлоқ моддаси**.

Буйрак усти безлари пўстлоғи иши ўткир етишмаслиги (син. Уотерхаус—Фридериксен синдроми) — буйрак

усти безлари гормонлар ишлаб чиқаришининг кескин камайиб кетиши синдроми; асабий қўзғалишлар, қоринда тарқоқ оғриқ туриши, қусиш, **гипертермия** — **иссиқланиш** (қ. II ж.), геморрагик синдромлар, ҳушдан кетиш ва охир-оқибатда **кома** (қ. II ж.) юзага келиши билан кечади; мас., буйрак усти безларининг пўстлоқ моддасига қон қуйилганида, адренал эктомияда кузатилади.

Рус. Недостаточность коры надпочечников острая; син. синдром Уотерхауса—Фридериксена.

Буйрак қопқоғи — буйрак артерияси билан буйрак чигали нервларининг кириш (ўтиш) ва ундан буйрак венаси ҳамда лимфатик томирлар чиқиш жойи ҳисобланган буйракнинг буқилган медиал (ўрта) соҳаси; худди шу жойда буйрак жомчаси ва лимфатик тугунлар жойлашган; ич томондан унга буйрак синуси рўпара келади.

Рус. Врата почки.

Буйрак ҳўшпоз (син. буйрак карбункули) — буйрак қон томирларининг тромбози ёки бактерияли эмболияси келтириб чиқарган ўткир йирингли телонефрит; буйракнинг пўстлоқ ёки мия моддасида бир ёхуд бир нечта яллиғланиш ўчоғи юзага келиши билан кечади; кейинроқ булар кенгайиб йиринглаб тўқималар эриб кетиши мумкин.

Рус. Карбункул почки.

Буралган мўйлар (син.: трихокинез, трихотортоз) — ўзининг бўйлама ўқи атрофида буралган қуруқ, синувчан мўйлар (сочлар); туғма ривожланиш нуқсони.

Рус. Перекрученные волосы; син. трихокинез, трихотортоз.

Буралиб қолиш — бирор бир аъзонинг (мас., эр калларда — моякнинг) ёки патологик тузилманинг (мас., аёлларда — тухумдон кистасининг) ўз ўқи атрофида, яъни уларни қон билан таъминлаб турган томирли оёқчаларида буралиб қолиши; натижада улар қон билан таъминлана олмай қолади.

Рус. Перекрут.

Бурун болиши — ўрта бурун йўлида уни даҳлиздан ажратиб турувчи бурун бўшлиғининг латерал — ён деворидаги дўнглик.

Рус. Валик носа.

Бурун бўшлиғи — юз чаноғининг олд қисмидаги ичига шиллиқ парда тўшалган макон; бурун тўсиғи билан иккига бўлинган; олддан—бурун катаклари орқали ташқарига очилади, ортки томондан—**хоаналар** (қ. II ж.) орқали ҳалқумнинг бурун қисми билан туташади; нафас йўлларининг бошланғич қисми.

Рус. Полость носа; син. носовая полость.

Бурун-ёш йўли (син. ёш - бурун йўли) – бурун-ёш каналида ётган, ёш қопининг найсимон давоми ҳисобланган, пастки бурун йўлига очиладиган йўл; шу йўл орқали кўз ёши бурунга тушиб у орқали ташқарига чиқади; йиғлаган кишининг ҳам кўзини, ҳам бурнини артиши шундан.

Рус. Носослёзный проток; син. слезно-носовой проток.

Бурун кенгайтиргич – қ. **Бурун кергич**.

Бурун кергич (син. бурун кенгайтиргич) – бурун ташқи тешиklarини кериб – кенгайтириб туришга хизмат қиладиган асбоб; бурун ичини кўздан кечириш ва даволаш, жарроҳлик муолажалари олиб бориш вақтида шу кергичдан фойдаланилади.

Рус. Носорасширитель.

Бурун мўйи – бурун катаklarини қошлаб турадиган сийрак ёки қуюқ, калта, йўғон, қаттиқ, пигментли (рангли – қора, жигарранг, сариқ, кулранг ва ҳ.) **қил мўйлар** (қ. I ж.) мажмуи; бурун ажралмаларини тутиб туришга, ташқаридан кираётган ҳаводаги чанг-тўзонларни ушлаб қолишга, бурун шиллиқ пардаларини об-ҳавонинг иссиқ-совуғидан, газ-шамолларидан ҳимоя қилишга, таъсирланишларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Рус. Волосы в носовых ходах.

Бурун синамаси – бурун бўшлиғига аллерген юбориб юзага чиққан маҳаллий аллергик реакцияга қараб организмнинг специфик **сенсбилизация** (қ. II ж.)сини аниқлаш методи.

Рус. Назальная проба.

Бурун соҳаси – юқоридан – қошларнинг медиал – ички чеккаларини бирлаштирувчи чизиқ, пастдан – бурун тўсиқлари асосидан горизонтал ўтказилган чизиқ, икки ёндан – бурун-лаб эгатлари билан чегараланган юзнинг ўрта соҳаси.

Рус. Носовая область.

Бурун тўсиғи – бурун бўшлиғини иккига ажратиб турувчи, суяк, тоғай ва ноғора пардасимон қисмлардан таркиб топган вертикал – тик пластинка.

Рус. Перегородка носа.

Бурун тўсиғи қийшиқлиғи – туғма ёхуд орттирилган бурун ўрта тўсиғининг деформацияси – қийшайган бўлиши; қийшайиш бир томонлама бўлса – шу томондан, икки томонлама, яъни S-симон бўлса – иккала томондан нафас олиш қийин кечади.

Рус. Искривление носовой перегородки.

Бурун қаноти – ташқи бурун ён деворларининг ҳаракатланиб турадиган, яъни ҳаракатчан қисми.

Рус. Крыло носа.

Бурушган буйрак — буйрак паренхималарининг чандиқ тўқималар билан алмашиб кетиши оқибатида кичик тортиб қолган буйрак.

Рус. Сморщенная почка.

Бурун-ҳалқум йўли — ўрта ва пастки бурун чиғаноқларининг ортки қисмлари орқасида жойлашган бурун бўшлиғининг энг ортки соҳаси.

Рус. Носоглоточный ход.

Бухоро иситмаси (ас. т. **Флебтом иситма**) — *Phlebotomus papatasi* искабтопари юқтирадиган арбовируслар кўзғатувчи ўткир юқумли касаллик; 3-4 кунлик баланд иситма, бош ва мушаклар оғриши ёруғликка қарай олмаслик, кўз склераси қон томирларининг бўртиб туриши каби симптом-синдромлар билан кечади; уни: Валх иситмаси, Крит иситмаси, искабтопар иситмаси, папатачи иситмаси, папатачи, трапезунд хава си деган синоним номлари ҳам бор.

Рус. Бухарская лихорадка; ас.т. Флебтомная лихорадка.

Буқа кўз — кўз соққасининг тўлишиб, таранглашиб, бўртиб, қинидан чиққундек бўлиб туриши; кўз истисқосининг оғир хилида кузатилади.

Ас.т. Буфтальм.

Рус. Бычий глаз; ас.т. Буфтальм.

Буғлатгич — *тиббий техникада* — бирор бир модданинг буғланишини таъминловчи қурилма; айрим дезинфекция ва наркоз аппаратларининг бир қисми.

Рус. Испаритель.

Бўжамма — қ. **Ҳуснбузар**.

Бўйида бўлишга қарши булутча — сперматозоидга захарли таъсир этувчи эритма шимдирилган бўйида бўлишга қарши восита; жинсий алоқа олдидан қинга киритиб қўйилади.

Рус. Про тивозачаточная губка.

Бўйида бўлишга қарши воситалар (син. контрацептивлар) — ҳомиладорликдан, яъни бўйида бўлишдан сақланишда қўлланиладиган дори воситалар; яна қ. I ж.

Улар бир неча хил бўлади.

Рус. Противозачаточные средства; син. контрацептивы.

Б.б.қ. бачадон ички воситалари — бачадон ичига киритиб қўйиладиган спирал, ҳалқа каби воситалар.

Рус. П.с. внутриматочные.

Б.б.қ. гормонал воситалар — **овуляция** (қ. II ж.)ни сўндириб турадиган айёлларнинг жинсий гормонларидан тайёрланган препаратлар.

Рус. П.с. гормональные.

Б.б.қ. кимёвий воситалар — сперматозоидларни нобуд қиладиган паста, қин куррачалари шаклидаги дори воситалар.

Рус. П.с. химические.

Б.б.қ. комбинацияланган воситалар — Б.б.қ. кимёвий ва механик воситаларни бир вақтда қўлаш.

Рус. П.с. комбинированные.

Б.б.қ. механик воситалар — сперматозоидларнинг чуқур ички жинсий аъзоларга кириб боришига ёки уруғланган тухум ҳужайранинг бачадон деворига пайвандланишига йўл қўймайдиган мосламалар.

Рус. П.с. механические.

Б.б.қ. қин ички воситалари — қинга киритиб қўйишга мўлжалланган дори воситалар.

Рус. П.с. внутривлагалищные.

Бўйида бўлишга қарши қалпоқча — металл, резина ёки пластмассадан ясалган, сперматозоидларнинг бачадонга кириб кетишига тўсқинлик қилувчи, бачадон бўйнига кийгизиб қўйиладиган қалпоқча; яна қ I ж.

Рус. Противозачаточный колпачок.

Бўйида бўлмаслик тадбири — ҳар иккала жинс вакиллари насл қолдириш лаёқатига эга бўлган тақдирда аёл ҳайз цикли — ойининг тахминан биринчи ўнкунлигида ва ҳайз цикли — ойининг учинчи ўнкунлигида жинсий алоқада бўлганда бўйида бўлиб қолиш имкони 80-90% га камаяди. Чунки биринчи ўнкунликда аёлда тухум ҳужайра етилиб улгурмаган, учинчи ўнкунликда эса тухум ҳужайра уруғланиш лаёқатини йўқотган бўлади; иккинчи ўнкунлик бўйида бўлишининг энг қулай, энг унумли кунлари ҳисобланади; булар, албатта, шартли — тахминий ҳисоб-китоблардир.

Рус. Противозачаточная мера.

Бўйидан кетиши — *аёлларда* — жинсий алоқа ёки бошқа жинсий машғулотлар вақтида қўзғалиш доли-гулисига келиб лаззатли тугён билан тугаш жараёни; яна қ. II ж. **Оргазм.**

Рус. Оргазм.

Бўйидан кетувчанлик — *аёлларда* — жинсий алоқа вақтида аёлларда бўйидан кетиш сони; муайян давр оралигида жинсий алоқанинг умумий сонига нисбатан фоиз (%) ҳисобида ҳисобланади.

Рус. Оргастичность.

Бўйинтуруқ дўмбоқчаси — энса суягининг базиляр қисми чегарасидаги латерал — чекка қисмининг олд бўлимидаги дўнглик; шу ерда атлант-энса мембранаси бирикиб туради.

Рус. Яремный бугорок.

Бўйинтуруқ камгаги — 1. Бўйинтуруқ тешигининг ҳосил бўлишида қатнашувчи энса суяги ён қисмининг латерал — чекка соҳаси ботиқлиги.

2. Бўйинтуруқ тешигининг ҳосил бўлишида қатнашувчи чакка суяги пирамидасининг ортки соҳаси ботиқлиги.

3. Тўш дастасининг юқори соҳаси ботиқлиги.

Рус. Яремная вырезка.

Бўйинтуруқ тешиги — чакка ва энса суякларининг бўйинтуруқ камчакларидан ҳосил бўлган калла суяги асосидаги тешик; бу тешик орқали бўйинтуруқ веналар, тил-ҳалқум нерви, адашган ва қўшимча нервлар ўтади.

Рус. Яремное отверстие.

Бўйинтуруқ ўсимтаси — энса суягининг айтарли катта бўлмаган ўсиғи; умуртқаларнинг кўндаланг ўсиқлари гомологи — ўхшаши.

Рус. Яремный отросток.

Бўйўлчагич — одам гавдасининг узунлигини — бўйини тик турган ҳолатда ёки оёқларни узатиб ўтирган ҳолатда ўлчашга мослашган прибор.

Рус. Ростомер.

Бўлакчали буйрак (син. эмбрион буйраги) — бўлакчалардан тузилган буйрак; ҳомила учун бундай буйрак нормал ҳисобланади; у — бир ёшгача шу ҳолатда сақланиб туриши мумкин; борди-ю катталарда ҳам у ўзгармай қолса, нормал ҳисобланади.

Рус. Дольчатая почка; син. эмбриональная почка.

Бўлим — 1. *Ботаникада* — ўсимликларнинг қариндош синфларини бирлаштирувчи олий таксономик категория.

2. *Зоологияда* — баъзан ҳайвонлар типларини системага солинаётганда ишлатиладиган таксономик категория; у — халқаро зоология номенклатурасига қабул қилинмаган.

Рус. Отдел.

Бўлмачалараро тўсиқ — *юракда* — юрак бўлмачаларини ўнг ва чап бўлмачаларга бўлиб турувчи тўсиқ.

Рус. Межпредсердная перегородка.

Бўлмача-қоринча тугуни (син.: атриовентрикуляр тугун, Ашофф — Тавар тугуни) — *юракда* — ўнг юрак бўлмачаси деворида жойлашган тугун кўринишидаги юрак **миоцит** (қ. II ж.)лари кўзғалишини ўтказувчи нерв чигали; у — кўзғалишни синус-бўлмача тугунидан бўлмача-қоринча нерв тутамига ўтказиб бериш функциясини бажаради.

Рус. Предсердно-желудочковый узел; син.: атриовентрикулярный узел; узел Ашоффа — Тавары.

Бўлмача-қоринча тўсиғи — *юракда* — бўлмачани қоринчадан ажратиб турувчи мушакли тўсиқ.

Рус. Предсердно-желудочковая перегородка.

Бўлмача қулоқчаси (син. ю р а к қ у л о қ ч а с и) — юрак бўлмачаси ички юзасида ўркакчи мушаклар жойлашган букик ўсиқ.

Рус. Ушко предсердия; син. ушко сердца.

Бўр доғи — тиш эмалининг ранг-туси ўзгариб қолгандагина пайқаладиган эмал кариесининг илк стадияси.

Рус. Меловое пятно.

Бўридай очикши — аксари, умумий ҳолсизлик, қоринда оғриқ туриши билан кечадиган ўта очикқан патологик ҳолати; инсулин кўпайиб кетганида, бош мия зарарланганда кузатилади.

Ас.т. Булимия.

Рус. Булимия; син. голод волчий.

Бўртиқ ёноқ (син.: Биш ёғ танаси, ёноқ ёғ т а н а с и) — ёноқ ва чайнов мушаклари оралиғига ёғ тўқима тўпланишидан юзага келган ёноқ; бу — чақалоқ ва бир ёшгача бўлган гўдакларда бўлади; кўкрак учини сўришда болаларга қийинчилик туғдиради.

Рус. Жировое тело щеки; син.: жировое тело Биша, комочки Биша.

Бўсаға — 1. *Анатомияда* — аъзо ва тузилмалар ичига, бўшлиғига, орасига киравериш; мас., **бурун бўшлиғи бўсағаси** (қ. I ж.) ва б. лар.

2. *Физиологияда* — таъсиротлар, реакциялар, жараёнларнинг бошланиши, боши; яна қ. I ж.; мас., сезиш бўсағаси, дифференциал бўсаға ва б. лар.

3. *Фармакология ва кимёда* — таъсир ва реакцияларнинг бошланиш нуқтаси; мас., токсик таъсир бўсағаси, **ўткир таъсир бўсағаси** (қ.) ва б. лар; қиёсланг: **Ҳад** (қ.)

Рус. Порог.

Бўшлиқ — *тиббиётда* — одам танаси, аъзолари ва анотомик тузилмаларнинг ичи бўш ёки ярим бўш қаваги, ёриғи, ичи ва б. лар; мас.: *бачадон б-ғи, бурун қорин б-ғи, ҳиқилдоқ б-ғи* ва б. лар шулар жумласидандир.

Илмий тушунчаларни ифодалашда «бўшлиқ» ўрнида «макон» ни қўллаб юбориш ҳамма вақт ҳам тўғри бўлавермайди.

Рус. Полость.

Бўшалиш — *халқ орасида* — ҳомиладор аёлнинг кўзи ёриб энгил тортган ҳолати; баъзан чорва молларига нисбатан ҳам ишлатилади.

Рус. Облегчатся.

Бўғим бўшлиғи – *анатомияда* – ичида синовиал суюқлик (қ.) бўладиган, унга синовиал парда (қ.) тўшалган суякларнинг **бўғим юзалари** (қ.) оралиғидаги ёриқсимон макон.

Рус. Суставная полость.

Бўғим бошчаси – *анатомияда* – бўртиб турувчи бўғим юзасини ҳосил қилувчи суяк қисми.

Рус. Суставная головка.

Бўғим ёриғи – *анатомияда* – рентгенограммада кўринадиган суяклар охирилари оралиғидаги ёруғ тирқиш.

Рус. Суставная щель.

Бўғим лаби – *анатомияда* – баъзи бўғимларда бўғим чуқурчаси чеккаларига бирикиб кетган ва бўғим майдонини бир қадар кенгайтириб турувчи ҳалқасимон тоғайли тузилма.

Рус. Суставная губа.

Бўғим ости дўмбоқчаси – *анатомияда* – куракнинг бўғим ботиклиғидаги суякли бўртиғи; елка уч бошли мушакнинг узун бошчаси пайи шу ерга бирикади.

Рус. Подсуставной бугорок.

Бўғим тоғайи – *анатомияда* – бўғим юзасини қоплаб турувчи гиалин ёки толали тоғай тўқима қавати.

Рус. Суставной хрящ.

Бўғим чуқурчаси – *анатомияда* – бўғим юзаси.

Рус. Суставная ямка.

Бўғим юзаси – *анатомияда* – бўғим ҳосил қилишда қатнашувчи, бўғим тоғайлари билан қопланган суяклар юзаси.

Рус. Суставная поверхность; син. сочленовная поверхность.

В

«**Вабо кўзойнаги**» – кўз соққасининг ич-ичига тушиб кетиши ва кўз атрофида рўй-рост кўзга ташланиб турадиган **цианоз** (тери кўкариши) (қ. II ж.) пайдо бўлиши; организм ғоят сувсизланишидан юзага чиқадиغان белги; вабога дучор бўлган беморларда кузатилади.

Рус. «Холерные очки».

Вазнсизлик – сал бўлса-да гавдага гравитация – тортиш кучлари таъсир этмайдиган ёки ушбу кучлар инерция кучлари билан мувозанатлашган ҳолат; В. шароити одам организмига (мас., космосда) таъсир кўрсатувчи специфик таъсирловчи саналади.

Рус. Невесомость.

Вальтер йўллари — қ. Кичик тил ости йўллари.

Вартон йўли — қ. Пастки жағ ости йўли.

Васваса дил ёришуви — қ. Васваса тасаввур.

Васваса кайфият — васвасага тушишдан олдин теваккатулроқни тушуниб бўлмайдигандай ҳис пайдо бўлиши, яқин ўртада бахтсизлик рўй берадигандай туюлиши билан кечадиган ваҳимали кайфият.

Рус. Бредовое настроение.

Васвасали онг — қандайдир воқеа ёки ҳодисанинг ўзига хос аҳамияти борлигига жиддий ишонишлик; **васваса** (қ. I ж.) ривожланиб келаётган босқич.

Рус. Бредовое сознание.

Васваса тасаввур (син. васваса дил ёришуви) — мияда тўсатдан васваса фикрлар (васваса хаёллар), аксари, ўзининг олий табақага мансублиги хаёли уйғониб қолиши.

Рус. Бредовое представление; син. бредовое озарение.

Васваса хаёллар — ҳақиқий воқеликка мос келмайдиган, уни нотўғри талқин қиладиган, аммо бемор наздида чинакам туюлган, унинг фикр-зикрини, эс-хушини тамомила эгаллаб олган ва рад қилиб бўлмайдиган хаёллар.

Рус. Бредовые идеи.

Ваҳимали туш — қ. Кўрқинчли туш.

Везикантлар — қ. Тери-патосли таъсир этувчи захарли моддалар.

Вернер — Ҳис касаллиги — қ. Хандақ иситмаси.

Вирзунг йўли — қ. Меъда ости бези чиқарув йўли.

«**Вой жигарим**» — *тиббиётда* — ота-онаси, умр йўлдоши, шунингдек, яқин кишиси, кўнгил қўйган одами вафотига тоқат қила олмаганларнинг дод-фарёди; кузатишлар кўрсатадики, қайғу-аламга, ғам-ташвишга ботган, жигар-бағри эзилиб кетган бу хилдаги кишиларда (улар хоқ эркак бўлсин, хоҳи аёл) охир-оқибат руҳий, неврологик, вегетатив-соматик бузилишлар юзага келади, улар зўрайгандан-зўрайиб бориб, қандайдир сабабларга кўра (бунинг патофизиологик механизми менга номаълум) жигарни футурдан кетказди ва ҳолдан тойган жигар вақт ўтиши билан у ёхуд бу хилдаги касалликка таслим бўлади ва аксарият ҳолларда кўп ўтмай булар ҳам ҳаётдан кўз юмадилар; зеро, «вой жигарим» иборасида шу хилдаги мазмун ҳам бор. Яна қ. «Ғам-алам мияда кечади, аммо жигарни тишлайди».

Рус. «Ах, моё опечалённое сердце».

Волинск иситмаси — қ. Хандақ иситмаси.

Вояга етмаганлик — 18 ёшдан кичик бўлган болалар ҳақида; қонун уларни ҳуқуқий лаёқатсиз деб тан олади;

баҳсли ҳодисаларда суд-тиббиёт экспертизаси салоҳиятига кўп нарса боғлиқ бўлади.

Рус. Несоввершеннолетие.

Врисберг тоғайи — қ. Понасимон тоғай.

Г

Гавда бичими — қ. Қомат.

Гавда тузилиши — қ. Қомат.

Гавҳар силжиши (син. гавҳар чала чиқиши) — гавҳарнинг шишасимон тана чегарасида жойдан бироз силжиши; бунда — киприксимон белбоғча — Цинн бойлами толалари бутунлигининг қисман бузилиши кузатилади.

Рус. Подвывих хрусталика.

Гавҳар халтаси — гавҳарни ўраб турган тиниқ рангсиз қайишқоқ парда.

Рус. Сумка хрусталика.

Гавҳар чала чиқиши — қ. **Гавҳар силжиши**.

Гавҳар чиқиши — гавҳарнинг киприксимон белбоғча (Цинн бойлами) толалари узилиши оқибатида ўзининг табиий жойидан олд камерага ёки шишасимон танага силжиб қолиши.

Рус. Вывих хрусталика.

Гажимлар (син. ворсиналар, ворсинкалар) — турли хил пардалар юзасидаги ўсиқча — тукчалар ёки бўртмачалар; улар одатда пардалар юзасини (майдонини) кенгайтириб туриш билан пардалар ва уларга яқин турган тўқималар ёки яқин атроф муҳит ўртасида бўладиган ўзаро таъсирланишларни таъминлаб туради.

Рус. Ворсинки.

Гажим чигали — қ. **Мия қоринчалари томир чигали**.

Гангиш — 1. *Тиббиётда* — бошга теккан қаттиқ зарба таъсирида калланинг чайқалиб эсанкираши; фикр, диққат бир неча секунд ихтиёрдан чиқиб ўзига кела олмаслиги.

2. *Турмушда* — беҳосдан хабар топилган воқеа, ҳодиса ёки ташвиш-надоматдан нима қиларини билмай қисқа муддат довдираб қолиш.

Гемотрансфузия — қ. **Қон куйиш**.

Географик ирқ — қ. **Кенжа тур**.

Географик популяция — қ. **Кенжа тур**.

Гепатик сарғайма — қ. **Жигар сарғайма**.

Гепатоген сарғайма — қ. **Жигар сарғайма**.

Гепатоцеллюляр сарғайма — қ. **Жигар сарғайма**.

Гижжаларга қарши воситалар (син. антигельминтлар, антигельминт воситалар) — antihelminthica — *фармакологияда* — одам ва ҳайвонлардаги гижжа **инвазия** (қ. II ж.)ларини даволашда ишлатиладиган дори воситалар; дитиазанин, дифезил, мебендазол, нафтамон, сариқбош гуллари, тозаланган олтингугурт, тимол, эрмон гуллари ва б. лар шулар жумласидандир.

Рус. Противоглистные средства; антигельминтики, антигельминтные средства.

Гижжа ташувчи — бирор бир гижжа (гельминт) турини ўз организмида ташиб юрадиган, аммо унда касалликнинг клиник симптомлари рўй-рост юзага чиқмайдиган одам; аксарият ҳолларда, гижжалари ва улар тухумларини б. одамларга, айниқса, болаларга юқтириб юради.

Рус. Гельминтоноситель.

Гижжа ташувчилик — бирор бир гижжа (гельминт) турининг одам (ёки ҳайвон) организмида паразитлик қилиб кун кўриб юраверишлиги (инвазия), аммо касалликнинг клиник симптомлари юзага чиқмаслиги билан кечадиган ҳолат.

Рус. Гельминтоносительство.

Гипогастрал соҳа — қ. **Қорин ости**.

Гипогастрий — қ. **Қорин ости**.

Гипопион-кератит — қ. *Ўрмаловчи шох парда яраси*.

Гипофаринкс — қ. **Ҳалқум ҳиқилдоқ қисми**.

Гипургия — қ. **Беморни парвариш қилиш**.

Гнатион — қ. **Энгак нуқтаси**.

Гранулали миобластома — қ. **Донадор-ҳужайрали миобластома**.

Гранулали-ҳужайрали органоид миобластома — қ. **Донадор-ҳужайрали миобластома**.

Гранулёз-ҳужайрали миобластома — қ. **Донадор-ҳужайрали миобластома**.

Грануляцияланиб битиш — қ. **Иккиламчи жароҳат битиши**.

Гумона — *халқ орасида* — она қорнидаги бола, ҳомила.

Рус. Плод.

Гуш — изоҳи I ж. да қ.

Рус. Экзема.

Болалар 2-ши — болаларда экссудатив диатезга қўшилиб келадиган гуш.

Рус. Детская э.

Варикоз 2. — болдир вена томирларининг варикоз кенгайган соҳаларида юзага чиқувчи гуш.

Рус. Варикозная э.

Гиперкератотик г. — қ. *Пилотик г.*

Дисгидротик г. — кўп камерали пуфаклар тошиши билан кечадиган ва қўл ҳамда оёқ қафтларида жойлашадиган гуш.

Рус. Дисгидротическая э.

Импетиго г-ши — **импетиго** (қ. II ж.)нинг асорати сифатида юзага чиқадиган гуш.

Рус. Импетигиозная э.

Интертригиноз г. — аксарият, тери бурмаларида юзага чиқадиган гуш.

Рус. Интертригинозная э.

Касб г-ши — касбкорда ишлатиладиган зарарли моддаларнинг таъсирида, кўпинча, қўл панжада юзага чиқадиган гуш.

Рус. Профессиональная э.

Кератотик г. — қ. *Тилотик г.*

Микроб г-ши — йирингли яллиғланган ўчоқ атрофида юзага чиқадиган ва касалланган тери билан соғ тери оралиғида йўл-йўл бўлиб кўчиб турувчи эпидермис билан чегараланиб турадиган гуш.

Рус. Микробная э.

Намиқувчи г. — бирдай намиқиб, сувсираб турадиган гуш.

Рус. Мокнущая э.

Ниммуляр г. — қ. *Тангасимон г.*

Офтоб г-ши — қуёш нурига сезгирлиги юқори бўлган терининг очиқ соҳаларида юзага чиқадиган гуш; **фатодерматоз** (қ. II ж.)нинг бир хили.

Рус. Солнечная э.

Паратравматик г. — жароҳат атрофида юзага чиқадиган микробли гуш.

Рус. Паратравматическая э.

Пруригиноз г. — тошмалар орасида **папула** ва **везикула** (қ. II ж.)лар бўладиган гуш.

Рус. Пруригинозная э.

Себорея г-ши — юз терисида, бошнинг сочли қисмида, кўкрак, бел соҳаларида эритематопулёз кўринишида тошмалар тошиши, палахса-палахса бўлиб кўчиб тушиши ва намиқмаслиги билан ажралиб турувчи **себорея** (қ. II ж.)да юзага чиқадиган гуш.

Рус. Себорейная э.

Тангасимон г. (син. нуммуляр г.) — зарарланган тери доирасимон шаклда чегараланиб турадиган микробли гуш.

Рус. Монетовидная э.; син. нуммулярная э.

Тегиниш г-ши — тери сезгирлиги юқори бўлган соҳаларга моддалар текканда (контактда бўлганда) юзага чиқадиған гуш.

Рус. Контактная э.

Тилотик г. (син.: гиперкератотик г., кератотик г., шох қават г-ши, қўл-оёқ кафтлари г-ши) — қўл ва оёқ кафтларида юзага чиқадиған, **гиперкератоз** (қ. II ж.) билан бирга кечадиған гуш; аксарият, климактерик даврда аёлларда кузатилади.

Рус. Тилогическая э.; син.: гиперкератотическая э., кератогическая ладонно-подошвенная э., роговая э.

Чин г. — симметрик равишда тарқалган кичик-кичик ўчоқли, аниқ чегараси йўқ, соғ тери соҳалари билан навбатлашиб юзага чиқадиған, одатда, оёқ ва қўлларда бўладиған гуш.

Рус. Истинная э.

Шох қават г-ши — қ. *Тилотик г.*

Қўл-оёқ кафтлари г-ши — қ. *Тилотик г.*

Ҳайз г-ши — ҳайз олдидан ва ҳайз кунларида қайталаниб турадиған гуш.

Рус. Менструальная э.

Д

Даволаш-ишлаб чиқариш устахоналари (син. меҳнат устахоналари) — аксари, руҳий касалликлар касалхонасида, руҳий-асаб касаллари ёки наркологиya диспансерларида руҳий беморларни кузатиб бориш ва зарурият туғилганда дори-дармонлар имконини туғдирувчи меҳнат терапияга ҳамда меҳнатга ўргатишга мўлжалланган ёрдамчи корхона.

Рус. Лечебно-производственные мастерские; син. трудовые мастерские.

Дам олиш (син. хордиқ чиқариш) — чарчоқни келтириб чиқарган иш-фаолиятни тўхтатган шароитда кечувчи меҳнат лаёқатини тиклаш жараёни; у — икки хил бўлади.

Рус. Отдых.

Актив д. о. — ақлий ёки жисмоний иш-фаолиятнинг турини ўзгартириш билан дам олиш.

Рус. Активный о.

Пассив д. о. — нисбатан тинч шароитда ишламай дам олиш.

Рус. Пассивный о.

Дам олиш уйи — амалда соғлом одамларнинг ёқимли иқлим шароитида, оромбахш боғ-роғларда, санитария-гигиеник шароитда, роҳат қилиб дам олишига мўлжалланган муассаса.

Рус. Дом отдыха.

Данг касаллиги — *халқ табобатида* — бўкиб қолгунча еб-ичадиган, узуқун узала тушиб ётадиган, қимирлашга ҳам эринадиган, донгқотиб ухлаш табиатига, феъл-атвориға сингиб кетган ишёқмас, ҳамсемиз одам ҳолати.

Даракчи ҳужайра (син. ўзак ҳужайра) — қон ҳужайраси ривожланишининг бошланғич босқичига мансуб қон яралиш тўқимаси ҳужайраларининг умумий номи.

Рус. Клетка-предшественник; син. стволовая к.

Дастёр — *тиббиётда* — жисмонан бироз бақувват тортган, руҳан барқарорлашаётган, физиологик жиҳатдан жисмоний фаолиятга ўзида жисман эҳтиёж сеза бошлаган ўғил ва қиз бола.

Рус. Подручный.

Дастёр ёши — тахминан, 6–7 ёшдан 14–15 ёшгача ўғил ва қиз болаларнинг ижтимоий ёши; илмий статистик аҳамиятга эга эмас.

Рус. Возраст подручного.

Дастёрлик — дастёр фаолияти.

Рус. Деятельность подручного.

Даҳлиз ёриғи (син. сохта овоз ёриғи) — *ҳиқилдоқда* — ҳиқилдоқ даҳлизи билан унинг ўрта қисми оралиғидаги даҳлиз бурмалари билан чегараланган бўшлиқ.

Рус. Щель преддверия; син. голосовая щель ложная.

Даҳлиз зинаси (син. вестибул зинаси) — *қулоқда* — ички қулоқ чиганоғи спирал канали бўшлиғи (каваги)нинг юқори қисми.

Рус. Лестница преддверия; син. вестибулярная лестница.

Даҳлиз сув тармоғи — ўрта қулоқдаги суяк лабиринти даҳлизини калла бўшлиғи билан бирлаштириб — қўшиб турувчи чакка суяги пирамидасидаги канал; мана шу ердан эндолимфатик йўл ўтади.

Рус. Водопровод преддверия.

Деанимация — қ. **Мия ўлими**.

Девержи касаллиги — қ. **Қизил мўйли кепаксимон темиратки**.

Девержи ўткир учли қизил темираткиси — қ. **Қизил мўйли кепаксимон темиратки**.

Дельбе — Пертес синамаси — қ. **Қадамлатиш синамаси**.

Димланган чиганоқ — зўрайиб борувчи перцептив (идрок) кулоқ оғирлиги ва кулоқда шовқин бўлишининг вестибуляр бузилишлар билан қўшилиб келиши; калла ички босими ошиши, ички кулоқда қон айланиш бузилиши ёки эндолимфанинг кўплаб секрет ишлаб чиқариши оқибатида келиб чиқади.

Рус. Застойная улитка.

Дифтерит — қ. **Дифтеритик яра**.

Доя куррача — четларини ички томонга буклаб гўлача ҳолига келтирилган юмалоқроқ кичик дока парча. Д. к. лар жароҳатларни, операция майдонини ва б. яра-чақаларни тозалаш, дорилаш ҳамда қуритиш мақсадларида кенг қўлланади.

Рус. Марлевый шарик.

Доминант ғоялар — қ. **Ўта қимматли ғоялар**.

Дори воситалар назорати — дори воситаларнинг самарадорлиги, хавфсизлиги ва сифатини таъминлаб беришга қаратилган давлат тадбирлар системаси.

Рус. Контроль лекарственных средств.

Дори сарғаймаси — жигар паренхимасига ёки эритроцитларга дори моддаларнинг заҳарли таъсир этишидан юзага келадиган сарғайма.

Рус. Медикаментозная желтуха.

Дорихат — тайёрланадиган дори воситалар таркибини тартибга солиб берувчи кўрсатма; унинг: **Мануал д.**, **Рецептура д-ти** (син. магистрал д., экстемпорал д.), **Фармакопея д-ти** (син. официнал д.) каби турлари мавжуд.

Рус. Лекарственная пропись; син. пропись.

Дори қобиқ — таркибида дори воситалар тутадиган юпқа полимер эластик — қайишқоқ пластинка; дори моддаларнинг узокроқ таъсир этиб туришини таъминлайди; **кўз дори қобиғи** (қ.) шулар жумласидандир.

Рус. Лекарственная плёнка.

Дори ҳуснбузари — беморларнинг кўтара олмайдиган ёки ноҳўя таъсири бор дори воситаларни қабул қилиши оқибатида тери юзасида пайдо бўладиган ҳуснбузарсимон тошмалар; мас., бром, кортикостероидлар қабул қилганда кузатилади.

Рус. Медикаментозные угри.

Дуглас макони — қ. **Тўғри ичак-бачадон ботиклиги**.

Дуглас чўнтаги — қ. **Тўғри ичак-бачадон ботиклиги**.

Думғаза соҳаси — думғаза чегарасини ва ўнг ҳамда чап думба соҳаларининг медиал — ўрта қисмларини қамраб олувчи соҳа.

Рус. Крестцовая область.

Дуоденал ўт — қ. Ўн икки бармоқ ичак ўти.

Дўнг — қ. Дўнглик.

Дўнглик (син. дўнг) — суяклар эпифизи (қ. II ж.)нинг йўғонлашган, дағаллашган, туртиб чиққан, баъзи суякларда гудда шаклини олган қисми, жойи; у қўшни суяк билан туташиб, бирикиб бўғим юзасини ҳосил қилади; оёқ-қўлларда қуйидаги дўнгликлар мавжуд: *Елка суяги д-ги, Елка суяги ички д-ги, Катта болдир суяги ички д-ги, Катта болдир суяги ташқи д-ги, Сон суяги ички д-ги, Сон суяги ташқи д-ги* ва б. лар.

Рус. Мышелок.

Дўнглик гуддаси — бўғим ҳосил қилишда қатнашмайдиган дўнглик (дўнг) юзасидаги дўмбоқ; мушак ва бойламлар шу ерга бирикади; Д. Ғ-сига: *Сон суяги ички д. Ғ-си, Соя суяги ташқи д. Ғ-си, Елка суяги ички д. Ғ-си, Елка суяги ташқи д. Ғ-си* қиради.

Рус. Надмышцелок.

Е

Е в с т а х и о н а й и - қ. Эшитувчи най.

Егулик — одам ёки ҳайвонга озиқа бўла оладиган барча жонли ва жонсиз табиат маҳсулотлари.

Рус. Съестное.

Елка суяги дўнглиги бошчаси — елка суягининг дистал қисмида бўртиб чиққан бўғим юзаси; билак суяги бошчасига туташади.

Рус. Головка мышцелка плечевой кости.

Ел ҳайдовчи воситалар — меъда-ичак йўлларида туриб қолган ел (газ)ларнинг юришиб чиқиб кетишини таъминловчи воситалар; укроп (фенхель) суви, арпабодиён дамламаси, қоразира дамламаси ва б. лар шундай таъсирга эга.

Ер ҳавоси — Ер юзаси яқинидаги атмосфера ҳавоси қатлами; унинг табиий ҳаво аралашмалари барқарор бўлмайди ва у одамлар фаолият кўрсатадиган **атмосфера ҳавоси** (қ.) дан фарқ қилади.

Рус. Приземный воздух.

Етакчи кўз (син.: доминант кўз, устун кўз) — иккала кўз билан кўриш актида функционал жиҳатдан устунлик қилувчи кўз.

Рус. Ведущий глаз; син. доминирующий глаз, превалирующий глаз, преобладающий глаз.

Етакчи қайғули кечинма — беморнинг шахсият хусусиятларига мос равишда, фақат унгагина хос бўлган руҳий

реакцияларни келтириб чиқарадиган кучли қайғули кечинма; аксари ҳолатларда шахсиятнинг патологик ривожланишига манба бўлиб хизмат қилади.

Рус. Ключевое переживание.

Ё

Ўзув синамаси — гипоксия (қ. II ж.)да марказий нерв системасининг қанчалик зарарланганлиги (урингалиги)ни ёзган хатидаги хатолар ва ҳуснихатининг хунуклашиб қолишидан аниқлаш методи.

Рус. Писчая проба.

Ёй (син. р а в о қ) — *тиббиётда* — одам организмидаги шаклан букик, эгик аъзо, тузилма ва б. жиҳатларни ифодаловчи бирикмаларнинг таркибий қисми; у — кичрайтирилган шаклда, мас., «ёйча» шаклида қўлланилмайди; *Аорта ёйи, Буйрак ёйи, Ёноқ ёйи, Умуртқа ёйи, Қов ёйи, Қовоқ ёйи* ва б. лар шулар жумласидандир.

Рус. Дуга, дужка.

Ёлғон гапириш — *психиатрияда* — зарурати борми-йўқми, арзир-арзимас нарсалар ҳақида, тўғриси айтиш мумкин бўлган ўринларда ҳам ёлғон ишлатиш, сохталик қилиш, риёкор бўлиш миясига сингиб кетган, ундан қутила олмайдиган, носоглом одамлар хулқ-атворини белгиловчи ҳислат; руҳият иллоти.

Рус. Лгать.

Ёнбош буйрак — ёнбош соҳасида жойлашиб қолган дистопик буйрак.

Рус. Подвздошная почка.

Ёнбош суяк қаноти — *анатомияда* — катта тос суягининг ён деворини ҳосил қилувчи ёнбош суякнинг юқори қалинлашган қисми.

Рус. Крыло подвздошной кости.

Ёнбош суяк қирраси — *анатомияда* — ёнбош суяк қаноти чеккасидаги суяк бўртиқ; у жойлашиш ўрнига кўра тўртга бўлинади.

Рус. Подвздошная кость.

Юқори-олд ё. с. қ-си — верхняя-передняя п. о.

Пастки-олд ё. с. қ-си — нижняя передняя п. о.

Юқори-ортки ё. с. қ-си — верхняя-задняя п. о.

Пастки-ортки ё. с, қ-си — нижняя-задняя п. о.

Ёндирувчи моддалар — осонгина алангалаб кетадиган ва юқори ҳарорат берадиган ёнилғи моддалар ва уларнинг

аралашмалари; ҳарбий ишларда душманга талофат етказувчи восита ўрнида фойдаланилади.

Рус. Зажигательные вещества.

Ёндошма тишлар — икки ва ундан ортиқ ёнма-ён жойлашган тишлар.

Рус. Контактные зубы.

Ёноқ ёйи — чакка суяги билан ёноқ суягининг ёноқ ўсиқлари бирлашишидан ҳосил бўлган юз чаноғининг бир қисми; чакка фасцияси билан чайнов мушаги бирикадиган жой.

Рус. Скуловая дуга.

Ёноқ ёғ танаси — қ. **Лўппи ёноқ**.

Ёноқ нуқтаси — ёноқ ёйи (қ.)нинг ташқарига бўртиб чиққан энг баланд нуқтаси; антропометрик нуқта.

Рус. Скуловая точка.

Ёноқ соҳаси — ёноқ суяги ва ёноқ ёйи (қ.)ни қамраб оловчи юз (1) қисми.

Рус. Скуловая область.

Ёпиштирувчи моддалар — қ. **Қовуштирувчи моддалар**.

Ёпқич шиша — микроскоп остида текшириладиган объект (қон, хилт, эзма ва б. лар)нинг устига ёпиб қўйиладиган қалнлиги 0,1–0,3 мм ли шиша пластинка.

Рус. Покровное стекло.

Ёритиш — одамнинг кўриш ва руҳий-физиологик ором топиш шароитини яхшилаш мақсадида сезги аъзоларига таъсир этувчи нур энергиясидан фойдаланиш.

Рус. Освещение.

Аралаш ё. — қ. **Қўшиб ё**.

Диффуз ё. — қ. **Ёйиқ ё**.

Ёйиқ ё (син. диффуз ё.) — иш жойига ёки объектга тушаётган ёруғликни ўзгартирмай, қандоқ тушаётган бўлса шундоқлигича ёритиш.

Рус. О. рассеянным светом; син. диффузное о.

Жойли ё — ёруғлик оқимини иш жойларига тақсимлаш йўли билан умумий ёритиш.

Рус. Локализованное о.

Йўналтирилган ё — иш жойига ёки объектга тушаётган ёруғликни янада кўпроқ йўналтириш йўли билан ёритиш.

Рус. Направленное о.

Комбинацион ё — бир вақтда умумий ва маҳаллий (жойли) сунъий ёритувчи манбалардан фойдаланиб ёритиш.

Рус. Комбинированное о.

Маҳаллий ё. — бинонинг муайян қисмини ёки иш жойини кўчма ёки қатор ўрнатилган чироқлар билан ёритиш.

Рус. Местное о.

Сунъий ё. — сунъий ёруғлик манбаларидан фойдаланиб ёритиш.

Рус. Искусственное о.

Табиий ё. — тўғридан-тўғри, ёйиқ акланган қуёш нури билан ёритиш.

Рус. Естественное о.

Умумий ё. — бинонинг шипига ёки шипи тагига ўрнатилган чироқлар билан ёритиш.

Рус. Общее о.

Кўшиб ё. (син. а р а л а ш ё .) — бинони бир вақтнинг ўзида ҳам табиий, ҳам сунъий ёритиш.

Рус. Совмещённое о.; син. смешанное о.

Ёруғлик билан даволаш (син. ф о т о т е р а п и я) — бемор организмига инфрақизил, кўринадиган ва ультрабинафша нурланишини дозалаб таъсир эттиришга асосланган физиотерапия методи.

Рус. Светолечение; син. фототерапия.

Ёруғлик очлиги — қ. **Қуёш етишмаслиги.**

Ёруғлик сезиш — кўз тўр пардасига ёруғлик нури таъсир этганда юзага келадиган сезиш.

Рус. Светоощущение.

Ёруғлик кўрқуви (син. ф о т о ф о б и я) — photophobia — ёруғлик таъсирига кўз сезувчанлигининг ошиб кетиши; кўз олд бўлимининг яллиғланиш касалликларида, мас., конъюнктивитда кузатиладиган ҳодиса.

Рус. Светобоязнь; син. фотофобия.

Ретинал ё. қ-ви — кўз тўр пардаси ёруғлик сезувчи ҳужайраларининг ўта кучли ёруғлик оқимидан таъсирланиши оқибатида юзага келадиган ёруғликдан кўрқиш.

Рус. Ретинальная с.

Ёруғ ўпка — қ. **Тиниқ ўпка.**

Ёрқин марказ (син. кўпайиш маркази, реактив марказ) — талоқ лимфатик фолликуласининг ёки лимфатик тугунининг марказий қисми; лимфоцитларнинг энг тез бўлиниш ери.

Рус. Светлый центр; син.: реактивный центр, цент размножения.

Ёрғоқ тўсиғи — ёрғоқни ўнг ва чап қисмларга бўлиб турувчи бириктирувчи тўқимали пластинка; ҳар қайси қисмларда биттадан мойк ва унинг ортиқлари жойлашган.

Рус. Перегородка мошонки.

Ёш - бурун йўли — қ. Бурун-ёш йўли.

Ёш даврлари — ҳайвон ва одамлар ҳаётини уларнинг анатомик-физиологик белгиларига қараб, одамларни эса яна уларнинг ижтимоий-психологик белгиларига қараб бўлинган даврлари.

Рус. Возрастная периодизация.

Ёш жилғаси — пастки кўз қовоғи билан кўз соққаси оралиғидаги макон; ёш суюқлиги шу жилға буйлаб ёш кўлига томон силжийди.

Рус. Слезный ручей.

Ёши ўтган аёл — қ. Ёши қайтган аёл.

Ёши ўтган эркак — қ. Ёши қайтган эркак.

Ёши қайтган аёл (син. ёши ўтган аёл) — тахминан, 45 ёшдан 55 ёшгача умрини яшаб келаётган аёл; статистик аҳамиятга эга эмас.

Рус. Женщина приклонной возрасти.

Ёши қайтган эркак (син. ёши ўтган эркак) — тахминан 50 ёшдан 60 ёшгача умрини яшаб келаётган эркак; статистик аҳамиятга эга эмас.

Рус. Мужчина приклонной возрасти.

Ёш йўллари (син. ёш олиб кетувчи йўллар) — ёш суюқлигини конъюнктива қопига олиб борадиган ва бурун бўшлиғига қуядиган анатомик тузилмалар мажмуи; булар: *Ёш жилғаси*, *Ёш кўли*, *Ёш каналчалари*, *Ёш қопи* ва *Бурун-ёш йўлидан* иборат.

Рус. Слезные пути; син. слезоотводящие пути.

Ёш каналчаси (син. ёш йўли) — *canaliculus lacrimalis* — юқори ва пастки ёш нуқталаридан бошланиб ёш кўлини ёш қопига туташтириб турувчи ингичка йўлларнинг умумий номи.

Рус. Слезный каналец.

Ёш кўли — кўз медиал бурчагидаги кўз ёриғи кенгаймаси; конъюнктива қопидан ёш шу кенгаймага келиб қуйилади.

Рус. Слезное озеро.

Ёш нуқтаси — ёшни ёш каналчасига элитувчи кўзнинг медиал (ўрта) бурчагидаги қовоқ четида жойлашган тешик.

Рус. Слезная точка.

Ёш нуқтаси ағдарилиши — пастки қовоқ ёш нуқтаси (қ.)нинг олдинга ва ташқарига силжиб — ағдарилиб чиқиши; бунда — ёш нуқтаси ёш кўлмагига ботиб турмайди.

Рус. Выворот слёзной точки; син. эверсия слёзной точки.

Ёш олиб кетувчи йўллар — қ. Ёш йўллари.

Ёш қопи истисқоси — ёпишқоқ шилимшиқ хилт (суюқлик) тўлиши муносабати билан ёш қопининг чўзилиб қолиши ва

устидаги терининг юпқа тортиши; бу — бурун-ёш билан ёш каналчасининг облитерацияланиши — битиб қолиши оқибатида юзага келадиغان сурункали дакриоциститнинг асорати сифатида келиб чиқади.

Рус. Водянка слёзного мешка.

Ёқимли оғриқ — оёқ-қўлларни, баданни уқалаганда, эзганда у ер-бу ерларда сезиладиغان, одамга хуш ёқувчи оғриқли сезги.

Рус. Приятная боль.

Ёғ без чиқарув йўли — соч фолликуласи воронкасига ёки эркин юзасига очиладиغان ёғ безларнинг секрет чиқарув йўли.

Рус. Проток сальной железы.

Ёғли катта буйрак (син. оқ катта амилоид буйрак) — ҳажм ва вазни катталашган, зичлашган буйрак; кесиб кўрилганда кулранг-пушти тусда, ёғи ялтираган, пўстлоқ моддаси билан мия моддаси ўртасидаги чегара ноаниқ бўлиб туради; буйрак амилоидозининг морфологик белгиси.

Рус. Большая почка сальная; большая почка белая амилоидная.

Ж

Жабрланганлар — *тиббийтда* — мина, бомба портлашидан, ўқ-снаряд тегишидан жароҳатланиб ёки об-ҳаво офатлари, сув, сел тўфонлари, zilзила, авария ва б. юз берган фалокатларда шикастланиб соғлигига зиён-заҳмат етган кишилар мажмуи.

Рус. Потерпевшие (отчего либо).

Жабрланиш — *тиббийтда* — мина, бомба портлашидан, ўқ-снаряд тешигидан жароҳатланиш ёки об-ҳаво офатлари, сув, сел тўфонлари, zilзила, авария ва б. юз берган фалокатларда шикастланишдан соғлиққа зиён-заҳмат етиши.

Рус. Потерпеть (отчего-либо).

Жамлама — *тиббий техникада* — муайян бир ёки бир неча диагностик, даволаш ёки профилактик тадбирлар ўтказиш учун зарур бўладиган приборлар, асбоблар ва турли хил ашёлар мажмуи.

Рус. Набор.

Жароҳат III (изоҳи I ж. да — қ.)

Рус. Рана.

Асептик ж. — амалда касаллик чақирувчи (патоген) ёки шартли касаллик чақирувчи (шартли патоген) микроорганизмлар тушмаган, ҳозир ҳам йўқ жароҳат.

Рус. Асептическая рана.

Бактериал-ифлосланган ж. — патологик ўзгаришлар келтириб чиқармаган ёки ҳали келтириб чиқармаган, нормал кечаётган жароҳат жараёнини чўзиб юбормаган, аммо микроорганизмлар тушган, тушиб улгурган жароҳат.

Рус. Бактериально-загрязненная р.

Гранулалашган ж. — ичи-бўшлиғи грануляцион тўқима билан тўлган, яъни иккиламчи битиш босқичига кирган жароҳат.

Рус. Гранулирующая р.

Жарроҳий ж. — қ. *Операция ж.-ти.*

Заҳарланган ж. — заҳар етказган жароҳат.

Рус. Отравлённая р.

Йирингли ж. — атроф-ёнлари, ости, умуман, ҳаммаёғи йирингли яллиғланишга учраган жароҳат.

Рус. Гнойная р.

Йиртилган ж. — қ. I ж.

Рус. Рваная р.

Кесилган ж. — юпқа ўткир асбоб ёки предметни ботириб-юргизиб етказилган жароҳат; чуқурлигига қараганда узун бўлиши, иккала юзаси — чети бир текис параллел туриши, бирламчи травматик некроз деярли бутунлай кузатилмаслиги билан ажралиб турадиган жароҳат.

Рус. Резаная р.

Лат еган ж. — ўтмас предмет билан уриб етказилган, ён-веригаги тўқималарга ҳам шикаст етган жароҳат; ён-атрофи кенг қамровли бирламчи ва айниқса иккиламчи травматик некрозга учраши билан ажралиб туради.

Рус. Ушиблённая р.

Мажақланган ж. — етказилган механик таъсир оқибатида тўқималар мажақланган, йиртилган жароҳат; ён-вери атрофлича травматик некрозга учраши билан ажрилиб туради.

Рус. Размозжённая р.

Операция ж.-ти (син. жарроҳий ж.) — жарроҳий операция жараёнида етказилган жароҳат.

Рус. Операционная р.

Санчилган ж. — учи найза асбоблар, предметлар санчилишидан юзага келган ва камбар, чуқур канал ҳосил бўлган жароҳат.

Рус. Колотая р.

Скальп олинган ж. — бошнинг юқори сочли қисмини териси билан пичоқлаб кўчириб олинган жароҳат; ингл. scalp < лот. scalpere — қирмоқ, қиртишламоқ.

Рус. Скальпированная р.

Тишланган ж. — ҳайвон ёки одам тишлаб етказган жароҳат; инфекцияланган, четлари нотекис, эзилган бўлиши билан ажралиб туради.

Рус. Укушенная р.

Чопилган ж. — оғир, залворли, ўткир асбоб, предмет (болта теша, чопқи ва б. лар)ни зарб билан уриб—чопиб етказилган жароҳат; анча чуқурлиги, бирламчи травматик некроз кам бўлиши билан ажралиб туради.

Рус. Рублённая р.

Юқум тушган ж. — касаллик кўзгатувчи (патоген) микроорганизмлар тушиб жароҳат инфекцияси (патологияси)-ни келтириб чиқарган жароҳат.

Рус. Инфицированная р.

Уқ-снаряд ж.- ти — ўқ отар ёки портлаб шикастлайдиган жанговор қурооллар (бомба, граната, мина, снаряд ва б. лар) етказган жароҳат.

Рус. Огнестрельная р.

Жароҳат бўшлиғи — жароҳат деворлари-ю, туби билан чекланиб турган бўшлиқ; Ж.б.нинг шакли ва ўлчамларининг табиати ва чуқурлик даражаси билан белгиланади.

Рус. Раневая полость.

Жароҳат дистрофияси — қ. *Травматик силла қуриш.*

Жароҳат жараёни — жароҳатнинг битиш динамикаси (тез-секинлиги)ни белгиловчи клиник, патофизиологик, биокимёвий, бактериологик ва морфологик ўзгаришлар мажмуи.

Рус. Раневой процесс.

Жароҳат кохексияси — қ. *Травматик силла қуриш.*

Жароҳатланганлар дистрофияси — қ. *Травматик силла қуриш.*

Жароҳатланиш III — тўқима ва аъзоларга механик таъсир кўрсатилишидан уларнинг бутунлиги бузилиб жароҳат ҳосил бўлиши; операция йўли билан етказилган жароҳат бу термин билан ифодаланмайди; яна қ. I ж.; Ж. тахминан ўн хилга тафовут қилинади.

Рус. Ранение.

Кўп сонли ж. — бир нечта ўқ-снаряд ёки совуқ қурол билан бир неча бор икки ва ундан ортиқ аъзоларга ёҳуд гавда соҳаларига етказилган жароҳатланиш.

Рус. Множественное р.

Кўр ж. — чиқиш тешигига эга бўлмаган жароҳатланиш.

Рус. Слепое р.

Тегиб ўтган ж.; син. ялаб ўтган ж. — ўқ-снаряд терини ялаб ўтар экан уни ёриб, айтарли чуқур бўлмаган новсимон жароҳат етказишидан юз берган жароҳатланиш.

Рус. Касательное р.

Тешиб ўтган ж. — қ. I ж.

Рус. Сквозное р.

Тешилган ж. — қ. I ж.

Рус. Проникающее р.

Тешилмаган ж. — қ. I ж.

Рус. Непроницающее р.

Ялаб ўтган ж. — қ. *Тегиб ўтган ж.*

Ўқ-снаряд ж.-ти. — ўқ отар ёки портловчи жанговор қуроллар етказган жароҳатланиш.

Рус. Огнестрельное р.

Қўшилма ж. — биргина ўқ-снаряд икки ва ундан ортиқ аъзолар ёки гавда соҳаларига етказган жароҳатланиш.

Рус. Сочетанное р.

Шикастланиш касаллиги — қ. *Травматик силла қуриш.*

Жароҳатли силла қуриш — қ. *Травматик силла қуриш.*

Жароҳатни жарроҳий тозалаш (син. жароҳатни хирургик тозалаш) — жароҳатнинг битиши, унга жароҳат инфекцияси тушишининг олдини олиш ёки унга қарши курашиш, баъзан, ҳар иккаласи учун қулай шароит яратишга қаратилган жарроҳий операция; бу — нобуд бўлган ва ифлосланган тўқималарни олиб ташлаш, қон оқичини бутунлай тўхтатиш, жароҳатни кесиб очиш ва б. амалларни ўз ичига олади; у — бещ хил бўлади.

Рус. Хирургическая обработка раны.

Жароҳатни бирламчи ж.т. — муайян бир беморнинг жароҳатини ҳисоб бўйича биринчи марта жарроҳий тозалаш.

Рус. Х.о.р. вторичная.

Жароҳатни иккиламчи ж.т. — иккиламчи кўрсатма, яъни инфекция ривожланиб кейин юзага қелган патологик ўзгаришларга қараб ўтказиладиган жароҳатни жарроҳий тозалаш,

Рус. Х.о.р. первичная.

Жароҳатни кечки ж.т. — жароҳатни биринчи сутка — 24 соатни ўтказиб жарроҳий тозалаш.

Рус. Х.о.р. поздняя.

Жароҳатни эрта ж.т. — жароҳатни 24 соат ичида жарроҳий тозалаш.

Рус. Х.о.р. ранняя.

Жароҳатни қолдирилган бирламчи ж.т. — жароҳатни иккинчи куни бирламчи жарроҳий тозалаш.

Рус. Х.о.р. первичная отсроченная.

Жароҳатни хирургик тозалаш — қ. **Жарроҳатни жарроҳий тозалаш.**

Жарроҳлик арраси — ишчи қисми варақсимон, тасмасимон, дискасимон ёки симсимон арра кўринишида ясалган жарроҳий кесувчи асбоб.

Рус. Хирургическая пила.

Жарроҳлик болғачаси — искина билан бирга жарроҳий операцияларда қўлланиладиган метал дастаси ва болғачаси бор жарроҳий асбоб.

Рус. Хирургический молоток.

Жарроҳлик куракчаси — ишчи қисми силлиқ пластинкадан иборат дастакли асбоб; жароҳат бўшлиғидаги аъзоларни уёқ-буёққа суриб туриш ва жароҳат оғзини кенгайтиришга мўлжалланган.

Рус. Хирургическая лопатка.

Жарроҳлик кўлқопи — жарроҳий операция ва муолажаларда асептикани таъминлашга мўлжалланган юпқа резинадан ясалган чоксиз кўлқоп.

Рус. Хирургические перчатки.

Жағлараро соҳа — қ. **Чакка ости соҳаси.**

Жағ орти чуқурчаси (син. ретромандибуляр чуқурча) — пастки жағ шохи билан тўш-ўмров-сўргичсимон мушак ораллиғида бўйин юқори қисмидаги ботиқлик; кўлоқ ён беши шу ерга жойлашган.

Рус. Позадичелюстная ямка; син. ретромандибулярная ямка.

Жағ ости учбурчаги — қ. **Пастки жағ ости учбурчаги.**

Жағ ости чуқурчаси — қ. **Пастки жағ ости чуқурчаси.**

Жағ-тил ости эгати — пастки жағ танасининг ички юзасидаги чизиқсимон ботиқлик; қон томир ва нервлар шу ердан ўтади.

Рус. Челюстно-подъязычная борозда.

Жағ-чайнов соҳаси — қ. **Чакка ости соҳаси.**

Желатиноз инфилтрация — қ. **Желатиноз зотилжам.**

Жибер касаллиги — қ. **Пушги темиртки.**

Жигар — изоҳи I ж.да — қ.

Ж. дардга чалиниши оқибатида турли хил шакл ва кўриниш олади; шу жиҳатидан у бир неча хилга тафовут қилинади.

Рус. Печень.

Катталашган тарғил ж. — кесиб кўрилганда қон куйилишлар, некроз ва соғ сақланиб қолган турли даражада қонга тўлишган соҳалар навбатлашиб турган, ҳажми катталашган жигар; **токсик дистрофия** (қ. III ж.)нинг бошланғич фазасида кузатилади.

Рус. Большая п. пёстрая.

Катталашган ғадир-будир ж. — юзаси ғадир-будур катталашган жигар; постнекротик циррозда кузатилади.

Рус. Большая п. бугристая.

Кистали ж. (син. жигар поликистози) — паренхимасида туғма ривожланиш аномалияси туфайли ичи тиниқ суюқлик билан тўлган кўп кистали жигар.

Рус. Кистозная п. син. поликистоз печени.

Кўп бўлакли ж. — анатомик бўлақларига мос келмайдиган бўлақларга бўлингандай кўринадиган ўта деформацияга учраган жигар; захмнинг учламчи даврида кузатилади.

Рус. Дольчатая п.

Мускатсимон ж. — қ. *Қон димланган ж.*

Сирланган ж. (син. шакарсифат ж.) — қалинлашганлиги ва оқсил шимилганлиги оқибатида капсуласи оқ-сут рангга кирган жигар.

Рус. Глазурная п.; син. засахаренная п.

Чақмоқтошсимон ж. — юзаси майда ғадир-будур, кулрангнамо-жигарранг, консистенцияси (қаттиқ-юмшоқлиги) тошдек зич бир қадар катталашган жигар; туғма захмда кузатилади.

Рус. Кремневая п.

Шакарсифат ж. — қ. *Сирланган ж.*

Қон димланган ж. (син. мускатсимон ж.) — жигар бўлақлари марказидаги капиллярларнинг қонга тўлишиб туриши оқибатида уни кесиб кўрилганда тарғил кўринадиган катталашган жигар; веноз гиперемияда кузатилади.

Рус. Застейная п.; мускатная п.

Фозжигар — ўзи катталашган, кесиб кўрилганда бир хил сариқ рангга кирган (махсус боқилган фоз тусини олган) жигар; ёғ дистрофиясида кузатилади.

Рус. Гусиная п.

Жигар йўли — қ. **Умумий жигар йўли.**

Жигар кемтиги — қ. **Юмалоқ бойлам кемтиги** (IV ж.).

Жигар поликистози — қ. *Кистали жигар* (IV ж.).

Жигар сарғайма (син.: гепатик сарғайма, гепатоген сарғайма, гепатоцеллюляр сарғайма, паренхиматоз сарғайма, эпителиал-хужайравий сарғайма) – жигар хужайралари–гепатоцитларнинг дардга чалинишидан келиб чиқадиган С.; қон таркибида бевосита ва билвосита билирубиннинг ортиб кетиши, уробилиннинг сийдик билан, стеркобилиннинг нажас билан ажралишининг кўпайиши кузатилади.

Рус. Печёночная желтуха; син.: гепатическая желтуха, гепатогенная желтуха, гепатоцеллюлярная желтуха, паренхимотозная желтуха, эпителиально-клеточная желтуха.

Жигар шиши – *халқ табобатида* – танадаги бирор огир касаллик, захарланиш ёки ўта ўтқир инфекция туфайли ёхуд жигарнинг ўзининг қандайдир юқумли ё юқумсиз касаллиги орқасида жигар тўқималарида қон тўпланиши ҳисобига ҳажмининг катталашуви.

Рус. Отёк печени.

Жигар ўти (син.: порция С, ўт С) – ўн икки бармоқ ичакка зонд киритиб ўт қопадаги ўт ўтиб кетгач олинган хилт порцияси; бу – жигар ички йўлларида тушган сариқ-тиллари ўтдан иборат.

Рус. Печёночная желчь; син.: желчь С, порция С.

Жигар қопқаси – жигар артерияси, қопқа венаси, жигар чигалини ташкил қилувчи нервларнинг кириш ва ундан жигар йўли ҳамда лимфатик томирлар чиқиш жойи ҳисобланган жигарнинг қуйи (висцерал) юзасидаги кўндаланг эгат.

Рус. Ворота печени.

Жиддий аъзойи бадан – *психиатрияда* – чуқур руҳий айниш (алаҳлаш, галлюцинация, эс-хуш ўзгариши ва б. лар) орқасида юзага келган ва ғоят хушёр-безовта гавда вазиятини олган, калондумоғ, ҳар эҳтимолга қарши тийёр турган (мас., ҳужум қилиб қолиш, қочиб кетиш, ўзини ўзи шикастлаш каби) ҳолат.

Рус. Напряжённость.

Жимжилоқ дўнглиги (син. гипотенар) – жимжилоқ мушакларидан ҳосил бўлган билак чеккасига яқин кафтдаги дўнглик.

Рус. Возвышение мизинца; син. гипотенар.

Жимжимадор нутқ (син. манерали гап) – беморнинг одатдан ташқари, кам тушуниладиган, ўзича чиройли чиқаётган, аксари ҳолларда эса, маъноси тўғри келмайдиган, қовушмайдиган сўзларни ишлатиб гапириш манераси; нутқ

бузилиши сифатида қаралади; буни айрим руҳий касалларда кўриш мумкин.

Рус. Вычурная речь; син. манерная речь.

Жинсий алоқани аниқлаш — текшириб чиқиш, синчиклаб ўрганиш ва ашёвий далилларни лаборатория текширувидан ўтказиш йўли билан жинсий алоқа бўлганлигини тасдиқловчи далилларни аниқлаш.

Рус. Установление полового сношения.

Жинсий жиноятлар — ўзининг жинсий қониқишини бошқаларнинг соғлигига ёки обрўсига путур етказиш билан амалга ошириш; зўрлаш, норасидалар билан, яъни балоғатга етмаганлар билан жинсий алоқада бўлиш ва ҳ.

Рус. Половые преступления.

Жинсий маданият — аёл ва эркак жинсига мансуб кишиларнинг ўзаро аҳди-паймони, рози-ризологи билан ишқий мулоқатга киришувлари ва жинсий ҳаёт бошлашлари жараёнида шаръий одоб-ахлоқ нормаларига қатъий риоя этиб табиий-физиологик эҳтиёж талабларига кўра жинсий майл ва эҳтиросларини қондириш билан паёнига етувчи инсоний-ҳирсий хислатлар мажмуи.

Рус. Половая культура.

Жинсий майл — жинсий алоқага ҳавас уйғониши, унга мойиллик ҳисси пайдо бўлиши; организмнинг нормал физиологик инсоний эҳтиёжи, тирик жон истаги; бу истакнинг ўз вақтида табиий ҳолатда қондириб турилиши одамни ҳам руҳан, ҳам жисмонан соғлом қилади; уни дам-бадам, узоқ вақт бўғиб келиши, аксинча, одамни ҳам жисмонан эзиб кўяди ва ҳатто бора-бора неврозга дучор қилади.

Рус. Половое влечение; син. либидо.

Жисмоний зўриқиш — организмнинг функционал имкониятига тўғри келмайдиган ҳаддан ортиқ жисмоний иш бажарганида юзага келадиган, аксарият, ўтқир юрак иши ёки томирлар иши етишмаслиги кўринишида саломатлик издан чиқиши.

Рус. Физическое перенапряжение.

Жисмоний иш лаёқати — қ. **Жисмоний иш қобилияти**.

Жисмоний иш қобилияти (син. жисмоний иш лаёқати) — тезлиги ва мураккаблиги муайян даражада бўлган жисмоний ишни бажариш қобилияти.

Рус. Физическая работоспособность.

Жисмоний маданият (син. физкультура) — **жисмоний тарбия** (қ.) системасини, шунингдек, уни амалга ошириш учун зарур бўлган илмий билим ва модий таъминот восита-

лари мажмуини ўзига қамраб олувчи жамият умумий маданиятининг бир қисми.

Рус. Физическая культура; син. физкультура.

Жисмоний ривожланиш — 1. Организмнинг ўзига хос морфологик ва функционал хусусиятларининг ўзгариш жараёни.

2. Организмнинг жисмоний кучи, бардошлиги (чидамлиги) ва ишга лаёқатлиги заҳирасини белгилаб берувчи морфологик ва функционал хусусиятлари мажмуи; умумлаштириб олинган маълумотлар антропометрия методи билан баҳоланади.

Рус. Физическое развитие.

Жисмоний тайёргарлик — муайян фаолият турини эгаллаш мақсадида махсус жисмоний машқлар мажмуи билан шуғулланишлик; мас., спорт турларидан бирини, космонавтлик, учувчилик касбини эгаллаш учун тегишли машқлар мажмуи билан шуғулланиш шулар жумласидандир.

Рус. Физическая подготовка.

Жисмоний тайёргарлилик — муайян фаолият турини муваффақиятли бажариш учун зарур бўлган жисмоний сифат, кўникма ва малака даражаси; **жисмоний тайёргарлик** (қ.) натижаси билан баҳоланади.

Рус. Физическая подготовленность.

Жисмоний тарбия — одамнинг саломатлигини мустаҳкамлаш ва ҳар томонлама жисмоний лаёқатини ривожлантириш, шунингдек, ҳаёт кечирish жараёнида муҳим бўлган ҳаракатли кўникма ва малакаларга эга бўлишга қаратилган умумий тарбиянинг бир қисми бўлмиш ташкилий педагогик жараён.

Рус. Физическое воспитание.

Жисмоний юкланиш — мушак ишининг интенсивлик (тезлик) ва давомий даражаси; иш оғирлиги ёки бажарилиш кўлами билан ортиб борувчи организм йўқотган энергия сарфи катталиги билан белгиланади (ўлчанади).

Рус. Физическая нагрузка.

Локал ж.ю. — одам гавдаси мушак массасининг камида 1/3 қисми бажарган иш билан таърифланадиган жисмоний юкланиш.

Рус. Ф.н. локальная.

Регионал ж.ю. — одам гавдаси мушак массасининг 1/3—2/3 қисми бажарган иш билан таърифланадиган жисмоний юкланиш.

Рус. Ф.н. региональная.

Умумий ж.ю. — одам гавдаси мушак массасининг кўп деганда 2/3 қисми бажарган иш билан таърифланадиган жисмоний юкланиш.

Рус. Ф.н. общая.

«**Жони ичига сигмас**» — *халқ орасида* — халқ ибораси; ўйин-кулгининг маъносини энди тушунган, елиб-югуриб, сакраб-ўйноқлаб юрадиган болалар, ўсмирларнинг ҳали жиловланмаган ҳаёжон ва эҳтиросларга тўлиб тошган руҳий-жисмоний ҳолати.

Одамзод бу ёшида чиндан ҳам шодлик ҳисларига тўлиб ич-ичидан қийқиргиси, ҳайқиргиси келади, жўш уриб, тўлқинланиб, кўпириб келаётган жони—қалби завқ-шавққа тўлиб ичига сигмай кетади; **ҳис-туйғули одам** (қ.)ларда бу ҳолат ўта кучли, ўта эҳтиросли кечади; болалар ва ўсмирларга хос темперамент ифодаси.

Ж у с с а — қ. **Қомат**.

3

Замбуруғга қарши воситалар — antimycotica — фунгицид ёки фунгистатик таъсирга эга бўлган ва микоз (қ. II ж.)нинг олдини олиш ва уни даволашда ишлатиладиган дори воситалар; амиказол, амфотерицин, амфоглюкамин, гризефульвин, леворин, нистатин ва б. лар шулар жумласидандир.

Рус. Противогрибковые средства.

Замбуруғсимон сўргич — тилнинг таъм ва ҳарорат сезувчи учуда ёки ўрта қисмида жойлашган замбуруғ (қўзиқорин)симон тузилма.

Рус. Грибовидный сосочек.

Зарарланган жой — ернинг тупрқ қатлами, қор қоплами ва турли хил объектларнинг кимёвий қурол қўлланганлиги оқибатида турғун заҳарловчи моддалар билан зарарланган жой.

Рус. Заражённый участок; син. участок заражения.

Зарарланганлар (ярадорлар)ни олиб кетиш — зараланганлар (ярадорлар)ни зарарланган жойларидан ёки транспортга ортилган ерларидан механик транспорт воситаларида ёки от-араваларда тиббиёт пунктларига элтиш.

Рус. Вызов поражённых (раненых).

Зарарланиш зичлиги — бирор бир объектнинг юзаси қанчали зарарланганлигини кўрсатувчи миқдорий тариф; зарарловчи агент зарраларининг зарарланган майдон бирлигига тўғри келадиган масса ёки миқдорда ифодаланиши.

Рус. Плотность заражения.

Заҳм — изоҳи I ж. да — қ.

Рус. Сифилис.

Бирламчи з. — касалликнинг бошланғич стадияси; қаттиқ шанқр юзага келиши ва регионар — муайян жойдаги лимфатик тугунлар катталашиси билан кечади.

Рус. Первичный с.

Висцерал з. — ички аъзолар — бош, орқа мия, юрак, ўпка, жигар, меъда, буйрак дардга ториладиган захм.

Рус. Висцеральный с.

Гуммоз з. — қ. *Учламчи з.*

Иккиламчи з. — қўзғатувчи инфекциянинг бирламчи касаллик ўчоғидан қон билан аъзоларга тарқалишидан юзага келадиган захм; тери ва шиллиқ пардаларда полимор тошмалар — папула, доғ, пустиулаларпайдо бўлиши кузатилади; баъзан латент — яширин кечади.

Рус. Вторичный с.

Иккиламчи рецидив з. — янги 3. дан кейин юзага келадиган И.з. даври; терида тўп-тўп бўлиб жойлашган полиморф — ҳар хил тошмалар пайдо бўлиши, камдан-кам нерв системаси зарарланиш билан кечади.

Рус. Вторичный с. рецидивный.

Кечки тугма з. — 4 ёшдан ошаган болаларда кузатиладиган захм; у — **Гетчинсон триадаси** (қ. II ж.) шунингдек, тери, ички аъзолар ва суякларнинг учламчи захми типиди учрайди.

Рус. Врождённый с. поздний.

Кечки яширин з. — инфекция юққандан бошлаб 2 ва ундан ортиқ йил ўтган яширин захм.

Рус. Скрытый с. поздний.

Латент з. — қ. *Яширин з.*

Машиий з. — жинсий йўлсиз юқадиган захм.

Рус. Бытовой с.

Серонегатив бирламчи з. — манфий серологик реакциялар билан кечадиган бирламчи захм.

Рус. Первичный с. серонегативный.

Серопозитив бирламчи з. — мусбат серологик реакциялар билан кечадиган бирламчи захм.

Рус. Первичный с. серопозитивный.

Серорезистент з. — махсус даволашларга қарамай мусбат серологик реакциялар билан кечадиган захм.

Рус. Серорезистентный с.

Трансфузион з. — 3.га чадинган бемор қонини соғ одамга куйишдан юзага келган захм.

Рус. Трансфузионный с.

Тугма з. — ҳомилага онадан ўтган захм.

Рус. Врождённый с.

Учламчи з. (син. гуммоз з.) — иккиламчи з.дан кейин келувчи ва ички аъзолар ҳамда нерв системаси деструктив дардга чалиниши, уларда гуммалар юзага келиши билан кечадиган захм стадияси.

Рус. Третичный с; син. гуммозный с.

Хавфли з. — кўплаб ички аъзолар ва нерв дардга чалинадиган оғир захм; учламчи з. нинг биринчи йилида учрайди.

Рус. Злокачественный с.

Экспериментал з. — тажриба ҳайвонларида уларга сунъий равишда инфекция юқтириб юзага келтирилган захм.

Рус. Экспериментальный с.

Эртаки туғма з. — ҳомила ва 4 ёшгача бўлган болаларда захм пуфакчалари ва терида ёйиқ папулёз инфилтрация пайдо бўлиши, шиллиқ пардаларнинг зарарланиши, ички аъзолар, суяк тўқималар, нерв системаси ва кўзнинг дардга тортилиши билан юзага чиқади.

Рус. Врождённый с. ранний.

Эртаки яширин з. — инфекция юққанидан кўпи билан 2 йил ўтгандаги яширин захм.

Рус. Скрытый с. ранний.

Янги иккиламчи з. — И.з.нинг бошланғич даври; тери ва шиллиқ пардаларда кўплаб полиморф — ҳар хил тошмалар тошиши ва полиаденит билан кечади; камдан-кам ҳолларда қаттиқ шанкарнинг қолдиқ белгилари кузатилади.

Рус. Вторичный с. свежий.

Яширин з. — (син. л а т е н т з.) — серологик реакциялар мусбат чиқса-да тери, шиллиқ пардалар ва ички аъзолар дардга чалинганлигини кўрсатувчи белгилар кўринмайдиган захм.

Рус. Скрытый с; син. латентный с.

Қаттиқ шанкрисиз з. — з. инфекцияси тўғридан-тўғри қонга тушганда (жароҳат орқали, қон қуйганда) юзага чиқадиган захм; қаттиқ шанкрисиз кечади.

Рус. Обезглавленный с.

Захм сарғаймаси — захм гепатитининг симптоми саналадиган жигар сарғаймаси.

Рус. Сифилитическая желтуха.

Заққум — 1. *Ботаникада* — мевасида ўта заҳарли сутсимон шираси бўладиган дарахт; бута.

2. *Диний ақидаларда* — дўзах дарахти; дўзахи одамлар шу дарахт меваси билан озикланадилар.

3. *Кўчма маънода* — 1) миннати бўлган, татимайдиган ёхуд ўта аччиқ овқат — *заққум овқат*; 2. бағоят қайғули,

аламли руҳий ҳолат — *заққум ютмоқ*; 3) *қарғиш* «заққумни ют».

Рус. Анчар.

Заҳарли қуртлар — сиртидаги туклари ёки оғзидаги илмоқлари орқали ўз заҳарини жонзотларга ўтказиб заҳарлайдиган қуртлар; денгиз аннелидлари шундай қуртлар хилига киради.

Рус. Ядовытые черви.

Заҳарловчи моддалар; **ЗМ** (син. жанговар заҳарловчи моддалар **ЖЗМ** — *тав. этилмайди*) — изоҳи I ж. да қ.; таъсир доираси, ўрни, хусусияти ва муддатига кўра ЗМларнинг ўн бешдан ортиқ тури бор.

Рус. Отравляющие вещества; ОВ; син. боевые отравляющие вещества; БОВ — *тав. этилмайди*.

Аксиртирувчи з. м. — қ. *Таъсирлайдиган таъсир этувчи з. м.*

Бўғадиган таъсир этувчи з. м. — токсик таъсири ўпкани шишириб юборадиган заҳарловчи моддалар.

Рус. О. в. удушающего действия.

Вақтинча сафдан чиқарувчи з. м. — одамни вақтинча ўз иш (жанговар) фаолиятдан тўхтатиб туриш таъсирига эга бўлган заҳарловчи моддалар.

Рус. О. в. временно выводящие из строя.

Ёш оқизадиган таъсир этувчи з. м. (син. лакриматорлар) — токсик таъсири кўз ва бурун-ҳалқум шиллиқ парадаларини таъсирлайдиган тез таъсир этувчи заҳарловчи моддалар.

Рус. О. в. слезоточивого действия; син. лакриматоры.

Нерв-фалажловчи з. м. (син. нерв газлари — *тав. этилмайди*) — токсик таъсири нерв системаси ишини бузиб, **миоз** (қ. II ж.), **бронхоспазма** (қ. II ж.), **фибриллалар** (қ. II ж.) босиб кетиши, баъзан умумий талвасалар, кичик фалажлар ва б. ҳаётий муҳим аъзо ҳамда тўқималар функцияларни издан чиқарадиган заҳарловчи моддалар.

Рус. О. в. нервно-паралитического действия; син.: нервные газы — *тав. этилмайди*, отравляющие вещества нервно-паралитические.

Полиция з. м. — *лари* — организмни таъсироловчи ва ёш оқизувчи ва шу билан одамни вақтинча сафдан чиқарувчи заҳарловчи моддалар.

Рус. Полицейские о. в.

Психокимёвий з. м. — қ. *Психотомиметик таъсир этувчи з. м.*

Психотик з. м. — қ. *Психотомиметик таъсир этувчи з. м.*

Психотомиметик з.м. — қ. *Психотомиметик таъсир этувчи з.м.*

Психотомиметик таъсир этувчи з.м. (син.: психокимёвий з.м., психотик з.м. психотомиметик з.м.) — вақтинча руҳий бузилишларни келтириб чиқарувчи, ammo айтарли аъзо ва системалар ишини бузмайдиган заҳарловчи моддалар.

Рус. О. в. психотомиметического действия; син.: психотические о. в., психотомиметические о. в., психохимические о. в.

Секин таъсир этувчи з.м. — клиник таъсирини бир неча ўн минутдан кейин ва ундан ортиқ яширин даврда ўтказиб юзага чиқадиган заҳарловчи моддалар.

Рус. О. в. замедленного действия.

Таъсирлайдиган таъсир этувчи з.м. (син. а к с и р т и р у в ч и з. м.) — токсик таъсири нафас йўллари шиллиқ пардаларини таъсирлайдиган тез таъсир этувчи заҳарловчи моддалар.

Рус. О.в. раздражающего действия; син. о.в. чихательные.

Тез таъсир этувчи з.м. — организмга текканидан бир неча секунд ёки минутдан кейин заҳарловчи таъсири юзага чиқа бошлайдиган заҳарловчи моддалар.

Рус. Быстродействующие о.в.

Тери-патослантирувчи з.м. — қ. *Тери-патосли таъсир этувчи з.м.*

Тери-патосли таъсир этувчи з.м. (син.: везикантлар, тери-патослантирувчи з.м. — *тав. этилмайди*) — организмга теккан жойда яллиғланиш ва некрозларни юзага келтирувчи ҳамда ҳаётини муҳим аъзо ва системалар ишини издан чиқарувчи заҳарловчи моддалар.

Рус. О.в. кожно-нарывного действия; син.: везиканты, отравляющие вещества кожно-нарывные.

Тери-резорбтив з.м. — жароҳатланмаган терига текканида ҳам бутун организмга кириб кетиш хусусиятига эга бўлган заҳарловчи моддалар.

Рус. Кожно-резорбтивные о.в.

Узоқ турадиган з.м. (УТЗМ) — зарарловчи таъсири қўлланилганда бир неча соатгача ёки суткагача сақланиб турадиган заҳарловчи моддалар.

Рус. Стойкие о.в. (СОВ).

Узоқ турмайдиган з.м. (УТМЗМ) — қўлланилганидан кейин зарарловчи таъсири 1-2 соатдан ошмайдиган газсимон ёки тез буғланиб кетувчи заҳарловчи моддалар.

Рус. Нестойкие о.в. (НОВ)

Умумий заҳарли таъсир этувчи з.м. — токсик таъсири

тўқималар нафасини тезда бўғиб қўювчи ва шу билан гипоксия (қ. II ж.) белгиларини келтириб чиқарувчи заҳарловчи моддалар.

Рус. О.в. общеядовитого действия.

Фосфорорганик з.м. (ФЗМ) – фосфор кислоталарнинг органик эфирларидан иборат заҳарловчи моддалар; уларга нерв-фалажловчи з.м. киради.

Рус. Фосфорорганическая о.в. (ФОВ)

Заҳартанг – *халқ орасида* – сийги қистаб одамни танг аҳволга солиб қўйган ҳолат.

Заҳар ташувчилик – организмнинг танадаги заҳар билан ўзаро таъсир формаси; аъзо ва тўқималардан кимёвий анализ методи ёрдамида заҳарнинг жиндек миқдори топилиши ва ҳеч бир заҳарланиш аломатлари кўринмаслиги билан изоҳланадиган ҳолат.

Рус. Носительство яда.

Земмеринг моддаси – қ. **Қора модда.**

Зирапча – терига сал кирган учли ингичка чўп ёки тикан; аксарият ҳолларда, парво қилмаслик ёки олиб ташлай олмаслик оқибатида у тез кунда терини яллиғлантириб, йиринглашиб юборади.

Рус. Занос.

Зирхли ўпка – оҳақ босган плеврал шварталар билан вентиляцияси қийинлашган, натижада, кичик қон айланиш доирасида қон юриши издан чиққан ўпка; сурункали продуктив адгезив плеврит оқибати саналади.

Рус. Панцирное лёгкое.

Зич доғ – **нефрон** (қ. II ж.) дистал (чекка) бўлимнинг призматик эпителиал ҳужайралари гуруҳи; буйракнинг юкстагломеруляр мажмуи таркибига киради.

Рус. Плотное пятно.

Зотилжам (син. ўпка шамоллаши) – таърифи I ж. да – қ.

Яллиғланишнинг келиб чиқиши – этиологияси, кечиши, жойлашган ўрни, клиникаси ва асоратига кўра З. элликдан ортиқ хил (форма)га тафовут қилинади.

Рус. Пневмония; син. воспаление лёгких.

Абсцессланган з. – ўпка абсцесс билан асоратланган зотилжам.

Рус. Абсцедирующая п.

Аденовирусли з. – аденовирус келтириб чиқарган интерстициал зотилжам; у, аксарият, ярали-некротик трахеит ва **паренхима** (қ. II ж.) ларнинг кўплаб некрозга учраши билан кечади.

Рус. Аденовирусная п.

Алейкоцитар з. — яллиғланишдан юзага келган альвеолалар экссудати таркибида лейкоцитлар бўлмаслиги билан ажралиб турадиган зотилжам; **лейкопения** (қ. II ж.)да, мас., **нурланиш касаллиги** (қ. II ж.)да кузатилади.

Рус. Алейкоцитарная п.

Альвеоляр з. — қ. **Альвеолит** (II ж.).

Анергик з. — қ. **Ареактив з.**

Ареактив з. (син. *анергик з.*) — ҳароратли реакцияларсиз, узоқ ва суст кечадиган зотилжам; ҳолсизланиб қолган ёки қариллик ёшини бошидан кечирётган кишиларда кузатилади.

Рус. Ареактивная п.; син. анергическая п.

Аспирацион з. — ёт жинслар ёки суюқликлар (сув, қусуқ ва блар) нафас йўлига кетиб қолиши — аспирация оқибатида келиб чиққан **ўткир зотилжам** (қ.)

Рус. Аспирационная п.

Ателектатив п. — ўпканинг ателектаз (қ. II ж.) — кучайиб қолган қисмига юқум тушиши оқибатида келиб чиққан зотилжам.

Рус. Ателектатическая п.

Атипик з. (син. *бе ўх ш о в з.*) — касаллик одатдаги ривожланиб бориш йўлини четлаб кечадиган зотилжам.

Рус. Атипическая п.

Ациноз з. — **ацинус** (қ. II ж.) ҳосил қилувчи альвеолалар гуруҳини қамраб олувчи зотилжам.

Рус. Ацинозная п.

Ациноз-нодоз з. — алоҳида **ацинус** (қ. II ж.)ни, шунингдек, ацинуслар гуруҳини қамраб олувчи зотилжам.

Рус. Ацинозно-нодозная п.

Бе ўх ш о в з. — қ. *Атипик з.*

Билиоз з. — чақалоқларда учрайдиган, патологик **рефлюкс** (қ. II ж.) оқибатида ўн икки бармоқ ичакдан меъдага тушган ўт аралаш ширанинг ўпкага кетиб қолиши туфайли келиб чиққан зотилжам; ўпка тўқималари тез емирилиб кетиши кузатилади.

Рус. Билиозная п.

Бирламчи атипик з. — *Микоплазмали з.*

Бирламчи грипп з-ми — қ. *Грипп з-ми.*

Бирламчи менингококкли з. — менингококклар келтириб чиқарадиган ўчоқли ёки бўлак зотилжами; кечиши, аксари, **плеврит** (қ. II ж.) ёки бронхиолит ёхуд ҳар иккаласи юзага келиши билан таърифланади.

Рус. Менингококковая п. первичная.

Бирламчи шикастланиш 3-ми — ўпка ўзи шикастланганида юзага келадиغان зотилжам.

Рус. Травматическая п. первичная.

Бруцеллэз 3-ми — бирга қўшилиб кетадиغان альвеолит ўчоқлари ҳосил бўлиши, қуруқ ёки экссудатив плеврит ва бронхаденит юзага келиши билан кечадиغان бруцеллэз (**қора оқсоқ**) (қ. II ж.) дардига мубтало бўлган кишилар зотилжами.

Рус. Бруцеллэзная п.

Бўлакчалараро 3. — яллиғланиш жараёни кўпроқ ўпка бўлакчалари орасидан бириктирувчи тўқималарга ёйиладиган **интерстициал зотилжам** (қ.)

Рус. Межлобулярная п.

Вагус 3-ми — кўкс оралиғи зарарланганда адашган нервлар вагус қаттиқ таъсирланиши оқибатида келиб чиқадиغان оғир қўшилиб кетадиغان зотилжам (қ.)

Рус. Вагусная п.

Гангрена 3-ми — ўпка гангрена — қорасон билан асоратланган зотилжам.

Рус. Гангренозная п.

Геморрагик 3. — ўпка альвеолалари экссудати билан балғам таркибида эритроцитлар кўп бўладиган зотилжам; грипп, ўпка лати, септик куйдирги касалликларида кузатилади.

Рус. Геморрагическая п.

Геморрагик-некротик 3. — альвеолалар экссудатига ва ўпка тўқималарининг некрозга учраган ўчоқларига қон аралашган бўлиши билан таъсирланадиган зотилжам, ўпка ўлати ва б. касалликларда кузатилади.

Рус. Геморрагически-некротическая п.

Гигант хужайралар 3. — альвеолалар экссудати таркибида бир ядроли гигант хужайралар бўлиши билан таърифланадиган зотилжам; цитомегалия — сўлак безлар касаллиги ва б. вирусли дардларда кузатилади.

Рус. Гигантоклеточная п.

Гиповентиляция 3. — ўпка тўқималарининг ҳаво алмашилиши пасайган соҳаларига инфекция тушишидан келиб чиққан зотилжам; мас., ўпканинг қисман ателектаз (қ. II ж.)ида кузатилади.

Рус. Гиповентиляционная п.

Гипостатик 3. (син. қон димланиш 3-ми) — ўпка тўқималаридаги веналар **гиперемия** (қ. II ж.)сида келиб чиқадиغان зотилжам; мас., узоқ вақт ётиб қолиш оқибатида ўпканинг ортки бўлимларида кузатилади.

Рус. Гипостатическая п.; син. застойная п.

Грипп 3-ми — 1. Грипп асорати сифатида, одатда унга бактериал инфекция (аксарият, стафилококк) қўшилиши оқибатида келиб чиқадиган зотилжам; узоқ чўзилиб кетиш ва абсцелланишига мойил бўлади.

2. (син. бирламчи грипп 3-ми) — грипп вируси келтириб чиқарадиган геморрагик зотилжам; шиддат билан кечади ва қон айланиш издан чиқади.

Рус. Гриппозная п.

Десквamatив з. — сероз альвеолалар экссудатида кўп миқдорда кўчиб тушган эпителий ҳужайралари бўлиши билан ажралиб турадиган зотилжам.

Рус. Десквamatивная п.

Желатиноз з. (син.: желатиноз инфильтрация, силлиқ з.) — ўпканинг бўлак ёки бўлакчасининг сил зотилжами; ўпканинг яллиғланиш ўчоқлари кесиб кўрилганда худди унга желатина шимилиб турганга ўхшаб кўринади; шу туфайли у бир хил — силлиқ тусда бўлади.

Рус. Желатинозная п.; син.: гладкая п., желатинозная инфильтрация.

Ўккиламчи шикастланиш 3-ми — ўпканинг шикастланган томони қаршисидаги томонида келиб чиққан зотилжам.

Рус. Травматическая п. вторичная.

Илдиз ён 3-ми — қ. *Марказий з.*

Интерстициал з. (син. оралиқ 3-ми) — кўпроқ ўпканинг бириктирувчи тўқималари (альвеолалараро, перибронхиал, периваскуляр тўқималар) дардга тортиладиган зотилжам.

Рус. Интерстициальная п.; син. межуточная п.

Ичтерлама 3-ми (син. пневмотиф) — ичтерлама (қ. I ж.) касаллигининг 3–4- ҳафталарида юзага келадиган зотилжам; ўпка тўқималарида ва **регионар лимфатик тугунар** (қ. III ж.)да ичтерлама гранулалари — дончалари ҳосил бўлиши билан кечади.

Рус. Брюшногифозная п.; син. пневмотиф.

Казеоз з. — тўқималарнинг кенг тарқалган сузмасимон некрози, яллиғланган ўчоқларининг қўшилиб кетиши, уларнинг емирилиши, бронхоген диссеминацияланишга мойиллиги устун турадиган зотилжам.

Рус. Казеозная п.

Карнификацияланган з. — фибринга бой экссудатнинг уюшган ҳолатга келиши ва кесиб қаралганда бир жинсли бўлиб кўринадиган зотилжам.

Рус. Карнифицирующая п.

Катарал з. — альвеолалар экссудатида кўп миқдорда

шилликлар бўладиган зотилжам; одатда у сурункали бронхитнинг асорати сифатида юзага келади.

Рус. Катаральная п.

Катарал-геморрагик з. — альвеолалар экссудатида кўп миқдорда шилликлар ва уларга аралашган эритроцитлар бўладиган зотилжам; гриппда кузатилади.

Рус. Катарально-геморрагическая п.

Крупоз з. (син.: плевропневмония, фибринли бўлак з-ми) — тезда ўпканинг бутун бир бўлагини ва унинг яқинидаги плевра қисмларини қамраб оладиган ўткир зотилжам; альвеолалар экссудатида фибрин кўп бўлиши билан ажралиб туради.

Рус. Крупозная п.; син.: плевропневмония, фибринозная п. долевая.

Куйдирги з-ми — ўткир ўчоқли **геморрагик-некротик зотилжам** (қ.); ўпкага куйдирги таёқчаси — **бацилла** (қ. II ж.)си кириб яллиғлантиришидан келиб чиқади; унинг асосида, аксарият, куйдирги **сепсис** (қ. II ж.)и ётади.

Рус. Сибирезвенная п.

Липоид з. (син. олеопневмония) — I. Баъзан бронхография қилишда бронхларга юборилган рентген контраст моддалар таркибида кириб қолган ёғлардан кейин асорат сифатида юзага келадиган зотилжам; бу — ёғ киритмалари атрофида чегараланган реактив яллиғланишлар ва олеогранулемалар — ёғ доначалари ривож топиши билан таърифланади.

2. Гавданинг юмшоқ тўқималари ва скелет суяқларининг кўп қисми шикастланганда ўпкада ёғ эмболиялари юзага келишидан келиб чиқадиган зотилжам; кўплаб майда **абсцесслар** ва **ателектаз** (қ. II ж.)лар кузатилади.

Рус. Липоидная п.; син. олеопневмония.

Лобар з. — қ. *Ўпка бўлаги з-ми*.

Майда ўчоқли з. — ўпканинг ацинус ёки бўлакчасини эгаллаб майда яллиғланиш ўчоқларини ҳосил қиладиган зотилжам.

Рус. Мелкоочаговая п.

Марказий з. (син. илди з ён з-ми) — яллиғланиш ўчоғи ўпканинг илди з ён бўлимида бўладиган, плевра эса касаллик жараёнига тортилмай қоладиган зотилжам.

Рус. Центральная п.; син. прикорневая п.

Микоплазмали з. (син. бирламчи атипик з.) — *Mycoplasma pneumoniae* микроорганизми келтириб чиқарилган ўчоқли ёки бўлак зотилжами.

Рус. Микоплазменная п.; син. атипичная п. первичная.

Миляр з. — диаметри 1–2 мм келадиган кўплаб майда яллиғланиш ўчоқлари юзага келадиган зотилжам.

Рус. Милярная п.

Нурланиш з-ми (син. нурланиш пневмонити) — ионлаштирувчи нурларнинг умумий ёки жойли — локал таъсир этиши оқибатида қон қуйилишлар билан келиб чиқадиган зотилжам.

Рус. Лучевая п.; син. лучевой пневмонит.

Обтурацион з. — бронх ичига шиллиқ ёки ёт жисм кириб қолиши оқибатида келиб чиқадиган зотилжам.

Рус. Обтурационная п.

Операциядан кейинги з. — жарроҳий операциядан кейин кўп ўтмай бошланадиган, аксарият, гипостатик ёки гиповентиляцияцион зотилжам (қ.); кўпроқ кекса кишиларда ёки ҳолсизланиб қолганларда кузатилади.

Рус. Послеоперационная п.

Оралиқ з-ми — қ. *Интерстициал* з.

Орнитоз з-ми — орнитоз — тўти касаллиги (қ. I ж.)да юзага келадиган интерстициал ёки майда ўчоқли зотилжам; симптомлари аниқ-равшан юзага чиқмаслиги, узоқ чўзилмаслиги ва қайталаниб туришга мойиллиги билан ажралиб туради.

Рус. Орнитозная п.

Оқ з. — ўпкани кесиб кўрилганда лейкоцитлар билан десквамацияланган альвеолоцитларнинг кўплиги оқибатида оқиш-кулранг бўлиб кўзга ташланадиган зотилжам.

Рус. Белая п.

Паравертебрал з. — умуртқага тегиниб турган ўпка сегмент (қ. II ж.)ларини шикастлаган зотилжам; аксари, чақалоқларда кузатилади.

Рус. Паравертебральная п.

Перибронхиал з. — аксари, бронхлар атрофида жойлашган, аслида бронхлардаги яллиғланиш жараёнига перибронхиал лимфатик йўллар билан ўпка тўқималарига тарқалиши оқибатида келиб чиқадиган зотилжам.

Рус. Перибронхиал п.

Перифокал з. — ўпканинг яллиғланмай зарарланган ўчоғи атрофида, (мас., некроз ўчоғи ён-вериди) юзага келадиган зотилжам.

Рус. Перифокальная п.

Пневмоккли з. — пневмококклар келтириб чиқарадиган **крупоз** ёки **ўчоқли зотилжам** (қ.); сероз альвеолалар экссудати йиғилиши, аксари, унга фибрин ва йиринг аралашган бўлиши билан таърифланади.

Рус. Пневмококковая п.

Пролифератив з. — альвеола ва бронхлар эпителий-сининг **пролиферация** (қ. II ж.)си — сонининг ортиб бориши билан кечадиган зотилжам.

Рус. Пролиферативная п.

Псевдолобар з. — рентгенологик ва клиник белгилари жиҳатидан **бўлак з-ми** (қ.)ни, (мас. **крупоз з.** (қ.)ни) эсла-тувчи қўшилиб кетадиган зотилжам.

Рус. Псевдолобарная п.; син. ревматический пневмонит.

Ревматизм з-ми (син. **р е в а т и к п н е в м о н и т**) — ревмотизм қайталаб қолганда юзага келадиган ўткир ўчоқли зотилжам; камдан-кам ҳолларда кузатилади; бўлак зотилжами ўпка томирларининг фибриноид некрозга учрашидан келиб чиқади.

Рус. Ревматическая п.

Сегмент з-ми — ўпка **сегмент** (қ. II ж.)ини қоплаб оладиган зотилжам.

Рус. Сегментарная п.

Сепсис з-ми — **сепсис** (қ. II ж.) билан асоратланган ёки сепсис-**пиямия** (қ. II ж.) кўринишида юзага чиққан зотилжам.

Рус. Септическая п.

Сероз-геморрагик з. — сероз альвеолалар экссудати тўпланиши ва унда эритроцитлар кўп бўлиши билан юзага чиқадиган зотилжам; грипп ва ўлат касалликларида кузатилади.

Рус. Серозно-геморрагическая п.

Сероз з-ми — альвеолалар экссудати ва балғамда оқсил ва ҳужайра элементлари кам бўлиши билан кечадиган зотилжам.

Рус. Серозная з.

Сероз-фибринли з. (син. **ф и б р и н л и з .**) — фибрин аралашган сероз альвеолалар экссудати билан кечадиган зотилжам.

Рус. Сероз-фибринозная п.; син. фибринозная п.

Силлик з. — қ. **Жолатиноз з.**

Стафилококкли з. — стафилококклар келтириб чиқарадиган ўчоқли, баъзан қўшилиб кетадиган зотилжам; ўпка тўқималарининг некрозга учраши ва емирилиб кетиши билан кечади; асосан, болаларда, кекса ва ҳолсизланиб қолган кишиларда учрайди.

Рус. Стафилококковая п.

Токсик з. — ўпкага айрим **токсик** (кўпроқ, таъсирловчи) моддалар ёки заҳарловчи моддалар таъсир қилишидан келиб чиқадиган зотилжам.

Рус. Токсическая п.

Тотал з. — ўпканинг ҳамма ерини қамраб оладиган зотилжам.

Рус. Тотальная п.

Тромбоэмболик з. — ўпка артерияси ёки унинг шохчаларига **инфекция** (қ. II ж.)ланган зарралари тикилиб қолганида келиб чиқадиган зотилжам.

Рус. Тромбоэмболическая п.

Туляремия з-ми — ўпкага **теляремия** (қ. II ж.) таёқчалари — бацилалари тушишидан келиб чиқадиган ўчоқли **сероз-фибринли зотилжам** (қ.); узоқ кечишга, некрозга учрашга, абсцессланган ўчоқлар юзага келишига, лимфаденит ва плевритлар келиб чиқишига мойил бўлади; унга туляремиянинг ўпка хили асос бўлиб хизмат қилади.

Рус. Туляремийная п.

Туғма з. — қ. *Чақалоқлар қориндалик з-ми.*

Фибринли бўлак з-ми — қ. *Крупоз з.*

Фибринли-геморрогик з. — сероз альвеолалар экссудатида кўплаб фибрин ва эритроцитлар бўлиши билан зотилжам; **ўлат** (қ. II ж.)да кузатилади.

Рус. Фибринозно-геморрогическая п.

Фибринли з. — қ. *Сероз-фибринли з.*

Чақалоқлар қориндалик з-ми (син. *туғма з.*) — бола она қорнидалик даврида ёки туғруқ пайтида юзага келадиган зотилжам.

Рус. Внутриутробная п. новорождённых; син. врождённая п.

Чўққи з-ми — ўпка чўққисида кечаётган зотилжам.

Рус. Верхушечная п.

Шикастланишдан кейинги з. — қ. *Шикастланиш з-ми.*

Шикастланиш з-ми — (син. *пульмонит — эск.*, *шикастланишдан кейинги з.*) — ўпка зарарланганда келиб чиқадиган зотилжам; кўплаб қовурғалар синганда кузатилади.

Рус. Травматическая п; син. посттравматическая п., *пульмонит — эск.*

Эмболия з-ми — ўпка артерияси ёки унинг шохлари **эмболия** (қ. II ж.)си келтириб чиқарадиган зотилжам.

Рус. Эмболическая п.

Ўпка бўлаги з-ми (син. *лобар з.*, *лобит*) — ўпканинг бир бўлагини қамраб оладиган зотилжам; яна қ. I ж.

Рус. Долевая п., лобарная п., лобит.

Унка бўлакчаси з – ми – ўпканинг бир бўлакчасини қамраб оладиган зотилжам; яна қ. I ж.

Рус. Дольковая п.

Уткир з. – таърифи I ж. да – қ.

Учоқли з. – таърифи I ж. да – қ.

Қизамиқ з.-ми – гигант ҳужайрали майда ўчоқли зотилжам; қизамиқда кузатилади ва деструктив бронхит билан кечади.

Рус. Корева п.

Қон димланиш з-ми – қ. *Гипостатик з.*

Қўшилиб кетган з. – алоҳида майда яллиғланиш ўчоқларининг каттароқ ўчоқларга қўшилиб-бирлашиб кетадиган ёки кетган зотилжам.

Рус. Сливная п.

Зўраки хаёллар – *психиатрияда* – ихтиёрдан ташқари зўр бериб келадиган енгиб бўлмас фикр-хаёллар, хатти-ҳаракатлар, ўрни йўқ қилмишлар кўринишида руҳий айнишларнинг умумий номи.

Рус. Насильственные явления.

Зўриқиб узилишлик – ҳаддан ортиқ жисмоний машқ қилиш оқибатида юзага келадиган спортчининг зўриққан ҳолати; иш қобилиятининг пасайиб кетиши, юрак-томир ҳамда нерв системалари иши бузилиши; серзардалик, **апатия** (қ. II ж.), юрак ўйнаши, юрак соҳасида санчиқлар пайдо бўлиши ва б. лар шулар жумласидандир.

Рус. Перетренированость.

Зўриқтириш синамаси – қ. **Юклантириш синамаси.**

И

Иквa иситмаси – қ. **Хандақ иситмаси.**

Иккига бўлинган бачадон – бачадон танаси бўшлиғи ёки бўйни каналининг ёхуд ҳар иккаласининг тўсиқ билан ажралган бўлиши; туғма ривожланиш нуқсони.

Рус. Двураздельная матка.

Иккига бўлинган буйрак – қ. **Иккиланган буйрак.**

Иккиламчи дилсиёҳлик – *психиатрияда* – касаллик кечуви жараёнида унинг симптоми сифатида юзага келмай, балки беморнинг шундай руҳий касаликка учраганлигига қарши норозиликдан келиб чиққан дилсиёҳлик, руҳий бузилиш.

Рус. Вторичные расстройства.

Иккиламчи жавоб — *иммунологияда* — бир хил антиген организмга иккинчи бор юборилганда ўзининг юзага чиқиш тезлиги ва кескинлиги олдингисидан фарқланиб турувчи иммунологик реакция.

Рус. Вторичный ответ (в иммунологии).

Иккиламчи жароҳат битиши (син.: грануляцияланиб битиш, йиринглаб битиш — *эск.*) — йиринг бўлган жароҳат ўрнини секин-аста грануляция тўқималар тўлдириб бориб ортидан эпителий тўқимаси юзага келиши билан битиши ва чандик ҳосил бўлиши; юқум тушган ва очилиб турган жароҳатларда кузатилади.

Рус. Заживление вторичным натяжением; син.: заживление грануляциями, заживление через нагноение — *эск.*

Иккиламчи жароҳат тозалаш (син. биологик жароҳат тозалаш) — йирингли яллиғланиш жараёни кечаётган жароҳат ичидан некрозга учраган — ўлган тўқималарни суолтириб ажратиб чиқариш.

Рус. Очищение раны вторичное; син. очищение раны биологическое.

Иккиламчи сийдик най — бирламчи буйрак йўлининг ортки учигаги дивертикуласидан ривожланиб чиққан ва сийдик найи билан буйрак жомчасига айланиб кетган иккиламчи буйракнинг сийдик чиқариш йўли.

Рус. Вторичный мочеточник.

Иккиламчи тошмали ичтерлама — олдин тошмали ичтерлама билан касалланиб ўтган одамнинг иккинчи марта шу дардга чалиниши; инфекциянинг *экзоген* (қ. II ж.) йўл билан юқиши Брилл касаллигидан фарқлашга имкон беради; биринчи марта касалланиб ўтгандан кўра бу гал бемор дардни енгил ўтказди.

Рус. Сыпной тиф повторный.

Иккиланган буйрак (син. иккига бўлинган буйрак) — буйракнинг ўртасидан юпқа бириктирувчи тўқима билан икки қисмга бўлиниб туриши; ҳар қайси қисм ўзининг алоҳида жоми, сийдик найи ва қон томирларига эга бўлади; камдан-кам ҳолларда ҳар иккала буйракда кузатилади.

Рус. Удвоенная почка; син. раздвоенная почка.

Иккинчи нафас — *спортда* — жисмоний иш қилиб ўта чарчаган бир пайтда (мас., ўртача ёки узоқ масофага югирганда) мушакларнинг зўр бериб қайта кучланиб ишга тушиб кетиш ҳолати; бунда — спортчи ўзини яхши ҳис этиб янада кучайиб кетади.

Рус. Второе дыхание.

Илвиллаш — 1. *Тиббиётда* — яра-чақа ва б. ҳар қандай газакланиб кетган жароҳатнинг йиринглаб, юмшаб, пилчиллаб, ириб турган ҳолати.

2. *Халқ табобатида* — ички аъзоларнинг бири ёки бир нечтаси дардга чалиниб турганда, юрганда омонатдай, узилиб, тўкилиб тушаётгандай сезги бериш ҳолати.

Илмоқ — *тиббий техникада* — учи, яъни ишчи қисми ёйсимон ёки бурчаксимон букилган метал ўзак ёки пластинка; шакли, ишлатиладиган ўрни, мақсад ва вазифасига кўра И. ларнинг ўнга яқин тури бор.

Рус. Крючок.

Акушерлик и-ғи — *туғруқда* — думбаси билан келиб нобуд бўлган ҳомилани чов букимидан илиб чиқариб олишда ишлатиладиган илмоқ.

Рус. Акушерский к.

Анатомик и. — мурдадан препаратлар тайёрлашда тўқималарни илиб ушлаб туришда ишлатиладиган ўткир учли илмоқ.

Рус. Анатомический к.

Кўз и-ғи — кўз қовоқлари ва пардаларидаги жароҳатни суриш ва ушлаб туришга, шунингдек, кўз мушакларини тортиб туришга мўлжалланган шакли ҳар хил илмоқларнинг умумий номи.

Рус. Глазной к.

Декапитацион и. — нобуд бўлган ҳомилани бурдалаб чиқариб олиш операцияларида унинг бўйнига солиш ва бўйин умуртқаларини синдириб олишда ишлатиладиган ингичка илмоқ.

Рус. Декапитационный к.

Егер и-ғи (W.Jaeger, 1917 й. да туғ. нем. офтальмологи) — учи, яъни ишчи қисми юмалоқланган илмоқсимон асбоб; кўз операцияларида кўз рангдор пардасини илиб олиб, чиқариб олишга мўлжалланган.

Рус. Крючок Егера.

Жарроҳий и. — учи ўткир ёки ўтмас илмоқларнинг умумий номи; жарроҳий операцияларда жароҳат четларини ва зич тўқималарни илиб тутиб туришга мўлжалланган.

Рус. Хирургический к.

Стоматологик и. — олти қиррали узун сопли, ишчи қисми авайлаб букилган ўткир илмоқ; тишлардаги ўтириндиларни олиб ташлашга мўлжалланган.

Рус. Стоматологический к.

Суяк и-ғи — суяк синиқларини бириктириш операцияларида уларни ушлаб туришга мўлжалланган бир тишли ўткир учли илмоқ.

Рус. Костный к.

Тенотомик и. — тўғри бурчак остида букилган ўтмас учли илмоқ; кўз мушаклари пайларини тутиб туришга мўлжалланган.

Рус. Тенотомический к.

Трахеотомик и. — бир тишли ўтқир илмоқ; **трахеотомия** (қ. II ж.) да кекирдакни тортиб тутиб туришга мўлжалланган.

Рус. Трахеотомический к.

Ҳимли и-ғи (С. Himly, 1772—1837 йй. да я. ў. нем. офтальмологи) ¹ ўтқир учли кичкинагина жарроҳий илмоқ; кўз операцияларида кўз рангдор пардасини илиб чиқариб олишда ишлатилади.

Рус. Крючок Гимли.

Илмоқсимон бармоқ — бармоқнинг фалангалариаро бўғимида юзага келган букув **контрактура** (қ.)си; бармоқнинг букувчи узун найининг тирноқ фалангаси асосидан узилиши оқибатида келиб чиқади.

Рус. Куркообразный палец.

Илонлар — судралиб юрувчилар синфига мансуб кенжа туркум; одам ва ҳайвонлар учун зарарли бўлган бир неча турларни қамраб олади; уларнинг заҳарларидан бир неча хил дори препаратлар тайёрланади.

Рус. Змеи.

Инбред никоҳ — қ. **Қариндошлар никоҳи**.

Инсуффлятор — қ. **Кукун пуркагич**.

Инфекция манбаи — қ. **Юқум манбаи**.

Ипохондрик ғоялар — ўзида қандайдир касаллик борлигини илгари сурувчи ғоялар.

Рус. Ипохондрические идеи.

Ипрек иситмаси — қ. **Хандақ иситмаси**.

Ипсимон сўрғич — тилнинг уст юзасида жойлашган ипсимон тил сўрғичларининг умумий номи; улар тактил сезги рецепторларига эга.

Рус. Нитевидный сосочек.

Ирқ белгилари — наслдан-наслга турғун ҳолатда кўчиб юрувчи ва инсон ирқини дифференциялашда фойдаланиладиган морфологик, биокимёвий ва б. белгилар мажмуи.

Рус. Расовые признаки.

Ирқшунослик — инсон ирқининг шаклланиш ва ривожлиб бориш жараёнларини ўрганувчи антропологиянинг бир бўлими.

Рус. Расоведение.

Иситма — изоҳи I ж. да — қ. Унинг йигирмадан ортиқ хили маълум.

Рус. Лихорадка.

Алиментар и. — **гўдак** (қ. I ж.) болаларда сути (овқати)нинг бир хил бўлмаган таркиби туфайли (аксари, сув етарли бўлмаганда) кўтарилган иситма.

Рус. Алиментарная л.

Атипик и. — тегишли касалликка хос бўлмаган шаклда кечадиган иситма.

Рус. Атипичная л.

Баланд и. — таърифи I ж. да — қ.

Бузуқ и. — эрталабки гавда ҳарорати кечкисидан юқори бўлган иситма.

Рус. Извращённая л.

Гектик и. (син.: ҳолдан тойдирувчи и., силла қури тувчи и.) — бир кеча-кундузда 2–3 марта такрорланиб, 3–5° кўтарилиб тушиб турадиган гавда ҳарорати; **сепсис** (қ. II ж.) да кузатилади.

Рус. Гектическая л.; син.: изнуряющая л., истощающая л.

Гиперпиретик и. (син. ҳаддан ортиқ и.) — гавда ҳарорати 41 °С дан юқори кўтарилган иситма.

Рус. Гиперпиретическая л.; син. чрезмерная л.

Доимий и. — гавда ҳарорати бир кеча-кундузда 1° дан ортмай-камаймай турадиган иситма; тошмали терлама, крупоз зотилжам ва б. касалликларда кузатилади.

Рус. Постоянная л.

Жароҳат и-си — қ. *Йирингли-резорбтив и.*

Интермитланувчи и. — қ. *Узгарувчан и.*

Инфекцияли и. — организмга моддалар алмашинуви ёки микроорганизмлар парчаланиши маҳсулотлари, шунингдек, инфекция жароён кечувида ҳосил бўлган эндоген **пирогенлар** (қ. III ж.) таъсир этиши оқибатида ва юқумли касалликларда юзага келадиган иситма.

Рус. Инфекционная л.

Инфекциясиз и. — инфекция жароёнсиз кўтарилган иситма; тўқималарнинг асептик — микробларсиз жароҳатланиши, айрим рецептор соҳаларнинг таъсирланиши, организмга **пироген моддалар** (қ. III ж.) нинг кириши бунга мисол бўла олади.

Йирингли-резорбтив и. (син.: жароҳат и-си, Пирогов—Пастер—Листер сепсиси, токсик-резорбтив и.) — йирингли яллигланиш ўчоғидан токсик маҳсулотларнинг сўрилишидан кўтариладиган гавда ҳарорати.

Рус. Гнойно-резорбтивная л.; син.: раненая л., сепсис Пирогова—Пастера—Листера, токсико-резорбтивная л.

Мўътадил и. — гавда ҳарорати 38–39 °С атрофида бўладиган иситма.

Рус. Умеренная л.

Нотўғри и. — гавда ҳарорати тартибсиз равишда кўтарилиб-тушиб турадиган иситма.

Рус. Неправильная л.

Пасайувчи и. — эск. — қ. *Ремитланувчи и.*

Пел-Эбштейн и-си (febris Pel-Ebstein; P.K.Pel, 1852–1919 йй. да я. ў. голланд врач; W.Ebstein, 1836–1912 да я. ў. нем. врач) — доимий иситма ва 8–10 кун давом этадиган, кейин 10–14 кун нормал ҳарорат бўлиб турадиган иситма; лимфогранулематозда, яъни лимфаникига ўхшаш тўқималарнинг хавфли гиперплазиясида кузатилади.

Рус. Л. Пеля-Эбштейна.

Ремитланувчи и. (син. *пасаювчи и.*) — гавда ҳарорати бир кеча-кундузда 1–1,5 °С ўзгариб турадиган, аммо нормагача тушмайдиган иситма.

Рус. Ремиттирующая л.; син. послабляющая л.

Силла қуритувчи и. — қ. *Гектик и.*

Субфебрил и. — гавда ҳарорати 38 °С дан ошмайдиган иситма.

Рус. Субфебрильная л.

Сут и-си — сут безда бирдан кўп сут димланиб туришидан юзага келадиган иситма.

Рус. Молочная л.

Токсик-резорбтив и. — қ. *Йирингли-резорбтив и.*

Туз и-си — таърифи I ж. да.

Тўлқинсимон и. (син. *ундулланувчи и.*) — бир неча кун мобайнида гавда ҳарорати кўтарилиб-тушиб турадиган иситма.

Рус. Волнообразная л.; син. ундулирующая л.

Ундулланувчи и. — қ. *Тўлқинсимон и.*

Ўзгарувчан и. (син. *интермитланувчи и.*) — гавда ҳароратининг бир кун ичида кўтарилиб-тушиб ёки нормал бўлиб туриши билан изоҳланадиган иситма.

Рус. Перемещающаяся л.; син. интермиттирующая л.

Қайталанувчи и. — кўтарилиб турган гавда ҳарорати бир неча кун мобайнида нормал бўлиб туриб яна кўтарилиб кетадиган иситма.

Рус. Рецидивирующая л.

Ҳаддан ортиқ и. — қ. *Гиперпиретик и.*

Ҳолдан тойдирувчи и. — қ. *Гектик и.*

Иссиқлаш — 1. Иссиқ таъсир қилиши; исиб лоҳас бўлиш.

2. Иссиқ таъсирдан организм бетоб ҳолатга тушиши; сув-

туз баланси ва гавда ҳарорати издан чиқиб касал бўлиб қолиш.

Рус. Стрaдaниe oт тeплa.

Иссиқ ҳаво дарпардаси — ташқаридан совуқ ҳаво киришини тўсиб қўйиш мақсадида очиқ эшик ёки б. туйнуқларнинг икки ён томонидан босим остида бериладиган сунъий иссиқ ҳаво оқими.

Рус. Воздушно-тепловая завеса.

Ит чайнаш — бошини товоқдан кўтармай, овқат луқмаларини кетма-кет, чайнар-чайнамас, апил-тапил ютиш; буларнинг ҳамиша ҳирси қонмайди, тўйганлик ҳисси сезилмайди; ошқозони оғрий бошлаганидагина ейишни тўхтатадилар; узукун овқат ҳазм қилиш аъзолари носоғлигидан ориниб юрадилар.

Ит чуқурчаси (син. қозик тиш чуқурчаси) — юқори жағ танасининг олд юзасидаги ботиқлик; оғиз бурчагини кўтарувчи мушак бошланадиган жой.

Рус. Собачья ямка; син. клыковая ямка.

Ихтисослашган тиббий ёрдам — ихтисосли тиббий ёрдам кўрсатишга мўлжалланган даволаш муассасалари ёки бўлимларида махсус даволаш-диагностик аппаратлар, асбоб-ускуналар ва жиҳозлардан фойдаланиб мутахассис-врачлар кўрсатадиган тиббий ёрдамнинг олий формаси.

Рус. Медицинская помощь специализированная.

Ич (син. ич соҳаси, мезогастрий) — икки ёндан X қовурғаларнинг энг пастки нуқталарини бирлаштирувчи чизиқ билан олд-юқори ёнбош қирраларини бириктирувчи чизиқ оралигида жойлашган қорин соҳаси.

Рус. Чревьe; син.: мезогастрий, чревная область.

Ичак гажимлари — ингичка ичак шиллиқ пардасининг жами қатламларидан ҳосил бўлган гажимлар; улар — ичак деворида бўладиган ҳазм жараёнларини ва озиқ моддалар сўрилишини таъминлашга хизмат қилади.

Рус. Кишечные ворсинки.

Ичакда тугун ҳосил бўлиши — ингичка ичак қовузлоғидан тугун ҳосил бўлишидан юзага келадиган ичак тутилишининг бир хили.

Рус. Узлообразование кишок.

Ичак таёқчаси — *Esherichia coli* — Enterobacteriaceae оиласига мансуб *Esherichia* уруғига оид бактерия; **спора** (қ. II ж.) ҳосил қилмайдиган ҳаракатчан грамманфий таёқча; **аэроб** ёки факультатив — имконига қараб **анаэроб** (қ. II ж.); одам учун шартли патоген; ичакда кун кўради; ташқи муҳит

объектларида унинг топилиши шу объектларнинг одам ахлати билан ифлосланганлигининг белгиси ҳисобланади.

Рус. Кишечная палочка.

Энтеропатоген и. т-си — одамда ичак коли-инфекция-сини кўзгатувчисининг бир тури.

Рус. К. п. энтеропатогенная.

Ичак яллиғланиши — ингичка, йўғон ва умуман ичаклар шиллиқ пардасининг бирор сабабга кўра дардга чалинишининг умумий номи; илмий тиббиётда бу касаллик конкрет терминлар — **энтерит** — ингичка ичак яллиғланиши, **колит** — йўғон ичак яллиғланиши кабилар билан ифодаланади.

Рус. Воспаление кишки.

Ичда сўзлаш — оғиз бўшлиғи аъзоларининг кўз илгамас артикуляцияси ҳаракатлари ёрдамида лабларни қимирлатмай — ҳаракатлангирмай гапириш.

Рус. Чревовещание.

Ичкетиш (син. д и а р е я) — таърифи I ж. да қ.

Рус. Понос; син. диарея.

Авитаминоз и. — организмда айрим витаминлар, мас., В, РР гуруҳидаги витаминлар етишмаслигидан келиб чиқадиган ичкетиш.

Рус. Авитаминозный п.

Алиментар и. — нораціонал — нотўғри овқатланиш, озиқа маҳсулотларининг меъёр миқдори бузилиши ёки сифатсиз овқатлар истеъмол қилишдан келиб чиқадиган ичкетиш.

Рус. Алиментарный п.

Аллергик и. — аксари, овқат ёки дори **аллерген** (қ. II ж.)ларга нисбатан юзага чиққан аллергия реакциялардан ичкетиш.

Рус. Аллергический п.

Ахилик и. — **меъда ахилия** (қ. II ж.)сида — хлорид кислота ва ферментлар бўлмаганидан келиб чиқадиган ичкетиш.

Рус. Ахилический п.

Ваболи и. — оғир кечадиган вабо касаллигига мутбало бўлган беморларда кузатиладиган ичкетиш; таркибида шиллиқ ва қон бўлмайдиган, гуруч қайнатмасига ўхшаш кўплаб сувдек тушадиган нажас билан таърифланади.

Рус. Холерный п.

Гастроген и. — меъда функцияси бузилишидан келиб чиқадиган ичкетиш.

Рус. Гастрогенный п.

Геморрагик и. — қ. *Қонли и.*

Гиперкинетик и. — қ. *Гипермотор и.*

Гипермотор и. (син. г и п е р к и н е т и к и .) — ингичка ва йўгон ичакларнинг перистальтикаси — қисқариши кучайишидан келиб чиқадиган ичкетиш.

Рус. Гипермоторный п.; син. гиперкинетический п.

Гиперсекретор и. — ичакларга зўр бериб экссудат ажраб чиқиши ёки йўгон ичак кўплаб сув ажратишидан келиб чиқадиган ичкетиш.

Рус. Гиперсекреторный п.

Дистрофик и. — узоқ вақт овқат етишмаслиги ёки оғир касалликда озиб-тўзиб кетишдан келиб чиқадиган ичкетиш.

Рус. Дистрофический п.

Дорили и. — дори воситаларнинг ножўя ёки токсик (заҳарли) таъсир этишидан ичкетиш.

Рус. Медикаментозный п.

Еюнал и. — ингичка ичакнинг юқори бўлими — очичак зарарланганда келиб чиқадиган **энтерал ичкетиш** (қ.).

Рус. Еюнальный п.

Илеал и. — ингичка ичак пастки бўлими зарарланганда юзага чиқадиган **энтерал ичкетиш** (қ.).

Рус. Илеальный п.

Невроген и. — марказий ёки периферик нерв системалари фаолияти бузилишидан келиб чиқадиган ичкетиш.

Рус. Неврогенный п.

Панкреатик и. — меъда ости беzi зарарланиши ва ташқарига секрет чиқариш фаолиятининг бузилишидан келиб чиқадиган ичкетиш.

Рус. Панкреатический п.

Уремик и. — **уремия** (қ. II ж.)да ичакларнинг ажратиш функцияси компенсация равишда кучайишидан келиб чиқадиган ичкетиш.

Рус. Уремический п.

Энтерал и. — ингичка ичак зарарланишидан, дардга чалинишидан келиб чиқадиган ичкетиш.

Рус. Энтеральный п.

Қонли и. (син. г е м о р р а г и к и .) — оддий кўз билан кўриш мумкин бўладиган қон аралаш ичкетиш.

Рус. Кровавый п.; геморрагический п.

Ички кулоқ (син. л а б и р и н т) — ичида эшитув ва вестибул анализаторлари жойлашган чакка суяги каналлари мажмуидан иборат даҳлиз-чиганоқ аъзосининг бир қисми.

Рус. Внутреннее ухо; син. лабиринт.

Ич соҳаси — қ. **Ич**.

Ичгерлама таёқчаси — *Salmonella typhi* — Enterobacteriaceae оиласига мансуб *Salmonella* уруғига оид бактерия; кичикроқ

ҳаракатчан грамманфий таёқча; у — оддий озик муҳитларида униб ўсади, карбон сувлар — глюкоза, маннит, малтозаларни кислоталаргача бузиб юборадиган хусусиятга эга; эндотоксинга эга; ичтерлама касаллигини келтириб чиқаради.

Рус. Брюшнотифозная палочка.

Ич узилиши — 1. *Халқ табобатида* — қорин ёки кўкрак ички аъзолари қандайдир номаълум дардга чалинганлиги ва унинг оқибатида одам ночор аҳволга тушиб қолиши.

2. *Халқ орасида* — одам жуда очиқиб қолиши, овқатга ўта илҳақ бўлиши, меъда-ичаклар ич-этни таталаб туриши.

3. *Халқ орасида* — узоқ чўзилиб кетган кулги туфайли ўзни тўхтата олмай қолиш даражасида миядаги кулги соҳасининг қаттиқ қўзғалишидан кўкрак ва қорин мушаклари ва диафрагманинг чарчаб ҳолдан тойиши.

Ишдаги юкланиш (син. меҳнатдаги юкланиш) — иш жараёнида ўз ичига меҳнат воситаларини, ишдаги хатти-ҳаракатларни ва атроф-муҳит шароитларини қамраб оладиган, организмни функционал зўриқишга олиб келувчи омиллар мажмуи; у — руҳий ва жисмоний юкланишларга тавофут қилинади.

Рус. Рабочая нагрузка; син. трудовая нагрузка.

Ишлаб чиқариш муҳити — одамнинг меҳнат фаолияти давомида унга таъсир қиладиган физик, кимёвий, биологик ва ижтимоий омиллар мажмуи.

Рус. Производственная среда.

Ишлаб чиқариш хавф-хатари — ишчиларга хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларининг таъсир этиш эҳтимоли; ЎзР Давлат стандарти белгилаб беради.

Рус. Производственная опасность.

Иш лаёқати — қ. **Иш қобилияти**.

Иштаҳа шираси — овқатни кўрганда ёки унинг ҳиди димоққа урганда ёхуд овқат луқмасини оғизга олганда ажраладиган меъда шираси.

Рус. Запальный сок; син. аппетитный сок.

Ишчанлик — *меҳнат физиологияси ва спортда* — организм (физиологик система, аъзо)нинг ўз функционал имкониятларини иш бошидан секин-аста сафарбар қилиб бориш лаёқати.

Рус. Вработываемость в физиологии труда и спорте.

Ишқий туш — ишқий саргузаштлар, шахвоний хатти-ҳаракатлар билан кечадиган туш; жинсий қўзғалиш билан кечиши ва **тунги ихтилом** (қ. I ж.) билан тугаши мумкин.

Рус. Эротические сновидения.

Иш қобилияти (син. иш лаёқати) — 1. *Тиббиётда* — аъзо ёки бутун организмнинг муайян иш режимида актив фаолият кўрсатиш қобилияти.

2. *Меҳнат физиологиясида* — организм (физиологик система ёки аъзо)нинг маълум вақт оралиғида бажарадиган иш унумдорлиги (миқдор ва сифат жиҳатидан) билан белгиланадиган функционал имконият даражаси.

Рус. Работаспособность.

И я к — қ. **Энгак.**

Иқлимий даволаш иншоотлари — иқлим билан даволаш ва чиниқтириш муолажаларини олиб боришга мўлжалланган иншоотларнинг умумий номи; аэросолярий, чўзилувчан парда-тўсиқлар ва б. лар шулар жумласига киради.

Рус. Климатолечебные сооружения.

Й

Йиринглаб битиш — қ. **Иккиламчи жароҳат битиши.**

Йирингли катар — қ. *Катарал-йирингли ялиғланиши.*

Йиринг парда (син. пиоген мембрана) — сурункали абсцесс (қ. II ж.)нинг атрофини ўраб турадиган грануляцион тўқима ва фиброз толалар қаватидан юзага келган парда.

Рус. Гнойная оболочка.

Йиринг таначалари — йирингли экссудатдаги парчаланиб кетган лейкоцитлар — оқ қон таначалари.

Рус. Гнойная тельца.

Йиринг ҳалқоби (син.: конгестив абсцесс, сизиб й иғилган абсцесс) — йирингли ялиғланиш ўчоғидан йирингнинг мушаклараро тирқишлар орқали нари-берига силжиб тўпланиб қолиши; асосан, суяк-бўғим силида кузатилади.

Рус. Натёчник; син.: конгестивный абсцесс, натёчный абсцесс.

Йиртиқ тешик — анатомияда қалла асосида пирамида чўққиси билан понасимон суяк катта қаноти оралиғида толали тоғай пластинка билан ёпилиб турадиган шакли нотўғри тешик.

Рус. Рваное отверстие.

Йиртқишлар (Carnivora) — плаценталилар кенжа синфи, сут эмизувчилар синфлари туркуми; улар асосан ҳайвон

маҳсулотларини еб кун кўришга мослашган; улар вакилларининг кўпчилиги зооноз микроорганизмларини, шунингдек одам учун хавфли паразитли касалликларнинг кўзгатувчиларини ташиб юради.

Рус. Хищные.

Йиқилиш хуружи — **адинамия** ва **астения** (қ. II ж.) билан бирга кечадиган, эс-хуш йўқоладиган ҳолда тўсатдан йиқилиб тушиш; бош йиқилиб **ретикуляр формация** (қ. III ж.) соҳасида қон айланиш издан чиққанида постурал тонуснинг кескин пасайиб кетиши оқибатида келиб чиқади.

Рус. Приступ падения.

Йиглаб уйғониш — уй ҳавоси бузуқ, ухлаш шароити ёмон жойда бузуқ кайфиятда ётиш оқибатида мия чуқур уйқуга кетмай, яъни қаттиқ тормозланмай кўнгилсиз нарса-ҳодисалар, даҳшатли саргузаштлар тушга кириб одамни кўрқувга, ғам-аламга ботирган чоғида уйғониб кетилганда юзага келадиган йиғи ҳолати.

Йўлаб бўлмайслик — **психиатрияда** — беморлар васваса, **ступор**, **галлюцинация** (қ. II ж.) каби руҳий айнишлар вақтида уларга яқинлашиб мулоқатга киришиб бўлмаслик ёки бунинг жуда қийин кечиши.

Рус. Недоступность.

Йўлбарс буйрак — рентгенда текшириб кўрганда унинг соясида йўлбарс терисига ўхшаш йўл-йўл оқ жойлар, доғлар кўриниб турадиган буйрак.

Рус. Тигровая почка.

Йўлбарс юрак — кесиб кўрилганда **эндокард** (қ. II ж.) остида, айниқса, сўрғичсимон ва тарақсимон мушакларда йўлбарс терисига ўхшаш ингичка йўл-йўл сариқ-оқ жойлар кўзга ташланиб турадиган юрак; **миокард** (қ. II ж.)ни ёф босиши ҳисобига унинг **дистрофия** (қ. II ж.)га учраши.

Рус. Тигровое сердце.

Йўл кўйиладиган қолдиқ миқдор (ЙҚҚМ) — озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимлик сув таркибидаги зарарли моддаларнинг йўл кўйса — руҳсат этса бўладиган энг юқори чегаравий миқдори; пестицидлар, маиший кимёвий моддалар ва б. хавфли воситалар учун белгилаб берилади.

Рус. Допустимое остаточное количество (ДОК).

Йўналтирувчи танача — эск. — қ. **Кутб таначаси**.

Йўргак — 70×100 см ли сурп (чит), 70×100 см ли пахмоқ мато ва буларга қўшимча учбурчак қилиб тахланган 50×50 см ли дока кетлик, 60×60 см ли клеёнка, чорси чойшабдан иборат оқлиқлар мажмуи.

Рус. Пелёнка I.

Йўргаклаш — дастлаб, чит, устидан этаги киндик билан баровар пахмоқ кўйлакча кийдириш, сўнг кетликни ўраб-чирмаб сурп (чит) ва пахмоқ йўргакка ўрашдан иборат муолажа; бунда — йўргакнинг юқори чеккаси қўлтиққа етиши, қўлларни эркин қолдириш лозим; бошга қалпоқча кийдирмаса ёки рўмолча ўрамаса ҳам бўлади; хона ҳарорати 19–22 °С бўлиши керак.

Рус. Пеленание.

Йўталга қарши воситалар — йўтал рефлексини сусайтирадиган дори воситалар; битиодин, глаццин гидрохлорид, кодеин, либексин, тусупрекс, фалиминт шулар жумласидандир; яна қ. I ж.

Рус. Противокашлевые средства.

К

Кавак вена тешиги — диафрагманинг пайли марказидаги пастки кавак вена ўтадиган тешик.

Рус. Отверстие поллой вены.

Кайф — *тиббиётда* — ҳидлаш, чайнаш, шимиш, ичиш, инъекция қилиш ва б. йўллар орқали организмга киритилган марказий нерв системасига таъсир этувчи **нейротроп моддалар** (қ. III ж.)нинг миянинг тегишли марказларини қўзғатиб хиёл сархуш қилишидан юзага келган «ёқимли» руҳий ҳолат; ҳар қандай кайф, у қанчалик енгил-елпи бўлмасин соғлом ақл, онг ва идрокни носоғ ҳолатга олиб келади.

Кайф категория сифатида бевосита мия марказлари қўзғалишидан юзага келган руҳий (психик) жараёни ифодаласа, **сархушлик** (қ.) мия билан боғлиқ бутун организмда кечаётган унинг натижаси, ҳосиласини ифодалайди.

Калава (син. **к о п т о к**) — *тиббиётда* — қон томир ёки лимфатик томирларнинг чигалсимон ўрами; мас., **Қон томирлар калаваси** (чунончи, уйқу артерияси калаваси), **Лимфатик томирлар калаваси** (чунончи, дум устидаги лимфатик томирлар калаваси) ва б.

Рус. Клубок.

Калавача (син. **к о п т о к ч а**) — нейрон дендритлари ёки капиллярнинг **калава** (қ.)дан кичикроқ чигалсимон ўрами; мас., **Мияча калавачаси**, **Буйрак таначаси калавачаси** ва б.

Рус. Клубочек.

Каламуш мохови (син. **Стефанский касаллиги**) — *Mycobacterium leprae murium* микроорганизми келтириб

чиқарадиган каламушларнинг юқумли касаллиги; мохов касаллигини ўрганишда экспериментал модель сифатида фойдаланилади.

Рус. Лепра крыс; син. болезнь Стефанского.

Калла гумбази (син.: калла томи, калла чаноғи гумбази) — пешона суяги тангалари, калла тепа суяклари, энса суяги тангалари юқори бўлими, чакка суяклари тангалари ва понасимон суякнинг катта қаноти бўлимидан ҳосил бўлган мия чаноғининг юқори (тепа) дўмбайма қисми.

Рус. Свод черепа; син.: крыша черепа, черепной свод.

Калла ички босими — калла бўшлиғидаги ва мия қоринчаларидаги босим; у — мия моддаси таъйиқи, бош ва орқа мия суюқлиги ҳамда қон ва тўқима суюқлигининг гидростатик ҳамда осматик босимларидан юзага келади; одатда, бош ва орқа мия суюқлигининг гидростатик босими даражасига қараб ҳукм чиқарилади.

Рус. Внутричерепное давление.

Калла томи — қ. **Калла гумбази**.

Калла чаноғи гумбази — қ. **Калла гумбази**.

Каловлаш — *тиббиётда* — 1. Руҳиятга кўрсатган қандайдир нарса-ҳодисалар таъсирига жавобан тез қарор қабул қилишга тараддуланиб қолишдан юзага келган руҳий беқарор ҳолат.

2. Ташқаридан бошга берилган зарба, бош шикастланиши, мия чайқалиши ва б. ҳолатларда гандраклаб қолиш, гавдани, оёқ-қўллар ҳаракатини тўғри идора қилаолмаслик.

3. Баланд иситма, ўткир **интоксикация** (қ. II ж.), узоқ ётиб қолишдан сўнг ва б. касалликларда у ён-бу ёнга оғиб, чайқалиб, гандраклаб юриш.

Рус. Ковыляться.

Камалак доиралар — ёруғлик манбаи атрофида кўринадиган (пайдо бўладиган) ранг-баранг доиралар; кўз ички босими кўтарилганлигидан дарак берувчи белги.

Рус. Радужные круги.

Калькулёз — қ. **Тош ҳосил бўлиш**.

Камар бўшлиқлари — *кўзда* (син. камар бўшлиғи, киприксимон бойлам бўшлиқлари, Петитов канали) — кўз камера (хужайра)лари билан туташган гавҳар киприксимон камари толалари оралиғидаги суюқлик билан тўлган ёриқлар.

Рус. Пространства пояса; петитов канал, поясковое пространство, пространства ресничной связи.

Камар бўшлиғи — қ. **Камар бўшлиқлари**.

Камовқат одам — болалигидан бошлаб то умрининг охирига қадар оз овқат ейдиганлар тоифаси; сал тўлишса-

ларда, ҳеч қачон семириб кетмайдилар ва умр бўйи қадди-бастлари бирдай, келишган, навқирон бўлиб юрадилар; булар узоқ, оғир меҳнатга чидамсиз бўладилар, салга тинкаматорлари куриб қолади; касалга чалинсалар соғайиб кетишлари қийин кечади; озиқ-овқат тортилиб қолгундай бўлса, тезда озиб-тўзиб кетадилар.

Кўп ёки оз-оздан тез-тез овқатланадиган, аммо ҳеч қачон тўлишиб, семириб кетмайдиганлар бу тоифага кирмайди; булар ейдиганлар-у, аммо семирмайдиганлар тоифасидандир.

Канага қарши кийимбош (син. канадан сақлайдиган кийимбош) — одамни юқумли касалликларни тарқатувчи каналардан ҳимоя кийимлари; комбинизон, этик, қўлқоп ва ҳимоя тўр ниқобдан иборат.

Рус. Противоклещевая одежда.

Канадан сақлайдиган кийимбош — қ. **Канага қарши кийимбош**.

Кана иситмаси — табиатда аксари резервуари ва юқтириб юрувчиси кана ҳисобланган, турли хил қўзғатувчилар келтириб чиқарадиган юқумли касалликларнинг умумий номи; унинг ўнга яқин хили маълум.

Рус. Клещевая лихорадка.

Карбонсув очлиги (син. углевод очлиги) — егулик овқат таркибида карбонсувлар етишмаслигидан, шунингдек, карбонсувлар алмашинуви бузилишидан оч қолиш; қандли диабетда, гипогликемик ҳолатларда ва б. дардларда кузатилади.

Рус. Углеводная голодание.

Касаллик гувоҳномаси — ҳарбий хизматчининг соғлиғи, бундан буён ҳам ҳарбий хизматни ўташга яроқлиги ёки ярадорлиги (ўқ-снаряд парчалари текканлиги касаллиги) фронтдалиқ даврида ёки ҳарбий хизматни ўташ вақти билан боғлиқлигини акс эттирувчи ҳарбий-врачлик экспертиза натижалари қайд қилинган ҳарбий-тиббий ҳисоб ҳужжати.

Рус. Свидетельство о болезни.

Касалликлар жадвали — одамни ҳарбий хизматга яроқли ёки чекланган яроқли эканлигини тан олишга асос бўлиб хизмат қилувчи касалликлар ва туғма нуқсонлар рўйхати.

Рус. Расписание болезней.

Касалхона ақлпастилиги — госпитализм (қ. II ж.) — касалхонада орттириладиган касалликларнинг руҳий хили; зўрайиб борувчи **апатия** (қ. II ж.) — қизиқиш йўқолиши, **аутизм** (қ.) кучайиб бориши, ақл пасайгандан-пасайиб бориши, айрим ҳолларда ахлоқ-одоб **регрессия** (қ. II ж.)га учраши кузатилади.

Рус. Больничное слабоумие.

Касалхонада ўлишлик — 1. Бирор бир касалликдан касалхонада ўлганлар сонининг (фоизларда ифодаланган) шу давр мобайнида худди шундай касалликдан кейин уйига жавоб берилганлар умумий сонига нисбати; статистик кўрсаткич.

2. Касалхонада (ёки бўлимда) ўлганлар умумий сонининг (фоизларда ифодаланган) шу давр мобайнида уйига жавоб берилганлар ва хизматчилар сонига нисбати; статистик кўрсаткич.

Рус. Больничная летальность.

Касалхонасиз ёрдам — стационардан — ётиб даволанадиган касалхонадан ташқарида кўрсатиладиган, барча турдаги тиббий ёрдамнинг умумий номи; бунга барча амбулатория-поликлиника ёрдами, тез ёрдам ва кечиктириб бўлмас (станциялардаги) тиббий ёрдам киреди.

Рус. Внебольничная помощь.

Касалхона ташқарисида ўлишлик — касалхонадан ташқари (уй, кўча, ишхона қабилар)да муайян ҳудудда ўлганлар сонининг (фоизларда ифодаланган) худди шу давр мобайнида шу ҳудудда қайд қилинган касаллар умумий сонига нисбати; статистик кўрсаткич.

Рус. Внебольничная летальность.

Касб зиён-заҳмати — ишчи соғлиғи издан чиқишига, унга зиён-заҳмат етишига бевосита ёки билвосита сабабчи бўлаган меҳнат жараёни ва ишлаб чиқариш муҳити омиллари.

Рус. Профессиональные вредности.

Касб кўрлиги — кўрув анализатори функционал қобилиятининг ўрганиб қолган, кўникиб кетган касби билан шуғулланиш имконига йўл қўймайдиган даражада пасайиб кетиши.

Рус. Профессиональная слепота.

Касб чирки — ишлаб чиқариш шароитида бир модда билан мунтазам ва узоқ вақт ишлаганда унинг териға кетмайдиган даражада ўтириб ифлослашидан юзага келадиган **касб стигмалари** (қ. III ж.).

Рус. Профессиональные отложения.

Касб ҳусн бузари — касб-корида баъзи кимёвий моддалар билан узоқ ишлаганда тери сатҳида юзага келадиган фолликулалар; папула-пустулалар; смола, парафин, хлор ва б. моддалар шундай ҳуснбузарсимон пустулаларга сабаб бўлиши мумкин.

Рус. Профессиональные угри.

Катакли ўпка (син. панжарасимон ўпка) — *патологик анатомияда* — ўпка кесиб кўрилганида унда талайгина бронх оқмалари ва уларнинг турли томонга ўпка тўқималарни тешиб ўтганлигидан ари уялари ёки панжарага ўхшаб қолган ўпка.

Рус. Сотовые лёгкие; син. решётчатые лёгкие.

Катар — қ. *Катарал яллиғланиш*.

Катта меъда эгрилиги — меъданинг пастки ва чапга қараб бўртиб чиққан чеккаси.

Рус. Кривизна желудка большая.

Катта мия палласи (син. бош мия палласи) — охирги миянинг, яъни катта миянинг ўртасидан узунасига ўтган эгат ташқаридан қараганда иккига бўлиб турадиган бир жуфт кенгайма қисм; шартли равишда ўнг ва чап қисмлар.

Рус. Полушарие большого мозга; син. полушарие головного мозга.

Катта олачипор ўпка — қ. **Олачипор ўпка**.

Катта рангдор парда ҳалқаси — киприкли тана билан битишиб кетган рангдор парда жияги.

Рус. Кольцо радужки большое.

Катта тил ости йўли (син.: Бартолин йўли, Ривинус йўли) — тил ости безининг пастки жағ ости йўли билан бирга тил ости сўргичига очилувчи доимий ишлаб турмайдиган йўл.

Рус. Подъязычный проток большой; син.: проток бартолинов, проток ривинусов.

Катта чарви — меъда катта эгрилигидан тушиб келиб ингичка ичак қовузлоғини ёпувчи ва кўндаланг чамбар ичак билан битишган қорин парда **дупликатура** (қ. II ж.)си.

Рус. Большой сальник.

Катта қуймуч кемтиги — ёнбош суяги ортки қаноти билан қуймуч суяги танасининг ортки чеккасидги қуймуч қирраси юқорисида жойлашган ярим доира камгак; катта қуймуч тешиги шаклланишида қатнашади.

Рус. Седалищная вырезка большая.

Катта қуймуч тешиги — катта қуймуч кемтиги ва думгаза-қирра бойламидан ҳосил бўлган кичик тос деворининг ортки-пастки бўлимидаги бир жуфт тешик; шу ердан ноксимон мушак, юқори ва пастки думба артериялари, ички жинсий артерия ва веналар, шунингдек, думгаза чигали нервлари ўтади.

Рус. Седалищное отверстие большое.

Катта кумсичқон — *Rhombomys opimus* — Марказий Осиёда кун кўрувчи кумсичқонларнинг бир тури; ўлат, лейшманиоз ва б. бир қатор юқумли касалликларнинг инфекцияларини ташиб юради.

Рус. Большая песчанка.

Кафт — **жигар ойнаси** — жигарнинг ҳар қандай яллиғланиши — **гепатит** (қ. II ж.)нинг, у вирусли бўладими, вируссиз бўладими — қўл кафтада акс этиши; бунда — кафт сидирға ёки тарқоқ ёхуд олачипор бўлиб қизариб, қизиб туради; бу синдром айрим б. касалликларда ҳам кузатилади; қ. **Кафт қизариши**.

Рус. Ладонь — зеркало печени.

Кафт қизариши — гепатит, диабет, нафас йўллари касалликлари ва б. айрим дардлар синдроми; бунда — қўл кафти сидирға ёки тарқоқ ёхуд олачипор бўлиб қизариб туради.

Рус. Покраснение ладонья.

Кашак — 1. *Қурилишда* — иморатнинг қисмларини, устунларини қимирламайдиган қилиб, мустақамлаб қўйишда уларга қоқиб, бириктириб қўйиладиган ёғоч, тиргак; уни кашаки ҳам дейишади.

2. *Тиббиётда* — тўқималар бағрида, аъзолар оралиғида жойлашиб, мас., талоқ паренхимасини бўлақларга бўлиб туришга хизмат қиладиган, бириктирувчи тўқимали трабекула.

Рус. Перемычка.

Кашанда — тамаки маҳсулотларидан ясалган — папирос, сигара, сигарета кабиларни тутатиб ичига — нафасига тортиб, нос шаклида тил тагига ташлаб ёки бурнаки қилиб енгилелли кайф қилувчи ва унга ўрганиб, боғланиб қолган одам.

Рус. Курильщик.

Кашандалик — тамаки маҳсулотларини чекиш (нафасга тортиш, тил тагига ташлаш, бурнаки қилиш)ни ўзига одат қилиб олганлик; кашанданинг зарарли одати.

Рус. Курение. привычка курение.

Кекирдак олмаси — қ. **Ҳиқилдоқ бўртиғи**.

Кемирувчилар — асосан, ўсимлик еб кун кўрувчи ҳайвонларни бирлаштирувчи сутэмизувчилар синфига мансуб ҳайвонлар туркуми; улар қаттиқ ўсимлик озиқаларни чайнаш, кемириш, майдалашга мослашган тиш-жағ аппаратига эга; кўплари одамда юқумли касалликлар туғдирувчи инфекцияларнинг резервуарлари ва одамларга юқтириб юрувчилари ҳисобланади; баъзиларидан лабораторияларда тажриба ҳайвонлари сифатида фойдаланилади.

Рус. Грызуны.

Кенжа тур – *систематикада* – эволюция муҳити омиллари таъсирида ўзига хос барқарор белги-хусусиятларга эга бўлиб борган ёки лоақал битта фарқлаб турувчи белгига эга бўлган (худди шу турнинг қисмларидан ажратиб турадиган) тур (популяция гуруҳи) ва индивидларнинг географик, камроқ экологик жиҳатдан мослашган қисми; турли К. т. индивидлари табиатда ўзаро бемалол чатиша олади; *систематикада* – К. т. турдан кейин турувчи таксономик категория саналади; шу сабабдан ҳам географик ирқ, географик популяция тушунчалари К. т. нинг синоними ҳисобланади.

Рус. Подвид; син.: географическая популяция, географическая раса.

Кепаксимон темиртки (син. ранг-баранг темиртки, қазғоқсимон темиртки) – *Pityrogramma orbiculata* замбуруғи келтириб чиқарадиган тери **микози** (қ. II ж.); у – аксари, бўйин, елка ва танада осонгина кўчадиган, сал қичийдиган сарғиш-пушти ёки жигарранг доғлар пайдо бўлиши билан кечади.

Рус. Отрубевидный лишай; син. разноцветный лишай.

Кергич (ик. номи **Кенгайтиргич**) – аъзо ёки тўқималарни нари-берига суриб жароҳат, бўшлиқ ва эт-четларни кериб, кенгайтириб туришга мўлжалланган жарроҳлик асбоби; бунга: бужлар, илмоқлар, кўзгу ва б. лар киради; яна қ. I ж. **Кенгайтиргич**.

Рус. Расширитель.

Керкринг бурмалари – қ. **Айланма бурмалар**.

Кесиб олиш (син. эксцизия) – касаликка чалинган иллатли тўқималарни соғ тўқималарга тақаб кесиб олиш; кесувчи асбоблар (пичоқ, скальпел, қайчи ва б. лар) ёрдамида бажариладиган жарроҳлик операцияси.

Рус. Иссечение; син. эксцизия.

Кетлик – чақалоқларни йўргаклашда қорни билан думбаларини икки ёндан, бут оралигини ўртадан ўраб-чимдаб қўйиладиган учбурчак қилиб букланган 50×50 см ли гигиеник доқа оқлиқ.

Рус. Пелёнка II.

Кечиктириб бўлмас тиббий ёрдам – фавкулотда юзага келган ўткир касалликлар, шикастланишлар, захарланишларда ёки соғлиқ кескин оғирлашиб қолганда тез ва кечиктириб бўлмас тиббий ёрдам станцияси ёки поликлиника қошидаги кечиктириб бўлмас тиббий ёрдам пунктлари врачлари уйда кўрсатадиган тиббий ёрдам.

Рус. Медицинская помощь неотложная.

Кечинмалар — *психиатрияда* — руҳий фаолиятидаги турли хил ўзгариш ва бузилишларни унинг ўзи кузатиб бориб тушуниб етган руҳий бемор онгида акс этиши.

Рус. Переживания.

Кечки кар бўлганлар — 5–7 ёшга чиққан пайтида кулоғи оғир тортиб, кар бўлиб қолган, аммо маълум даражада нутқи ривожланиб қолган болалар.

Рус. Позднооглохшие.

Кимёвий қурол — айрим моддалар токсик (заҳарли) таъсирини одам, ҳайвон ва ўсимликларга қарши қўллашга асосланган ялпи қиргин қуроли; К. қ. қўллаш 1925 й. Женева протоколи билан қатъиян ман этилган.

Рус. Химическое оружие.

Кимёвий қуролга қарши ҳимоя — душман қўллаган кимёвий қуролнинг кўпинча, аҳолига ва чорва молларига таъсирининг олдини олиш ёки анча камайтириш (кучсизлан-тириш)га қаратилган тадбирлар мажмуи.

Рус. Противохимическая защита.

Киндик - ичак йўли — қ. **Сариқча йўли**.

Киндик кемтиги — қ. **Юмалоқ бойлам кемтиги**.

Киндик олдин келиши — киндик ҳомиланинг олдин келаётган қисмидан пастда қолиши ёки унинг ёнида жойлашиб қолиши ва туғруқ вақтида сиқиб қўйилиши ва ҳатто шикастланиши кузатиладиган ҳолат; туғруқ асорати.

Рус. Предлежание пуповины.

Киндик соҳаси — юқоридан ўнг ва чап Х қовурғаларнинг пастки чеккаларини туташтирувчи кўндаалнг чизиқ, ён томонлардан — қорин тўғри мушакларининг латерал — чекка томони бўйлаб ўтувчи тик чизиқ билан чегараланган қориннинг ўрта соҳаси.

Рус. Пупочная область.

Киндик ўралиши — ҳомила киндик тизимчасининг узун бўлиши ва ҳомиланинг ҳаддан ортиқ ҳаракатчанлиги натижа-сида киндикнинг ҳомиланинг бирор қисмига, мас., бўйни, оёқ-қўллари, танасига ўралиб қолиши; киндикнинг бўйинга ўралиб қолиши ҳомилани асфиксияга олиб келади ва шуниси билан у хатарли бўлади.

Рус. Обвитие пуповины.

Киндик қисилиши — туғруқ вақтида ҳомила йирик қисмларининг киндик томирларини босиб, қисиб қўйиши оқибатида юзага келадиган туғруқ асорати; киндик олдин тушган, ҳомила бўйнига ўралиб қолган ҳолларда кузатилади; қандай бўлмасин К. қ. **гипоксия** (қ. II ж.)га олиб келади ва бўйга хатарли бўлади.

Рус. Прижатие пуповины.

Киприксимон бойлам – қ. **Киприксимон камар.**

Киприксимон бойлам бўшлиқлари – қ. **Камар бўшлиқлари.**

Киприксимон доирача (син. цилиар доирача) – кўзнинг асл томирли пардасига борувчи киприксимон тананинг периферик қисми.

Рус. Ресничный кружок; син. цилиарный кружок.

Киприксимон камар (син. киприксимон бойлам, Цинн бойлами) – киприксимон ўсиқлардан чиқиб гавҳар капсуласига борувчи ва унинг экватори соҳасига бирикувчи толалар системаси; киприксимон мушаклар қисқарганида К. к. тортилиб гавҳар эгрилигини кичрайтиради.

Рус. Ресничный поясок; син.: ресничная связка, связка Циннова.

Киприксимон тана (син. цилиар тана) – кўз томирли пардасининг бир қисми; рангдор парда ортида жойлашган бўлиб, цилиар мушакларга эга.

Рус. Ресничное тело; син. цилиарное тело.

Киприксимон чамбар (син. цилиар чамбар) – *кўзда* – рангдор парда илдизи яқинида жойлашган, киприксимон ўсиқлар чиқарган киприксимон тананинг бир қисми.

Рус. Ресничный венчик; син. цилиарный венчик.

Киприксимон ўсиқлар (син. цилиар ўсиқлар) – киприксимон тананинг ички юзасидаги радиал – шуъласимон бўртмалар; киприксимон бойламчалар (камарчалар) шу ерга бирикади.

Рус. Ресничные отростки; син. цилиарные отростки.

Кириш тешиги – *жарроҳликда* – ўқ, снаряд парчаси ва б., мас., санчилган яроғларнинг теккан, кирган жойи; жароҳат оғзи.

Рус. Входное отверстие.

Киртайиш – *кўзда* – одам танасининг дардга чалинганлиги, носоғ ҳолати, қариганлиги, тинка-мадори қуриганлиги, узоқ вақт оч қолганлиги оқибатида кўзларнинг ичичига тушиб кетиши, кўзнинг сўниқиши, ҳорғин ҳолатнинг кўзда акс этиши.

Рус. Западать, вваливаться – кўз ҳақида.

Кифт – *халқ орасида* – бўйин, елкалар ва куракларнинг юқори ярми қамровидаги соҳа.

Рус. Плечо.

Кичик болдир суяги бошчаси – кичик болдир суягининг проксимал (марказга яқин) **эпифиз** (қ. II ж.)и; катта болдир

суягининг латерал (чекка) қисми билан туташадиган бўғим юзасига эга.

Рус. Головка малоберцовой кости.

Кичик меъда эгрилиги — меъданинг юқори ва ўнг томонга қараб букилган чеккаси.

Рус. Кривизна желудка малая.

Кичик рангдор парда ҳалқаси — рангдор парданинг қорачиқ билан чегараланиб турган жияги.

Рус. Кольцо радужки малое.

Кичик тиббиёт ҳамшираси — қ. **Кичик ҳамшира**.

Кичик тил ости йўллари (син. Вальтер йўллари) — тил ости бези бўлақларининг оғиз шиллиқ пардаси тил ости бурмасига очилувчи чиқарув йўллари.

Рус. Подъязычные протоки малые; син. протоки Вальтера.

Кичик чарви — жигарнинг пастки юзасидаги меъда кичик эгрилиги билан ўн икки бармоқ ичакка келувчи қорин парда дубликатураси.

Рус. Малый сальник.

Кичик қуймуч кемтиги — қуймуч суяги танасининг ортки чеккасидаги қуймуч қирраси пастида жойлашган кичикроқ камгак; кичик қуймуч тешиги шаклланишида қатнашади.

Рус. Седалищная вырезка малая.

Кичик қуймуч тешиги — кичик қуймуч кемтиги ва думғазак-қирра бойлампидан ҳосил бўлган кичик тос деворининг ортки-пастки бўлимидаги бир жуфт тешик; шу ердан жинсий артериялар ва веналар яна қайта кичик тосга киради.

Рус. Седалищное отверстие малое.

Кичик ҳамшира (син.: беморларни парвариш қилувчи ҳамшира, кичик тиббиёт ҳамшираси) — стационар типдаги даволаш муассасаси ходими; беморларни ҳар жиҳатдан умумий парваришлаш: ички кийимларни алмаштириш, овқатлантириш, тувак тутиш ва б. юмушларни бажариш билан шуғулланади; улар, одатда, даволаш муассасаларида, шунингдек, Қизил яримой жамияти ташкил қилган курсларда таълим олган бўладилар.

Рус. Медицинская сестра младшая; син. сестра по уходу за больными.

Клетчатка макони — қ. **Тўр тўқима макони**.

Конгестив абсцесс — қ. **Ииринг ҳалқоби**.

Копток — қ. **Калава**.

Коптокча — қ. **Калавача**.

Коронар дилататорлар — қ. **Тож томирларни кенгайтирувчи воситалар**.

Кросовитов тери пластикаси – қ. **Терини қайга тиклаш.**

Куй – 1. Карахт ётган инсон руҳиятини, ҳис-туйғусини, сезги-идрокини уйғотиб, инсонга ширин, қизгин, гоҳида шодон, гоҳида ҳамнок кайфият бахш этувчи неъмат.

2. Инсон юрагининг, руҳиятининг, ҳис-туйғуларининг меваси.

Рус. Мелодия.

Куйдириш воситалари – қ. **Куйдирувчи воситалар.**

Куйдирувчи воситалар (син. куйдириш воситалари) – тўқималарни коагуляция қилувчи (куйдирувчи), маҳаллий куйдириш зарурияти туғилганда ишлатиладиган дори воситалар; ишқорлар, кислоталар, ляпис ва б. лар шулар жумласидандир.

Рус. Прижигающие средства.

Куйиниш – *тиббийётда* – 1. Инсоннинг алам-ситам, ташвиш-надомат, ғам-ғуссадан дили вайрон, юраги тилка-пора, руҳи чўккан эмоционал ҳолати.

2. Инсоннинг беморга ғамхўр бўлиш, парвариш қилиш, қайғуриш асносида уни аяши, унга ачиниши.

Кукун пуркагич (син. инсуфлятор) – *тиббий техникада* – кукунсимон моддаларни идишдан сўриб олиб ўзидаги резина нок ёрдамида тегишли аъзо ёки жойга пуркашга мўлжаллаб чиқарилган аппарат.

Рус. Порошковдуватель; син. инсуфлятор.

Кулранг модда – асосан **нейронлар** (қ. II ж.) танасидан юзага келган марказий нерв системасининг бир қисми; орқа миянинг кулранг устунни, бош мия ядролари, катта мия ва мияча пўстлоқлари шу моддадан таркиб топган.

Рус. Серое вещество.

Кулранг қанот – қ. **Адашган нерв учбурчаги.**

Кулча юз – *физиономияда* – икки ёноқ кулчадай бўртиб турадиган, юмалоқ, сал ясси ва аксарият ҳолларда қизариб турадиган этли юз; ирсий белгилар кўчишидан юзага келади.

Кункел синамаси – қ. **Рухли синама.**

Курак-кекирдак учбурчаги – бўйин олд соҳасининг бир қисми; у – юқори ва латерал (чекка) томондан – тўш-ўмров-сўргичсимон мушаклар, олддан – ўрта чизик билан чегараланган; қалқонсимон ва қалқонсимон без олди безлари, ҳикилдоқ, кекирдак ва қизилўнғач жойлашган учбурчак.

Рус. Лопаточно-трахеальный треугольник.

Курак кемтиги – курак юқори чеккасидаги курак усти нерви ўтадиган камгак.

Рус. Вырезка лопатки.

Курак ости соҳаси (син. ортки-пастки кўкрак соҳаси) — кўкрак қафасининг ортки юза соҳаси; юқоридан — курак пастки бурчагидан горизонтал ўтказилган чизиқ, пастдан — XII қовурғанинг пастки чеккаси, ўртадан — умуртқа чизиғи, ёндан — қўлтиқ ости ўрта чизиқи билан чегараланиб туради.

Рус. Подлопаточная область; син. область груди задняя-нижняя.

Курак ости чуқурчаси — куракнинг қовурға юзасидаги боғиқлик; курак ости мушаги жойлашган соҳа.

Рус. Подлопаточная ямка.

Курак соҳаси — кўкрак қафасининг ортки юзасидан ажратиладиган ва иккала курак сатҳига тўғри келадиган бир жуфт соҳа; у — юқоридан — ўмров-акромиал битишмани VII бўйин умуртқасининг қиррали ўсимтаси билан бирлаштирувчи чизиқ; пастдан — куракларнинг қуйи бурчагидан ўтказилган горизонтал чизиқ, медиал — ўртадан — куракларнинг медиал чеккаси орқали ўтказилган вертикал чизиқ, латерал (чекка) томондан дельтасимон мушакнинг ортки чеккаси ва ўрта қўлтиқ ости чизиқ билан чегараланади.

Рус. Лопаточная область.

Курак-трапециясимон учбурчак — бўйин латерал (чекка) соҳасининг бир қисми; у — пастдан — курак-тил ости, ортдан — трапециясимон, олддан — тўш-ўмров-сўрғичсимон мушаклар билан чегараланиб туради.

Рус. Лопаточно-трапециевидный треугольник.

Курак чизиғи — тананинг орқа томонида курак қуйи бурчагининг проекцияси орқали ўтказиладиган шартли вертикал чизиқ; топографик-анатомик мўлжал олишга хизмат қилади.

Рус. Лопаточная линия.

Курак-ўмров учбурчаги — бўйин латерал соҳасининг бир қисми; у пастдан — ўмров, юқоридан — курак-тил ости мушаги, олддан — кўкрак-ўмров-сўрғичсимон мушак билан чегараланиб туради, унда — ўмров ости артерия ва венаси ҳамда елка чигали жойлашган.

Рус. Лопаточно-ключичный треугольник.

Куррачасимон хуснбузар (син.: Ланг перифоликулали дерматити, псевдоскрофулодерма, фоликулали дерматит) — чуқур пиодермия (қ. II ж.)нинг бир тури; ёғ безлар оғзини беркитиб қўювчи қора бўжамалар юзага келиши, оқмалар ҳосил бўлиши билан кўздан йўқолувчи йирингли атералар пайдо бўлиши билан кечади; тагида нотекис, кўприксимон чандиқлар ҳосил қилиб

битади; у аксарият, иккиламчи пиококкли инфекция билан асоратланган **себорея** (қ. II ж.) да кузатилади.

Рус. Шаровидные угри; син.: перифолликулярный дерматит Ланга, псевдоскрофулодерма, фолликулярный дерматит.

Кўзга кўринмас олам (син. кўз кўрмас олам) — оддий кўз билан кўриб бўлмайдиган кўз илғамас нопатоген (камдан-кам патоген) атроф-муҳит жонзотлари — микроорганизмлар олами; биз яшаб турган, еб-ичиб юрган, мулоқот-муносабатда бўлган бу оламдан ташқари бошқа — ишимиз бўлмас тирик, жонли микромавжудотлар олами; баъзан, улар турли усуллар билан бизга хуруж қилиб, баъзилари биз инсонларни касалликка чалинтириб туради.

Кўз дори қобиғи — таркибида дори восита тутувчи юпқа полимер қайишқоқ (эластик) пластинка; конъюнктива қопига ўрнатиб қўйилади; у — дори модда таъсирини узайтиришга хизмат қилади.

Рус. Лекарственная плёнка глазная.

Кўз ёриғи — қ. Қовоқлар йириғи.

Кўз ёшланиши — кўз ёш безларининг зўр бериб ёш ишлаб чиқариши; у — кўзнинг конъюнктивит, шилпиқ (тракома), блефарит ва б. касалликлари оқибатида ҳам, шикастланиш, ёт таначалар, заҳарли моддалар тушиши, газлар тегиши оқибатида ҳам содир бўлиши мумкин.

Рус. Слезовыделение.

Кўз ички босими (син.: кўз тензияси, офтальмотонус) — кўз соққаси ички хилти (суюқлиги)нинг соққанинг ташқи пардасига кўрсатадиган босими.

Рус. Внутриглазное давление; син.: офтальмотонус, тензия глаза.

Кўз олд қутби — қ. Шох парда чўққиси.

Кўз соққаси томирли пардаси — таркибида — бағрида қон томирларнинг қалин тўрини, кўп миқдорда пигментли ҳужайралар ва силлиқ мушак ҳужайраларини тутувчи, кўз соққаси фиброз пардаси остида жойлашган бириктирувчи тўқима қавати; унда — асли томирли парда, киприксимон тана ва рангдор парда фарқланади.

Рус. Сосудистая оболочка глазного яблока; син. увеальный тракт.

Кўз тензияси — қ. Кўз ички босими.

Кўз тиниш — одам кўз олдининг хиралашиб, жимирлашиб, олдидаги нарсаларни фарқлай олмаслик ҳолати; бу ҳол, аксарият, турли хил касалликлар, шикастланишлар, ўта

толиқиш, оч қолиш ва б. сабабларга кўра миянинг қонсизланишидан юзага келади; яна қ. I ж.

Рус. Помутнение в глазах.

Кўз чаноғи ости соҳаси — юз олди соҳасининг бир қисми; кўз чаноғининг пастки чеккаси.

Рус. Подглазничная область.

Кўз ўлчагич — кўз қовоқлари ва кўз соққасидаги ўсма ва б. тузилмаларнинг чизиқли ўлчамларини ўлчашда ишлатиладиган асбоб.

Рус. Глазной измеритель.

Кўз қичиши — *касалмиксиз* — 1. Кўз шиллиқ пардалари — конъюнктивга, қовоқлар жиягига, киприклар остига кўча чанги, уй чанги (фарқи катта), кўз илғар-илғамас заррачалар тушиб ўтириб, уларни таъсирлаши.

2. Шу чангларга элашиб олиб учиб юрган минглаб, нопатоген (камдан-кам патоген) тирик микроорганизмларнинг кўз тўқималарини қитиқлаши, кемириши, емириши, чиқараётган токсин (заҳар)лари билан кўз этларини таъсирлашидан юзага келадиган субъектив сезги.

Инсоннинг бутун гавдаси бир бутун ҳолда миллионлаб турли хил микроорганизмлар — жонзотлар учун улкан бир «ҳайвонот боғи» бўлса, кўз — улар учун кичкина бир «боғча»дир.

Кўк илик — одам пернициоз анемияга дучор бўлганда иликнинг микроскопда кўриниши; суякдан олинган **пунктат** (қ. II ж.) — иликда промегалобластлар ва базофил металобластлар кўп бўлиши билан изоҳланади.

Рус. Костный мозг синий.

Кўк йиринг таёқчаси — *Pseudomonas aeruginosa* — *Rseudomonas* уруғига оид бактерия; препаратда якка-якка ёки калта-калта занжир ҳосил қилиб ётади; 1 тадан 3 тагача қутбли хивичлари бор; факультатив — имконига қараб аэроб; айрим жойларда яллиғланишларни келтириб чиқаради.

Рус. Синегнойная палочка.

Кўкйўтал таёқчаси (син. Борде—Жангу бактерияси) — *Bordetella pertussis* — *Bordetella* уруғига оид бактерия; тухум шаклидаги майда грамманфий таёқча; факультатив — имконига қараб аэроб; казеин-кўмир муҳитида ва яна қон муҳитида майда колониялар ҳосил қилиб ўсади; биокимёвий жиҳатдан камактив; кўкйўтал касаллигини келтириб чиқаради.

Рус. Палочка коклюша; син. бактерия Борде—Жангу.

Кўкрак жарроҳи — кўкрак қафаси ва кўкрак бўшлиғи касалликлари ва шикастланишларига диагноз қўйиш ва

жарроҳий операциялар ўтказиб даволаш методи бўйича махсус тайёргарликдан ўтган мутахассис-врач (жарроҳ).

Рус. Торакальный хирург.

Кўкрак меъда — қ. **Туғма калта қизилўнғач.**

Кўкрак нафас — кўкрак билан нафас олиш демакдир; аёлларгагина хос нафас олиш усули; бунинг аёллар учун аҳамияти катта; бу, айниқса, ҳомиладорлик даврида асқатади; организм бир бутун; унда ҳеч нарса, ҳеч қандай жараён, ҳеч қандай ҳолат беўрин, бежоиз юзага келмаган; рус биолог ва патолог И. И. Мечниковнинг эрта қаримаслик учун кўтон (тўғри ичак)ни олиб ташлаш керак деган назарияси шу вақтга қадар ўз тарафқашларини топмаганлиги бежиз эмас. яна қ. 1 ж. **Кўкрак нафас.**

Рус. Грудное дыхание.

Кўкракоғриқ — бу муайян бир касалликни ифодаламайди, балки нафас олиш аъзоларининг бир қатор касалликлари: зотилжам, ўткир ва сурункали бронхитлар, трахеитлар, камдан-кам ҳолларда кўкс оралиғи шамоллашлари ва б. кўкрак аъзолари касалликларининг бир белгиси, синдромини ифодалайди; одамлар орасида кўкрак остидаги оғриқни ҳам, босим, тазийқ, ачиниш, оғирлик ҳис қилишни ҳам кўкрак-оғриқ деб аташади.

Рус. Боль в груди.

Кўкрак сути (син. аёллар сути) — изоҳи 1 ж. да — қ. У тўрт хилга тавофут қилинади.

Рус. Грудное молоко; син. женское молоко.

Донор к. с-и — донор аёлдан соғиб олиб пастеризация қилинган кўкрак сути; чақалоқ ва кўкрак ёшидаги болаларга берилади.

Рус. Г.м. донорское.

Етук к. с-ти — аёл кўкрагига сут кела бошлаган 2–3-ҳафталаридан кейин ажралган кўкрак сути; доимий таркиби барқарорлашган сут.

Рус. Г. м. зрелое.

Соғиб олинган к. с-ти — аёл кўкрагидан соғиб олинган ёки сутсўргич билан сўриб олинган кўкрак сути; болани кўшимча овқатлантириш ёки донор к. с-ти тайёрлашга ишлатилади.

Рус. Г. м. сцеженное.

Ўткинчи к. с-ти (син. оғизсут) — аёл кўкрагига сут кела бошлаган 3–4-кундан 2–3-ҳафтагача ажралган кўкрак сути; етук кўкрак сутига қараганда оқсили мўл-кўл сут.

Рус. Г. м. переходное; син. молозивное молоко.

Кўкрак сўргичи — қ. **Сут без сўргичи.**

Кўкрак эзилиши (син. кўкрак қисилиши) — ташқи куч таъсирида кўкрак ички босимининг ошиб кетиши (қисилиши)дан юзага келган патологик ҳолат; кўкрак ички аъзолари шикастланмаган ҳолда кўкрак ҳажмининг кичик тортиши.

Рус. Сдавление груди; син. компрессия груди.

Кўкрак қафаси — изоҳи I ж. да; унинг қуйидаги шакллари тавофут қилинади.

Рус. Грудная клетка.

Т о в у қ к ў к р а к — қ. *Тумшуқсимон к. қ-си.*

Тумшуқсимон кўкрак — қ. *Тумшуқсимон к. қ-си.*

Тумшуқсимон к. қ-си (син.: товуқкўкрак, тумшуқсимон кўкрак) — қовурғалар икки ёндан ботинқираган, тўш олдига анча бўртиб чиққан, горизонтал кесмасида учбурчак шаклини олган кема тумшугини эслатувчи кўкрак қафаси; V—VII қовурғалар тоғайи ҳаддан ортиқ ўсиб кетиши оқибатида юзага келадиган ривожланиш нуқсони (қ. I ж.).

Рус. Килевидная грудная клетка; син.: килевидная грудь, куриная грудь.

Фалаж к. қ-си — фалаж бўлганда деформацияга учраган кўкрак қафаси; кўкрак қафасининг мушаклари фалаж бўлганида у шу шаклни олади.

Рус. Паралитическая г. к.

Ясси к. қ-си — қовурғалар билан уларнинг тоғай қисмларининг тўш ва унинг қовурғаларга бириккан тоғайларининг ботинқираш ҳисобига ён томонларга бўртиб чиқишидан юзага келган кўкрак қафаси; лавша (қ. I ж.) касаллигида кузатилади.

Рус. Плоская г. к.

Ўғирсимон к. қ-си — олд деворида ўғирсимон ботиқлик бўладиган кўкрак қафаси; туғма ривожланиш нуқсони.

Рус. Воронкообразная г. к.

К ў к р а к қ и с и л и ш и — қ. **Кўкрак эзилиши.**

Кўкрак қисиш — юрак соҳасида қаттиқ (қисгандек) оғриқ туриши; буни беморлар одатда шундай таърифлайдилар; аслида оғриқ юракда бўлиб, юрак тож томирларининг **спазма** (қ. II ж.)сидан келиб чиқади; **стенокардия** (қ. II ж.)нинг симптоми сифатида баҳолайдилар. Яна қ. II ж. **Стенокардия.**

Рус. Грудная жаба.

Кўнгил кўтариш (син. кўнгил олиш) — *психологияда* — бир одамга ёки беморга иккинчи бир одамнинг ёки тиббиёт ходимининг унга ёқадиган, уни хурсанд қиладиган, оғирини, дардини енгил қилиб, **кўнгил** (қ. I ж.) чигалларини ёза-

диган ва шу билан унга ҳаёт сари, фаолият сари куч-қувват бахш этадиган, илҳомлантирадиган илиқ самимий сўзлари ифодаси.

Бу — бир томондан, инсонларнинг инсонларга бўлган мулоқат-муносабатини улуғласа, иккинчи томондан, инсон унинг саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади; қуруқ «саломат бўлинг» дейишдан кўра самимият билан «Кўнгил кўтариш» афзалдир; тиббий деонтологияда бунинг аҳамияти катта.

Рус. Поднимать настроение, утешать.

Кўнгил олиш — қ. **Кўнгил кўтариш.**

Кўндаланг тешик — *умуртқада* — бўйин умуртқасининг кўндаланг ўсиқчасидаги тешик; унинг мажмуи каналлар ҳосил қилади; бу каналларда артерия вена ва нерв чигаллари жойлашган.

Рус. Поперечное отверстие.

Кўпайиш маркази — қ. **Ёрқин марказ.**

Кўпчиш — *тиббиётда* — гавданинг, аксари, муайян бир соҳасидаги юмшоқ тўқималар — тери, тери ости тўр тўқималари — клетчаткалари ва б. ларнинг орасига **транссудат, эксудат** (қ. II ж.) тўпланиши ва бўкиши ҳисобига ён-атрофдаги тўқималарга қараганда шишиб-бўртиб-кўтарилиб туриш ҳолати.

Рус. Опухать, набухать.

Кўримсизлашиш — ташқи таъсирлар ёки патологик жараёнлар туфайли киши юзи — ҳуснининг табиий кўриниши йўқолиши; шикастланишлар, яра-чақалар, куйишлар, чинчечак асорати ва б. омиллар орқасида тикланмас ҳолга келиши.

Рус. Обезображение.

Кўричак орти ботиқлиги (син. кўричак орти чўнтаги) — кўричак орқасида жойлашган, қорин парда бўшлиғининг бир қисми ҳисобланган ёриқсимон бўшлиқ (кенглик).

Рус. Позадислепокишечное углубление; син. позадислепокишечный карман.

Кўричак орти чўнтаги — қ. Кўричак орти ботиқлиги.

Кўр-карлик — кўрлик билан карликнинг қўшилиб келиши.

Рус. Слепоглухота.

Кўр-кар-соқовлик — кўрликнинг кар-соқовликка қўшилиб келиши; туғма ривожланиш нуқсони ёки илк ёшда баъзи бир касалликлар оқибати ҳисобланади.

Рус. Слепоглухонемота.

Кўрсатилган таъсир туши — қ. **Мияга қуйилган туш.**

Кўрув йўллари — импульсларни кўз тўр пардасидан пўстлоқ ости ва пўстлоқ кўрув марказларига ўтказиб берувчи нерв толалари мажмуи.

Рус. Зрительные пути.

Кўрув кесишмаси (син.: кўрув нервлари кесишмаси, *хиазма*) — кўз тўр пардасининг медиал ярмидан чикувчи кўрув нервлари толаларининг мияда бир-бири билан кесишадиган жойи; бош мия асосида — кулранг дўмбоқча (бўртмача)нинг олд томонида жойлашган.

Рус. Зрительный перекрест; перекрест зрительного нерва, хиазма.

Кўрув майдони — кўз ва бошни қимирлатмай туриб кўз билан бир йўла идрок қилинадиган, яъни бир нигоҳда камраб олинадиган майдон; баъзи жиҳатларга кўра ўнга яқин к. м. тафовут қилинади.

Рус. Поле зрения.

Анатомик к. м-ни (син. *нисбий к. м-ни*) — юз қисмлари — бурун ва қош дўнглиги билан чегараланишига, кўзнинг чаноғида жойлашиш ҳолатига ва юз чаноғи тузилишига боғлиқ бўлган физиологик кўриш майдонининг бир қисми.

Рус. П.з. анатомическое; син. п. з. относительное.

Биноккуляр к. м-ни — иккала кўзнинг кўриш майдони йиғиндиси.

Рус. П. з. биноккулярное.

Мезопик к. м-ни — гира-шира кўриш шароитидаги кўриш майдони.

Рус. П. з. мезопическое.

Монокуляр к. м-ни — бир кўзнинг кўриш майдони.

Рус. П. з. монокулярное.

Мутлоқ к. м-ни — қ. *Физиологик к. м-ни*.

Нисбий к. м-ни — қ. *Анатомик к. м-ни*.

Скотопик к. м-ни — тун шароитида кўриш майдони.

Рус. П. з. скотопическая.

Физиологик к.м. — ни (син. *мутлоқ к.м.-ни*) — юз қисмлари ҳалақит қиладиган соҳаларни ҳам қамраб олувчи максимал кўриш майдони.

Рус. П.з. физиологическое; син. п.з. абсолютное.

Фотопик к.м.-ни — кундузги шароитда кўриш майдони.

Рус. П.з. фотопическое.

Кувурсимон к.м.-ни — К.м. чегараси нормал К.м. га қараганда кескин концентрик торайган кўриш майдони.

Рус. П.з. трубчатое.

Кўрув нервлари кесишмаси — қ. **Кўрув кесишмаси.**

Кўрув чизиги (син.: кўрув ўқи II, фиксация ўқи, фиксация чизиги) — кўз тикилган нуқтани тўр парда марказий чуқурчаси ўртаси билан туташтирувчи тўғри чизиқ.

Рус. Зрительная линия; син.: зрительная ось II, линия фиксации, ось фиксации.

Кўрув ўқи I (син.: оптик ўқ, ташқи кўз ўқи) — 1. Кўз соққасининг олд ва орқа қутбларини бирлаштирувчи чизиқ.

2. қ. Кўрув чизиги.

Рус. Зрительная ось I; син.: наружная глазная ось, оптическая ось.

Кўрув ўқи II — қ. **Кўрув чизиги.**

Кўст — 1. — *анатомияда* — сон суягининг ўрта қисми яқинидаги ёки юқорисидаги катта-кичик дўнгликлар; у — **Кичик кўст, Катта кўст** ва **Учинчи кўстга** тафовут қилинади.

2. — *халқ орасида* — ҳар қандай нарсанинг ортиқча, олиб ташласа бўладиган бўртиб турган жойи.

Рус. Вертел, вертлюг.

Кўтон орти бўшлиғи (син. ретроректал бўшлиқ) — кўтон — тўғри ичак ўз фасцияси билан дўмғазани ёпиб турувчи париетал фасция оралигидаги клетчатка — тўр тўқимали бўшлиқ (кенглик); юқориси — «бурун»га етади, пасткиси — тос диафрагмаси билан чегараланиб туради; кўтон ён бўшлиғи (кенглиги) билан қўшилиб туради.

Ик. номи **Тўғри ичак орти бўшлиғи.**

Рус. Позадипрямокишечное пространство; син. ретроректальное пространство.

Кўчирма — *тиббиётда* — беморнинг касаллик тарихида ёки унга тутилган анкетадан алоҳида нусха кўчириб қўлига ёки зарурият туғилиб қолганда у сўраган идорага бериладиган, беморнинг дардини тасдиқловчи, касаллик ва уни даволашда кўрилган тадбирлар ҳақида маълумот берувчи юридик ҳужжат.

Рус. Выписка.

Л

Лаб(-лар) II — баъзи аъзоларнинг четлари, қирралари, чекка бўртмалари, баъзи аъзолар тешигининг чиқиш ёки кириш қирғоқлари, баъзи аъзолар оғзининг болишсимон

жияқларининг умумий анатомик номи; анатомияда: *Бачадон тешиги лаблари* (қ.), *Бластопора лаблари*, *Бўғим лаби*, *Катта уятлиқ лаблар* (қ. I ж.), *Кичик уятлиқ лаблар* (қ. I ж.), *Ногора парда лаби*, *Оғиз лаблари* (қ. I ж. **Лаб(-лар) I**), *Ромбик лаб* каби лаблар тафовут қилинади.

Рус. Губа(-ы) II.

Лабдан ўқиб олиш (син. лабдан ўқиш) — лаблар ҳаракатига қараб нутқни кўз билан идрок қилиш; қулоғи оғир ва қулоғи қар кишиларнинг мулоқотга киришув усули.

Рус. Чтение с губ.

Лабдан ўқиш — қ. **Лабдан ўқиб олиш**.

Лабиринт — қ. **Ички қулоқ**.

Лаб тарновчаси (син. бурун ости тарновчаси) — бурун ўрта тўсигидан то юқори лаб чеккасига қадар новсимон бўлиб келган ботиқлик.

Рус. Губной желобок; син. подносовой желобок.

Лаб-энгак бурмаси — пастки лаб асоси билан энгак оралиғидаги горизонтал тери бурмаси.

Рус. Губоподбородочная складка.

Лаёқат — I. Кишининг қандай бўлмасин бирор ишга, хунарга, ўқишга, илмга бўлган қобиллиги; **қобилият** (қ.) туғма бўлгани каби, лаёқат ҳам туғмадир; жуда бўлмаганда унинг изи туғмадир; уни ривожлантириш ва ҳаёт-фаолиятда ундан фойдаланиб қолиш одамнинг ўзига, боланинг ота-онаси ва таълим-тарбиячиларига боғлиқ.

2. *Ҳуқуқишуносликда* — шахснинг ўз фуқаролик ҳақ-ҳуқуқини адо этишга бўлган яроқлик имкони.

Рус. Способность II.

Лаёқатлилик — *ҳуқуқишуносликда* — шахснинг фуқаролик ҳақ-ҳуқуқини ва бурчини адо эта олиш лаёқати даражаси; суд органлари руҳий беморларнинг суд олдида жавоб бера олиш лаёқатини аниқлашда эксперт-психиатр уларнинг диагнозини аниқлайди, руҳий бузилишларнинг қанчалик оғир-енгиллигини белгилаб беради.

Рус. Дееспособность.

Лаёқатсизлик — *ҳуқуқишуносликда* — руҳиятнинг чуқур бузилишлари — дардга чалинишлари оқибатида шахснинг ўз фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини ҳимоя қилиш лаёқатини йўқотиши; шахснинг лаёқатсизлигини фақат суд суд-психиатрик экспертизаси ҳулосасидан сўнг тан олиб ҳукм чиқаради; суд амалиётида балоғатга етмаган болалар ҳам лаёқатсиз ҳисобланади.

Рус. Недееспособность.

Лакриматорлар — қ. Ёш оқизадиган таъсир этувчи заҳарловчи моддалар.

Ланг перифолликулали дерматити — қ. Куррачасимон хуснбузар.

Лейомиоцит — қ. *Силлиқ мушак ҳужайраси.*

Литиаз — қ. Тош ҳосил бўлиш.

Литотомия — қ. Тош кесил.

Литотрипсин — қ. Тош майдалаш.

Лобит — қ. Ўпка бўлаги зотилжами.

Лой балчиқлар — қ. Шифобахш гиллар.

Лоқайд итоаткорлик (син. пассив итоаткорлик) — *психиатрияда* — руҳий беморга секин тегиниш, гавда ҳолатини ўзгартириш ва б. ҳаракатларга қаршилиқ қилмаслиги; ақлпастлиги, истерик психоз, кататония каби руҳий касалликларда кузатилади.

Рус. Пассивная подчиняемость.

Лоқайдлик — одам феъл-атворидаги, табиатидаги қусур; шижоатсизлик, бепарқлик, бепарволик, аҳамиятсизлик, қизиқмаслик иллати; бундай руҳиятли кишилар, аксарият, ҳам маънавий, ҳам жисмоний ўта пассив бўладилар; уларнинг фойдаси на ўзига, на оиласига, на жамиятга, на Ватанга тегади; миллат орасида улар сони қанча кам бўлса, шу миллат шунча кўп шижоаткор, ижодкор, меҳнатсевар, ватанпарвар бўлади ва аксинча; касалликларга ҳам аксари шундайлар кўпроқ чалинади.

Рус. Апатия, безразличие.

Лъето учбурчаги — қ. **Қовуқ учбурчаги.**

Лўппи ёноқ — *физиономияда* — бўлали, лўмбиллаган миқти ёноқ; кексайиш, қарши билан, айрим одамларда сал сақланиб қолса-да, аксарият, йўқолиб кетади; баъзи болаларда балоғатга етиш билан тортилиб қолади ва тўлишган ҳолларида яна тикланади.

Рус. Пухлые щеки.

Лўппи юз — *физиономияда* — ён-олдинга бўртиб турадиган қалин этли бўлиқ юз; танаси соғ, серкулги, ҳушчақчақ қиз-жувонларда айниқса кўп учрайди.

Рус. Пухлое лицо.

Лўпчик — 1. *Тиббиётда* — учига бинт ёки пахта ўралган пинцет, стержень, чўп ва б. лар; уни йод, кўкдори каби эритма дориларга ботириб яра, жароҳат кабиларга суртилади.

2. *Пардозшуносликда* — учига пахта ўралган чўп ва б. лар; уни ўсма ва б. пардоз эритмаларига ботириб қош, кўз ва б. жойларга суртилади.

М

Майиблик — бахтсиз ҳодисалар ёхуд қасддан етказилган шикастлар оқибатида саломатликка футур етган барқарор ёки қисқа муддатли ногиронлик; бу термин, аксарият, юридик амалиётда қўлланади.

Рус. Увечье.

Меҳнат майиблиги — корхона ёки ишлаб чиқариш жараёнида юз берган бахтсизлик оқибатида юзага келган майиблик; бу термин ногиронлик сабабини ифодалашда қўлланилади.

Рус. Трудовое у.

Майл — онг ва эс-ҳушга боғлиқ бўлмаган ҳолда пайдо бўладиган ва ўз жозиба кучи билан одам фаолиятини иштиёқманд қиладиган, унга туртки, йўналиш берадиган эҳтиёжнинг субъектив кечинмалари, истаклари, ҳаваслари (яна қ. I ж.).

Рус. Влечение.

Макон — *тиббиётда* — одам танаси, аъзолари ва анатомик тузилмалардаги ичига лимфа, хилт, суюқлик, тузилма ва б. моддалар жойлашган қавак, бўшлиқ; мас.: эндолимфатик макон ва б. лар шулар жумласидандир.

Нозик илмий тушунчаларни ифодалашда «макон» ўрнида «бўшлиқ»ни қўллаб юбориш маъновий хатоликка олиб келади.

Рус. Пространство.

Макроорганизмдаги микроорганизмлар макони — одам гавдасидаги нопатоген (камдан-кам патоген) микроорганизмларнинг яшаши, фаолият кўрсатишига қулай шароитли катта-кичик ўчоқлар; бош, кўз, қулоқ соҳалари, қўл, оёқ панжалар, тирноқ ости, тизза, тирсак, қўлтиқ букумлари, киндик, бўйин, тана тери бурмалари, таносил аъзолари микроблар кун кўрадиган, урчийдиган ана шундай маконлардир.

Мальформация — қ. **Ривожланиш нуқсони**.

Манерали гап — қ. **Жимжимадор нутқ**.

Манқа таёқчаси — *Pseudomonas mallei* — Pseudomonadaceae оиласига мансуб *Pseudomonas* уруғига оид бактерия; сал букилган ҳаракатсиз грамманфий таёқча; аэроб; глицеринли ва картошкали муҳитларда яхши униб-ўсади; одам ва ҳайвонларда манқа касаллигини келтириб чиқаради.

Рус. Палочка сапа.

Маргимуш (As) — Д.И. Менделеев даврий системасининг V гуруҳ элементи; атом номери 33, атом массаси 74,9216; М. бирикмалари заҳарли; улардан баъзилари дори восита

сифатида, қишлоқ хўжалигида заҳарли кимёвий воситалар ўрнида қўлланилади; калий арсенит эритмаси, маргимуш ангидриди, натрий арсенат ва б. лар даволаш мақсадида ишлатиладиган маргимуш препаратларига киради.

Рус. Мышьяк (As).

Марказий кулранг модда — мия сув тармоғи атрофида тўпланган кулранг модда; унинг таркибига кўзни ҳаракатлантирувчи ва блокловчи нервларнинг ядролари киради.

Рус. Серое вещество центральное.

Марказий нерв системаси ўтказувчи йўллари — tractus systematis nervosi centralis — марказий нерв системасининг унинг морфологик, топографик ва (ёки) функционал жиҳатдан бирлашувчи турли бўлимларини боғлаб турувчи нерв толалари гуруҳи; проекцион, комиссурал ва ассоциатив нерв йўллари тавофут қилинади.

Рус. Проводящие пути центральной нервной системы.

Мастлик — изоҳи I ж. да — қ. Унинг ўндан ортиқ тури маълум.

Рус. Опьянение.

Алкогол м.-ги — таркибида этил спирт бўлган ичкиликларни истеъмол қилганда юзага чиқадиган мастлик; А. м-ги енгил ҳолатларда — эйфория — кайф чоғлик, руҳий кўзғалишлар, тафаккурнинг саёзланиши, идрок қилиш жараёнларининг сусайиши ва б. талайгина носоғлом хатти-ҳаракатлар билан таърифланади; оғир ҳолатларда — организм функцияларининг ўта қарахт ҳолга тушиши ва ҳатто кома — ҳушдан кетиш кузатилиши мумкин.

Рус. Алкогольное о.

Астматол м.-ги — ҳаддан ортиқ кўп миқдорда — дозада астматол истеъмол қилишдан юзага келадиган мастлик; теварак-атрофдаги нарсаларни тиниқ-очиқ рангда, кўпинча яшил тусда идрок қилиш билан кечади.

Рус. Астматоловое о.

Кокаин м.-ги — кокаин препарати ёки унинг ҳосилаларини ичганда юзага келадиган мастлик; бунда — дастлаб эйфория (кайф чоғ) бўлиши, руҳий кўзғалишлар кузатилиши, кейин эса улар ўрнига онг ўзгаришлари, кўрқув босиши, майда (микрופтик) кўрув галлюцинациялари бўлиши, гавда схемалари бузилиши; вегетатив ўзгаришлар қайд этилиши мумкин.

Рус. Кокаиновое о.

Мескалин м.-ги — мескалин ичганда юзага келадиган мастлик; бунда — дастлаб кўриш гиперестезияси, айниқса ранг-тусга бўлган **гиперестезия** (қ. II ж.) кузатилади,

кейинчалик сахна кўринишида галлюцинациялар, нарироқ бориб эса фантастик мазмундаги кўрув галлюцинациялари, гавда схемалари бузилиши кузатилади.

Рус. Мескалиновое о.

Морфин м-ги — морфин ва унинг ҳосилаларини қабул қилганда юзага келадиган мастлик; бунда — идеатор кўзғалишлар ва ҳаракатлар сусайгандан-сусайиши кузатилади.

Рус. Морфийное о.

Наркоманик м. — наркотиклар қабул қилганда юзага келадиган мастлик, бунда — онг ўзгаришлари, атрофга эътиборсизлик қилиш, иллюзиялар пайдо бўлиши ва охири сергак уйқу кузатилади.

Рус. Наркоманическое о.

Наркотик м. — мастликнинг оғир ҳолати сифатида баҳоланади; бунда — эс-хуш, онг бутунлай йўқолади, тамоман амнезия (қ. II ж.) кузатилади.

Рус. Наркотическое о.

Наша м-ги — қ. I ж.

Патологик м. — ўзига хос алкоголь мастлиги; бунда — эс-хуш, онг гира-шира, кирди-чиқди бўлиб туради; кўпинча алкоголизмга дучор бўлмаган кишиларда жуда оз миқдорда спиртли ичимлик ичганда кузатилади; истисно тариқасида учрайди.

Рус. Патологическое о.

Эпилепсияга ўхшаиш м. (син. эпилептоид м.) — ўзига хос алкоголь мастлиги; тушқин-мисқин кайфият, ҳаракат координациялари сақланган ҳолда ҳаракатли кўзғалишлар кузатилади.

Рус. Эпилептоидное о.

Эпилептоид м. — қ. *Эпилепсияга ўхшаиш м.*

Маст қилувчи нон — *Fusarium graminearum* замбуруғи юққан буғдойдан қилинган нон; уни истеъмол қилган одам ўткир заҳарланади; бунда — киши спиртли ичимлик ичган маст одам ҳолига тушади.

Рус. Пьяный хлеб.

Машқ кўрганлик — *спортда* — организм турли система-ларининг функционал имкониятлари юқори даражада ривожланганлиги ва уларнинг ўсиб боровчи жисмоний зўриқишга яхши мослашувчанлиги билан изоқландиган спортчи организмнинг чиниққан ҳолати; М. к. юқори спорт натижаларини сақлаб туришга имкон беради.

Рус. Тренированность.

Машқ(-лар) — *тиббиётда* — организмнинг у ёхуд бу аъзо ёки қисмларининг функционал лаёқатини мустаҳкамлаш

ва ривожлантириш ёхуд касалликни даволаш мақсадларида тегишли ёки зарур топилган ҳаракатларни такрор ва мунгазам бажариб бориш; у — мушакларни мустаҳкамлаш, кўзни тўғрилаш, жисмонан бақувват тортиш каби мақсадларга кўра тўрт хил бўлади.

Рус. Упражнение (-я).

Жисмоний м-лар — тана ёки оёқ-қўлларни ҳаракатлантириш билан бажариладиган машқлар; улар асосида ҳаракатлар мажмуи тузиб чиқилади ва бадантарбияда, касаллик ва шикастланишларнинг олдини олиш ва даволашда қўлланилади.

Рус. Физические у.

Изометрик м-лар — бўғимларда тегишли ҳаракатларсиз айрим мушаклар гуруҳини зўриқтириш (таранглатиш) ва бўшаштириш амаллари навбатма-навбат бажариладиган жисмоний машқлар; мас., гипсли боғлам қўйилган оёқ ёки қўл мушакларини нормал ҳолатда сақлаб туриш мақсадида бажариладиган машқлар.

Рус. Изометрические у.

Нафас м-лари — нафас олиш ва чиқаришда қатнашувчи мушакларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш мақсадида бажариладиган жисмоний машқларнинг умумий номи.

Рус. Дыхательные у.

Ортоптик м-лар — кўз ғилайлигини тўғрилаш мақсадида бинокуляр — иккала кўз билан кўришга йўналтирилган машқлар; махсус приборлар ёрдамида бажарилади.

Рус. Ортоптические у.

Мезенхимоцит — қ. *Мезенхима ҳужайраси*.

Металлашиш камарчаси — ўқ-снаряд жароҳатида — танага теккан ўқ-снаряд жароҳати оғзи атрофидаги тўқималарнинг металл заррачалари шимилган — сингиган (импрегнацияланган) қисми.

Рус. Поясок металлизации.

Меъда буралиши — меъданинг кичик чарви ўқи атрофида, баъзан эса, кўндаланг ўқи атрофида айланиб қолиши; бунда — меъданинг овқат ўтказиши бузилади, қон билан таъминланиши издан чиқади; яна қ. I ж.

Рус. Заворот желудка.

Меъда бурмалари — меъда рельефини белгиловчи меъда шиллиқ пардаси бурмалари; мушак пластинкалари қисқариши ва шиллиқ ости илвир асосидан ҳосил бўлади.

Рус. Желудочные складки.

Меъда ости беzi кемтиги (син. панкреат кемтиги) — меъда ости беzi бошчаси билан танаси ўртасида жойлашган

без пастки юзасидаги юқори тутқич томирлари ўрнашган камгак.

Рус. Вырезка поджелудочной железы; син. панкреатическая вырезка.

Меъда ости беzi чиқарув йўли (син.: В и р з у н г й ў л и , п а н к р е а т й ў л и) — меъда ости безининг секрет чиқарув йўли; у — биргина чиқарув тешиги орқали умумий ўт йўли билан бирга катта сўргичда ўн икки бармоқ ичакнинг пастга тушувчи қисмига куйилади.

Рус. Проток поджелудочной железы; син.: вирзунгов проток, панкреатический проток.

Меъда пуфаги — текширилаётган беморни тик тургазиб кўйиб рентгенда кўрилганда меъданинг юқори қисмида тўпланиб турадиган газ; М. п. нинг катта-кичиклиги — ўлчами ва шакли диагностик аҳамиятга эга.

Рус. Желудочный пузырь.

Меҳнат — шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларни қондириш йўлида одамнинг бажарган мақсадли фаолияти; меҳнатсиз кишининг соғлиғи футурдан кетади, онги тубанликка юз тутади; **Меҳнат гигиенаси** (қ. II ж.) билан Меҳнат физиологияси (физиологиянинг бир бўлими) тиббиёт ва соғлиқни сақлаш соҳасида беқиёс аҳамиятга эга; М. иккига бўлиб ўрганилади.

Рус. Труд.

Ақлий м. — руҳий (ақлий) меҳнатнинг жисмоний (мушакли) меҳнатдан устунлик қилган меҳнат.

Рус. Умственный т.

Жисмоний м. — жисмоний (мушакли) меҳнатнинг руҳий (ақлий) меҳнатдан устунлик қилган меҳнат.

Рус. Физический т.

Меҳнатга лаёқатлилиқ — қ. **Меҳнатга яроқлилиқ.**

Меҳнатга яроқлилиқ (син. меҳнатга лаёқатлилиқ) — меҳнат (ақлий ёки жисмоний) фаолият билан шуғулланишга имкон берувчи одамнинг руҳий (ақлий) ва жисмоний (мушакли) имкониятлари мажмуи.

Рус. Трудоспособность.

Меҳнатдаги юкланиш — қ. **Ишдаги юкланиш.**

Меҳнатни муҳофаза қилиш — қонунчилиқ актлари системаси ва шу системага мос келадиган меҳнат жараёнида одам соғлиғи ва иш қобилиятининг хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ижтимоий-иқтисодий, техник, гигиеник ва ташкилий тадбирлар.

Рус. Охрана труда.

Мехнат устахоналари — қ. Даволаш-ишлаб чиқариш устахоналари.

Мехр — *ижтимоий ҳаётда* — фақат одамгагина хос хислат бўлиши билан унинг инсоний сифатини ифодаловчи белги ҳамдир; у — инсон руҳияти, ҳис-туйғуси, маънавияти ва тарбияси мевасидир; ҳар қандай одам озми-кўпми унинг улушига эга; лекин тўла маънода меҳр айрим кишиларгагина насиб бўлади; унинг заминидан ген — ирсият таъсири бе-қийсдир; бир жуфт ота-онадан меҳри турли даражада фарзандларнинг дунёга келиши авлод-аждодлардан суяксурган ирсият ҳосиласи натижасидир; *психологияда* — инсоннинг ўзи яшаб турган муҳитдаги жами жонли ва жонсиз мавжудотларга бўлган илиқ, севимли, самимий, садоқатли, олий муҳаббат туйғуси; меҳр қуввати ва кучи одамнинг инсоний камолат даражасини белгилайди.

Рус. Милосердие.

Мехрибон — 1. Меҳр эгаси.

2. Меҳри тўлиб-тошган инсоннинг бошқаларга бўлган самимий, севимли, қизгин, ардоқли муносабати.

У қанчали эҳтиросли бўлса, шунчали нозик ҳамдир. Шу сабаб унинг умри аксарият қисқа бўлади. Уни авайлаб-асраб яшамоқ керак.

Мизгиш — қисқа муддат ухлаб олиш; кўзнинг қисқа муддатга уйқуга кетиши.

Рус. Вздремление.

Милк қонаши — гингивит, лавша ва б. милк касалликлари оқибатида милк қон томирларининг бутунлиги бузилишидан келиб чиқадиган патологик жараён; ҳар қандай ҳолда ҳам унинг қонаши милк қочиб, нозиклашиб, тишнинг футурдан кетишига олиб келади; яна қ. I ж.

Рус. Десневое кровотечение.

Минорасимон тирноқ — чеккаларидан қалинлашиб келиб ўртасидан кўтарилиб чиққан тирноқ.

Рус. Башенный ноготь.

Минора қовуқ — сийдик қопининг рентген соясида юқори-га тортилгандек учбурчак шаклида кўриниши — конфигурацияси; қовуқ иннервацияси издан чиққанлигидан дарак берувчи белги.

Рус. Башенный мочевой пузырь.

Мис (Cu) — Д.И. Менделеев даврий системасининг I гуруҳига мансуб кимёвий элемент; атом номери 29, атом массаси 63,546; ҳайвонот организмидан мураккаб органик бирикмалар таркибидан бўлади; гемоглобин синтезида қатнашади; суяк илиги фаолиятини ва б. бир қатор моддалар

алмашинуви жараёнларини рағбатлантиради; организмда М. алмашинувининг бузилиши гепатоцеребал дистрофия ва анемиянинг айрим хиллари асосида юзага келади.

Рус. Медь (Cu).

Митрал тешик — қ. **Чап бўлмача-қоринча тешиги**.

Митрал қопқоқ иши етишмаслиги — қ. **Чап бўлмача-қоринча қопқоғи иши етишмаслиги**.

Михаэлис ромбаси — қ. **Думгаза ромбаси**.

Мия бўртиб чиқиши — мияни операция қилаётган пайтда калла тешилган — трепанация қилинган тешикка мия моддасининг тўсатдан кириб шишиб чиқиши.

Рус. Вспучивание мозга.

Мияга ўрнашиб қолган саноклар (син. арифмомания) — енгиб бўлмас интилиш кўринишида аллақандай объектлар, нарсалар (мас., симёғочлар, транспорт воситалари, йўловчилар ва б. лар)ни санашнинг мияга ўрнашиб қолиши.

Рус. Навязчивый счёт; син. арифмомания.

Мияга ўрнашиб қолган тасаввурлар — ихтиёрдан ташқари, хиралик билан ёпишиб олган миядан кетмайдиган бир хил тасаввурлар.

Рус. Навязчивые представления.

Мияга ўрнашиб қолган фикрлар (син. миядан кетмайдиган фикрлар) — мияга беихтиёрй ўрнашиб, ёпишиб олган, бекорлиги ва ҳатто носоғлиги англашиладиган, аммо ирода кучига бўйсунмайдиган шилқим фикрлар.

Рус. Навязчивые мысли.

Мияга ўрнашиб қолган хаёллар — миядан ҳеч кетмайдиган бемор эс-ҳушини чулғаб олган, асоссиз эканлигини била туриб ҳам ундан қутила олмайдиган хаёллар.

Рус. Навязчивые идеи.

Мияга ўрнашиб қолган хатти-ҳаракатлар — енгиб бўлмас интилиш кўринишида муайян хатти-ҳаракатларни, қилмишларни амалга оширишнинг мияни эгаллаб олиши; **мияга ўрнашиб қолган ҳолатга киради** (қ.).

Рус. Навязчивые действия.

Мияга ўрнашиб қолган хотиралар — аксарият, қаттиқ виждон азоби, ўта уят-андиша, ўзни кечириб бўлмас изтироблар билан кечадиган хунук, номуносиб, нолойиқ, шармандали нарса-ҳодисалар ҳақидаги миядан кетмайдиган, ҳадеб хаёлда тикланаверадиган хотиралар.

Рус. Навязчивые воспоминания.

Мияга ўрнашиб қолган ҳолат (син.: ананказм, миядан кетмайдиган ҳолат, обсессия) — бемор

шахсиятига ёт бўлган фикр (ҳамиша ёқимсиз, кўнгилни баттар хира қиладиган фикр-хаёллар), тасаввур, хотира, шубҳа, қўрқув, нимагадир интилиш, мойил бўлиш ва хатти-ҳаракатлар ихтиёрдан ташқари, енгиб бўлмас даражада мияга ўрнашиб олган ва уларга танқидий муносабатда бўлган ҳолда улардан халос бўлиш учун курашиш сақланиб қолган руҳий ҳолат. Уни баъзи муаллифлар «шилқим ҳолат», «ёпишқоқ ҳолат» деб нотўғри ифодалашади.

Рус. Навязчивое состояние; син.: ананказм, навязчивость¹, обсессия.

¹ Навязчивость — мияга ўрнашиб қолишлик, миядан кетмаслик.

Мияга куйилган туш (син. кўрсатилган таъсир туши) — гипноз ҳолатида мияга қуйиш — руҳий таъсир кўрсатишдан кўрилган туш.

Рус. Внушённые сновидения.

Миядан кетмайдиган фикрлар — қ. **Мияга ўрнашиб қолган фикрлар**.

Миядан кетмайдиган эслашлар — енгиб бўлмас истак кўринишида асар қахрамонларининг номларини, бирор-бир воқеа-ҳодисаларнинг санасини ва б. ларни ҳеч қандай заруриятсиз эслаш, эслайвериш; уларнинг мияни эгаллаб олиш; **мияга ўрнашиб қолган ҳолатга** киради (қ.).

Рус. Навязчивые припоминания.

Миядан кетмайдиган ҳолат — қ. **Мияга ўрнашиб қолган ҳолат**.

Мия ён қоринчаси олд шохи — катта миянинг пешона бўлагида рангсиз тўсиқ, думли ядро билан қадоқсимон тана оралиғида жойлашган мия ён қоринчаси бўшлиғининг бир қисми.

Рус. Рог бокового желудочка передний.

Мия ён қоринчаси ортки шохи — катта миянинг энса бўлагида жойлашган мия ён қоринчаси бўшлиғининг бир қисми.

Рус. Рог бокового желудочка задний.

Мия ён қоринчаси пастки шохи — катта миянинг чакка бўлагида жойлашган мия ён қоринчаси бўшлиғининг бир қисми.

Рус. Рог бокового желудочка нижний.

Мия понаси — бош мия бирор соҳасининг табиий калла суяклари ёриғига (мас., катта энса ёриғига) ёки қаттиқ мия пардасига чуррасимон бўлиб суқилиб қолиши; бу — мия

шишуви, абсцесси, ўсмаси ва б. ларда калла чаноғи ички босими кескин ошиб кетиши оқибатида юзага келади.

Рус. Вклинение мозга.

Мия сизиб чиқиши — шикастланган калла ва мия пардаси очиқ еридан жароҳат устига мия детритининг оқиб-сизиб чиқиши; калла-мия очиқ травмасидан кейин юзага келадиган асорат.

Рус. Истечение мозга.

Мия сув тармоғи (син.: Сильвиев сув тармоғи, ўрта мия сув тармоғи) — миянинг учинчи ва тўртинчи қоринчаларини бирлаштириб — қўшиб турувчи камбар каналдан ташкил топган ўрта мия бўшлиғи; мана шу сув тармоғи бўйлаб бош ва орқа мия суюқлиги муттасил айланиб оқиб юради.

Рус. Водопровод мозга; син.: водопровод среднего мозга, сильвиев водопровод.

Мияча муртаги — мияча палласининг шакли юмалоқ бўлакчаси.

Рус. Миндалина мозжечка.

Мияча палласи — миячанинг бир жуфт ёнидан кўтарилиб турган қисми; улар бир-бири билан миячанинг қарама-қарши ётган қоринчаси орқали бирикиб туради; ортки калла чуқурчасининг кўп қисмини эгаллаган.

Рус. Полушарие мозжечка.

Мияча тилчаси — мияча олд бўлағи таркибига кирадиган мияча қоринчасининг бир бўлакчаси.

Рус. Язычок мозжечка.

Мия ўлими (син. де анимация — эск.) — ўпкани тўхтовсиз сунъий вентиляция қилиб турган ҳолда юрак билан ўпка фаолиятларини сақлаб турган кезде бош миянинг тотал (ёппасига) некрозга учраши — ўлиши.

Рус. Смерть мозга; син. деанимация.

Мия қоринчалари томир чигали (син. гажим чигали, томир-эпителиал чигал, хориоид чигал) — бош мия қоринчаларидаги гажим тузилмалари; у — юмшоқ мия пардаси ҳосиласи бўлиб, ўзида кўп миқдорда қон томирлар билан сезувчан нерв охирларини тутади; унинг асосий функцияси — бош ва орқа мия суюқлигини ажратишдир.

Рус. Сосудистое сплетение желудочков мозга; син.: ворсинчатое сплетение, сосудисто-эпителиальное сплетение, хориоидное сплетение.

Мия қотиши — 1. *Тиббиётда* — миянинг беихтиёр бир неча секунд фикрлашдан тўхтаб қолиши; мия тормозланиши; ҳеч нарса эсга келмаслик, ҳеч нима ҳақида ўйлай олмаслик билан кечади.

2. *Турмушда* — нима қиларни билмай гангиб қолиш; фикр, диққат тўплай олмаслик билан кечади.

3. *Турмушда* — бирор-нарсга ҳодиса устида бош қотириш, чуқур ўйга толиш, юзага келган жумбоқни ечиш ҳақида йўл-йўриқ излаш, чуқур фикрга ботиш тарадудуи.

Мия қуми — бош мия қоринчаларининг томир чигалларида, ўргимчак тўрисимон ва қаттиқ мия пардаларида ҳамда гуддасимон танада тўпланиб қолган майда қатлам-қатлам таначалар.

Рус. Мозговой песок.

Моддалар тўпланиш касалликлари (син.: тезауризмозлар, тўпланиш касалликлари) — турли хил тўқималар ҳужайраларида муайян модда(-лар)нинг тобора тўпланиб бориши билан моддалар алмашинуви бузилишидан юзага келадиган ирсий касалликлар; гликогенозлар, метахроматик лейкоцистрофия, фукозидоз ва б. лар шулар жумласидандир.

Рус. Болезни накопления; син. болезни депонирования, тезауризмозы.

Мойиллик — организм тузилиши ва функциясининг индивидуал туғма ёки орттирма хусусиятга эга бўлиши ва шу хусусиятига эга бўлиш ва шу хусусиятига кўра унинг муайян касалликка чалинувчанлиги.

Рус. Предрасположение.

Мойли хуснбузар — тери юзалари минерал мойлар билан тез-тез ифлосланиб туриши оқибатида пайдо бўлган сиртидан хуснбузарга ўхшайдиган **фолликулит** (қ. II ж.)лар.

Рус. Маслянные угри.

Молдав-валахск иситмаси — қ. **Хандақ иситмаси**.

Монокультура — қ. **Соф элма**.

Монро тешиги — қ. **Қоринчалараро тешик**.

Моргагни гидатидаси — қ. **Мояк осмаси**.

Моргагни ортиғи — қ. **Мояк ортиғи**.

Морель-Лавелле симптоми — қ. **Тегирмон ғилдирағи шовқини**.

Морен ўювчи яраси — қ. **Ўювчи шох парда яраси**.

Мохов таёқчаси (син. **Ҳансен таёқчаси**) — *Mycobacterium leprae* — *Mycobacteraceae* оиласига мансуб *Mycobacterium* уруғига оид бактерия; икки томони думалоқдан келган, колбасимон бўртган, баъзан новдасимон шаклда ҳам учрайдиган кислотага чидамли граммусбат таёқча; тўқималарда тўп-тўп бўлиб жойлашган; озиқа муҳитида ундириб-ўстириб бўлмайди; одамда моховни келтириб чиқаради.

Рус. Палочка лепры; син.: палочка Гансена, палочка проказы.

Моякни тушириш – мояк (-лар) юқорида – қорин парда ортида қолиб кетганида – эктопия (крипторхизм) бўлганида уни операция йўли билан ёргоққа тушириб қўйиш.

Рус. Низведение яичка.

Мояк ортиғи (син.: Моргагни ортиғи, эпидидимис) – мояк ортки чеккаси бўйлаб жойлашган, пастга томон ингичка тортиб борувчи тана; унда – моякнинг уруғни олиб чиқувчи каналчалари ва моякнинг пастки чеккасида уруғ олиб чиқувчи йўлга айланувчи кескин букилган ортиқ йўли жойлашган; М. о. да сперматозоидлар дозаларга бўлинади, сперманинг суюқ қисми ишланиб чиқади ва аралашиб шу ерда тўпланади.

Рус. Придаток яичка; син.: морганиев придаток, эпидидимис.

Мояк ортиғи осмаси – мояк ортиғи бошчасида жойлашган ноксимон ўртамиёна тузилма; бирламчи буйракдан қолиб кетган рудиментар қолдиқ.

Рус. Привесок придатка яичка.

Мояк осмаси (син. Моргагни гидатидаси) – мояк юқори чеккасида жойлашган юмалоқ ўртамиёна тузилма; парамезонефрик йўлнинг юқори чеккасидан қолган рудиментар қолдиқ.

Рус. Привесок яичка; син. гидатида морганиева.

Мояк тўри – чигаллашиб, ўралиб ва ўзаро туташиб кетган найсимон тузилмалар мажмуи; мояк тўсиқлари оралиғида жойлашган; унга тўғри уруғ каналчалари очилади; М. т. дан моякнинг уруғ чиқарувчи каналчалари бошланади.

Рус. Сеть яичка.

Мояк чиқиши – шикастланиш оқибатида моякнинг чов каналига ё сон териси остига ёки чот оралиғига силжиб қолиши.

Рус. Вывих яичка.

Могор (син. п ў п а н а к) – нам органик нарсалар юзасида улар билан озиқланиб униб-ўсадиган микроскопик замбуруғлар тўплами; кўриниши кулранг момиксимон толалар чигалини эслатади; **сопрофит** (қ. II ж.) замбуруғ; М. босган озуқаларни истеъмол қилиш касаллик ҳолатини ва энгил захарланишни келтириб чиқаради; М. лаган озуқаларни ҳатто чорва моллари ҳам емайди.

Рус. Плесень.

Могор босиш – қ. **Могорлаш**.

Моғорлаш (син. моғор босиш, пўпанаклаш) —
 1. **Моғор** (қ.)нинг органик озуқалар юзасида улар билан озиқланиб униб-ўсиши.

2. Органик озуқаларни моғор босиши.

Рус. Заглесневеть.

Муддатидан илгари таҳдид солувчи туғруқлар — ҳомиладорликнинг 28—37- ҳафталарида туғруқлар фаолиятларининг номунтазам бўлиб қолиши.

Рус. Преждевременные роды угрожающие.

Музлатиш — *гистологик техникада* — гистологик препаратлар тайёрлаш усули; олинган тўқима кесмасини қаттиқ карбонат ангидрид ёрдамида тез музлатиб қўйиш.

Рус. Замораживание (в гистологической технике).

Мумлангандек қотиб туриш — беморнинг танаси ва оёқ-қўллари қандай позага — ҳолатга келтириб қўйилган бўлса, худди шу позада узоқ туриб қолиши; экстрапирамид ригидликнинг бир кўриниши.

Рус. Восковидная ригидность.

Мунозарали жинсий ҳолатлар — суд-тиббий экспертизада ҳал қиладиган жинсий функция билан боғлиқ масалаларнинг умумий номи; буларга: қайси жинсга мансублиги, жинсий алоқа қила олиш, бўйида бўлиш, уруғлантира олиш, ҳомиладор бўлиш ёки унинг узилиши, иффат (қизлик) пардаси бўлиши ва б. лар қиради.

Рус. Половые состояния спорные.

Мунозарали оналик — бир аёлнинг муайян бир боланинг туғилиши фактини баҳс-мунозарали деб билиши; суд-тиббий экспертиза иши деб баҳоланиши мумкин.

Рус. Спорное материнство.

Муолажа соати — тегишли вақт оралағида товуш ёки ёруғлик сигнали билан огоҳлантирувчи прибор; даво муолажалари вақти-соатини дозалаб туришда қўлланилади.

Рус. Процедурные часы.

Мурда доғлари — ўлим юз бергандан кейин тўлиб кенгайиб кетган томирларнинг ён-веридаги тўқималарга қон сизиб чиқиши оқибатида гавданинг қуйи қисмлари терисида юзага келадиган доғлар; улар гавданинг у ер-бу ерларида парча-парча бўлиб ёки ёйилган кўринишда кўзга ташланади.

Рус. Трупные пятна.

Мурда дўмбоқчаси (син.: анатомлар дўмбоқчаси, мурда сўғали) — сил микобактериясининг тилинган-шилинган теридан кириши оқибатида қўл бармоқлари терисида юзага келадиган сил дўмбоқчаси; буни силдан ўлган беморларни ёрган патологоанатомлар ва прозекторларда ёки

сил билан оғриган ҳайвонлар гўштини нимталаган кишиларда ҳам кузатиш мумкин.

Рус. Трупный бугорок; син.: бугорок анатомов, трупная бородавка.

Мурда кўмилгандан бери ўтган вақт — мурда кўмилган ондан то мурдани текшириш вақтигача ўтган муддат.

Рус. Давность захоронения трупа.

Мурда совииши — мурда ҳароратининг атроф-муҳит ҳароратига қадар пасайиш жараёни.

Рус. Трупное охлаждение.

Мурда совунланиши (син. сапонификация) — мурда нам тупроқда ёки сувда қолиб унга ҳаво тегмай қолган ҳолларда унинг тўқималаридан ёғ-мум ҳосил бўлиш жараёни.

Рус. Омыление трупа; син. сапонификация.

Мурда сўғали — қ. **Мурда дўмбоқчаси**.

Мурда чириши — мурданинг ўз протеолитик (қ.) (оқсилларни парчаловчи) ферментлари ва микроорганизмлар ишлаб чиқарувчи ферментлар таъсирида аъзо ва тўқималарининг емирилиш жараёни.

Рус. Трупное разложение.

Мурда шу — қ. **Ювгучи**.

Мурда ўзгаришлари — ўлим юз бергандан кейин организмда (танада) рўй берадиган морфологик ўзгаришларнинг умумий номи.

Рус. Трупные изменения.

Мурда қотиши — киши ўлгандан кейин скелет (гавда) мушаклари ва ички аъзолар силлиқ мушакларининг зичлашиш (киришиш) жараёни.

Рус. Трупное окоченение.

Католептик м. қ. — узунчоқ мия ёки мия пўстлоқ ости соҳаларининг анча шикастланиши оқибатида юз берган ўлим соатидаёқ бошланадиган мурда қотиши; одам юрак тўхтаган пайтдаги гавда ҳолатида (позасида) қотиб қолади.

Рус. Католептическое т. о.

Муртак бачадон (син. рудиментар бачадон) — тана ва бўйинча ажралмаган, баъзан, ҳатто, ичи кавак бўлмаган, узунлиги 3 см гача келадиган ривожланмай қолган бачадон; туғма ривожланиш нуқсони.

Рус. Зачаточная матка; син. рудиментарная матка.

Муртак онг — муайян вақтда руҳий фаолият жараёнида марказий роль ўйнамайдиган, аммо онгли руҳий жараёнлар оқимиға таъсир кўрсата оладиган актив руҳий жараёнлар мажмуи.

Рус. Подсознательное.

Муסיқий кўрлик — нота ёзувини тушуниш лаёқати йўқолиши; **агнозия** (қ. II ж.)нинг бир хили.

Рус. Музыкальная слепота.

Муסיқий эшитув — муסיқий товушлар тусини ва улар ўртасидаги функционал боғланишларни идрок қила олиш лаёқати; куй-қўшиқларнинг нозик тусларини илғай олиш, улар ўртасидаги билинар-билинмас боғланишларни англай олиш шу лаёқатга боғлиқ.

Рус. Музыкальный слух.

Мутлоқ оч қолиш — овқат ва сувдан бутунлай маҳрум бўлишдан юзага келадиган оч қолиш.

Рус. Абсолютное голодание.

Мутлоқ эшитув — товуш баландлигини эшитиб, идрок қилиб белгилай билиш лаёқати; муסיқий эшитув тури.

Рус. Абсолютный слух.

Мутлоқ ҳаво намлиги — ҳаво намлигининг миқдорий ифодаси; ҳаводаги сув буғининг парциал босими (ҳаводаги сув буғининг фақат ўзининггина босими); симоб устунининг миллиметрларида ёки миллибарлар (атмосфера босими)да ўлчанади; баъзан, ҳаво муҳитини гигиеник нормалашда қўлланилади.

Рус. Влажность воздуха абсолютная.

Муфассал нутқ — гапни майдалаб, унинг икир-чикирларигача қўймай, арзир-арзимас томонларини батафсил, секин гижжалаб баён қилинган нутқ; уни тушуниш қийин бўлади; нутқ бузилишининг ўзига хос тури; эпилепсияга чалинган касалларда кузатилади.

Рус. Обстоятельная речь.

Мушак иши қуввати — мушак фаолияти натижасида вақт бирлиги ичида бажарилган иш.

Рус. Мощность мышечной работы.

Мушак парда — овқат ҳазм қилиш, нафас ёки сийдик-таносил системаларга мансуб найсимон аъзолар девори бағридаги силлиқ мушак тўқима қавати.

Рус. Мышечная оболочка.

Мушак тортишиши (гр. spastikos — тортувчи) — тортилиши ошган мушакларнинг суст ҳаракатларнинг турли фазаларида нотекис қаршилиқ қилиши; **пирамида йўллари** (қ.) дардга чалинганида ва совуқда (сувда) қолганда кузатиладиган ҳодиса; кўпроқ, қўлларнинг букувчи мушакларида, оёқнинг эса ёзувчи мушакларида рўй беради.

Рус. Спастичность мышечная.

Мушак қайишқоқлиги — мушакларнинг куч таъсирида кўндалангига чўзилиши ёки кўндалангига қисилиши ва таъ-

сир кучи олингач қайта ўз ҳолатига келиш лаёқати; бу — мушак тўқималарнинг эластиклиги ва мушакнинг функционал ҳолатига боғлиқ равишда у ёхуд бу даражада юзага чиқади; демак, М. қ-лиги яхши бўлса, унинг чўзилиши ҳам, ортга қайтиши ҳам яхши бўлади ва аксинча.

Рус. Упругость мышцы.

Мушак қисқариши — мушакни ташкил қилувчи толаларнинг мушакни қисқартириши ёки таранглигини ўзгартириши; у олти хил бўлади.

Рус. Мышечное сокращение.

Бирин-кетин м. қ.-ши — ёлғиз битта рағбатлантирувчи таъсирида юзага келадиган қисқариш ва кейин бушашиш фазаларидан иборат мушак қисқариши.

Рус. Одиночное м. с.

Изометрик м. қ.-ши — мушак толаларининг узунлиги ўзгармагани ҳолда улар таранглигининг кучайишидан юзага келадиган мушак қисқариши.

Рус. Изометрическое м. с.

Изотоник м. қ.-ши — мушак толалари қисқарган, йўғонлашган ҳолда таранглиги амалда ўзгармай қоладиган мушак қисқариши.

Рус. Изотоническое м. с.

Максимал м. қ.-ши — мушак толаларининг максимал даражада кўп миқдори бир пайтда қўзғалишидан юзага келган мушак қисқариши.

Рус. Максимальное м. с.

Тетаник м. қ.-ши — қ. **Тетанус** (III ж.).

Мушак қопқаси — артерия ва нервнинг мушакка кирадиган ва ундан вена ҳамда лимфатик томирларнинг чиқиш жойи; кўп сегментли (бўлакли) мушакларнинг одатда бир нечта дарвозаси бўлади.

Рус. Ворота мышцы.

Мушук таъсир бирлиги (МТБ) — мушук юрагини тўхтатиб қўядиган юрак гликозидларини тутувчи препаратнинг минимал дозаси; мушукнинг 1 кг вазнига тўғри келадиган доза.

Рус. Кошачья единица действия (КЕД).

Мушуккулоқ — кулоқ супрасининг юқори қисми ёзилиб туриб бурма шаклида осилиб, супранинг чекка (латерал) юзасини ёпиб турадиган кулоқ; кулоқ супрасининг тузилиш хилларидан бири.

Рус. Кошачье ухо.

Мўйейувчилар — Mallophaga туркумига мансуб Trichodectidae оиласига кирувчи паразит ҳашаротлар; уларнинг

баъзи вакиллари қовоқсимон солитёр (ғижжа тури)нинг оралиқ хўжаси ҳисобланади; бу — дипилидиоз — ғижжа касаллигини келтириб чиқаради.

Рус. Власоеды.

Мўй илдизи — тери бағрида жойлашган мўйнинг остки қисми.

Рус. Корень волоса; син. волосяной корень.

Мўйлаб — қ. Мўйлов.

Мўйлов (син. мўйлаб) — юқоридан — бурун катаклари, икки ёндан — икки лаб бурчаклари, пастдан — юқори лаб жияклари билан чегараланган, пигментли (рангли — қора, жигарранг, сариқ, кулранг ва ҳ.к.), қаттиқ-қайишқоқ, узунлиги 5 см ва ундан ортиқ, йўғонлиги 0,05—0,2 мм келадиган мўйлар (қ. I ж.) мажмуи; мурт; ёноқ ва бурундан тушадиган тер ва ажралмаларни тутиб қолади, тери бурмаларини бичилиш ва б. таъсирланишлардан сақлайди.

Рус. Усы.

Мўй мия моддаси — шакли нотўғри, шохланган, бир неча қатор бўлиб жойлашган ҳужайралардан иборат мўй (соч)нинг марказий қисми.

Рус. Мозговое вещество волоса.

Мўй пўстлоғи (син. мўй пўстлоқ моддаси) — ўзаро зич бириккан чўзиқ ясси шох (мугуз) қовзоқлардан ҳосил бўлган мўй қавати; таркибида кератин, пигмент, ҳужайра ядроси юқи, баъзан эса ҳаво пуфакчалари бўлади.

Рус. Кора волоса; син. корковое вещество волоса.

Мўй пўстлоқ моддаси — қ. Мўй пўстлоғи.

Мўй сўргичи — тери қаъридан кўтарилиб мўй (соч) фолликуласига кирувчи бириктирувчи тўқимали конуссимон тузилма; қон томирларга ва нерв толаларига эга.

Рус. Сосочек волоса; син. волосяной сосочек.

Мўй халтаси — мўй (соч) илдизини ўраб турувчи ва шу билан мўй қопининг ташқи — сиртқи қисмини ҳосил қилувчи бириктирувчи тўқимали парда; у — ташқи бўйлама ва ички айланма толали қаватдан ва базал мембранадан тузилган.

Рус. Сумка волоса; син. волосяная сумка.

Мўй ўзаги — мўй (соч)нинг ташқарига — тери юзасига чиқиб турган қисми (танаси).

Рус. Стержень волоса; син. волосяной стержень.

Н

Нажасдон — 1. Ётиб қолган бемор ахлатига тутиладиган металл, шиша ёки пластмасса идиш.

2. Нажас оқмасига бириктириб қўйиладиган ва чиқараётган ажралмалар йиғиладиган пластик халта.

Рус. Калоприёмник.

Нажас ўсмаси — йўғон ичакда нажас (ахлат) тўпланиб туриб қолишидан юзага келган хаёлий ўсма; қоринни кўздан кечирганда ва пайпаслаб кўрганда қўлга уннайдиған масса.

Рус. Каловая опухоль.

Най болиши — *оториноларингологияда* — ҳалқумнинг бурун қисмида кўтарилиб қолган болиш; унда эшитув (Евстахий) пайининг тоғайи жойлашган.

Рус. Трубный валик.

Най-танглай бурмаси — *оториноларингологияда* — эшитув (Евстахийда) найининг ҳалқум тешигидан бошланиб юмшоқ танглайга борувчи шиллиқ парда бурмаси.

Рус. Трубонёбная складка.

Намақоблар (син. туз ли сувлар) — 35—150 г/л ҳисобида эритилган минерал моддалар тутувчи минерал сувлар.

Рус. Рассолы; син. рассольные воды.

Намлиқ йўқотиш — тери ва ўпка орқали сувнинг ажралиш миқдори (тезлиги)ни ифодаловчи катталиқ; бу — одатда соат/ граммларда ўлчанади.

Рус. Влагопотеря.

Намойишкорона қилиқлар — ён-атрофдагиларнинг диққат-эътиборини ўзига жалб қилиш мақсадида руҳий беморларнинг юз мимикаларини бўртириши, пантомимик ишоралар қилиши ва нутқига бино қўйиб ғалати хатти-ҳаракатлар қилиши.

Рус. Театральность поведения.

Насл кўчишлиги — индивидлар ўртасидаги генетик — ирсий фарқланишлар билан рўёбга чиқадиган фенотипик ўзгарувчанликнинг бир улуши.

Рус. Наследуемость.

Насл-насаб шажараси — қ. **Шажара**.

Насл қолдириш ёши (син.: репродуктив ёш, фарзанд кўриш ёши) — организмнинг зурриёт (насл) қолдириш лаёқати сақланиб турган ёш даври; моддий-ижтимоий-сиёсий ва статистик аҳамиятга эга.

Рус. Репродуктивный возраст.

Нафас етишмаслик — қон таркибидаги газлар алмашинуви нормал кеча олмайдиган ёки ташқи нафас компенсатор механизмларининг зўр бериб ишлаши ҳисобига зўр-базўр кечадиган организмнинг патологик ҳолати; унинг ўндан ортиқ хили маълум.

Рус. Дыхательная недостаточность.

Бронх-ўпка сабабли н. е. (син. ўпка сабабли н. е.) — ўпка ва нафас йўллари (асосан, бронхлар)даги патологик жараёнлар туфайли келиб чиққан нафас етишмаслик.

Рус. Бронхолёгочная д. н.; син. лёгочная д. н.

Гемик н. е. — қоннинг газлари ташиш (элитиш) лаёқати бузилиши оқибатида келиб чиқадиган нафас етишмаслик.

Рус. Гемическая д. н.

Диффузион н. е. — ўпка альвеолалари капиллярининг мембранлари зичлашиб қолиши (пневмосклероз, фиброз) ёки яллиғланиб кўпчиб кетиши оқибатида улар орқали газлар диффузияланиши издан чиқишидан келиб чиққан бронх-ўпка сабабли нафас етишмаслик.

Рус. Диффузионная д. н.

Марказий н. е. — миядаги нафас маркази фаолияти издан чиқиши оқибатида келиб чиққан нафас етишмаслик; баъзи бир заҳарланишларда кузатилади.

Рус. Центральная д. н.

Нерв-мушак сабабли н. е. — нафас мушаклари иннервацияси издан чиқиши — нерв фаолияти бузилиши туфайли уларнинг фаолиятсизлигидан келиб чиққан нафас етишмаслик.

Рус. Нервно-мышечная д. н; син. нейромускулярная д. н.

Обструктив н. е. — бронхлар ўтказувчанлиги бузилиши оқибатида келиб чиққан бронх-ўпка сабабли нафас етишмаслик.

Рус. Обструктивная д. н.

Рестриктив н. е. — зотилжам, эмфизема, ўпка склерози, ўсма ва б. хасталикларда ўпканинг нафас олиш юзаси кичрайиб (камайиб) кетишидан келиб чиққан бронх-ўпка сабабли нафас етишмаслик.

Рус. Рестриктивная д. н.

Торакодиафрагмал н. е. — кўкрак қафас дардга чалинганида, диафрагма релаксацияси — мушаклари тонуси бўшашиб кетганида ёки плеврада патологик жараёнлар бўлганида кўкрак қафасининг шакли, ҳаракатчанлиги, сифими ўзгаришидан келиб чиққан нафас етишмаслик.

Рус. Торакодиафрагмальная д. н.

Упка сабабли н. е. — қ. Бронх-ўпка сабабли н. е.

Хужайравий н. е. — нафас ферментлари фаоллияти бузилиши туфайли келиб чиққан нафас етишмаслик; баъзи бир заҳарланишларда кузатилади.

Рус. Клеточная д.н.

Нафас йўллари — ҳавони ўпка альвеолаларига ўтказиб берадиган (элтадиган) кавак аъзолар; улар асосан иккига бўлинади: *Юқори н. й.* (бурун, бурун бўшлиғи, ҳалқум) ва *қуйи н. й.* (ҳиқилдоқ, кекирдак, бронхлар).

Рус. Дыхательные пути.

Нафас коэффиценти (НК) — муайян вақт ичида ўпка орқали ажратилган карбонат ангидрид ҳажмининг шу вақт ичида ютилган кислород ҳажмига нисбати; НК нинг катталиги текширалаётган одамнинг тинч турган ҳолатда организмда оксидланган моддалар турига боғлиқ.

Рус. Дыхательный коэффициент.

Нафас мушаклари — ўз қисқаришлари — иш бажаришлари билан кўкрак бўшлиғи ҳажмини камайтирадиган ёки кўпайтирадиган ва шу функцияси билан нафас олиш ва чиқариш жараёнида қатнашадиган мушаклар.

Рус. Дыхательные мышцы.

Нафас синамаси — ташқи нафасни сунъий равишда ўзгартиришга асосланган диагностик синамаларнинг умумий номи; бунга гипервентиляцияцион синамани кўрсатиш мумкин.

Рус. Дыхательная проба.

Нафас олиш сизими — нафасни зўр бериб чиқармаган ҳолда нафасга олиш мумкин бўлган максимал ҳаво ҳажми: у — нафас ҳажми билан олинган нафаснинг резервдаги ҳажмидан иборат.

Рус. Ёмкость вдоха.

Нафас эквиваленти (НЭ) — бир минутлик ўпка вентиляцияси ҳажмининг 10 га кўпайтирилган 1 минутда истеъмол қилинадиган кислородга нисбати; ўпка вентиляциясининг самарадорлик кўрсаткичи.

Рус. Дыхательный эквивалент (ДЭ).

Нафас қисий — ўпка ва бронхларнинг турли хил — эмфизема, астма, спазма ва б. касалликлари, шунингдек, юрак-томир иши етишмаслиги оқибатида юзага келадиган синдром; бунда — киши ҳаво (кислород) етишмаслигидан қийналиб, тез-тез нафас олишга ҳаракат қилади, антикади; яна қ.П.ж.

Нафас ҳавоси — қ. **Нафас ҳажми.**

Нафас ҳажми (син. нафас ҳавоси — эск.) — бир маргалик нафас мобайнида нафасга олинган ёки чиқарилган ҳаво ҳажми.

Рус. Дыхательный объём; син. дыхательный воздух — эск.

Нафс тийиш – *тиббиётда* – овқат, ноз-неъмат, мевачеваларни ортиқча истеъмол қилишдан ўзини тийиш; емоққа бўлган ҳирсу эҳтиросни жиловлаш.

Бу – овқат ҳазм қилиш аъзолари, юрак-томир системаси ва б. аъзоларнинг талайгина касалликларининг олдини олиш, уларга сабабчи бўладиган омиллардан сақланиш демакдир.

Нерв газлари - қ. *Нерв-фалажловчи заҳарловчи моддалар*.

Нерв эзилиши (син. *нерв қисилиши*) – нерв-асаб узоқ вақт босилиб, эзилиб, қисилиб туриши оқибатида унинг шикастланиши; мас., ўсмалар, чандиқлар, суяк қадоқлари ва б. ларнинг қисиб эзиб қўйиши намунали мисол бўла олади.

Рус. Сдавление нерва; син. компрессия нерва.

Нерв қисилиши – қ. **Нерв эзилиши**.

Нигоҳ майдони (син. *фиксация майдони*) – бошни қимирлатмай туриб, кўзни имкон қадар ҳар томонлама йўналтириб атрофлича идрок қилинадиган – кўриладиган қамров майдони.

Рус. Поле зрения; син. поле фиксации.

Нигоҳ спазмаси - қ. **Нигоҳ талвасаси**.

Нигоҳ талвасаси (син.: *окулогирик криз, нигоҳ спазмаси*) – кўзларнинг тепага бир неча минутгача қараб қотиб туриши; паркинсонизм, эпилепсия ва б. касалликларда кузатилади.

Рус. Судорога зрения; син.: окулогирный криз, спазм зрения.

Никоҳсиз хотин – ўз мамлакатадаги жорий қонунларни четлаб ўтиб, никоҳни қайд этувчи давлат идоралари рухсатисиз, дин ўз мавқеини сақлаб келаётган ҳолларда диний идоранинг оқ фатвосини олмай туриб эркак билан қовушиб яшаётган аёл.

Рус. Внебрачная жена.

Никоҳсиз эр – ўз мамлакатадаги жорий қонунларни четлаб ўтиб, никоҳни қайд этувчи давлат идоралари рухсатисиз, дин ўз мавқеини сақлаб келаётган ҳолларда диний идоранинг оқ фатвосини олмай туриб аёл билан қовушиб яшаётган эркак.

Рус. Внебрачный муж.

Никоҳсиз эр-хотин – ўз мамлакатадаги жорий қонунларни четлаб ўтиб, никоҳни қайд этувчи давлат идоралари рухсатисиз, дин ўз мавқеини сақлаб келаётган ҳолларда диний идоранинг оқ фатвосини олмай туриб қовушиб яшаб келаётган эркак ва аёл.

Рус. Внебрачная муж-жена.

Нироп аппарати – қ. **Рослагич**.

Нироп рослагичи — қ. **Рослагич**.

Нисбий ҳаво намлиги — ҳаво намлигининг миқдорий ифодаси; мутлоқ ҳаво намлигининг тегишли ҳароратда тўйинган сув буғининг парциал босимига процентларда ифодаланган нисбати; кўпроқ ҳаво муҳитини гигиеник нормалашда ва санитария назоратида ишлатилади.

Рус. Влажность воздуха относительная.

Нишонланган бирикмалар — молекулаларига радиоактив нишон киритилган кимёвий бирикмалар; тиббиётда моддалар алмашинувини ўрганишда, шунингдек, диагнозни радиоизотоп билан аниқлашда қўлланилади.

Рус. Меченые соединения.

Новсимон сўрғичлар — тил ўрта қисми (бели) билан илдири оралиғи чегарасидаги цилиндр шаклидаги дўнгликлар; улар шиллиқ парда болишлари ва новлар билан ўралиб туради; худди шу жойларда таъм рецепторлари жойлашган.

Рус. Желобовидные сосочки.

Новча — *анатомияда* — тери юзаси, қафт, суюк ва б. жойлардаги чўзиқроқ новсимон ботиқликларнинг умумий номи; *Кафт н-часи, Лаб н-часи* (қ.) *Ошиқ н-часи, Товон суюги н-часи* ва б. лар шулар жумласидандир.

Рус. Желобок.

Ногиронларни меҳнатга жойлаш — ногиронларни уларнинг соғлиғига, орттирган касб-корига, тажрибасига мос келадиган иш турини, ишлаб чиқариш шароитини махсус танлаб ишга таклиф қилиш.

Рус. Трудовое устройство инвалидов; син. трудоустройство инвалидов.

Ногиронлик гуруҳи — врачлик-меҳнат экспертизаси комиссияси расмийлаштириб берган узоқ муддатли ёки доимий меҳнатга яроқсизлик даражаси категорияси; муайян ҳуқуқ ва имтиёзлар олиш учун бериладиган асосий ҳужжат.

Рус. Группа инвалидности.

I Ногиронлик гуруҳи — меҳнат бутунлай яроқсиз ва бошқалар парваришига доимий муҳтож кишилар гуруҳи.

Рус. Группа инвалидности I.

II Ногиронлик гуруҳи — меҳнатга яроқсиз, аммо бошқалар парваришига доимий муҳтож бўлмаган кишилар гуруҳи.

Рус. Группа инвалидности II.

III Ногиронлик гуруҳи — ўз касб-кори бўйича меҳнатга яроқсиз, аммо енгилроқ бошқа мутахассислик бўйича ёки ўз касб-кори бўйича, бироқ меҳнат шароити анча енгиллаштирилган шароитда (мас., иш куни қисқартирилган ва шу каби шартлар билан) ишлай оладиган кишилар гуруҳи.

Рус. Группа инвалидности III.

Ноксимон чўнтак — халқумнинг ҳиқилдоқ қисмидаги бир жуфт ботиклик; ҳиқилдоққа кираверишда унинг тоғайлари дўмбаймаси билан ҳалқум ён девори оралиғида жойлашган.

Рус. Грушевидный карман.

Номус — *тиббий деонтологияда* — 1. Бемор аёллар (қиз-жувонлар)нинг орият, шарм, ҳаё, ори ифодаси.

2. Қиз боланинг иффати, қизлиги ифодаси.

Номусга тегиш — *тиббий деонтологияда* — 1. Тиббиёт ходимининг бемор аёл (қиз-жувон)нинг шарм, ҳаё, ориятига тегадиган гаплар гапириши, зарурияти бўлмаган ҳолда танасининг уятли жойларига тегиниши ва б. ноҳўя хатти-ҳаракатлар қилиши.

2. Тиббиёт ходимининг бемор аёл (қиз-жувон)ни зўрлаши (қ. I ж.).

Норасида (син. н о р а с т а) — *тиббиётда* — болаларнинг балоғат (қ. I ж.)га етмаган [(ўғил болалар **раста** (қ. I ж.) бўлмаган, қиз болалар **ҳайз** (қ. I ж.) кўрмаган] ёш даври ифодаси.

2. **Балоғат** (қ. I ж.)га етмаган ўғил ёки қиз.

Н о р а с т а — қ. **Норасида**.

Нордон сут маҳсулотлари — қ. **Ачиган сут маҳсулотлари**.

Норосолик мажмуи — ҳақиқатдан ҳам ёки ёлғондан жисмоний ёхуд руҳий камчиликлари бор деб ўзини норасо, ночор ҳис этишлик.

Рус. Комплекс неполноценности.

Н о с о ф а й л а н а — қ. **Нософ доира**.

Нософ доира — (син. н о с о ф а й л а н а) — *патологияда* — организмдаги патологик ўзгаришлар — носоғликларнинг ўзаро боғлиқлиги ва бунда шу бирламчи ўзгаришлар оқибати сифатида кейинроқ юзага келган бузилишлар, ўз навбатида, ўзаро боғланган дастлабки патологик ўзгаришларни янада чуқурлаштириши, кучайтириши ва кенгайтиришидан юзага келадиган доира.

Рус. Порочный круг.

Ноғора бўшлиқ — ўрта кулоқнинг чакка суяги пирамидасидаги 1 см³ келадиган ҳаво юривчи бўшлиғи; у — орқадан — сўрғичсимон ўсимта катакчалари-ю, фори билан, олдан — эшитув найи орқали бурун-ҳалқум бўшлиғи билан тутшиб туради.

Рус. Барабанная полость.

Ноғора бўшлиқ томи — ёйсимон дўнглик билан томсимон-тангача ёриғи оралиғида жойлашган чакка суяги пирамида-

сининг олд юзаси соҳаси; тепаси; ноғора бўшлиқ юқори девори — тепасини ҳосил қилади.

Рус. Крыша барабанной полости.

Ноғора парда — ташқи ва ўрта қулоқ оралиғида жойлашган, баландлиги 10 мм, эни 9 мм келадиган овал парда; у — ташқи — тери қават, ўрта — бириктирувчи тўқимали қават ва ички — шиллиқ қаватдан иборат; болғача дастаси худди шу пардага келиб тугашган; товуш тўлқини пардадан болғачага узатилади.

Рус. Барабанная перепонка.

Ноғора парда киндиги — қулоқда — ноғора парданинг болғача дастаси бирикадиган воронкасимон кўтармаси.

Рус. Пупок барабанной перепонки.

Ноғора чўп бармоқлар (син.: ноғора чўп бармоқлар симптоми, Ҳиппократ бармоқлари — *тав. этилмайди*) — бармоқлар уч томонининг йўғонлашиши, яъни ноғора чўпига ўхшаб бориши билан кечадиган деформацияси; юрак, ўпка, жигар ва б. сурункали давом этадиган айрим касалликларда кузатилади.

Рус. Барабанные пальцы; син.: пальцы Гиппократа — *тав. этилмайди*, симптом барабанных палочек.

Ноғора чўп бармоқлар симптоми — қ. **Ноғора чўп бармоқлар**.

Ноғора - ҳалқум найи — қ. **Эшитув найи**

Нурафшон оралиқ — фазалар билан ёки хуружсимон тарзда кечадиган руҳий касаллик оралиғи; бунда тамомила ёки даярли тамомила касаллик айнишлари — симптомлари юзага чиқмай туради.

Рус. Светлый промежуток.

Нур бериш чизмаси — нур терапияда бемор танасида доза майдони ҳосил қилиш усулининг график чизмаси.

Рус. Схема облучения.

Нурга қарши кимёвий ҳимоя — нурлантириш (нурлатиш) — дан олдин организмга кимёвий радиоҳимоя воситаларини киритиш (юбориш)га асосланган нурга қарши ҳимоя.

Рус. Противолучевая защита химическая.

Нурга қарши ҳимоя (син.: радиацион ҳимоя — *тав. этилмайди*, радиацияга қарши ҳимоя, радиологик ҳимоя) — ионловчи (ион ҳосил қилувчи) нурланишнинг зарарли таъсирининг олдини олишга ёки анча камайтириш (кучсизлантириш)га қаратилган тадбирлар мажмуи.

Рус. Противолучевая защита; син.: противорадиационная защита, радиационная защита — *тав. этилмайди*, радиологическая защита.

Нур жароҳати — одамнинг аъзо ва тўқималарига ионловчи (ион ҳосил қилувчи) нурланиш таъсир этиши оқибатида келиб чиққан жароҳат.

Рус. Лучевое повреждение.

Нурланиш пневманити — қ. *Нурланиш зотилжами.*

Нурланиш ҳисоблагичи — ионловчи (ион ҳосил қилувчи) нурланишларни қилиш ва ўлчам учун чиқарилган приборларнинг умумий номи; булар дозиметрик ва радиодиагностик аппаратлар таркибига киради ва гигиена ҳамда тиббиёт радиологияси соҳаларида қўлланилади.

Рус. Счётчик излучения.

Нурлантиригич — объектга ёруғлик ёки иссиқлик ёхуд ҳар иккаласининг нурини таъсир эттириш аппарати; даволаш ва профилактик мақсадларда Н. нинг турли хиллари ишлатилади; амалда эса унинг тўрт хилидан кенг фойдаланилади.

Рус. Облучатель.

Нурлантириш — *тиббиёт радиологиясида* — ионловчи (ион ҳосил қилувчи) нурлантиришнинг организмга таъсири; тананинг қаери, қайси усулда, қандай шароитда нурлантиришга қараб Н. нинг амалда тахминан қирқдан ортиқ хилидан фойдаланилади.

Рус. Облучение.

Бир зонали н. — нур тутами объектнинг биргина соҳасида силжитиб туриладиган ҳаракатли нурлантириш.

Рус. Однозонное о.

Жойли н. — қ. *Локал н.*

Ички н. — нур манбаи организмга нафасга олинган ҳаво, истеъмол қилинган овқат, сув ва б. нарсалар билан ичга тушган ёки суъний равишда ичга киритилган модда билан нурлантириш; организмга киритилган радиофармацевтик препаратлар И. н. манбаи бўла олади.

Рус. Внутреннее о.

Контактли н. — нур манбаини нурлантирилаётган аъзо ёки тўқималар юзасига максимал даражада яқинлаштирилган шароитда нурлантириш.

Рус. Контактное о.

Қўп зонали н. — бемор танасининг бир неча соҳаларида юзага келтирилган ҳаракатли нурлантириш.

Рус. Многозонное о.

Қўп томонлама н. — нурни объектнинг турли юзаларига ташқаридан таъсир этириб нурлантириш.

Рус. Многостороннее о.

Локал н. (син. жойли н.) — организм ёки аъзонинг айрим чегараланган соҳасини нурлантириш.

Рус. Локальное о.; син. местное о.

Нотекис н. — нурлатилган объектнинг ҳамма юзаси бир хил дозада нур ютмайдиган нурлантириш.

Рус. Неравномерное о.

Парциал н. — гавданинг бирор қисмини ёки соҳасини (мас., бош, қорин, кўкракни ва ҳ.) айрим-алоҳида нурлантириш.

Рус. Парциальное о.

Сурункали н. — узоқ муддат (йиллар, ойлар) давомида нурнинг кичик дозалари билан бутун организмни ё бирор аъзони ёки айрим тўқималарни нурлантириш.

Рус. Хроническое о.

Ташқаридан н. — ионлашгирувчи нурланиш манбаи нур бериладиган объектдан ташқарида жойлашган шароитда нурлантириш.

Рус. Наружное о.

Текис н. — нурлатилган объектнинг ҳамма юзаси бир хил дозада нур ютадиган шароитда нурлантириш.

Рус. Равномерное о.

Ўтқир н. — бутун организмни ё аъзони ёки тўқимани биологик таъсир самараси юқори бўлган қуввати баланд нур дозаси билан бир марталик нурлантириш,

Рус. Острое о.

Ҳаракатли н. — нур тугами билан бемор бир-бирига нисбатан силжиб ҳаракатланиб турадиган шароитда нурлантириш.

Рус. Подвижное о.

Нурлантириш майдони — нур терапия жараёнида бемор гавдаси юзасининг ионловчи (ион ҳосил қилувчи) нур таъсирида қолувчи қисми; нур тугамининг йўналиш ҳолатига кўра Н. м. иккига тавофут қилинади: *Геометрик н. м. ва Дозиметрик н. м.*

Рус. Поле облучения.

Нутқ инкогерентлиги — қ. **Нутқ пойма-пойлиги.**

Нутқ инқирози — нутқ фаолиятининг борган сари кучайиб борадиган ёки тўсатдан тотал афазияга (бутунлай бузилишига) олиб келувчи инқирози.

Рус. Распад речи.

Нутқ пойма-пойлиги (син.: нутқ инкогерентлиги, нутқ чалкашлиги) — сўз ва иборалар ҳам маъновий, ҳам грамматик жиҳатдан ўзаро боғланмай қолган патологик нутқий кўзғалиш; бемор сўзларни тез-тез қофияга солиб гапиради.

Рус. Речевая бессвязность; син.: речевая инкогерентность, речевая спутанность.

Нутқ сиқуви — бетўхтов гапириб туриш эҳтиёжини беморнинг ўзи сезиб турадиган ва ўзининг узундан-узун нутқини тўхтата олмайдиган ёки тўхтатишни истамайдиган патологик нутқий кўзғалиш.

Рус. Речевой напор.

Нутқ узук-юлуқлиги — нутқ бузилиши, унда мазмун ва грамматик боғланишлар бўлмаслиги, неологизмлар (янги сўз ёки иборалар) ва деформацион сўзлар кўплиги билан ифодаланадиган нутқ бузилиши.

Рус. Разорванность речи.

Нутқ чалкашлиги — қ. **Нутқ пойма-пойлиги**.

Нуқсон ахтариш иллоти — ўзидаги одамларни камситиш патологик кайфияти туфайли ҳамиша уларнинг камчилиги, нуқсони, салбий томонлари, хислатлари, одатлари, қилмишлари ва ҳатто жисмоний камчиликларига руҳий иштиёқ билан эътибор бериш, ахтариш, топиш иллоти; мия фаолиятининг носоғломлик феномени (белгиси).

О

Обсессия — қ. **Мияга ўрнашиб қолган ҳолат**.

Овоз бойлами ости бўшлиги (син. ҳиқилдоқ овоз бойлами ости кенглиги) — ҳиқилдоқ бўшлигининг пастки кенгайган бўлими; у, овоз ёригидан бошлаб кекирдак бошигача бўлган кенгликни эгаллайди.

Рус. Подголосовая полость; син. подсвязочное пространство гортани.

Овоз бурмаси — ҳалқумнинг ич томонига бўртиб чиқиб турувчи овоз бойлами ва овоз мушагидан таркиб топган шиллиқ парда бурмаси.

Рус. Голосовая складка.

Овоз ёриги — ҳалқумнинг ўрта қисмида иккита овоз бурмаси ва ортки томонда чўмичсимон тоғайнинг медиал юзаси билан чегараланиб турувчи горизонтал ёриқ.

Рус. Голосовая щель.

Овоз титраши — паст частотали товушлар чиқарган пайтда кўкракни қўл билан пайпаслаганда сезиладиган унинг девори вибрацияси резонанси; бунда у — ўпка тўқималари зичлашиб қолган соҳаларда кучайса, **ателектаз** (қ. II ж.) ва плеврал экссудат бор жойларда пасаяди.

Рус. Голосовое дрожание.

Овоз ўсимтаси — ҳалқумнинг чўмичсимон тоғайи асосидан чиққан олд ўсимтаси; овоз боғламлари ва мушаклар шунга бирикиб туради.

Рус. Голосовой отросток.

Овоз ҳосил бўлиши I (син. ф о н а ц и я) — қовурғалараро мушаклар ва диафрагма ҳаракати таъсирида кекирдик ва бронхлардаги ҳаво босими ортиши муносабати билан овоз бурмалари таранглашиб, бир-бирига яқинлашиши ва шу вақтда ҳаво босими овоз ёриғини ёриб ўтиши ва овоз бурмаларини тебратиши ва бунинг орқасида шу ернинг ҳаво муҳити тебраниб овоз юзага келишидан иборат физиологик акт.

Рус. Голосообразование; син. фонация.

Овқатга тўйиниш — овқатланиб бўлгач очлик ҳиссининг йўқолиши.

Рус. Пищевое насыщение.

Овқатланиш омили (син.: алиментар о мил) — озиқ-овқат таркибига кирадиган ва организмдаги алмашинувда иштирок этадиган моддаларнинг умумий номи; улар икки хил бўлади.

Рус. Фактор питания; син.: алиментарный фактор, пищевой фактор.

Алмаштириб бўладиган о. о-ли — одам организмда етарли миқдорда синтез (ҳосил) қилинадиган озиқа омили.

Рус. Ф. п. заменимый.

Алмаштириб бўлмайдиган о. о-ли (син. э с с е н ц и а л о. о - л и) — одам организмда синтез (ҳосил) қилинмайдиган ёки кам миқдорда синтез қилинадиган овқатланиш омили.

Русқ Ф. п. незаменимый; син. ф. п. эссенциальный.

Эссенциал о. о-ли — қ. *Алмаштириб бўлмайдиган о. о-ли.*

Овқат маҳсулотлари — ўсимлик ва ҳайвон маҳсулотларидан ёки сунъий йўл билан олинган ва истеъмол учун яроқли ҳолга келтирилган маҳсулотлар; тайёрлаш усули ва фойдаланиш мақсадларига кўра улар асосан уч турга тавофут қилинади.

Рус. Пищевые продукты; син. продукты питания.

Гомогенизацияланган о. м-ри — махсус аппаратлар — гомогенизаторларда майдаланган ва аксарият даво мақсадларида ишлатиладиган овқат маҳсулотлари.

Рус. Гомогенизированные п. п.

Лиофилизацияланган о. м-ри (син. с у б л и м а ц и я л а н г а н о. м - р и) — олдин музлатиб, кейин вакуумда

қуришти консервланган овқат маҳсулотлари; бу — маҳсулотларнинг биологик қиймати билан органолептик хусусиятини — таъмини анча сақлаб қолиш имконини беради.

Рус. Лиофилизированные п. п.; син. сублимированные п. п.

Парҳез о. м-ри (син. парҳез маҳсулотлар) — бемор овқатининг ўзига хос жиҳатларини қондирадиган ва даво мақсадларида ишлатиладиган овқат маҳсулотлари.

Рус. Диетические п.п.; син. диетические продукты.

Сублимацияланган о. м-ри — қ. *Лиофилизацияланган о. м-ри*.

Овқат омили — қ. **Овқатланиш омили**.

Одам ирқи (син. антропологик тип) — келиб чиқиши ва муайян ҳудудда яшашлиги бир хил бўлиши билан боғлиқ наслдан-наслга ўтувчи баъзи морфологик ва физиологик хусусиятлари умумий бўлган, тарихан ёнма-ён таркиб топган одамлар катта гуруҳини бирлаштирувчи *Homo sapiens* (ақлий одам) турининг бир қисми; барча ирқ вакиллари бир цивилизациянинг юқори даражасига кўтарилишда бир хил биологик имкониятга эгадирлар; бугун одамзод тўрт хилга тафовут қилинади.

Рус. Раса человека; син. антропологический тип.

Европоид¹ и. (син. европа-осиёли и.) — мўйлари (соchlари) тўлқинли, юмшоқ, териси оқ ёки буғдой ранг, соқол ва мўйловлари қалин, ўсиқ, лаблари юпқа, энсиз, бурни кескин кўтарилиб чиққан ирқ; асосан — Европа, Шимолий Африка, Фарбий Осиё, Шимолий Ҳиндистонда яшайди.

Рус. Европоидная р.; син. евразийская р.

¹ гр. *eidis* — ўхшаш, симон маъносини англатади; лотинча шаклда *-ides* ёки кўпроқ *-ideus* < *eidos* — тур, образ, форма сўздан олинган; демак, *Ревматоид* деганда — ревматизмга ўхшаш, *Туберкулоид* деганда туберкулёзга ўхшаш деган маъно тушунилади.

Катта и. — белгилари катта гуруҳ бўйича рўй-рост ажралиб турадиган ирқ; учта К. и. тафовут қилинади; европоид, монголоид ва экваториал (негроавстралоид) и.

Рус. Большая р.

Монголоид и. (син. осие-америкали и.) — мўйлари (соchlари) тўғри ва қаттиқ, териси буғдойранг ёки оқ, соқол ва мўйловлари калта, ёноқлари туртиб чиққан, *эпикантус* (қ. III ж.) билиниб турадиган ирқ; асосан, Шарқий ва Марказий Осиё, Сибирь, Индонезия, Америкада яшайди.

Рус. Монголоидная р.; син. азиатско-американская р.

Экваториал и. (син. негр - австралоид и.) – мўйлари (сочлари) жингалак ва тўлқинли, териси қора, лаблари қалин, бурни кенг ирқ; асосан – Африка, Жануби-Шарқий Осиё, Австралия ва Меланезия оролларида яшайди.

Рус. Экваториальная р. син. негроавстралоидная р.

Одамникига яқинлаштирилган сут – сигир сути таркибидаги оқсил ва кальцийнинг бир қисми ажратиб олинган ва шу йўл билан кўкрак сутига яқинлаштирилган сигир сути; эмадиган болаларга берилади.

Рус. Гуманизированное молоко.

Одам ранги тусланиши – баъзи одамлар ранг-рўйининг кундузи қорамтир, кечаси оқимтир тус олиши.

Одатланган ҳомила тушиш – ҳар гал бўйида бўлгач ўз-ўзидан ҳомила тушиши.

Рус. Привычный выкидыш; син. привычный аборт.

Оёқ кафти нуқтаси (син. Бехтерев нуқтаси) – оёқ кафти ўртасидаги бел-думгаза радикулитида босса оғриқ берадиган нуқта.

Рус. Подошвенная точка; син. точка Бехтерева.

Оёқ панжа гумбаз – оёқ панжанинг товон дўмбоғи билан I ва V панжа суякларига таяниши ва бойламлар ҳамда мушаклар билан мустаҳкамланишидан юзага келган оёқ панжа скелетининг гумбазсимон конфигурацияси; у – икки хил бўлади: *Бўйлама о. п. 2-зи* ва *Кўндаланг о. п. 2-зи*.

Рус. Свод стопы.

Озиқланиш тешиги – суяк сиртидаги тешик; шу тешикдан ичкарига қон томир ва нервлар киради.

Рус. Питательное отверстие.

Озиқлантирувчилар (син. боқувчилар) – ўз қони, лимфаси ёки тўқималари билан паразит ҳашаротларни, шунингдек, кана, бурга, битларни боқиб-озиқлантирувчи ҳайвонлар ва одам.

Рус. Прокормители.

Озиқ маҳсулотларни бойитиш – озиқ маҳсулотларни тайёрлаш, ишлаб чиқариш жараёнларида уларга оқсил, аминокислоталар, витамин, минерал модда ва б. лар кўшиш йўли билан уларнинг биологик, энергетик қийматини ошириш.

Рус. Обогащение пищевых продуктов.

Оила – биологияда – ҳайвонот ва набототнинг келиб чиқиши жиҳатидан бир-бирига яқин **уруғ** (қ.) ларини бирлаштирувчи **таксономик категория** (қ. III ж.).

Рус. Семейство.

Оилавий узоқ умр (син. оилавий узоқ умр кўришлик) — оилага мансуб бир неча авлодларда кузатиб келинаётган узоқ умр.

Рус. Семейное долголетие; син. семейное долгожительство.

Оилавий узоқ умр кўришлик — қ. **Оилавий узоқ умр**.

Ой-қунидан ўтган ҳомиладорлик — меъёрида кечаётган ҳомиладорликнинг ой-қунидан икки ҳафта ва ундан ортиқ сурилиши.

Рус. Перенашивание беременности.

Ой-қуни ўтиб туғилган бола — меъёридан — муддатидан ўтган ҳомиладорликдан (мас., икки ҳафта ва ундан ортиқ кун ўтиб) туғилган чақалоқ.

Рус. Переношенный ребёнок.

Ой-қуни ўтиб туғилганлик — туғилиши лозим бўлган муддатидан ўтиб туғилган чақалоқ ҳолати; терисида пишлоқ рангли бирламчи мой-ёғнинг бўлмаслиги, тери қопламлари мацерацияланган — ивиб қолган бўлиши, калла чаноғи суяқларининг зичлашиб қолиши, чоклари ва лиқилдоқларининг торайган бўлиши билан ажралиб туради.

Рус. Переношенность.

Окулогирик криз — қ. **Кўз тортишиши**.

Олат боши тожиси — қалпоғи шимарилган олат бошини гардиш каби ўраб олган бўртиқ; хатна қилинган кишиларда олат боши тожиси билан очиқ қолиб олат териси аксарият шу тожга тақалиб — йиғилиб туради.

Рус. Корона головки полового члена.

Олат буралиб қолиши — болалар олатининг ўзининг бўйлама ўқи атрофида буралиб қолиши; туғма ривожланиш нуқсони.

Рус. Перекрут полового члена.

Олат каверноз танаси — қ. **Олат форсимон танаси**.

Олат тизгини — қ. **Олат қалпоғи тизгини**.

Олат тўсиғи — эркалар олатининг форсимон танаси оралиғида жойлашган бириктирувчи тўқимали пластинка.

Рус. Перегородка полового члена.

Олат қалпоғи тизгини (син. олат тизгини) — олат бошчасини олат қалпоғи — кертмаги билан туташтириб турувчи тери бурмаси.

Рус. Уздечка крайней плоти; син. уздечка полового члена.

Олат говак танаси (син. сийдик чиқариш канали форсимон танаси) — олат ичидаги охири томон кенгайиб борувчи ва жинсий аъзонинг структурасига кирувчи тоқ цилиндрик тузилма; у — тузилишига кўра олатнинг

горсимон таналарига ўхшайди; ундан сийдик чиқариш канали ўтади.

Рус. Губчатое тело полового члена; син. пещеристое тело мочеиспускательного канала.

Олат горсимон танаси (син. олат каверноз тана-си) — эркак олати таркибига кирувчи бир жуфт цилиндрик тузилма; у — фиброз-мушак тортмалари чигалларидан иборат бўлиб, улар оралиги **эрекция** (қ. II ж.) пайтида қон билан тўладиган, бўшлиқдан иборат; унинг ҳажми, зич-қўттиқлиги ва қайишқоқлиги қанчалик қон тўлишига боғлиқ равишда ўзгариб туради; эрекциянинг қанчалик қониқарли бўлиши ҳам шунга боғлиқ.

Рус. Пещеристое тело полового члена; син. кавернозное тело полового члена.

Олачипор ўпка (син. катта олачипор ўпка) — *патологик анатомияда* — кесиб кўрилганда ола-була бўлиб кўринадиган шишиб катталашган ўпка; унинг ола-булалиги нормал паренхима ўчоқлари билан яллиғланган кулранг ва қон қуйилган қизил ўчоқлар навбатлашиб туришидандир; гриппли бронхопневмония учун хос белги-хусусиятлар.

Рус. Пёстрые лёгкие; син. пёстрые лёгкие большие.

Олд илматешик модда (син.: ҳид билиш майдони, ҳид билиш мияси илматешик қайрилмаси) — *мияда* — ҳид билиш учбурчаги ортида жойлашган, қон томирлар ўтадиган тешикчалар билан тешилган катта мия пастки юзасининг бир соҳаси.

Рус. Продырявленное вещество переднее; син.: обонятельное поле, продырявленная извилина обонятельного мозга.

Олд калла чуқурчаси — пешона, панжарасимон ва панасимон суяклардан ҳосил бўлган калла ички асосининг бир қисми; у — катта мия палласининг пешона бўлагини жамлаб туради.

Рус. Черепная ямка передняя.

Олд сон соҳаси — ён томонлардан — сон суягининг дўнгликлари устидан ўтказилган вертикал — тик чизиклар билан, юқоридан — чов бурмаси билан, пастдан — тизза қопқоғи асосидан кўндалангига икки бармоқ энича наридан ўтказилган горизонтал чизик билан чегараланган сон юзасининг олд қисми.

Рус. Область бедра передняя.

Олд танглай ёйи — қ. Танглай-тил ёйи.

Олд кўлтиқ чизиги — (син. қанот ости олд чизиги) — кўкрак ён юзасидаги кўлтиқ ости чуқурчаси

олд чеккаси орқали ўтказилган шартли вертикал — тик чизиқ; топографик-анатомик мўлжал олишга хизмат қилади.

Рус. Подмышечная линия передняя; син. подкрыльцовая линия передняя.

Олд галвирсимон суяк тешиги — калла чаноғи бўшлиғига олиб борувчи кўз чаноғининг медиал деворидаги (пешона ва галвирсимон суяклар оралиғи чокидаги) канал; олд галвирсимон суяк нерви ва қон томирлар шу ердан ўтади.

Рус. Решётчатое отверстие переднее.

Олеопневмония — қ. *Липоид зотилжам*.

Омил — *тиббиётда* — касаллик келтириб чиқарувчи сабаблар, патологик ҳолатларга ижобий ёки салбий таъсир кўрсатувчи шарт-шароитлар, атроф-муҳит, иқлим, ҳарорат, физиологик, патологик жараёнларни рағбатлантирувчи, кучайтирувчи ёки сусайтирувчи, сўндирувчи, бир нарса-ҳодисадан иккинчи нарса-ҳодисани юзага келтирувчи ёки улар юзага келишида воситачилик қилувчи, хуллас, кўплаб жараён ва ҳолатларда, аъзо, система фаолиятларида иштирок этувчи, уларга ўзининг таъсир кучини кўрсатувчи моддалар, воситалар, катализаторлар, компонентлар, элементлар ва б. ларнинг умумий номи.

Рус. Фактор.

Оммавий зарарланиш ўчоғи — қ. **Зарарланиш ўчоғи**.

Оналар ва болалар хонаси — темир йўл, сув, ҳаво ва автомобил йўллари соғлиқни сақлаш муассасасининг алоҳида бўлинмаси; вокзал, пристал, аэропорт, автостанция каби жойларда ташкил қилинади ва болали, ҳомиладор транзит йўловчи аёлларга қулай шароит яратиб беришга ҳамда уларга лозим тиббий ёрдам кўрсатишга хизмат қилади.

Рус. Комната матери и ребёнка.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш — аёллар соғлиғини, соғлом бола туғилиши ва соғлом бўлишини муҳофаза қилишга қаратилган давлат ва жамиятнинг тиббий-ижтимоий тадбирлари системаси; бу система — Ўзбекистонда аёллар, ҳомиладорлар ва эмизикли оналар меҳнатини муҳофаза қилиш, она ва болани ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоялаш, шунингдек, акушерлик-гинекологик ҳамда педиатрик ёрдам кўрсатувчи махсус даволаш-профилактик муассасаларнинг кенг қамровли тармоқлари ҳақидага *қонунчиликка асосланади*.

Рус. Охрана материнства и детства.

Онг — орттирилган тажрибаларнинг мақбуллиги, ахлоқнинг яхлит ва кўп қирралигини таъминловчи, теварак-атрофни, вақтни, ўз шахсини англаб етишга имкон берадиган

руҳий жараёнлар мажмуидан иборат инсонгагина хос бўлган воқеликни акс эттиришнинг олий формаси.

Рус. Сознание.

Онг майдони — *психологияда* — муайян вақтдаги индивидуал — ҳар бир шахсга хос онг мундарижаси.

Рус. Поле сознания.

Онгсизлик — киши онгидан ташқарида кечадиган руҳий-маънавий жараёнлар ва руҳий ҳолатлар мажмуи.

Рус. Бессознательное.

Онг хиралашуви — қ. **Эс-хуш хиралашуви**.

Оптик ўқ — қ. **Кўрув ўқи**.

Оралиқ мия — миядаги қадоқсимон тана билан гумбаз остида жойлашиб мия палласини мия ўзаги билан боғлаб турадиган олд мия бўлими.

Рус. Промежуточный мозг; син. межучочный мозг.

Оралиқ моддаси — қ. **Хужайралараро модда**.

Организм сувсизланиши (син. эксикоз) — *exsiccosis* — танага етарли миқдорда сув тушмаслиги ёки ундан кўплаб чиқиб кетиши оқибатида организмда сувнинг кескин камайиб кетишидан юзага келган ҳолат.

Рус. Обезвоживание организма; син. эксикоз.

Ортиқча тўйдириб юбориш — болани физиологик эҳтиёжидан ортиқ тўйдириб овқатлантириш; **қайт қилиш**, баъзан эса **қусиш** (қ. I ж.)га олиб келади.

Рус. Перекармливание.

Ортки илматешик модда — *мияда* — оёқчалараро чуқурчада жойлашган, қон томирлар ўтадиган тешикчалар билан тешилган ўрта мия юзасининг бир соҳаси.

Рус. Продырявленное вещество заднее.

Ортки калла чуқурчаси — энса суяги, чакка суяклари пирамидалари ва понасимон суяк танасидан ҳосил бўлган калла ички асосининг бир қисми; у — мия ўзаги ва миячани сиғдириб туради.

Рус. Черепная ямка задняя.

Ортки оралиқ эгати — *мияда* — ортик тизимчани ингичка ва понасимон тутамларга бўлиб турувчи орқа мия билан (бўйин ва кўкрак бўлимларида) узунчоқ миянинг сиртидаги бир жуфт чизиқли ариқча.

Рус. Промежуточная борозда задняя.

Ортки-пастки кўкрак соҳаси — қ. **Кўкрак ости соҳаси**.

Ортки сон соҳаси — ён томонлардан — сон суягининг дўнгликлари устидан ўтказилган вертикал — тик чизиқлар билан, юқоридан — думба бурмаси билан, пастдан — тизза

қопқоғи асосидан кўндалангига икки бармоқ энича наридан ўтказилган горизонтал чизиқ билан чегараланган сон юзасининг ортки қисми.

Рус. Область бедра задняя.

Ортки танглай ёйи — қ. Танглай-ҳалқум ёйи.

Ортки чиқарув йўли ёрилиши (ик. номи Дурваза ёрилиши) — ортки чиқарув йўли шиллиқ пардасининг терига уланиб кетган ерининг тарам-тарам бўлиб ёрилиб ярага айланиши; оғриқли кечади.

Рус. Трещина заднего прохода; син. анальная трещина.

Отки чиқарув соҳаси (син.: анал соҳа, тўғри ичак уч бурчаги) — думғаза билан куймуч дўмбоқларини туташтирувчи шартли чизиқ оралиғидаги чотнинг орқа қисми.

Рус. Заднепроходная область; син.: анальная область, прямокишечный треугольник.

Ортки кўлтиқ чизиги (син. қанот ости ортки чизиги) — кўкрак ён юзасидаги кўлтиқ ости чуқурчаси ортки чеккаси орқали ўтказилган шартли вертикал — тик чизиқ; топографик-анатомик мўлжал олишга хизмат қилади.

Рус. Подмышечная линия задняя; син. подкрыльцовая линия задняя.

Ортки ғалвирсимон суяк тешиги — ғалвирсимон тешикнинг ортки катакчасига олиб борувчи кўз чаноғининг медиал деворидаги (пешона ва ғалвирсимон суяклар оралиғи чокидаги) канал; ортки ғалвирсимон суяк нерви ва қон томирлари шу ердан ўтади.

Рус. Решётчатое отверстие заднее.

Орқа мия ён шохи — орқа миянинг кўкрак бўлимида олд ва ортки шохлари оралиғида жойлашган кулранг модда бўртиғи; у — вегетатив нерв системаси симпатик қисмининг ядроларини тутати.

Рус. Рог спинного мозга боковой.

Орқа мия кулранг тортмаси — орқа миянинг бутун бўйи бўйлаб ўнг ва чап ярмидаги кулранг моддани бириктириб турувчи кашак.

Рус. Серая спайка спинного мозга.

Орқа мия кулранг устунлари — орқа мия кулранг моддасининг бўйламачасига жойлашган жуфт дўмбаймалари; олд, ортки ва ён устунлар тавофут қилинади.

Рус. Серые столбы спинного мозга.

Орқа мия олд шохи — орқа мия кулранг моддасининг олд бўртиғи; у — ҳаракат ядроларини тутати.

Рус. Рог спинного мозга передний.

Орқа мия ортки шохи — орқа мия кулранг моддасининг ортки бўртиғи; у — кўтарилувчи ва ассоциатив йўлларнинг ядроларини тутади.

Рус. Рог спинного мозга задний.

Орқа мия тизимчаси — ёриқ ва эгатлар билан чегараланиб турадиган орқа мия оқ моддаси бир жуфт бўлаги умумий номи; унинг *Ён тизимча*, *Ортки тизимча*, *Олд тизимча* деб аталувчи турлари бор.

Рус. Канатик спинного мозга.

Орқа мия эзилиши (син. орқа мия қисилиши) — қандайдир ҳажми бор тузилма (ўсма, гематома ва б.) туфайли ёки умуртқалар силжиб кетиши оқибатида орқа мия моддасининг силжиши ва деформацияга учраши натижасида неврологик симптомлар қўшилиб юзага келган ҳолат.

Рус. Сдавление спинного мозга; син. компрессия спинного мозга.

Осилма бош — бўйин мушаклари фалаж бўлганда олдинга-пастга осилиб кўкракка тиралиб қолган бош; орқа миянинг юқори бўйин бўлими зарарланганлигидан дарак берувчи белги; кана энцефалити, полиомиелит ва энцефаломиелополирадикулоневритларда кузатилади.

Рус. Свисающая голова.

Осма — *анатомияда* — одам танасидаги бирор аъзодан осилиб турган ўсиқ(-лар), ўсимта (-лар), осилиб тўпланган ёғ, осилган ортиқ ва б. тузилмаларнинг умумий номи.

Рус. Подвесок.

От думи — орқа мия қуйи чегараси, яъни II бел умуртқасидан пастда жойлашган орқа миянинг бел, думғаза ва думдаги илдизчалари мажмуи.

Рус. Конский хвост.

Офтоб — 1. **Куёш** (қ.)нинг ердаги шуъласи, ёғдуси.

2. **Куёшнинг** халқ орасидаги иккинчи номи.

Тиббиётда офтобнинг аҳамияти ҳақида кўп фикрлар айтилган; **офтоб** термини билан ясалган қатор бирикмалар — касаллик номлари мавжуд: **офтоб уриши**, **офтоб эшакми** ва б. лар.

Рус. Солнце.

Офтобдан иссиқланиш — кучли куёш радиациясининг одам организмига таъсири оқибатида юзага келган гипертермия — иссиқланиш; **Офтоб уриши** билан чалкаштирмаслик керак — қ. I ж.

Рус. Солнечное перегревание.

Охирги мия — катта мия билан ҳид билиш миясидан ташкил топган олд миянинг энг йирик бўлими.

Рус. Конечный мозг.

Охирги нуқта (син. а кро по ди он) — оёқ панжанинг биринчи ёки иккинчи бармоқлари учидаги энг олдинги нуқта; антропометрик нуқта.

Рус. Конечная точка; син. акроподион.

Охирги тола (ип) (син. терминал тола (ип)) — орқа мия ва унинг пардаси конусининг ипсимон давоми; I—II дум суягига етиб келади.

Рус. Конечная нить; син. терминальная нить.

Офтальмотонус — қ. **Кўз ички босими**.

Очарчилик — уруш, табиий офат, қурғоқчилик туфайли оммавий равишда одамларнинг оч қолган ҳолати; даври, вақти.

Рус. Голодное время.

Очиқиш II — организмнинг объектив равишда овқатга бўлган эҳтиёжи туфайли юзага келган субъектив сезгитуйғулар ва ҳиссий кечинмалар мажмуи.

Рус. Голод.

Ошловчи моддалар — ўсимликлардан олинадиган буруштирувчи моддалар; тиббиётда ошловчи моддалар тутувчи эман пўстлоғи, мармарак (шалфей), черника ва б. ўсимлик ва уларнинг аъзолари кенг қўлланилади.

Рус. Дубильные вещества.

Ошхўрак — *гигиенада* — овқатлантираётган гўдакнинг кўкрагига тақиб (ёки бўйнига осиб) қўйиладиган фартуқча.

Рус. Нагрудник.

Оқ катта амилоид буйрак — қ. **Ёғли катта буйрак**.

Оқ катта буйрак — ҳажми ва вазни анча катталашган буйрак; кесиб кўрилганида пўстлоқ моддаси оқиш-кулранг, кепчиган, мия моддаси — қизил тусда бўлади; липоид нефрознинг морфологик белгиси.

Рус. Большая почка белая.

Оқова сувларни тозалаш — оқова сувларни микроб ва кимёвий моддалардан холи қилишга қаратилган санитария-техник тадбирлар мажмуи.

Рус. Очистка сточных вод.

Оқсилли сут — кувланган сут ёки сузма (творог)га сув ва қанд шарбати солиб тайёрланадиган сутли аралашма; таркибидаги оқсилларни кўпайтириш учун болалар овқатига қўшиб берилади.

Рус. Белковое молоко.

Оқсил очлиги — овқатда сурункасига оқсил етишмаслигидан юзага келган оч қолиш; манфий азот балансига олиб келади.

Рус. Белковое голодание.

Оғиз даҳлизи гумбази — шиллиқ парданинг лаб ва ёноқдан жағнинг альвеолали ўсиқларига ўтиш соҳасида оғиз даҳлизининг бир қисми.

Рус. Свод преддверия рта.

Оғиз кергич (син. оғиз кенгайтиргич) — оғизни кўздан кечириш ва даволаш муолажалари олиб боришда жағларни кериб оғизни очиқ ушлаб туришда қўлланиладиган асбоб.

Рус. Роторасширитель.

Оғиз тортишиши — оғизнинг чамбар мушакларининг пароксизмал гиперкинези (қ. II ж.); тез-тез, қисқа-қисқа вақт оралиғида тортишиб турадиган хуруж.

Рус. Оральная судорога.

Оғир жароҳатланганлар, оғир зарарланганлар — ҳаётий муҳимаъзолари ва системалари шикастланган ёки улар функцияси издан чиққан, тезкор ва жиддий давога муҳтож ёки реанимация (қ. II ж.) тадбирларига ёхуд сурункали врач кузатувиغا ҳамда мунтазам тиббий парваришга муҳтож жароҳатланганлар (зарарланганлар).

Рус. Тяжелораненый, тяжелопораженный.

Оғир ган жароҳатлари — жароҳат етказилган пайтда ҳаёт учун хавф туғдирадиган ёки етказилган жароҳат туфайли кўриш ёки эшитиш лаёқатини йўқотиш, бирор бир аъзонинг ёки унинг функциясининг йўқолиши, руҳий касалликка мубтало қилиш, ҳомиладорликнинг узилиши, юз-кўзни бадбуриш қилиб қўйиш, меҳнат лаёқатини камида 30% турғун йўқотишга олиб келадиган жароҳат.

Рус. Телесные повреждения тяжкие.

Оғир уйғониш — мияда чуқур тормозланиш жараёни кечаётган даврда ташқи нарса-ҳодиса таъсирида зўрма-зўр уйғониб турилганда сезиладиган уйқудан қийналиб туриш ҳолати; бунда — ёмон ухлаш шароити, уй ҳавоси оғирлиги ҳам аҳамиятга эга, албатта; бу ўринда шуни айтиб ўтиш керакки, мия одатда бир кечада бир неча марта чуқур уйқуга кетиб саёз уйқу билан алмашилиб туради. Одам чуқур уйқудалик пайтида мажбуран уйғонса, боши оғир, гант аҳволда уйғонади. Уйқу саёзланган пайтда уйғонса, у енгил, уйқуга тўйгандай ўзини ҳис қилиб туради. Шу туфайли халқимиз орасида «икки-уч марта уйқуга тўйиб олгандим» ёки «ҳали бир марта ҳам уйқуга тўйиб олмагандим» дейиш расм бўлган. Бинобарин, одам уйқуни амплитуда шаклида бошдан кечиради.

П

Пайлар маркази — диафрагма (қ. II ж.)нинг пай толалари тутамлари бир-бири билан кесишган марказий қисми, яъни ўрта оралиғи.

Рус. Сухожильный центр.

Панжарасимон ўпка — қ. **Катакли ўпка**.

Панкреат йўли — қ. **Меъда ости беzi чиқарув йўли**.

Панкрат кемтиги — қ. **Меъда ости беzi кемтиги**.

Парейувчилар (син. патейувчилар) — парранда, қуш ва сутэмизувчилар патида, мўйида ёки хўжасининг тери сатҳида кун кўрувчи, Mallophaga туркумига мансуб қанотсиз майда паразитлар; қовоқсимон солитёр — *Dipylidium caninum* нинг оралиқ хўжаси ҳисобланган ит ва мушукларда кун кўрадиган **мўйейувчилар** (қ.) ҳам шу парейувчиларга киради.

Рус. Пухоеды.

Паренхиматоз сарғайма — қ. **Жигар сарғайма**.

Пароксимал беш кунлик иситма — қ. **Хандақ иситмаси**.

Пароксизмал риккетсиоз — қ. **Хандақ иситмаси**.

Парҳез маҳсулотлар — қ. **Парҳез овқат маҳсулотлари**.

Пассив итоткорлик — қ. **Лоқайд итоткорлик**.

Пастки жағ — чакка суяғи билан бўғим ҳосил қилувчи юз чаноғининг тоқ суяғи.

Рус. Нижняя челюсть.

Пастки жағ ости йўли (син. Вартон йўли) — пастки жағ ости сўлак безининг секрет чиқарадиган йўли; у оғиз шиллиқ пардасининг тил ости сўрғичига очилади.

Рус. Поднижнечелюстной проток; син. вартонов проток.

Пастки жағ ости учбурчаги (син. жағ ости учбурчаги) — бўйиннинг олд соҳасидаги бир жуфт соҳа; у пастки жағ ва икки қоринчали мушакнинг иккала қоринчаси билан чегараланиб туради.

Рус. Поднижнечелюстной треугольник; син. подчелюстной треугольник.

Пастки жағ ости чуқурчаси (син. жағ ости чуқурчаси) — пастки жағ танасининг унга пастки жағ ости беzi ёнбошлаган ички юзасидаги ботиклик.

Рус. Поднижнечелюстная ямка; син. подчелюстная ямка.

Пастки жағ тешиги — пастки жағ канали тешиги; пастки альяеоляр томирлар ва нерв каналга шу тешик орқали ўтади.

Рус. Отверстие нижней челюсти.

Пастки ички бўйинтуруқ венаси пиёзчаси – ички бўйинтуруқ венасининг ўмров ости венаси билан қўшилган жойидаги кенгайган ери.

Рус. Луковица внутренней яремной вены нижняя.

Пастки кавак вена оғзи – қ. **Пастки кавак вена тешиги**.

Пастки лаб тизгини – пастки лаб ўртасини милк билан туташтириб турувчи оғиз бўшлиғи шиллиқ пардасининг вертикал бурмаси.

Рус. Уздечка нижней губы.

Пастки кавак вена тешиги (син. пастки кавак вена оғзи) – юрак ўнг бўлмачаси деворидаги пастки кавак вена очиладиган тешик.

Рус. Отверстие нижней полой вены; син. устье нижней полой вены.

Пастки чакка чуқурчаси – қ. **Чакка ости чуқурчаси**.

Патейувчилар – қ. **Парейувчилар**.

Периост – қ. **Суяк пардаси**.

Пертес синамаси – қ. **Қадамлатиш синамаси**.

Перфузия – қ. **Сунъий қон айланиш**.

Петитов канали – қ. **Камар бўшлиқлари**.

Пешона – пешона суяги тангачасидан ҳосил бўлган калла гумбазининг олд қисми.

Рус. Лоб.

Пешона соҳаси (син. пешона – *тав. этилмайди*) –

1. Пешона суяги тангачалари чеккалари билан чегараланиб турувчи бош соҳаси.

2. *Бош мияда* катта мия палласининг пўстлоғи соҳаси.

Рус. Лобная область; син. лоб – *тав. этилмайди*.

Пешона-чакка нуқтаси – чакка чизиқларининг энг яқинлашган ери; бир жуфт антропометрик нуқта.

Рус. Лобно-высочная точка.

Пешона кутби – катта мия палласининг олд ниҳояси.

Рус. Лобный полюс.

Пиозак – *халқ табобатида* – бачадоннинг қинга қараган қисми; қўл солиб пайпаслаганда қўлга ўртаси чуқурча (бачадон оғзи) атрофи қаттиқ этли пиёзсимон тузилмага ўхшаб уннайди.

Пиёзча (син. сўғон) – *анатомияда* – аорта, соч, бўйинтуруқ, вена ва бошқа аъзо ҳамда тузилмаларнинг йўғон тортиб, шишиб, қаппайиб, бўртиб пиёз шаклини олган қисми.

Рус. Луковица.

Пилчираш — *тиббийтда* — тери юзасидаги газакланиб кетган яра-чақа, шилиниш, тирналиш ва б. жароҳатланишларнинг намиқиб, йиринглаб (ёки йирингламай), илвираб, сувчираб туриш ҳолати.

Рус. Мокнущая рана.

Пинхон буйрак — битта буйракнинг клиник симптомларсиз ишламай қўйиши; экскретор урография ва ангиография ёрдамида аниқланади.

Рус. Немая почка.

Пирогов—Пастев—Листер сепсиси — қ. *Йирингли-резорбтив иситма*.

Пичан таёқчаси — *Bacillus subtili* — *Bacillaceae* оиласига мансуб *Bacillus* уруғига оид бактерия; шакли эллипсимон **спора** (қ. II ж.) ҳосил қиладиган, капсула ҳосил қилмайдиган ҳаракатчан граммусбат таёқча; аэроб ёки факультатив — имконига қараб анаэроб, одамга нисбатан шартли патоген ҳисобланади.

Рус. Сенная палочка.

Пичоқ — *тиббий техникада* — тигининг бир томони кесадиған дамли, юмшоқ тўқималарни, гипс боғламларни кесишга мўлжалланган кесувчи тиббий асбоб; яна қ. I ж.; унинг тиббийтда ишлатиладиган йигирмадан ортиқ хили бор.

Плазматик мембрана — қ. **Хужайра пардаси**.

Плазмолемма — қ. **Хужайра пардаси**.

Плазмоцит — қ. *Плазматик хужайра*.

Плевропневмония — қ. *Крупоз зотилжам*.

Пневмотиф — қ. *Ичтерлама зотилжами*.

Полоцит — қ. **Кутб таначаси**.

Понасимон тоғай (син. Врисберг тоғайи) — шохсимон тоғай устида чўмичсимон тоғай билан ғиқилдоқ қопқоғи бурмада жойлашган ҳамма вақт бўлмайдиган тоғай.

Рус. Клиновидный хрящ; син. врисбергов хрящ.

Понсе полиартрити (A. Poncet, 1849—1913 й.й. да я. ў. фр. жарроҳи; син.: Понсе сил артрити, сил артрити, сил полиартрити) — **синовит** (қ. II ж.)га ўхшаб кечадиган, аксари, оёқ-қўлларнинг майда бўғимлари тортиладиган сил касаллигида юзага чиқувчи аллергияк полиартрит.

Рус. Полиартрит Понсе; син.: туберкулёзный артрит, туберкулёзный артрит Понсе, туберкулёзный полиартрит.

Понсе сил артрити — қ. **Понсе полиартрити**.

Попов белгиси (Л.И. Попов) — катталашган чап бўлмача чап ўмров ости артериясини сиқиб қўйиши оқибатида чап қўлдаги томир уриши — пульсациянинг сустлашиб қолиши;

митрал стеноз (қ. II ж.) симптоми.

Рус. Признак Попова.

Поппер синамаси (H. Parper) — сийдикка йод томизиб оксидлаганда яшил тусга бўялиши; бу сийдикда билирубин борлигидан, яъни қонга ўт сўрилганлигидан дарак берувчи белги; жигар касалликлари — гепатитларда кузатилади.

Рус. Проба Поппера.

Популяция¹ — эркин ҳолатда чатишиш лаёқатига ва умумий **генофонд** (қ. II ж.)га эга бўлган бир биологик турга мансуб индивидлар жамланмаси; у — шу турга кирадиган б. жамланмалардан алоҳидаланиб туради. П. — ўзини-ўзи бошқариб борадиган система белгиларига эга бўлгани ҳолда эволюцион жараённинг элементар бирлиги ҳисобланади; унинг еттига яқин хили маълум.

Рус. Популяция.

¹ **Популяция** — таксономик категорияга мансуб бўлганлиги боис шу жилда ҳам бериб кетишни лозим кўрдик (яна қ. II ж.).

Поргес симптоми (O. Porges, 1879—1967 йй. да я. ў. АҚШ терапевти) — елка устки мушагини енгилгина босиб кўрилганда оғриқ сезилиши; плеврит — плевра яллиғлангандан дарак берувчи белги.

Рус. Симптом Поргеса.

Портлаш — моддаларнинг чегараланган маконда кимёвий, физикавий ва ядровий катта кучга айланган катта энергиясининг бир зумда озод бўлиш жараёни; П. ҳодисаси одам организмга шикастловчи таъсир кўрсатиш хусусиятига эга бўлади; катта босим остида сиқилиб турган газ(-лар)нинг дафъатан кенгайиб (озод бўлиб) кетиш ҳодисаси ҳам шу П. ҳодисасига киради.

Рус. Взрыв.

Порция А — қ. **Ўн икки бармоқ ичак ўти.**

Порция В — қ. **Ўт қопи ўти.**

Порция С — қ. **Жигар ўти.**

Преагонал ҳолат — қ. **Ўлим олди ҳолати.**

Преагония — қ. **Ўлим олди ҳолати.**

Прикуспидал етишмаслик — қ. **Ўнг бўлмача-қоринча иши етишмаслиги.**

Простата — қ. **Простата беzi.**

Псевдосарғайма — қ. **Сохта сарғайма.**

Псевдоскрофулодерма — қ. **Куррачасимон хуснбузар.**

Психоактиваторлар — қ. **Руҳий рағбатлантирувчи воситалар.**

Психоаналептик воситалар — қ. **Руҳий рағбатлантирувчи воситалар.**

Психоаналептиклар — қ. **Руҳий рағбатлантирувчи воситалар.**

Психостимуляторлар — қ. **Руҳий рағбатлантирувчи воситалар.**

Психотоник воситалар — қ. **Руҳий рағбатлантирувчи воситалар.**

Психотониклар — қ. **Руҳий рағбатлантирувчи воситалар.**

Птеригий — қ. **Қанотсимон парда.**

Пушти гигант темиратки — қ. **Ҳалқасимон ҳошияли темиратки.**

Пушти темиратки (син.: **Жибер касаллиги**, пўст ташловчи **розеола**) — баданда, бўйин ва оёқ-қўлларнинг проксимал марказ (тана)га яқин бўлимларида кўплаб шўралаган пушти доғлар кўринишида кечувчи, тахминан, вирус келтириб чиқарувчи ўткир дерматоз.

Рус. Розовый лишай; син.: **болезнь Жибера**, **шелушащаяся розеола.**

Пушти ҳуснбузар (син. **қизил ҳуснбузар**) — юзда узоқ вақт эритема — чегараланган қизаришнинг сақланиб туриши, телеангиэктазия, **пустула** (қ. II ж.)лар пайдо бўлиши билан кечадиган ҳуснбузарсимон тошмалар.

Рус. Розовые угри; син. **красные угри.**

Пўпанаклаш — қ. **Могорлаш.**

Пўстлоқ кўрлиги — катта мия пўстлоғидаги кўрув марказининг дардга чалиниши оқибатида юзага келган кўрлик.

Рус. Корковая слепота.

Пўстлоқ модда — айрим аъзолар, мас., буйрак усти бези, буйрак кабиларнинг чекка — периферик қисмларида жойлашган пўстлоқларнинг умумий номи; уни синоним тарзида **пўстлоқ деб аташ** бежиз эмас; баъзи муаллифлар бунини «пўстлоқ моддаси» шаклида ёзишади, бу — нотўғри; пўстлоқнинг ҳеч қандай суюқ ёки қуюқ моддаси йўқ, ўзи модда.

Рус. Корковая вещество.

Пўст ташловчи розеола — қ. **Пушти темиратки.**

Р

Радиацион ҳимоя — қ. **Нурга қарши ҳимоя.**

Радиацияга қарши ҳимоя — қ. **Нурга қарши ҳимоя.**

«**Райкелди**» — *психиатрияд*а — кайфиятига қараб хоҳиш-истак билдирадиган, райига қараб иш бажарадиган, умуман, руҳияти таъсирида фаолият кўрсатадиган, яшайдиган одам.

Ундайлар райи келиб қолса, ишчан, дилкаш бўлиб кетадилар, райи келмай турган бўлса, уларга ҳеч нарса ёқмайди, ҳатто, зулмкор бўлиб қоладилар. Улар ўзларини бир нарсага мажбул қилаолмайдилар, қилмайдилар ҳам. Бундай кишилар кўпроқ одамлар орасида бўлишлари керак. Афсуски, улар одамларни кўпам ёқтирмайдилар. Бу — шахс хислатларига киради. Руҳий касаллик даражасига бориб етмайди, аммо дахшатли суронларга дош бер олмайдилар.

Рамақи — қ. Рамақижон.

Рамақижон (син. рамақи) — организм бутунлай футурдан кетган, чўпстихон бўлиб ҳолдан тойган, мажолий ўқ одам (ҳайвон) ҳолати.

Рус. Ели живой.

Ранг-баранг темиратки — қ. **Кепаксимон темиратки**.

Рангдор парда илдизи — рангдор парданинг киприксимон танасига ўтиш ерига тўғри келадиган шу номли парданинг энг периферик — чекка қисми.

Рус. Корень радужки.

Рангдор-шоҳ пардалар бурчаги бўшлиқлари (син. **Фонтана бўшлиқлари**) — кўзнинг рангдор-шоҳ пардалари бурчагининг қиррасимон бойлами тўсинлари ўртасидаги оралиқлар.

Рус. Пространства радужно-роговичного угла; син. пространства фонтановы.

Ранглар чаплашуви — икки ва ундан ортиқ рангли таъсирловчиларнинг қўшилиб кетиши ва объектнинг бир хил рангда идрок қилиниши; у — уч хилда кечади.

Рус. Смешение цветов.

Бинокүля р. ч.-ви — икки хил рангли таъсирловчилардан биттасининг ўнг кўз тўр пардасига таъсир қилиб, иккинчисининг чап кўзнинг корреспанденцияловчи — хабар берувчи соҳасига таъсир қилишидан юзага келадиган ранглар чаплашуви.

Рус. С.ц. бинокулярное.

Вақтинча р. ч.-ви — рангли таъсирловчиларнинг тез-тез, кетма-кет вақтинча чаплашиб туриши.

Рус. С.ц. временное.

Фазовий р. ч.-ви — рангли таъсирловчи ҳар хил рангли элементлардан ташкил топган объектдан иборат бўлиб, улар элементларининг бурчакли ўлчамлари фарқланиш бўсағасидан

кичик бўлганидаги ранглар чапланиши; мас., ингичка панжара.

Рус. С.ц. пространственное.

Рангли нурлантириш — рангли ойна ёки буюқ суртилган плёнка орқали юборилган нур билан терини нурлантириш, ёруғлик-нур билан даволаш усули — нур терапия.

Рус. Облучение цветное.

Ранг синиқлиги — 1. *Психологияда* — баъзи одамлар юзидаги ифодасиз, рангсиз, синиқ ва совуқ кўриниш; ранги синиқ одамлардан яхшилиқ чиқмайди, уларда самимият бўлмайди, дўстлашишдан узоқ юрадилар; улар ёмон хулқли худбин одамлар тоифасидандирлар.

2. *Тиббиётда* — очлик, дардкашлик, ғам-ташвиш, касаллик ва б. сабабларга кўра одам юзидаги рангпарликнинг йўқолиши, ранг оқариши.

Расолик — ҳомиланинг она қорнидалиқ ҳаётининг 39-40-ҳафталарига келиб қанчалик ривожланганлик даражаси; бу — унинг етуклигидан дарак берувчи белгилар пайдо бўлиши билан белгиланади; акси **Чалалик** (қ. I ж.)

Рус. Доношенность.

«Р» га «Ғ» қўшилган талаффуз — «Р» товушли талаффуз қилишда тилча ёки юмшлқ танглай бутун чеккасининг вибрацияси — титраши — «Ғ» қўшилиб кетадиган талаффуз; «Р» товушида артикуляция бузилиши.

Рус. Картавость.

Реактив марказ — қ. **Ёрқин марказ.**

Ревматизмникига ўхшаш тугунча — қ.

Ревматоид тугунча.

Ревматик пневмонит — қ. *Ревматизм зотилжсами.*

Ревматоид тугунча (син. ревматизмникига ўхшаш тугунча) — ревматизмга ўхшаш артритда тери ости тўртқималари клетчаткаларида, кўпинча эса, тирсак бўғими ташқи юзасида мошдан ёнғоққача катталиқда пайдо бўладиган зич (безга ўхшаш) тузилма.

Рус. Ревматоидный узелок.

Регионар перфузия — қ. **Регионар сунъий қон айланиш.**

Редукционное тельце — қ. **Қутб таначаси.**

Рентген панжара — қ. **Элак панжара.**

Репродуктив ёш — қ. **Зурриёт қолдириш ёши.**

Ретроландибуляр чуқурча — қ. **Жағ орти чуқурчаси.**

Ретроперитонеал бўшлиқ — қ. **Қорин парда орти бўшлиғи.**

Ретроректал бўшлиқ — қ. **Кўтон орти бўшлиғи**.

Ретростернал бўшлиқ — қ. **Тўш орти бўшлиғи**.

Ретрофарингиал бўшлиқ — қ. **Ҳалқум орти бўшлиғи**.

Ривинус йўли — қ. **Катта тил ости йўли**.

Ривожланиш нуқсони (син. туғма нуқсон, мальформация) — организм аъзо ва тўқималарининг анатомик тузилиши ва физиологик функцияларида жиддий патологик ўзгаришларни келтириб чиқарувчи туғма ривожланиш аномалияси; яна қ. 1 ж.

Рус. Порок развития; син. рожденный порок, мальформация.

Розенмюллер аъзоси — қ. **Тухумдон ортиғи**.

Ромбасимон мия томи — одам ва умуртқали ҳайвонлар эмбрионининг учинчи мия пуфағи — ромбасимон мия деворининг дорсал (орқа) қисми; мияча ўзининг бошланғич муртағини шу ердан олади.

Рус. Крыша ромбовидного мозга.

Рослагич (син. белтутгич, Нироп аппарати, Нироп рослагичи, тўғрилагич) — **сколиоз** (қ. II ж.)ни даволаш учун чиқарилган махсус ортопедик аппарат; у — кўкрак, бел ва иккита елка камари бор пўлат пластиндан иборат бўлиб, умуртқа поғонаси бўйлаб қаттиқ боғлаб қўйишга мосланган.

Рус. Прямодержатель; син.: аппарат Ниропа, прямодержатель Ниропа, спинодержатель.

Рудимент — қ. **Рудиментар аъзо**.

Рудиментар бачадон — қ. **Муртак бачадон**.

Рух — Zincum; Zn — Д.И.Менделеев даврий системаси II гуруҳига мансуб кимёвий элемент; ат. номери 30, ат. массаси 65,38; одам организми микроэлементи; инсулин ва талайгина ферментлар таркибига киради; қон ҳосил бўлиши жараёнларида қатнашади.

Рус. Цинк.

Рухли синама (син.: Кункел синамаси, рух-сульфатли синама) — **коагуляция** (қ. II ж.)ловчи омил сифатида рух сульфат ишлатиладиган коагуляцион синама.

Рус. Цинковая проба; син.: проба Кункеля, цинк-сульфатная проба.

Рух-сульфатли синама — қ. **Рухли синама**.

Рухий ажралиш — фикрлаш жараёнларининг мантиқий ва маъновий бирлигининг, тафаккур билан **аффект** (қ. II ж.) ўртасидаги мувофиқликнинг инқирози кўринишида руҳий

фаолият бирлигининг издан чиқиши; бу — Блейлер бўйича **шизофрения** (қ. II ж.) да асосий инқироз саналади.

Рус. Психическое расщепление.

Руҳий жараёнлар қовушоқлиги — қ. **Қовушоқлик II.**

Руҳий иш қобилияти — қ. **Ақлий иш қобилияти.**

Руҳий рағбатлантирувчи воситалар (син.: психоактиваторлар, психоаналептик воситалар, психоаналептиklar, психостимуляторлар, психотоник воситалар, психотониклар) — чарчоқлик ва уйқучанликни камайтириш, кайфиятни яхшилаш билан иш қобилиятини вақтинча ошириб руҳий фаолиятни танлаб рағбатлантирувчи дори воситалар; индапан, кофеин, меридил, сиднокарб, сиднофен, фенамин шулар жумласидандир.

Рус. Психостимулирующие средства; син.: психоактиваторы, психоаналептики, психоаналептические средства, психостимуляторы, психотоники, психотонические средства.

Руҳий сусткашлик (син. руҳий тормозланганлик) — руҳий жараёнлар кечишининг темпи пастлиги.

Рус. Психическая заторможенность.

Руҳий толиқишлик — иш жараёнида тез чарчаш — толиқиш хисси пайдо бўлиши билан кечадиган ақлий меҳнат лаёқати пасайишининг тезлашуви; айниқса, **астения** (қ. II ж.) да кузатиладиган ҳодиса.

Рус. Психическая утомляемость.

Руҳий тормозланганлик — қ. **Руҳий сусткашлик.**

Руҳий фаоллик — одамнинг ўзига хос хусусиятлари, ҳаракатчанлик даражаси, кўтаринки тонусига боғлиқ равишда сермаҳсул руҳий фаолияти.

Рус. Психическая активность.

Руҳий юкланиш — ахборотларни қабул қилиш ва таҳлил этиш билан кечадиган иш табиати билан боғлиқ одам руҳий функциясидан талаб қилинадиган **ишдаги юкланиш** (қ.); ишга жалб қилинадиган функциялар табиатига кўра Р. ю. — *сенсор р. ю.* (анализатор р. ю.), *Фикрий р. ю.* (Ақлий р. ю.) ва *Эмоционал р. ю.* га тавофут қилинади.

Рус. Психическая нагрузка.

Руҳий қовушоқлик — қ. **Қовушоқлик II.**

Руҳий ҳолат — 1. *Психологияда* — муайян вақтдаги руҳий ҳолатни ифода этувчи руҳий фаолият белгилари мажмуи.

2. *Психиатрияда* — муайян вақтдаги олиб борилган текширишлар мобайнида аниқланган руҳий бузилишларни ифодаловчи белгилар мажмуи.

Рус. Психическое состояние.

С

Савдо — *тарихий* — «тоза қоннинг дурди — тагига чўккани ва куйқасидир»; «савдо жигарда вужудга келгач, икки қисмга бўлинади. Бир қисми қон билан ўтиб кетади, иккинчи қисми эса, талоқ томонга боради; савдо қонни пишиқ қилиб, кучайтиради ва қуюқ қилиб, тарқалишдан сақлайди»; уни қора ўт ҳам дейилади; сариқ ўт — бу сафро; яна қ. I ж. **Хилт**.

С ай қаллашган тирноқ — қ. **Ялтироқ тирноқ**.

Сайқал тортган пешона — ихтиёрий равишда ажин ҳосил қилиб бўлмайдиган силлиқ-текис пешона; авжланиб борувчи **миопатия** (қ. II ж.) — мушаклар қисқармайдиган касаллик белгиси.

Рус. Полированный лоб.

Сакровчи қорачиқ — номаълум вақт оралиғида — бир минут, соат, кун ўтказиб, дам чап, дам ўнг кўзда қорачиқнинг сакрагундек бўлиб бир дам кенгайиб қўйиши; ташқи муҳит шароитига боғлиқ бўлмаган ҳолда миелит, эпилепсия, тиреотоксикоз, зўрайиб борувчи фалаж, неврозда, баъзан ҳатто, соғлом одамларда кузатилади.

Рус. Прыгающий зрачок.

Саноат чиқиндилари — атмосферага, сув ҳавзаларига, тупроққа тушадиган саноат корхоналари чиқиндилари.

Рус. Промышленные выбросы.

Санторини тоғайи — қ. **Шохсимон тоғай**.

Санчиқ — (изоҳи I жилда — қ.); санчиқнинг жойлашган ўрни, келтириб чиқарган сабабига кўра унинг ўндан ортиқ хили тавофут қилинади.

Рус. Колика.

Аппендикус с. — аппендикус ўсимтаси ва кўричак мушаклари бир вақтда ёки алоҳида ҳолда спазма бўлиши оқибатида ёнбош ичак ва кўричак соҳаларида санчиқли оғриқ туриши билан кечадиган ичак санчиғи; кўпроқ, сурункали аппендицитда кузатилади.

Рус. Аппендикулярная к.

Буйрак с-ғи — буйрак жомидаги сийдикнинг оқиб кетиши издан чиқиши оқибатида унинг чўзилишидан юзага келадиган санчиқ.

Рус. Почечная к.

Ел с-ғи — ич дам бўлганида — метеоризмда ичакларнинг бирор қисми таранг тортилиши — чўзилиши оқибатида оғриқ туриши билан кечадиган ичак санчиғи.

Рус. Газовая к.

Жигар с-ғи — қ. *Ўт с-ғи*.

Ичак с-ғи (изоҳи I жилдда — қ.).

Кўтон санчиги (син.: ректал с., тўғри ичак с-ғи) — тез-тез оғриқли ҳожатга бориш иштиёқи билан кечадиган санчиқ.

Рус. Прямокишечная к.; ректальная к.

Панкреат с-ғи — меъда ости беzi — панкреатнинг айрим касалликларида унинг капсуласи чўзилиши оқибатида эпигастрал соҳада юзага келадиған ва чап қовурға остига, шунингдек, чап куракка узатиладиған санчиқ.

Рус. Панкреатическая к.

Ректал с. — қ. *Кўтон с-ғи*.

Сийдик най с-ғи — сийдик найнинг тўсатдан тўсилиб қолиши ёки унинг спазмага учраши ёйинки ундан конкремент (тош) ўтиши оқибатида юзага келадиған белда ва сийдик най бўйлаб сезиладиған санчиқ.

Рус. Мочеточниковая к.

Сўлак с-ғи — сўлак безлардан сўлак оқиб чиқиши қийин кечиши оқибатида улар соҳасида юзага келадиған санчиқ.

Рус. Слюнная к.

Тўғри ичак с-ғи — қ. *Кўтон с-ғи*.

Ўт с-ғи (син. жигар санчиги) — ўнг қовурға остида юзага келадиған ва бутун қоринга, ўнг елкага, кураклар оралиғига узатиладиған санчиқ; ўт-тош касаллигининг бирдан-бир симптоми; аммо холецистит хуружларида ҳам кузатилади.

Рус. Жёлчная к.; печеночная к.

Қўрғошин с-ғи — қўрғошиндан ўткир ёки сурункали заҳарланиш оқибатида қорин девори қаттиқ таранглашиши қўшилиб кечадиған ичак санчиги.

Рус. Свинцовая к.

Сапонификация — қ. **Мурда совунланиши**.

Сапчиш I — *тиббиётда* — гап кўгара олмайдиған, зардали, салга одамга ташланиб турадиған, истиҳолани йиғиштириб қўйған неврастеникларга хос салбий хислат (синдром).

Рус. Наброситься.

Сапчиш II — *тиббиётда* — чўчиш, қўрқишдан қўзғалиш, ирғиб тушиш билан рўёбга чиқадиған (ифодаланадиған) рефлктор реакция.

Рус. Набрасываться.

Сарамас — таърифи I ж. да қ.

С. клиник кўриниши, кечиши ва б. табиатиға кўра ўндан ортиқ хилга таовуф қилинади.

Рус. Роза.

Адашган с. — қ. *Кўчиб юрувчи с.*

Бирламчи с. — организмда йирингли яллиғланиш ўчоғи бўлмагани ҳолда юзага чиқадиган сарамас.

Рус. Первичная р.

Буллэз с. (син. пуфакчали с.) — эпидермада — ички сероз экссудат билан тўлган пуфакчалар ҳосил бўлиши билан кечадиган сарамас.

Рус. Буллэзная р.; син. пузырчатая р.

Гангренали с. — дардга чалинган тери соҳаларининг некрозга учраши билан кечади; тери остида бўшанг тўр тўқималар кўп бўладиган жойлар (кўз қовоқлари, ёргоқ)да, шунингдек, **флегмонали сарамас** (қ.) нинг асорати сифатида учрайди.

Рус. Гангренозная р.

Иккиламчи с. (син.: сохта с. — эск., сарамас флегмонаси) — йиринглаган жароҳат сифатида ёки йирингли яллиғланиш ўчоғи сингари юзага чиқадиган сарамас.

Рус. Вторичная р.; син.: ложная р., рожистая флегмона.

Кўчиб юрувчи с. (син. адашган с.) — терида юзага келган (дастлабки) яллиғланиш жараёни тўхтаб бошқа жойда пайдо бўладиган сарамас.

Рус. Мигрирующая р.; син. блуждающая р.

Одатланган с. — қ. *Қайталанувчи с.*

Пустулли с. — эпидермисда ичи йирингли ругубатлар билан тўлган пуфаклар ҳосил бўлиши билан кечадиган сарамас.

Рус. Пустулэзная р.

Пуфакчали с. — *Буллэз с.*

Сохта с. — эск. — қ. *Иккиламчи сарамас.*

Флегмонали с. — тери ости тўр тўқималари — клетчаткаларида флегмона авжланиб кетиши билан кечадиган сарамас.

Рус. Флегмонозная р.

Эритемали с. — тери қизариши ва кўпайиши билан кечадиган сарамас; бунга, аксарият, С. нинг бошланғич стадияси сифатида қаралади.

Рус. Эритематозная р.

Ўрмаловчи с. — терида юзага келган дастлабки яллиғланиш жараёни секин-аста кенгайиб бориш табиатига эга бўлган сарамас.

Рус. Ползучая р.

Қайталанувчи с. (син. одатланган с.) — доим бир жойда қайта-қайта юзага келиб турадиган яллиғланиш жараёни билан кечадиган сарамас; буни шу жойда юкум — инфекция карахт ҳолда мавжуд бўлиши ва организмнинг

унга сенсбилланиб қолиши — сезувчанлиги ошиб кетиши оқибатида келиб чиқади, деб тушунмоқ керак.

Рус. Рецидивирующая р.; син. привычная р.

Ҳиқилдоқ с - си — қ. *Сарамас ларингити* (II ж.).

Сарамас флегменаси — қ. *Иккиламчи сарамас*.

Сариқ тана — овуляция (қ. II ж.)дан кейин фолликуланинг донасимон қавати хужайрасидан тухумдонда шаклланадиган ички секреция беzi; анча муҳим ҳисобланадиган жинсий гормон — прогестрон ажратади.

Рус. Жёлтое тело.

Ҳайз с. т-си — уруғланиш юз бермаган ҳолларда тухумдондаги жараённинг иккинчи ярми даври мобайнида ишлаб турадиган сариқ тана.

Рус. Ж. т. менструальная.

Ҳомиладорлик с. т-си — бутун ҳомиладорлик даври мобайнида ишлаб турадиган сариқ тана.

Рус. Ж. т. беременности.

С а р и қ ч а¹ — *цитологияда* — қ. *Дейтеропазма* (III ж.).

¹ Тилга чиқадиган **тирсак** (қ. I ж.) касаллиги — гуддаси ҳам халқ табобатида сариқча дейилади.

Сариқча бўшлиғи — **сариқча қопи** (қ.) бўшлиғи; одам ва сутэмизувчиларда бўладиган оқсил тутувчи суюқлик тўла қоп.

Рус. Желточная полость.

С а р и қ ч а - и ч а к й ў л и — **Сариқча йўли**.

Сариқча йўли (син.: киндик - ичак йўли, сариқча - ичак йўли) — эмбрион ўрта ичаги бўшлиғини **сариқча бўшлиғи** (қ.) билан туташтирувчи энтодермал эпителий тўшалган **сариқча поячаси** (қ.)даги канал; одамда қайтар ривожланишга учрамайдиган С. й. ёнбош ичак **дивертикули** (қ. II ж.) дейилади; унинг номини Меккелев дивертикули деб юритилади.

Рус. Желточный проток; син.: желточно-кишечный проток, пупочно-кишечный проток.

Сариқча поячаси — эмбрион ўрта ичаги билан **сариқча қопи** (қ.) оралигида ҳосил бўлган найсимон тузилма; унинг ичидан **сариқча йўли** (қ.) ўтади.

Рус. Желточный стебелёк.

С а р и қ ч а п у ф а г и — қ. **Сариқча қопи**.

Сариқча пуфакчаси — эмбрион ичаги билан **сариқча қопи** (қ.) эпителийсининг умумий энтодермал тўшамаси.

Рус. Желточный пузырьёк.

Сариқча қон айланиши — қон эмбрион танаси билан сариқча қопи ўртасида айланиб — циркуляция қилиб юрадиган қон томирлар системаси; эмбрионнинг озикланиши ва газ алмашинуви учун хизмат қилади; бу — одам ва сутемизувчиларда плацента ҳосил бўлгунча давом этади.

Рус. Желточный круг кровообращения.

Сариқча қопи (син. с а р и қ ч а п у ф а г и) — умуртқалилар эмбрионининг провизор — дастлабки аъзоси; унинг девори эндодерма ва висцерал мезодермадан ҳосил бўлган; бирламчи қон яралиш функциясини бажаради; гоноцит хужайраларининг бирламчи ўрни ҳисобланади.

Рус. Желточный мешок; син. желточный пузырь.

Сархушлик — *тиббиётда* — 1. **Кайф** (қ.) туфайли бутун танада, мияда, руҳиятда кечаётган амалий руҳий қизғин ҳолат даражаси; С. бутун вужуд билан, тўқималар, хужайралар билан роҳатланиш туйғуси; С. кайфнинг натижаси, ҳосиласи.

2. Енгил-елпи кайф.

Сасиш — *тиббиётда* — 1. Санитария ва гигиена талаб ва қоидаларига риоя қилинмаганда ҳар қандай ейимли ёки ейимсиз маҳсулотларнинг чиритувчи, бижғитувчи бактериялар ва б. заҳарли микроорганизмлар таъсири оқибатида ҳар хил кўринишда айнаши, бузилиши, еб бўлмас ҳолга келиши ёки заҳарли маҳсулотга айланиши.

2. Сасиб қолган маҳсулотларнинг ёқимсиз, сассиқ, ҳатто, кўланса ҳид чиқариши.

Сассиқ тумов таёқчаси (син. А б е л — Л е в е н б е р г т а ё қ ч а с и — эск.) — *Klebsiella ozaenae* — Enterobacteriaceae оиласига мансуб *Klebsiella* уруғига оид бактерия; аниқ-равшан кўриниб турган капсулага қопланган ҳаракатсиз грамманфий таёқча.

Рус. Палочка озены; син. палочка Абеля—Левенберга — эск.

Сезиш бўсағаси (син. с е з у в ч а н л и к б ў с а ғ а с и) — муайян сезгини юзага келтирувчи таъсирловчининг асосий параметрларининг минимал катталиги.

Рус. Порог ощущения; порог чувствительности.

Сезувчанлик бўсағаси — қ. **Сезиш бўсағаси**.

«**Секин келган касал секин кетади**» — ички аъзоларда бўладими, ташқи аъзоларда бўладими — секин юзага келган, яъни бир қанча кунлар, ойлар, йиллар мобайнида илдиз отиб охир-оқибатда маълум берган касалликлар одатда секин кетади, яъни кун, ой, йиллар мобайнида кузатилади ва

аксарият ҳолларда оғир кечади; мас., сарғайма, сил, бруцеллёз ва б.лар.

Сел – *тиббиётда* – тери касалликлари – гуш, яра-чақалар, тошмалар ва б. жароҳатлар юзасида, бағрида кузатиладиган сувчираш.

Семириш ялқовлиги – *физиологияда* – организмда моддалар алмашинуви кучайиши ва мушак ҳамда ёғ тўқималар тўпланиши жараёнида жисмоний меҳнат, ҳаракат, фаолият сусайишидан юзага келадиган дангасалик; семириш лоқайдлик ва ялқовликка олиб келса, лоқайдлик ва ялқовлик семиришга олиб келади ва булар маълум муддатгача бир-бирини рағбатлантириб боради.

Сероз катар – қ. *Катарал-сероз яллиғланиши*.

Сехр – диний-хурофий тасаввурларга қўра афсун ва дуолар ўқиши билан афсонавий, ғайри-табiiй кучларни бўйсундириб улар ёрдамида ҳақиқатга тўғри келмайдиган мўъжизалар кўрсатишга, илмий тиббиётга, ҳақиқатга зид равишда киши руҳиятини, ақл-идрокини, эркини боғлаб олишга уриниш.

Рус. Волшебство.

Сехргар – **сехр** (қ.)лашга уринувчи рижкор киши.

Рус. Волшебник.

Сехргарлик – **сехр** (қ.) ишлари билан шуғулланишлик; касб оти.

Рус. Волшебство.

Сизиб йиғилган абсцесс – қ. **Йиринг ҳалқоби**.

Сийдик – изоҳи I ж. да – қ.

Бирламчи с. (син. провизор с.) – буйрак коптокчаларида қон плазмасининг ультрафилтрлацияланиши натижасида ҳосил бўладиган суюқлик; таркибида коллоидлар кам бўлиши, биринчи навбатда, оқсиллар камлиги билан қон плазмасидан ажралиб туради.

Рус. Первичная м.; син. провизорная м.

Гипертоник с. – зичлиги қон плазмаси зичлигидан баланд турадиган сийдик.

Рус. Гипертоническая м.

Гипотоник с. – зичлиги қон плазмаси зичлигидан паст турадиган сийдик.

Рус. Гипотоническая м.

Дефинитив с. (син. иккиламчи с.) – **нефрон** (қ. II ж.)нинг каналлар системасида бирламчи сийдикдан ҳосил бўладиган сийдик; таркибида каналларнинг проксимал бўлимида ўзлаштириладиган моддалар – глюкоза, натрийнинг анчагина қисми, оқсил ва б. лар бўлмаслиги билан бирламчи сийдикдан фарқ қилади.

Рус. Дефинитивная м.; син. вторичная м.

Иккиламчи с. — қ. *Дефинитив с.*

Провизор с. — қ. *Бирламчи с.*

Сутсимон с. (син. хилоз с.) — таркибида лимфанинг анчагина аралашмаси бўладиган оқ-сут рангли сийдик; хилурия — сутсимон сийишда кузатилади.

Рус. Млечная м.; син. хилозная м.

Хилоз с. — қ. *Сутсимон с.*

Қолдиқ с. — сийиб бўлгандан кейин ёки сийдикни қовуқдан катетер ёрдамида олгандан сўнг сийдик пуфагида қоладиган сийдик; қовуқда қолган С. қовуқ мушак пардасининг бўшашиб қолганидан ёки сийдик чиқиш каналининг ўтказувчанлиги бузилганлигидан дарак беради.

Рус. Остаточная м.

Сийдикдон — қ. *Сийдик идиш.*

Сийдик идиш (син. сийдикдон) — ётиб қолган беморлар сийдигига тутиладиган металл, шиша ёки пластмассадан ясалган идиш.

Рус. Мочеприёмник.

Сийдик йўллари — сийдик тўпланадиган ва ташқарига чиқариладиган функцияга эга анатомик тузилмалар мажмуи; уларга — буйрак косачалари, жомлари, сийдик найи, қовуқ ва сийдик чиқариш канали киради.

Рус. Мочевые пути.

Сийдик йўллари тўсилиши — қ. *Сийдик тўсилиши.*

Сийдик най (син. уретер) — қорин парда ортидаги макон билан кичик тосда жойлашиб буйрак жомини қовуқ билан туташтириб турувчи буйракнинг сийдик чиқариш йўли.

Рус. Мочеточник.

Сийдик най оғзи — қ. *Сийдик най тешиги.*

Сийдик най тешиги (син. сийдик най оғзи) — қовуқ деворидаги сийдик най очиладиган тешик; сийдик пуфаги учбурчагининг асоси бурчагида жойлашган.

Рус. Отверстие мочеточника; син. устье мочеточника.

Сийдик най қини — сийдик найни устан қоплаб турган қин; у олд ва орқа сийдик най фасцияларидан ҳосил бўлган.

Рус. Мочеточниковое влагалище; син. влагалище мочеточника фасциальное.

Сийдик-таносил соҳаси (син. сийдик-таносил учбурчаги) — олд ва икки ёндан қов ва қуймуч суяқларининг пастки шохлари, ордан — қуймуч дўмбоқларини бирлаштирувчи шартли чизиқ билан чегараланувчи чот соҳасининг олд қисми.

Рус. Мочеполовая область; син. мочеполовой треугольник.

Сийдик-таносил учбурчаги – қ. **Сийдик таносил соҳаси.**

Сийдик тўсилиши (син. сийдик йўллари тўсилиши) – сийдик йўлларида бирор бир тўсиқ бўлишидан сийдик оқиб чиқишининг қийин кечиши.

Рус. Мочевая обструкция; син. обструкция мочевых путей.

Сийдик чиқариш канали форсимон танаси – қ. **Олат ғовак танаси.**

Сийдик чиқариш канали ички тешиги – сийдик пуфаги учбурчаги тепасидаги қовуқ деворидан очилган тешик; у сийдик чиқарув каналига уланиб кетади.

Рус. Отверстие мочеиспускательного канала внутреннее.

Сийдик чиқариш канали ташқи тешиги – эркаклар олатининг бошчасидан ташқарига очилган тешик; аёлларда улар қинининг даҳлизи тешиги билан тиллиғи (клитори) оралиғига очилган тешик.

Рус. Отверстие мочеиспускательного канала наружное.

Сил артрити – қ. **Понсе полиартрити.**

Сил гранулемаси – қ. **Сил дўмбоқчаси.**

Сил дўмбоқчаси (син.: сил гранулемаси, сил миллиар дўмбоқчаси) – Лангханснинг кўп ядроли гигант ҳужайралари, эпителиал ва лимфоид ҳужайраларидан таркиб топган гранулема; бу – сил касаллигида продуктив яллиғланишнинг асосий морфологик белгиси ҳисобланади; Д. марказида одатда казеоз некроз юзага келади; некрозга учраган чиқиндиларда ва гигант ҳужайралар цитоплазмасида сил таёқчалари топилади.

Рус. Туберкулёзный бугорок; син.: туберкулёзный бугорок миллиарный, туберкулёзный гранулема.

Сил миллиар дўмбоқчаси – **Сил дўмбоқчаси.**

Сил полиартрити – қ. **Понсе полиартрити.**

Силла қуриш – узоқ муддат тинимсиз меҳнат қилиш, кучли таъсирловчилар таъсири, оғир сурункали касаллик, сурункуасига тўйиб овқат емаслик ёки ейилган овқатнинг яхши сингмаслиги оқибатида айрим аъзолар, системалар ёхуд бир бутун ҳолда бутун организм функцияси анча пасайиб кетиши билан изоҳланадиган одамнинг патологик ҳолати; у – сабабига кўра тўрт хил бўлади.

Рус. Истощение.

Алиментар с. қ. – қ. **Алиментар дистрофия** (III ж.).

Кечки пубертат с. қ. – қ. **Килин касаллиги** (III ж.).

Куйишдан с. қ. – узоқ вақт йиринглаш билан давом этиб келаётган куйиш касаллигининг учинчи босқичида ривож оладиган травматик силла қуриш.

Рус. Ожоговое и.

Постпароксизмал с. қ. — эпилептик тутқаноқ хуружидан кейин юзага келувчи ўтиб кетадиган силла қуриш; беҳол бўлиш, бош оғриш, уйқучанлик, фикрлай олмаслик, нутқ бузилиши кузатилади.

Рус. Постпароксизмальное и.

Пубертат с. қ. — балоғатга етиш даврида нерв бошқаруви транзитор равишда издан чиқиши, ички секреция безлари функцияси ҳаддан ошиб кетиши оқибатида юзага келадиган силла қуриши.

Рус. Пубертатное и.

Травматик с. қ. (син.: жароҳат дистрофияси, жароҳат кохексияси, жароҳатланганлар дистрофияси, жароҳатли с. қ., шикастланиш касаллиги) — чўзилиб кетган яллиғланиш билан кечаётган шикастланиш жароҳати оқибатида юзага келадиган силла қуриш; озиб кетиш, гипопротеинемия, реакцияларнинг пасайиши, трофик бузилишлар кузатилади.

Рус. Травматическое и.; син.: дистрофия раненных, раневая дистрофия, раневая истощения, раневая кохексия, травматическая болезнь.

Силлиқ миоцит — қ. *Силлиқ мушак хужайраси.*

Силлиқ мушак толаси — қ. *Силлиқ мушак хужайраси.*

Симён одам — *тиббиётда* — ориқ, ранги синиқ, бемажол, бедармон одам; симён — тузук овқатланмайдиган ёки еган овқати яхши сингмайдиган ёинки узоқ вақт сифатсиз овқатланиб юрган кишиларда, сил ва б. узоқ давом этадиган, сурункали касалликлар оқибатида юзага келадиган ҳолат.

Рус. Щуплый, хилый человек.

Синф — *биологияда* — ҳайвонларнинг қариндош **туркум** (қ.)ларини (ўсимликларнинг эса тартибини) бирлаштирувчи **таксономик категория** (қ. III ж.).

Рус. Класс.

Ситиш — *тиббиётда* — 1. Мадаларни, йиринг бойлаган яра-чақа, чипқон, ҳўппоз, учи оқарган ҳуснбузарлар ва б. чиқиқларни қисиб-ситиб ичидан йиринг ва б. рутубатларни чиқариб юбориш.

2. Илон, чаён, қорақурт, бий ва б. газандалар чаққанида ниш урилган, заҳар теккан ерни қисиб-сиқиб заҳарни чиқариб юбориш.

Бу амал кўп ҳолларда тавсия эитлмайди. Чунки бунда заҳарнинг қонга сўрилиши тезлашиб кетади.

Рус. Выдавливать.

Сифатли овқатланиш (ёки овқат) — организмнинг нормал ҳаёт-фаолияти зарур бўлган овқат таркибидаги компонентлар етарли миқдорда бўлиши билан изоҳланадиган овқатланиш (ёки овқат).

Рус. Полноценное питание.

Сифат очлиги — қ. Қисман оч қолиш.

Сифатсиз овқатланиш (ёки овқат) — организмнинг нормал ҳаёт-фаолияти учун зарур бўлган овқат таркибидаги компонентлардан бирортасининг етарли эмаслиги билан изоҳланадиган овқатланиш (ёки овқат).

Рус. Неполноценное питание.

Сичқон чийиллаши — баъзан меъда пилорусини пайпаслаб кўрилганда қорин бўшлиғидан эшитиладиган товуш; В.П.Образцов ёзиб қолдирган.

Рус. Мышиный писк.

Совулланиш сони — 1 г текшириляётган ёғдаги барча кислоталарни нейтрализациялаш учун зарур бўлган ўювчи калий (калий гидроксид) миқдори (мл); ёғ сифати кўрсаткичи.

Рус. Число омыления.

Совуқ нуқта — физиологияда — таъсирланганда ўзига хос тарзда терининг ўта майда жойларини аниқ-равшан сезиш (ҳис қилиш); терининг ҳар бир см² ерида 12–15 та с. н. бор деб тахмин қилинади.

Рус. Холодовая точка.

Совуқ синама — гавданинг бирор қисмини ёки унинг сиртқи юзасини тез совутиб синаб кўришга асосланган текшириш методларининг умумий номи; неврологик текширишларда феохромоцитомлар (гормонал-актив ўсмалар)га диагноз қўйишда шу синамага мурожаат қилинади.

Рус. Холодовая проба.

Соф культура — қ. Соф экма.

Соф экма (син.: аксеник микроорганизм экмаси, монокультура, соф культура) — биргина биологик турдан таркиб топган микроорганизм экмаси.

Рус. Чистая культура; син.: культура микроорганизма аксеническая, монокультура.

Сохта истисқо — тананинг бирор бир анатомик бўшлиғида суюқ хилтнинг туриб (тўпланиб) қолиши; мас., ўт йўлининг ўтказувчанлиги бузилган ҳолларда ўтнинг ўт қолида туриб-тўпланиб қолиши.

Рус. Ложная водянка.

Сохта овоз ёриғи — қ. Даҳлиз ёриғи.

Сохта птериғий — қ. Сохта қанотсимон парда.

Сохта сарғайма (син.: псевдосарғайма, экзоген сарғайма) — организмга ташқаридан кирган сариқ тус берувчи моддалар ўтириб қолишидан юзага келадиган тери сарғаймаси; мас., акрихин ичганда, кўп миқдорда сариқ сабзи ёки цитрус мевалар истеъмол қилганда кузатилади.

Рус. Псевдожелтуха; син.: ложная желтуха, экзогенная желтуха.

Сохта сил таёқчаси — *Yersinia pseudotuberculosis* — Enterobacteriaceae оиласига мансуб *Yersinia* уругига оид бактерия; шакли эллипсимон ёки кокксимон, ҳаракатчан грамманфий майда полиморф таёқча; препаратда гуруҳ-гуруҳ ёки занжирсимон бўлиб ётади; аэроб ёки факультатив — имконига қараб анаэроб; одам ва кўпгина иссиқ қонли ҳайвонларда сохта силни келтириб чиқаради.

Рус. Палочка псевдотуберкулёза.

Сохта хонандалар тугунчалари — чин овоз бурмаларининг олд ва ўрта қисмлари чегарасида тиникроқ тузилмалар кўринишида тўпланган шиллиқлар; маҳаллий лимфа ва қон айланиши бузилиши туфайли юзага келади; хонандалар, ўқитувчилар, профессор-ўқитувчилар ва б. овоз аппаратига зўр бериб ишловчи кишиларда кузатилади.

Рус. Псевдоузелки певцов; син. ложные узелки певцов.

Сохта қанотсимон парда (син. сохта птеригий) — кўз соққасининг кўз шох пардасига бирикиб ўсган бурмаси; шох парда куйиши, шикастланиши ёки унда яра пайдо бўлишидан кейин юзага келган кўриниши қанотсимон парда; у — ўсиб бориш хусусиятига эга эмас.

Рус. Крыловидная плева ложная; син. псевдоптеригий.

Сохта қон тушлаш — нафас йўлларида ажралмаган қонни йўтал билан тамоқ қириб тупуриш; мас., меъдадан қон кетаётган, милк қонаётган ҳолларда кузатилади.

Рус. Ложное кровохарканье.

Сохта ҳомиладорлик (син. хаёлий ҳомиладорлик) — сохта тасаввур туфайли бўйида бўлиб қолганлигига хаёлан ишониш билан юзага келган аёлларнинг патологик ҳолати; ҳайз тўхтаганлиги, қорни дўппайиб қолганлиги, ҳомиласи қимирлаётганини сезаётганлиги каби сохта ўй-хаёллар билан ишонтирилади.

Рус. Ложная беременность; син. мнимая беременность.

Соч гуллаши — узоқ вақт ювилмай, парвариш қилинмай келган сочлар, айниқса, қуруқ сочлар учининг ажралиб кетиши; бунинг олдини олиш учун сочни тез-тез ювиб, мой суртиб, учидан пича кесиб туриш лозим.

Соч ясси темираткиси — бошнинг соч қисмида соч фолликулалари оғзи атрофида майда папула (қ. II ж.)лар ташиши билан кечадиган қизил я. т.

Рус. Плоский лишай волосяной.

Соқол — икки чакка томондан — бош сочига туташиб кетган, икки ёноқ ва лаб бурчаклари билан ажралиб турадиган, пастдан — буйин пастки бурмаси билан чегараланган, бутун энгакни қоплаб олган пигментли (рангли — қора, жигаранг сариқ, кулранг ва ҳ.), узунлиги — 5 см ва ундан ортиқ, йўғонлиги 0,05—0,2 мм келадиган қилсимон **мўйлар** (қ. I ж.) мажмуи. Юз-энгак терисини иссиқ-совуқдан, чанг-шамолдан, офтоб-нурлардан куйиш, совуқ олиш, қуруқшаб кетиш ва б. таъсирланишлардан сақлайди.

Рус. Борода.

Соғлиқни сақлаш — ҳар қайси одамга ва бутун аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни ташкил қилиш, уларнинг соғлиғини сақлаш ва саломатлик даражасини кўтариш мақсадида олиб бориладиган ижтимоий-иқтисодий ва тиббий чоратадбирлар мажмуи.

Рус. Здравоохранение.

Соғлиқни сақлаш бўлими — туман, шаҳар, вилоят ҳудудидаги соғлиқни сақлаш бошқармаси ташкилоти.

Рус. Отдел здравоохранения.

Соғлиқни сақлаш иқтисодиёти — иқтисодиёт фани билан аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш бўйича кўриладиган тадбирларнинг иқтисодий самарадорлигини ўрганувчи соғлиқни сақлаш ташкилотининг бир соҳаси; у, шунингдек, соғлиқни сақлаш ресурсларидан рационал фойдаланиш методларини ишлаб чиқади.

Рус. Экономика здравоохранения.

Соғлиқни сақлаш ташкилотлари — ЎзР давлат аппарати-нинг бир қисми, соғлиқни сақлаш ишининг бевосита бошқарувчиси саналади; ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлиги марказий С. с. т. дир.

Рус. Органы здравоохранения.

Соғломлар гуруҳи — тренер раҳбарлигида бадан тарбия билан шуғулланувчи ўрта ёшли ва кекса кишилардан тузилган амалда соғ одамларнинг уюшган гуруҳи; оммавий соғломлаштирувчи бадан тарбия машғулотлари билан шуғулланишнинг уюшган шакли.

Рус. Группа здоровья.

Стеник қарор топган шахс — кучли тонусга эга бўлган, ўта ғайратли, шижоатли, руҳан бағоят актив, иродаси

мустаҳкам, мақсад сари интилувчан, ўзига ишонган барқарор шахс.

Рус. Стенический склад личности.

Субаранхоидал бўшлиқ — қ. **Ўргимчак тўри ости бўшлиғи**.

Сув-балчиқ давохонаси — сув ва балчиқ билан даволашга мўлжалланган даволаш-профилактик муассаса.

Рус. Водогрязелечебница.

Сув-даволаш кафедраси — қ. **Душ кафедраси**.

Сув давохонаси — сув билан даволашга мўлжалланган даволаш-профилактик муассаса.

Рус. Водолечебница.

Сувли синама — аниқ ўлчаб ичирилган кўп миқдордаги сувдан кейин ажралган сийдик миқдори билан унинг солиштирма оғирлигини аниқлашга асосланган синама; буйракнинг функционал ҳолатини текшириш методи.

Рус. Водная проба; син. проба с разведением.

Сувни темирсизлантириш (син. сувни деферризациялаш) — сувни ундаги ортиқча темирдан озод этиш (1 мг/л дан ортиғини); ичимлик сувни тозалашнинг ё тури ёки босқичи саналади; буни сув таъмини яхшилаш мақсадида қилинади.

Рус. Обезжелезивание воды; син. деферризация воды.

Сувни тиндириш — табиий сувни осилма заррачалар, яъни, лойқа, ифлослик, ипир-ипир нарсалардан тозалаб ичимлик сув ўрнида ёки хўжалик-маиший ишларга яратиш ҳолатига келтириш.

Рус. Осветление воды.

Сувни чучуклаштириш — шўр сувга ишлов бериб таркибидаги туз миқдорини ичишга ёки хўжаликда ишлатишга яроқли даражага келтириш.

Рус. Опреснение.

Сувни юмшатиш — сув таркибидаги кальций ва магний ионларини (мг-экв/л ҳисобида ҳисобланади) қисман камайтириш ёки бутунлай йўқотиш ҳисобига сув қаттиқлигини камайтириш йўли билан уни юмшатиш; қ. **Сув қаттиқлиги**.

Рус. Умягчение воды.

Сув очлиги — сувни кам истеъмол қилиш, оғир меҳнат қилиш, ичкетиш, қусиш, кўп терлаш оқибатида юзага келадиган организмдаги сув баланснинг манфий ҳолати; ўзига хос клиник белгилар билан кечади.

Рус. Водное голодание.

Сув тармоғи — марказлаштирилган сув таъминоти учун қурилган муҳандислик иншоатлари мажмуи; унинг ёрдамида сув манбаидан сув олиниб тозаланади, фойдаланиладиган жойларга етказилади ва истеъмолчилар ўртасида тақсимланади; бутун С. т. иншоатлари устидан профилактик ва жорий санитария назорати олиб борилади.

Рус. Водопровод.

Сув таъминоти — аҳоли, саноат корхоналари, спорт иншоатлари ва б. истеъмолчиларни сув билан таъминлаш бўйича кўриладиган тадбирлар мажмуи.

Рус. Водоснабжение.

Сув тиниқлиги — стандарт шрифт (Снеллена шрифти)ни ўқиш мумкин бўлгунга қадар сувга ботириб аниқланадиган сув сифати кўрсаткичи.

Рус. Прозрачность воды.

Сув тозалаш (син. табиий сувни тозалаш) — сув таъминоти системаларида қўлланиладиган сув таркиби ва хоссаларини яхшилашга қаратилган санитария-техник тадбирлар мажмуи.

Рус. Очистки воды; син. очистки природных вод.

Сув ўтлари — 1. Илдиш, поя ва барглари бўлинмайдиган, фотосинтез жараёнида карбонат ангидрид газини ўзлаштирадиган аутотроф-хлорофилл тутувчиларга мансуб сувда ўсувчи содда ўсимликлар гуруҳи; сув ҳавзаларида кун кўрувчи жониворларнинг озиқа манбаи; С. ў-рининг бир қанча турлари одам ва чорва моллари учун озиқа ҳисобланади; тиббиёт ва б. саноат тармоқларида хомашё ўрнида ишлатилади; улар асосан: Қўнғир с. ў-ри (Phaeophyta), Яшил с. ў-ри (Chlorophyta), Қизил с. ў-ри (Rhodophyta) ва Кўк-яшил с. ў-ри (Cyanophyta)га тавофут қилинади.

2. Сувда ўсувчи ўсимликларнинг умумий номи.

Рус. Водоросли.

Кўк-яшил с. ў-ри — ҳужайраларида морфологик шаклланган ядро ва хлоропластлар бўлмайдиган, цитоплазмасида эса хлорофилл, каротин ва ксантофиллдан ташқари яна мовий ранг фикоцианин пигменти бўладиган сув ўтларининг бир типи; уларнинг баъзи турлари шифобахш балчиқлар ҳосил бўлишида иштирок этади ва ҳ.к.

Рус. Сине-зелёные в.

Яшил с. ў-ри — ҳужайраларида таркибида хлорофиллдан ташқари каротин, ксантофилл тутувчи хлоропластлар бўладиган бир ва кўп ҳужайрали сув ўтларининг бир типи; уларнинг баъзи турлари, мас., энтероморфа, ульва озиқ-овқатга

ишлатилади, хлорофиллдан эса, мас., космик кемаларда озиқа ўрнида фойдаланилади ва ҳ.

Рус. Зелёные в.

Қизил с. ў-ри — таркибида хлорофиллдан ташқари яна фикоэритурин пигментини сақлайдиган кўп ҳужайрали чуқур денгиз сув ўтларининг бир типи; уларнинг баъзилари, мас., порфира озиқ-овқатга ишлатилади, ундан агар (анфельция) ва йод (филлофлора) олишда дастлабки маҳсулот сифатида фойдаланилади ва ҳ.

Рус. Красные в.

Кўнғир с. ў-ри — таркибида хлорофиллдан ташқари яна тиллрангли-кўнғир фукоксантин пигментини сақлайдиган кўп ҳужайрали денгиз сув ўтларининг бир типи; уларнинг баъзи турлари, мас., ламинациялар (денгиз карами) озиқ-овқатга ишлатилади, парҳез неъматини ўрнида, мас., атеросклероз, буқоқ касалликларида фойдаланилади.

Рус. Бурые в.

Сув қаттиқлиги — сувнинг минераллашган кўрсаткичи; ундаги кальций ва магний ионларининг *мг-экв/л* да ифодаланган таркибий йиғиндиси; ичимлик сув сифатига баҳо беришда фойдаланилади.

Рус. Жёсткость воды.

Сунъий зулук — ичида винт ёрдамида нари-берига сурилувчи тикинли поршени бор шиша цилиндрдан иборат қон сўриб олишга мўлжалланган мослама.

Рус. Искусственная пиявка.

Сунъий иқлим — ёпиқ бино ичида сунъий равишда яратилган микроиқлим.

Рус. Искусственный климат.

Сунъий овқатлантириш — беморни меъда зонди ёрдамида, ҳўқна (клизма) қилиб ёки **парентрал** (қ.) йўл билан овқатлантириш.

Рус. Искусственное питание.

Сунъий танланиш — ҳайвон, ўсимлик ёки микроорганизмларни кейинчалик ҳам кўпайтириш, тарқатиш мақсадида уларни биз хоҳлагандек белгилари (насллари)га қараб танлаб кўпайтириб бориш; уй ҳайвонлари ва маданий ўсимликларнинг яратилиши ҳамда эволюциясининг асосий омили.

Рус. Искусственный отбор.

Сунъий тил — *психиатрида* — **шизофрения** (қ. II ж.)га мубтало бўлган беморларнинг ўзлари «яратган» патологик «алоқа воситаси»; тушуниб бўлмайдиган ёки бузиб талаффуз қилинган сўзлар қаторидан иборат ўзига хос синтактик бўлақлар тузилмаси.

Рус. Искусственный язык.

Сунъий тиш тожи — металл, чинни ёки пластмассадан ясалган олинмайдиган ясама тиш тожи; тиш шаклини тиклаш, бошқа протезларни маҳкамлаш ёки ортодонтик аппаратларни тутиб туриш мақсадларида ишлатилади.

Рус. Коронка зуба искусственная.

Сунъий юрак қопқоғи — юрак қопқоқлари нуқсонларини жарроҳлик йўли билан бартараф этиш мақсадида қопқоқ ўрнига қўйиладиган механик қурилма; у — қон оқимини мунтазам равишда дам беркитиб (тўхтатиб), дам ўтказиб (очиб) туради ва шу йўл билан юрак фаолиятда давом этади.

Рус. Клапан сердца искусственный.

Сунъий қизилўнғач — операция йўли билан тери ё меъда девори, ингичка ёки йўғон ичакдан ясаб қисман ёхуд бутунлай олиб ташланган қизилўнғач ўрнига ўрнатилган най.

Рус. Искусственный пищевод.

Сунъий қорачиқ — кўз оқи — лейкома касаллиги кўз марказида — қорачиқ устида жойлашган бўлганида ёхуд қорачиқ баъзи сабаблар билан битиб қолганида жарроҳий операция амали билан тешик — қорачиқ ҳосил қилиш.

Рус. Искусственный зрачок.

Супаюз — *физиономияда* — юқоридан — юқори ёноқ суяги, икки ёндан — ортки-пастки жағ бурчаги ва пастки жағ бўйлаб энгакка довур, бурун томондан — бурун-юз бурмасига қадар тўлишиб турган этли бўлиқ юз; ирсий белгилар кўчишидан юзага келадиган физиономия.

Суртма асоси — суртма дорининг унинг ҳажми ва консистенцияси (қаттиқ-юмшоқлиги)ни белгилаб берувчи таркибий қисми; С. а-си суртманинг таркибига кирувчи дори моддаларнинг таъсир самарадорлигини энг юқори даражада таъминламоғи лозим¹. Вазелин, глицерин, мой ва б. лар с. а-си бўлиб хизмат қилади.

¹ Русча «мазь»ни баъзилар ўзбекчада «малҳам» дейишади. Бу нотўғри. Малҳам — бу пластырь (қ. I ж.).

Сурункали ичкиликбозлик — **токсикомания** (қ. II ж.)нинг бир хили; бунда — таркибида этил спирт бўладиган ичкиликларни ичишга интилиш ва уларни тўхтовсиз истеъмол қилиш оқибатида сурункали интоксикация (заҳарланиш) кундан-кун зўрайиб бориши кузатилади.

Ас. т. **Сурункали алкоголизм** (қ. III ж.).

Рус. Хронический алкоголизм.

Сурункали таъсир бўсағаси — *токсикологияда* — модда организмга бир неча марта таъсир қилганда ундаги биологик кўрсаткичларни физиологик мослашув реакциялари чегарасидан ўтиб кетган ўзгаришларга олиб келувчи энг кичик концентрация ёки доза (миқдор).

Рус. Порог хронического действия.

Суствор мия — *амалиётда* — фаолият жараёни ўта сув кечадиган мия; айрим одамларгагина хос бўлган сув лаёқат.

Бундай лаёқатга эга кишилар секин, осуда, бир маромда ишлайдилар ва ҳаёт кечирадилар; нутқлари ҳам секин, зерикарли бўлади; баҳслашишга қодир эмаслар, кўпда ҳам хафа бўлавермайдилар.

Рус. Медлительный мозг.

Сут ажралиши — сут безлардан сут ажраб чиқиш жараёни.

Рус. Молокоотделение.

Сут без дағаллашуви — туғруқнинг 3—4- кунлари чиллал аёл сут безларининг катталашуви, дағал тортиши ва оғриқли бўлиши; бунга кўплаб сут йиғилиши ва оқиб чиқиши қийинлашуви сабаб бўлади.

Рус. Нагрубание молочных желез.

Сут без сўргичи (син. кўкрак сўргичи) — сут без марказидан конус ёки цилиндр шаклида кўтарилиб чиққан пигментли тузилма; чўққисидан сут йўллар ташқарига очилади; эркакларда у айтарли ривож топмаган.

Рус. Грудной сосок.

Сут йўли — сут без альвеолаларини **сут синуслари** (қ. IV ж.) билан бирлаштириб турувчи сут йўлларининг умумий номи.

Рус. Млечный проток.

Суткада ўлишлик — касалхонага келиб тушгандан бошлаб биринчи суткадаёқ ўлганлар сонининг (фоизларда ифодаланган) бир йил мобайнида касалхонага ётқизилган касаллар сонига нисбати; статистик кўрсаткич.

Рус. Досуточная летальность.

Сутли аралашмалар — сигир сутига озикалик қийматини оширувчи ингридиентлар — қўшимчалар қўшиб тайёрланадиган сутли овқат; болаларни сунъий ёки аралаш овқатлантиришда, шунингдек, даво овқат сифатида бериллади.

Рус. Молочные смеси.

Сут кўтаролмаслик — сутни ўзлаштира олмаслик билан изоҳланадиган патологик ҳолатлар гуруҳи; у — **лактоза** (сут қанди — дисахарид)ни **кўтаролмаслик** (қ. III ж.) ва сут таркибидаги айрим моддаларга аллергик реакция бўлиши билан маълум беради.

Рус. Непереносимость молока.

Сут ошхонаси — болалар касалхонаси ёки болалар поликлиникасининг бир бўлинмаси ёки ўзига мустақил сут муассасаси; унинг вазифаси ўзи хизмат кўрсатадиган ҳудудда яшовчи, касалхонада даволанаётган мактабгача ёшдаги болаларга ҳамда болалар санаторийларидагиларга сут аралаш-маларини, бир ёшгача бўлган болаларга эса қўшимча овқатларни етказиб беришдан иборат.

Рус. Молочная кухня.

Сутэмизувчилар — болаларини сут билан (эмизиб) боқадиган, энг юқори даражада такомиллашган умуртқали ҳайвонлар синфи; гавдасининг ҳарорати доимий бўлиши, мўй билан қопланганлиги, кўкрак қафаси билан қорин бўшлиғи оралиғида диафрагма бўлиши, сут ва тер безлари бўлиши, пастки жаф суякларининг бирикканлиги, тишларининг кесувчи, қозиқ ва катта ҳамда кичик молярларга тафовут қилиниши С. гагина хос белгилардир.

Рус. Млекопитающие.

Сут қатқалоғи — эмадиган ёшдаги болалар экссудатли диатезининг бир хили; болаларнинг ёноқларида ва бошининг сочли қисмларида ёгли тангачалар ва пўстлоқлар ҳосил бўлиши билан юзага чиқади;

Рус. Молочная корка.

Суяк илик бўшлиғи — найсимон суякнинг диафизини — ўрта қисмидаги илик билан тўлган бўшлиқ.

Рус. Костномозговая полость.

Суяк пардаси (син. периост) — пишиқ толали бириктирувчи тўқимадан таркиб топган суяк пардаси.

Рус. Надкостница.

Суяк сийраклашиш ўчоғи — айрим суяк тўсинлари сўрилиб кетиши ёки деструкция (қ. II ж.) ланиш оқибатида муайян суяк қисмининг патологияга учраши.

Рус. Очаг разрежения кости.

Суяк тангачалари — ичида остеоцит (қ. II ж.) — суяк ҳужайралари бўладиган суяк лакуналари (қ.).

Рус. Костные тельца.

Суяк товуш ўтказувчанлиги — 1. *Жарроҳликда* — ҳавонинг найсимон суяк бўйи бўйлаб товуш тебранишларини ўтказиб бериш даражаси; **фонендоскоп** (қ. II ж.) орқали эшитиб кўриб аниқланади; суяк синганида товуш эшитилмайди.

2. қ. **Тўқима товуш ўтказувчанлиги**.

Рус. Звукопроводимость костная.

Суяк товуш ўтказувчанлиги-2 — қ. **Тўқима товуш ўтказувчанлиги**.

Суяк трабекуласи — қ. **Суяк тўсини**.

Суяк тўсини (син. суяк трабекуласи) — 1. *Эмбриологияда* — остеогенез жараёнида суякклиниш нуқтасидан радиал равишда тарқаб борувчи суяк тўқимаси қисми.

2. *Анатомияда* — суякнинг говаксимон моддаси қисмларининг умумий номи; суякни механик урилишлардан сақлашда унинг аҳамияти катта. С. т. лари ораллигида илик бўлади.

Рус. Костная перекладина; син.: костная балка, костная трабекула.

Суяк уни — *тиббийётда* — майдалаб эзилган суяк тўқималари кукуни; суяк нуқсонларини тўлдириб баргараф этишда ишлатилади.

Рус. Костная мука.

Суяк қириндиси — қиринди ёки увоқ шаклида майдаланган суяк тўқимаси; суяк нуқсонларини тўлдириб уларни баргараф этишда ишлатилади.

Рус. Костная стружка.

Суяк қошиғи — *тиббий техникада* — суякдаги ва суяк бўшлиқларидаги патологик рутубатларни қириб олишда ишлатиладиган жарроҳий қошиқ.

Рус. Костная ложка.

Суяк говак моддаси — суякнинг қисилиш ва чўзилиш йўналишига монанд жойлашган суяк тўсинлари массасидан таркиб топган ва суякнинг структур асосини ташкил қилувчи суяк ички қисми.

Рус. Губчатое вещество кости.

Сўлакча — *гигиенада* — сўлаги оқадиган болаларнинг энгаги остига (кўкрагига) тақиб (ёки бўйнига осиб) қўйиладиган фартукча.

Рус. Слюнявчик.

Сўргичсимон мушаклар узилиши — *юракда* — миокард инфарктида мушаклар некрозга учраши — ўлиши оқибатида сўргичсимон мушаклар чўққисининг ўз асосидан узилиб кетиши; чап юрак қоринчаси иши тўсатдан етишмай қолиши билан маълум беради.

Рус. Отрыв сосочковых мышц.

Т

Таб — эск. қ. **Иситма** (1 ж.).

Табиатдаги ўчоқ — қ. **Табиий ўчоқ**.

Табиатдаги ўчоқлик — қ. **Табиий ўчоқлик**.

Табиатда ўчоқ ҳолида учрайдиган инфекция – *тав. этилмайди* – қ. **Табиий-ўчоқли касаллик.**

Табиатда ўчоқ ҳолида учрайдиган касаллик – қ. **Табиий-ўчоқли касаллик.**

Табиий сувни тозалаш – қ. **Сув тозалаш.**

Табиий танланиш – муайян муҳит шароитига энг мослашган индивидларнинг тобора яшаб қолиши; бу – у ёхуд бу тўла-тўкис белгиларнинг қатор авлодларда ўзгариб боришга олиб келади; жонли табиатнинг асосий эволюция омили шудир.

Рус. Естественный отбор.

Табиий ўчоқ (син. табиатдаги ўчоқ) – тирик юқум юқтирувчилар ёрдамида ҳайвонлар (касал ёки юқум ташувчи ҳайвонлар) орасида муайян юқумли касаллик қўзғатувчи микроорганизмнинг тўхтовсиз циркуляцияси бўлиб турадиган ҳудуд; бу ҳудудга инсоннинг келиши, албатта, касаллик юқиш хавфини туғдиради; бундай ўчоқларнинг бир-биридан фарқ қилувчи етти хили маълум.

Рус. Природный очаг.

Табиий ўчоқлик (син. табиатдаги ўчоқлик) – айрим юқумли касалликларнинг ўзига хос тарзда маълум географик ҳудудларда тарқалиши; бу – шу ҳудудларда касаллик қўзғатувчи микроорганизмларни ташиб юрувчи донорлар, реципиентлар, юқум юқтирувчиларнинг турғун бўлиб қолиши ва табиатда муайян инфекция тарқалиб, айланиб юришига сабаб бўлиши билан изоҳланади.

Рус. Природная очаговость.

Табиий-ўчоқли касаллик (син.: табиатда ўчоқ ҳолида учрайдиган касаллик, табиатда ўчоқ ҳолида учрайдиган инфекция – *тав. этилмайди*) – касаллик қўзғатувчилари, уларнинг резервуарлари ва юқтирувчилари чегараланмаган узоқ вақт мавжуд бўлишлари учун зарур табиий шароитлар бўлган фақат муайян географик ҳудуд (зона)ларда ёки биотопларда учрайдиган юқумли касаллик.

Рус. Природно-очаговая болезнь; син. природно-очаговая инфекция – *тав. этилмайди.*

Тажовузкорлик – *психиатрияда* – алоҳида бир кишига ёки бир гуруҳ кишиларга ёхуд бутун атрофдагиларга тажовуз қилиш ва жароҳат етказишга бўлган патологик (касал) интилиш.

Рус. Агрессивность.

Талофат ўчоғи (син. оммавий зарарланиш ўчоғи) – душман қўллаган ядро, кимёвий, биологик қурооллар оқи-

багида моддий бойликлари, техник воситалари ва иншоатлари билан бирга талофатга учраган — зарарланган ҳудуд (акватория).

Рус. Очаг поражения; син. очаг массовых поражений.

Талоқ буралиши — талоқнинг ўзининг қон томир-нерв тугами ўқи атрофида айланиб қолиши; талоқда қон айланиши издан чиқади.

Рус. Заворот селезёнки.

Талоқ қопқаси — талоқ артерияси ва буйрак чигали нервларининг кириш ва талоқ венаси ҳамда лимфатик томирларнинг чиқиш жойи ҳисобланган талоқнинг ички юзасидаги ёриқ (тирқиш)симон ботиқлик; шу жойда лимфатик тугунлар жойлашган.

Рус. Ворота селезёнки.

Тамаки чекиш — тутаб турган тамаки тутунини ичга — нафасга тортиш; чекувчи, яъни кашанда (қ.)нинг ўз соғлиғига ҳам, ён-атрофидаги кишиларга ҳам зиён-заҳмат етказди; тутуни таркибида 800 хил зарарли модда бор.

Рус. Табакокурение; син. курение табака.

Тана шикастланиш оғирлиги — танага шикаст етказиш билан соғлиққа етказилган зиён-заҳмат даражаси; бу — унинг ҳаёг учун хатарлилиги, бора-бора меҳнат лаёқатини йўқотиш ўлчами ва саломатликнинг фугурдан кетиш муддатига қараб белгиланади.

Рус. Тяжесть телесного повреждения.

Танга — *анатомияда* — асосан, суякларда бўладиган танганга шаклидаги қатма-қат суякчалар тузилмаси; *Пешона суяги т.-си*, *Чакка суяги т.-си*, *Энса суяги т.-си* шулар жумласидандир; дерматологияда **Тангача** (қ. I ж.)дан йирик ва қаттиқ бўлиши билан фарқ қилади; тангачанинг русча номи Чешуйка.

Рус. Чешуя.

Танга синамаси — сезишнинг функционалми ёки организми бузилганлигини фарқлаш методи; бемор кўзини юмган ҳолатда икки қўли билан тангани пайпаслаганида сезиш органик бузилганда — гипестезияда зарарланган томонда танга кичикроқ, сезиш функционал бузилганда — гипестезияда танга каттароқ ёки одатдаги ўлчамда туюлади.

Рус. Монетная проба.

Танглай болиши — қаттиқ танглайдаги ўрта танглай чокига тўғри келадиган доимий бўлмайдиган суяк дўнглиги.

Рус. Нёбный валик.

Танглай ёйлари — олд томондан ва ортдан муртак (бодомчасимон) чуқурчалари билан чегараланувчи томоқ ён

деворларидаги шиллиқ парданинг бир жуфт вертикал — тик бурмалари; улар **танглай-ҳалқум ёйи** ва **танглай-тил ёйи** (қ.)га тавофут қилинади.

Рус Нёбные дужки.

Танглай кўтариш — *халқ табобатида* — бола йиқилганида, шикастланганида кўрсаткич бармоқ билан дарҳол унинг танглайини кўтариб, яъни юқорига босиб қўйиш; шундай қилинганда кўрқувдан пастга тушиб қолган ёки тушиброқ турган, бўшашиб, нафас олишни тўсиб қўйиши мумкин бўлган танглайнинг олди олинади; бу муолажанинг бола руҳига ижобий таъсири беқиёс.

Рус. Поднятие нёбы.

Танглай-тил ёйи (син. олд танглай ёйи) — юмшоқ танглайдан бошланиб тил илдининг ён юзаси бўйлаб давом этувчи ва олд томондан муртак (бодомчасимон) чуқурчаси билан чегараланувчи томоқ ён деворидаги шиллиқ парда бурмаси; унинг бағрида танглай-тил мушаги жойлашган.

Рус. Нёбно-язычная дужка; син. нёбная дужка передняя.

Танглай-ҳалқум ёйи (син. ортки танглай ёйи) — юмшоқ танглайдан бошланиб ҳалқум ён девори бўйлаб давом этувчи ва ортдан муртак (бодомчасимон) чуқурчаси билан чегараланувчи томоқ ён деворидаги шиллиқ парда бурмаси; унинг бағрида танглай-ҳалқум мушаги жойлашган.

Рус. Нёбно-глочочная дужка; син. нёбная дужка задняя.

Таносил қалпоғи — суннат қилинмаган эркаклар (болалар) жинсий олатининг, аёллар тилиғи — клиторининг бошчасини ёпиб қоплаб турувчи эт — дупликатура.

Рус. Крайняя плоть.

Тарантуллар — қ. **Ўргимчак бийлар**.

Тарбият — *тиббиётда* — «тарбия» сўзи ифодалаган маънолардан биттаси — беморни парвариш қилиш, боқиш мазмунини англатувчи лексема; оғзаки нутқда, халқ орасида кўпроқ ишлатилади.

Рус. Уход.

Тарзал пластинка — қ. **Қовоқ тоғайи**.

Таркибан ва миқдоран расо овқатланиш (ёки овқат) — миқдоран оптимал (организмнинг физиологик эҳтиёжига мувофиқ келадиган), таркибан ҳар жиҳатдан расо овқатланиш (ёки овқат).

Рус. Сбалансированное питание.

Таргил катта буйрак — ҳажм ва вазни катталашган буйрак; кесиб кўрилганда пўстлоқ моддаси кенгайган, аниқ чегараланган майда сариқ-кулранг доғлари бор, мия моддаси қонга

тўлган, қизил тусда бўлади; ним ўткир гломерулонефритнинг морфологик белгиси.

Рус. Большая почка пёстрая.

Тасаввур — *психологияда* — илгариги таассуротлар ёки фаразлар асосида мияда нарсас-ҳодисалар образини гавдалантириш.

Рус. Представление.

Тасаввур қилиш — илгариги тажрибалар асосида янги образлар ва ғояларнинг руҳан шаклланиш жараёни.

Рус. Воображение.

Тахир — *таъм* — оғизда (тилда) сезиладиган, оғиз шиллиқ қаватини буруштириб қўядиган какра маза; бунда — оғиз, аксари, қуриб туради; айрим озиқ-овқат маҳсулотлари, дори моддалар шундай маза беради; баъзи касалликларда, мас., гепатитда оғиз шундай тахир бўлиб туради.

Русчада «тахир» лексемасининг айна шундай эквиваленти йўқ.

Рус. Горький.

Ташқи бурун — буруннинг ташқаридаги суяк ва тоғайлардан тузилган, усти тери билан қопланган қоядек қисми.

Рус. Наружный нос.

Т а ш қ и к ў з ў қ и — қ. **Кўрув ўқи.**

Ташқи тўсиқлар — атроф-муҳитнинг зарарли таъсирларидан организмни ҳимоя қилувчи морфологик структураларининг умумий номи; буларга тери, нафас аппарати, овқат ҳазм қилиш аппарати, жигар, буйрак, ретикулоэндотелиал системалар киради. (Ички тўсиқлар — қ. II ж.).

Рус. Внешний барьер.

Ташқи қулоқ — қулоқ супраси билан ташқи эшитув йўлагидан тузилган даҳлиз-чиганоқ аъзосининг бир қисми; товуш қабул қилувчи, товуш ўтказиб берувчи ва ҳимоя вазифаларини ўтовчи хусусиятга эга.

Рус. Наружное ухо.

Таъсир бирлиги (ТБ) — объектив равишда қайд қилинадиган муайян физиологик ёки шунга мувофиқ равишда терапевтик эффект берадиган ва дозалашда ўлчов сифатида қабул қилинган биологик актив модда ёки дори восита дозаси.

Рус. Единица действия (ЕД).

Таъсирланган меъда (син. *гипермотил меъда*) — перистальтикаси кескин кучайган ва контраст моддалардан тезроқ озод бўлиш (бўшатиш) тараддудига тушган меъда; яра касаллиги ва айрим гастрит хиллари, заҳарланиш кабиларнинг рентгенологик белгиси.

Рус. Раздражённый желудок; син. гипермотильный желудок.

Таъсирланиш — физиологияда — тўқима ва аъзоларнинг таъсирловчига нисбатан жавоб реакцияси.

Рус. Возбуждение III.

Таъсирланишлик III — физиологияда — нерв, мушак ва без тўқималарининг таъсирловчиларга қўзғалиш реакцияси билан жавоб бериш лаёқати.

Рус. Возбудимость.

Таъсирловчи — изоҳи I ж. да — қ.

Рус. Раздражитель.

Адекват т. — қ. *Специфик т.*

Бўсаға таъсирловчи — ўрганилаётган метод чегарасида минимал реакция келтириб чиқара оладиган катталикдаги таъсирловчи.

Рус, Пороговой р.

Вазият т. — специфик таъсирловчи билан тегишли биологик тузилманинг ўзаро таъсир кўрсатувчи носпецифик таъсирловчи.

Рус. Обстановочный р.

Интероцептив т. — **интероценторлар** — ички аъзолардан келаётган ахборотларни идрок қилишга ихтисослашган нерв охирлари (учлари) (қ. II ж.)нинг специфик таъсирловчиси.

Рус. Интероцептивный р.

Нимбўсаға т. — бўсаға таъсирловчи катталигидан кичик катталикдаги таъсирловчи.

Рус. Подпороговой р.

Ноадекват т. — *Носпецифик т.*

Носпецифик т. (син. ноадекват т.) — муайян биологик тузилмага таъсир этувчи, аммо уни идрок қилишга махсус мослашмаган таъсирловчи.

Рус. Неспецифический р.; син. неадекватный р.

Ноцицептив т. — қ. *Оғриқ т.*

Оғриқ таъсирловчи (син. ноцицептив т.) — оғриқни сездирувчи специфик таъсирловчи.

Рус. Болевой р.; син. ноцицептивный р.

Патоген т. — қ. *Патологик т.*

Патологик т. (син. патоген т.) — тўқималар тузилишини шикастловчи ва организмдаги аъзо ҳамда системалар функциясини бузувчи таъсирловчи; патологик жараёнлар ва касалликлар юзага келишининг сабабчиси ҳисобланади.

Рус. Патологический р.; син. патогенный р.

Проприоцептив т. — проприоцепторларнинг специфик таъсирловчиси.

Рус. Проприоцептивный р.

Сигнал т. — қ. *Шартли т.*

Специфик т. (син. адекват т.) — биологик тузилма (рецептор)га таъсир этувчи, у билан махсус ўзаро таъсирга киришувга махсус мослашган таъсирловчи.

Рус. Специфический р.

Тактил т. — тактил (тегиниш) рецепторларининг специфик таъсирловчиси.

Рус. Тактильный р.

Таъм таъсирловчи — таъмни сездирувчи специфик таъсирловчи.

Рус. Вкусовой р.

Товуш таъсирловчи — товушни сездирувчи специфик таъсирловчи.

Рус. Звуковой р.

Устбўсага т. — бўсага таъсирловчи катталигидан катта катталикдаги таъсирловчи.

Рус. Надпороговой р.

Фавқулот т. — таъсири организмнинг ҳимоя-мослашув механизмларини мобилизация қилувчи, аммо касаллик келтириб чиқармайдиган таъсирловчи.

Рус. Чрезвычайный р.

Шартли т. (син. сигнал т.) — шартли рефлексни юзага келтирувчи таъсирловчи.

Рус. Условный р.; син. сигнальный р.

Шартсиз т. — **шартсиз рефлекс** (қ. III ж.)ни юзага келтирувчи таъсирловчи.

Рус. Безусловный р.

Экстероцептив т. — экстероцепторларнинг специфик таъсирловчиси.

Рус. Экстероцептивный р.

Ҳид т. — ҳидни сездирувчи специфик таъсирловчи.

Рус. Обонятельный р.

Тақим — *анатомияда* — болдир-сон букими; тизза орти соҳаси.

Рус. Место сгиба ноги у колена.

Тақим мушаги — болдир-сон букими соҳаси мушаги ҳисобланиб, тиззани букиш ва уни ички томонга буриш функцияларини бажаради.

Рус. Подколенная мышца.

Тақим чуқурчаси — тизза бўғими ортидаги ромбасимон ботиклик; у — юқори ва ўртадан яримнай ва ярим ноғора пардасимон мушаклар, юқори ва икки четдан — сон икки асосий мушаклари, пастдан — болдир мушагининг иккала

бошчаси ва оёқ қафти мушаги билан чегараланиб туради; тўр тўқима — клетчатка билан тўлган; унда тери ости артерияси ва венаси, катта ва кичик болдир умумий нерви, лимфатик тугунлар жойлашган.

Рус. Подколенная ямка.

Тез аурисмозлар — қ. **Моддалар тўпланиш касалликлари.**

Тез ва кечиктириб бўлмас тиббий ёрдам (син. тез тиббий ёрдам — эск.) — фавкулотда оғир касалликлар ва бахтсиз ҳодисаларда уйда ёки воқеа юз берган жойнинг ўзида махсус тиббиёт муассасалари (**тез ва кечиктириб бўлмас тиббий ёрдам станцияси** (қ. II ж.) ва **тез тиббий ёрдам касалхоналари** (қ. I ж.)) фаолиятига асосланган шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил қилиш системаси.

Рус. Медицинская помощь скорая и неотложная; син. медицинская помощь скорая — эск.

Тезкор мия — *амалиётда* — фаолият жараёни ўта тез кечадиган мия; айрим одамларгагина насиб бўладиган руҳий-маънавий олий неъмат.

Бу неъмат эгалари кўп улуғ ишларга, кашфиётларга, янгиликларга, ташкилотчиликка қодир кишилардир; бошқалар ўйлаб то бир тўхтамга келгунларича, булар хулоса чиқариб бўладилар ва ҳамиша тўғри қарор қабул қиладилар; бундайлардан аксарият буюк кишилар етишиб чиқади; бордию, бу даражада истеъдодга эга бўлмасалар, барибир, улар серҳаракат, серғайрат бўлиш билан унумли, самарали, лаёқатли ишлар қиладилар.

Рус. Ускоренный мозг.

Тез-тез ичкетиш — аксарият, ичбуруғ (дизентерия)да кузатиладиган ичкетиш; бемор дамба-дам хожатга югуради, бу — бир кеча-кундузда 10—15 мартагача такрорланиши мумкин. Табиатига кўра у дастлаб оғриқсиз, кейин эса оғриқли бўлиб, борган сари оғриқ кучаяди ва кўп ўтмай кучаниш билан содир бўлади; бора-бора хожатга ўтирган билан ич келмайди, озгина шиллиқ, йиринг, қон аралаш ялқув тушади; буни одатда ичбуруғни даволаш билан бартараф этилади.

Рус. Частый понос.

Тез тиббий ёрдам — эск. — қ. **Тез ва кечиктириб бўлмас тиббий ёрдам.**

Текшириш — *тиббиётда* — 1. **Беморни текшириш** — қ. I ж.

Рус. Обследование.

2. **Ажралмаларни текшириш** — бемор ажратган сийдиги, нажаси, балғами ва б. хилтлари, шунингдек, қонини макро-

скопик (кўз билан), микроскопик (микроскоп остида), кимёвий, бактериологик текшириш, таҳлил қилиш, ўрганиб чиқиш ва б. жараёнларни ўз ичига олади; **Капрологик текшириш** (қ. III ж.) ҳам шунга киради.

Рус. Исследование.

Тентаклик — қийшанглаш, афт-башарани бужмайтириш, истеҳзоли, ўринсиз кулиш, ярашмайдиган қилиқлар, суюқ ҳазиллар қилиш билан юзага чиқадиган ахлоқ бузилиши; шизофрения, маниакал-депрессив ва органик психозга учраган кишилар хулқ-атворида кузатиладиган ҳодиса.

Рус. Дурашливость.

Тепкили соҳалар — уч шохли нерв невралгиясига чалинган беморларнинг лаблари, бурун-лаб бурмалари, бурун қанотлари ва қошларига сал тегилганда оғриқ туриши, қаттиқ босилганда эса оғриқ хуружи пасайиши қайд қилинади.

Рус. Курковые зоны.

Терига ботган мўйлар — учи терига ботиб кирган мўйлар; эркалар соқолини олиб тери-мўйларни муттасил шикастлашлари оқибатида келиб чиқадиган ҳодиса.

Рус. Вросшие волосы.

Тери ички синамаси — аллергияни тери бағрига юбориб ўтказилган тери аллергия синамаси.

Рус. Внутри кожная проба.

Терини реплантация қилиш — қ. **Терини қайта тиклаш**.

Терини қайта тиклаш (син.: Красовитов тери пластикаси, терини реплантация қилиш) — йиртилиб чиққан ёки кўчиб кетган кенг барли тери парчаларини кунт билан авайлаб тери ости клетчаткалари — тўр тўқималаридан тозалаб сўнг қайта бор жароҳат юзасига ёпиб-ёпиштириб қўйишдан иборат тери нуқсонини бартараф этиш муолажаси.

Рус. Реплантация кожи; син. кожная пластика красовитова.

Тери сўрғичли қавати — илвираган, толали бириктирувчи тўқимадан ҳосил бўлган, бевосита эпидермис остида жойлашган дерма қавати; у — эпидермис билан чегараланган жойда конуссимон ўсиқчалар — сўрғичларга эга; 1 мм² да 200 тадан 400 тагача сўрғич бўлади; уларнинг баландлиги: сут без учи соҳасида 200 мкм, юзда 300 мкм.

Рус. Сосочковый слой кожи.

Тери тўрсимон қавати — сўрғичсимон қават остида жойлашган, шаклланмаган зич бириктирувчи тўқимадан ҳосил бўлган тери қавати.

Рус. Сетчатый слой кожи.

Тери шохи (син.: акрохордон, Унн фиброкератомаси, шохли кератома) — конуссимон ёки чизиксимон қора-хира тузилма кўринишидаги ясси хужайрали хавфсиз ўсма; зич шохли (мугузли) массадан ташкил топган; аксари ҳолларда баданнинг очиқ териларида учрайди.

Рус. Кожный рог; син.: акрохордон, роговая кератома, фиброкератома Унны.

Тери қичиши — *касалликсиз* — терида кун кўриб келаётган, миллионлаб нопатоген (камдан-кам патоген) микроорга­низмларнинг уни кемириши, емириши, токсин (заҳар)лари билан таъсирлашидан юзага келадиган субъектив сезги.

Одам гавдаси бир бутун ҳолда минглаб, миллионлаб кўз илғамас тирик жонзотлар — микроорганизмлар учун тирикчилик манбаи, ҳаёт манбаи. Бош-оёқ ювинганда уст­бошдан тушган бу жонзотларни электрон микроскопда кўрилганда эди — даҳшатга тушган бўларди, инсон. Агар биз уларни кўлда боқиб юрган ҳайвонлардек тасаввур қиладиган бўлсак, улар оламга сифмас эди. Тез-тез ювиниб юришни англа — одам!

Тер йўли — тери юзасига очиладиган тер безларнинг чиқарув йўли.

Рус. Потовый проток.

Терлоқ одам — қ. **Терчил одам**.

Терлоқ қўл — қ. **Терчил қўл**.

Терчилаш — *тиббийётда* — 1. Сиртга урган тердан баданнинг намиқиб туриши; муздек тер босиш.

Рус. Запотеть.

2. Деворга ўтирган иссиқ буғдан томчилар ҳосил бўлиши.

Рус. Влажнеть.

Терчил одам (син. терлоқ одам) — салга терлайдиган (терлаган), доим терлаб юрадиган (юрган) одам; вегетатив нерв системаси функцияси барқарор бўлмаган одамларда кузатилади.

Рус. Запотевший человек.

Терчил қўл (син. терлоқ қўл) — кафти доим намиқиб юрадиган қўл; вегетатив нерв системаси функцияси барқарор бўлмаган одамларда кузатилади.

Рус. Запотевшая (-ие) рука (-и).

Тешик — *анатомияда* — ичи бўш, кавак аъзо ҳамда тузилма кабиларга кириш оғзи.

Рус. Отверстие.

Тиббийёт билим юрти — фельдшерлар, акушерлар, санитария фельдшерлари, лаборант-фельдшерлар, ҳамши-

ралар, тиш врачлари ва тиш техниклари тайёрлайдиган ўрта тиббий ўқув юрти.

Рус. Медицинское училище.

Тиббиёт маорифи — тиббиёт кадрларини тайёрлаш ва малакасини ошириш системаси.

Рус. Медицинское образование II.

Тиббиёт саноати — тиббиётга оид маҳсулотлар: дори воситалар, боғлов ашёлари, тиббиёт асбоблари, аппаратлари, приборлари, жиҳозлари ва б. лар ишлаб чиқаришга ихтисослашган индустрия соҳаси.

Рус. Медицинская промышленность.

Тиббиётчи — қисман назарий, асосан амалий фаолият билан шуғулланиб келаётган мутахассис-врач, фельдшер, ҳамшираларнинг умумий номи.

Рус. Медик II.

Тиббий анжомлар захираси — *ҳарбий тиббиётда* — ҳарбий қисмлар, кўшилмалар ва тиббиёт муассасаларини тиббий анжомлар билан узлуксиз таъминлаб туришга мўлжаллаб олдиндан тайёрлаб кўйилган ва сақлаб келинаётган заҳира.

Рус. Запас медицинского имущества.

Тиббий ёрдам кечиктириб бўлмас тадбирлари — бемор (шикастланган одам)ни ҳаётига хавф солаётган ҳолатдан чиқариб олиш мақсадида тиббий эвакуациянинг ҳар қандай босқичида зарурият туғилган заҳотиёқ жиддий даво тадбирларини кўриш чоралари.

Рус. Неотложные мероприятия медицинской помощи.

Тиббий ёрдам кўрсатмаслик — бемор (шикастланган одам) ҳаётига ва саломатлиги хавф остида қолганида тиббиёт ходимининг унга ёрдам беришдан бош тортиши профессионал жиноят ҳисобланади.

Рус. Неоказание медицинской помощи.

Тиббий жиноят — жамиятга хавф келтирувчи, ўз кирди-корлари билан жинойи жавобгарликка тортилувчи, жиноят кодексида кўрсатилган қандайдир жиноят белгилари ўз аксини топган тиббиёт ходимининг касбига ёки касби-мансабига доир жиноятлари (хатти-ҳаракатлари ёки қилмишлари).

Рус. Медицинское преступление.

Тиббий жиҳозлар — *ҳарбий тиббиётда* — ҳарбий-тиббиёт хизмати томонидан шикастланиш ва касалланишларнинг олдини олиш ва диагноз қўйиш, шикастланганлар ва касалланганларга тиббий ёрдам кўрсатиш, даволаш, уларни парвариш қилиш, шунингдек, тиббиёт бўлинмалари, қисм-

лари, муассасаларини таъминлашга лозим бўлган жиҳозлар, ашёлар мажмуи.

Рус. Медицинское имущество; син.: медико-санитарное имущество — эск.

Жорий таъминот т. ж - лари — қ. Умумий ишларга ишлатиладиган т. ж.

Инвентар т. ж. — ишлатиш мобайнида эскириб, ишдан чиқадиган, эксплуатация ва таъмирлаш муддати бўлган ва категорияси бўйича ҳисобда турадиган: приборлар, аппаратлар, асбоб-ускуналар ва б. ларни ўз ичига олувчи тиббий жиҳозлар.

Рус. М. и. инвентарное.

Махсус ишларга ишлатиладиган т. ж. — шикастланганлар ва касалларга тиббий ёрдам кўрсатиш ва даволашда кўплаб ишлатиладиган ҳамда сарфланадиган, номенклатураси қисқартирилган тиббий жиҳозлар.

Рус. М. и. специального назначения.

Сарфланадиган т. ж. — ишлатиб қайтарилмайдиган (дори-дармонлар, бактерияли препаратлар, реактивлар ва б. лар), шунингдек, оз вақт ишлатилгандаёқ яроқсиз аҳволга келиб қоладиган (жарроҳий қўлқоплар, игналар, лаборатория идишлари ва б. лар) тиббий жиҳозлар.

Рус. М. и. расходное.

Умумий ишларга ишлатиладиган т. ж. (син. ж о р и й таъминот т. ж - лари) — қўшинларни тиббий таъминлаш жараёнида ҳар куни ишлатиладиган тиббий жиҳозлар.

Рус. М. и. общего назначения; син. м. и. текущего снабжения.

Тиббий кенгаш — соғлиқни сақлаш бўлими (ёки бошқармаси) қошидаги консультатив кенгаш берувчи ташкилот; у — тиббий ёрдамнинг энг актуал масалаларини кўриб чиқади, соғлиқни сақлашнинг илмий-тадқиқот ва амалий фаолиятларини мувофиқлаштириб боради.

Рус. Медицинский совет.

Тиббий кўрик (син. профилактик тиббий кўрик) — аҳоли, унинг турли хил гуруҳлари, ишлаб чиқариш ва ўқув юртлари жамоалари ёки алоҳида кишиларнинг соғлиғини кўздан кечириш ҳамда касалланганларни барвақт аниқлаш мақсадида тиббий текширувдан ўтказиш; унинг *Вақтли Т. к.*, *Мақсадли Т. к.* ва *Дастлабки Т. к.* деб аталувчи турлари мавжуд.

Рус. Медицинский осмотр; син. медицинский осмотр профилактический.

Тиббий маданият — шахсий, ижтимоий, меҳнат, овқатланиш ва б. гигиеник талаб ва нормаларга, мезон ва қоидаларга риоя этиш, бадантарбия ва соғломлаштириш кўникмаларини эгаллаш, соғлом турмуш, маданий ҳаёт тарзига эга бўлиш, дори-дармон ва муолажа қабул қилишларни билиш, тиббиётдан озми-кўпми хабардор бўлиш, ҳар ерда, ҳар қачон ўзни тута билиш ва хушчақчақ юриш кабиларни ўзида мужассам этган тиббий талаблар мажмуи.

Рус. Медицинская культура.

Тиббий маълумот — врач ёки ўрта тиббий ходим учун зарур бўлган билим ва малакалар мажмуи.

Рус. Медицинское образование I.

Тиббий таъминот I — амалда — даволаш-профилактик, санитария-эпидемиологик, тиббиёт илмий-тадқиқот муассасаларини, тиббиёт ўқув юртларини режа асосида турли тиббий воситалар билан таъминлаб турувчи, шунингдек, дорихона тармоқларини дори воситалар, боғлов материаллари, приборлар, аппаратлар, асбоб-ускуналар ва тиббиёт соҳасида ишлатиладиган бошқа ашёлар билан таъминлаб борувчи тадбирлар системаси.

Рус. Медицинское снабжение.

Тиббий таъминот II — ҳарбий тиббиётда — ҳарбий хизматчилар соғлигини сақлаш, қўшинларнинг санитария-эпидемиология аҳволини қувватлаб туриш, шикастланганлар ва касалларга ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатиш, уларнинг жанговар лаёқатини тезроқ тиклаш мақсадида эвакуация қилиш ва даволаш бўйича барча ишларни амалга оширишга қаратилган тадбирлар мажмуи.

Рус. Медицинское обеспечение; син. санитарное обеспечение — эск.

Тиббий тахлам — сақлаш ва транспортда жўнатишга мўлжаллаб махсус идиш (тара)га жойланган тиббий жиҳозлар тўплами.

Рус. Медицинская укладка.

Тиббий текширув — *экспертизада* — ҳарбий-тиббий ва б. экспертиза мақсадларида ўтказиладиган текширувлар.

Рус. Освидетельствование.

Тиббий фирибгарлик — беморни даволаётганда гаразли мақсадда шифокорларни гирт ёлғон-яшиқлар билан алдаш; лўттибозлик қилиш.

Рус. Медицинское шарлатанство.

Тиббий хабар — ҳарбий тиббиётда — тезкор ҳарбий тиббий ҳисобот ҳужжати; унинг *Фавқулодда Т. х., Тезкор Т. х.* деб аталувчи турлари мавжуд.

Рус. Медицинское донесение.

Тиббий хизмат бошлиғи — ҳарбий қисм, қўшилма, бирлашма ёки объект, шаҳар, туман ва б. лар фуқаролар мудофаасининг тиббий хизматини бошқариб борувчи мансабдор шахс.

Рус. Начальник медицинской службы.

Тиббий ҳуқуқбузарлик — тиббиёт ходимлари томонидан касб бурчларига хилоф равишда жорий қилинган қонун ва махсус инструкция қоидаларини бузишлик.

Рус. Медицинское правонарушение.

Тиббиал иситмаси — қ. **Хандақ иситмаси**.

Тибшунос — **тибшунослик** (қ.) илмини ўзига касб қилиб олган, уни ўрганувчи ва тадқиқ қилувчи мутахассис, олим; у касал боқмайди, амалий ишлар билан шуғулланмайди; назарий-илмий тадқиқотлар унинг иш-фаолияти саналади; ҳозир бундай касб яхлит ҳолда қарор топмаган.

Тибшунос — тиббиёт фанининг назарий ҳамда амалий йўналишлари билан шуғулланувчи, касаликлар ва уларнинг олдини олиш бўйича илмий-тиббий тадқиқот ишлари олиб борувчи, шунингдек, тиббиёт илми равнақи йўлида хизмат қилиб келаётган барча тиббиёт ходимлари; унинг касби **Тибшунослик** (қ.). **Шифокор** хусусида қ. I ж.

Тибшунослик I — инсонлар соғлиғини мустаҳкамлаш, сақлаш, умрини узайтириш ва фаровон қилиш, касалликларнинг олдини олиш ва улардан ҳимоялаш, даволаш ва соғлиқни тиклашга қаратилган барча илмий-назарий, илмий-амалий фаолиятни ўрганувчи, тадқиқ қилувчи фан; унинг тиббиёт фанидан фарқи — тибшунослик касал боқмайди, амалий ишлар билан шуғулланмайди; назарий-илмий тадқиқотлар унинг мавзусидир; ҳозир — бундай фан яхлит ҳолда қарор топмаган.

Тибшунослик II — тиббиёт фанининг назарий ҳамда амалий йўналишлари билан шуғулланиш, касалликлар ва уларнинг олдини олиш бўйича илмий-тиббий тадқиқот ишлари олиб бориш, шунингдек, тиббиёт илми равнақи йўлида хизмат қилиш касби; касб эгаси **Тибшунос** (қ.).

Тиззали тана — метаталамусни ташкил қилувчи оралиқ миянинг болишсимон тузилмаларининг умумий номи; у — *Латерал т. т.* ва *Медиал т. т.* га тавофут қилинади.

Рус. Коленчатое тело.

Тизза-товон синамаси — ҳаракат координациясини текшириш методи; бунга кўра беморни чалқанчасига ётқизиб унга бир оёғининг товони билан иккинчи оёғи болдирининг олд юзасини тиззадан панжагача тегизиб юргазини таклиф

қилинади; **атаксия** (ҳаракат бузилиши, қ. II ж.) бўлса мазкур ҳаракатни бажариб бўлмайди.

Рус. Коленно-пяточная проба.

Тиззача — *анатомияда* — айрим жузий тузилмалар, аъзоларнинг букилган ери; букилмаси; **ганглия тиззачаси**, **мия моддасидаги юз нерви тиззачаси**, **юз нерви канали тиззачаси** ва б. лар шулар жумласидандир; қиёсланг: I ж. **Тизза**.

Тизза қопқоғи — тизза бўғими соҳасида болдирнинг тўрт бошли мушаги пайларида жойлашган сесамсимон суяк.

Рус. Надколенный.

Тизза қопқоғи ости ёғ таначаси — тизза қопқоғи билан катта болдир суяги оралиғида тизза бўғимининг синовиал пардаси устида тўпланган ёғ тўқима.

Рус. Поднадколенное жировое тело.

Тикан (син. **тиканак**) — ўсимлик, ҳайвон ва нарсаларнинг учи ўткир аъзоси ёки ўсиғи; териға кирганда ачиштириб оғритади; баъзи турлари қаттиқ ачиштиради, оғритади; яна баъзилари заҳарли бўлиб, турли хил асоратлар қолдиради; ўз вақтида суғириб олиб ташланмаса терини яллиғлантириб, йиринглашиб юборади.

Рус. Колючка, щип.

Тиканак — қ. **Тикан**.

Тикансимон мўйлар — қош ва киприкларни шакллантирган, бурун ҳамда ташқи эшитув йўлағида жойлашган қисқа, йўғон, пигментланган мўйлар.

Рус. Щетинистые волосы.

Тикансимон тиш — тиш (-лар) тожи тикан ёки пона шаклида бўладиган тиш (-лар); ривожланиш нуқсони.

Рус. Шиповидные зубы.

Тикланиш даври — *меҳнат физиологияси ва спортда* — иш ёки жисмоний машқни бажариб бўлгандан кейин организм функцияси дастлабки ҳолатга қайтиш даври.

Рус. Восстановительный период в физиологии труда и спорта.

Тил — изоҳи I ж. да.

Бурмали т. — юзаси бурма бўлиб турган тил; Мелькерсон-Розентал синдромида, акрамегалияда кузатиладиган белги.

Рус. Складчатый я.

Ичтерлама т-ли — танаси йўғонлашган, юзасини кулрангнамо-оқ караш боғлаган, учи ва ён томонлари тоза қизил ва тиш излари тушиб қолган тил; ичтерламанинг дастлабки диагностик белгиси.

Рус. Тифозный я.

Йўлбарс йўлли т. — усти бўйлама ва кўндалангига қорамтир йўллар билан тарам-тарам бўлиб турган қуруқ караш боғлаган тил; оқ алаҳлаш касаллиги белгиси.

Рус. «Тигровый» я.

Карашлаган т. — юзаси оқиш-кулранг тусга кирган тил; кўпгина меъда-ичак касалликлари, иситма кўтарилган ҳолларда кўриладиган белги.

Рус. Обложенный я.

Фулигиноз т. — юзасини тўқ жигарранг ёки қора караш боғлаган қуруқ тил; оғир иситмаларда кузатиш мумкин.

Рус. Фулигинозный я.

Қирмизи қизил т. — юзаси ялтираб турувчи силлиқ қирмизи қизил тил; сўрғичлари атрофиялашиб кетганлигидан шу ҳолга келган; меъда раки, сурункали колитлар, пеллагра, **чиллашир** (қ. I ж.) каби касалликлардан дарак берувчи белги.

Рус. Лакированный я.

Тил илдизи — ҳалқумга қараган тил ортки қисми.

Рус. Корень языка.

Тиллиқ бошчаси — тиллиқнинг кичик уятлиқ лаблар оёқчалари оралиғига қамалган олд қисми.

Рус. Головка клитора.

Тиллиқ каверноз танаси — қ. **Тиллиқ форсимон танаси**.

Тиллиқ тизгини (ик. номи **Клитор тизгини**) — кичик уятлиқ лаблар олд охирларини тиллиқ (клитор)нинг пастки юзаси билан тугаштириб турувчи тери бурмаси.

Рус. Уздечка клитора.

Тиллиқ форсимон танаси (син. тиллиқ каверноз т а н а с и) — тиллиқ — клитор таркибига кирувчи эркак олати форсимон танасига ўхшаш анатомик тузилма.

Рус. Пещеристое тело клитора; син. кавернозное тело клитора.

Тил — меъда кўзгуси — меъда (ошқозон)нинг ҳар қандай яллиғланиши — **гастрит** (қ. II ж.)нинг (ярасининг ҳам) тилда акс этиши; бунда — тил кўриниши касаллик табиатига қараб ўзгариб, оқ, оқиш-кулранг, занг ранг караш билан қоплатиб туради; овқат ҳазм қилиш системасига алоқадор бошқа аъзоларнинг айрим касалликларида ҳам буни кузатиш мумкин, албатта.

Рус. Язык — зеркало желудка.

Тил ости бурмаси — оғиз бўшлиғи тубидаги тил ва пастки жағнинг ички юзаси оралиғидаги тил ости сўлак беги жойлашган ерга тўғри келувчи узунчоқ дўнглик.

Рус. Подязычная складка.

Тил ости соҳаси — тил ости суяги пастидаги бўйин олд соҳасининг бир қисми.

Рус. Подподязычная область.

Тил ости синамаси — аллергия диагностик синама; бунга кўра тил остига **аллерген** (қ. II ж.) киритиб, сўнг аллергия реакциянинг қанчалик кучли ёки кучсизлигига баҳо берилади; аксари, дори аллергияларни текшириб кўришда шу синамадан фойдаланилади.

Рус. Подязычная проба.

Тил ости сўргичи — оғиз тубидаги тил тизгинининг ён томонларидан кўтарилиб чиққан бир жуфт дўнглик; унга пастки жағ ости ҳамда сўлак безларнинг катта тил ости йўллари очилади.

Рус. Подязычный сосочек; син. подязычное мясо.

Тил ости чуқурчаси — пастки жағ танасининг ички юзасида унга тил ости беzi ёндошган ердаги ботиқлик.

Рус. Подязычная ямка.

Тил сўргичлари — тил шиллиқ пардасидан кўтарилиб чиққан ўсиқчалар; у — турли хил сезги рецепторларига, шу жумладан, таъм рецепторларига эга.

Рус. Сосочки языка.

Тил тўсиғи — тил юзасининг ўртасида вертикал — тик жойлашиб уни симметрик равишда иккига бўлиб турувчи бириктирувчи тўқимали юпқа пластинка; анатомик жиҳатдан бу тўсиқ одамда яхши ривожланмаган.

Рус. Перегородка языка.

Тилҳимояқилғич — пастки катта ва кичик илдизли тишлар (**молярлар** ва **премолярлар** — қ. II ж.)ни арралаётганда — йўнаётганда тил ва лунжни ҳимоя қилиб туришга мўлжалланган куракчасимон асбоб.

Рус. Языкозащитник.

Тиндиргич — суюқликларни таркибидаги осилма аралашмалардан тозалаш мақсадида қурилган иншоат; бу — суюқликдаги аралашмаларнинг оғирлик кучи таъсирида чўкишига асосланган; табиий ва оқова сувларни тозалаш системаларида қўлланилади.

Рус. Отстойник.

Тиниқиб уйғониш — мия уйқуга тўйиб, обдан дам олиб, роҳат топиб, уйғониш жараёни, яъни мия пўстлоғи тормозланиши нормал физиологик уйғониб қўзғалиш билан алмашиниб бўлганда ҳис қилинадиган уйқудан тўйиб туриш ҳолати; бунда — мусаффо ҳаво, ёқимли иқлим, осуда шароит бағоят катта роль ўйнайди.

Тиниқ ўпка (син. ёруғ ўпка) — нафас олганда ҳам, чиқарганда ҳам рентген нурлари таъсирида ўпка майдонининг одатдан ташқари тиниқ кўриниши; ўпка эмфиземасининг рентгенологик белгиси.

Рус. Прозрачные лёгкие; син. светлые легкие.

Тип¹ — *систематикада* (қ. I ж.) — зоологияда қариндош синф (қ.)ларни бирлаштирувчи олий таксономик категория (қ. III ж.).

Рус. Тип.

¹ Тип — таксономик категорияга мансуб бўлганлиги боис шу жилда ҳам бериб кетишни лозим кўрдик (яна қ. II ж.).

Тиришишга қарши воситалар (син. антиконвульсив воситалар) — келиб чиқиши ҳар хил бўлган тиришиш, тортишишларда ишлатиладиган дори воситалар; қоқшол, эклампсия, захарланишларда юзага келадиган тиришишларда айниқса яхши ёрдам беради; бензобамил, бензонал, гексамидин, дифенин, карбамазепин, клоназепам, метиндион шулар жумласидандир.

Рус. Противосудорожные средства; син. антиконвульсивные средства.

Тирнаш синамаси — бемор қўл панжасини орқаси билан столга қўйиб иккинчи бармоқ тирноғи билан уни тирнай олмаслиги билан таърифланадиган ўрта нерв функцияси издан чиққанлигини аниқлаш методи.

Рус. Проба царापанья.

Тирноқ излари — тери қичишганда уни босиш учун қўл билан зўр бериб қичиш оқибатида тери юзасида қолган чизикли тирналишлар.

Рус. Расчёсы.

Тирноқ инкарнациялашуви — қ. **Этга ботган тирноқ.**

Тирноқ оймумаси — тирноқ пластинкаси остида тирноқ болиши тагидан олдинга мўралаб ойдек кўриниб турадиган оқтирноқ илдизининг бир қисми.

Рус. Ногтевая луночка.

Тирноқ пластинкаси — қ. **Тирноқ танаси.**

Тирноқ танаси (син. тирноқ пластинкаси) — Lamina unguis — тирноқ ўрнида яссиланган шаклда ясланиб ётган тирноқнинг асосий қисми — танаси; бир-бирига жипс ёпишган шох (муғуз) тангачалардан таркиб топган тузилма.

Рус. Ногтевая пластинка.

Тирноқ ўрни — усти ўсувчан эпидермис қавати билан қопланган бириктирувчи тўқима қавати юзаси; **тирноқ танаси** (қ.) шунга бирикиб жойлашган.

Рус. Ногтевое ложе.

Тирсак — қ. **Тирсак соҳаси**.

Тирсак соҳаси (син. **тирсак**) — елка билан билак оралигидаги соҳа; елка суяги дўнгликларини бирлаштирувчи чизикдан 2 см юқори ва 2 см пастдан чегараланган; у — олд ва ортки соҳаларга бўлинади.

Рус. Локтевая область; син. локоть.

Тирсак суяги бошчаси — тирсак суягининг юмалоқ дистал (марказдан узоқ) охири қисми; билак суягининг бўғим юзасига туташиб туради.

Рус. Головка локтевой ножки.

Тирсак чуқурчаси — олд тирсак соҳасидаги чуқурча; медиал жиҳатдан, яъни ўртадан чамбар пронатор мушаклар билан, латерал — чекка томондан елка-билак мушаклари билан, юқоридан — елка мушаклари билан чегараланган; унда: тўр тўқималар (клетчаткалар), елка артерияси ва венаси, нерв ва лимфатик тугунлар жойлашган.

Рус. Локтевая ямка.

Тиш болиши — эмбрион ривожланиш даврининг 6–8-ҳафталарида оғиз чуқурчасига тўшаладиган эпителийнинг кўп қаватли бўртмаси; **тиш пластинкаси** (қ. III ж.) кейинчалик шу болишдан юзага келади.

Рус. Зубной валик.

Тиш бўшлиғи — *анатомияда* — ичи пульпа (қ. II ж.) билан тўлиб турадиган тишнинг ички бўшлиғи.

Рус. Полость зуба; син. зубная полость.

Тиш ёйи — тиш тожларининг ёйсимон буқилган қатори; **Юқори тиш ёйи** ва **Пастки тиш ёйи** фарқланади.

Рус. Зубная дуга.

Тиш илдизи — тиш альвеоласи — уячасида жойлашган тиш қисми.

Рус. Корень зуба.

Тиш илдизи чўққиси — тиш илдининг қон томирлар ва нервлар кириб борадиган тешикли охири.

Рус. Верхушка корня зуба.

Тиш киритмаси — қ. **Тиш қўйилмаси**.

Тиш муртаги — эмбриогенез жараёнида тиш юзага келадиган махсус мослашган тўқимали тузилма; у — тиш (эмаль) аъзоси, тиш сўрғичи ва тиш қопчасидан таркиб топган; яна қ. I ж.

Рус. Зубной зачаток.

Тишни реплантация қилиш — қ. **Тишни қайта тиклаш.**

Тишни қайта ўрнатиш (син. тишни реплантация қилиш) — суғириб олинган тишни ўз альвеоласи — уячасига қайта ўрнатиш; периодонтитни даволаш ёки тушган тишни қайта қўйишда шу муолажага мурожаат қилинади.

Рус. Реплантация зуба.

Тиш сўргичи — тиш (эмаль) **аъзоси** (қ. I ж.) ҳосил бўладиган мезенхима ўсиғи; у — кейинчалик тиш пульпасини ҳосил қилади.

Рус. Сосочек зуба.

Тиш тожи — тишнинг милк жиягидан оғиз бўшлиғига чиқиб турган қисми.

Рус. Коронка зуба.

Тиш тоши — изоҳи I ж. да — қ.

Рус. Зубной камень.

Милк усти т. тоши — тиш тожи устида ёки тиш протези сиртида ҳосил бўлган тиш тоши.

Рус. З. к. наддесневой.

Милк ости т. тоши — тиш илдизи сиртида ҳосил бўлган тиш тоши; патологик тиш чўнтаги юзага келганда пайдо бўлади.

Рус. З. к. поддесневой.

Тиш чўққиси тешиги — тиш чўққиси учига тиш илдизи каналининг тешиги; тиш ичига қон томир ва нервлар шу тешикдан киради.

Рус. Отверстие верхушки зуба.

Тиш қопчаси — тиш аъзоси атрофига йиғилган мезенхимал ҳужайралар тўплами; у — тиш муртаги пардасини ташкил қилади; Т. қ-сидан кейинчалик периодонт ва цемент юзага келади.

Рус. Зубной мешочек.

Тиш қўйилмаси (син. тиш киритмаси) — металл ёки пластмассадан ишланган тиш протези; тиш тожи бўшлиғини тўлдириш — пломбалашда ёки олинадиган ёки олинмайдиган тиш протезига таянч вазифасини ўташи учун қўлланилади.

Рус. Зубная вкладка; син. зубная вставка.

Товушдан билиш — нарса-ҳодисаларни улар чиқарган товушдан билиш, пайқаш.

Рус. Слуховой гнозис.

Товуш тўсқич — тарқаладиган товушни қисман қайтарадиган ёки уни ўз бағрига ютиб қоладиган махсус тўсиқ.

Рус. Звукоизоляция.

Тож томирлар иши етишмаслиги — юрак тож артерияси бўйлаб оқаётган қоннинг юрак мушаги — миокарднинг кислородга бўлган эҳтиёжига яраша бўлмаслиги; бу — бора-бора миокардни ёйиқ (диффуз) ёки жойли (локал) ишемияга олиб келади; у — уч хил бўлади.

Рус. Коронарная недостаточность.

Нисбий т. т. и. етишмаслиги — юрак тож артерияси меърида ишлаб тургани ҳолда юрак мушаги — миокарднинг гипертрофияланиши (катталашиши) туфайли келиб чиққан тож томирлар иши етишмаслиги.

Рус. К. н. относительная.

Сурункали т. т. и. етишмаслиги — юрак тож артерияси бўйлаб оқаётган қон оқимининг секин-аста камайиб бориши туфайли келиб чиққан тож томирлар иши етишмаслиги.

Рус. К. н. хроническая.

Утқир т. т. и. етишмаслиги — юрак тож артериясининг спазмаси, тромбози ёки эмболия (қ. II ж.)си оқибатида унинг қон ўтказиши тўсатдан издан чиқиши туфайли келиб чиққан тож томирлар иши етишмаслиги.

Рус. К. н. острая.

Тож томирларни кенгайтирувчи воситалар (син. коронар дилататорлар) — юрак тож артериясини кенгайтириш ҳисобига миокарднинг қон билан таъминланишини яхшиловчи ангиангиал воситалар; эуфиллин, папаверин ва б. лар шулар жумласидандир.

Рус. Коронарорасширяющие средства; син. коронар-дилататоры.

Тозаланиш — *халқ орасида* — 1. Бошдан-оёқ ювиниб, чўмилиб, мўйлар олиниб покиза бўлиб олиш.

2. Ични сургилаб бўшатиб олиш.

3. Ҳайз тугаб, ювиниб-тараниб олиш.

Рус. Очищаться.

Тозалаш иншоатлари — *сув хўжалигида* — оқова сувларни тозалашга мўлжалланган муҳандислик иншоатлари ва санитария-техник қурилмалар.

Рус. Очистные сооружения.

Толиқтишлик — умуман, организмнинг, хусусан, физиологик система ва аъзонинг чарчаш — толиқиш хусусияти даражаси.

Рус. Утомляемость.

Толиқтиришлик — жисмоний ва ақлий ишнинг одамни чарчатадиган — толиқтирадиган хусусият даражаси.

Рус. Утомительность.

Томирлар тўри — ўзаро жуда яхши тараққий этган анастамоз томирлар билан бириккан қандайдир гавда қисми, аъзоси ёхуд тузилмасининг қон ёки лимфатик томирлари мажмуи; мас., **кўз соққаси томирли пардаси** (қ.)нинг қон томирлари қалин тўри ва б. лар.

Рус. Сосудистая сеть.

Томир-эпителиал чигал — қ. **Мия қоринчалари томир чигали**.

Томоқ тораймаси — оғиз бўшлиғи билан ҳалқум оралигидаги юқоридан — юмшоқ танглай билан, икки ёндан — танглай-тил ва танглай ҳалқум ёйлари билан, пастдан — тил илдизи билан чегараланган овқат ҳазм қилиш йўлининг торайган соҳаси.

Рус. Перешеек зева.

Томчилатиб қон қуйиш — битта-битта томчилатиб қон юбориш усули; бунда — қон томчиларининг тезлиги томчилатгич мосламасидан бошқариб турилади.

Рус. Переливание крови капельное.

Тортиб олинган фикрлар — *психиатрияда* — бемор наздида ташқи омиллар таъсирида калласидан йўқолган ва ўрнига бошқалари алмаштириб қўйилган фикрлар; Кандинский—Клерамбо синдромининг таркибий қисми.

Рус. Отнятые мысли.

Тортишиш касаллиги — иш жойида юқори ҳаво ҳарорати ва иссиқлик нурланиши (мас., иссиқ цехларда, хоналарда, жойларда) узок вақт таъсир этиши оқибатида организмда сув-туз алмашинуви ўзгариши, яъни қонда хлоридлар концентрацияси пасайиши, электролитларнинг калий томонга силжиб кетиши туфайли келиб чиққан касб касаллиги; оёқ-қўл ва тана мушакларининг оғриши ҳамда тортишишлари билан юзага чиқади.

Рус. Судорожная болезнь.

Тосбурчакўлчагич — тоснинг горизонтал кесмага нисбатан оғиш бурчагини ўлчашга мўлжалланган прибор.

Рус. Тазоугломер.

Тос камари — 1. қ. **Оёқлар камари** (I ж.).

2. Мато ва пахтадан ясалган кенг барли камар (боғич); тос суяклари синганида уни даволаш мақсадида шикастланган суякларни тортиб қўйиш учун ишлатиладиган мослама.

Рус. Тазовый пояс.

Тос кўтаргич — ётиб қолган беморни парвариш қилишда гавданинг қуйи қисмини кўтариб туришга мўлжалланган гидравлик (сувли) ёки пневмотик (ҳаволи) мослама.

Рус. Тазоподъёмник.

Тос ўлчачиқ — циркул шаклидаги сантиметрли даражаларга бўлинган, тос ташқи ўлчамларини, ҳомиланинг узунлиги ва боши ҳажмини ўлчашга мўлжалланган асбоб.

Рус. Тазомер.

Тотал перфузия — қ. *Умумий сунъий қон айланиши*.

Тош кесиш (син. литотомия) — қовуқни жарроҳий операция йўли билан очиб ундаги конкремент тошларни чиқариб олиш.

Рус. Камнесечение; син. литотомия.

Тош майдалаш (син. литотрипсия) — lithotripsy — қовуқдаги конкремент — тошларни майда бўлакчаларга парчалаб, кейин сийдик қоқини чайиш йўли билан уларни тушириб юбориш муолажаси.

Рус. Камнедробление; син. литотрипсия.

Тош ҳосил бўлиш (син. калькулёз, литиаз) — конкремент тошлар ҳосил бўлиб шаклланиш жараёни.

Рус. Камнеобразование; син.: кулькулёз, литиаз.

Тоғай пардаси (син.: перихондр, перихондрий) — пишиқ-зич толали бириктирувчи тўқимадан таркиб топган тоғайнинг бўғимдан ташқари сиртидаги парда.

Рус. Надхрящница; син.: перихондр, перихондрий.

Тоғай қиймаси — қ. **Тоғай қипиғи**.

Тоғай қипиғи (син. тоғай қиймаси) — пича иоғайнинг майдалангани; суякларда олиб бориладиган аутопластик операцияларда суяк бўшлиқларини пломбалаш (тўлдириш)да, шунингдек, суякларни ультратовуш билан бириктиришда ишлатилади.

Рус. Хрящевая стружка; син. хрящевая фарш.

Трихокинез — қ. **Буралган мўйлар**.

Трихотортоз — қ. **Буралган мўйлар**.

Тумшуксимон ўсимта — бўғим чуқурчаси яқинидаги курак юқори чеккаси ўсиғи; кичик кўкрак мушаги бирикадиган, елка-тумшуксимон мушак ва елканинг икки бошли мушаги қисқа бошчаси бошланадиган жой.

Рус. Клювовидный отросток.

Тунд — 1. *Психологияда* — қовоқлари солиқ, кўзлари норозилик маъноларига тўла, кўриниши совуқ, бадчеҳра, индамас, бузуқ кайфият.

2. *Психиатрияда* — **психопатия** (қ. II ж.) каби руҳий касалликларнинг енгил формаларида беморнинг ички тугёнлари ифодаси.

Рус. Дисгармония.

Тур — *систематикада* (қ. II ж.) — эволюцион жараённинг асосий бирлиги саналган тирик мавжудотнинг сифат

жиҳатидан белги-хусусиятларга эга бўлган шакли; кесишма-уруғланувчи организмларда тур — бу табиий шароитда ўзаро бемалол — эркин чапиша оладиган ва бунда сермахсул насл қолдира оладиган, аммо, одатда, бундай шароитда бошқа турга мансуб индивидлар билан чапишмайдиган (ёки чапишганда ҳам тўлақонли насл бера олмайдиган), жами умумий ёхуд қисман худудларга бўлинган **ареал** (қ. II ж.)ларни банд этган **индивидлар** (қ. II ж.) **популяция** (қ. II ж.)си мажмуи; асосий таксономик категория.

Рус. Вид.

Туркум — *зоологияда* — қариндош **оила** (қ.)ларни бирлаштирувчи **таксономик категория** (қ. III ж.).

Рус. Отряд.

Тур юзага келиш жараёни — генетик жиҳатдан очиқ системалар, яъни популяцияларнинг генетик жиҳатдан ёпиқ системалар, яъни популяцияларга айланиш жараёни.

Рус. Процесс образования вида.

Тур яралиши — янги биологик турлар юзага келиш жараёни.

Рус. Видообразование.

Турғунлаштирувчи танланиш — бирор бир белгининг ўзгарувчанлик доираси торайиб борадиган табиий танланиш.

Рус. Стабилизирующий отбор.

Тур ҳар хиллиги — *биологияда* — бир турга мансуб индивидларнинг шу турга кирувчи бошқа индивидлардан ўзининг морфологик, физиологик ва (ёки) экологик белгиларига кўра ўзига хос барқарор фарқланишлари билан ажраб турувчи қандайдир биологик турнинг индивидлари мажмуи.

Рус. Разновидность.

Тутамсимон мўйлар — бел ва қоринда биргина мўй фолликуласида 20—40 тагача (нобуд бўлганлари билан бирга) жойлашган мўйлар; мўйқаламга ўхшаб туради; туғма ривожланиш — мўйларнинг ўсиш нуқсони.

Рус. Пучкообразные волосы.

Тутун аралашмалари — нейтрал ёки заҳарли моддалар аралашмасидан таркиб топган, атмосфера ҳавосида турғун аэрозол ҳосил қиладиган ва шу билан тутун парда ҳосил қилиб кўриш имконидан маҳрум қиладиган ёки одамларга талофат етказадиган восита.

Рус. Дымовые смеси.

Тутунга қарши аралашма — **аналгезия** (қ. II ж.)ловчи учувчан моддалар аралашмаси; у — нафас йўллари ва кўз шиллиқ пардаларини кимёвий таъсирловчи моддаларга нисбатан сезувчанлигини пасайтиради; таъсирловчи ва ёш

оқизувчи захарли моддаларга қарши антидот — зиддизаҳар сифатида қўлланилади.

Рус. Противодымная смесь.

Тухумдон буқоғи — таркибида қалқонсимон без тўқимаси учрайдиган тухумдон тератомаси; айрим ҳолларда гипертиреоз билан кечади.

Рус. Яичниковый зоб.

Тухумдон ортиғи (син. Розенмуллер аъзоси) — ўзидан кенгроқ каналга қуйиладиган ингичка эгри-бугри каналчалар тўри; бачадон найи билан тухумдон оралигидаги бачадон кенг барли бойламида жойлашган; бирламчи буйрак йўлининг рудиментар (қ. III ж.) қолдиғи.

Рус. Придаток яичника; син. орган Розенмюллера.

Тухумдон шокиласи — бачадон найи воронкаси чеккаларидаги тухумдон устки юзасига қадар етувчи энг узун ўсимта.

Рус. Яичниковая бахромка.

Тухумдон қоққаси (син. тухумдон кириш жойи) — томирлар ва нервларнинг кириш (ўтиш) жойи ҳисобланган тухумдоннинг олд чеккаси.

Рус. Ворота яичника.

Туғма калта қизилўнгач (син.: брахиэзофагус, кўкрак меъда) — қизилўнгачнинг дистал (пастки) бўлимига меъда эпителийси тўшалган қизилўнгач; туғма ривожланиш нуқсони.

Рус. Короткий пищевод врождённый; син. брахиэзофагус, грудной желудок.

Туғма нуқсон — қ. Ривожланиш нуқсони.

Туғруқ — таърифи I ж. да — қ.

Давом этиши, нормал кечиши ва бошқариб бориш жиҳатидан туғруқ ўндан ортиқ турга тавофут қилинади.

Рус. Роды; син. родовой акт.

Бошқариб бориладиган т. — бошидан охиригача операция йўли билан ёки дори-дармонлар билан тўғрилаб бориладиган туғруқ.

Рус. Управляемые р.

Вақти етган т. — қ. Қисталанг т.

Жадал т. — I соатдан 3 соатгача давом этадиган туғруқ.

Рус. Стремительные р.

Кечиккан т. — ҳомиладорликнинг 42 ҳафталик муддатидан кейин бошланган туғруқ.

Рус. Запоздалые р.

«Куйлакли» т. — ҳомиланинг олинда келаётган қисми ҳомила пардаларига ўралган бўлиши.

Рус. Р. в. «сорочке».

Ой-кунига тўлмаган т. — ҳомиладорликнинг 28–38 ҳафталик оралиғида бошланган туғруқ.

Рус. Преждевременные р.

Патологик т. — нормал туғруқ жараёни қандайдир иллатли кечган туғруқ; мас., тос нуқсонли бўлганда, ҳомила боши ногўғри келганида, туғруқ кучлари ҳолсиз бўлганида, плацента ўз вақтида кўчмаганида кузатилади.

Рус. Патологические р.

Спонтан т. — қ. *Узича кечган т.*

Сунъий ой-кунига тўлдирилмаган туғруқ — ҳомиладорликни узиш мақсадида қандайдир ташқи таъсир орқали юзага келтирилган туғруқ.

Рус. Преждевременные р. искусственные.

Тезкор т. — 3 соатдан 5 соатгача давом этадиган туғруқ.

Рус. Быстрые р.

Узича кечган т. (син. спонтан т.) — доридармонларсиз ёки операциясиз кечиб паёнига етган туғруқ.

Рус. Самопроизвольные р.; син. спонтанные р.

Қисталанг т. (син. вақти етган т.) — ҳомиладорликнинг 39- ёки 41- ҳафталигида юзага келган туғруқ.

Рус. Срочные р.; син. своевременные р.

Туғруқ ёрдами — ҳомиладорлик, туғиш ва туққандан кейинги даврларда аёлларга кўрсатиладиган тиббий-ижтимоий ва даволаш-профилактик чора-тадбирлар мажмуи.

Рус. Родовспоможение.

Туғруқ кучлари — қ. **Туғруқ фаолияти**.

Туғруқ кучлари бўшлиғи (син. туғруқ фаолияти сустлиги) — бачадон мушакларининг етарли даражада қисқара олмаслиги; бачадон бўйнининг секин очилиши, ҳомиланинг туғруқ йўлларида меъёрида силжиб келмаслиги унинг клиник белгилари саналади; у икки хил бўлади.

Рус. Слабость родовых сил; син. слабость родовой деятельности.

Бирламчи т. к. б-ғи — туғруқ бошланишидаёқ сезиладиган туғруқ кучлари бўшлиғи.

Рус. С. р. с. первичная.

Иккиламчи т. к. б-ғи — туғруқ фаолияти меъёрида кечиб туриб бироз ўтар-ўтмас туғруқ кучлари бўшашиб қолиши; аксари, туғувчи аёл тос чаноғи ўлчами билан ҳомила ўлчами тўғри келмай қолиши оқибатида юзага келадиган ҳодиса.

Рус. С. р. с. вторичная.

Туғруқни рағбатлантириш — фармакологик, гормонал, механик ёки электр токи ёрдамида туғруқ фаолиятини сунъий кучайтириш.

Рус. Стимуляция родов.

Туғруқни рағбатлантирувчи воситалар — бачадон мушаклари қавати — миометриянинг қисқаришини кучайтирувчи ва туғруқ фаолиятини рағбатлантирувчи дори воситалар; гифотоцин, окситоцин, сферофизин бензоат, эрготамин гидротартрат ва б. лар шулар жумласидандир.

Рус. Родостимулирующие средства.

Туғруқни кўзгатиш — дори воситалар (гормонал воситалар ҳам шунга киради), электр стимулятор, механик таъсир кўрсатиш ёрдамида **туғруқ фаолияти** (қ.)ни сунъий равишда юзага келтириш усули.

Рус. Родовозбуждение.

Туғруқни ҳал этиш — туғруқ актини сунъий равишда: асбоблар ишлатиб, қўл амали билан ёки дори-дармонлар қўллаб паёнига етказиш.

Рус. Родоразрешение.

Туғруқ фалажи — аёлларда туғруқ асоратли кечганида ёпқич нерв ёки юқори думба нерви шикастланиши оқибатида юзага келувчи оёқлар фалажи ёки парези (жонсизланиши).

Рус. Родовой паралич.

Туғруқ фаолияти (син. туғруқ кучлари) — туғруқ пайтида бачадон ва қорин пресси мушакларининг ҳамкорликда қисқариши.

Рус. Родовая деятельность; син. родовые силы.

Туғруқ фаолияти сустлиги — қ. **Туғруқ кучлари бўшлиги**.

Туғруқхона — ҳомиладорлик, туғиш ва туғруқдан кейинги даврларда аёлларга тиббий ёрдам кўрсатиш ва даволаш билан шуғулланувчи даволаш-профилактик муассаса; унинг таркибига стационар ва аёллар консултацияси киради.

Рус. Родильный дом; син. роддом.

Тўймаслик очлиги — қ. **Чала оч қолиш**.

Тўла оч қолиш — сув ичиб турган ҳолда овқатланиш бутунлай тўхташидан оч қолиш.

Рус. Полное голодание.

Тўлдирувчи — *фармацияда* — ишлатилаёган дозада ҳеч қандай фармакологик таъсири бўлмайдиган, таблетка, кукунга кўшилганда тегишли оғирлик ва масса берадиган модда; буларга: крахмал, сода, натрий хлорид, қанд ва шу кабилар киради.

Рус. Наполнитель; син. разбовитель.

Тўпланиш касалликлари — қ. **Моддалар тўпланиш касалликлари.**

Тўр парда марказий чуқурчаси — сариқ доғ (тўр парда доғи) марказидаги фоторецепторлар энг кўп концентрацияланган (йиғилган) ва юза жойлашган чуқурча.

Рус. Центральная ямка сетчатки.

Тўр тўқима макони (син. клетчатка макони, фасциал макон) — қандайдир аъзолар, фасция пластинкалари, мушаклар, суяқлар билан чегараланиб турадиган қандайдир аъзолар оралигидаги тўр тўқималар — клетчаткалар тўлдириб турадиган «бўшлиқ»; унда қон томир, лимфатик томирлар, лимфатик тугунлар ва нервлар бор; баъзан патологик жараёнлар тарқаладиган йўл вазифасини ўтайди.

Рус. Клетчаточное пространство; син. фасциальное пространство.

Тўш дастаси — *тиббиётда* — тўшнинг энг кенгайган юқори қисми; унга икки ёндан ўмровлар ва дастлабки икки жуфт қовурғалар бирикиб туради; яна қ. I ж.

Рус. Рукоятка грудины.

Тўш орғи бўшлиғи (син. ретростернал бўшлиқ) — тўш билан юрак ва қон томирлар ўртасидаги оралик; шалвир бириктирувчи тўқима ва ёғ тўр тўқимаси — клетчатка билан тўлиб туради.

Рус. Загрудинное пространство; син. ретростернальное пространство.

Тўш ости бурчаги — қовурғаларнинг тўшга келиб туташган ерида қовурғалар ёйи ҳосил қиладиган бурчак.

Рус. Подгрудинный угол.

Тўш чизиги — кўкракнинг олд томонидан тўшнинг икки ёни (чети) бўйлаб вертикал ўтказилган шартли чизиқ; кўкрак бўшлигидаги аъзолар проекциясини тасвирлашда, операция қилишда шу аъзоларга йўлаш — кириб бориш усул-амалларини тушунтиришда қўлланиладиган мўлжал чизиқлар.

Рус. Грудинная линия.

Тўш-ўмров сўргичсимон соҳа — бўйиннинг икки — ўнг ва чап ён-олд томонидаги тўш-ўмров-сўргичсимон мушак билан чегараланадиган соҳа.

Рус. Грудино-ключично-сосцевидная область.

Тўқима культураси — қ. **Тўқима экмаси.**

Тўш-қовурға учбурчаги (син.: Ларрей учбурчаги, Ларрей ёриғи) — диафрагманинг қовурға қисми (томони) билан тўш оралигидаги торгина — камбар учбурчак

ёрик; диафрагманинг чин чурралари чиқиб турадиган жойлардан бири.

Рус. Грудинорребёрный треугольник; син.: треугольник Ларрея, шель Ларрея.

Тўқима суюқлиги – тўқималар оралиғини тўлдириб турувчи суюқлик; моддалар алмашинувидан юзага келган маҳсулотлар ва қондан сизиб ўтган моддалардан таркиб топган.

Рус. Тканевая жидкость.

Тўқима товуш ўтказувчанлиги (син.: суяк товуш ўтказувчанлиги - 2, тўқима ўтказувчанлиги) – калла чаноғи орқали ҳавонинг товуш тебранишларини спирал (Кортиев) аъзонинг ҳужайра рецепторларигача ўтказиб бериш даражаси.

Рус. Звукопроводимость тканевая; син. костная звукопроводимость-2, тканевая проводимость.

Тўқима экмаси (син. тўқима культураси) – одам (ёки ҳайвон) организмдан ташқарида, яъни махсус шароитда етиштирилган тўқима.

Рус. Культура ткани.

Тўқима ўтказувчанлиги – қ. **Тўқима товуш ўтказувчанлиги**.

Тўғри ичак-бачадон ботиқлиги (син.: Дуглас макони, Дуглас чўнтағи) – **париетал** (қ. III ж.) қорин парда (девори)даги ботиқлиқлик; бачадон билан тўғри ичак – дурваза оралиғида жойлашган бўлиб, икки томондан (ёндан) қорин парданинг тўғри ичак-бачадон бурмалари билан чегараланиб туради.

Рус. Прямокишечно-маточное углубление; син.: дугласов карман, дугласово пространство.

Тўғри ичак учбурчаги – қ. **Ортки чиқарув соҳаси**.

Тўғри ичак-қин орқали текшириш – кичик тосдаги ва қорин бўшлиғидаги бошқа айрим аъзоларни бимануал – икки қўллаб текшириш методи; бунинг учун бир қўлнинг битта ёки бир нечта бармоқларини қинга суқиб бошқа қўл бармоғини тўғри ичак – дурвазага киритилади ва пайпаслаш ишлари олиб борилади.

Рус. Прямокишечно-влагалищное исследование.

Тўғри ичак-қовуқ ботиқлиги – эркаларда париетал қорин парда (девор)даги ботиқлик; у – қовуқ билан тўғри ичак оралиғида жойлашган бўлиб, икки томондан (ёндан) тўғри ичак-қовуқ бурмалари билан чегараланиб туради.

Рус. Прямокишечно-пузырное углубление.

Тўғри ичак-қорин девори орқали текшириш – кичик тосдаги аъзоларни бимануал – икки қўллаб текшириш

методи; бунинг учун бир қўлнинг кўрсаткич бармоғини тўғри ичак — дурвазага суқиб иккинчи қўл бармоқларини қорин устига қўйилади ва пайпаслаш ишлари олиб борилади.

Рус. Прямокишечно-брюшностеночное исследование.

Тўғритутгич — қ. Рослагич.

У

Углевод очлиги — қ. Карбонсув очлиги.

Узилиш, ажралиш — тўқималарнинг ҳаддан ортиқ куч таъсирида тортилишидан оёқ-қўл қисмлари, аъзо, суяк бўлақларининг узилиб кетиши; механик шикастланишнинг бир хили.

Рус. Отрыв.

Узоқлаштириш (син. абдукция) — қўл ёки оёқни ёхуд кўзни гавданинг шартли ўтказилган ўрта чизигидан четга — ташқи томонга олиб кетиш — ўрта чизигидан узоқлаштириш.

Рус. Отведение; син. абдукция.

Узоқ яшаган одам (син. макробиот) — 90 йил ва ундан ортиқ умр кўрган одам.

Рус. Долгожитель; син. макробиот.

Узуксимон тоғай (син. ҳалқасимон тоғай) — ҳиқилдоқ асосида жойлашган ҳалқасимон тоғай; ҳиқилдоқ скелети таркибига киради.

Рус. Персневидный хрящ; син. кольцевидный хрящ.

Узун мўйлар — узунлиги 5 см ва ундан ортадиган, йўғонлиги 0,05—0,2 мм келадиган бош (соч), мўйлов, соқол, қов, қўлтиқ ва ташқи жинсий аъзоларнинг рангдор — пигментланган мўйлари мажмуи.

Рус. Длинные волосы.

Уйда ёрдам кўрсатиш — амбулатория-поликлиника муассасалари, диспансерлар, тез ёрдам ва кечиктириб бўлмас тиббий ёрдам станциялари ходимларининг беморга унинг уйига бориб кўрсатадиган тиббий ёрдам шакли.

Рус. Помощь на дому.

Уйқуда юз берган ўлим — ўлимнинг бу тоифаси аксарият тушда кўрилган даҳшатли нарсалардан вужуднинг ларзага келиши оқибатида юрак-томир системаси бардош беролмай ё инфаркт (қ. II ж.), ёки инсульт (қ. II ж.) бўлишдан юз беради; одам уйқонса-да овоз беришга ҳам мажболи келмай бир зумда жон таслим қилади; ҳеч қандай туш кўрмай уйқуда жон бериш юрак-томир касаллиги туфайли бўлиб, камдан-

кам учрайдиган ҳодисадир; айниқса, юрак-томир касаллиги бор одамларнинг севинчли ёки қўрқинчли туш кўришлари ҳаётлидир.

Уйқусираб туриш — мия, кўз чала уйқуда, эс-ҳуш хира, онг тормозланган, теварак-атрофдагилар, нарса-ҳодисалар англашилмайдиган, идрок қилинмайдиган аҳволда уйқудан туриш ҳолати; бир неча дақиқа тин олиб ўтириб турилса одам росмана уйғониб ўзига келади ва тез орада эс-ҳуши, онги тикланиб қарор топади; кўпроқ болаларда, ўсмир-ўспиринларда учрайдиган ҳодиса.

Уйғотиш бонги (син. уйқотиш бонги симптоми) — фақат тунда (уйқу пайтида) ёки эрталаб (саҳарда) ичкетиш; лямблиоз ва б. айрим ичак касалликларидан маълум берувчи белги; одам беҳосдан (ичак қулдирашидан) уйғониб ҳожатга югуриб қолади.

Рус. Симптом будильника.

Уйғотиш бонги симптоми — қ. **Уйғотиш бонги**.

Уйғотувчи эркалашлар (син. ҳозирлик эркалашлари) — жинсий алоқага қадар жуфтларнинг бир-бирларини руҳан (психологик) ва жисмонан (физиологик) тайёрлаш мақсадида силаб-сийпашлари, қучоқлаб ўпишлари, ширин сўзлари, эҳтиросли ардоқлашлари мажмуи.

Рус. Подготовительные ласки; син.: предварительные ласки, форшпиль.

Ультрабинафша нур етишмаслиги — қ. **Қуёш етишмаслиги**.

Ультрабинафша нур очлиги — қ. **Қуёш етишмаслиги**.

Ультратовуш (син. ультратовушли тебранишлар) — 20 кГц дан ортиқ частотали физикавий муҳитнинг ўзгарувчан (қайишқоқ) тебранишлари; одамга эшитилмайди; диагнозни оидинлаштириб олиш ва даво мақсадларида қўлланилади.

Рус. Ультразвук; син. ультразвуковые колебания.

Ультратовушли тебранишлар — қ. **Ультратовуш**.

Умумий ёғ — овқат маҳсулотлари таркибидаги ёғларнинг умумий миқдори; буни хлороформ билан метанол аралашмаси ёрдамида экстракция қилиш — ажратиб олиш орқали аниқланади.

Рус. Общий жир.

Умумий жигар йўли (син. жигар йўли) — ўнг ва чап жигар йўлчалари қўшилишидан ҳосил бўлган, шу ўнг ва чап жигар бўлақларидан ўт йиғиб келадиган ва охири умумий ўт йўлининг давомига айланиб кетадиган бош йўл.

Рус. Печёночный проток общий; син. печеночный проток.

Умумий юрак бўлмачаси (син. ягона юрак бўлмачаси) — юракнинг чап ва ўнг бўлмачалари оралигидаги тўсиқнинг бўлмаслигидан келиб чиққан тўғма юрак нуқсони.

Рус. Общее предсердие; син. единственное предсердие.

Умумий ўлишлик — касалхона ва касалхона ташқарисида муайян ҳудудда ўлганлар умумий сонининг (фоизларда ифодаланган) худди шу давр мобайнида шу ҳудудда қайд қилинган касаллар сонига нисбати; статистик кўрсаткич.

Рус. Общая летальность.

Умумий ўт йўли (син. ўт олиб чиқувчи йўл) — жигар ўт йўллари ва ўт қопи ўт йўллари қўшилишидан ҳосил бўлган ва ўн икки бармоқ ичак катта сўрғичига очиладиган жигар ташқарисидаги ўт йўли.

Рус. Жёлчный проток общий; син. желчевыносящий проток.

Умумий ўт йўли бекилиб қолиши — ўт қопида ҳосил бўлган ўт тоши — конкрементнинг умумий ўт йўлига келиб тикилиб қолишидан, камдан-кам ҳолларда, жигар ўт йўлларида келиб қолган тошлардан бекилиб қолишидан юзага келадиган ҳолат; бунда — тери ва шиллиқ пардалар сарғаяди, жигар катталашади ва ҳ.

Рус. Закупорка общего желчного протока.

Умуртқа ёйи — умуртқа танаси ортидаги умуртқанинг ёйсимон қисми; У. ё. дан қиррасимон, кўндаланг ва бўғим ўсиқлари чиқади.

Рус. Дуга позвонка.

Умуртқалараро тешик — қўшни умуртқаларнинг юқори ва пастки кемтикларидан ҳосил бўлган умуртқа поғонасининг ён юзларидаги тешик.

Рус. Межпозвоночное отверстие.

Умуртқа тешиги — муртқа танасининг ортки юзаси ва унинг ёйидан ҳосил бўлган тешик; умуртқаларнинг шу тешиклари қўшилиб умуртқа поғонасининг каналини, қисқача — умуртқа канали (қ. III ж.)ни ҳосил қилади.

Рус. Позвоночное отверстие.

Уотерхаус — Фридериксен синдроми — қ. Буйрак усти безлари пўстлоғи иши ўткир етишмаслиги.

Уретер — қ. Сийдик най.

Уриниш — *тиббиётда* — I. Бемор ё унинг аъзо ва тўқималарининг соғ пайтида ёки касалликка чалинган даврида ёхуд касалликдан кейин — тузалиш палласида бирор бир жисмоний иш, ҳаракатдан сўнг, ё бўлмаса, парҳезни бузиб қўйиш, ёқмайдиган дори қабул қилиш оқибатида, совуқ, иссиқ тегиши ва б. омиллар таъсирида уриниб қолиши.

2. Бирор бир иш, юмуш ва фаолиятга қутилмаганда киришиб, уриниб кетиш.

3. Модда ва озиқ-овқат маҳсулотларининг айний бошлаши, уриниб қолиши.

Уруғ I – қ. I ж.

Уруғ II – *биологияда* – келиб чиқиш жиҳатидан бир-бирига яқин бўлган биологик тур (қ.)ларни бирлаштирувчи **таксономик категория** (қ. III ж.).

Рус. Род.

Уруғ дўмбоқчаси – қ. **Уруғ дўнглиги**.

Уруғ дўнглиги (син. уруғ дўмбоқчаси) – эркак уретри простата қисмининг ортки девори ўртасидан кўтарилиб чиққан дўмбайма; шу дўмбайма чўққисида простата бачадончаси (халтачаси) тешиги жойлашган.

Рус. Семенной холмик; син.: горный дротик – *эск.*, куликова головка – *эск.*, семенной бугорок.

Уруғ йўли – қ. **Уруғ чиқарувчи йўл**.

Уруғ отувчи йўл – уруғ чиқариш йўлининг уруғ пуфакчасининг уруғ ажратувчи йўлига қўшилишидан ҳосил бўлган йўл.

Рус. Семявыбрасывающий проток; син. семяизвергающий проток.

Уруғ тизимчаси – бир-бирига параллел йўналган уруғ олиб чиқувчи йўллардан иборат ёрғоқ ва чов каналида жойлашган анатомик тузилма; унинг артерия ва венаси, мойк артерия ва венаси, лимфатик веналар чигали, мойк нерв чигали бир бутун ҳолда умумий пардалар билан ўралган; мойкни кўтарувчи мушаклар ва бир нечта фасциялар унга бирикиб туради.

Рус. Семенной канатик.

Уруғ тизимчаси истисқоси (син.: уруғ тизимчаси кистаси, фуникулоцеле) – сероз суюқликнинг уруғ тизимчаси асл (ўз) пардаси варақлари оралиғида тўпланиши; бу – қориннинг қин ўсимтаси билан қорин пада бўшлиғи оралиғидаги туташув йўлининг вақтидан олдин беркилиб қолиши оқибатида келиб чиқади; баъзан эса, у – яллиғланиш ёки шикастланишлардан кейин юзага келади.

Рус. Водянка семенного канатика; син.: киста семенного канатика, фуникулоцеле.

Уруғ чиқарувчи йўл (син. уруғ йўли) – мойк ортиғи йўлининг давоми; уруғ тизимчаси таркибига киради ва простата беъзи асоси олдида уруғ отувчи йўлга уланиб кетади.

Рус. Семявыносящий проток; син. семенной проток.

Устун кўз – қ. **Етакчи кўз**.

Уч жавоб (син. уч реакция) — гистамин инъекция қилинганида терида юзага чиқадиган жавоб реакцияси; бунда — дастлаб эритема (чегараланган қизариш) (қ. II ж.), кейин дори киритилган жойда пуфаклар пайдо бўлиши ва гиперемия (ён-атроф қизариши) (қ. II ж.) кузатилади.

Рус. Тройной ответ; син. тройная реакция.

Уч реакция — қ. Уч жавоб.

Ушланиб қолган ҳосмила тушиш — қ. Юз бермаган ҳомила тушиш.

Ушлашга қарши чиқиш (син.: ушлашга қарши чиқиш симптоми, қаршилиқ кўрсатиш симптоми, ҳаракат негативизми) — неврологияда — секин ҳаракат қилинганида антагонист-мушакларнинг беихтиёр кучланиши — таранглашиши; мас., бир нарсани ушлаш пайтида уни ушлай олмаслик, ушлашга қийналишлик; катта миянинг пешона бўлимлари дардга чалинганида кўриладиган ҳодиса.

Рус. Противодержание; син.: симптом двигательного негативизма, симптом противодержания, симптом сопротивления.

Ушлашга қарши чиқиш симптоми — қ. Ушлашга қарши чиқиш.

Уятлиқ лаблар тизгини — кичик уятлиқ лабларнинг ортки охирларини туташтириб турувчи кўндаланг тери бурмаси; қин даҳлизини чегаралаб туради.

Рус. Уздечка половых губ.

Ф

Фаолиятга ташна мия даври — инсон 25–30 ёшидан то 60–65 ёшларигача фикр, мушоҳада, мулоҳаза қилишга, ақли етмаган нарса-ҳодисаларни фаҳм-фаросати билан тушуниб етишга қобил бўлади; 30–50 ёшлар оралиғида эса мия тараққиёти шу даражага етадики, одам ўзини ақлли ҳисоблайди, билар-билмас фикрлар бераверади, танқидий муносабат авжига чиқади; бу — миянинг фаолиятга иштиёқ-мандлигидан, барқ уриб, яшнаб, куч-қувватга тўлиб-тошган миянинг ишлайверишидандир; ижодиёт соҳиблари шу йилларда кўп янгиликларни яратиб қолишлари мумкин; кўп одамларда, афсуски, шу давр самарасиз, бенатижа, бефойда қуруқ вайсақилик билан ўтиб кетади.

Фарзанд кўриш даври — аёлларнинг бўйида бўлиш ва насл қолдириш даври¹.

Рус. Детородный период.

¹ Бу ўринда «репродукция», «репродуктив» терминлари биологияга ҳос бўлиб, уларни одамга нисбатан тадбиқ қилиш ўринли эмас. (қ. I ж. «Кўпайиш»; син. «репродукция»).

Фарзанд кўриш ёши — қ. **Насл қолдириш ёши**.

Фарёд — *тиббийётда* — беморнинг руҳий ёхуд жисмоний алам, азоб, оғриқдан дод солиши, бақириб-чақириси, хайқириси ва ҳ.

Рус. Крик.

Фарзанд ўйлари — *турмушда* — фарзанднинг отаси ҳақида ўзининг ёш даврларида миясига келтирган хаёллари; фарзанд: 1—15 ёшларида — отам ҳамма нарсани биладилар; 16—25 ёшларида — отам анча нарсани биладилар; 26—35 ёшларида — отам айрим нарсаларнигина биладилар; 36—45 ёшларида — отам ҳеч нарсани билмайдилар; 46—50 ёшларда — отам анча нарсани билар эдилар; 51—60 ёшларда — отам ҳаёт бўлганларида эди, маслаҳат берган бўлар эдилар, дер экан.

Рус. Представление сына.

Фасциал макон — қ. **Тўр тўқима макони**.

Фертилизацион ёш — *etas fecundationis* — эмбрион ёки ҳомиланинг уруғлангандан бошлаб мавжудлик муддати; соат, сутка, ҳафта ёки ойлар билан ҳисобланади.

Рус. Фертилизационный возраст.

Фиброз-чанг тугунчаси (син. *чанг тугунчаси*) — **силикоз** (қ. II ж.)ларда ўпкада периваскуляр ва перибронхиал равишда ҳосил бўладиган чанг тўплами ўчоғи.

Рус. Фиброзно-пылевой узелок; син. пылевой узелок.

Физкультура — қ. **Жисмоний маданият**.

Фикр тикилиб қолиши — *психиатрияда* — фикр-мушоҳада оқимининг қийин кечиши, тугилиб қолиши, султ ассоциацияланиши, яъни фикрларнинг ўзаро зўр-базўр боғланиши, қовишиши; тафаккур бузилиши.

Рус. Застревание (в психиатрии).

Фиксацияланган ғоялар — қ. **Ўта қимматли ғоялар**.

Фиксация майдони — қ. **Нигоҳ майдони**.

Фландрск иситмаси — қ. **Хандақ иситмаси**.

Фойдали вақт — *физиологияда* — бўсаға кучидаги электр токи тўқимага таъсир кўрсатиб, уни таъсирлантира олишга кетган минимал вақт.

Рус. Полезное время.

Фолликулали дерматит – қ. **Куррачасимон хуснбузар.**

Фонтана бўшлиқлари – **Рангдор-шоҳ пардалар бурчаги бўшлиқлари.**

Фототерапия – қ. **Ёруғлик билан даволаш.**

Фотофобия – **Ёруғликдан кўрқиш.**

Фуқаро кўрлиги – қ. **Амалий кўрлик.**

Х

Хавфли буқоқ – оғир тиреотоксикоз билан кечадиган ва устига-устак зўрайиб борувчи **ёйиқ (диффуз) токсик буқоқ** (қ. III ж.); яна қ. I ж.

Рус. Злокачественный зоб.

Хавфли сарғайма – жигар иши етишмаслиги, ўта сарғайиш билан кечадиган гепатитнинг оғир хили.

Рус. Злокачественная желтуха – *тав. этилмайди.*

Хавфли шиш – тўқималарнинг уларда сезиларли газ ҳосил бўлмай туриб шишуви билан юзага чиқадиган **анаэроб** (қ. II ж.) касаллик хили.

Рус. Злокачественный отёк.

Хаёл – *психологияда* – I. Одамнинг моддий ва эмоционал эҳтиёжлари асосида юзага келадиган хилма-хил тасаввурда ва бу тасаввурларнинг қўшилган, жамланган элементларини таҳлил қилиш жараёнида ҳозирги макон ва замондан, ҳозирги реал шароит ва вазиятдан бошқа янги макон ва замонга, янги шароит ва вазиятга кўчиб юрадиган мавҳум онг маҳсули.

2. **Фикр, хотира, мия** (қ. I ж.), ўй, орзу, истак маъноларида ва б. турли хил маъноларда аксланувчи мия маҳсули.

Реалликдан узоқ, ўта мавҳум, ўта илоҳий ҳаёлларга берилиб кетиш, ўралашиб қолиш одамни фаолиятсизликка, ҳаётнинг маъно ва мазмунидан, қувончларидан узоқлашиб кетишга ва бора-бора парокандаликка олиб келади.

Рус. Мечта, вымысел.

Хаёлий овқатланиш – тажриба ўтказилаётган ҳайвон, мас., итнинг ошқозонига олдиндан фистула – найча ўрнатиб туриб қизилўнгачи кесиб очилади – эзофаготомия қилинади ва итга овқат берилади, итнинг еган овқати ўзи билмагани ҳолда шу тешикдан ташқарига тушаверади, ошқозонидан ажралган ширалар эса унга бириктириб қўйилган найчадан ташқаридаги идишга тушади; ошқозон шираси ажралишини шартли рефлекс орқали текшириш методи.

Рус. Мнимое кормление.

Халазодермия – қ. **Шалвир тери.**

Хандақ иситмаси (син.: Вернер – Ҳис иситмаси, Волинск иситмаси, Иква иситмаси, Ипрск иситмаси, Молдав-валахск иситмаси, пароксизмал беш кунлик иситма, пароксизмал риккетсиоз, тибил иситма, Фландрск иситмаси) — одатда, битлар юқтириб юрадиган, *Rochalimasea quintana* риккетсияси келтириб чиқарадиган ўткир юқумли касаллик; типик ҳолларда пароксизмал шаклда ўтадиган, такрорланиб турадиган тўрт-беш кунлик иситма хуружи билан кечадиган, бир неча кунлаб **ремиссия** (қ. II ж.)ларга бўлиниб турадиган ёки кўп кунлаб тўхтовсиз иситма билан давом этадиган ичтерламага ўхшаш кечувчи дард.

Рус. Окопная лихорадка; син.: болезнь Вернера-Гиса, волинская лихорадка, Иква лихорадка, импрская лихорадка, молдовско-волахская лихорадка, пароксизмальная, тибилная лихорадка, траншейная лимхорадка, фландрская лихорадка, пароксизмальный риккетсиоз.

Ханжарсимон ўсимта — тўшнинг X қовурга тоғайлари бириккан жойдан қуйироқдаги ўтмас учли қисми.

Рус. Мечеvidный отросток.

Ханталли қоғоз — юзасига (устига) ханталнинг ёғсизлан-тирилган кукуни сепилган тўғри тўртбурчакли қоғоз; уни баданга олдин илиқ сувга ботириб олиб қўйилади; унинг ачитиб-қиздириб чалғитувчи таъсир этишидан фойдаланиб рефлекс терапияда қўлланади.

Рус. Горчичники.

Хасмол (син. м и л к а к) — изоҳи I ж. да — қ.

Унинг жойлашган ўрни, дардга чалинтирган тўқималари жиҳатдан ўндан ортиқ хили бор.

Рус. Панариций.

Бўғим х-ли — бармоқ **фаланга** (қ. II ж.)лари ёки кафт-фаланга оралиқларида йирингли **артрит** (қ. II ж.) кўринишида кечадиган хасмол.

Рус. Суставной п.

Кесишма х. — I бармоқдан V бармоққа ёки аксинча кўчувчи пай хасмоли (қ.).

Рус. Перекрестный п.

Лимфатик х. (син. бармоқ ретикуляр лимфангити) — бармоқ лимфатик томирларининг юза яллиғланиши кўринишида кечадиган хасмол.

Рус. Лимфатический п.; син. ретикулярный лимфангит палца.

Пай х-ли — бармоқларнинг тендо **вагинит** (қ. II ж.)и кўринишида кечадиган хасмол.

Рус. Сухожильный п.

Суяк-бўғим х-ли — бармоқлар **фаланга** (қ. II ж.)сининг бўғимлари юзасини ҳам дардга чалинтирган **суяк хасмоли** (қ.).

Рус. Костно-суставной п.

Суяк х-ли — бармоқ **фаланга** (қ. II ж.)лари **остеомиелити** (қ. II ж.) кўринишида кечадиган хасмол.

Рус. Костный п.

Тери ости х-ли (син. ф л е г м о н а л и х .) — тери ости флегмонаси кўринишида кечадиган хасмол.

Рус. Подкожный п.; син. флегмонозный п.

Тери х-ли — тери бағрини дардга чалинтирадиган хасмол.

Рус. Кожный п.

Тирноқ ёни х-ли — тирноқ болиши терисини дардга чалинтирадиган хасмол.

Рус. Околоногтевой п.

Тирноқ ости х-ли — тирноқ остида йиринг тўпланиб уни кўчириб юборувчи **тирноқ хасмоли** (қ.).

Рус. Подногтевой п.

Тирноқ х-ли — тирноқ тўқималарини дардга чалинтирадиган хасмол.

Рус. Ногтевой п.

Ф л е г м о н а л и х . — қ. *Тери ости х-ли*.

Чуқур х. — тери ости тўр тўқималари — клетчаткаларини ёки чуқур жойлашган тўғималарни дардга чалинтирадиган хасмол.

Рус. Глубокий п.

Юза х. — тери бағрини ёки тирноқ ости тўқималарини дардга чалинтирадиган, аммо ён-веридаги тўқималарга ўтмайдиган хасмол.

Рус. Поверхностный п.

Х и а з м а — қ. **Кўрув кесишмаси**.

Хивчин — бир ҳужайрали организмларда ва бошқа ҳужайралар танасида бўладиган ва ҳаракат органоиди вазифасини ўтовчи ипсимон ўсиқ; бактерияларда хивчин (-лар)нинг бўлиши уларга хос хусусиятларнинг, яъни идентификациянинг муҳим белгиси ҳисобланади.

Рус. Жгутик.

Ходимгар (син. х о д и м ч и) — қадимги массаж усуларини қўллаб ҳаммомларда **ходими** (қ.) қилувчи, шу муолажани ўзига касб қилиб олган киши.

Рус. Массажист (в бане).

Ходимгарлик (син. х о д и м ч и л и к) — **ходимгар** (қ.)нинг **ходими** (қ.) муолажаси билан шуғулланувчи касби.

Рус. Профессия массажиста (в бане).

Ходими – кишини бутун баданини ёки танасанинг бир қисмини қуруқ ҳолда ёхуд бирор мой суртиб ишқаб-уқалаб, уриб-селпиб массаж қилиш муолажаси; аксари ҳолларда жамоа ҳаммомларида, баъзан эса хусусий ҳаммомларда **ходимгар** (қ.) томонидан бажарилади.

Рус. Массаж (в бане).

Ходимчи – қ. **Ходимгар**.

Ходимчилик – қ. **Ходимгар**.

Холекинез – қ. **Ут чиқариш**.

Хомаки онг – эндигина куртак ота бошлаган, ҳали шаклланиб етмаган, аммо ҳақиқатга, реал мулоҳазаларга, реал воқеликка, тасаввурга ундовчи етилмаган онг.

Рус. Подсознание.

Хомиқиш – бадантарбия, машқ, жисмоний ишдан чиқиб қолган одам организмининг лоқайдлик оқибатида бўшашиб, шалвираб, заифлашиб қолиши; оқибатда қон-томир, асаб ва мушак системаларининг қувватдан қолиши.

Рус. Ослабление физическое.

Хонанда овози – оғиз орқали шовқинсиз тез ва чуқур эркин нафас олиш ҳамда секин бир маромда силлиқ қилиб нафас чиқариш билан эришиладиган кўшиқ овози.

Рус. Певческий голос.

Хориоид чигал – қ. **Мия қоринчалари томир чигали**.

Хотирадан чиқариш (син. эсдан чиқариш) – хотира (эс)га ўрнашиб қолган, яъни эслаб қолинган маълумотлар, ахборотлар, илмий тушунчаларнинг миядан ўчиб кетиши.

Рус. Забывание.

Хотиралар – илгари бошдан ўтган ва таниш бўлиб қолган фикрлар, ғоялар, тасаввурлар, ҳис-туйғулар ва б. ларнинг мияда қайта гавдаланиши.

Рус. Воспоминания.

Хурсанд уйғониш – мия уйқуга тўйиб, тиниқиб, обдан дам олиб, ором топиб, уйғониш жараёнида кайфиятни кўтарадиган, руҳиятни ардоқлайдиган яхши, ёқимли тушлар кўраётиб уйғонганда ҳис қилинадиган уйқудан шод-хуррам туриш ҳолати; бунда – ухлаш шароитининг яхшилиги, уй ҳавосининг енгил, мусаффо бўлишлиги, кўтаринки кайфият, хушчақчақ руҳият билан ётилганлигининг ҳам аҳамияти кичик эмас; бундай вақтларда халқ орасида «ўнг томонинг билан турдингми» дейишади.

Хўжа – *биологияда* – танаси, сирти, ичаклари, қони ва ҳужайраларида паразитлар, микроорганизмлар, ҳатто, вируслар ва б. кўзга кўринадиган ёки кўринмайдиган

жонзотлар кун кўрадиган, урчийдиган ва ривожланадиган одам, ҳайвон ва б. жониворлар (тўқима, хужайралар)нинг умумий номи; улар бир неча хил бўлади.

Рус. Хозяин.

Вируслар хўжаси — вируслар ўрнашиб олиб кун кўрадиган бактериялар хужайраси.

Рус. Вирусный хозяин.

Паразитлар оралиқ хўжаси — биринчи хўжасидан иккинчи хўжасига ўтиб вояга етиб яшайдиган паразитларнинг биринчи хўжаси; мас., шистосомаларнинг оралиқ хўжаси моллюскалар бўлса, айрим патоген гижжаларнинг оралиқ хўжаси қисқичбақасимонлардир.

Рус. Промежуточный хозяин паразитов.

Паразитлар хўжаси — тана бўшлиқларида, тўқима ва хўжайраларида **эндопаразит** (қ. II ж.)лар, сиртида **эктопаразит** (қ. II ж.)лар кун кўриб яшайдиган одам, ҳайвон, жонзот ва б. лар.

Рус. Паразитарный хозяин.

Хўжа-хужайра — вирус элтувчи хужайра.

Рус. Клетка-хозяин.

Хўроз тожи — *анатомияда* — галвирсимон суякнинг галвирсимон пластинкасига сагиттал (олд-орқа йўналишда) жойлашган дўнглик; шу дўнгликка катта мия ўроғи бирикиб туради.

Рус. Петушиный гребень.

Хўроз тожи қаноти (син. қанот ўсма) — *анатомияда* — панжарасимон суякнинг хўроз тожисининг олд чеккасида жойлашган бир жуфт пластинка; у — чеккага чиқиб ордан пешона суягининг кўр тешигини чегаралаб туради.

Рус. Крыло петушиного гребня; син. крыльный отросток.

Ц

Цилиар доирача — қ. Киприксимон доирача.

Цилиар чамбар — қ. Киприксимон чамбар.

Цилиар ўсиқлар — қ. Киприксимон ўсиқлар.

Цинн бойлами — қ. Киприксимон белбоғча.

Цитолемма — қ. Хужайра пардаси.

Цитоплазматик мембрана — қ. Хужайра пардаси.

Цитоплазматик парда — қ. Хужайра пардаси.

Ч

Чайир ... – *тиббиётда* – 1. Мушак-пайлари хўп пишган, чиниққан, талабчан, қомати расо, енгил, чаққон ҳаракатларга мойил пишиқ одам сифати; мас., чайир одам.

2. Мушак-пайлари пишик, устихонига маҳкам бириккан, таранг тортилиб турадиган айрим-алоҳида гавда қисмлари сифати; мас., чайир тана, чайир тери, чайир оёқ, чайир қўл ва б. лар.

Рус. Мускулисто-жилистый.

Чайирлик – *тиббиётда* – чайир сифатли одамнинг жисмоний ҳолати; чайир бўлиб кетган жисмоний ҳолат; гавда ҳолати.

Рус. Мускулисто-жилистое физическое состояние.

Чайнов дўмбоқчалари – тиш тожи устки чайнов юзасидаги дўмбаймалар; икки, уч, тўрт илдизли тишларда улар жуда яхши бўртиб туради.

Рус. Жевательные бугорки.

Чайнов мушаги – 1. Пастки жағни чакка-пастки жағ бўғимида ҳаракатга келтирувчи М. ларнинг умумий номи; улар калла чаноғининг бирор ҳаракатланмайдиган суягидан бошланиб пастки жағга бириккан бўлади.

2. *M. masseter – mandibularis externus* – юз ён соҳаси мушаги; у – пастки жағни кўтариб олдинга ҳаракатлантиради.

Рус. Жевательная мышца.

Чакакюз – *физиономияда* – юз эти чакагига – жағига бориб қадалган, лунжи теридан иборат бўлиб қолган ориқ юз; озиб-тўзиб кетган катталарда, гипотрофик болаларда учрайди.

Чакка II – қ. Чакка чуқурчаси.

Чакка бўртмаси – чакка суягининг ёноқ бўртмасига бирикувчи ёноқ суягининг латерал (чекка) бўртмаси (ўсиғи).

Рус. Височный отросток.

Чакка ости соҳаси (син.: жағлараро соҳа, жағ-чайнов соҳаси) – бош соҳаларидан бири; у олдан – юқори жағ танаси ва унинг асоси ҳамда ёноқ ўсиғи, орқадан – қулоқ ён беzi капсуласи, юқоридан – понасимон суякнинг катта қаноти, ташқаридан – пастки жағ шохи, ёноқ ёйи ва чакка мушагининг пастки қисми билан чегараланиб теради.

Рус. Подвисочная область; син.: межчелюстная область, челюстно-жевательная область.

Чакка ости чуқурчаси (син. пастки чакка чуқурчаси) – калла чаноғининг ён юзасидаги ботиклик;

у олддан — юқори жағ дўмбоғи, юқоридан — понасимон суякнинг катта қаноти, медиал — ўртадан — қанотсимон ўсиқ, латерал — чеккадан ёноқ ёйи ва пастки жағ шохи билан чегараланиб туради; унда клетчатка — тўр тўқималар, қанотсимон мушаклар, жағ артерияси, қанотсимон веноз чигал ва пастки жағ нерви жойлашган.

Рус. Подвисочная ямка; син. нижневисочная ямка.

Чакка соҳаси — 1. *Бошда* — олддан, тепадан ва ортдан — юқори чакка чизиги билан, пастдан — ёноқ ёйи билан чегараланган бошнинг бир жуфт — икки ён томони соҳаси.

2. *Бош мияда* — катта мия палласи янги пўстлоғининг бир қисми.

Рус. Височная область.

Чакка чизиги — ёноқ ўсиқчасидан бошланиб юқорига кўтарилиб борувчи пешона суяги ташқи юзасидаги бўртма чизик; чакка мушаги бирикадиган жой.

Рус. Височная линия.

Чакка чуқурчаси (син. ч а к к а I I) — калла чаноғининг икки ён томонидаги чуқурча; у — калла тепа суягининг бир қисми, пешона суяги понасимон ўсиғининг катта қаноти ва ёноқ ўсиғи чакка суягига бириккан ерда юзага келган.

Рус. Височная ямка; син. висок.

Чала оч қолиш (син. т ў й м а с л и к о ч л и г и) — истеъмол қилинаётган овқат организм сарф қилаётган энергияни қоплай олмаслигидан, шунингдек, пластик эҳтиёжга етмаслигидан юзага келган оч қолиш.

Рус. Неполное голодание; син. недоедание.

Чалғувчанлик — *психиатрияда* — фавкулотда мияда бошқа фикрлар ассоциацияси кўзғалиб қолиши билан ёки ташқаридан бирозгина таъсир бўлиши билан диққатнинг тезгина бошқа — янги объектга (фикрга ва ҳ.) сакраб кетиши билан ифодаланадиган диққат бузилиши.

Рус. Отвлекаемость.

Чалғувчи фикрлар — етарли даражада мақсадга бўйсундирилмаган тез-тез ўзгариб турадиган, ўта чалғувчан фикрлар.

Рус. Убегающие мысли.

Чанг — ўлчамлари 0,1–100 мкм келадиган ҳаводаги қаттиқ заррачалар осилмаси; Ч. унинг таркиби ва концентрациясига қараб одам организмга салбий таъсир кўрсатади; *Биологик ч.*, *Ишлаб чиқариш ч.* ва *Радиоактив ч.* лар тафовут қилинади.

Рус. Пыль.

Чангал панжа — қ. **Куш панжа**.

Чангал қўл симптоми — қ. **Куш панжа**.

Чангланганлик — ҳаво муҳитининг ифлосланганлик даражасини ифодаловчи санитария кўрсаткичи; ҳавонинг ҳажм бирлиги таркибидаги чанг вазни ($мг/м^3$) билан ифодаланади.

Рус. Запылённость.

Чанглатгич — қ. **Чанглатиб сепгич**.

Чанглатиб сепгич (син. чанглатгич) — кукунсимон моддаларни ички босим остида зарурият туғилган юзаларга чанглатиб сепишга мўлжалланган аппарат; *тиббиётда* — асосан, **дезинфекция** (қ. II ж.) мақсадларида ишлатилади; унинг *Кўл чанглатгич* тури кенг қўлланилади.

Рус. Опрыливатель; син. опылитель.

Чанглатиб сепиш (син. чанглатиш) — *дезинсекцияда* — ҳашаротлар уруғ ташлаб кетган ёки тўпланиб турадиган жойлар юзасига кукунсимон **инсектицид** (қ. II ж.)ларни чанг кўринишида сепиш методи.

Рус. Опрыливание.

Чанглатиш — қ. **Чанглатиб сепиш**.

Чанг найча — оғзи ишқама тиқин билан беркиладиган, ичига пахта тўлғазилган шиша найча; у — текширилаётган ҳавонинг маълум миқдорини шу найча орқали сўриб ўтказилиб ушлаб қолинган чанг массасининг оғирлигига қараб ҳавонинг қанчалик чанглилигини аниқлашга мўлжалланган.

Рус. Пылевая трубка.

Чанг тугунчаси — қ. **Фиброз-чанг тугунчаси**.

Чап атриовентрикуляр тешик — қ. **Чап бўлмача-қоринча тешиги**.

Чап бўлмача-қоринча тешиги (син.: митрал тешик, чап атриовентрикуляр тешик) — *юракда* — чап юрак бўлмачаси билан чап юрак қоринчаси бўшлиқлари ўзаро туташиб турадиган тешик.

Рус. Предсердно-желудочковое отверстие левое; син. атриовентрикулярное отверстие левое, митральное отверстие.

Чап бўлмача-қоринча қопқоғи иши етишмаслиги (син. митрал қопқоқ иши етишмаслиги) — *юракда* — бўлмача-қоринча қопқоғининг чап қоринчадаги қоннинг чап бўлмачага чиқиб кетишига етарлича тўсқинлик қила олмаслиги; бу — чап қоринча систоласи даврида митрал қопқоқ тавақаларининг жипс беркилмаслиги ёки перфорацияси оқибатида юзага келади; юрак чўққисидида системик шовқин эшитилиши, юрак устидаги бўғиқ товуш чегараси чапга сурилиши унинг клиник белгилари саналади.

Рус. Недостаточность левого предсердно-желудочкового клапана; син. митральная недостаточность.

Чап ўпка юрак кемтиги — юрак перикарди бир қисмининг бевосита тўш ва қовурғаларга ёнбошлаб туриши ҳисобига чап ўпка олд чеккасининг пастки ярмидаги камгак.

Рус. Вырезка левого лёгкого сердечная.

Чатиштириш — генотипи ҳар хил бўлган икки ҳайвонни қочириш — чатиштириш; ирсий белгиларнинг кўчиш механизмларини ўрганишда шунга мурожаат қилинади.

Рус. Скрещивание.

Чақалоклик (син. янги туғилганлик) — *суд тиббиётда* — боланинг ҳозиргина (бир сутка ичида) туғилганлик даъвосига мансублиги; бу — бир қатор белги-аломатларга кўра баҳсли ҳолатларда аниқланади; булардан энг асосийлари: киндик атрофида **демаркацион ҳалқа** (қ. III ж.) бўлмаслиги, **туғруқ ўсмаси** (қ.), **меконий** (қ. III ж.) (пишлоқсимон шилимшиқ) бўлишидир.

Рус. Новорождённость.

Чегара ҳолати — **психопатия** (қ. II ж.)лар, **невроз** (қ. II ж.)лар ва реактив ҳолатларнинг баъзи хилларини қамраб олувчи руҳий касалликлар гуруҳи; булардан кўра жиддий руҳий айнишлар чинакам оғир руҳий дардлар сирасига киритилади.

Рус. Пограничные состояния.

Чилла даври септик касалликлари — *акушерликда* — кўзи ёриган аёл — **чиллала аёл** (қ. I ж.) жинсий системасида учрайдиган юқумли — инфекцияли касалликлар; буларга: биринчи босқичда — турли хил яра-чақалар, эндоиометрит; иккинчи босқичда — метрит, метротромбофлебит, параметрит, чаноқ, бачадон, қўл-оёқ веналари тромбофлебити; учинчи босқичда — тарқоқ перитонит, зўрайиб борувчи тромбофлебит, септик шок; тўртинчи босқичда — септикопиемия, септицемия ва б. лар киради.

Рус. После родовые септические болезни.

Чиннисимон ўт қопи — девори қалинлашган, оқ-сут (чинни) рангини олган, сероз пардасига **гиалин** (қ. II ж.) ўтирган (қоплаган) дардга чалинган ўт қопи.

Рус. Жёлчный пузырь фарфоровый.

Чинчечак — изоҳи I ж. да қ.

Рус. Натуральная оспа.

Афебрил ч. — аксарият эмланган ёки касал бўлиб ўтган одамларда келиб чиқадиган Ч. нинг клиник хили; иситмасиз, бироз интоксикация ва папулалар тошиши билан кечади.

Рус. Афебрильная о.

Дискрет ч. — Ч. нинг клиник хили; аниқ-равшан чизикли зич элементли тошмалар тошиши, бўртиб турмайдиган пустиулалар бўлиши, иситманинг иккиламчи кўтарилиши камдан-кам кузатилиши ва нисбатан енгил-елпи кечиши билан ажралиб туради.

Рус. Дискретная о.

Иккиламчи геморрагик ч. — қ. *Пустулали геморрагик ч.*

Кечки геморрагик ч. — қ. *Пустулали геморрагик ч.*

Пустулали геморрагик ч. (син.: иккиламчи геморрагик ч., кечки геморрагик ч. қорачечак) — Ч. нинг клиник хили; оғир интоксикация, *петехия* (қ. II ж.)ли геморрагик синдром, экхимоз — тери ёки шиллиқ пардаларга кенг қон қуйилишлар, пустиулаларга қон аралаштиришлар билан кечади.

Рус. Геморрагическая о. пустилёзная; син.: геморрагическая о. вторичная, геморрагическая о. поздняя, черная о.

Тошмасиз ч. — Ч. нинг клиник хили; сал интоксикация бўлиши ва тошмалар тошмаслиги билан фарқланади.

Рус. О. без сыпи.

Фарингеал ч. — тошмасиз Ч. нинг бир хили; томоқ ва ҳалқум шиллиқ пардаларининг яллиғланиши ва *ларингит* (қ. II ж.) юзага келиши билан ажралиб туради.

Рус. Фарингеальная о.

Чаплашган ч. — Ч. нинг клиник хили; оғир интоксикация, тошма элементларининг тез пайдо бўлиши ва бир-бирига қўшилиб кетиши ҳамда кенг йирингли жойлар юзага келиши билан ажралиб туради.

Рус. Сливная о.

Ясси ч. — эмланган одамларда юзага келадиган Ч. нинг клиник хили; оғир кечиши, бирдан интоксикация бошланиши, секин-аста тошма элементлари пайдо бўлиши ва теридан деярли кўтарилмаслиги, ўртасида киндиксимон ботиқлик бўлмаслиги билан ажралиб туради.

Рус. Плоская о.

Чиқинди инсон — ўта ифлос, ўта жирканч, ўта қабиқ, ўта разил, ўта палид, ўта қаллоб одам; нафақат бегоналар ҳаққини, ҳатто, ота-онаси-ю, туғишганларининг ҳаққидан тоймайдиган, талон-тарож қиладиган, пайтини топса ўғирлайдиган одам; ёлғон-яшиқ, ўғрилик ва мутаҳҳамлик худди қон билан кириб, сут билан балоғатга етганга ўхшайди; юқумли касаллик каби у ҳам юқумлидир; уни ахлатхонага

ташлаб устидан етти қават тупроқ тортиб қутилиш лозим; чунки у ҳам бошқа чиқинди, ахлат каби чиқиндидир¹.

¹ Мавзудан чиқиб кетганимиз учун узр.

Чиқиш тешиги — *жарроҳликда* — ўқ, снаряд парчаси ва б., мас., санчилган яроқларнинг тегиб, кириб аъзонинг у томонидан чиққан жойи; жароҳат орқа тешиги.

Рус. Выходное отверстие.

Чиганоқ бўшлиги — *қулоқда* — ташқи эшитув йўлагига элтувчи қулоқ чиганоғи ботиқлиги.

Рус. Полость раковины.

Чиганоқ йўли (син. *чиганоқ канали*) — чиганоқнинг спирал каналида жойлашган ноғора парда лабиринти канали.

Рус. Улитковый канал; син.: канал улитки, проток улитки.

Чиганоқ канали — қ. **Чиганоқ йўли**.

Чок ашёлари (син. *чок материаллари*) — жароҳат четларини бириктириб ёки томирларни боғлаб қўйиш учун зарур бўладиган барча ашёларнинг умумий номи; ипак, кетгут, лавсан, нейлон, капрон, от қили, тантал ва кобальт симлар шулар жумласидандир; улардан баъзилари (мас., кетгут, от қили) чок орасида қолиб сўрилиб кетади, баъзилари (мас., лавсан, нейлон, сим ва б. лар) жароҳат четлари битиб кетгач олиб ташланади.

Рус. Шовный материал.

Чок материаллари — қ. **Чок ашёлари**.

Чоройна (ик. номи **Меконий**) — ҳомиланинг 3 ойлигидан бошлаб ичакларида юзага келадиган чақалоқларнинг эса 2—3 кунлик ёшида ичи келганда тушадиган ахлат; у — одатда ёпишқоқ, елимшак ва яшилнамо тусда бўлиб, чақалоқнинг ичакларидан ажралган эпителийлар, ажралмалар ва бола ютиб юборган қоғоноқ сувидан иборат бўлади; яна қ. III ж. **Меконий**.

Рус. Меконий; син. первородный кал.

Чот букими — *ичакда* — тўғри ичак — кўтоннинг дум рўпарасидаги пастки сагиттал букими; шу ерда у ўзининг бўртган томони билан олдинга ва юқорига йўналади.

Рус. Промежностный изгиб.

Чувак юз — *физиономияда* — афт-башара умуман гўштсиз, ўртадан туртиб чиққан бурун икки ёни ичига тортиб кетган, ёноқ-жағ суяклари бўртиб қолган қотма юз; умуман семирмайдиган, гўшт-ёғ битмайдиган одамларда кузатилади.

Чувалчангсимон ўсимта тешиги — кўричак деворидаги тешик; шу тешик орқали кўричак қаваги чувалчангсимон ўсимта (аппендикус) қаваги билан туташиб туради.

Рус. Отверстие червеобразного отростка.

Чурра (изоҳи I ж. да – қ.).

Рус. Грыжа.

Биқин ч-си – қорин деворининг биқин (ён) юзасига чиқиб қолган қорин чурраси; у – қориннинг тўғри мушаги қинидан ёки яримой чизиқ бўйлаб чиққан бўлади.

Рус. Боковая грыжа.

Бурун калла-мия ч-си – бурун бўшлиғига чиққан олд ёки базал калла-мия чурраси.

Рус. Черепно-мозговая грыжа назальная.

Калла мия ч-си (син. м и я ч - с и) – бош мия пардаси ва моддаси калла суяклари нуқсонидан ўсмасимон бўлиб чиқиб қолган туғма чурра.

Рус. Черепно-мозговая грыжа; син. мозговая грыжа.

Касб ч-си – мунтазам оғир юк кўтариш, ташиш ёки мажбурий ишчи позада зўриқиб туриш оқибатида юзага келадиган қорин чурраси; аҳён-аҳёнда учрайдиган ҳодиса.

Рус. Профессиональная грыжа.

Киндик ч-си – кенгайиб қолган киндик ҳалқасидан чиққан қорин чурраси.

Рус. Пупочная грыжа.

М и я ч - с и – қ. *Калла-мия ч-си*.

Мушак ч-си – мушак қисқарганида фасциясининг нуқсони бор еридан унинг футлярига – қобигига чиқиши; мушак бўшашиши билан тўғриланиб қолади.

Рус. Мышечная грыжа.

Оқ чизиқ ч-си – ички аъзолар (мас., меъда ёки ичак) қисмларининг қорин девори ёригидан оқ чизиққа чиқиб қолиши.

Рус. Грыжа белой линии.

Пешона калла-мия ч-си – пешона суяклари тирқишидан чиққан калла-мия чурраси.

Рус. Черепно-мозговая грыжа лобная.

Туғма ч. – чақалоқларда ёки бола туғилган заҳоти аниғланадиган чурра; туғма ривожланинг нуқсони.

Рус. Врожденная грыжа.

Тўғриланадиган ч. – чурра халтасидаги аъзо (-лар)ни ўз тешик-тирқишидан қайта ортига осонгина киритиб тўғрилаб юборса бўладиган чурра.

Рус. Вправимая грыжа.

Тўғриланмайдиган ч. – чурра халтасидаги аъзо (-лар)ни ўз тешик-тирқишидан қайта ортига киритиб – тўғрилаб бўлмайдиган чурра; бу – битишмалар ҳосил бўлган ёки чурра жуда катта бўлган ҳолларда учрайди.

Рус. Невправимая грыжа.

Чандиқ ч-си — қорин деворидаги чандиқ чўзилиб орасидан чиққан қорин чурраси.

Рус. Рубцовая грыжа.

Чов ч-си — чов каналининг ташқи ҳалқаси орқали чиққан қорин чурраси.

Рус. Паховая грыжа.

Чот ч-си — чот мушаклари ёки улар толалари оралиғидаги кенгайиб қолган ёриғидан чиққан қорин чурраси.

Рус. Промежностная грыжа.

Шикастланиш ч-си — чурра дарвозаси (оғзи) шикастланиш оқибатида юзага келган чурра.

Рус. Травматическая грыжа.

Энса калла-мия ч-си — энса суяклари тирқишидан чиққан калла-мия чурраси.

Рус. Черепно-мозговая грыжа затылочная.

Қисилган ч. — чурра дарвозаси чурра халтасидаги аъзо (-лар)ни қисиб кўйишидан юзага келган асоратли чурра.

Рус. Ущемлённая грыжа.

Қорин ч-си — қорин бўшлиғидаги аъзолар чурраси; у *Ички қ. ч-си* ва *Ташқи қ. ч-си* тафовут қилинади.

Рус. Грыжа живота.

Қуймуч ч-си — қуймучнинг катта ёки кичик тешигидан тоснинг ортки юзасига чиқувчи қорин чурраси.

Рус. Седалищная грыжа.

Чурра аъзолари (син. чурра ичидагилари) — чурра халтаси ичидаги аъзо ва тўқималар.

Рус. Грыжевое содержимое.

Чурра дарвозалари — чурра халтаси чиқиб турган табиий ёки патологик (шикастланишлар ва б. сабаблар оқибатида юзага келган) калланинг, қорин девори мушак-апоневротик қаватининг тешик-тирқиши ёки фасция футляри.

Рус. Грыжевые врата.

Чурра ичидагилари — қ. **Чурра аъзолари**.

Чурра кесиш — қорин чурраси ичидаги аъзо (-лар)ни қорин бўшлиғига қайта киргизиш — тўғрилаб юбориб чурра халтасини кесиш ва чурра дарвозаси соҳасида қорин деворини жипслаб, мустаҳкам ҳолатга келтиришдан иборат жарроҳлик методи.

Рус. Грыжесечение.

Чурра пардаси — чурра дарвозасидан ўтган чурра халтаси ичидаги аъзо (-лар)ни ўраб турган тўқималар мажмуи.

Рус. Грыжевая оболочка.

Чурра суви — қисилиб қолган қорин чуррасининг чурра халтаси бўшлиғида йиғилиб қолган суюқлик.

Рус. Грыжевая вода.

Чурра халтаси — чурра дарвозаси орқали чиқиб турган париетал қорин парда ёки мия пардаларининг бир қисми.

Рус. Грыжевой мешок.

Чўкиб қолганлик — *психиатрияда* — руҳий-патологик бузилишлар кўмиб ташлаган ҳолат; шу туфайли бемор бутунлай уларнинг оғушида қолиб атрофдагиларга қарамай қўяди.

Рус. Загружённость.

Чўлтоқ тиш тожи — тишнинг илдиз штифтига ўрнатилган, сунъий тиш чўлтоғини қоплаб турувчи сунъий тиш тожи; тиш илдизи сақланиб қолгани ҳолда бутунлай емирилиб битган тиш тожини тиклаш мақсадида қўлланилади.

Рус. Коронка зуба культевая.

Чўмичсимон тоғай — асоси бўғим ёрдамида узуксимон тоғай пластинкаси билан бириккан уч қиррали пирамида-симон бир жуфт ҳиқилдоқ тоғайи.

Рус. Черпаловидный хрящ.

Ш

Шажара (син. насл-насаб шажараси, генеалогия) — ўрганилаётган шахснинг авлод-аждоди, насл-насаби, қавм-қариндошини умум қабул қилганшартли белгилардан фойдаланиб чизма (схема) кўрнишида тасвирлаш.

Рус. Родословная; син. генеалогия.

Шакароб сўзлар — маъноси ва грамматик боғланишлари йўқ, тумтақроқ сўзлардан ташкил топган нутқ; баъзи бир эс-хуш хиралашуви ва шизофренияда кузатиладиган ҳодиса.

Рус. Словесная окрошка; син. словесный салат.

Шаклланмаганлик — *эмбриологияда* — организмнинг ташқи тур белгиларининг бутунлай бўлмаслиги; ҳомиланинг меъёрида шаклланшининг ўта издан чиқиши.

Рус. Бесформенность.

Шалвир тери (син.: Алибер дерматолизи, халазодермия) — атрофияга учраган, пастоз тери; салга чўзилади, шалвираган бурмалар ҳосил қилади; туғма нуқсон; яна қ. I ж.

Рус. Вялая кожа; син.: дерматоз Алибера, халазодермия.

Шамоллаш — бирор бир аъзонинг — ўпка, буйрак, гавда мушаклари ва тана қисмларининг совуқ тегишидан, муздек

шамол уришидан, аксарият, елвизакда туриб қолишдан совуқ ўтиб касалликка чалиниши; «шамоллаш» атамаси аслида умумий маънога эга бўлиб, конкрет ҳолда бу пайтда у ёхуд бу аъзода қандай касаллик жараёни кечиши хусусида аниқ маълумот бермайди; шу жиҳатидан тиббиётда шартли равишда ишлатиб келинади. Илмий-тиббий терминологияда унинг ўрнида у ёхуд бу аъзонинг совуқ ўтиб касалликка чалингандаги конкрет номини ифодаловчи терминлар қўлланилади; мас., ўпка шамоллаганида — зотилжам, бронхит ва б., буйрак шамоллаганида — нефрит, нефроз ва б., мушаклар шамоллаганида — миозит, фасцит ва б. терминлар ишлатилади (улар хусусида қ. II ж.); касалилқнинг белгиси, симптоми маъносида қўлланилганда эса «шамоллаш» атамаси «яллиғланиш» термини ўрнида ишлатилади. Бинобарин, шамоллаш бу маънода шартлидир; илмий терминологияда ҳамisha «яллиғланиш» ишлатилади; юқорида келтирилган касаликларнинг лотинча номларидаги охирги *-ит* қўшимчаси айнан шу «яллиқланиш» тушунчасини ифодалаб келади; бу жиҳатдан ҳам «шамоллаш» атамаси ўрнида «яллиғланиш» терминини қўллаш жоиздир. Халқ орасида бўлсин, китобларда бўлсин «шамоллаш» атамаси ишлатилганда ўрнига қараб касалликлар, ўрнига қараб касаллик белгисини тушуниш лозим бўлади; яна қ. I ж.

Рус. Простуда.

Шамол нақши — дунё мамлакатларининг муайян ҳудуд нуқталари бўйлаб доимий эсувчи шамол йўналишларининг график тасвири; ундан гигиена амалиётида фойдаланилади.

Рус. Роза ветров.

Шарбат¹ — *фармацияда* — дори воситалар аралашмасидан иборат, қанд ёки бошқа бирор ширинлик билан концентрланган (қуюқлаштирилган) суюқ дори шакли; *Гулхайри ш-ти, Ипекакуана ш-ти, Наъматак ш-ти, Олча ш-ти, Қанд ш-ти, Узум ш-ти* шулар жумласидандир.

Рус. Сироп.

¹ Қишлоқ хўжалигида суюқ гўнгни «шарбат» дейиш одат бўлиб кетган — ўта нотўғри.

Шартли яроқли озиқ маҳсулотлар — сифатли маҳсулотларга қўйиладиган талабларга жавоб бера олмайдиган, аммо тегишли ишловлардан кейин овқатга ишлатиш мумкин бўлган озиқ маҳсулотлар.

Рус. Пищевые продукты условно годные.

Шахс — туғма ва орттирма биологик майллар мажмуи асосида конкрет ижтимоий шарт-шароитлар таъсирида шаклланувчи дунёқарашлар, руҳий ва ахлоқий барқарор белгилар, хислатлар мажмуи билан таърифланадиган, изоҳланадиган ўзига хос индивидуал одам.

Рус. Личность.

Шахс даражаси пасайиши — руҳий активликнинг сийраклашуви ва бўшашуви, ақлий қобилиятнинг пасайиши ва қизиқишлар йўқолишининг хотира пасайиши ва шахснинг ўзига хос хусусиятлари саёзланиши билан қўшилиб келиши; руҳий касалликлар ривожланиши билан бирга ёки улардан кейин юзага келадиган руҳий ҳолат.

Рус. Снижение уровня личности.

Шахсият — 1. Шахс (қ.)нинг дунёқароши, туғма ва орттирма руҳий, маънавий ва ахлоқий қарор топган белгилари, хислатлари мажмуи; шахснинг бутун борлиғи, дунёси, ўзлиги, нафсонияти.

Рус. Личность (*кенг маънода*).

2. Шахс.

Рус. Личность (*тор маънода*).

Шахсият издан чиқуви (син. руҳий сурилиш) — янги шахсий хислатлар пайдо бўлиши (аутизм, активлик ва эмоциялар пасайиши ва б.лар), шахсдаги энергетик ёки адаптацион имкониятларнинг ёхуд ҳар иккаласининг ўзгаришларга учраши билан юзага чиқувчи шахс асосларининг патологик ўзгаришлари; психознинг билинмас хуружи ёки субклиник психопатологик жараёнлар оқибатида ривож топади.

Рус. Личностный сдвиг; син.: «кник» личностного развития, психический сдвиг.

Шикастланишдан бери ўтган вақт — шикастланиш юз берган ондан то шикастланишни текшириш (расмийлаштириш) дамгача ўтган вақт оралиғи.

Рус. Давность повреждения.

Шиллик ости асоси — овқат ҳазм қилиш йўли аъзоларининг шиллик ва мушак пардалари оралиғида жойлашган бўшанг бириктирувчи тўқималар қавати.

Рус. Подслизистая основа.

Шиллик тўсиқ — меъда мукоцитлар (қ. II ж.)и — шиллик ҳужайралари ва улар ажратадиган ёпишқоқ секрет мажмуи; у — меъда ички деворини механик ва кимёвий омиллар таъсиридан ҳимоя қилиш функциясини бажаради.

Рус. Слизистый барьер.

Ширмонюз — *физиономияда* — ёноқлар лўппи бўлиб бўртиб турадиган ва аксарият қизил мағиз ёки қизариб турадиган юз, танаси соғлом, бўлалари қиз-жувонларда кузатилади.

Шифобахш гиллар (син. лой балчиқлар) — сув ҳавзаларида чўкиб йиғилиб қолган асосан силикатли майда дисперс лойлар; таркибида органик моддалар камроқ бўлиб, сульфидлар бўлмади; одатда, гил терапияда қўлланилади.

Рус. Лечебные глины; син. глинистые илы.

Шишасимон тана хиралашуви — кўз шишасимон танасининг тиниқлиги хиралашуви; шу танага қон қуйилган ҳолатларда, кўз тўр пардаси ёки томирли пардаси дардга чалинган пайтларда Ш. т. х. юзага келади.

Рус. Помутнение стекловидного тела.

Шиш — изоҳи I ж. да.

Унинг ўттизга яқин хили бор.

Рус. Отёк.

Аллергик ш. — аллергияларнинг таркибий қисми сифатида юзага келадиган шиш.

Рус. Аллергический о.

Анафилактик ш. — анафилактик реакцияларнинг таркибий қисми сифатида юзага келадиган шиш.

Рус. Анафилактик о.

Буйрак касаллиги шиши — танада сув ва натрий тузлари сезиларли даражада йиғилиб қолиши, сийдик билан оқсил йўқотилиши билан кечувчи буйрак дардларида юзага келадиган шиш.

Рус. Почечный о.

Буллэз ш. — тери ва тери ости тўр тўқимаси — клетчаткаси шиши; эпидермис остида суюқлик йиғилиши, пуфаклар ҳосил бўлиши билан кечади; 2-даражали куйиш ва музлаш ҳолларида, буллэз (қ. II ж.)ли сарамас ва б. дардларда кузатилади.

Рус. Буллэзный о.

Гипотиреоид ш. (син. микседема) — **гипотиреоз** (қ. II ж.)га чалинган беморларда тери ости тўр тўқимаси — клетчаткасига тарқайдиган шиш; унда муцинсимон моддалар тўпланади.

Рус. Гипотиреоидный о.; син. микседема.

Димланиш шиши — веноз қон ёки лимфанинг томирлардаги оқими сустлашган ёхуд тўхтаб қолган ҳолларда юзага келган шиш.

Рус. Застойный о.

Зичлашган тери шиши — тери зичлашиши, оқариши, ялтираши билан юзага чиқадиган тери шиши.

Рус. О. кожи плотный.

Индуратив ш. — веноз қон ёки лимфанинг томирлардаги оқими сустлашган ёхуд тўхтаб қолган ҳолларда шикастланган гавда соҳалари зичлашиб, қаттиқлашиб қолишидан юзага келган димланган шиш.

Рус. Индуративный о.

Истерик тери шиши — баъзан истерияга тушган одамлар терисида юзага келадиган оғриқли шиш.

Рус. О. кожи истерический.

Лимфатик ш. — лимфатик томирларнинг босилиб-қисилиб қолиши, спазмаси, тикилиб қолиши ёки лимфа кескин ортиб кетиши оқибатида юзага келадиган шиш.

Рус. Лимфатический о.

Мембраноген ш. — капилляр мембраналарнинг ўтказувчанлиги ортиб кетганда юзага келадиган шиш; *аллергик, токсик, яллиғланиш шишлари* шулар жумласидандир (қ.).

Рус. Мембраногенный о.

Механик ш. — тўқималарга механик омиллар таъсир кўрсатишидан юзага келадиган шиш; мас., уни қон ёки лимфа оқими тўсилиб қолганида кузатиш мумкин.

Рус. Механический о.

Невроген ш. — нерв системаси функцияси издан чиқиши оқибатида юзага келадиган шиш.

Рус. Неврогенный о.

Онкотик ш. (син. коллоид-осмотик ш.) — қонда гипопроотеинемия бўлганда — қон таркибида оқсил камайиб қолиши оқибатида қоннинг онкотик босими пасайиб кетишидан юзага келадиган шиш.

Рус. Онкотический о.; син. коллоидно-осмотический о.

Осмотик ш. — тўқима суюқлигининг осмотик босими ошиб кетиши оқибатида юзага келадиган шиш; тўқимадаги моддалар алмашинуvidан ҳосил бўлган маҳсулотлар тўпланиб қолиши, тузлар ажралиши издан чиқиши шунга сабаб бўлиши мумкин.

Рус. Осмотический о.

Рефрактер ш. — қ. *Яширин ш.*

Токсик ш. — организмга токсик (заҳарли) моддалар таъсир этиши оқибатида юзага келадиган шиш.

Рус. Токсический о.

Травматик ш. — механик таъсир оқибатида тўқималар шикастланишидан юзага келадиган шиш; қон ва лимфа димланиб қолиши, томирлар ўтказувчанлиги ошиши ва моддалар алмашинуvi издан чиқиши оқибатида кузатилади.

Рус. Травматический о.

Юрак касаллиги шиши — юрак ўнг қоринчаси иши етишмаслигида паст турган гавда қисмларида юзага келадиган димланиш шиши.

Рус. О. сердечной болезни.

Яллиғланиш шиши — яллиғланган жойларда юзага келадиган шиш; қон томирлар девори ўтказувчанлиги ошиб кетиши оқибатида келиб чиқади.

Рус. Воспалительный о.

Яширин ш. (син. рефрактер ш.) — ташқаридан кўз илғамайдиган, фақат махсус синамалар ёрдамида (мас., тери орасига физиологик эритма юбориш) ёки айрим ташқи кўрсаткичлар (мас., гавда вазни ошиши)га қараб аниқланадиган шиш.

Рус. Скрытый о.; син. рефрактерный о.

Шовқин I — изоҳи I ж. да — қ.

Рус. Шум I.

Артерия ш-ни — йўғон артериянинг торайиб қолган ёки кенгайиб кетган соҳасида эшитиладиган шовқин; томирнинг бирор патологияси — стенози ёхуд аневризмасида ёки Коротков методи бўйича артериал босимни аниқлашда кузатилади.

Рус. Артериальный ш.

Бачадон ш-ни — ўтказувчанлиги сақланиб турган бачадон найига ҳаво юборилганда қорин соҳасида эшитиладиган шовқин.

Рус. Маточный ш.

Вена ш-ни — йўғон вена устидан ғувиллаш ёки шилдирашга ўхшаб эшитиладиган шовқин; қон қовушоқлиги пасайган ёки вена деворларииннг силлиқлиги бузилган ҳолларда кузатилади.

Рус. Венный ш.

Диастола ш-ни — бутун диастола бўйлаб ёки унинг бирор фазасида эшитиладиган юрак шовқини.

Рус. Диастолический ш.

Иккиланган машина ш-ни — қ. *Машина ш-ни.*

Ирғишловчи ш. — меъда кардиал тешиги очиклигида овқат ёки сув луқмасини ютгандан кейин шу заҳоти ханжарсимон ўсимта билан чап қовурға ёйи оралиғидаги бурчакдан эшитиладиган қисқа шивирловчи шовқин.

Рус. Ш. проскакивания.

Итариш ш-ни — меъда кардиал тешиги чала очилганда овқат ёки сув луқмасини ютгандан кейин бир неча сониядан сўнг ханжарсимон ўсимта билан чап қовурға ёйи оралиғидаги бурчакдан эшитиладиган бўғиқ қисқароқ шовқин.

Рус. Ш. проталкивания.

Ичак ш-ни — киндик атрофларидан эшитиладиган шовқин; ичак юришиб туришидан келиб чиқади.

Рус. Ш. кишечный.

Кечки систолик ш. (син. телесистолик ш.) — систола охирида юзага келадиган ва юракнинг иккинчи товуши билан кўшилиб кетадиган юрак шовқини.,

Рус. Систолический ш. поздний; син. син. телесистелический ш.

Киндик ш-ни — ҳомиладор аёлнинг олдинги қорин деворидан эшитиладиган, киндик томирларидаги қон оқимидан келиб чиқадиган пульс билан бир вақтда пайдо бўлувчи шовқин.

Рус. Ш. пуповины.

Консультант ш-ни — юрак фаолияти кўзғалиб кетган ҳолларда эшитиладиган шовқин. мас., беморни консультант-врач кўздан кечираётганида келиб чиқади.

Рус. Ш. консультанта.

Машина ш-ни (син. иккиланган машина ш-ни) — машинанинг бугли мотори ишлагандагига ўхшаш эшитиладиган кўпол систолик-диастолик шовқин; систола ва диастола пайтида қон оқимининг қарама-қарши томонга оқишидан келиб чиқади; юракнинг оралиқ деворида нуқсон бўлганда, артерия йўли битмай қолганда кузатилади.

Рус. Машинный ш.; син. двойной машинный ш.

Мезодиастолик ш. — диастоланинг фақат ўрта фазасида эшитиладиган юрак шовқини.

Рус. Мезодиастолический ш.

Мезосистолик ш. — систоланинг фақат ўрта фазасида эшитиладиган юрак шовқини.

Рус. Мезосистолический ш.

Музиқий ш. — муайян частотада товуш тебраниши аниқ-равшан устунлик қилиб турадиган музиқага ўхшаш шовқин.

Рус. Музыкальный ш.

Нафас ш-ни — кўкрак устидан эшитиладиган, нафас йўлларида ҳаво юришидан юзага келадиган шовқин.

Рус. Дыхательный ш.

Органик юрак ш-ни — юрак қопқоқлари тавақалари, пай хордалари ва сўргичсимон мушакларда морфологик ўзгаришлар бўлганда, юрак бўшлиқларида тромблар пайдо бўлганда, юрак камералари аневризматик кенгайиб қолганида ёки бўлмачалар билан қоринчалар оралиғида қандайдир нуқсон бўлганда эшитиладиган юрак шовқини.

Рус. Ш. сердца органический.

Пансистолик ш. — юрак систоласининг бошидан-охиригача эшитиладиган шовқин.

Рус. Пансистолический ш.

Паракардиал ш. — юрак ва йўғон қон томирлар шикасти билан боғлиқ бўлмаган, юрак уриши циклининг муайян фазасида кўкрак қафаси устидан эшитиладиган шовқин.

Рус. Паракардиальный ш.

Перикард ишқаланиш ш-ни — тимдаловчи, қитирловчи юрак ш-ни; перикарднинг патологик ўзгаришларга учраган висцерал ва париетал пластинкаларининг бир-бири билан ишқаланишидан келиб чиқади.

Рус. Ш. трения перикарда.

Перикардоперитонеал ш. — юрак перикарди (қ. II ж.) шовқинининг бир тури; унинг зўрайиб-пасайиши бемор гавдаси ҳолатининг ўзгариши ва қорин девори қай даражада таранглигига боғлиқ; кўкс оралиғи аъзолари ва қорин бўшлиғининг юқори қисми шикастланганлигидан дарак берувчи белги.

Рус. Перикардоперитонеальный ш.

Перитонеал ш. — қ. Қорин парда ишқаланиш ш-ни.

Пирилдоқ ш-ни — бўйинтуруқ венаси устидан эшитиладиган тинимсиз ғувиллаган шовқин; ростмана анемияда ва қон қовушоқлиги пайсайиб кетган ҳолларда кузатилади.

Рус. Ш. волчка.

Плевра ишқаланиш ш-ни — куруқ патологик ўзгаришларга учраган плевра варақларининг чуқур нафас олганда бир-бири билан ишқаланишидан юзага келадиган ва кўкрак қафаси устидан эшитиладиган шовқин.

Рус. Ш. трения плевры.

Плеврокардиал ш. — юрак бирор бўлимида юзага келган кўплаб битишмаларнинг плевра бўшлиғини босиб қўйишидан келиб чиққан юрак шовқини.

Рус. Плеврокардиальный ш.

Плевроперикардиал ш. — нафаснинг маълум фазасида пасайиб ёки йўқолиб турувчи юрак фаолияти циклининг муайян фазасида перикардиал соҳада эшитиладиган дағал гичирловчи шовқин; плеврперикардиал битишмалар туфайли келиб чиқади.

Рус. Плевроперикардиальный ш.

Пресистолик ш. — юрак бўлмачалари билан қоринчалари оралиғидаги тешиклар торайиб қолганида фақат диастола охирида (бўлмачаларнинг систоласи даврида) эшитиладиган юрак шовқини.

Рус. Пресистолический ш.

Протодиастолик ш. — юракнинг иккинчи товушидан кейин шу заҳоти юзага келадиган ва диастола давомида пасайиб борадиган юрак шовқини; аорта қопқоғи билан ўпка артерияси қопқоғи иши етишмаслигидан дарак берувчи энг ишончли белги.

Рус. Протодиастолический ш.

Систолик ш. — фақат юрак қоринчалари систоласида қон аномал — нонормал тешиқлардан ўтаётганда ва (ёки) қопқоқлар патологияга учраб жипс ёпилмаётган ёхуд қон қовушоқлиги пасайиб кетган ҳолларда эшитиладиган юрак шовқини.

Рус. Систолический ш.

Систолодиастолик ш. — бир-бири билан қўшилиб кетувчи систолик ва диастолик шовқинлар мажмуи; юрак қоринчалари ораллигидаги деворнинг ёки артериал йўлнинг битиб кетмаганлиги оқибатида келиб чиқади.

Рус. Систолодиастолический ш.

Тасмасимон ш. — шовқин бутун давомида бир хил баландликда эшитиладиган ва фонограммада бир хил амплитуда қайд қилинадиган шовқин.

Рус. Лентовидный ш.

Тегирмон ғилдираги ш-ни (син. Морель - Лавалле с и м п т о м и) — қулқулаган, шалоплаган шовқин; кўкрак қафаси тешилиб, юрак жароҳатланганда перикард бўшлиғига қон ва ҳаво тўпланишидан, шунингдек, гидропневмо-перикард юзага келганда эшитилади.

Рус. Ш. мельничного колеса; син. симптом Морель-Лавалле.

Телесистолик ш. — *Кечки систолик ш.*

Урчуқсимон ш. — юрак систоласида биринчи товушнинг минимал паст бўлиши ва ўрталарига бориб кучайиши ва систоланинг охирларига келиб пасайиши билан таърифланадиган систолик шовқин; фонокардиограммада ромбасимон ёки урчуқсимон шаклда аксланади.

Рус. Веретенообразный ш.

Функционал юрак ш-ни — юрак қопқоқларида органик шикастланишлар, юрак камералари ораллигидаги нуқсонлар, юрак мушакларидаги ўзгаришлар ва б. патологик ҳолатлар билан боғлиқ бўлмаган юрак шовқини; организмнинг айрим конституцион ўзгаришлар ичида, жадал ўсиш даврида, кам қонликда кузатилади.

Рус. Ш. сердца функциональный.

Шалоплаш ш-ни — чалқанча ётган беморнинг ёнбошига бармоқлар билан урилганда меъдадан эшитиладиган қулқул-

ловчи шовқин; меъдада газ ёки суюқлик борлигидан дарак берувчи белги; меъда **гиперсекреция** (қ. II ж.)сида ёки меъдадаги суюқ овқат массаси ичакка ўтиб кетмай туриб қолганида кузатилади.

Рус. Ш. плеска.

Ютиниш ш-ни — овқат ёки сувни ютганда қизилўнғач устидан (умуртқа поғонасининг кўкрак бўлими бўйлаб ва кекирданинг чап томонидан) ва меъданинг кардиал қисми устидан (ханжарсимон ўсимта билан чап қовурга ёйи оралигидан) эшитиладиган шовқинларнинг умумий номи.

Рус. Глотательный ш.

Юрак ш-ни — юрак прекардиал соҳасининг бир неча нуқталаридан, камроқ бошқа кўкрак қафаси соҳаларидан эшитиладиган, баъзан юракнинг патологик ёки ўзгарган физиологик ҳолатлари билан боғлиқ равишда қон томирлар бўйлаб тарқаладиган шовқин.

Рус. Ш. сердца; син. сердечный ш.

Қирғич ш-ни — аорта қопқоғи устидан эшитиладиган ва шу соҳада юзага келадиган систолик титраш билан қўшилиб кетадиган шовқин; аорта тешиги торайиб қолганлигидан дарак берувчи белги.

Рус. Ш. тёрки.

Қон томирлар ш-ни — йўғон томирлар устидан эшитиладиган шовқин; йирик артериялар бўйлаб қон оқимидан эшитиладиган юрак шовқинига ўхшайди.

Рус. Сосудистый ш.

Қон тўлиш ш-ни — юрак бўлмачалари билан қоринчалари оралиғидаги тешиклар торайиб қолганида қоринчалар қонга тўлаётган пайтда эшитиладиган шовқин.

Рус. Ш. наполнения.

Қопқоқлар ш-ни — юрак қопқоқлари нуқсонларида — деформацияга учраганида, тавақалари қисқариб қолганида, тешилганларида эшитиладиган шовқин.

Рус. Клапанный ш.

Қорин парда ишқаланиш ш-ни (син. перитонеал ш.) — қорин парда варақлари фибринлар уларнинг бир-бири билан ишқаланишидан юзага келадиган ва қорин олд деворидан эшитиладиган шовқин.

Рус. Ш. трения брюшины; син. перитонеальный ш.

Қум ш-ни — юқори частотали баланд систолик шовқин; сўргичсимон мушаклар шикастланиши оқибатида келиб чиққан юрак митрал қопқоғи иши етишмаслигида эшитилади.

Рус. Ш. песка.

Ҳайдалиш ш-ни — юрак қоринчаларидан ҳайдаб (ирғитиб) чиқарилган қоннинг систолик шовқини; ўпка артерияси ёки аорта қопқоқларининг патологик ўзгаришга учраганлигидан ёхуд шу томирларнинг қопқоқ усти қисми кескин торайганлигидан келиб чиқади.

Рус. Ш. изгнания.

Шовқинга қарши мосламалар (син. антишовқин мосламалар) — эшитув аъзосини шовқиндан ҳимоя қилувчи индивидуал воситалар.

Рус. Противошумы; син. антишумы.

Шокила — бачадон найи, тухумдон, миядаги денгиз оти, кўз рангдор пардаси каби аъзоларда тукчалар, гажимларга ўхшаб турадиган ўсиқчалар; жойлашган ўрнига кўра улар ҳар хил функцияларни бажаради; мас. **Бачадон найи шокиллари** (қ. III ж.) тухум ҳужайрани бачадон найи тешиги томон сурилиб боришини таъминлайди.

Рус. Бахромка.

Шохланиш (син. кератинизация, шохга айланиш) — тўқимларда шох (мугуз) модданинг юзага келиш жараёни; у — одатда кератин, кератогиалин ва ёғ кислотадан таркиб топган бўлади; унинг патологик хили ҳам мавжуд.

Рус. Ороговение; син.: кератинизация, роговое превращение.

Патологик шохланиш — 1. Нормада шохланиш бўлиши лозим жойларда кучайган ёки сусайган бўлади.

2. Нормада шохланиш бўлмаслиги лозим жойларда ривож топиб қолади; мас., тил, ўрта қулоқ, шох парда, қизилўнгач, ҳиқилдоқ ва б. аъзоларда пайдо бўлади; бу анормал ҳодиса саналади.

Рус. Патологическое орогование.

Шох парда чўққиси (син. кўз олд қутби) — *офтальмологияда* — кўз шох пардасининг геометрик марказига тўғри келадиган унинг устки юзасидаги нуқта.

Рус. Вершина роговицы; син. полюс глаза передний.

Шох парда яраси (син. ярали кератит) — *офтальмологияда* — кўз шох пардаси тўқималарининг некрозга учраши ва нуқсон юзага келиши билан кечадиган яллиғланиш; **кўз оқи** (қ. I ж.) — бельмо келиб чиқишига сабабчи бўлиши мумкин; унинг беш хили маълум.

Рус. Язва роговицы; син. язвенный кератит.

Диплобациллали ш. п. я-си (син. Моракс—Аксенфельд ш. п. я-си) — Моракс—Аксенфельд таёқ-

часи келтириб чиқарган шох парда яраси; ангуляр конъюнктивит пайтида кузатилади.

Рус. Я. р. диплобациллярная; син. я. р. Моракса–Аксенфельда.

Моракса–Аксенфельд ш. п. я-си – қ. Диплобациллар ш. п. я-си.

Трахоматоз ш. п. я-си – паннус (қ. II ж.) чегарасида шох парданинг тиниқ (рангсиз) қисмида юзага келадиган трахома – шилпикда кузатиладиган шох парда яраси.

Рус. Я. р. трахоматозная.

Чекка ш. п. я-си – шох парда чеккасида ярим ой шаклида юза нуқсон кўринишида келиб чиққан шох парда яраси; аксарият, кекса ёшдаги одамларда кузатилади.

Рус. Я. р. краевая.

Урмаловчи ш. п. я-си (син. гипопион-кератит) – кўз шох пардасининг бир чеккасида юзага келган яранинг нариги чеккаси томон сурилиб ортдан битиб, эпителий ҳосил бўлиб борадиган яра; бу жараёнга рангдор парда ва шох парданинг чуқур қатламлари тортилиб кўз олд камерасига йиринг тўпланиши – гипопион юзага келади; шох парданинг инфекцияли микроотравмасидан кейин келиб чиқади.

Рус. Я. р. ползучая; син. гипопион-кератит.

Ўювчи ш. п. я-си (син. Морен ўювчи я-си) – дастлаб ярим ой кўринишида шох парда чеккаси бўйлаб жойлашадиган, кейин бутун шох парда юзасини эгаллаб олиб ўрнида чандиқ қолдирадиган яра.

Рус. Я. р. разъедающая; син. разъедающая я. Морена.

Шохсимон таначалар – қ. Шохсимон киприк хужайралар.

Шохсимон тоғай (син. Санторини тоғайи) – чўмичсимон тоғай билан ҳиқилдоқ қопқоғи бурмасида ҳиқилдоқ чўмичсимон тоғайи чўққиси устида жойлашган кичик конуссимон тоғай.

Рус. Рожкевидный хрящ; син. санториниев хрящ.

Шубҳаланишлик – турли нарса-ҳодисалардан, жузий кўнгилсизликлардан, арзимаган ташвишлардан хавотирга тушишга, ваҳима босишга мойиллик; нега ундай бўлди, энди нима бўлади, деган хаёлга ботиш, арзир-арзимас, бўлар-бўлмасга шубҳа билан қараб ўйлайвериш.

Рус. Мнительный.

Шум бола – амалиётда – етим ёки ночор оиладан чиққан, антисанитария шароитида юрган, юпун ва яланг-оёқ, ўтмишнинг жирканч сарқитларга кўмилиб кетган, мактаб-мадраса кўрмаган, таълим-тарбиядан, гигиеник амаллардан йироқ,

қашшоқлашиб кетган 7–12 ёшдаги ҳалокатли қаро кунлар вакили.

Рус. Злосчастный мальчик.

Шуурсизлик — одамнинг руҳий касаллик ёки вақтинча руҳий фаолияти айниши (бузилиши) оқибатида ўз қилмишлари ҳақида ўзига ҳисоб бера олмаслиги ёки хатти-ҳаракатларини бошқара билмаслиги; эс-ҳуш йўқотилган ҳолат; суд-психиатрик экспертиза Ш. деб топган киши жинойи жавобгарликдан озод этилади.

Рус. Невменяемость.

Шуъласимон тож — катта мия палласининг оқ моддасидаги нерв толалар проекцияси — тасвирининг мажмуи.

Рус. Лучистый венец.

Шўралаш — *тиббиётда* — бадан, оёқ-қўллар, юз-ёноқлар териси юзасининг турли хил сабаблар (мас., тери касалликлари, витаминлар, микроэлементлар етишмаслиги ва б. лар)га кўра у ер-бу ерида катта-кенг ёки кичик-кичик ўчоқлар шаклида оқариб, қуруқшаб, қазғоқланиб туриши, баъзан эса кепакланиб тушиши; темиртки ва б. тери касалликлари сифатида ҳам, айрим-алоҳида ҳолатларда ҳам учрайди.

Ш. термини баъзи тери касалликларининг белгиси сифатида ҳам ишлатилади.

Э

Эгар бачадон — танасининг туб соҳасидан икки шохга бўлиниб қолган бачадон; бачадоннинг ташқи юзаси эгар шаклида чўкиб (ботиб) туради; туғма ривожланиш нуқсони.

Рус. Седловидная матка.

Эгар бурун (син. эгарсимон бурун) — *nasus selliformis* — бурун ўрта қисми — қаншарнинг чўккан ва уч қисми кўтарилиб — танқайиб қолган **пучуқ** (қ. I ж.) ҳолати; бу — бурун қаншарининг ривожланмай қолиши ёки унинг тоғайи ёхуд суяги емирилиб тушиши (захмда) оқибатида юзага келади.

Рус. Седловидный нос.

Эгарсимон бурун — қ. **Эгар бурун**.

Эгри қўл одам — *психиатрияда* — писиб, биқиниб, ҳеч ким билмас хатти-ҳаракатлар, пинхона ишлар билан ҳеч зоққа кўрсатмай, сездирмай, беркитиб, яширинча, ўғринча нарсаларни олиб кетадиган, қўлга киритадиган, эга чиқади-ган устомон одам.

Рухан носоғлом одамлар нуқсонни, дардга чалинган руҳият иллати ва психоз, шизофрения ва б. руҳий касалликларнинг белгиси, симптоми, синдроми сифатида қаралади.

Рус. Человек нечистой рукой.

Эзилган томчи — микроорганизмларни микроскоп остида витал — тирик ҳолатида кўздан кечиришга мўлжалланган препарат; у — томчи осилмаларини предмет шиша билан ёпқич шиша орасига жойлаб тайёрланади.

Рус. Раздавленная капля.

Экзоген сарғайма — қ. **Сохта сарғайма**.

«**Экканингни оласан**» — *тиббийтда* — 1. Эркакдаги Х- ва Y-хромосомали сперматозоидларнинг қайси бири аёл тухумини уруғлантирса (аёлларда фақат Х-хромосомали тухум бўлади), шунга қараб қиз ёки ўғил туғилади, яъни Х-хромосомали сперматозоид уруғлантирса қиз, Y-хромосомали сперматозоид уруғлантирса ўғил бўлиши аллақачон фанда исботланган.

2. Ота-онадан генетик — ирсий хислатлар уларга уларнинг ота-онасидан ўтган — суяксурган экан, боласига ҳам шундай хислатлар ўтади — суяксуради; мас., ичкиликбозлик; наркомания (гиёқвандлик), уришқоқлик, серзардалик, асаб бузилишлари, қўли эгрилик, ёлгон гапиришлик, оёғи суюқлик ва б. камчилик ҳамда нуқсонларга мойил бўлган ота-онадан дунёга келган фарзандлар ҳам шу иллатларга мойил бўладилар; аксинча, хунарманд, ўқимишли, зиёли, курашчан, илмдор, ҳақиқатпарвар, гўзал хулқ, гўзал қиёфага эга бўлган ота-онадан дунёга келган фарзандлар шу ижобий хислатларга эга бўладилар; биринчи ҳолда ҳам, иккинчи ҳолда ҳам истиснолар бор.

Халқимиз авлодини, зотини суриштир деб бежиз айтмаган.

Рус. «Получишь то, что сажал».

Эксикоз — қ. **Организм сувсизланиши**.

Экстрагепатал сарғайма — қ. **Бежигар сарғайма**.

Эксцизия — қ. **Кесиб олиш**.

Элак панжара (син.: *бленда* — *тав. этилмайди*, *рентген панжара*) — рентген тасвири контрастлигини ошириш мақсадида рентген нурларини ютиб (тутиб) қолишга мўлжаллаб чиқарилган қурилма.

Рус. Отсеивающая решётка; син.: *бленда* — *тав. этилмайди*, *рентгеновская решётка*.

Элиш — 1. Андек мусаллас, бўза каби юмшоқ ичкиликлар таъсирида, ўта ёқимли ҳид оғушида, гиёқвандликнинг энгил турларида, шунингдек, айрим дори моддалардан энгил-елпи маст бўлиш, пинакка кетиш.

2. Иссиқ кунларда, дим ҳавода, ҳаммомларда мадор кетиб, қимирлашга ҳол келмай сукунатга чўмиш, мудроқ босиш.

3. Олов ёнида, тутун босган уйда кислород етишмай исгази — карбонат (II)–оксиддан енгил–елпи захарланиши.

Эмбрион буйраги — қ. **Бўлакчали буйрак**.

Эмаклаш — 6–7 ойлик бўлган боланинг қўл панжалари ва тиззаларини ерга қўйиб юриши; ўрмалаши.

Рус. Ползание.

Эмчак — қ. *Сут без*.

Эмчи — 1. *Тиббиётда* — юқумли касалликларга қарши эмловчи тиббиёт ходими (врач, ҳамшира ва б.).

Рус. Прививатель.

2. *Халқ табобатида* — ирим-сирим, дуо, қоқиқ-суқуқлар, куф-суфлар билан даволовчи киши.

Рус. Знахарь.

Энага — 1. Бошқаларнинг боласини тарбиялаган (тарбиялайдиган), унга мурабийлик қилган (қиладиган) аёл.

Рус. Воспитатель.

2. Бошқаларнинг боласини эмизиб боқувчи аёл.

Рус. Кормилица.

Энгак (син.: даҳан, ияк) — ўнг ва чап жағларнинг қўшилиб бирлашган ёйсимон қисми; одамнинг юз кўриниши шаклланишида унинг шаклининг аҳамияти катта; одам вафот этган замони уни юқори жағга жипслаштириб бошга рўмолча билан танғиб қўйиш жуда зарур; акс ҳолда, у пастга тушиб қотиб қолади ва натижада мурданинг оғзи очиқ қолади.

Рус. Подбородок.

Энгак дўнглиги — энгак юзага келишига асос бўлиб хизмат қилувчи пастки жағ танасининг ўрта юзасидаги кўтарилиб-бўртиб тўрган соҳа.

Рус. Подбородочное возвышение.

Энгак-лаб эгати — пастки лабни энгакдан ажратиб турувчи тери бурма-эгати.

Рус. Подбородочно-губная борозда.

Энгак нуқтаси (син. гнатион) — медиал — ўрта чизиқ бўйлаб тушганда пастки жағнинг энг қуйи нуқтаси; антропометрик нуқта; баъзи одамларда шу нуқта ўрни ботикроқ бўлади.

Рус. Подбородочная точка; син. гнатион.

Энгак соҳаси — юқоридан — энгак-лаб эгати, пастдан — пастки жағнинг қуйи чеккаси, икки ёндан — оғиз бурчагидан пастга қараб тушган чизиқлар билан чегараланиб турадиган юзнинг пастки қисми.

Рус. Подбородочная область.

Энтропион — қ. **Қовоқ буралиши.**

Эпигастрал соҳа — қ. **Қорин усти.**

Эпигастрий — қ. **Қорин усти.**

Эпидидимис — қ. **Мояк ортиғи.**

Эпителиал таначалар — қ. **Қалқонсимон без олди беги.**

Эпителиал-ҳужайравий сарғайма — қ. **Жигар сарғайма.**

Эпителиоцит — қ. **Эпителий ҳужайраси.**

Эритма-суртма — суртма асоси (мас. вазелин, глицерин, мой ва б. лар)да эритиб тайёрланган суртма.

Рус. Мазь-раствор.

Эркак қини — *ўғил болада* — уруғ дўнглиги билан уретра — сийдик чиқарув канали оралиғидаги ботикликда **дивертикул** (қ. II ж.) шаклида парамезонефрик йўл — Мюллер йўлининг (най шаклида) охири қисми эмбрион ривожланишида сақланиб қолишидан юзага келган қин; ривожланиш нуқсони.

Рус. Мужская влагалище.

Эсанкираш — *психологияда* — қаттиқ кўзғалиш оқибатида руҳий фаолиятда юзага келадиган саросимали довдир ҳолат; бу — ё ижобий воқеалар таъсирида, ёки салбий нарсалар ҳодисалар орқасида вужудга келади.

Рус. Растеряться.

Эсдан чиқариш — қ. **Хотирадан чиқариш.**

Эслаш — *психиатрияда* — илгари кўрилган бирор бир объект образи, шунингдек, бошдан кечирилган ички-руҳий кечинмалар, ўй-фикрлар, ғоялар ва шу кабиларнинг хаёлга келиши.

Рус. Воспроизведение.

Ясси қуртлар — танасининг дорсовентрал (орқа-қорин) томони яссиланиб борган икки томони симметрик қуртлар типи; уларнинг вакиллари: фасциоллар, эхинококк ва б. лар одам ва ҳайвонларда гижжа касаллигини келтириб чиқаради.

Рус. Плоские черви.

Эс-ҳуш хиралашуви (син. онг хиралашуви) — реал дунё, нарсалар ва улардаги боғланишларни идрок қила олмаслик, атрофни билишнинг бутунлай ёки қисман издан чиқиши, вақтни, турган жойни ориентация қила олмаслик, ён-веридаги кишиларни, ўзини-ўзи танимаслик, фикрлар қовушмаслиги, Э. ҳ. даврда қисман ёки бутунлай **амнезия** (қ. II ж.) бўлиши билан кечадиган эс-ҳуш бузилиши.

Рус. Помрачение сознания; син. расстройство сознания.

Эс-хуш чигллашуви — *психиатрияда* — позитив рухий симптомлар (васваса, галлюцинация ва б. лар) билан юзага чикувчи эс-хуш хиралашуви; кирарли-чиқарли бўлиб туриши, у — олти хил бўлади.

Рус. Спутанность сознания.

Эт — 3. ¹ *Тиббиётда* — аъзо ва тузилмаларнинг юмшоқ тўқималари; мушак тўқима, ёғ тўқима, нерв тўқима, тўр тўқима (клетчатка) ва б. лар мажмуи.

4. *Тиббиётда* — одамнинг жисми, танаси, вужуди; эти увишиб турибди (демак, танаси увишиб турибди)., эти ориқ, эти суягига ёпишган (демак, ёғ-гўшти қочган, озгин) ва ҳ.

¹ Эт — 1 ва 2-изоҳлар I жилда — қ.

Этбўғоз — ҳомила тухуми бачадонда ёки бачадон найида нобуд бўлганида юзага келадиган сариқ-қизғиш рангли патологик тузилма.

Рус. Мясистый занос.

Этга ботган тирноқ (син. тирноқ инкарнация — л а ш у в и) — тирноқ танаси ён-чеккаларининг ён-веридаги бармоқ юмшоқ тўқималарига — бармоқ этига ботиб ўсган тирноқ.

Рус. Вросший ноготь; син. инкарнация ногтя.

Эт жимираши — кучли ҳис-туйғулар, қаттиқ ҳаяжонланиш, даҳшат босиш туфайли бадан сесканиши, туклар кўтарилиб терида чумолилар ўрмалагандай сезгилар пайдо бўлиши.

Рус. Бегание мурашек.

Этли парда — таркибида талайгина силлиқ мушак тўқимани тутадиган ёрғоқ — мояк халтасининг бириктирувчи тўқима қавати; чов соҳаси билан чот оралиғининг тери ости бириктирувчи тўқимасининг ёрғоқда давом этувчи қисми.

Рус. Мясистая оболочка.

Эхо палилалия — қ. **Ақсланган нутқ**.

Эшитув кўзойнаги — кўзойнак гардишига ўрнатилган эшитув аппарати.

Рус. Слуховые очки.

Эшитув найи (син.: Евстахио найи, ноғора-ҳалқум найи) — ноғора бўшлиқдан бошланиб бурун-ҳалқум соҳасида ташқи муҳит билан туташадиган узунлиги 3,5 см (болаларда — 2 см) келадиган ётиқ жойлашган най; ютинганда най бўйни очилиб ноғора бўшлиққа ҳаво қиради; кулоқ битиши ва очилиши шунга боғлиқ.

Рус. Слуховая труба; син. барабанно-глоточная труба, труба евстахиева.

Эшитув найи ноғора парда тешиги — ноғора парданинг олд деворидаги эшитув найига ўтадиган тешик.

Рус. Отверстие слуховой трубы барабанное.

Эшитув найи тораймаси — эшитув найининг суяк қисми билан тоғай қисми оралиғидаги сиқиғи.

Рус. Перешеек слуховой трубы.

Эшитув найи ҳалқум тешиги — ҳалқум бурун қисмининг ён деворидаги эшитув найига ўтадиган тешик.

Рус. Отверстие слуховой трубы глоточное.

Эшитув суякчалари — ноғора бўшлиқда жойлашган болғача сандон ва узанги деб аталувчи учта суякча; товуш тўлқини болғачага, ундан сандонга ва кейин узангига урилиб сўнг ички кулоққа узатилади; ҳар учала суякча най, бойлам ва мушаклар билан таъминланган.

Рус. Слуховые косточки.

Ю

Ювинди сувлар — бирор бир аъзо ичини ёки гавда бўшлиғини ювиб олинган суюқлик; диагноз қўйишда материал хизматини ўтайди.

Рус. Промывные воды.

Ювғучи (син.: *ғ а с с о л , м у р д а ш у*) — мурдани ювиб тозалаб кафанловчи киши.

Рус. Обмывающий покойников.

Юз — 1. *Афт-башара маъносида* — қ. I ж.

2. *Ёноқ маъносида* — бурун икки ён томонидаги ёноқ суяги билан **ёноқ ёйи** (қ.)дан иборат башара ён қисмлари.

Юз бермаган ҳомила тушиш (син. *у ш л а н и б қ о л г а н ҳ о м и л а т у ш и ш*) — ўз-ўзидан юз берган абортда нобуд бўлган ҳомила тухумининг бачадон деворидан кўчмай узоқ вақт (бир неча ҳафтадан бир неча ойгача) бачадонда туриб қолиши.

Рус. Несостоявшийся выкидыш; син. задержавшийся выкидыш.

Юз — саломатлик кўзгуси — юзнинг ички ёки ташқи аъзоларда, гавда қисмларида кечаётган дард жараёнларидан дарак бериш, ном-нишон кўрсатиш хизмати ифодаси; организмда кечаётган ҳар қандай патологик ҳолат киши юзида — рангида аксланиб туради; «ранг кўр — ҳол сўр», деб халқимиз бекорга айтмаган.

Рус. Лицо — зеркало здоровья.

Юкланиш 1. *Тиббиётда* — у ёки бу аъзога ёхуд бутун организмга бериладиган, тушадиган, қабул қилинадиган ёки

уларнинг ўзи физиологик равишда бажарадиган иш кўлами; у – катталиқ жиҳатидан уч хил бўлади.

Рус. Нагрузка.

Катта ю. – алоҳида бир аъзога ёки бутун организмга имкониятидан ортиқ даражада кўшимча куч, иш, вазифа, юк, таъсир берилишидан юзага келадиган юкланиш.

Рус. Большая н.

Кичик ю. – алоҳида бир аъзога ёки бутун организмга имкониятидан кам даражада куч, иш, вазифа, юк, таъсир берилишидан юзага келадиган юкланиш.

Рус. Малая н.

Меъёрий ю. – алоҳида бир аъзога ёки бутун организмга имкониятига яраша куч, иш, вазифа, юк, таъсир берилишидан юзага келадиган юкланиш.

Рус. Нормальная н.

2. **Фармацияда** – дори воситалар ва бошқа моддаларнинг организмда ёки аъзоларда юзага келадиган таъсир кўлами.

3. **Юкланиш** термини бошқа кўп фан соҳаларида турли маъноларда ишлатилишига эътибор беринг.

Рус. Нагрузка.

Юклантириш синамаси (син. зўриқтириш синамаси) – организмнинг у ёхуд бу системасини зўр бериб ишлатиш орқали фаолиятида етишмаслик белгилари пайдо бўлиши ёки кучайишига асосланиб унинг камчилик ва нуқсонларини аниқлаш методларииннг умумий номи; мас., организмга анча миқдорда глюкоза юбориб меъда ости беzi функциясини аниқлаш; беморни жисмонан зўр бериб ишлатиб юрак ишидаги камчиликларни аниқлаш ва б. лар шулар жумласидандир.

Рус. Нагрузочная проба; син. проба с нагрузкой.

Юмалоқ бойлам кемтиги (син.: жигар кемтиги, киндик кемтиги) – жигар пастки чеккасидаги юмалоқ бойлам жойлашган камгак.

Рус. Вырезка круглой связки; син.: печеночная вырезка, пупочная вырезка.

Юмалоқ қуртлар (син. бирламчи кавак қуртлар) – танаси сегментланмаган кўндаланг кесими (айланаси) юмалоқ қуртлар типи; чап ва ўнг томонларга бўлинадиган – билатерал хусусиятга эга; энг катта Ю. қ. синфи бу – нематодлар (ипсимонлар)дир.

Рус. Круглые черви; син. первичнополостные черви.

Юмилиб қоладиган панжа – бармоқлари фалангалараро бўғимлардан юмилиб турадиган, ихтиёр билан ёзилмайдиган ва панжани ёзган ҳолда тутиб бўлмайдиган қўл панжа; радиал

нерв (билак нерви) фалаж бўлган кишиларда кузатилади; иккинчи қўл ёрдамида ёзиб туриб бирор нарсани «ушлатиб» қўйиш мумкин¹.

Рус. Падающая кисть.

¹ Поччамиз — Умаўракамнинг чап қўл панжалари душман ўқидан худди шундай фалаж бўлиб қолган.

Юмшоқ танглайни кўтарувчи мушак болиши — юмшоқ тунглайни кўтарувчи мушак устидаги шиллиқ парда бурмасидан ҳосил бўлган ҳалқумнинг бурун қисми ёнидаги кичикроқ дўмбама.

Рус. Валик мышцы, поднимающий мягкое нёбо.

Юмшоқ феъл — амалиётда — 1. Табиатан босиқ, ўзини тутиб олган, бўлар-бўлмасга аччиғланмайдиган, хархаша қилмайдиган оғир-вазмин содиқ кишилар феъли.

Бундай феъл эгалари маданиятли, ўй-фикрли, мулоҳазали, меҳр-оқибатли, ширин сўз, яхши хулқ, гўзал одоб соҳибидирлар.

2. Одамлар кўзига тик боқмайдиган, ерга қараб, қисиниб-қимтиниб юрадиган, ўзини ҳамшиша босиқ, одобли, яхши хулқ, яхши ахлоқ эгаси қилиб кўрсатувчи сохта «юмшоқ» кишилар феъли.

Бундай феъл эгалари зимдан садоқатсиз, бебурт, беҳиммат, бевафо бўладилар; улар кўрқоқликлари туфайли мулойим, дадилсизликлари туфайли жим юрадилар ва секин гапирадилар; ҳеч ким хабар топмайдиган ҳолатларда ёмонлик, ёвузлик, ахлоқсизлик қиладилар; эркаклар фоҳишабозликдан, аёллар бузуқликдан тоймайдилар; халқ орасида — «юмшоқ супурги» деганлари шундай феъл эгаларидир; уларга ишониб бир иш қилиб бўлмайди.

Рус. Мягкий характер.

Юрак бардоши — тана олаётган ташқи ва ички таъсирларни кўтара олиш, шикастланиш, патологик ҳолат, касаллик ва уларнинг хуружлари, совуқ, иссиқ, оғир меҳнат, зиён-захматли касб, заҳарланиш ва б. салбий омилларга ҳамда улар билан боғлиқ организмдаги турли даражада кечаётган интоксикацияларга дош бера олиш лаёқати; унинг лаёқат даражаси «юрак бардошлиги» даражаси билан ифодаланади.

Рус. Выносливость сердце.

Юрак ирғитмаси — юрак қоринчаси бир уришда (тепишда) ёки муайян вақт оралиғида (мас., 1 мин мобайнида) ирғитиб чиқарган қон ҳажми; яна қ. **Юрак минутлик ҳажми** (III ж.).

Рус. Сердечный выброс.

Юрак ички босими — юракнинг ритмик фаолияти жараёнида ўзгариб турадиган юрак бўшлиқларидаги қон босими.

Рус. Внутрисердечное давление.

Юрак перикарди тикимланиши — қ. **Юрак тикимланиши**.

Юрак ритми бошқарувчиси — қ. **Юрак автоматизми ўчоғи**.

Юрак ритми манбаи — қ. **Юрак автоматизми ўчоғи**.

Юрак тикимланиши (син. юрак перикарди тикимланиши) — **перикард** (қ. II ж.) бўшлиғига йиғилган қон ёки **экссудат** (қ. II ж.)нинг юракни сиқиб қўйиши.

Рус. Тампонада сердца; син. тампонада полости перикарда.

Юрак-томир жарроҳи — юрак ва йирик томирлар касалликлари ва шикастланишларига диагноз қўйиш ва жарроҳий операциялар ўтказиб даволаш методи бўйича махсус тайёргарликдан ўтган мутахассис-врач (жарроҳ).

Рус. Сердечно-сосудистый хирург.

Юрак чўққиси — юракнинг юмалоқлашиб торайган, пастга, олдинга ва чапга қараган қисми; асосан, чап юрак қоринчаси деворидан юзага келган.

Рус. Верхушка сердца.

Юрак чўққиси кемтиги — олд юрак қоринчалариаро эгатни ортки қоринчалараро эгат билан туташтириб турувчи юрак ўнг чети соҳасидаги камгак.

Рус. Вырезка верхушки сердца.

Юрак қоринчалари босими — юрак қоринчалари бўшлиғидаги қоннинг улар деворига кўрсатган босими.

Рус. Внутривентрикулярное давление.

Юқори жағ — юз чаноғининг ҳаво тутувчи бир жуфт суяги; у — юз марказида жойлашган бўлиб, унинг барча суяклари, шунингдек, панжарасимон, пешона ва понасимон суяклар билан бирикиб туради; бурун ва оғиз бўшлиғи ҳамда кўз чаноғи деворларини ҳосил қилишда қатнашади.

Рус. Верхняя челюсть.

Юқори ички бўйинтуруқ венаси пиёзчаси — чакка чуқурчасида жойлашган ички бўйинтуруқ венасининг кенгайган ери.

Рус. Луковица внутренней яремной вены верхняя.

Юқори чакка чизиги — қуйи чакка суягидан юқорида жойлашган бош тепа суягининг ташқи юзасидаги ёйсимон бўртма (тепача); чакка фасцияси бирикадиган жой.

Рус. Височная линия верхняя; син. височная линия фасциальная.

Юқ-суртма — текшириладиган тўқима ёки аъзога шиша предметни теккизиб олиб сўнг қуришиб, фиксациялаб, кейин бўяб тайёрланган препарат; микроскопик текширишларга мўлжалланган бўлади.

Рус. Мазок-отпечаток.

Юқум манбаи (син. инфекция манбаи) — юқум-патоген микроорганизмлар (инфекциялар) юқтириб улар яшаши учун табиий муҳитга айланиб қолган одам ёки ҳайвон; энди у бошқа одам ёки ҳайвонга инфекция юқтириш манбаи ҳисобланади.

Рус. Источник инфекции.

Юқумсиз ... (ик. номи **Инфекциясиз ...**) — одам (ёки ҳайвон) организмда микроорганизмлар келтириб чиқармаган, қандайдир бошқа — асептик (микробсиз) шароитда юзага келган патологик ҳолат, жароҳат, касаллик ва б. дардли жараёнлар ҳақида; мас., **юқумсиз иситма** (қ. 1 ж.) шулар жумласидандир.

Рус. Неинфекционный.

Юқумсизлантириш II — операция майдони жароҳатлар, куйган жойлар, аъзолар, тери ва шиллиқ пардаларни ва ҳ., қўллар, асбоб-анжомлар, жиҳозлар, техника воситалари, бемор ишлатган идиш-товоқлар, яшаган уй ва б. предметларни турли усул-амаллар билан дезинфекцияловчи дори-воситалар ишлатиб антисептик ҳолатга келтирилишининг умумий номи.

Рус. Обработка.

Юқум ташувчи (син. **бацилла ташувчи**) — *эск.*) — организмда патоген — касаллик қўзғатувчи микроорганизмлар паразитлик қилаётган, аммо касалликнинг клиник белгилари бўлмайдиган одам ёки ҳайвон; у — **Сурункали ю. т.** ва **Ўткир ю. т.** га тавофут қилинади; биринчиси 3 ойдан ортиқ, иккинчиси 3 ойгача юқум ташиб ҳамда ажратиб (тарқатиб, юқтириб) юради.

Рус. Носитель возбудителя инфекции; син. **бациллоноситель** — *эск.*

Юқум ташувчилик (син. **бацилла ташувчилик** — *эск.*) — одам ёки ҳайвон организмда касаллик қўзғатувчилари паразитлик қиладиган, аммо касаллик белгилари кўринмайдиган юқумли жараённинг бир хили.

Рус. Носительство возбудителей инфекции; син.: **бациллоносительство** — *эск.*, **заразонасительство** — *эск.*

Я

Ягона юрак бўлмачаси — қ. **Умумий юрак бўлмачаси.**

Якунловчи эркалашлар — жинсий алоқадан кейин сархуш бўлган жуфтларнинг бир-биридан мамнунлигини, қоникқанлигини ва миннатдорчилигини изҳор қилувчи ардоқлашлар.

Рус. Заключительные ласки; син. нахшпиль.

Яллиғланиш — изоҳи I ж. да — қ.; унинг ўтгиздан ортиқ хили (формаси) маълум.

Рус. Воспаление.

Аллергик я. (син. гиперергик я.) — тўқима ва аъзолар жароҳатини антитаначалар ёки сенсбилизацияланган лимфоцитлар билан ҳосил бўлган аллергенлар мажмуи келтириб чиқарадиган яллиғланиш; бу Я. ўткир бошланиб тез орада зўрайиб кетиши билан бошқа Я. лардан фарқ қилади.

Рус. Аллергическое в.; син. гиперергическое в.

Альтератив я. — аъзо ва тўқималарда дистрофик-некробиотик ўзгаришлар устун кечиши кузатиладиган яллиғланиш.

Рус. Альтеративное в.

Асептик я. (син. реактив я.) — микроорганизмлар иштирокисиз, яъни микроблар келтириб чиқармаган яллиғланиш.

Рус. Асептическое в.; син. реактивное в.

Гангренали я. — тўқима ва аъзолар гангрена — қорасонга учраши билан кечадиган альтернатив яллиғланиш; анаэроб инфекциялар учун хос яллиғланиш.

Рус. Гангренозное в.

Геморрагик я. — жароҳат экссудатида эритроцитлар кўп бўладиган экссудатив яллиғланиш.

Рус. Геморрагическое в.

Гиперергик я. — қ. *Аллергик я.*

Гипоэргик я. — суст ва узоқ вақт кечадиган, аммо алтерация — тўқималар структурасининг ўзгариши, ҳужайралар инфильтрацияси ва пролиферацияси мутлақо кузатилмайдиган яллиғланиш.

Рус. Гипоэргическое в.

Демаркацион я. (син.: дефензив я., чегараловчи я., ҳимоя я.) — некроз ўчоғи чегарасида, тўқимаси ўзгаришга учрамаган ерда юзага келган яллиғланиш.

Рус. Демаркационное в.; син.: дефензивное в., защитное в., ограничивающее в.

Дескваматив я. — тери эпителийси, меъда-ичак йўли ёки нафас йўллари шиллиқ пардаларининг кўчиб тушиши билан кечадиган альтернатив яллиғланиш.

Рус. Десквамативное в.

Дефензив я. — қ. *Демаркацион я.*

Дифтеритик я. (син. дифтерит — эск.) — чуқур некроз юзага келиши, некротик массаларни фибрин шимиб олиши ва қийинлик билан кўчадиган қобиқ ҳосил бўлиши билан кечадиган шиллиқ пардаларнинг фибринли яллиғланишларининг бир тури.

Рус. Дифтеритическое в.; син. дифтерит — эск.

Интерстициал я. (син. оралиқ я-ши) — аксари, паренхимали аъзоларнинг оралиқ тўқималари ва **строма** (қ. II ж.)ларида жойлашган яллиғланиш.

Рус. Интерстициальное в.; син. межучточное в.

Ириган я. (син. ихороз я.) — жароҳат юзасида сассиқ газ ҳиди анқиб турадиган, тўқималар ириб-чириб бориши билан кечадиган яллиғланиш; иритувчи инфекциялар келтириб чиқаради.

Рус. Гнилостное в.; син. ихорозное в.

Ихороз я. — қ. *Ириган я.*

Йирингли я. — жароҳатланган ерда тўқима (хужайра) элементлари эриб кетиши, йирингли экссудат ҳосил бўлиши билан кечадиган экссудатив яллиғланиш; йиринглатувчи микроблар келтириб чиқаради.

Рус. Гнойное в.

Катарал я. (син. катар) — шиллиқ пардаларнинг серозли, шиллиқли, йирингли, сероз-қонли **экссудат** (қ. II ж.) ҳосил бўлиши ва унинг шиллиқ пардалар бўйлаб силжиб юриши билан юзага чиқадиган яллиғланиш.

Рус. Катаральное воспаление; син. катар.

Катарал-геморрагик я. — жароҳат экссудатида эритроцитлар бўладиган катарал яллиғланиши.

Рус. Катарально-геморрагическое в.

Катарал-дескваматив я. — эпителийнинг кўплаб кўчиб тушиши билан кечадиган катарал яллиғланиш.

Рус. Катарально-десквамативное в.

Катарал-йирингли я. (син. йирингли катар) — жароҳатда йирингли экссудат ҳосил бўладиган катарал яллиғланиш.

Рус. Катарально-гнойное в.; син. гнойный катар.

Катарал-сероз я. (син. сероз катар) — сероз экссудат ҳосил бўлиши билан кечадиган катарал яллиғланиш.

Рус. Катарально-серозное в.; син. серозный катар.

Крупоз я. — айтарли чукур бўлмаган некроз юзага келган ва некротик массани фибрин шимиб оладиган, бу эса енгил кўчадиган қобик ҳосил бўлишига олиб келадиган фибринли Я. нинг бир тури.

Рус. Крупозное в.

Нормергик я. — олдиндан сенсibiliзацияланмаган организмда юзага чиқадиган ва патоген таъсирловчи кучига тўқима реакциялари кучининг морфологик ва клиник жиҳатдан тўла мос келадиган яллиғланиш.

Рус. Нормергическое в.

О р а л и қ я - ш и — қ. *Интерстициал я.*

Паренхимали я. — паренхимали аъзода юзага келадиган альтератив яллиғланиш.

Рус. Паренхиматозное в.

Перифокал я. — шикастланган тўқималар ўчоғи ёки тўқимага кирган ёт жисмлар ён-верида юзага келадиган яллиғланиш.

Рус. Перифокальное в.

Продуктив я. (син. пролифератив я.) — хужайра элементларининг **пролиферация** (қ. II ж.) ланиши устун келиши билан кечадиган яллиғланиш.

Рус. Продуктивное в.; син. пролиферативное в.

Пролифератив я. — қ. *Продуктив я.*

Реактив я. — қ. *Асептик я.*

Сарамас я-ши — қ. I ж.

Сероз я. — тўқималарда сероз экссудат ҳосил бўлиши билан кечадиган экссудатив яллиғланиш; аксари серозли бўшлиқларда кузатилади.

Рус. Серозное в.

Специфик продуктив я. — муайян касаллик учун специфик бўлган гранулёма — доначалар юзага келиши билан хужайралар элементлари **пролиферация** (қ. II ж.) ланадиган яллиғланиш.

Рус. Продуктивное в. специфическое.

Фибринли я. — шилиқли ва серозли пардаларда, камдан-кам паренхимали аъзоларда кузатиладиган экссудатив яллиғланиш; у — фибринга бой экссудат юзага келиши ва унинг лахталаниб толали массалар ҳамда фибринли қобуқлар ҳосил қилиши билан кечади.

Рус. Фибринозная в.

Физиологик я. — организмда нормал физиологик жараёнлар кечаётган бир пайтда юзага келадиган асептик экссудатив яллиғланишнинг бир тури; мас., сероз-геморрагик дескаматив менструал эндометритда, овқатдан кейинги меъда-

ичак йўлининг шиллиқ пардалари лейкоцитли инфильтрациясида кузатилади.

Рус. Физиологическое в.

Флегмонали я. — йирингли экссудат тўқималараро элементларга, мушаклараро қатламларга, тери ости тўр тўқималарга, томир-нерв толалари, пай ва фасциялар бўйлаб тарқалиб борадиган йирингли яллиғланишнинг бир тури.

Рус. Флегмонозное в.

Флегмонали-яралли я. — дардга тортилган тўқималар ярачақали тус-оладиган флегмонали яллиғланиш; овқат ҳазм қилиш аъзолари деворида кузатилади.

Рус. Флегмонозно-язвенное в.

Чегараловчи я. — қ. *Демаркацион я.*

Экссудатив я. — альтерация ва **пролиферация** (қ. II ж.) юзасида экссудат ҳосил бўлиши устун келадиган яллиғланиш.

Рус. Экссудативное в.

Ҳимоя я. — қ. *Демаркацион я.*

Яллиғланишга қарши воситалар — anti phlogistica — *фармакологияда* — танадаги яллиғланиш реакцияларни камайтиришда ишлатиладиган дори воситалар; глюкокортикостероидлар, салицилатлар шулар жумласига киради.

Рус. Противовоспалительные средства.

Ялтироқ тирноқ (син. сай қалланган тирноқ) — устки юзаси силлиқлангандай, сайқал берилгандай тирноқ; тери қичимасини тез-тез қичиб туришдан ялтираб кетган тирноқ.

Рус. Блестящий ноготь; син. полированный ноготь.

Янги туғилганлик — қ. **Чақалоқлик.**

Япасқи сочлар — узунлиги бўйича бошдаги қора — пигментланган соч соҳаларининг пачоқ, япасқи рангсиз соч соҳалари билан навбатлашган бўлиши; ривожланиш нуқсони.

Рус. Плоские волосы.

Япроксимон сўрғичлар — тил чеккалари бўйлаб жойлашган таъм сўрғичлари.

Рус. Листовидные сосочки.

Яра — изоҳи I ж. да.

Рус. Язва.

Асоратли я. — деворида ва тубида малигнизация рўй берган ёки зич чандиқлар ҳосил бўлган ёхуд чуқурлашиб қон томирларни ҳамда қўшни аъзоларни зарарлаб қўйган яра.

Рус. Осложнённая я.

Атеросклерозли я. — меъда ёки ўн икки бармоқ ичакнинг циркулятор (доирали) яраси; кексаларда мезентерий — тутқич

қон томирларининг склерозга учраши оқибатида келиб чиқади; ҳажми катта бўлиши ва айтарли оғриқ бўлмаслиги билан бошқа яралардан ажралиб туради.

Рус. Атеросклеротическая я.

Бульбар я. — ўн икки бармоқ ичак яраси; яра унинг пиёзчаси (сўғони)да жойлашган бўлади.

Рус. Бульбарная я.

Варикоз я. (син. қон айланиш варикоз я-си) — оёқлар терисида келиб чиққан трофик яра; оёқ веналарининг варикоз кенгайиб қолиши оқибатида қон оқиб кетиши издан чиқишидан юзага келади.

Рус. Варикозная я.; син. циркуляторная я. варикозная.

Жуфтланган я. — овқат ҳазм қилиш йўлининг бир бўлимида бирақайига юзага келган иккита яра; меъда ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллигида учрайди.

Рус. Двойная я.

Зўраювчи я. — қ. *Фагеденик я.*

Ичтерлама я-си — ичтерлама касаллигида лимфа безлари фолликулалари яллиғланиши оқибатида келиб чиққан ёнбош ичак яраси; чуқурлиги, пенетрация ва перфорация бўлиши билан бошқа яралардан ажралиб туради.

Рус. Брюшнотифозная я.

Каллэз я. — меъда, ичак ёки қизилўнгачда жойлашган чандиқ тўқималар тез ҳосил бўлиши оқибатида четлари ва туби зичлашган сурункали яра.

Рус. Каллэзная я.

Кимёвий я. — айрим кимёвий моддалар билан узоқ вақт ёки қайта-қайта ишлаш оқибатида тери ёки шиллиқ пардаларда юзага келадиган яра.

Рус. Химическая я.

Манқа я-си — юза ёки кратерсимон суст грануляцияланувчи ярачетлари нотекис, туби сарғиш, оз-оздан йиринг ажралиб туриши билан фарқланади; манқа касаллигида кузатилади.

Рус. Сапная я.

Нейротрофик я. — нерв системасининг бирор бўлими шикастланиши оқибатида келиб чиққан трофик яра.

Рус. Нейротрофическая я.

Нурланиш я-си — ионловчи нурланиш таъсирида келиб чиққан яра.

Рус. Лучевая я.

Пенетрацияланувчи я. — меъда, ичак ёки қизилўнгач яраси; ўзи жойлашган аъзо деворининг ҳамма қаватини

емириб, қўшни аъзоларни ҳам зарарлаб, бўшлиқ (канал) ҳосил қилади.

Рус. Пенетрирующая я.

Пептик я. — меъда, ичак ёки қизилўнғач яраси; меъда ширасининг шу аъзолар шиллиқ пардаларига емирувчи таъсир кўрсатиши оқибатида келиб чиқади.

Рус. Пептическая я.

Перфоратив я. (син. тешилувчи я.) — брор бир аъзонинг шиллиқ пардасида жойлашган яра; ўзи жойлашган шу аъзонинг деворини тешиб, канал ҳосил қилиб, қўшни бўшлиқ билан туташтириб қўяди.

Рус. Перфоративная я.; син. перфорирующая я.

Пилорус ён я-си — меъданинг пилорус атрофида жойлашган меъда яраси.

Рус. Околопривратниковая я.

Пинхон я. — қ. *Симптомсиз я.*

Постбульбар я. — ўн икки бармоқ ичакни пиёзчаси (сўғони)дан дистал — четроқда жойлашган яра.

Рус. Постбульбарная я.

Путрид я. — ириган қўланса ҳилли ажралма чиқарадиган яра.

Рус. Путридная я.

Серпигиноз я. — қ. *Ўрмаловчи я.*

Симптомсиз я. (син. пинхон я.) — ҳеч қандай белги-симптомларсиз кечадиган меъда ва ён икки бармоқ ичак яраси; рентгенга солинганда, гастроскопия қилинганда ва тешилганда — перфорация бўлганда фавқулотда маълум бўлиб қолади.

Рус. Бессимптомная я.; син. немая я.

Стероид я-си — овқат ҳазм қилиш аъзолари, аксари, меъда шиллиқ пардасида жойлашган, кенг юзали яра; кўпроқ қон кетишлар билан кечади; **стероид** (қ.) гормонларни кўп қабул қилиш оқибатида келиб чиқади.

Рус. Стероидная я.

Стресс я-си — қаттиқ руҳий-асабий ёки эмоционал қўзғалиш — стрессга тушиш оқибатида тез юзага келувчи меъда яраси.

Рус. Стрессовая я.

Сурункали я. — продуктив жараёнлар устун бўлган, чеккаларида ва тубида грануляциялар ҳамда бириктирувчи тўқималар ўсиб кетган, зарарланган тўқималар билан соғ тўқималар оралиғи аниқ ажралиб турадиган яра.

Рус. Хроническая я.

Тешилувчи я. — қ. *Перфоратив я.*

Трофик я. — тўқималарнинг **иннервация** (қ. II ж.)си ёки қон билан таъминланиши издан чиқиши оқибатида келиб чиқадиغان ва қўллаб-қувватлаб туриладиган яраларнинг умумий номи.

Рус. Трофическая я.

Фагеденик я. (син. зўраювчи я.) — тўқималарнинг емирилиб бориш тезлиги уларнинг регенерацияси — битишидан тезроқ кечадиган яра; бунинг оқибатида яра борган сари катталашиб боради.

Рус. Фагеденическая я.; син. прогрессирующая я.

Фунгоз я. — грануляциялар замбуруғ кўринишида кўпайиб-ўсиб тери юзасидан кўтарилиб қолган яра.

Рус. Фунгозная я.

Ўлат я-си — ўлат инфекцияси кирган ерда юзага келган ўта оғриқли тери яраси; дастлаб туби зич инфильтрациялашган сарғиш рангда бўлиб, кейинроқ қорақутир ҳосил қилган, гир атрофи тўқ қизил болиш билан ўралган бўлади.

Рус. Чумная я.

Ўрмаловчи я. (син. серпигиноз я.) — аъзонинг бир томонидан иккинчи томони бўйлаб сурилиб борувчи ва йўл-йўлакай орқасидан тузалиб, битиб борувчи яра.

Рус. Ползучая я.; син. серпигинозная я.

Ўтқир я. — меъда, ичак ёки қизилўнғач яраси; экссудация ва некроз авжланиб турадиган, чегараси атроф тўқималардан аниқ ажралиб турмайдиган, одатда, нотўғри шаклда бўладиган яралар тоифасига киради.

Рус. Острая я.

Қизилўнғач декубитал я-си (син. қизилўнғач ётоқ я-си) — қизилўнғач яраси; одам узоқ вақт ётиб зонд орқали овқатлантирилганда ёки меъда шираси зонд орқали сўриб олинган пайтда келиб чиқади.

Рус. Я. пищевода декубитальная; син. язва-пролежень пищевода.

Қизилўнғач ётоқ я-си — қ. *Қизилўнғач декубитал я-си.*

Қон айланиш я-си — маҳаллий қон айланиши издан чиқиши оқибатида келиб чиққан трофик яра.

Рус. Циркуляторная я. ишемическая.

Қон айланиш варикоз я-си — қ. *Варикоз я.*

Қон айланиш ишемик я-си — артериал қон етарли келиб турмаслиги оқибатида келиб чиққан трофик яра; аксарият, кенг тери чандиғи марказида ёки **облитерация** (қ. II ж.)ланувчи артерияда кузатилади.

Рус. Циркуляторная я. варикозная.

Қорасон я-си — 1. Тери қорасон — гангренага учраган жойда келиб чиққан яра.

2. Қорасон бўлган жойнинг тўсатдан некрозга учраши оқибатида юзага келган яра.

Рус. Гангренозная я.

Ярадорлар уяси — жанг майдонида ярадор бўлганлар (жароҳатланганлар) то уларни тиббиёт пунктига олиб кетгунларича тўпланадиган ва паноҳ топадиган вақтинча жой.

Рус. Раненых гнездо.

Яра-чақа (-лар) — терига, баданга тошган турли хил тошмалар, чиққан ҳар хил яралар, мадда бойлаган, йиринглаган, қорақўтир бўлиб турган ерлар; тирналган, кесилган, жароҳатланган, кейин яллиғланган жойларнинг умумий номи.

Рус. Болячка (-чек).

Яримой бурма — томоқнинг олд томондан танглай муртагига ёндашган шиллиқ пардаси бурмаси.

Рус. Полулунная складка.

Ярим ойча — *биологияда* — *Plasmodium falciparum* номли тропик безгакни кўзгатувчи инфекциянинг жинсий стадияси (гамонтлари); ўроқ, яъни ярим ой шаклига ўхшаш жонзот.

Рус. Полулуния.

Ясси панжа — панжанинг табиий дўмбаймалари йўқолган, текисланиб қолган қўл панжа деформацияси; марказий фалажланишларда қўл панжа мушаклари гипотрафияланиб кетганда кузатилади.

Рус. Плоская кисть.

Яхши кўрмайдиганлар — кўзойнак билан тўғриланганда энг яхши кўрувчи кўзининг ўткирлиги 0,05–0,2 бўлган кишилар; улар доимо офтальмолог кузатувида бўлишлари ва ўқиш ҳамда ишлашлари учун махсус шароит яратилган бўлиши лозим; **Кўз ожизлиги** (I ж.) билан қиёсланг.

Рус. Слабовидящие.

Яшин белгиси (син.: кераунография, фюльгуритлар, яшин нақши) — яшин урганда терида юзага келадиган тўққизил дарахтсимон йўллар.

Рус. Знак молнии.

Яширин ҳайз — бачадон бўйни, қин ёки ифбат пардаси битиб кетган бўлиши оқибатида ҳайз қонининг бачадонда ёки қинда тўпланиб қолиши; бу қизларда — биринчи марта ҳайз қони келганда маълум беради ёки аёлларда — шу жойлар яллиғланиши ёхуд ўсма пайдо бўлиши оқибатида келиб чиқади.

Рус. Скрытая менструация.

Яқинлаштириш (син. аддукция) — қўл ёки оёқни гавданинг шартли ўтказилган ўрта чизиги томон — ўрта чизикқа яқинлаштириш.

Рус. Приведение; син. аддукция.

Ў

Ўжарлик — 1. *Тиббиётда* — руҳий-маънавий жиҳатдан қатъийлик; туғма хислат; мустақиллик белгиси.

2. *Тиббиётда* — руҳий-асабий беқарор, носоғлом ҳолат; айрим руҳий касалликлар синдроми.

3. *Психологияда* — ўз билганидан қолмайдиган, ўзиникини маҳкам ушлаб оладиган, фикрини ўтказа олмаса қаттиқ ранжийдиган одам хислати; халқ орасида кенг тарқалган феъл-атвор; ҳаётда баъзан, ижобий аҳамият касб этса, баъзан, салбий кўриниш олади ва одамлар норозилигига сабаб бўлади.

Рус. Упрямство.

Ўжар одам — 1. *Тиббиётда* — руҳий-маънавий жиҳатдан қатъий фикрли одам; кўпинча, бу хислат туғма бўлади ва олинган таълим-тарбия, илм-тажриба уни аксари катта мустақил ишларга етаклайди.

2. *Тиббиётда* — руҳий касалликларнинг ана шундай синдромига чалинган одам.

3. *Психологияда* — ўз билганидан қолмайдиган, ўзиникини маҳкам ушлаб оладиган, ўз фикрини ўтказа олмаса қаттиқ ранжийдиган одам; ҳаётда баъзан ижобий роль ўйнаса, баъзан салбий кўриниш олади ва одамлар ундан норози бўладилар, ҳатто ранжийдилар ҳам.

Рус. Упрямый человек.

Ўз ан ҳужайра — қ. **Даракчи ҳужайра**.

Ўзига зиён етказиш — муайян мажбуриятдан бўйин товлаш мақсадида ўз соғлигига атайлаб зиён (шикаст) етказишдан иборат ҳуқуқбузарлик.

Рус. Членовредительство.

Ўзни касалга солиш — руҳий, саматик-вегетатив ва б. бузилишлар билан юзага чиқувчи психоген реакцияларнинг бир хили; шахс учун кўнгилсиз воқеа-ҳодиса ва гап-сўзлардан қутилиб қолиш чораси сифатида ўзини касал ҳолатга солиш ва буни бирдан-бир қутилиш чораси деб билиш.

Рус. Бегство в болезнь.

Ўз яхшилигини унутмаслик — *психологияда* — ўзининг бошқаларга қилган яхшиликларини ҳеч қачон унутмайдиган,

доим эсда сақлаб юрадиган, кези келганда шу яхшиликларини тўкиб соладиган худбин одамлар тоифасига хос хислат; эгоизмнинг бир кўриниши; акси қ. **Бошқалар яхшиликни унутмаслик.**

Ўлас — *тиббийтда* — узоқ чўзилиб кетган касалликдан тўшакпайваста қилиб ётган ёки оғир дард-аламга дучор бўлиб ўлар ҳолатга келиб қолган одамнинг ўлим олди ҳолати; эътибор беринг: «ўлас ҳолатда», «ўлас бўлиб ётибди», «ўлас бўлиб қолибди» ва ҳ.

Рус. Полусмерть.

Ўлатга қарши муассасалар — карантин инфекцияларнинг ташқаридан кириши ва тарқалишининг олдини олиш ҳамда табиий ўчоқлари доирасида **эпизоотия** (қ. II ж.)сини назорат қилиб боришга қаратилган профилактик ва эпидемияга қарши тадбирларнинг воситалари, методлари ва турлари (шакллари)ни ишлаб чиқувчи ва такомиллаштирувчи ихтисослашган илмий-амалий тиббий муассасалар.

Рус. Противочумные учреждения.

Ўлат таёқчаси — *Yersinia pestis* — Enterobacteriaceae оиласига мансуб *Yersinia* уруғига оид бактерия; шакли эллипссимон ҳаракатсиз грамманфий таёқча; биполяр — икки кутбли бўлиб бўялади; аэроб ёки факультатив — имконига қараб анаэроб; нитратлардан нитритлар ҳосил қилади; одам ва ҳайвонларда ўлат (товун) касаллигини келтириб чиқаради.

Рус., Палочка чумы.

«Ўлик нуқта» — *спортда* — зўр бериб ишлаган (югурган, чанғи учган, велосипед ҳайдаган, қайиқда эшкак ешган ва ҳ.) спортчиларнинг ўткир иш қобилияти пасайган ҳолати; шу ҳолат бошлангандан бироз вақтдан кейин ва эндиги иш давомида йўқоладиган ҳолат; уни «иккинчи нафас» (қ.) билан чалкаштириб юбормаслик керак.

Рус. «Мёртвая точка» — *спортда*.

Ўлик туғилган ҳомила — юрак уриши ва б. ҳаётий белгилар бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъий назар туғилиб бўлгач ўпкаси билан мустақил нафас олмаган ва сунъий равишда нафас олдириб бўлмаган ҳомила.

Рус. Мертворождённый плод.

Ўлик туғилиш — қ. **Ўлик туғилишлик.**

Ўлик туғилишлик (син. ў л и к т уғ и л и ш) — камида 28 ҳафталик ҳомиладорлик муддатида туғилган ёки чиқариб олинган, тана узунлиги 35 см ли, вазни 1000 г келадиган, она танасидан ажратиб олингандан кейин бир марта ҳам нафас олмаган ҳомила туғилиши.

Рус. Мертворождённость; син. мертворождение.

Ўлимдан кейинги ўзгаришлар — ўлим юз бергандан сўнг мурдада юзага келадиган аъзо ва тўқималар тузилишидаги бузилишлар; яна қ. I ж

Рус. Посмертные изменения.

Ўлим ёши — ўз ажал (қ. I ж.)и билан ё қартайиб, ёки касалманд бўлиб ўлим билан олишиб енгилган тирик организмнинг ҳаёт интиҳосида охириги унсиз (овозсиз) беихтиёр кўздан сиқиб чиқарадиган маҳсули.

Бу — яқин кишилар учун қанчалик изтиробли бўлса, ҳаёт ёши (қ.) шунчалик қувончли бўлади.

Рус. Слезы смерти.

Ўлим олди ҳолати (син. преагонал ҳолат, преагония) — агония (қ. II ж.)дан сал олдинги терминал ҳолат; марказий нерв системасининг олий бўлимларида тормозланиш юзага келиши ва бунда — эс-ҳуш ғира-шира хиралашуви, баъзан эса **бульбар** (қ. III ж.) — узунчоқ мия марказлари қўзғалиши билан кечадиган ҳолат.

Рус. Преагональное состояние; син. преагония.

Ўлим тури — суд-тиббиёт таснифи бўйича ўлим категорияси; бу — зўраки ўлимга (механик асфиксия, шикастлаш, захарлаш ва б. лар) сабабчи бўлган бевосита ташқи таъсирнинг харатери асосида ёки нозўраки ўлимнинг бевосита сабабчиси (чала туғилиш, касаллик, қарилик ва б.лар)га қараб белгиланади.

Рус. Вид смерти.

Ўлим хили — зўраки ўлимнинг тасниф (классификация) категорияси; ўлдириш, ўзини-ўзи ўлдириш, бахтсиз ҳодисадан ўлиш шунга киради; Ў. х. ни аниқлаш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотлар ваколатига киради.

Рус. Род смерти.

Ўлим юз бергандан бери ўтган вақт — ўлим юз берган ондан то мурдани текширишгача ўтган вақт оралиғи.

Рус. Давность наступления смерти.

Ўмров — тўш ва акромион билан бирикиб турувчи елка камари суяги.

Рус. Ключица.

Ўмров ости соҳаси — кўкрак соҳасининг юқори қисми; у юқоридан — ўмровлар, пастдан — III қовурға, латерал — чеккадан дельтасимон мушакнинг олд чеккаси, медиал — ўртадан ўрта чизик олди билан чегараланиб туради.

Рус. Подключичная область.

Ўн икки бармоқ ичакни ювиш — дуоденал зонд ёрдамида ўн икки бармоқ ичак ичидаги хилтларни чиқариб олиш ва шу зонд орқали ичак деворини дори воситалар таъсирида

ювишдан иборат даво муолажаси; дивертикулит, дуоденит, холецистит ва б. хасталикларда қўлланилади.

Рус. Дуоденальное промывание.

Ўнг атриоventрикуляр тешик — қ. **Ўнг бўлмача-қоринча тешиги**.

Ўнг бўлмача-қоринча тешиги (син. ўнг атриоventрикуляр тешик) — *юракда* — ўнг юрак бўлмачаси билан ўнг юрак қоринчаси бўшлиқлари ўзаро туташиб турадиган тешик.

Рус. Предсердно-желудочковое отверстие правое; син. атриоventрикулярное отверстие правое.

Ўнг бўлмача-қоринча қопқоғи иши етишмаслиги (син. трикуспидал етишмаслик) — *юракда* — бўлмача-қоринча қопқоғининг ўнг қоринчадаги қоннинг ўнг бўлмачага чиқиб кетишига етарлича тўсқинлик қила олмаслиги; бу — ўнг қоринча систоласи даврида қопқоқ тавақаларининг жипс беркилмаслиги ёки перфорацияси оқибатида юзага келади; юрак ўнг бўлимлари катталашиши, систолик шовқин эшитилиши, ўнг қоринча иши етишмаслигининг эрта юзага келиши унинг клиник белгилари саналади.

Рус. Недостаточность правого предсердно-желудочкового клапана; син. трикуспидальная недостаточность.

Ўн икки бармоқ ичак хилтлари — ўн икки бармоқ ичак ичидаги хилтлар; у — шу ичак шиллиқ пардалари ажратадиган, меъда ости беzi ишлаб чиқарадиган овқат ҳазм қилиш ширалари, ўт, шиллиқлар, меъда шираси ва сўлак аралашмаларидан иборат бўлади.

Рус. Дуоденальное содержимое.

Ўн икки бармоқ ичак шираси — таркиби меъда ости беzi секрет, ўт, ичак криптлари ва ўн икки бармоқ ичак безлари шираларидан иборат дуоденал овқат ҳазм қилиш шираси.

Рус. Дуоденальный сок.

Ўн икки бармоқ ичак ўти (син.: дуоденал ўт, порция А, ўт А) — ўт ҳайдовчи дори юборишдан олдин зонд киритиб олинган ўн икки бармоқ ичак хилти порцияси; у — ўт миқдори ва сўлак аралашган панкреат шираси миқдорига тахминан тенг аралашмадан иборат; сариқ-тиллараңг бўлади.

Рус. Дуоденальная желчь; син.: желчь А, порция А, холедоходуоденальная желчь.

Ўпка илдизи — ўпка дарвозаси соҳасида жойлашган, сирги плевра билан қопланган анатомик тузилмалар мажмуи; у — ўз ичига бош бронхлар, ўпка артерияси, ўпка венаси, бронхиолаларнинг артерия ва веналари, нерв чигаллари,

лимфатик томирлар ва тугунларни, шунингдек, тўр тўқима — клетчаткаларни қамраб олади.

Рус. Корень лёгкого.

Ўпка марказий бўлимлари — ўпка илдизига туташган ўпка бўлимлари.

Рус. Центральные отделы лёгкого.

Ўпка чўққиси — 1-қовурғадан 3—4 см юқори турувчи, 7-бўйин умуртқасигача қўтарилиб борувчи ўпканинг юқори торайиб борган қисми.

Рус. Верхушка лёгкого.

Ўпка эгати — кўкрак умуртқалари билан қовурғалар ички юзаси оралиғида юзага келган кенг новсимон ботиклик; ўпка медиал юзасининг умуртқалар рўпарасидаги қисми шу эгатга ботиб туради.

Рус. Лёгочная борозда.

Ўпка ўзани тешиги — *шартли* — ўнг юрак қоринчасининг артериал конуси тешиги; ўпка артериясига очиладиган тешик; шу ерда юрак ўнг қоринчасининг диастоласи вақтида тешикни беркитадиган қопқоқ жойлашган.

Рус. Отверстия лёгочного ствола.

Ўпка қопқаси — қон томирлар, бош бронх (бронхлар) ва нервлар ўтадиган ўпканинг юқори медиал (ўрта) соҳаси.

Рус. Ворота лёгкого.

Ўра — *санитарияда* — чуқур қилиб қазилган, ён-атрофи сув ўтказмайдиган материаллар билан қопланган санитария-техник чуқурлик; у — одатда, ахлат, ювинди ва б. хўжалик чиқиндиларини йиғиб вақтинча сақлашга мўлжалланган бўлади.

Рус. Выгреб.

Ўргимчак бийлар (син. тарантуллар) — Lycosidae оиласига мансуб ўргимчаксимонлар уруғи; бир неча турлари бор; урғочиси кузда 100—400 тагача тухум қўяди; шу даврда у жуда агрессив бўлади; жағлари билан чаққанида (тишлаганида) қаттиқ оғриқ беради, бироз интоксикация келтириб чиқаради; оқибати хатарли эмас; дашт, ярим дашт ва бутазор чўлларда кун кўради.

Рус. Тарантулы.

Ўргимчак тўри ости бўшлиғи (син. субарахноидал бўшлиқ) — ўргимчак тўри билан бош ва орқа миянинг юмшоқ пардалари оралиғидаги, ичи бош ва орқа мия суюқлиги билан тўлиб турадиган бўшлиқ.

Рус. Подпаутинное пространство; син. субарахноидальное пространство.

Ўрин ўртача бандлиги — йиллик ўрин-кун умумий сонининг амалда банд бўлган ўринлар ўртача сонига нисбати сифатида ҳисобланадиган ўринлар фонидан фойдаланишнинг статистик кўрсаткичи.

Рус. Средняя занятость койки.

Ўрта йўл даҳлизи — *бурунда* — юқоридан бурун болиши билан чегараланиб турган ўрта бурун йўлининг олд бўлими.

Рус. Преддверие среднего хода.

Ўрта калла чуқурчаси — понасимон ва чакка суяқларидан ҳосил бўлган калла ички асосининг бир қисми; унинг ўрта қисми — турк эгари гипофиз безини, бир жуфт ён ботиқлиги эса катта мия палласи чакка бўлақларининг пастки қисмини сиғдириб туради.

Рус. Черепная ямка средняя.

Ўрта мия томи — қадоқсимон тананинг ортки охири остида яширинган ўрта миянинг бир қисми; пўстлоқ ости кўрув ва эшитув марказлари шу ерга жойлашган.

Рус. Крыша среднего мозга.

Ўрта қулоқ — таркибига ногора бўшлиғини ва унда жойлашган эшитув суяқчалари ҳамда мушакларини, ногора пардани, шунингдек, эшитув найи — Евстахио найини қамраб олган даҳлиз-чиғаноқ аъзосининг бир қисми; товуш ўтказиб бериш вазифасини ўтайди.

Рус. Среднее ухо.

Ўрта қўлтиқ чизиги (син. қанот ости ўрта чизиги) — кўкрак ён юзасидаги қўлтиқ ости чуқурчаси ўртаси орқали ўтказилган шартли вертикал — тик чизик; топографик-анатомик мўлжал олишга хизмат қилади.

Рус. Подмышечная линия средняя; син. подкрыльцовая линия средняя.

Ўсиб кириш — *генетикада* — бластодерма ҳужайраларининг бластула бўшлиғига ўсиб киришидан иборат гастрюляциянинг бир хили.

Рус. Вростание.

Ўсиш омили — ҳужайраларнинг бўлинишида пластик материал сифатида ҳам, энергия манбаи сифатида ҳам фойдаланилмайдиган, фақат улар бўлинишини тезлаштириш лаёқатига эга бўлган модда; *У. о.*-ли бир неча хил бўлади.

Рус. Фактор роста.

Нерв тўқима ў. о.-ли — нерв ҳужайраларининг айрим турлари ўсишини кучайтирувчи ва дифференцияланишини тезлаштирувчи оқсил табиатли ўсиш омили; буни эмбрионнинг нерв ҳужайралари бўлинишида кузатиш мумкин; илон заҳаридан, сўлак безлари тўқималаридан ажратиб олинган.

Рус. Ф. р. нервной ткани; син. нервный ростовой фактор.

Фибробластлар ў. о-ли — фибробластлар бўлишини тезлаштирувчи пептид ёки оқсил табиатли ўсиш омили; мия тўқимасидан ажратиб олинган миелин бўлаги шунга мисол бўла олади.

Рус. Ф. р. фибробластов.

Эпидерма ў. о-ли — эпидерма ҳужайраларининг бўлинишини тезлаштирувчи пептид ёки оқсил табиатли ўсиш омили; сўлак без тўқимасидан ажратиб олинган, кимёвий жиҳатдан урогастронга яқин турувчи модда бунга мисол бўла олади.

Рус. Ф. р. эпидермальный.

Ўсмага қарши воситалар (син. антибластом воситалар) — хавфли ўсmalarни даволашда ишлатиладиган дори воситалар; меркаптопурин, оливомицин, тиофосфамид, фтерурацил, циклофосфамид шулар жумласидандир; яна қ. I ж.

Рус. Противоопухолевые средства; син. антибластомные средства.

Ўспирнлар ҳ-ри — қ. *Оддий хуснбузар*.

Ўстириш муҳити — организмдан ташқарида **экма** (қ. I ж.) — культура олиш учун ҳужайраларнинг жадал бўлинишига керакли барча таркибга эга бўлган озиқа муҳити.

Рус. Среда роста; среда культивирования.

Ўт А. — қ. **Ўн икки бармоқ ичак ўти**.

Ўта қимматли ғоялар (син.: доминант ғоялар, фиксацияланган ғоялар) — аслида реал воқелик, мавжуд шарт-шароит, ҳолат таъсирида келиб чиқадиган, ammo ҳалдан ортиқ эмоционал зўриқиш орқасида одам онгида устун (ғолиб) бўлиб олувчи ғоялар.

Рус. Сверхценные идеи; син.: доминирующие и., фиксированные идеи.

Ўт В — қ. **Ўт қопи ўти**.

Ўт йўллари — жигарда ҳосил бўлган ўтни жигар ва ўт қопидан олиб ўн икки бармоқ ичакка элтиб қўювчи йўллар (томирсимон тузилмалар) (яна қ. I ж.); улар жойлашган ўрнига кўра уч хил бўлади.

Рус. Жёлчные протоки.

Бўлақлараро ўт йўлчалари (син. бўлақлараро ўт йўллари) — ўт каналчаларидан ҳосил бўлувчи ва бўлақлараро бириктирувчи тўқималарда жойлашган ўт олиб кетувчи йўллар.

Рус. Междольковые проточки; син. жёлчные протоки междольковые.

Бўлаклараро ўт йўллари — қ. *Бўлаклараро ўт йўлчалари*.

Жигар ички ў. й. — жигар тўқималарида жойлашган ўт йўллари; ўт йўлчалари ва бўлаклараро ўт йўлчаларини қамраб олади.

Рус. Ж. п. внутривнутрипечёночные.

Жигар ташқарисидаги ў. й. — жигар ташқарисида жойлашган ўт йўллари; у — умумий жигар, ўт қопи ва умумий ўт йўлларини қамраб олади.

Рус. Ж. п. внепечёночные.

Ўт йўлчалари (син. ўт каналчалари) — жигар бағридаги ўт капиллярлари қўшилишидан ҳосил бўлган ва жигар бўлаклари чеккалари томон йўналган жигар ички ингичка ўт йўллари.

Рус. Жёлчные проточки; син.: желчные каналы; желчные ходы — эск.

Ўтказувчи йўллар бузилиши — *нерв системасида* — марказий нерв системасининг импульсларни ўтказувчи йўллари дардга чалиниши оқибатида юзага келган нерв фаолияти бузилиши.

Рус. Проводниковые расстройства.

Ўт каналчалари — қ. **Ўт йўлчалари**.

Ўткир баҳорги тери шиши — баҳор офтоби таъсирида терининг очиқ ерларига сал фурсат ичида шиш келиши кўринишида юзага чиқадиган **фотодерматит** (қ. II ж.).

Рус. Отёк кожи острый весенний.

Ўткир таъсир бўсағаси — *токсикологияда* — модда организмга бир марта таъсир қилганда ундаги биологик кўрсаткичларни физиологик мослашув реакциялари чегарасидан ўтиб кетган ўзгаришларга олиб келувчи энг кичик концентрация ёки доза (миқдор).

Рус. Порог острого действия.

Ўт чиқариш (син. холекинез) — ўт қопи, ўт йўллари ва умумий ўт йўллари қислоғи — сфинктери мушакларининг келишиб қисқаришидан ўтнинг ўт қопидан ёки бевосита ўт йўлларидадан ўн ики бармоқ ичакка чиқарилиши — тушиши.

Рус. Желчевыделение; син. холекинез.

Ўт чиқиш йўли — қ. **Умумий ўт йўли**.

Ўт қопи бўйни бекилиб қолиши — ўт қопида ҳосил бўлган ўт тоши — конкрементнинг ўт қопи бўйнига келиб тикилиб қолишидан юзага келадиган ҳолат; бу, аксарият, **ўт қопи истиқоси** (қ.)га олиб келади ва одатда қаттиқ оғриқ хуружи билан кечади.

Рус. Закупорка шейки желчного пузыря.

Ўт қопи истисқоси — ўт қопи бўйнига ёки ўт қопи йўлига ўт тоши — конкремент тикилиб қолиши ёхуд ён-веридаги аъзолар ўсмасининг уларни сиқиб, босиб қўйиши оқибатида ўт ва сероз суюқликларнинг ўт қопида туриб қолиши.

Рус. Водянка желчного пузыря.

Ўт қопи йўли бекилиб қолиши — ўт қопида ҳосил бўлган ўт тоши — конкрементнинг ўт қопи йўлига келиб тикилиб қолишидан юзага келадиган ҳолат; бу, аксарият, **ўт қопи истисқоси** (қ.)га олиб келади ва одатда қаттиқ оғриқ хуружи билан кечади.

Рус. Закупорка желчного пузыряного протока.

Ўт қопи чиқарув йўли — ўт қопи (пуфаги) бўйнидан бошланиб умумий жигар ўт йўлига қўшиладиган ва умумий ўт йўлини ҳосил қиладиган ўт йўли.

Рус. Пузырный проток.

Ўт қопи чуқурчаси — fossa vesical felleae — жигардаги ўт қопи жойлашган висцерал юзадаги тухумсимон (овал) ботиқлик.

Рус. Ямка желчного пузыря.

Ўт қопи ўти (син.: порция В, ўт В) — ўн икки бармоқ ичакка зонд киритиб ўт ҳайдовчи дори юборилгандан кейин 5–25 мин. ўтказиб олинган ундаги хилт порцияси; бу — ўт қопидан тушган ўт бўлади; оч ёки жигарранг.

Рус. Пузырная желчь; син.: желчь В, порция В.

Ўқиш — *тиббиётда* — мияни чиниқтириш, фикрни ўстириш, хотирани мустаҳкамлаш, ҳис-туйғуни қайраш усули; мушакни жисмоний машқ ўстирса, мияни ўқиш ўстиради.

Китоб мутолаа қилмаган одам фикри тор одамдир. Унинг ақли — интеллекти бироз жиддийроқ меҳнат фаолиятига ҳам ярамайди. У жисмоний меҳнат эгасидир. Ўқишдан тўхтаган одам — фикрлашдан ҳам тўхтайди, деб бекор айтишмаган илм арбоблари.

Рус. Чтение.

Қ

Қабзият (син. и ч қ о т и ш) — изоҳи I ж. да — қ.; унинг ўн бешга яқин хили (формаси) бор.

Рус. Запор; син.: констипация, обстипация.

Ашментар қ. — таркибида ичакни ҳаракатлантирувчи озиқ моддалар бўлмайдиган, енгил ҳазм бўлиб кетадианг овқатларни узоқ вақт истеъмол қилишдан юзага келадиган қабзият.

Рус. Алиментарный з.

Атоник қ. — қ. *Гипокинетик қ.*

Гиперкинетик қ. (син.: гипермотор қ., спастик қ.) — йўғон ичакда спазмалар пайдо бўлиши билан юзага келадиган қабзият.

Рус. Гиперкинетический з.; син. гипермоторный з., спастический з.

Гипермотор қ. — қ. *Гиперкинетик қ.*

Гиподинамик қ. — тана мушакларининг бўшанглиги билан боғлиқ равишда жисмонан кам ёки суст ҳаракатланиш оқибатида юзага келадиган қабзият; сурункали дардга чалинган ва узоқ вақт тўшакка боғланиб қолган кишиларда кузатилади.

Рус. Гиподинамический з.

Гипокинетик қ. (син.: атоник қ., гипомотор қ.) — нерв бошқаруви издан чиқиши (невроген) оқибатида йўғон ичак ҳаракат активлигининг пасайишидан юзага келадиган қабзият.

Рус. Гипокинетический з.; син.: атонический з., гипомоторный з.

Гипомотор қ. — қ. *Гипокинетик қ.*

Дискинетик қ. — нерв бошқаруви издан чиқиши (невроген) оқибатида йўғон ичак ҳаракатининг бузилиши ва ичакнинг бир ерида спазма пайдо бўлиши, бошқа бир ерида эса атония (қ. II ж.) бўлишидан юзага келадиган қабзият.

Рус. Дискинетический з.

Дори қ-ти — ичак ҳаракатини бузадиган ёки нажас шаклланишига тўсқинлик қиладиган дори-воситалар ичиш оқибатида юзага келадиган қабзият; **ганглиолитиклар, холинолитиклар, транквилизаторлар** (қ. II ж.) ва баъзи **антацид воситалар** (қ. III ж.) ана шундай дорилардандир.

Рус. Медикаментозный з.

Иккиламчи қ. — қ. *Симптоматик қ.*

Механик қ. — касаллик ёки туғма ривожланиш нуқсони оқибатида йўғон ичак ичининг қайтмас бўлиб торайиб қолишидан юзага келадиган қабзият.

Рус. Механический з.

Невроген қ. — ичакларни ҳаракатлантирувчи нерв фаолиятининг издан чиқишидан юзага келадиган қабзият.

Рус. Неврогенный з.

Одатланган қ. — ҳожат ҳиссини мунтазам босиб юриш оқибатида юзага келадиган қабзият.

Рус. Привычный з.

Проктоген қ. — баъзи тўғри ичак — кўтон касалликлари — проктитлар, ташқи чиқарув йўли — дурвазанинг ёрилишлари, проктосигмоидитлар ва б. ларда ҳожат актининг бузилиши оқибатида юзага келадиган қабзият; бунга номлари юқорида зикр қилинган дардларда қаттиқ оғриқ туриши ёки тўғри ичак ампуласининг **рецептор** (қ. II ж.)лари яхши сезмаслиги сабаб бўлиши мумкин.

Рус. Проктогенный з.

Рефлектор қ. — овқат ҳазм қилиш йўлининг бошқа бўлимлари, сийдик-таносил системаси аъзолари касалликлари ва б. ларда ичак мушакларига рефлектор таъсир бўлишидан юзага келадиган қабзият.

Рус. Рефлекторный з.

Симптоматик қ. (син. и к к и л а м ч и қ.) — бирор бир касалликнинг белгиси сифатида юзага келадиган қабзият.

Рус. Симптоматический з.; син. вторичный з.

Сохта қ. — руҳий фаолият издан чиқиши билан боғлиқ равишда ҳожатга бориш хаёли, сони, нажаснинг ташқи кўриниши ва б. лар диққат марказидан кўтарилиши оқибатида мунтазам ичак бўшалмай келишидан юзага келадиган қабзият.

Рус. Ложный з.

С п а с т и к қ. — қ. *Гиперкинетик қ.*

Токсик қ. — бевосита йўғон ичак мушаклари фаолиятига ёки марказий нерв системасига моддалар интоксикацияси сурункали таъсир этиб бориши оқибатида юзага келадиган қабзият.

Рус. Токсический з.

Штраусс проктоген қабзияти — изоҳи III ж. да — қ.

Яллиғланиш қ-ти — изоҳи I ж. да — қ.

Қабул бўлими — стационар (қ. II ж.) мақомидаги даволаш-профилактик муассасасининг беморларни биринчи бўлиб қабул қилиш, дастлабки диагноз қўйиш, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, изоляция қилиш (лозим топилса), санитария муолажаларини қилиш (ювинтириш, тозалантириш), ҳисобга олиб қўйиш, беморларни бўлимларга тақсимлаш ва шунингдек ётиб даволанаётганларнинг аҳволи ҳақида яқин кишиларга маълумот бериш билан шуғулланувчи бўлими.

Рус. Приёмное отделение; син. приёмный покой.

Қадамлатиш синамаси (син.: Дельбе — Пертес синамаси, Пертес синамаси) — оёқлар териси остидаги веналар варикоз кенгайганида чуқур жойлашган веналар аҳволига баҳо бериш мақсадида ўтказиладиган функционал синама; бунинг учун сонга **жгут** (қ. II ж.) ёки аҳволи манжет

боғлаб тери ости веналарини қисиб қўйилади ва беморга юриш — марш қилиш буюрилади; бунда — тери ости веналари таранглиги пасайса ёки бўшашиб қолса, бу — чуқур жойлашган веналар функцияси сақланиб турганлигидан дарак беради.

Рус. Маршевая проба; син.: проба Дельбе—Пертеса, проба Пертеса.

Қадди - қома т — қ. Қомат.

Қадоқли тана — катта мия паллалари оралиғидаги бўйлама ёриқ чуқурлигида жойлашган бош мия оқ моддасининг бир қисми; иккала палланинг янги пўстлогини бирлаштириб турувчи комиссурал (тортма) толалар тутади.

Рус. Мозолистое тело.

Қазғоқ — 1. қ. I ж. Рус. Перхот.

2. Тери сиртидан кўчиб тушиб турадиган патологик ёки физиологик кепаксимон тангачалар. Рус. Чешуйка.

Биринчисини **Бош қазғоғи**, иккинчисини **Тери қазғоғи** деб аташ расм бўлган.

Қазғоқсимон темиратки — қ. **Кепаксимон темиратки**.

Қайт қилиш — сифатсиз, ёқмайдиған ёки ҳазм бўлмайдиған (ботмайдиған) овқат, ўсимлик маҳсулотлари ейилганда кузатилган физиологик акт; кўпи билан 1—3 марта такрорланади; меъда бўшалгач у тўхтайдди; қорин, меъда соҳаси сал оғрийди ёки умуман оғриқ бўлмайди, фақат кўнгил айниб, меъда соҳасида нохуш сезгилар пайдо бўлади; эмизиклик болаларда улар ҳаддан ортиқ кўп сут эмиб юборганида ёки шошиб эмиб ҳавони ҳам қўшиб ютиб, сўнг кекирганида оғзидан сут чиқиб кетиши кўринишида юзага келади; яна қ. I ж.

Рус. Срыгивание.

Қалин томчи — предмет ойнасига қоннинг 2—3 томчисини томизиб бир текис қалинликда суртиб, қуритиб романовский—гимзача бўяб микроскоп остида текширишга тайёрланган препарат; қонда безгак плазмодийси, трипаносом ёки филярий бор-йўқлигини аниқлашда шу усулга мурожаат қилинади.

Рус. Толстая капля.

Қалқонсимон без тораймаси — қалқонсимон безнинг камбар ўрта қисми.

Рус. Перешеек щитовидной железы.

Қалқонсимон тоғай — ҳиқилдоқ бўртмасини ҳосил қилувчи йирик тоқ ҳиқилдоқ тоғайи.

Рус. Щитовидный хрящ.

Қамашиш — нордон нарсалар истеъмол қилганда оғизда, айниқса, тишда ўзига хос ғалати сезги пайдо бўлиши; яна қ. I ж.

Рус. Оскомина.

Қамоқ газови — қамоққа тушган одамнинг бир мунча вақт ҳаракатли ва нутқий кўзғалиши, дабдавага тушиши; ҳаммаёқни вайрон қилгундек, атрофдагиларни бўғиб, енгиб юборгундай ёки ўзини ўзи нимталаб ташлагундай қазабга, жумбушга тушиши; реактив ҳолатга тушишнинг бир кўриниши.

Рус. Тюремное буйство.

Қанотли газандалар — қон сўрувчи бир жуфт қанотли учувчи ҳашаротларнинг умумий номи; улар одам ва ҳайвонларга ёпирилиб, чақиб қон сўради; буларга: чивин, искабтопар, сўна, майда чивинлар ва пашшаларнинг айрим турлари киради.

Рус. Гнус.

Қанот ости олд чизиги — қ. **Олд кўлтиқ чизиги.**

Қанот ости олд бурмаси — қ. **Кўлтиқ олд бурмаси.**

Қанот ости ортки бурмаси — қ. **Кўлтиқ ортки бурмаси.**

Қанот ости ортки чизиги — қ. **Ортки кўлтиқ чизиги.**

Қанот ости соҳаси — қ. **Кўлтиқ соҳаси.**

Қанот ости чуқурчаси — қ. **Кўлтиқ чуқурчаси.**

Қанот ости ўрта чизиги — қ. **Ўрта кўлтиқ чизиги.**

Қанотсимон парда (син. птеригий) — кўз соққасининг кўз шох пардасига бирикиб секин ўсиб борадиган учбурчакли конъюнктива бурмаси; кўз конъюнктивасида кечаётган дистрофик жараён туфайли юзага келади; у — ўсиб кўз қорачигини беркитиб қўйиши мумкин.

Рус. Крыловидная плева; син. птеригий.

Қанот ўсма — қ. **Хўроз тожи қаноти.**

Қаппайиш — *тиббиётда* — қориннинг истисқо (қ. I ж.), ел йиғилиши (дам бўлиш) — **метеоризм** (қ. II ж.) ва б. сабаблар туфайли олдинга дўмбаиб чиқиши; яна қ. I ж.: **Қаппайма қорин.**

Рус. Разбухание.

Қарама-қарши кўз ҳаракати — кўзнинг бош ҳаракатига қарши томонга ҳаракат қилиш.

Рус. Противовращение глаз.

Қарилик муғамбирлиги — қарияларнинг ўзининг қарилгини рўкач қилиб, ёрдам талаб бўлиб қолганлигини маълум қилмоқчилигидан келиб чиқадиган муғамбирлик; соғлиги

футурдан кетиб қолганлигини намоиш этмоқчилигидан келиб чиқадиган муғамбирлик; қариликдаги мия фаолияти инқирозининг енгил белгилари; қиёсланг: «**Болалик муғамбирлиги**».

Қариндошлар — кейинги бир-икки бўғинга мансуб, суяк суриш давом этаётган ҳозирги авлодлар мажмуи.

Рус. Родственники.

Қариндошлар никоҳи (син. инбрeд никоҳ) — лоақал бир умумий авлод-аждодли кишилар ўртасидаги эр-хотинлик никоҳи.

Рус. Родственный брак; син. инбредный брак.

Қаршилиқ кўрсатиш симптоми — қ. **Ушлашга қарши чиқиш**.

Қатнов — *тиббиётда* — 1. Аҳолининг соғлиғи меъёрида эмаслигидан, қандайдир дардга чалинганлигидан ёхуд бирор шикастланиш, жароҳатланиш ва б. иллатли аҳволдан арз этиш, шикоят қилиш, ёрдам сўраш ва шу билан соғлиғини тиклаб олиш мақсадини кўзлаб шифокорлар қабулига кириши; аҳолининг соғлиқ аҳолини белгиловчи статистик кўрсаткич.

2. Врач ёки ҳамшираларнинг уйда даволанаётган беморларнинг ҳол-аҳолидан хабар олиш ва лозим бўлган тиббий ёрдам тадбирларини кўриш мақсадини кўзлаб улар уйига келиши; соғлиқни сақлаш муассасаларининг сифатини белгиловчи кўрсаткич.

Рус. Посещение.

Қаттиқ феъл — *психологияда* — 1. Ишида, фикрида иккиланмайдиган, очиқ юз, очиқ сўз, мустаҳкам ирода, қайтмас ва толмас қатъий мард кишилар феъли.

Бундай феъл эгалари мақсадлари сари интилувчан бўлганлари боис катта ишларга, улуғ кашфиётларга, ташкилотчиликка, яратувчанликка, саркор ва саркардаликка қодир бўладилар; булар қўрқмас ва ботир кишилар тоифасидандир; улар раҳнамолик қилган, бош бўлган ишлар ҳамиша тантанавор яқун топади.

2. Ишида, фикрида, сўзида иккиланиш бўлмаса-да, баджаҳил, кўпол, серзарда, бешафқат, талабчан кишилар феъли.

Бундай феъл эгалари одамлар кўнглини тез-тез оғритиб юришлари боис халойиқ меҳрига, ҳурматига сазовор бўлмайдилар, дўстлари ҳам бўлмайдилар ва ҳатто ғурурлари туфайли бундан олишдан оринадилар; булар раҳбарликка лойиқ бўлмасалар-да, аксари, раҳбар бўлиб оладилар ва оқибат натижада одамлар нафратига ҳукмдорлик қиладилар.

Қидирув гуруҳи – 1. Талофат кўрганлар, зарарланганларни қидириб топиш, уларга тиббий ёрдам кўрсатиш ва санитария транспорти турган жойга олиб чиқиш билан шуғулланувчи, таркибига санитарлар (санитария инструкторлари)ни киритган қўшиннинг таркибий қисм гуруҳи; зарарланганларни топиш қийин бўлган шароитлар (аҳоли пунктлари, ўрмон, дарахтзор-чакалакзорлар ва б. лар)дан ахтариб топишга мослашган гуруҳ ҳам шунга киради.

2. Мажбуран қўнган ёки самолётни аэродромдан ташқарида тарк этган экипаж аъзоларини қидириб топиш, тиббий ёрдам кўрсатиш ва эвакуация қилиш билан шуғулланувчи, таркибига тиббий хизмат вакилларини киритган Куролли Кучларнинг таркибий қисм гуруҳи.

Рус. Поисковая группа.

Қиздирувчи муолажалар – бирор-бир гавда қисмига қиздирилган (иссиқ) сепма ёки бўтқасимон моддани узоқ муддатга суртиб қўйишдан иборат даво муолажаси.

Рус. Припарки.

Қуруқ қ. м. – сепма нарсалар (қум, туз, сули, зиғир уруғи, ёрма ва б. лар)ни қиздириб тегишли тери сатҳига қўйиш.

Рус. Сухие п.

Ўл қ. м. – баъзи донлар (сули, зиғир уруғи ва б. лар)ни қайнаб турган сувга солиб бўтқасимон масса ҳосил бўлгунча эзиб-аралаштириб тегишли тери сатҳига суриб қўйиш.

Рус. Влажные п.

Қизил катта буйрак – ҳажм ва вазни катталашган, шалвир буйрак; кесиб кўрилганда пўстлоқ моддаси кепчиб чегараси ноаниқлашган, мия моддаси кўкимтир-қизил тусда бўлади; нефротик компонентли ўткир ёки нимўткир гломеруло-нефритнинг морфологик белгиси.

Рус. Большая почка красная.

Қизил мўйли кепаксимон темиртки (син.: Девержи касаллиги, Девержи ўткир учли қизил темирткиси) – баданда, оёқ-қўлларнинг буқимида фолликулали мугуз папулалар юзага келиши, юз терисида ва бошнинг сочли қисми терисида пўст ташлашлар, **кератодермия** (қ. II ж.) кузатилиши темирткининг шу турига хосдир.

Рус. Красный лишай волосной отрубевидный; син.: болезнь Девержи, красный лишай остроконечный Девержи.

Қизилўнғач ботиқлиги – жигарнинг қизилўнғач ёнбошлаган орқа юқори юзасидаги (диафрагмал) бўйлама ботиқлик.

Рус. Пищеводное вдавление.

Қизилўнғач тешиги – диафрагманинг икки оёқчаси оралиғидаги, аорта тешигининг олд ва юқорисида, ундан сал чап томонда жойлашган бел қисмидаги тешиги; қизилўнғач ва адашган нервлар шу тешиктан ўтади.

Рус. Пищеводное отверстие.

Қизил ҳуснбузарлар – қ. **Пушти ҳуснбузарлар**.

Қизиш – *тиббиётда* – одам гавдасининг у ер-бу ерининг, яъни ички аъзолар ёки ташқи бадан соҳаларининг бирор сабабга кўра иссиқлик (қон) югуриб маҳаллий қизиш кетиши ёхуд қизиш туриши; бу – предмет, металл каби нарсаларнинг куйдирувчи қизишидан фарқ қилиб, бунда фақат қизиган жойнинг ҳарорати бошқа гавда қисмлари ёки аъзолари ҳароратидан бир қадар юқори бўлади, холос; **Қизиш** терминини тиббиётда қўллаш жоиздир.

Рус. Теплеть.

Қизғиш олачипор ўпка – *патологик анатомияда* – ўпка кесиб кўрилганида ателектаз (қ. II ж.) муносабати билан тўқ қизил ёки қизғиш-қизил ўчоқлар ва кам қонли ўпка тўқималарининг кулранг ўчоқлари билан қонга тўла ўчоқларининг навбатлашиб туришидан юзага келган олабула ўпка.

Рус. Пёстрые лёгкие карминовые.

Қийнаш – *суд тиббиётида* – одамнинг яшаши учун зарур шарт-шароитлардан: овқат, сув, ҳаво, иссиқ, ёруғ ва б. дан атайлаб маҳрум қилиш.

Рус. Мучение.

Қил – *тиббиётда* – 1. Соч, соқол, мўйлов ва б. гавда қисмларида ўсиб-узайган **мўйлар** (қ. I ж.)дан тўкилган тола.

2. Организмдаги баъзи ингичка, толасимон тузилмалар ва микроорганизмлар, паразитларга берилган нисбат; мас., қилтомир (капилляр), қил бош гижжа ва б. лар шулар жумласидандир.

Рус. Волосок.

Қиличболдир (син. қиличсимон болдир) – болдир суяқларининг сагиттал юза бўйлаб ёй шаклида олдинга туртиб қийшайиб қолган болдир; туғма захм асорати; яна қ. I ж. **Қиличоёқ**.

Рус. Саблевидная голень.

Қиличсимон болдир – қ. **Қиличболдир**.

Қин гумбази – қин девори билан бачадон бўйнининг қин қисми оралиғидаги макон; *Олд қ. г. ва Ортқи қ. г. тавофут қилинади*; яна қ. I ж.

Рус. Свод влагалища.

Қин тешиги – қинга кириш оғзи; қизларда уни ифбат (қизлик) пардаси ёпиб туради.

Рус. Отверстие влагалища.

Қисман оч қолиш (син. с и ф а т о ч л и г и) — организмга овқатнинг айрим таркибий қисмлари етарли тушмаслигидан оч қолиш.

Рус. Частичное голодание; син. качественное голодание.

Қисқарувчанлик — мушак толаларининг қисқариш ёки ўз таранглигини ўзгартириш лаёқати.

Рус. Сократимость.

Қисқичбақасимонлар — танаси уч бўлимдан иборат, усти хитинли кутикулалар билан қопланган, кўпроқ сув бўғим-оёқлилари синфи; қон системаси узвий тугашмаган; уларнинг айрим турлари одам учун патоген бўлган гельминтлар — гижжаларнинг оралик хўжалари бўлиб хизмат қилади.

Рус. Ракообразные.

Қов ёйи — қов суякларининг қуйи шохларидан ҳосил бўлган ёй; у — тос ҳалқасининг бир қисми саналиб, қов ости бурчагини ҳосил қилади.

Рус. Лобковая дуга; син. лонная дуга.

Қов нуқтаси (син. с и м ф и з и о н) — қов симфизининг юқори нуқтаси; антропометрик нуқта саналади.

Рус. Лобковая точка.

Қовоқ ағдариш — кўзнинг тепа қовоғини унинг милки (жияғи) тепасига бармоқ учини қўйиб туриб киприклардан туган ҳолда авратини сиртига — астарига ағдариш.

Рус. Выворот веки.

Қовоқ буралиши (син. э н т р о п и о н) — изоҳи I ж. да — қ.; у, аксарият, икки хил бўлади.

Рус. Заворот века; син. энтропион.

Спастик қ. б-ши — кўз қовоғи айлана мушагининг — кўз мушаклари қовоқ қисмининг спастик қисқариб қолишидан келиб чиқадиган қовоқ буралиши; кўздаги яллиғланишлар асорати сифатида баҳоланади ва аксарият пастки қовоқда кузатилади.

Рус. З. в. спастический.

Чандиқли қ. б-ши — кўз конъюнктиваси ёки қовоқ тоғайининг чандиқланиб деформацияга учрашидан келиб чиқадиган қовоқ буралиши; кўз қовоғи куйганида, шилпик (трахома), дифтерия ва б. кўз касалликларининг асорати сифатида баҳоланади.

Рус. З. в. рубцовый.

Қовоқлар йириғи (син. к ў з ё р и г и) — кўз қовоқлари чеккалари билан чегараланиб турадиган йирик; ёруғлик нури шу йирик орқали кўз соққасига тушади.

Рус. Щель века; син. глазная щель.

Қовоқ-моляр эгат — қ. Қовоқ ости эгати.

Қовоқ ости эгати (син. қовоқ-моляр эгат) — пастки қовоқ остида кўз чаноғи остки чеккасига параллел жойлашган тери бурма-эгати (чизиги).

Рус. Подвековая борозда; син. веково-молярная борозда.

Қовоқ тоғайи (син. тарзал пластинка) — кўз қовоғи орасида жойлашган зич толали бириктирувчи тўқимадан ташкил топган пластинка.

Рус. Хрящ века; син. тарзальная пластинка.

Қовоғарилар — ноғорасимон қанотлилар (Hymenoptera) туркумига мансуб тахланма қанотли арилар оиласига оид ҳашаротлар уруғи; одамни чаққанида (нишини суққанда) кучсиз заҳар тўкади; заҳари оғриқли, маҳаллий ва умумий реакция беради; нафас йўлларига кириб қолиб чаққанида шишириб юбориши оқибатида нафас ола олмай қолиш хавфи туғилади; тропик ва субтропик иқлим шароитларида, шу жумладан, бизнинг ҳудудимизда ҳам кўплаб учрайди; беҳудага чақмайди.

Рус. Шершни.

Қовурға (-лар) — кўкрак қафасининг узун, қайрилма, ясси, бир жуфт суяги; у — қовурға суяги ва тоғайидан ташкил топган; одамда 12 жуфт қовурға бор.

Рус. Ребро (-а).

Бел қ-си — I, камдан-кам II бел умуртқасининг кўшимча қовурғаси.

Рус. Поясничное р.

Бўйин қ-си — VII, камдан-кам VI бўйин умуртқасининг кўшимча қовурғаси.

Рус. Шейное р.

Лиқилдоқ қ-лар (син. тебранувчан қ-лар, лиқиллаб турадиган қ-лар) — юқори учи тўшга етиб бормаидиган — XI—XII сохта қовурғалар.

Рус. Колеблющиеся р.; син.: болтающиеся р., качающиеся р.

Сохта қ-лар — тўш билан бевосита бирикиб турмайдиган VIII—XII қовурғалар; сохта қ-лар.

Рус. Ложные р.

Тўш қ-лари — тўш билан бевосита бирикиб турадиган I—VII қовурғалар; чин қовурғалар.

Рус. Грудинные ребра.

Чин қ-лар — тўш билан бевосита туташувчи I—VII қовурғалар.

Рус. Истинные р.

Кўшимча қ. — бўйин ёки бел умуртқаларидан бир ёхуд иккала томондан нонормал равишда ўсиб чиқадиغان қовурғалар; туғма ривожланиш нуқсони.

Рус. Добавочное р.

Қовурғалар ёйи — VIII—X қовурғалар тоғайлари ва X қовурға суяк қисмларининг ўзаро бирлашувидан юзага келган ёй шаклидаги суяк-тоғай тузилмаси; кўкрак қафасини пастдан ажратиб туради.

Рус. Рёберная дуга.

Қовурғалар камгаги — тўш танаси чеккалари — латерал чеккаларидаги ўйиқлар; тўшнинг қовурғалар тоғайи билан бириккан ери.

Рус. Рёберные вырезки.

Қовурға ости соҳаси — қориннинг олд-ён деворида ажратиладиغان бир жуфт (ўнг ва чап) соҳа; юқоридан — қовурға ёйи ёки XII қовурға, ўртадан — қорин тўғри мушагининг латерал чеккаси, пастдан — X қовурғанинг энг пастки нуқтасидан шартли ўтказилган горизонтал чизиқ билан чегараланиб туради.

Рус. Подрёберная область.

Қовурға ўсимгаси — бўйин ва бел умуртқаларининг кўнда-ланг ўсимгалари қисми; қовурға рудименти — ўсмай қолган қисми.

Рус. Рёберный отросток.

Қовушоқлик I — суюқлик ва газларнинг ўз зарраларининг бир-бирига нисбатан силжишига, ҳаракатланишига қаршилик кўрсатиш лаёқати; *тиббийтда* — қон ва плазмаларнинг шу лаёқатини текшириш билан уларнинг шу пайтдаги хоссасига баҳо берилади ва диагноз ойдинлаштириб олинади.

Рус. Вязкость I.

Қовушоқлик II (син.: руҳий жараёнлар қовушоқлиги, руҳий қовушоқлик) — руҳий фаолият (фикр, нутқ, аффектлар — эмоциялар)нинг секин, қовушмай, узук-юлуқ кечиши билан ифодаланадиган патологик бузилиш даражаси; у — **Аффектив қ.** ва **Фикр қ.**-лигига тавофут қилинади.

Рус. Вязкость II; син.: вязкость психических процессов, психическая вязкость.

Қовуштирувчи моддалар (син. ёпиштирувчи моддалар) — ҳаб дорилар таркибига қўшилганда уларни қовушоқ қиладиган ва ҳаб шаклига келтириладиган дори моддалар; мас., қизилмия илдици экстракти, қоқи илдици экстракти, жағ-жағ экстракти, тоғжамбул экстракти ва б. лар шулар жумласидандир.

Рус. Связывающие вещества.

Қовуқ тилчаси — простата безининг ўрта бўлаги ёнбош олишидан юзага келган сийдик чиқариш каналининг ички тешиги ортидаги қовуқ шиллиқ пардаси бўртмаси.

Рус. Язычок мочевого пузыря.

Қовуқ учбурчаги (син. *Лъето учбурчаги*) — сийдик пуфагидаги сийдик найнинг оғзи билан сийдик чиқариш канали ички тешиги ораллигидаги қовуқ туби соҳаси.

Рус. Мочепузырный треугольник; син. треугольник Лъето.

Қозик тиш — конуссимон тожли, битта йўғон илдизли, кесувчи (курак) тиш билан кичик илдизли тиш ораллигидаги юқори ва пастки жағларнинг ҳар икки томонида жойлашган тиш; улар тўртта.

Рус. Клык.

Қозик тиш чуқурчаси — қ. **Ит чуқурчаси**.

Қозон овқат (син. уй овқати) — 1. Оловга қўйиб қозонда қовуриб, қайнатиб, димлаб пишириб тайёрланадиган овқат.

2. Болаларни гўдаклик давридан бошлаб эҳтиётлик билан, аста-секин, оз-оздан қозон овқатга ўргатиш овқат ҳазм қилиш системаси чиниқишига, яхши ривожланишига, мустаҳкамланиб боришига ва кўп ўтмай овқат танламайдиган, еганини ҳазм қиладиган бўлишига олиб келади; нозик ва енгил ҳазм бўладиган овқатлар болаларни келажакда нозик-ниҳол қилиб қўяди; ҳазм аъзолари иши бузилган, ичи кетаётган болаларга буни мутлақо тавсия қилиб бўлмайди.

Рус. Домашняя пища.

Қомат (син.: гавда бичими, гавда тузилиши, жусса, қадди-қомат) — изоҳи I ж. да — қ.; у тўрт хилга тафовут қилинади.

Рус. Телосложение.

Астеник қ. (син. лептосом қ.) — бўйи баланд, оёқ-қўллари узун, кўкрак қафаси тор, тери ости ёғ қавати оз, юз тузилиши овал — тухумсимон қомат.

Рус. Астеническое т.; син. лептосомное т.

Атлетик қ. — мушак ва суяклари яхши ривожланган, елкалари кенг, тери ости ёғ қавати кам, юз тузилишини шакллантирувчи белги-хусусиятлар, элементлар расо, энгаги бўлалаи қомат.

Рус. Атлетическое т.

Диспластик қ. — гавда қисмлари номутаносиб, беўхшов, баъзи эркаклар ҳезсифат, айрим аёллар эса эркаксифат бўладиган қомат.

Рус. Диспластическое т.

Пикник қ. — бўйи паст, боши юмалоқ, оёқ-қўллари қалта, бўйни қисқа, кўкраги кенг, қорни олдинга чиққан, тери ости ёғ қавати тўпланишга мойил қомат.

Рус. Пикническое т.

Қон — изоҳи I ж. да — қ.; у — ўн хилга тафовут қилинади.

Рус. Кровь.

Артерия қони — кислородга тўйинган қон.

Рус. Артериальная к.

Вена қони — углерод (II) оксид — карбонат ангидридга тўйинган қон.

Рус. Венозный к.

Дефибринланган қ. (син. фибринсизланган қ.) — сунъий равишда фибриногендан маҳрум қилинган қон; лаборатория текширувларида фойдаланилади.

Рус. Дефибринированная к.

Мурда қони — қутилмаганда вафот қилган одамлардан олинадиган қон; гемотрансфузион воситалар тайёрлаш мақсадларида ишлатилади.

Рус. Трупная к.

Оч қ. — изоҳи I ж. да — қ.

Рус. Голодная к.

Периферик қ. — қон яралиш аъзоларидан ташқаридаги томирларда айланиб юрувчи қон.

Рус. Периферическая к.

Плацента қони — плацента (қ. II ж.) томирларида айланиб юрувчи ҳомила қони.

Рус. Плацентарная к.

Резус-мусбат қ. — эритроцитларида резус-омил бўладиган қон.

Рус. Резус-положительная к.

Резус-манфий қ. — эритроцитларида резус-омил бўлмайдиган қон.

Рус. Резус-отрицательная к.

Ретроплацента қони — децидуал — кўчиб тушувчи парда лакуна — чуқурчаларида айланиб юрувчи она қони.

Рус. Ретроплацентарная к.

Фибринсизланган қ. — қ. *Дефибринланган қ.*

Яширин қ. — фақат лаборатория текширувларида аниқланадиган (мас., нажасда) қон; жуда кам миқдорда бўлади.

Рус. Скрытая к.

Қонаб туриш вақти — терига юзалаб игна санчилган ёки юзалаб тилинган ердан (ҳар гал текширишда бир хил қилиб)

қон оқиб турган муддатга тенг бўлган **гемостаз** (қ. II ж.) — қон тўхташ физиологик механизмларининг активлик кўрсаткичи (яна қ. I ж.).

Рус. Время кровотоечения.

Қон айланиб чиқиш вақти — қон заррачаси катта ва кичик қон айланиш доираси бўйлаб бир марта айланиб чиқишига кетган вақт (яна қ. I ж.).

Рус. Время кругооборота крови.

Қон айланиш — изоҳи I ж. да — қ. Унинг ўндан ортиқ шакли тафовут қилинади.

Рус. Кровообращение.

Ёрдамчи қ. а. (син.: ёрдамчи перфузия — *тав. этилмайди*, параллел қ. а. — *тав. этилмайди*) — юрак иши етишмаслигида қон айланишини яхшилаш ва барқарор ҳолатга келтириш учун келтириладиган сунъий чора.

Рус. Вспомогательное к.; син. вспомогательная перфузия — *тав. этилмайди*, параллельная к. — *тав. этилмайди*.

Кесишган қон айланиш — қ. *Кесишма қон айланиш*.

Кесишма қон айланиш (син. кесишган қон айланиш) — икки индивиднинг муайян қон томирлари ўзаро туташтириб қўйилган қон системаси бўйлаб қон айланиш; физиологик экспериментларда қўлланилади; эгизакларнинг аномалияларида учрайди.

Рус. Перекрёстное к.

Коллатерал қ. а. (син. овал қ. а.) — асосий артерия ёки веналарни четлаб коллатерал қон томирлар бўйлаб қон айланиш.

Рус. Коллатеральное к.; син. околное к.

Овал қ. а. — қ. *Коллатерал қ. а.*

Плацентар қ. а. — **плацента** (қ. II ж.) да киндик артерияси бўйлаб оқётган қон билан она қонидаги моддалар алмашиши содир бўладиган ҳомиладаги қон айланиш.

Рус. Плацентарное к.

Регионар сунъий қ. а. (син. регионар перфузия) — бошқа қон айланиш системасидан ажралиб қолган алоҳида аъзо ёки соҳадаги қон айланиш.

Рус. Искусственное к. регионарное.

Редуccion қ. а. — оёқ ёки қўлни Оппель усули бўйича боғланганда коллатерал қон томирлар бўйлаб қон айланиш; бундан — қон оқиб келиши ва оқиб кетиши пасайсада, тенглашган суратда оқади.

Рус. Редуцированное к.

Сариқча қ. а-ши — 2–6 ҳафтали эмбрион билан **сариқча қопи** (қ. IV ж.) оралиғидаги киндик-тутқич томирлари системасидаги қон айланиш.

Рус. Жёлточное к.

Сунъий қ. а. (син.: перфузия, экстракорпорал қ. а.) — махсус аппарат ёрдамида юрак фаолиятини қисман ёки бутунлай таъминлаб туришга асосланган қон айланиш.

Рус. Искусственное к.; син.: перфузия, экстракорпоральное к.

Умумий сунъий қ. а. (син. тотал перфузия) — юрак ҳамда ўпка фаолияти бутунлай сунъий аппаратга ўтказилгандаги қон айланиш.

Рус. Искусственное к. общее; син. тотальная перфузия.

Хориал қ. а. — эмбрион қон айланиши; бунда — эмбрион қони билан она қони ўртасида моддалар алмашинуви хорион гажимлари (ворсинкалари) орқали бўлиб ўтади.

Рус. Хориальное к.

Экстракорпорал қ. а. — қ. **Сунъий қ. а.**

Қон гуруҳи — эритроцитларнинг изоантиген тузилмалари ва одамларни муайян гуруҳга бирлаштирувчи табиий антиэритроциттар антитаначаларнинг ўзига хослигини кўрсатувчи қоннинг нормал иммуногенетик белгилари мажмуи; у — тўрт гуруҳга тафовут қилинади.

Рус. Группа крови.

I (0) Қон гуруҳи — эритроцитлари АВО системасига мансуб А ва В изоантигенлари бўлмайдиган қон гуруҳи.

Рус. Группа крови I(0).

II (A) Қон гуруҳи — эритроцитларида АВО системасига мансуб А изоантигени бўлмайдиган қон гуруҳи.

Рус. Группа крови II (A).

III (B) Қон гуруҳи — эритроцитларида АВО системасига мансуб В изоантигени бўлмайдиган қон гуруҳи.

Рус. Группа крови III (B).

IV (AB) Қон гуруҳи — эритроцитларида АВО системасига мансуб А ва В изоантигенлари бўлмайдиган қон гуруҳи.

Рус. Группа крови IV (AB).

Қон димланган буйрак — буйракда қон айланиши етишмаслигидан юзага чиқадиган синдром; патоморфологик жиҳатдан буйракда веноз гиперемия, буралма каналчалар эпителий-сининг дистрофик ўзгаришлари, клиник жиҳатдан эса протеинурия кузатилади.

Рус. Застойная почка.

Қон ивиш вақти — юзага чиққан қоннинг ёт жинсли сирт билан контактда *in vitro* бўлган ондан то лахта — ивиқ

шаклангунча кетган вақтга тенг бўлган қон ивйтиш система-сининг активлик кўрсаткичи (яна қ. I ж.).

Рус. Время свёртывания крови.

Қон кетиш, қон оқиш — қон томирлар бутунлиги бузилиши оқибатида бурун, ички аъзолар ҳамда аёлларнинг жинсий аъзоларидан ички бўшлиққа **қон кетиши** ёки ташқарига чиқиши ва ташқи аъзолардан, тери ҳамда шиллиқ пардалардан **қон оқиши** ёки ташқарига чиқиши; унинг элликка яқин тери тафовут қилинади; яна қ. I ж.

Рус. Кровотечение.

Аноректал қ. к. — кўтон — тўғри ичак ёки дурваза — анал канали томирларидан қон кетиш.

Рус. Аноректальное к.

Аралаш қ. к. — бир йўла артерия, вена ва капиллярдан қон кетиш.

Рус. Смешанное к.

Аррозион қ. к. — патологик ҳолатлар — йирингли некрозлар, ўсмалар оқибатида юзага келиб қолган томир деворларидаги нуқсонлардан қон кетиш.

Рус. Аррозионное к.

Артериал қ. к. — девори шикастланган артериядан қон кетиш.

Рус. Артериальное к.

Бачадондан қ. к. — патологик жараёнлар бўлганда бачадондан ёки функциялари бузилган тухумдондан қон кетиш; буларга меъёрида кечаётган ҳайз қонини ҳамда туғруқ деворида қон кетишларни киритиш мумкин.

Рус. Маточное к.

Бачадондан ановулятор қ. к. — бир фазали ҳайз циклида бачадондан вақти-вақти билан қон кетиш.

Рус. Маточное к. ановуляторное.

Бачадондан атоник қ. к. — туғруқдан кейин йўлдош тушиш даврида бачадондан қон кетиш; бачадоннинг мушакли пардаси — миометрия тонуси бутунлай ёки қисман бўшашиб кетганида келиб чиқади.

Рус. Маточное к. атоническое.

Бачадондан ациклик қ. к. — қ. **Метроррагия** (қ. II ж.).

Бачадондан гипотоник қ. к. — туғруқдан кейинги ёки йўлдош тушиш даврларида бачадондан қон кетиш; бачадоннинг мушакли пардаси — миометрия тонуси пасайиб кетганида келиб чиқади.

Рус. Маточное к. гипотоническое.

Бачадондан дисфункционал қ. к. — гормонал регуляция издан чиққанида ҳайз цикли бузилишидан келиб чиқадиган бачадондан қон кетиш.

Рус. Маточное к. дисфункциональное.

Бачадондан циклик қ. к. — ҳайзга ўхшаш мунтазам так-рорланиб турувчи бачадондан қон кетиш; бачадон миомаси — бачадон мушак тўқимасининг хавфсиз ўсмасида кузатилади.

Рус. Маточное к. циклическое.

Бирламчи қ. к. — томирлар шикастланган заҳоти қон кетиш.

Рус. Первичное к.; син. сопутствующее к.

Бурундан қ. к. — бурун деворидаги қон томирлар ёрилишидан бурун ичига қон оқиб тушиши.

Рус. Носовое к.

Веноз қ. к. — девори шикастланган венадан қон кетиш.

Рус. Венозное к.

Викар қ. к. — бурун бўшлиғи шиллиқ пардаларидаги майда томирлар ва кўтон — тўғри ичак веналаридан қон кетиш; қон босим кўтарилиб кетганда, мас., гипертоник кризларда кузатилади.

Рус. Викарное к.я.

Гастроррагия — қ. *Меъдадан қон кетиши.*

Гастроэнтероррагия — қ. *Меъда-ичакдан қон кетиши.*

Геморроидал қ. к. — геморроидал тугунлар — бавосил тугунларидан қон кетиш.

Рус. Геморроидальное к.

Гипопротромбинемик қ. к. — протромбин танқислиги оқибатида қон қуюлиши пасайиб кетишидан келиб чиқадиган қон кетиш.

Рус. Гипопротромбинемическое к.

Жароҳат ичига қ. к. — ўқ-снаряд парчалари теккан ёки санчилган жароҳатларга қон қуйилиб гематома ҳосил қиладиган, аммо ташқарига чиқмайдиган қон кетиш.

Рус. Внутриранеовое к.

Иккиламчи қ. к. — қон томир шикаст топгандан кейин ўша заҳоти эмас, балки кейинроқ қон кетиш; яна қ. I ж.

Рус. Вторичное к.

Интерстициал қ. к. — қ. *Тўқима ичига қ. к.*

Ичакдан қ. к. — ичак деворлари томирларидан ичак ичига қон кетиш; яна қ. I ж.

Рус. Кишечное к.

Ички бўшлиққа қ. к. — гавданинг бирор йирик бўшлиғи — қорин, плевра ёки перикардга қон кетиш; яна қ. I ж.

Рус. Внутреннее к. полостное.

Ички қ. к. — тўқималар орасига, аъзолар ичига, гавда бўшлиқларига қон кетиш; яна қ. I ж.

Рус. Внутреннее к.

Капилляр қ. к. — капилляр қон томирлардан қон кетиш; бунда — жароҳат топган тўқиманинг ҳамма юзасидан қон бирдай милтираб чиқиб туради.

Рус. Капиллярное к.

Кечки иккиламчи қ. к. — қон томир шикаст топгандан б кун ва ундан кейинроқ фурсат ўтгач қон кетиш; ҳосил бўлган тромбалар ёки травматик аневризмларнинг йиринглаб ириб кетиши оқибатида юзага келади; яна қ. I ж.

Рус. Вторичное к. позднее.

Киндикдан қ. о. (син. киндик қонаши) — киндик чўлтоғидан ёки киндик ярасидан қон оқиш (яна қ. I ж.).

Рус. Пупочное к.

Меъдадан қ. к. (син. гастроррагия) — меъда девори қон томирларидан меъда бўшлиғига қон кетиш.

Рус. Желудочное к.; син. гастроррагия.

Меъда-ичакдан қ. к. (син. гастроэнтеррагия) — ўн икки бармоқ ичакнинг бошланғич қисмидан меъда бўшлиғига қон кетиш.

Рус. Желудочно-кишечное к.; син. гастроэнтеррагия.

Операциядан кейинги қ. к. — операциядан кейинги давр асорати сифатида юзага келадиган қон кетиш.

Рус. Послеоперационное к.

Паренхиматоз қ. к. — бирор бир ички аъзолар **паренхима** (қ. II ж.)сидан капилляр қон кетиш.

Рус. Паренхиматозное к.

Рецидивланувчи қ. к. — қ. *Қайталанувчи иккиламчи қ. к.*

Рўй-рост ички қ. к. — қон гавданинг табиий тешикларидан ажралиб чиқадиган қон кетиш.

Рус. Внутреннее к. явное.

Сигнал қ. к. — бир неча минут ичида тез қон кетиб ўзидан-ўзи тўхтаб қоладиган ва яна такрорланиб турадиган қон кетиш; аниқланмаган шикаст топган артерия белгиси.

Рус. Сигнальное к.

Спонтан қ. к. — қ. *Ўзидан-ўзи қ. к.*

Суяк ичига қ. к. — суяк тўқима бағрига қон кетиш; суякнинг говак моддасига қон шимилиши — имбибицияси.

Рус. Внутрикостное к.

Ташқи қ. о. — жароҳатлардан ёки бевосита гавда сиртида жойлашган яра-чақалардан қон оқиш.

Рус. Наружное к.

Травматик қ. к. — шикастланиш, жанговар жароҳатланиш ёки жарроҳий операциялар туфайли қон томирлар бутунлиги бузилишидан келиб чиққан қон кетиш.

Рус. Травматическое к.

Тўқима ичига қ. к. (син. интерстициал қ. к.) — тўқима бағрига қон қуйилиб диффуз равишда шимиладиган — имбибицияланадиган, қатламланадиган ва гематома ҳосил қиладиган қон кетиш.

Рус. Внутритканевое к.; син. интерстициальное к.

Фибринолитик қ. к. — қоннинг фибринолитик (фибринларни эритиш) активлиги ошиши оқибатида қон ивиши издан чиқишидан юзага келадиган қон оқиш; шок касаллигида, патологик туғруқларда кузатилади.

Рус. Фибринолитическое к.

Ходемик қ. к. — **холемия** (қ. II ж.) — қонда ўт кўпайиб кетиши оқибатида қон ивиши пасайиб кетишидан юзага келадиган қон кетиш.

Рус. Ходемическое к.

Форникал қ. к. — буйракнинг кичик косачалари гумбазларида жойлашган веналарнинг бутунлиги бузилиши оқибатида сийдик йўлларида қон кетиш; буйрак-тош касаллигида, буйрак поликистозиди, гидронефрозиди, амилоидозиди ва буйрак тўқималари шишуву билан кечадиган б. патологик ҳолатларда кузатилади.

Рус. Форникальное к.

Экспульсив қ. к. — қ. **Экспульсив геморрагия** (қ. III ж.).

Эртаки иккиламчи қ. к. — қон томир шикаст топгандан 1—3 кундан кейин юзага келадиган қон кетиш; қон босим ошиб кетиши натижасида жароҳатланган томирда ҳосил бўлган тромбаларни суриб юбориш оқибатида юзага келади; яна қ. I ж.

Рус. Вторичное к. раннее.

Ярадан қ. к. — яра касаллигида меъдадан ёки меъда-ичакдан қон кетиш.

Рус. Язвенное к.

Яширин ички қ. к. — қон гавданинг табиий тешикларида ёки жароҳатдан ажралиб чиқмайдиган қон кетиш; яна қ. I ж.

Рус. Внутреннее к. открытое.

Ўзидан-ўзи қ. к. (син. спонтан қ. к.) — шикастсиз қон кетишларнинг умумий номи; термин тушунчани аниқ-равшан ифодаламайди.

Рус. Самопроизвольное к.; син. спонтанное к.

Ўпкадан қ. к. — ўпка ёки бронх қон томирларидан қон кетиш.

Рус. Лёгочное к.

Қайталанувчи иккиламчи қ. к. (син. рецидивланувчи қ. к.) — кўп марталаб қон кетиш; ўсмаларда, йирингли-некрозли жараёнлар кечаётганда кузатилади.

Рус. Вторичное к. рецидивирующее; син. повторное к.

Қизилўнғач-меъдадан қ. к. — қизилўнғачнинг дистал — пастки бўлими томирларидан меъда ичига қон кетиш; кўп ҳолларда портал — жигар гипертензияси — босими ошиши оқибатида венадан қон кетади.

Рус. Пищеводно-желудочное к.

Ҳайзлар оралиғида бачадондан овулятор қ. к. — **овуляция** (қ. II ж.) даврида бачадондан қон кетиш.

Рус. Маточное к. циклическое.

Ҳайз қони — ҳайз пайтида бўладиган бачадондан қон кетиш.

Рус. Менструальное к.

Қон оролчалари — сариқ қопча мезодермасининг висцерал варағида мезенхима хужайралари тўпланиши; шу хужайралар эмбрионнинг қон томирлари ва қон хужайралари муртаклари саналади.

Рус. Кровяные островки.

Қон оқишни тўхтатиш (син. гемостаз) — қон оқиши (кетиши)ни тўхтатишга қаратилган барча даво тадбирларининг умумий номи.

Рус. Остановка кровотечения; син. гемостаз.

Қон сўрувчи чивинлар — икки қанотлилар туркумига оид узун мўйловлилар кенжа туркумига мансуб *Culicoides* оиласига қарашли қанотли ҳашаротлар; уларнинг урғочилари сутэми-зувчилар қони билан кун кўради; улар безгак, филяриатозлар (ғижжа касалликлари), баъзи вирусли энцефолитлар ва б. касалликларнинг инфекцияларини ташиб юқтириб юрадилар.

Рус. Кровососущие комары.

Қон томирлар ўтказувчанлиги бузилиши — қон томирлардан қон оқшининг ўз меърида оқиб силжиб туришининг издан чиқиши; одатда, айрим қон томир касалликлари, витамин, туз ва б. озик моддалар етишмаслиги оқибатида қон томир деворлари турли хилда зарарланиши, тромблар ҳосил бўлиши, склерозга учраши мумкин; булар қон оқимиға тўсқинлик қилиб, баъзан қонни деярли юргизмай кўяди ва натижада шу томир озиклантирадиган тўқима ва хужайраларнинг озикланиши бузилади ва кўп ўтмай уларнинг фаолияти издан чиқади.

Рус. Нарушение пропускаемость кровеносных сосудов.

Қон трансфузияси – қ. Қон қуйиш.

Қон туплаш (син. қон тупуриш) – нафас йўллари, бронхлар девори, ўпка альвеолалари шикастланиши, яраланиши, ўсма, сил ўчоғи пайдо бўлиши оқибатида қон томир бутунлиги бузилишидан қоннинг йўтал билан ташқарига ажраб чиқиши; у – кўпикли, шиллиқли, балғам ва йирингли ёхуд соф ҳолда бўлиши мумкин; баъзан эса у томоқ, милк қонаши билан ҳам боғлиқ бўлади; бундай ҳолларда у тупик билан аралашган бўлади; яна қ. I ж.

Рус. Кровохарканье.

Қон тупуриш – қ. Қон туплаш.

Қон тўхташи – оқаётган (ёки кетаётган) қоннинг ўз таркибидаги шакли элемент – тромбоцит, фибриноген ва б. элементлар воситасида ивиб тўхташи; яъни томирлар бутунлиги бузилиб қон ташқарига (ёки ичкарига) оқиб чиқар экан, шу қон элементлари хоссасига кўра у ивиб томирлар девори беркилиб қолади ва шу билан қон оқиши (ёки кетиши) тўхтади; элементларнинг кўп-озлигига қараб оқаётган (ёки кетаётган) қон тез ёки секин тўхтади, демак, қон ивиши тез ёхуд секин кечади.

Рус. Остановка кровотечения.

Қон-қариндошлар – камида битта умумий аجدод (қ.)га эга бўлган, насл-насаби бўйича бир қатор ўхшашлиги бор кишилар мажмуи.

Рус. Кровные родственники.

Қон қуйилиш (син. геморрагия) – қон томирлар бутунлиги бузилиши оқибатида тери остига, бағрисида, мушак орасига, шиллиқ қаватлар, пардалар остига, ковак аъзолар ичига, мия ва б. аъзолар бағрига қон тўпланиши; жараён жойлашган ўрнига кўра хавфсиз, хавфли ва ўта хавфли бўлади; мас., тери ва шиллиқ қаватларга алоқадор қон қуйилишлар хавфсиз бўлса, мияга, юрак мушакларига алоқадор қон қуйилишлар ҳаёт учун ўта хавфлидир; яна қ. I ж.

Рус. Кровоизлияние; син. геморрагия.

Аррозион қ. қ. – патологик (йирингли-некротик, ўсмага алоқадор) жараёнлар оқибатида қон томирлар девори бузилишидан юзага келган қон қуйилиш.

Рус. Аррозионное к.

Бўшлиққа қ. қ. – қорин, плевра ёки перикардиал бўшлиқларга қон қуйилиш.

Рус. Полостное к.

Диапедез қ. қ. – қон томирлар девори бузилмай, яъни диапедез ҳолатда қон қуйилиш.

Рус. Диапедезное к.

Интрадураль қ. қ. — қаттиқ мия пардасининг ички ва ташқи толали варақлари оралигига қон қуйилиш.

Рус. Интрадуральное к.

Интрамурал қ. қ. — ичи кавак аъзолар деворига қон сўрилиши — шимилиши кўринишида қон қуйилиш.

Рус. Интрамуральное к.

Калла ичига қ. қ. — калла бұшлиғига қон қуйилиш.

Рус. Внутричерепное к.

Мия ичига қ. қ. — мия моддасига, яъни ичига **гематома** (қ. II ж.) ёки геморрагик юмшоқ тортган ўчоқ кўринишида қон қуйилиш.

Рус. Внутримозговое к.

Мия қоринчаларига қ. қ. — мия қоринчаларига қон қуйилиш.

Рус. Желудочковое к.

Нуктасимон қ. қ. — қ. **Петения** (қ. II ж.).

Петехиал қ. қ. — қ. **Петения** (қ. II ж.).

Преретинал қ. қ. — кўз тўр пардасининг ички мембранаси остидаги марказий чуқурча соҳасига ёки кўз тўр пардаси билан шишасимон тананинг ортки чегара мембранаси оралигига қон қуйилиш.

Рус. Преретинальное к.

Ретинал қ. қ. — кўз тўр пардасига қон қуйилиш.

Рус. Ретинальное к.

Субарахноидал қ. қ. — бош ёки миянинг субарахноидал «ўргимчак» ости бұшлиғига қон қуйилиш.

Рус. Субарахноидальное к.

Субдурал қ. қ. — бош ёки орқа миянинг субдурал — мия қаттиқ пардаси бұшлиғига қон қуйилиш.

Рус. Субдуральное к.

Субкапсуляр қ. қ. — бирор бир аъзонинг фиброз капсуласи остига қон қуйилиш.

Рус. Субкапсулярное к.

Субпиал қ. қ. — юмшоқ мия пардаси билан бош ёхуд орқа мия юзасига қон қуйилиш.

Рус. Субпиальное к.

Субэпендимар қ. қ. — **Дюреча қон қуйилиш** (қ. III ж.).

Эпидурал қ. қ. — қаттиқ мия пардаси билан калла суяқлари ёки умуртқа оралигига қон қуйилиш.

Рус. Эпидуральное к.

Халқасимон қ. қ. — шикастланган қон томирлар атрофидаги тўқималарга қон қуйилиш; одатда бош миёда кузатилади.

Рус. Кольцевидное к.

Қораилонлар — қораилонсимонлар оиласига мансуб зағарли илонлар уруғи; Ўзбекистонда оддий қораилон, гурза каби хилари учрайди.

Рус. Гадюки.

Қораилонсимонлар — оғзида ҳаракатланадиган зағарли тишлари бор илонлар оиласи; бу оилага кирувчи барча илон турлари заҳарли; уларнинг заҳари гемолитик таъсирга, яъни эритроцитларни емириш — гемолиз қилиш таъсирига эга; Осиё, Африка, Европа ҳудудларида учрайди.

Рус. Гадюковые.

Қора модда (син. Земмеринг моддаси) — катта мия оёқчасида жойлашган экстрапирамида системаси ядроси; таркибида (бағрида) миланин тутувчи нерв ҳужайраларидан ташкил топган.

Рус. Чёрное вещество; син. вещество Земмеринга.

Қорачиқ битиб қолиши — оғир иридоциклит (қ. II ж.) да экссудат тўпланиши натижасида ҳосил бўлган фиброз тўқима билан кўз қорачиғининг беркилиб қолиши.

Рус. Заращение зрачка.

Қорачиқлар ҳаракатсизлиги — қорачиқ реакциялари йўқолиши; унинг *Аффектив қ. ҳ.*, *Гемипаретик қ. ҳ.*, *Паралитик қ. ҳ.*, *Рефлектор қ. ҳ.* каби хиллари мавжуд.

Рус. Неподвижность зрачков.

Қорачиқ орти бўшлиғи — гавҳарнинг орқа юзаси билан шишасимон тана оралиғидаги ичи сувсимон намлик билан тўлган энсиз камгак.

Рус. Захрусталиковое пространство.

Қорин губ бўлиши — меъда-ичакларда ел (газ) туриб қолиши ва бугина эмас, балки меъда-ичак шиллиқ қаватларининг шишинқираши, ич юришмай қолиши оқибатида қориннинг қаппайиб туриши.

Қорин нафас (син. диафрагмал нафас) — қорин билан нафас олиш демакдир; эркакларга хос нафас олиш усули; бу, айниқса, жисмоний меҳнат жараёнида азқотади; организм бир бутун; унда ҳеч нарса, ҳеч қандай жараён, ҳеч қандай ҳолат беўрин, бежоиз юзага келмаган; рус биолог ва патолог И.И. Мечниковнинг эрта қаримаслик учун қўтон (тўғри ичак)ни олиб ташлаш керак, деган назарияси шу вақтга қадар ўз тарафкашларини топмаганлиги бежиз эмас; яна қ. I ж. «Қорин нафас».

Рус. Брюшное дыхание; син. диафрагмальное дыхание.

Қорин ости (син.: гипогастрал соҳа, гипогастрий, қорин ости бўлими, қорин ости

соҳаси) — қориннинг пастки бўлими; юқоридан — юқори-олд ёнбош суяк қиррасини бирлаштирувчи чизиқ, пастдан — чов бурмалари ва қов суяқларининг юқори чеккалари билан чегараланиб туради.

Рус. Подчревье; син.: гипогастральная область, гипогастрий, подчревная область, подчревный отдел.

Қорин ости бўлими — қ. **Қорин ости.**

Қорин ости соҳаси — қ. **Қорин ости.**

Қорин оғриқ — *халқ табобатида* — бирор бир меъда ёки ичак касаллигининг бир белгиси сифатида ҳам (буниси кўп учрайди) ёки жигар, меъда ости беши касаллигидан дарак берувчи оғриқ сифатида ҳам юзага келадиган оғриқ; баъзан эса бирор бир ёқмайдиган, ботмайдиган, сифатсиз овқат еб қўйишдан ҳам оғриқ пайдо бўлиши мумкин; яна қ. 1 ж.

Рус. Боль в животе.

Қорин парда гажимлари — қорин парданинг мезотелиал хужайралари юзасидаги бўйи 3 мкм гача бўлган калта микроскопик **гажимлар** (қ.).

Рус. Брюшинные ворсинки.

Қорин парда орти бўшлиғи (син. ретроперитонеал бўшлиқ) — қорин бўшлигининг қорин деворига тегиниб (ёпишиб) турган қорин парда билан қорин ички фасцияси оралигидаги қисми; у — диафрагмадан то кичик тосгача чўзилган; унда аъзолар, томирлар, нервлар ва лимфатик тугунлар жойлашган бўлиб, ёғ ва бириктирувчи тўқималар билан тўлиб туради.

Рус. Забрюшинное пространство; син. ретроперитонеальное пространство.

Қорин усти (син.: эпигастрал соҳа, эпигастрий, қорин усти бўлими) — юқоридан — диафрагма, пастдан — ўнинчи қовурғаларнинг энг пастки нуқталарини бирлаштирувчи тўғри чизиқ бўйлаб ётган горизонтал юза оралигидаги қорин соҳаси.

Рус. Надчревье; син.: надчревный отдел, эпигастральная область, эпигастрий.

Қорин усти бўлими — қ. **Қорин усти.**

Қорин усти соҳаси — юқоридан — тўшнинг ханжарсимон ўсиғи ва қовурғалар ёйи, пастдан — ўнинчи қовурғаларнинг энг пастки нуқталарини бирлаштирувчи чизиқ, икки ёндан — қорин тўғри мушакларининг ички (латерал) чеккалари оралигидаги қорин олд девори соҳаси.

Рус. Надчревная область.

Қоринчалараро тешиқ (син. Монро тешиғи) — *бош мияда* — гумбаз устини билан таламуснинг олд чеккаси

оралиғида жойлашган, бош мия III қоринчасини ён қоринчаси билан туташтириб турувчи бир жуфт тешик.

Рус. Межжелудочковое отверстие; син. отверстие монроево.

Қоринчалараро тўсиқ — *юралда* — юрак умумий қоринчасини ўнг ва чап қоринчаларга бўлиб турувчи тўсиқ.

Рус. Межжелудочковая перегородка.

Қорин қисиб оғриши (син. субдиафрагмал стенокардия) — мезентериал артерияларнинг органик обтурацияси (тўсилиши) ёки спазмаси (қисилиши) оқибатида ичакларнинг қон билан етарли таъминланмай қолишидан уларнинг ҳаракати (перистальтикаси) издан чиқиши (дискинезияси) туфайли қоринда дапқир-дапқир оғриқ туриши; бу, айниқса, мезентериал томирларнинг тромбози ва тромбоемболиясида рўй-рост юзага чиқади.

Рус. Брюшная жаба; син. субдиафрагмальная стенокардия.

Қош — пешонанинг қуйи чегараси ва юқори қовоқлар тепасини турли хил шаклда қоплаб турадиган, қуюқ ёки сийрак, пигментли (рангли — қора, жигарранг, сариқ, кулранг ва ҳ.), калта, йўғон, қаттиқ қил **мўйлар** (қ. I ж.) мажмуи; кўзга тер ва б. рутубатларнинг оқиб тушишидан сақлайди.

Рус. Бровь.

Қоқилиш — синдесмоза — суяклар бирикиб қолишининг бир тури; бунда — бир суяк иккинчи суяк ичига — орасига қоқилиб қолгандай кириб қолади; мас., тиш илдизи тиш альвеоласига кириб бирлашиб қолади ва ҳ.

Рус. Вколачивание.

Қоқим — *халқ табобатида* — афсун ўқиб туриб беморнинг қўл-оёқларини, буйин-елкаларини, бел-бўксаларини уриб-уқалаш, баданини селпиб-уриш, қулоқларини чўзиш йўли билан даволаш усули; массажнинг халқ орасидаги усули; шунда — беморнинг «юки» **қоқимчи** (қ.)га ўтиб, касал одам энгил тортар эмиш; назир (пул) олмаса қоқимчи юкни кўтара олмай касал бўлиб қолар эмиш.

Қоқимчи — *халқ табобатида* — беморни **қоқим** (қ.) қилиб — қоқиб қўйиб даволовчи табиб.

Рус. Знахарь.

Қоқиндиқ — 1. *Халқ табобатида* — беморни даволаш жараёнида **қоқимчи** (қ.)нинг бемор баданига уриб, бошидан айланттириб садақа — назир қиладиган ёки қоқимчи олиб кетадиган нарса, буюм, садақа.

2. *Аёллар нутқида* ишлатиладиган «жоним тасаддуқ» маъносидаги сўз.

Қоқшол таёқчаси — Clostridium tetani — Bacillaceae оиласига мансуб Clostridium уруғига оид бактерия; сиртида хивичлари бор ингичка ҳаракатчан граммусбат таёқча; ногора таёқчасига ўхшаш **спора** (қ. II ж.) ҳосил қилади; анаэроб; экзотоксин ишлаб чиқаради; одам ва ҳайвонларда хавфли қоқшол касалигини келтириб чиқаради.

Рус. Столбнячная палочка.

Қудуқ — вертикал шахта ёки бурғиланган доира ўра кўринишида қурилган гидротехник иншоат; асосан, ер ости сизоқ сувларини тўплаб олиш, баъзан эса ер юзасидаги сувларни пастга дренажлаб йўқотишга мўлжалланган бўлади; унинг 4–5 хили бор.

Рус. Колодец.

Абиссинск қ-ғи — сизоқ сувлар силжиб юрадиган сув горизонти сатҳигача ерга — тупроққа кириб борган найсимон (қувурсимон) қудуқ.

Рус. Абиссинский к.

Артезиан қ-ғи — қ. **Бурғиланган артезиан қ-ғи** (III ж.).

Инфилтрацион қ. — очиқ сув ҳавзасидан бир неча метр наридан қазилган шахта қудуқ; ҳавзадаги сувнинг сизиб — филтрланиб тозаланиши назарда тутилган қудуқ.

Рус. Инфилтрационный к.

Найсимон қ. — насос ўрнатилган вертикал — тик қувурга ўхшаш қудуқ; ер ости сув манбаларидан сув чиқариб олишга мўлжалланган.

Рус. Трубчатый к.

Ютувчи қ. — 1. Тупроқни қуритиш учун сувни йиғиш ва тупроққа сингдириб ёки дренажлаб юборишга мўлжаллаб қурилган қудуқ.

2. Оқава сувларни йиғиш ва тупроққа сингдириб юборишга мўлжалланган қудуқ; бу — санитарияга хилоф қудуқ бўлганлиги боис Ўзбекистонда ман этилган.

Рус. Поглощающий к.

Қуён кўз — кўз қовоқлари тўла беркилмайдиган кўз; кўз шох пардаси ва шиллиқ пардалари қуруқшаб яллиғланиши ва дистрофияга учраши кузатилади.

Ас. т. Лагофталъм.

Рус. Заячий глаз; Ас. т. Лагофталъм.

Қуён чайнаш — овқат ва озуқа мағсулотларини апил-тапил узиб, оғизга шошиб солиб, тез-тез, майда-майда чайнаб ютиш ва шу заҳотиёқ кейинги луқмани пайдам бўлиш; бундайлар то тўйиб олмагунларича, ошқозон оғриётганини пайқамгунларича, гапириб турсалар-да, чайнашдан

толмайдилар; дам у, дам бу ноз-неъматга «сакрайдилар»; улар текини келганда тўлишиб, текини кетганда озиб қоладилар.

Куёш — галактикамиздаги ўз атрофида айланиб юрувчи барча планетарларга, шу жумладан, Ой билан Ерга нур сочувчи, уларни иссиқлик энергияси билан таъминлаб турувчи муттасил ёниб турувчи газ ҳолидаги шар.

Тиббиётда куёшнинг аҳамияти ҳақида кўп гаплар айтилган; **куёш** термини билан ясалган қатор бирикмалар — касаллик номлари мавжуд: куёш ваннаси, куёш кўзойнаги, куёшдан қуйиш ва б. лар.

Рус. Солнце.

Ғ

Ғадир-будирлик — суяклар юзасидаги ғудда-ғудда бўлиб кўтарилиб турган нотекис жойлар; одатда, мушаклар, бойламлар ва пайлар шу ерга келиб бирикади.

Рус. Бугристость.

Ғалвирсимон суяк катакчалари — ғалвирсимон суякнинг ҳаво тутувчи катакчалари; юқори ва ўрта бурун йўлларига очилади.

Рус. Решётчатые ячейки.

Ғалвирсимон суяк эгати — бурун суягининг ички юзасидаги чизиқсимон ботиқлик; олд ғалвирсимон суяк нерви шу жойдан ўтади.

Рус. Решётчатая борозда.

Ғалвирсимон ўсиқ — пастки бурун чиганоғининг юқори чеккасидаги ортки дўнглик; ғалвирсимон суякнинг илмоқсимон ўсимтаси билан тутшиб туради.

Рус. Решётчатый отросток.

Ғалтак — 1. *Мушакда* — кўз соққасининг юқори қийшиқ мушаги пайи ўтадиган, ғалтак чуқурлигига бириккан толасимон-тоғай ҳалқа — **кўз соққаси юқори қийшиқ мушаги**.

2. *Суякда* — а) кўндаланг болиш кўринишидаги елка суяги дистал эпифизининг медиал қисми; болишнинг ўртаси ўйиқ бўлиб усти бўғим тоғайи билан қопланиб туради; у — тирсак бўғимида тирсак суяги билан бирикиб **елка суяги ғалтагини** ҳосил қилади; б) ошиқ суяги танасининг устки ботиқ юзаси; буни бўғим тоғайи қоплаб туради; у — болдир-товон бўғимида болдир суяклари билан бирикиб **ошиқ суяги ғалтагини** ҳосил қилади.

Рус. Блок.

«Ғам-алам мияда кечади, аммо жигарни тишлайди» — бошга тушган мусибатлар (стресслар) ўз изтироблари билан мияни кеча-кундуз чулғаб одамни ғамнок аҳволга солиб қўяр

экан, у бора-бора жигарни (юракни ҳам, албатта) ҳолдан тойдиради ва оқибат натижада у бирор огир дардга тортилади; бунга, айниқса, кексалар дош бера олмайдилар ва охири узиладилар; яна қ. «Вой жигарим».

Рус. «Горе течет в голове, а кусает печень».

Ғамгин ҳолат — қ. Ғамнок эс-хуш хиралашуви.

Ғамнок эс-хуш хиралашуви (син. ғамгин ҳолат) — эс-хушнинг тўсатдан хиралашуви ва яна кутилмаганда тўсатдан йўқолиши ва сўнг амнезия юзага келиши ва бунда бемор образли алаҳлашлар, галлюцинациялар ва шиддатли кўрқув, нафрат аффектлари — ҳис-ҳаяжонлари билан тўлиб-тошган бир-бири билан боғлиқ хатти-ҳаракатлар қилиши кузатиладиган эс-хуш хиралашуви; унинг уч хили маълум.

Рус. Помрачение сознания сумеречное; сумеречное состояние.

Ғар — сексологияда — бузуқ, суюқ оёқ, фохиша.

Рус. Развратница.

Ғарқ-ғарқ терлаш — сув бўлиб терлаш, терга ботиш, тер куйиш.

Рус. Обильно потеть.

Ғарғара — тиббиётда — 1. Дори эритма (дамлама, қайнатма ва б. лар)ни оғизга олиб бошни орқага ташлаган ҳолда суюқликни нафас ёрдамида тамоқда тутиб чайиш муолажаси.

2. Шу жараёнда чиқадиган товуш.

Рус. Полоскание горло.

Ғассол — қ. Ювғучи.

Ғаплик — киши кайфиятидаги безовталиқ, таъби хиралик, қоронғилиқ.

Рус. Стеснённость.

Ғорсимон чигал — қаттиқ мия пардасининг ғорсимон синусида жойлашган ички уйғу артерияси чигалининг бир қисми.

Рус. Пещёрное сплетение.

Ғоя — 1. Дунёқарашнинг сиёсий, ижтимоий принциплари, уларнинг муҳим жиҳатлари, эътиқодлар, ёндошувлар мажмуи; идея.

2. Бирор салмоқли иш қилиш, бошлаш, кашфиётчилик ҳақидаги фикр, ўй, ният, мақсад мажмуи; идея.

3. *Тиббиётда* — руҳан касал фикрлар, носоғлом ўй-хаёллар, тасаввурлар ва б. лар мажмуи, мас., **айбдорлик ғоялари**, **буюклик ғоялари**, **васвасали ғоялар** (қ.) ва б. лар шулар жумласидандир.

Рус. Идея.

Ҳ

Ҳаво алмашиниш — 1. Ёпиқ бинодаги ҳавонинг чиқиб кетиши ва ўрнига ташқаридан тоза ҳавонинг кириши.

2. Ёпиқ бинонинг вентилиацион системаси сифатининг гигиеник кўрсаткичи; у — бинога узатилаётган ёки бинодан чиқаётган ҳаво ҳажмининг вақт бирлигида (1 соатдаги метр) кубларда ифодаланади.

Рус. Воздухообмен.

«Ҳавога чанқаш» — ўпкада ҳатто ҳаво кучли вентилиация бўлаётган ва кислород билан нафас олинаётган бўлса ҳам ҳаво етишмаётганини муттасил ҳис этиш; юрак ва ўпканинг оғир касалликларида кузатилади; қон ва тўқималарда карбонат ангидрид кўпайиб кетиши (гиперкапния) ва унинг нафас марказини кўзғатиши оқибатида юзага келади.

Рус. «Жажда воздуха».

Ҳаво муҳити — одам яшайдиган муҳитнинг таркибий қисми; у — атроф ҳавосининг бир қисми бўлиб, ўзининг таркиби ва хоссалари билан муттасил физиологик жараёнларга бевосита таъсир кўрсатиб туради ва шу сабабли ҳам гигиеник жиҳатдан нормалашга муҳтож бўлади.

Рус. Воздушная среда.

Ҳаво намлиги — ҳаво таркибидаги сув буғи миқдори; одамдаги иссиқлик алмашинувига бошқа омиллар билан бирга таъсир этувчи метеорологик омиллардан бири.

Рус. Влажность воздуха.

Ҳаво товуш ўтказувчанлиги (син. ҳаво ўтказувчанлиги) — қулоқнинг товуш ўтказувчи аппарати орқали ҳавонинг товуш тебранишларини спирал (Кортиев) аъзо рецепторларигача ўтказиб бериш даражаси.

Рус. Звукопроводимость воздушная; син. воздушная проводимость.

Ҳаво ўтказувчанлиги — қ. **Ҳаво товуш ўтказувчанлиги**.

Ҳад — норма, меъёр саналган патологик ёки нормал реакциялар, ҳолатлар, жараёнлар ва б. ларнинг энг охирги, сўнгги чегараси; мас., физиологик реакциялар ҳадди, аъзолар нормал ҳолати ҳадди ва б. лар шулар жумласидандир; киёсланг: **Бўсага** (қ.).

Рус. Предел.

Ҳаёт ёши — инсон дунёга келиши сониясидаёқ тирик организмнинг кўздан чиқарадиган дастлабки унли фаолият маҳсули.

Бу — яқин кишилар учун қанчалик қувончли бўлса, **Ўлим ёши** (қ.) шунчалик аламли бўлади.

Рус. Слёзы жизни.

Ҳазм — изоҳи I ж. да — қ.

Овқат ҳазми ўрнига кўра саккиз хил бўлади.

Рус. Пищеварение.

Бўшлиқдаги ҳ. — овқат ҳазм қилувчи ширалар ферментлари таъсирида бўладиган овқат ҳазми.

Рус. Полостное п.

Дуоденал ҳ. (син. ўн икки бармоқ ичакдаги ҳ.) — меъда ости беши шираси, ўт ва ўн икки бармоқ ичак шираси таъсирида ўн икки бармоқ ичак ичида бўладиган овқат ҳазми.

Рус. Дуоденальное п.

Ичаклар деворидаги ҳ. — ичаклар шиллиқ пардасидаги микроворсинкаларга адсорбцияланган — шимилган овқат ҳазм қилувчи ферментлар таъсирида бўладиган овқат ҳазми.

Рус. Пристеночное п.

Ичакдаги ҳ. — ичаклар безлари шираси ҳамда ичак микрофлоралари таъсирида ингичка ва йўғон ичаклар ичида бўладиган овқат ҳазми.

Рус. Кишечное п.

Меъдадаги ҳ. — меъда безлари шираси таъсирида меъда ичида бўладиган овқат ҳазми.

Рус. Желудочное п.

Ташқи ҳ. — организм овқат ҳазм қилиш ширасини ташқарига чиқарадиган атроф-муҳитдаги ҳазм; ҳужайрадан ташқаридаги ҳ. нинг бир тури; айрим ҳашаротлар, ўргимчаклар ва шунингдек бир қатор микроорганизмларда кузатилади.

Рус. Внешнее п.

Ўн икки бармоқ ичакдаги ҳ. — қ. **Дуоденал ҳ.**

Ҳужайра ташқарисидagi ҳ. — овқатнинг ҳужайрадан ташқарида ҳазм бўлиши; одамда — овқат ҳазм қилиш йўли ичида рўй берадиган ҳазм.

Рус. Внеклеточное п.

Ҳужайра ичидаги ҳ. — ҳужайра ичида кечадиган овқат ҳазми; бир ҳужайрали ва айрим тубан даражада тузилган кўп ҳужайрали организмларда кузатилади.

Рус. Внутриклеточное п.

Ҳайиқиш — *психологияда* — кўрқув билан кўрқмаслик ўртасида турувчи фақат инсонгагина хос бўлган масъулият, бурч туйғуси; Ҳ. уят, андиша, ор-номус билан суғорилган бўлади; кўрқувда дахшат кўланка солиб турса, ҳайиқишда

бурч ёғду сочиб туради; одам бегоналик бўлганда кўрқади, яқинлик бўлганда ҳайиқади; бегоналик билан яқинлик бошқа-бошқа туйғулар бўлганидек, кўрқиш билан ҳайиқиш ҳам бошқа-бошқа туйғулардир.

Ҳалқа мўйлар (син. ҳалқасимон оқариш) — бошдаги нормал рангдор — пигментланган сочларнинг ора-сира ҳалқа-ҳалқа (танга-танга) бўлиб оқарган жойлари; ирсий ривожланиш нуқсони.

Рус. Кольчатые волосы; син. кольцевидные поседение.

Ҳалқасимон оқариш — қ. **Ҳалқа мўйлар**.

Ҳалқасимон сийдик най — ўрта бўлимида ҳалқасимон ўрами бўлган сийдик най; туғма ривожланиш нуқсони.

Рус. Кольцевидный мочеточник.

Ҳалқасимон тоғай — қ. **Узуксимон тоғай**.

Ҳалқасимон ҳошияли темиратки (син. Видал ҳалқасимон ҳошияли темираткиси, пушти гигант темиратки) — узоқ кечадиган пушти темираткининг бир тури; гир атрофи ҳалқадек қитиқланиб турадиган қизил ёки пушти рангли бир (ёки икки) ерда пайдо бўладиган темиратки.

Рус. Кольцевидный лишай окаймлённый; син.: кольцевидный лишай окаймлённый Видаля, розовый лишай гигантский.

Ҳалқум бўшлиғи — *анатомияда* — оғиз ва бурун бўшлиқларини қизилўнгач билан ҳиқилдоқни туташтириб турувчи ҳалқумнинг ички бўшлиғи.

Рус. Полость глотки.

Ҳалқум орти бўшлиғи (син. ретрофарингеал бўшлиқ) — ҳалқумнинг ортки деворини қоплаб турувчи бўйин-ҳалқум фасцияси билан бўйиннинг умуртқа олди фасцияси ораллигидаги бўшлиқ; юқоридан — калла асоси билан, пастдан — VI бўйин умуртқаси рўпараси билан чегараланиб ретровисцерал бўшлиққа ўгиб кетади; шалвир бириктирувчи тўқима билан тўлиб туради.

Рус. Заглочное пространство; син. ретрофарингиальное пространство.

Ҳалқум ҳиқилдоқ қисми (син.: гипофаринкс, ҳиқилдоқ-ҳалқум) — ҳиқилдоқ қопқоғининг юқори чеккаси сатҳидан то қизилўнгач бошланиш еригача бўлган ҳалқум қуйи қисми; унинг олд деворида ҳиқилдоқ оғзи жойлашган.

Рус. Гортанная часть глотки; син.: гипофаринкс, гортаноглотка.

Ҳамдардлик — *психиатрияда* — беморнинг руҳий дардини врач томонидан бевосита англаш ва образли тарзда тасаввур этишга асосланган психопатологик текшириш методи.

Рус. Вчувствование.

Ҳамширалар кенгаши — ўрта тиббиёт ходимлари ишини ташкил қилиш, улар малакасини ошириш, тиббий ёрдам кўрсатиш ва беморларни парвариш қилиш, ўрта тиббиёт ходимлари ишини жамоатчилик асосида назорат қилиб бориш масалалари билан шуғулланувчи жамоатчилик асосида фаолият кўрсатадиган поликлиника ва касалхоналарда бош врач ҳузурида тузилган маслаҳат кенгаши.

Рус. Совет медицинских сестёр.

Ҳансен таёқчаси — қ. **Мохов таёқчаси**.

Ҳаракат (-лар) — *физиологияда* — бутун организмнинг яхлит ҳолда ёки айрим аъзоларнинг алоҳида ҳолда жисмонан ҳаракатланишидан юзага келадиган жараён.

Рус. Движение (-я).

Автоматлашган ҳ-лар — узоқ вақт бир хил машқ қилиш орқасида кучи, амплитудаси ва тезлиги бирдай давом этадиган беихтиёр кўникма мақсад сари йўналтирилган ҳаракатлар мажмуи.

Рус. Автоматизированные д.

Актив ҳ-лар — мушакларнинг узоқ давом этадиган ҳаракатлари мажмуи; акси *Пассив ҳ-лар*.

Рус. Активные д.

Ихтиёрий ҳ. (син. онгли ҳ.) — онгли равишда қилинадиган мақсадли ҳаракат.

Рус. Произвольное д.; син. сознательное д.

Кўз ҳ-лари — иккала кўзнинг ҳар томонга — горизонтал, вертикал ва диагонал йўналиш бўйича қиладиган ҳаракатлари мажмуи.

Рус. Д. глаз.

Маятниксимон ичак ҳ-лари — ичакларнинг бўйламасига жойлашган мушак қаватининг қисқариши ва бўшашиши орқасида уларнинг муайян қисмида навбати билан бир маромда қисқариши ва узайишидан юзага келадиган ҳаракатлар мажмуи.

Рус. Маятникообразные д. кишечника.

Нафас ҳ-лари — ўпка ҳажмини ўзгартириб — кичрайтириб-катталаштириб турадиган кўкрак қафаси ҳаракатлари мажмуи.

Рус. Дыхательные д.

Онгли ҳ. — қ. *Ихтиёрий ҳ.*

Пассив ҳ-лар — ташқи куч таъсирида гавда ёки унинг

бир қисмининг қиладиган ҳаракатлари мажмуи; акси Актив ҳ-лар.

Рус. Пассивные д.

Ҳаракат неготивизми — қ. Ушлашга қарши чиқиши.

Ҳаракатчан кўричак — узайган ёки умумий дорсал тутқич борлиги туфайли патологик ҳаракатланиб турадиган кўричак; туғма нуқсон.

Рус. Слепая кишка подвижная.

Ҳарбий-тиббиёт маъмурияти — тинчлик даврида Куролли Кучларнинг тиббий таъминотини ташкил қилиш масалаларини ўрганувчи ҳарбий тиббиётнинг бир бўлими.

Рус. Военно-медицинская администрация.

Ҳарорат бошқарилиши — гавда ҳароратини оптимал даражада таъминлаб турувчи физиологик жараёнлар мажмуи.

Рус. Терморегуляция.

Томирли ҳ. б. — қон томирларнинг торайиши ёки кенгайиши ҳисобига ҳарорат бошқарилиши.

Рус. Сосудистая т.

Физикавий ҳ. б. — организмнинг иссиқлик ажратиши ўзгариб туриши ҳисобига ҳарорат бошқарилиши.

Рус. Физическая т.

Кимёвий ҳ. б. — организм тўқималарида иссиқлик ҳосил бўлиши ўзгариб туриши ҳисобига ҳарорат бошқарилиши.

Рус. Химическая т.

Ҳид билиш йўллари — *неврологияда* — бурун бўшлиғи шиллиқ пардаси **рецептор** (қ. II ж.)ларидан олинган импульсларни миёдаги пўстлоқ ости ва пўстлоқ ҳид билиш марказларига ўтказадиган нерв ҳужайралари ва толалари мажмуи.

Рус. Обонятельные пути.

Ҳид билиш майдони — қ. Олд илматешик модда.

Ҳид билиш мияси — ўз таркибига ҳид билиш бўлагини, шунингдек, камар эгрилигини, парагиппокампал ҳамда тишли эгрилик (извилина)ни қамраб олувчи охириги миёнинг бир қисми.

Рус. Обонятельный мозг.

Ҳид билиш мияси илматешик қайрилмаси — қ. Олд илматешик модда.

Ҳижжаланган нутқ — бемор гапларини секин, сўзларга бўлиб, бўғимларга ажратиб ўзича дона-дона қилиб сўзлаш; нутқ бузилиши сифатида қаралади; мияча дардга чалинганида кузатиладиган ҳол; **ёйиқ склероз** (қ.)га хос симптом.

Рус. Сканированная речь.

Ҳимоя воситалар — атроф-муҳит ва жанговар қурол воситаларининг хавфли ва зарарли омиллари таъсирини

бартараф этиш, камайтириш ёки унинг олдини олишга мосланган ёхуд мўлжалланган воситалар; саноат ашёлари, иншоатлар ва б. лар шундай воситалар туркумига киради; у — *Бир кишилик ҳимоя воситалар* (син. индивидуал ҳимоя воситалар) ва *Жамоа ҳимоя воситалари* (син. коллектив ҳимоя воситалари) га тавофут қилинади.

Рус. Средства защиты.

Ҳимоя кийим — одам терисига ёки тери орқали бутун организмга зарарли касб-кор чиқиндилари ёки турли хил қурол-яроғларнинг зиён-заҳмат етказувчи омиллари таъсиридан ҳимоя қилувчи ёки уларнинг таъсир кучини сусайтирувчи кийим-бош; махсус бичимли, махсус материалдан тикиб тайёрланади.

Рус. Защитная одежда.

Ҳимоя пойафзал — одам оёғига зарарли касб-кор чиқиндилари ёки турли хил қурол-яроғларнинг зиён-заҳмат етказувчи омиллари таъсиридан ҳимоя қилувчи ёки уларнинг таъсир кучини сусайтирувчи пойафзал; махсус бичимли, махсус материалдан тикиб тайёрланади.

Рус. Защитная обувь.

Ҳиппократ бармоқлари — қ. **Ноғора (чўп) бармоқлар**.

Ҳирс — *сексологияда* — жинсий майл ва эҳтирос авжга минган шаҳвоний туйғу; у муродга етиб қондирилгач сув сепилган чўғдай сўнади, аммо нигоҳ нурафшон тортади; яна қ. **Шаҳвоний ҳирс** (I ж.).

Рус. Страсть.

Ҳис-туйғули одам — *халқ орасида* — эмоционал туйғулари тўғма расо бўлган ва ҳаётда янада ривож топган, ички ҳислари, қалб оташлари, вужуд эҳтирослари доимо тўлиб ва тошиб турадиган одам.

Бундайлар завқланишга, роҳат қилишга, аччиғланиш ва ғазабланишга, ғам-андухга ўта мойил, ўта нозик бўладилар; улар, ҳатто, бошқалар илғамайдиган табиат гўзаллигидан, одамлар мулоқатидаги тароватдан, инсонлар чиройидан қониб, мириқиб, завқланиб яшайдилар; уларга бу ёруғ дунё баъзан бағоят гўзал, жозибали, қизғин туюлиб кетса, баъзан, аламли, ғазабкор, қаҳрли туюлиб кетади; илмий тилда айтадиган бўлсак, бундай табиатли кишилар **аффектив тонуси** (қ.) ўта кучли одамлар тоифасига киради.

Рус. Эмоциональный человек.

Ҳиқилдоқ бўртиғи (син.: кекирдак олмаси, хиқилдоқ олмаси) — бўйин олд юзасида дўмбоқ ҳосил қилувчи қалқонсимон тоғайнинг олдинга бўртиб чиққан

юқори қисми; эркакларда аёллардагига нисбатан анча сезилиб туради; ориқ, бўйни ингичкароқ кишиларда рўй-рост бўртиб-ирғиб туради.

Рус. Выступ гортани; син.: кадык, яблоко адамово.

Ҳиқилдоқ овоз бойлами ости кенглиги — қ. Овоз бойлами ости бўшлиғи.

Ҳиқилдоқ олмаси — қ. Ҳиқилдоқ бўртиғи.

Ҳиқилдоқ сиртмоғи — *тиббий техникада* — ҳиқилдоқ полип (қ. II ж.)ларини сим сиртмоққа солиб кесиб ингичка эгри найга тортиб чиқаришга мўлжалланган асбоб.

Рус. Гортанная петля.

Ҳиқилдоқ-ҳалқум — қ. Ҳалқум ҳиқилдоқ қисми.

Ҳозирлик эркалашлари — қ. Уйғотиш эркалашлари.

Ҳолдан тойиш — узоқ вақт дамба-дам чарчаб, толиқиб юриш ёки унинг узлуксиз даврлар мобайнида тинимсиз меҳнат қилиш туфайли зўрайиб бориши оқибатида функционал бузилишлар билан юзага келадиган организмнинг бемажол ҳолати.

Рус. Переутомление.

Ҳомила — тарифи I ж. да — қ.

Рус. Плод.

Гигант ҳ. — вазни 5 кг дан ортиқ бўлган ҳомила.

Рус. Гигантский п.

Йирик ҳ. — вазни 4 кг дан 5 кг гача бўлган ҳомила.

Рус. Крупный п.

Ой-кунига тўлмай туғилган ҳ. — 28–38 ҳафталик ҳомиладорлик муддатида туғилган, вазни камида 2,5 кг, бўйи кам деганла 45 см бўлган ҳомила.

Рус. Недоношенный п.

Ой-куну ўтган ҳ. — ҳомиладорлик муддати 42 ҳафталикдан ортиқ бўлган, ҳомиладорликнинг клиник ҳамда рентгенологик белгилари туғилиш муддати ўтиб кетганлигини кўрсатиб турган ҳомила.

Рус. Переношенный п.

Яшаб кета оладиган ҳ. — таърифиди I ж. да — қ.

Яшаб кета олмайдиган ҳ. — таърифиди I ж. да — қ.

Ҳомила ичида ҳ. — ҳомила-аутозит танаси ичидаги ҳомила.

Рус. Включённый п.

Ҳомила боши йириб чиқиши — ҳомила бошининг жинсий ёриқдан кучаниқ пайтида кўриниб қолиши; туғруқда ҳайдалиш даврининг бир қисми.

Рус. Врезывание головки плода.

Ҳомиладорлик аденоцитлари — қ. *Ҳомиладорлик ҳужайралари*.

Ҳомиладорлар истисқоси — ҳомиладорлар кечки токсикозининг бошланғич хили; бу — буйрақлар функцияси бузилмай туриб организмда суюқлик тугилиб қолиши ва бадан шишуви юзага келиши билан таърифланади.

Рус. Водянка беременных.

Ҳомиладорлик — изоҳи I ж. да — қ.; у — муддати, кечиши ва б. жиҳатларига кўра бир неча хил бўлади.

Рус. Беременность.

Асоратли ҳ. — изоҳи I ж. да — қ.

Рус. Осложнённая б.

Кўп ҳ. — изоҳи I ж. да — қ.

Рус. Многоплодная б.; син. многоплодие.

Нормал ҳ. (син. физиологик ҳ.) — ўз меъёрида асоратларсиз кечаётган, соғлом бола туғилиши билан тугайдиган ҳомиладорлик.

Рус. Нормальная б.; син. физиологическая б.

Ой-қунига етган ҳ. — охири ҳайзнинг биринчи кунидан бошлаб ҳисоблаганда ўртача 40 ҳафта давом этган ҳомиладорлик; бу — ой-қунига етган ҳомиланнинг ҳар томонлама етук ривожланиб улгуришига зарур бўлган вақт.

Рус. Доношенная б.

Физиологик ҳ. — қ. *Нормал ҳ.*

Чала ҳ. — яшаб кета оладиган чала ҳомила туғилиши билан тўхтайдиган 28—38 ҳафталик ҳомиладорлик.

Рус. Недоношенная б.

Эгиз ҳ. — бачадон бўшлиғида бир вақтда иккита уруғланган тухум ҳужайрадан ривожланиб келаётган ҳомидаларнинг бўлиши.

Рус. Двуплодная б.

Ҳомиладорлик ой-қунига етмаслиги — ҳомиладорликнинг табиий муддатидан илгари ўз-ўзидан иккиламчи узилиши.

Рус. Невынашивание беременности; син. недонашивание беременности.

Ҳомила етуқлиги — ҳомила аъзолари ва системаларининг она қорнида бундан кейин ҳам яшаб кета олишини таъминлай олиш лаёқати; ташқаридан олинган белги-аломатлар мажмуига қараб аниқланади; бундан ҳомила гавдасининг мутаносиблиги, тери ости ёғ клетчаткаси — тўр тўқимасининг етуқлиги, қалла суяқлари ҳолати, мойқларнинг ёрғоққа тушганлиги ёки кичик уятлиқ лабларнинг катта уятлиқ лаблар билан бирикканлиги ва б. лар маълум беради.

Рус. Зрелость плода.

Ҳомила ёши — эмбрион ёки ҳомиланинг овуляция пайтидан бошлаб мавжудлик муддати; сутка, ҳафта ёки ойлар билан ҳисобланади.

Рус. Возраст плода.

Ҳомила оҳакланиши (син.: ҳомила петрификация-ланиши, ҳомила қотиши) — ҳомилани бачадон ичида нобут бўлгандан кейин тузлар, асосан, кальций тузлари босиб кетиши.

Рус. Обызвествление плода; син.: окостенение плода — *тав. Этилмайди*, петрификация плода.

Ҳомила петрификацияланиши — қ. **Ҳомила оҳакланиши**.

Ҳомила қотиши — *тав. Этилмайди* — қ. **Ҳомила оҳакланиши**.

Ҳордиқ чиқариш — қ. **Дам олиш**.

Хужайра (-лар) — изоҳи I ж. да — қ. Унинг 200 дан ортиқ хили маълум бўлиб, уларнинг айримлари бошқа номлар билан аталади. Қуйида бирикма терминлар билан ифодаланган хужайраларнинг айримларини келтириб ўтамыз. Лугатимизнинг I жилди ҳажми буни сигдира олмаган эди.

Рус. Клетка (-и).

Антитанача ишлаб чиқарувчи ҳ. — қ. **Плазматик ҳ.**

Антитанача ҳосил қилувчи ҳ. — қ. **Плазматик ҳ.**

Ацидофил ҳ. (син. оксифил ҳ., эозинофил ҳ.) — цитоплазмасида нордон бўёқларга бўяладиган гранулалар — доналар бўладиган хужайра.

Рус. Ацидофильная к.; син.: оксифильная к., эозинофильная к.

Ацинар ҳ.-лар — ациноз безларнинг охирги бўлимлари хужайралари; секрет ишлаб чиқаради.

Рус. Ацинарные к.

Базофил ҳ. — 1. Цитоплазмасида асосий бўёқларга бўялувчи гранулалар — доналар бўладиган хужайра.

2. Цитоплазмасида кўп миқдорда рибонуклеопротеидлар тугувчи хужайра.

Рус. Базофильная к.

Ганглиоз ҳ.-лар (син. ганглионар ҳ.-лар) — айрим йирик нейронлар — нерв хужайраларининг умумий номи; мас., катта мия палласи пўстлоғининг гигант-пирамидал нейрони, кўз тўр пардасининг кўрув-ганглиоз нейрони, мияча пўстлоғининг ноксимон нейрони ва б. лар шулар жумласидандир.

Рус. Ганглиозные к.

Ганглионар ҳ.-лар. — қ. *Ганглиоз ҳ.-лар.*

Гигант ҳ. — кўп ядроли ёки битта йирик ядроли йирик хужайра; бу хилдаги ҳ. баъзи патологик жараёнларда, аксарият, яллиғланиш ҳолатларида аъзо ва тўқималарда пайдо бўлади; келиб чиқиш ўрни, патологик жараён, ядросининг сони, табиати ва б. жиҳатларига кўра Г. ҳ. нинг ўнга яқин хили тавофут қилинади.

Рус. Гигантская к.

Гранулёз ҳ. — униб-ўсиб келаётган фолликуланинг дона қавати таркибига кирадиган тухумдон фолликулоцити.

Рус. Гранулёзная к.

Децидуал ҳ. — ҳомиладорлик даврида **эндометрий** (қ. II ж.) метаморфозаси натижасида ҳосил бўладиган цитоплазмаси рангдор йирик хужайра.

Рус. Децидуальная к.

Ёруғлик сезувчи ҳ.-лар — қ. *Фотосенсор ҳ.-лар.*

Жинсий ҳ. — янги организм яратишга ихтисослашган хужайра; у — бутун ирсий ахборотларни (хислатларни) ўзида мужассам этган хужайрадир.

Рус. Половая к.

Мезенхима ҳ.-си (син. мезенхимоцит) — **мезенхима** (қ. II ж.)ни ҳосил қиладиган ҳ. ларнинг умумий номи; дук (урчук)симон ёки юлдузсимон шаклда бўлади.

Рус. Мезенхимная к.

Нейросенсор ҳид билиш ҳ.-си — қ. *Ҳид билиш ҳ.-си.*

Оксирил ҳ. — қ. *Ацидофил ҳ.*

Пай ҳ.-си — пай таркибидаги фиброцит; у — бирламчи пай толалари оралигида қат-қат бўлиб жойлашган бўлади.

Рус. Сухожильная к.

Пигмент ҳ.-си — цитоплазмасида пигмент киритмасини тутувчи хужайра.

Рус. Пигментная к.

Плазматик ҳ. (син.: антитанача ишлаб чиқарувчи ҳ.; антитанача ҳосил қилувчи ҳ., плазмоцит) — иммуноглобулинлар ишлаб чиқарувчи лимфоид тўқима хужайраси; цитоплазмасида кўп миқдорда полирибосом тутади; ичи янгигина ҳосил бўлган иммуноглобулинлар билан тўлган эндоплазматик цистерналар тўрига эга.

Рус. Плазматическая к.; син.: антителообразующая к., антителопродуцирующая к., плазмоцит.

Рецептор ҳ.-лар — махсуслашган таъсирловчилар таъсирини идрок этувчи хужайралар; буларга: кўз тўр пардасининг

фотосенсор ҳ.-лари, спиралъзонинг мўйли ҳ.-ларини кири-тиш мумкин.

Рус. Рецепторные к.

- Сурма** — настойка
 — ангишвонагул сўрмаси;
 — равоч сўрмаси;
 — қалампир сўрмаси.
- Сўрғич I** (син. сўрғичча) — сосок; сосочек — *papilla*.
 — кўкрак сўрғичи;
 — дерма сўрғичлари;
 — соч сўрғичи;
 — тил сўрғичлари;
 — тиш сўрғичи.
- Сўрғич II** (син. эмизик I) — соска
 — резина сўрғич.
- Сўзак I** — гонорея (син. триппер)

– сўзак касаллигига мутбало бўлиш.

Сўхта I – сухотка

– орқа мия сўхтаси.

Сўхта II (халқ табобатида) – пережённая вата

– жароҳатга сўхта қўйиш.

Сўқир (ас. т. Кўр) – слепой

– сўқир киши.

Сўқирлик (ас. т. Кўрлик)

– сўқирлик дарди.

Т

Тадқиқ қилиш – исследование

– илмий тадқиқ қилиш.

Таёқча (-лар) I (микроорганизм) – палочка (-и) I

– сил таёқчаси.

Таёқча (-лар) II (ик. номи Таёқча дори) – палочка (-и)

– йўғонлиги 2–5 мм, бир томони учли дори шакли таёқча дориларга киради.

Тайинлаш; буюриш – назначение

– парҳез тайинлаш;

– пенциллин буюриш.

Талвасаларсиз эклампсия – эклампсия без судорог.

Тана I (қўл-оёқсиз, бўйин-бошсиз гавда қисми) – туловище – corpus

– одам танаси;

– ҳайвон танаси.

Тана II (нарса, предмет, аъзо қисми) – тело II – corpus

– сариқ тана;

– тиллиқ танаси;

– тил танаси;

– олат танаси.

Танача (кичрайтирилган нарса, предмет) – тельце – corpusculum

– буйрак таначаси.

Таначалар (қўпликда) – тельце – corpora

– айрисимон без таначалари;

– киритма таначалари (ас. т. Вирус киритма).

Танга – чешуя; монета – squama; pinnulage

– пешона (чакка, энса) суяги тангаси;

– тангасимон гуш.

Тангача – чешуйка I – squama

– тангача элементлар;

– эпидермис шох тангачалари.

Тангачасимон – чешуйчатый – squamosus

– тангачасимон темиратки.

Танглай ёриғи (син. танглай ёриғи) – расщелина нёба.

Тароқсимон – гребешковый, гребенчатый

– тароқсимон мушак;

– тароқсимон мушаклар.

Тарқоқ мастит – разлитой мастит

– ўнг кўкрак тарқоқ мастити.

Тарқоқ склероз – рассеянный склероз

– мия томирлари тарқоқ склерози.

Тарқоқ фикрлар – убегающие мысли

– тарқоқ фикрлар чулғови.

Тарғил – пёстрый

– тарғил ўпка;

– тарғил қатор.

Таъсирловчи; кўзгатувчи – раздражитель

– таъсирловчи омил.

Тахир дори; аччиқ дори – горькое лекарство.

Тахтакач; шина – шина

– қўлга тахтакач қўйиш;

Тахтакачлаш – шинирование

– оёқни тахтакачлаш.

Таъсир этиш; таъсир кўрсатиш – воздействие

– рухий таъсир этиш.

Таъқиб қилиш – расследование

– беморни таъқиб қилиш (*психиатрияда*).

Тақим – впадина подколенная; место сгиба ноги у колена

– тақим чуқурчаси;

– тақимга олиш.

Тақим чизиги – подколенная линия.

Таҳликали – критический

– таҳликали омиллар.

Тебраниш; тебранма; милтираш – мерцание – fibrillatio

– тебранма юрак аритмияси.

Тез кунда қилинадиган операция – срочная операция.

Тез тиббий ёрдам – скорая медицинская помощь

– тез тиббий ёрдам касалхонаси.

Текшириш I – обследование

– беморни текшириш.

Текшириш II – исследование II

– текшириш олиб бориш.

Терапия I (ас. т. **Ички касалликлар**) (*тиббийёт соҳаси* – *фан*) – терапия I (ас. т. **Внуренние болезни**)

– ички касалликлар.

Терапия II (ас. т. **Ички касалликлар**) (*касалликлар мажмуи ва уларни даволаш*) – терапия I (ас. т. **Внутренние болезни**).

Тер безлар – потовые железы

– тер безлар тер ишлаб чиқаради.

Тери I (*чарм*) – кожа.

Тери II (*тўқима*) – кожа II

– тери сили;

– тери синамаси;

– тери хасмоли.

Тери бағри вакцинацияси – внутрикожная вакцинация.

Тери ости вакцинацияси – подкожная вакцинация.

Тери усти вакцинацияси – надкожная вакцинация.

Тери қийқими – ласкут кожи.

Термин элементлари (син. тер миноэлементлар) – терминоэлементы

– а-, ан-, авто-, аден(о)-, ана-, аэро- каби грек-лотинча аффикслар термин элементлари саналади.

Тешиб ўтган жароҳатланиш – сквозное ранение.

Тешилган жароҳатланиш – проникающее ранение.

Тешилиш (ик. номи **Перфорация I**)

– меъда яраси тешилиши.

Тешилувчи эктима – прободающая эктима.

Тешиш (ик. номи **Перфорация II**)

– калла чаноғини тешиш.

Текшириш I – обследование

– беморни текшириш.

Тиббиёт (син.: тиб, табобат) – медицина

– тиббиёт академияси;

– тиббиёт ашёлари;

– тиббиёт вазирлиги;

– тиббиёт институти;

– тиббиёт машинаси;

– тиббиёт муассасаси;

– тиббиёт пункти I (*ҳарбий тиббиётда*);

– тиббиёт саноати;

– тиббиёт талабаси;

– тиббиёт терминологияси;

– тиббиёт толибаси;

– тиббиёт фани;

– тиббиёт ходими.

Тиббий – медицинский

– тиббий деантология;

- тиббий ёрдам кўлами;
- тиббий жиноят;
- тиббий кенгаш;
- тиббий кўрик;
- тиббий маданият;
- тиббий маълумот;
- тиббий муолажа;
- тиббий терминлар;
- тиббий таъминот;
- тиббий техника (син. т и б т е х н и к а);
- тиббий хизмат;
- тиббий шароит;
- тиббий ҳимоя;
- тиббий ҳисобот;
- тиббий ҳужжат.

Тизгин (син. ю г а н ч а) – уздечка – **frenulum**

- олат кертмаги тизгини (син. олат қалпоқчаси кертмаги тизгини);
- пастки лаб тизгини;
- юқори лаб тизгини.

Тизза I – колено I

- тизза бўғими;
- тизза қопқоғи.

Тизза II (*анатомик тузилмаларнинг тиззасимон ери*) – **колено II**

- юз нерви тиззаси;
- қадоқ тана тиззаси.

Тиззача – коленце

- юз нерви канали тиззачаси;
- юз нерви мия моддасидаги тиззачаси.

Тизимча (син. ч и л в и р) – **канатик**

- киндик тизимчаси;
- узунчоқ мия ён тизимчаси;
- уруғ тизимчаси.

Тил – язык – lingua

- иккиланган тил.
- караш боғлаган тил;
- лакланган тил;
- тил тизгини.

Тилча – язычок – lingula; uvula

- мияча тилчаси;
- танглай тилчаси (син. л а к л у к);
- қовуқ тилчаси.

Тилиш; кесиб ажратилш – рассечение – **discussio**

– терини тилиш.

Тилиш II (*имплантация амалиётида*) – узкий ласкут

– терини тилиш шаклида кўчириб ўтқазिश.

Тиллиқ (ик. номи **Клитор**)

– тиллиқ боши;

– тиллиқ танаси.

Тил ости нервини кузатиб борувчи вена (син. **тил ости нерви йўлдош венаси**) – вена сопровождающая подязычный нерв.

Тилгугтич – языкодержатель.

Тилча – язычок

– юмшоқ танглай тилчаси;

– қовуқ тилчаси.

Тиним пайт – тихий час

– касалхоналардаги тиним пайт.

Тиним экстрасистолияси (*юракда*) – экстрасистолия покоя.

Тирик туғилиш – живорождение

– одам ва ҳайвон ҳомиласининг тирик туғилиши.

Тиришиш; тортишиш; талваса – судорага (-и)

– тиришиш қоқшолининг асосий белгиси;

– тутқаноқ талвасаси.

Тирнаш; тирналиш – экскарация (син. **царапина**)

– терини тирнаш;

– кўз юмшоқ пардаси тирналиши.

Тирноқ еликиши (ас. т. **Тирноқ хасмоли**) – ногтеда (ас. т. **Ногтевой панараций**).

Тирноқ танаси – ногтевая пластинка

– дағаллашган тирноқ танаси.

Тирноқ ўрни – ногтевая ложа.

Титраш; титроқ; қалтироқ – дрожь, озноб.

Титроқ – трепет, озноб.

Тиш катаги (ас. т. **Тиш альвеоласи**) – альвеола зуба (син.: зубная альвеола, зубная ячейка, луночка зуба)

– курак тиш катаги.

Тиш кукунлар – зубные порошки.

Тишлар жипслиги – прикус

– олд тишлар жипслиги.

Тишлаш; чақиш – укус

– ари чақиши;

– илон чақиши;

– ит тишлаши;

– ҳайвон тишлаши.

Тиш пастаси – зубная паста

- стоматологик тиш пастаси;
- ялпизли тиш пастаси.
- Тиш томчилар** – **зубные капли**
- «Дента» томчилари;
- эликсир тиш томчилари.
- Тиқилма** (ик. номи **Эмбол**, син.: **тиқинди**, **тиқин III**) – **эмбол**
- газ тиқилмаси;
- ёғ томчилари тиқилмаси;
- ҳаво эмболи.
- Тиқим** (син. **фитила**) – **тампон**
- тасмасимон стерил дока тиқим.
- Тиқимлаш** – **тампонада**
- жароҳат ичини тиқимлаш.
- Тиқим қисқичи** – **тампонные щипцы**
- жароҳатни тиқим қисқич ёрдамида тиқимлаш.
- Тиқин** – **пробка**
- флакон тиқини;
- бурама тиқин;
- ишқама тиқин.
- Тобора авжланувчи** – **прогрессирующий**
- тобора авжланувчи ўсма.
- Товон пихи** (син. **суяк пихи**) – **пяточная шпора** (син. **костная шпора**)
- суяк устидан ўсиб чиққан товон пихи.
- Тож** – **корона** (син. **венец**)
- тиш тожи;
- тож томирлар;
- юрак тож артерияси.
- Тозаловчи хўқна** – **очистительная клизма**
- глицеринли тозаловчи хўқна.
- Токсиклик I** (син. **заҳарлилик**) – **токсичность I** (син. **ядовитость**)
- модданинг одам, ҳайвон ёки ўсимликни заҳарлаш ёки ўлдириш хусусияти.
- Токсиклик II** (**заҳарлилик кўрсаткичи мағносида**) – **токсичность II**
- модданинг ўлдирувчи токсик концентрацияси.
- Тола** – **волокно**.
- Толали** (**толалар аралашган**) – **волокнистый**
- толали тоғай.
- Толача** (ас. т. **Фибрилла**) – **волоконец** (ас. т. **Фибрилла**).
- Толиқиш; чарчаш** – **утомлённость**.

Толиқишлик; чарчоқлик – утомляемость.

Толиқтиришлик; чарчатишлик – утомительность.

Толиқтироувчи оғриқ – утомительная боль.

Том – крыша – *tegmen*

– ноғора бўшлиқ томи;

– ромбасимон мия томи;

– ўрта мия томи.

Томизгич I (*суюқлик организмга томчилатиб юбориладиган мослама*) – капельница I

– томизгич қўйиш.

Томизгич II (*суюқлик томчилатиб санаб ишлатиладиган мослама*) – капельница II.

– дорини томизгичда санаб томизиш.

Томир (-лар) I – сосуд (-ы) I – *vas (-a)*

– лимфатик томир;

– қон томир.

Томир II (*халқ табобатида* – қ. II ж.).

Томирли оғриқ нуқтаси – болевая точка сосудистая.

Томон; тараф – сторона – *para*

– аъзолар томони;

– ўнг-чап томон.

Томоқоғриқ I (ас. т. Ангина) – ангина

– томоқоғриқ иситмаси.

Томоқоғриқ II (*халқ табобатида*) – томоқдаги турли хил касалликлар оқибатида юзага келган оғриқларнинг умумий номи.

Томчилар (ик. номи **Томчи дори**) – капли

– кўз томчилар;

– меъда томчилар;

– тиш томчилар;

– ялпизли томчи дори.

Томчили хўқна – капельная клизма.

Тор – струна – *chorða*

– киндик артерияси тори;

– киндик венаси тори;

– сийдик йўли тори.

Торайма (*торайган аъзо*) – *isthmus*

– бачадон тораймаси;

– эшитув найи тораймаси;

– қалқонсимон без тораймаси.

Тортма I – спайка I (син.: комиссура, синехия, шварта (*патологияда*)) – *comissura*

– ортки рангдор парда тортмалари;

– олд рангдор парда тортмалари;

– тортма касаллиги.

Тортма II (ас. т. **Битишма**) — спайка II

— жуфт аъзолар битишмаси.

Тос (ик. номи **Тос чаноғи**) — таз — *pelvis*

— тос бўшлиғи;

— гавданинг тос қисми;

— анатомик тор чаноқ;

— клиник тор чаноқ;

— ўғирсимон чаноқ.

Тос камари — пояс нижней конечности (син. тазовый пояс I).

Тос қуллоби — тазовый пояс I.

Тошмали терлама (син. тепкили терлама) — сыпной тиф (син. сыпной тиф ширины).

Тошсиз холесцистит — бескаменный холецистит.

Тоғай — хрящ — *cartilago*

— бўғим тоғайи;

— қовоқ тоғайи;

— кулоқ супраси тоғайи.

Тоғай хужайраси — хрящевая клетка.

Тубан даражада тузилган организмлар — низкоорганизованные организмы.

Туберкулинли синама — туберкулиновая проба.

Тугалланган фагоцитоз — завершённый фагоцитоз.

Тугалланмаган фагоцитоз — незавершённый фагоцитоз.

Тугмача дори (ас. т. **Таблетка**) — таблетка

— бир тугмача доридан уч маҳал ичилсин.

Тугун I (*анатомияда*) — узел — *nodus; ganglion*

— лимфатик тугун;

— чов тугуни.

Тугун II (*дерматологияда*) — узел II

— тугун шаклида юзага келган тери тошмаси.

Тугунланган буқоқ — узловый зоб (син. аданоматозный зоб).

Тугунча I (*анатомияда*) — узелок I.

Тугунча II (ас. т. **Папула**) (*дерматологияда*) — узелок II (ас. т. **Папула**) — *nodulus*

— фиброз-чанг тугунчаси (син. чанг тугунчаси).

Тугунча III (*патологияда*) — узелок III — *nodulus*

— ревматизмникига ўхшаш тугунча (син. ревматоид тугунча);

— тугунчали ларингит.

Тузалиш (ас. т. **Соғайиш**) — выздоровление

— бемор тузалиш арафасида.

Тузли хўқна — солевая клизма.

Туклар (*одамнинг деярли бутун гавдасини қоплаб олган бироз рангдор — сал пигментланган ингичка, калта мўйлар*) — пушковые волосы — *lanugo*

— кўкрак туклари;

— оёқ туклари;

— қўл туклари.

Тулки юриш — походка лисья.

Тулум — чучело.

Тунги кўрув (син. тунги кўриш) — ночное зрение

— тунги кўрув даражаси.

Туркона (син.: туркона дори, туркона эм) (*халқ табобатида*).

Турмушга чиққан аёл (ас. т. Эрга теккан аёл).

Тутам — пучок — *fasciculus*

— ишчи нурланиш тутами;

— таламус тутами.

Тутиб оғриш (син. тутиб-тутиб оғриш) — схваткообразная боль.

Тутқаноқ (син. қуёнчиқ) — припадок

— тутқаноқ талвасаси.

Тутқич — брыжейка

— қорин парда тутқичи.

Туфдон — плевательница.

Тухум — яйцо — *ovum*

— тухум ҳужайра;

— ҳомила тухуми (син. тухум).

Тухумдон — яичник — *ovarium*

— тухумдон чуқурчаси;

— тухумдон шокилалари.

Туш, туш кўриш — сновидения

— роҳатбахш туш;

— қўрқинчли туш.

Тушкун кайфият — угнетённое настроение.

Тушкунлик — угнетение; упадок

— тушкунлик — депрессияга яқин руҳий ҳолат.

Туяпайпоқ (син. ясси оёқ) — плоскостопия.

Туғма иммунитет (ас. т. Ирсий иммунитет) — рождённий иммунитет (ас. т. Наследственный иммунитет).

Туғма тиш — врождённые зубы.

Тугруқ — роды (син. родовой акт).

Тугруқ дарди — родовые муки.

Тугруқни рақбатлантириш — стимуляция родов.

Тугувчи аёллар — роженицы.

Тўлғоқ; дард II – схватки

- тўлғоқ тутиш;
- дард тутиш.

Тўр – сеть, сетка, сеточка – rete, reticulum

- мойка тўри;
- овал тешиқ тўри;
- тил ости канали тўри.

Тўрсимон (*кўпроқ юмшоқ тўқима, тузилма ва аъзоларга нисбатан*) – **решётчатая.**

Тўрсимон иффат пардаси (син. панжарасимон иффат пардаси, галвирсимон иффат пардаси) – **девственная плева решётчатая.**

Тўр тўқима I (ик. номи **Клетчатка**) – **клетчатка.**

Тўр тўқима II (ас. т. **Целлюлоза**) – **целлюлоза.**

Тўсилиш (ик. номи **Обструкция**) – **обструкция** (син. **обструкция мочевых путей**)

- сийдик тўсилиши.

Тўсиқ – перегородка – septum

- илдизлараро тўсиқ.

Тўсқич – заслонка – valvula

- пастки кавак вена тўсқичи;
- чувалчангсимон ўсимта тўсқичи.

Тўтитумшуқ – клюв попугая

- рентгенограммадаги тўтитумшуқ сояси.

Тўшакпайваста (*халқ табобатида*).

Тўқима – ткань – textus

- ёғ тўқима;
- мушак тўқима;
- суяк тўқима;
- тоғай тўқима.

Тўғри ичак (ик. номи **Кўтон**)

- прямая кишка;
- тўғри ичак (кўтон) яраси.

Тўғриланадиган чурра – выправляемая грыжа.

Тўғриланмайдиган чурра – невыправляемая грыжа.

У

Увишиш I – онемение

- ёнбош увишиши;
- оёқ увишиши;
- қўл увишиши.

Увишиш II – озноб

- совқотиб жунжикиб эт увишиши.

Узалгич – кушетка

– узалгичда ётган бемор.

Узатилувчи оғриқ – иррадиирующая боль

– асосий касаллик ўчоғидан нари-берига узатилувчи оғриқ.

Узоқни кўра олиш (син. яқинни кўра олмаслик) – дальнозоркость.

Узоқни кўра олмаслик (син. яқинни кўра олишлик) – близорукость.

Узуксимон тоғай – перстневидный хрящ.

Узуқ-юлуқ фикрлаш – разорванное мышление

– узуқ-юлуқ фикрлаш руҳий носоғлик белгиси.

Уйқу – сон

– саёз уйқу;

– уйқу бузилиши;

– чуқур уйқу.

Уйқусираш I – желание спать, дремат

– уйқусираб юриш;

– уйқусираб ўтириш.

Уйқусираш II – сонное переживание; бредит во сне

– кечаси уйқусираш;

– уйқусираб туриб кетиш.

Уйқу терапия (син. уйқу билан даволаш) – терапия сном (син. сонная терапия).

Уйқу қочиш (син. уйқу ўчиш) (халқ табобатида).

Улғайган бронхит – запущенная болезнь.

Улғайиб кетган катаракта – перезрелая катаракта.

Умидсизлик – безнадёжность

– беморнинг умидсизликка тушиши.

Умидсизликка тушиш – безнадёжность

– беморнинг умидсизликка тушиши.

Умумий ўпка сифими (син. умумий ўпка ҳажми) – общая ёмкость лёгких (син. общий объём легких).

Ундириш муҳити – среда роста (син. среда культивирования).

Уннача бўяш – окраска Унни

– гистологик препаратни уннача бўяш.

Уруғ – семья – semen

– уруғ дўмбоқчаси;

– уруғ йўли;

– уруғ пуфакчаси.

Уруғдон (ас. т. мойк) – семенник (ас. т. Яичко);

– уруғдон истисқоси;

– уруғдон яллиғланиши.

Уруф суюқлиги (ас. т. **Шахват, сперма**) – семенной жидкость (ас. т. **Сперма**).

Устбўсага – надпороговый
– устбўсага таъсирловчи.

Усти (*аъзо устида жойлашган аъзо, тузилма ва б. ларга нисбатан*)

- буйрак усти беги;
- калла усти беги.

Устки (*аъзога тегишли, унинг устки қисмини ташкил қилувчи тузилма, парда ва б. ларга нисбатан*)

- суяк устки пардаси;
- тоғай устки пардаси;
- ҳиқилдоқ устки қопқоғи (ас. т. **Ҳиқилдоқ қопқоғи**).

Устки-остки – над-под-; верхний-нижний

- суяк устки пардаси;
- фиқилдоқ устки тоғайи.
- қорин устки соҳаси.

Устун I; поғона – столб – columna

- умуртқа поғонаси.

Устун II, ҳукмрон, доминанта (*ўрнига қараб*) – господствующий, доминанта

- жинсий доминанта;
- мияда муайян соҳанинг устун кўзғалиши.

Устунча – столбик – columella

- тузилмалар устунчаси.

Учбурчак – треугольник – trigonum

- адашган нерв бурчаги;
- тил ости нерви учбурчаги.

Учуниш – недоmogать

- учуниб юриш.

Учуниқ – недоmogание

- сирқовланиб учуниб турибман.

Учиш, пирпираш – подергивание

- кўз учиши;
- қовоқ учиши;
- эт учиши.

Уятлиқ лаблар (*аёлларда*) – половые губы.

Ф

Фалаж; шол – паралич

- оёқлар фалажи;
- ўнг қўл, ўнг оёқ фалажи.

Фалажлайдиган полиомиелит – паралитический полиомиелит

– периферик невларни фалажлайдиган полиомиелит.

Фалажламайдиган полиомиелит – непаралитический полиомиелит

– ўткир сероз менингит шаклида кечадиган фалажламайдиган полиомиелит.

Фалажловчи кутуриш – паралитическое бешенство

– кўршапалаклар тишлашидан юзага келадиган фалажловчи кутуриш.

Фаланга (син. бармоқ суяги) (*bitmasi*) – фаланга – phalanx

– бармоқ пастки (III) (юқори (I), ўрта (II) фалангаси.

Фарзанд кўриш даври – детородный период

– фарзанд кўриш даври соғлом аёлларда узоқроқ, касалманд аёлларда қисқароқ бўлади.

Фармация билим юрти – фармацевтическое училище.

Фармация институти – фармацевтический институт. *Уларни «фармацевтика» лексемаси билан аташ нотўғри.*

Фасция – фасция – fascia

– кўкрак фасцияси;

– мушак фасцияси;

– тос фасцияси.

«Фасция»ни «парда» деб аташ мантиқан нотўғри.

Фельдшерлик соғлиқни сақлаш пункти

– кишлоқ фельдшерлик соғлиқни сақлаш пункти.

Фибринли бронхит – фибринозный бронхит

– бронх деворларида фибринлар юзага келадиган фибринли бронхит.

Фибринли ларингит – фибринозный ларингит.

Фибринли перитонит – фибринозный перитонит.

Фибринли цистит – фибринозный цистит.

Филоёқ (син. фил касаллиги) – слоновость.

Флегмонали гастрит – флегмонозный гастрит

– меъда девори қалинлашиб яллиғланадиган флегмонали гастрит.

Флегмонали панкреатит – флегмонозный панкреатит.

Флегмонали-яралли аппендицит – флегмонозно-язвенный аппендицит.

Фоли кислота – фолиевая кислота.

Фолликула – фолликул

– тухумдон фолликулалари;

– соч фолликулалари.

Фолликулалли ангина – фолликулярная ангина

– муртак юзаларида фолликулалар ҳосил бўладиган ангина.

Фолликулали конъюнктивит – фолликулярный конъюнктивит.

Фолликулали цистит – фолликулярный цистит.

Футурдан кетиш – изнурение

– организмнинг силдан футурдан кетиши.

X

Хала – тупая колика

– биқинга хала келиши.

Халта – сумка – *capsula*

– гавҳар халтаси;

– ёш халтаси;

– мўй (соч) халтаси;

– чарви халтаси;

– ҳалқум халтаси.

Халталанган – осумкованный – *incapsulata*

– халталанган плеврит.

Халгача (*тавсия этилмайди*)

– сумочка.

Халқоб – выпот

– экссудат тўпланган халқоб.

Хандак нефрити (син. окоп нефрити) – окопный нефрит

– уруш йилларида юзага келадиган хандоқ нефрити.

Ханталли ванналар – горчичные ванны

– оёқларни ханталли ваннага солиб ўтириш.

Хасмол (син. м и л к а к) – панариций

– бармоқ териси хасмоли;

– тирноқ ости хасмоли.

Хатарли омил – фактор риска

– касалликни келтириб чиқариш эҳтимолини кучайтирувчи омил.

Хатна – обрезание

– хатна фимоз – кўрчук касаллигининг олдини олади.

Хилт (*организмдаги турли физиологик суюқлик*) – физиологическое содержимое

– хилт йиғиладиган бўшлиқлар.

Хира – тускльй

– кўз хира тортиши;

– хира кўриш;

– юз териси хиралашиши.

Ҳирс I – алчность, жадность

– ҳирс қўймоқ.

Ҳирс II – страсть

– ҳирс билан қараш;

– шаҳвоний ҳирс;

– ҳайвоний ҳирсни қондириш.

Хирс (айиқ) – медведь

– хирсдай одам;

– хирсдай бесўнақай киши.

Холдейн мастэктомияси; холдейнча мастэктомия қилиш – мастэктомия Холдейна

– холдейнча мастэктомия йўли билан сут безни ампутация қилиш.

Холдин операцияси; холдинча операция қилиш – операция Холдина

– анастомоз қўйиб Холдинча операция қилиш.

Хольцерча бўяш – окраска Хольцера

– гистологик препаратдан нейролгияни аниқлаш учун уни хольцерча бўяш.

Хомейувчилар – сыроедение

– фақат хом ўсимлик маҳсулотларини еб кун кўрувчи хомейувчилар.

Хомсемиз (халқ табобатида).

Хунаса (син. икки жинс) (ас. т. Гермафродит) – гермафродит

– бир эркак ёки аёлда икки жинсга хос ташқи жинсий аъзоларнинг бўлиши хунаса дейилади.

Хуррак – храп

– юмшоқ танглай мушаклари бўшашиб қолган одамларнинг хуррак отиши.

Хуруж – приступ

– касалликнинг дапқир-дапқир хуруж қилиши.

Хушбўй моддалар – ароматные вещества (шартли равишда хушбўй; баъзи моддалар хушбўй бўлмаслиги, балки шунчаки, ҳидли (ароматли) бўлиши мумкин)

– хушбўй сувлар;

– хушбўй доривор ўсимликлар.

Хўшпоз – карбункул

– бир неча ёғ без ва мўй фолликулаларини ўткир йирингли-некрозловчи хўшпоз.

Хўрсиниш (син. э н т и к и ш) – всхлипывание.

Хўрсиниқ – всхлипывание

– хўрсиниқ инсон ғам-андухидан дарак беради.

Ч

Чайинди — ополоски

— томоқни суюқлик билан фар-фара қилиб ташланган чайинди.

Чайиш — полоскание

— оғизни дори модда билан чайиш.

Чайқатмалар — болтушки

— чайқатмалар ишлатишдан олдин яхшилаб силкитилади.

Чала аборт — неполный аборт

— чала аборт аксарият ҳолларда асорат қолдиради.

Чала бола (ас. т. Ой-қунига тўлмайдиган бола)

— чала бола ҳамиша жиддий парвариш талаб этади.

Чала соғайиш — неполное выздоровление

— чала соғайиш ташқи муҳитга мослаша олмасликка олиб келади.

Чалғитувчи воситалар (ас. т. Таъсирловчи воситалар) — отвлекающие средства (ас. т. Раздражающие средства)

— ханталли қоғоз чалғитувчи воситаларга киради.

Чамбар ичак — ободочная кишка

— чамбар ичак йўғон ичакнинг бир қисми.

Чамбар чок (син. айланма чок) — круговой шов (син. циркулярный шов)

— сийдик най, қон томир, нерв ўзанларига чамбар чок қўйилади.

Чанг аллергияни — пылевой аллерген

— баъзи чанг аллергияни ренитни келтириб чиқаради.

Чаноқ (ичида аъзолар жойлашган, муайян шаклга эга ўзаро битишган бир бутун суяклар скелети)

— кўз чаноғи (син.: кўз косаси, кўз қини) — *глазница* (син.: глазная впадина, орбита) — *orbita*.

— тос чаноғи (ик. номи тос) — таз — *pelvis*.

Чаплашган оддий ҳуснбузар — угри сливные

— юз чаплашган оддий ҳуснбузари.

Чаплашган чечак — сливная оспа

— чечак пустикуллари қўшилиб кетадиган чаплашган чечак.

Чарви — сальник

— катта чарви ва кичик чарви тафовут қилинади.

Чарчаш; чарчашлик (син. хориш; хоришлик) — усталость

– юрак чарчашни билмайдиган аъзо.

Чатишиш; чатиштириш – скрещивание

– икки турга мансуб индивидларни турлараро чатиштириш.

Чақалоқлар ўлими (ас. т. **Ойига тўлмаган болалар ўлими**) – смерть новорождённых (син. смертность детская ранняя)

– ойига тўлмаган чақалоқлар ўлими.

Чақчайма кўз (ас. т. **Экзофтальм**) – пучеглазие (ас. т. **Экзофтальм**)

– кўз соққасининг кўз йиригидан чиқиброқ турган ҳолатини чақчайма кўз, дейиш расм бўлган.

Чегараланган перитонит – ограниченный перитонит

– тешилган аъзодан узоқлашмай чегараланиб турган перитонит.

Чекка; чет – край – *margo*

– жароҳат чеккаси;

– абсцесс чети.

Чегара психиатрияси (син. кичик психиатрия) – пограничная психиатрия (син. малая психиатрия).

Чегара ҳолатлари – пограничные состояния.

Чекланган – изолированный; ограниченный – *isolata*; *circumscripta*

– чекланган патологик жараён.

Чекланган плеврит – ограниченный плеврит.

Чегараланган синиш – изолированный перелом.

Четнаб синиш – краевой перелом

– суякнинг ёнидан четнаб синиши.

Чечак эмлаш – оспопрививание

– ёппасига чечак эмлаш.

Чигал – сплетение – *plexus*

– адвентициал чигал;

– веноз чигал (син. веналар чигали).

Чилвирсимон, арқонсимон – веровчатый

– чилвирсимон тузилмалар.

Чиллалаи аёл; туғган аёл – родильница

– янги бўшалган чиллалаи аёл.

Чиллашир – *спру*

– озиб-тўзиб кетиш билан юзага чиқадиган чиллашир касалиги.

Чиллаяра (ас. т. **Эпидемияли чиллаяра**) – пузырчатка новорождённых эпидемическая

– ичи йирингли рутубат билан тўлиб туралиган пуфакчалар терига чиқиши билан кечувчи чиллаяра.

Чинок қулоқ – корноухий

– бурушган чинок қулоқ.

Чинчечак; чечак – натуральная оспа; оспа

– чинчечак дунё миқёсида йўқотилган.

Чириш – разложение

– тўқималар чириши.

Чиганоқ I – улитка – cochlea

– димланган чиганоқ.

Чиганоқ II – раковина – concha

– бурун пастки (устки, ўрта) чиганоғи;

– понасимон суяк чиганоғи.

Чиганоқ каналчаси – каналец улитки (син. водопровод улитки).

Чов бурмаси – паховая складка

– ориқ одамларда чов бурмаси янада қалинлашади.

Чов-ёрғоқ чурраси (син. да б б а) – пахово-мошоночная грыжа.

Чой бангиси (ик. номи Теизм) – теизм

– чой бангиси кофеинизмнинг бир тури.

Чок I (син. т и к и ш , ч а к м а) (*жарроҳликда*) – шов I – sutura

– ён чок;

– иккиламчи чок;

– ичак чоки;

– чизикли чок.

Чок II (*анатомияда*) – шов II – sutura

– пешона чоки;

– текис чок;

– тишсимон чок.

Чордори (*халқ табобатида*) (*тўрт дори модда аралашмасидан таркиб топган туркона дори*).

Чорсомбур (*стоматологияда*) – плоские клещи.

Чот – промежность

– чот оралиғи.

Чот йиртилиши

– чот оралиғи йиртилиши.

Чучалчангсимон – червеобразный

– чувалчангсимон ўсимта;

– чувалчангсимон ўсимта тўсқичи.

Чурра – грыжа

– тиббиётда чурранинг юзга яқин хили аниқланган.

Чучук I (*чучуктилли одам маъносида*).

Чучук II (*чучук озиқлар маъносида*)

– чучук сув;

– чучук қалампир.

Чучуктил – косноязычие

– «р» ни талаффуз қилолмаслик ҳам чучуктилга киради.

Чукур – яма – fossa

– пастки жағ чуқури;

– куймуч чуқури.

Чуқурча – ямка; ямочка – fovea; foveola

– бўйинтуруқ чуқурчаси;

– грануляциялар чуқурчаси;

– ўт қопи чуқурчаси;

– қовурға бошчаси чуқурчаси.

Чўзиладиган ёки чўзилган касаллик – затыжная болезнь

– гепатит касаллигининг чўзилган хили;

– чўзиладиган вирусли гепатит.

Чўкинди; чўкма – осадок

– сийдик чўкмаси.

Чўкиш I – оседание

– қон чўкиш тезлиги.

Чўкиш II – утопление

– одамнинг сувга чўкиш тезлиги.

Чўлоқлик; чўлоқланиш; оқсоқлик; оқсоқланиш – хромата

– оёқларни номтаносиб ташлаб юриш чўлоқликнинг бирдан бир аломати.

Чўлтоқ; кемтик – культя

– конуссимон чўлтоқ;

– нерв кемтиги;

– тиш кемтиги;

– қўл чўлтоғи.

Чўлтоқ оёқ – ампутированная нога.

Чўлтоқ қўл – ампутированная рука.

Чўнтак – карман

– ноғора парда олд чўнтаги;

– ноғора парда орқа чўнтаги;

– чўнтак ингалятор.

Чўнтакча – карманчик

– аъзо ёки тузилмалар чўнтакчаси.

Чўпустихон (ас. т. **Кахексия**) – кахексия

– чўпустихон бўлиб озиб кетиш.

Чўтир юз – оспина

– чинчечак беморни аксарият чўтир юз қилиб қўяди.

Чўчиш – вздрагивание; испуг

– чўчиш неврози.

Ш

Шабкўр (ик. номи Гемералопия) — гемералопия (син. куриная слепота, ночная слепота)
— кечаси кўрмайдиган шабкўр одам.

Шалвираган — дряблый
— шалвираган мушак;
— шалвираган тери.

Шалвир — рыхлый; вялая
— шалвир мушак;
— шалвир оёқ панжа;
— шалвир бириктирувчи тўқима.

Шамоллаш I (совуқ тегишидан юзага келадиган, аксарият, юқори нафас йўллари касаллигининг умумий номи) — простуда
— нерв шамоллаши;
— ўпка шамоллаши.

Шамоллаш II — проветриваться
— ташқари чиқиб шамоллаб келиш.

Шамча дори (ас. т. Суппозиторий) — свечи (ас. т. Суппозиторий)
— бавосилда шамча дори қўйиш яхши натижа беради.

Шамчалар (ас. т. Суппозиторий) — свечи (ас. т. Суппозиторий)
— ректал шамчалар.

Шарбат — сироп
— олча шарбати.

Шарц операцияси; шарцча операция қилиш — операция
Шарца
— шарцча операция қилиш усули.

Шахс патологик ривожланиши (син. руҳий патологик ривожланиш) — патологическое развитие личности (син. психическое развитие патологическое)
— руҳий травматик омиллар таъсирида шахснинг патологик ривожланиши.

Шаҳват (син. м а н и й) — сперма (ик. номи Сперма)
— шаҳват — жинсий алоқа маҳсули.

Шиддат — атака
— ревматизм шиддатли хуружи — ревматическая атака;

Шикаст (син. жароҳат II) — травма (син. повреждение II).

Шикастабанд (ас. т. Синикчи) — костоправ.

Шикастланиш I (син. жароҳатланиш II) — травма (син. повреждение II).

Шикастланиш II — порожение (син. повреждение).

Шикастланиш ақпастлиги – травматическое слабоумие.

Шилиниш; тирналиш – ссадина.

Шиллиқ I (*морфологияда*); **ялқув** (*ичбуруғда*) – слизь I

– ичбуруғ ялқуви;

– шиллиқ без;

– шиллиқли ажралма.

Шиллиқ II (*фармацияда*) – слиз II

– шиллиқ препарат.

Шина; тахтакач – шина

– тахтакач боғлаш;

– шинали боғлам;

– шина қүйиш.

Шира I (*секрет*) – сок I.

Шира II (*мева шираси*) – сок II.

Ширзада (*эмадиган болаларда*) – диспепсия.

Ширинча – скрофулюс (син. золотуха).

Шифобахш балчиқлар – лечебные грязи

– шифобахш балчиқ муолажа.

Шифокор (*ўрта ва олий маълумотли барча тиббиёт ходимларига нисбатан*) – медик

– шифокорлар конференцияси.

Шифохона (*барча тиббиёт муассаларига нисбатан*) – лечебные учреждения.

Шовқин I (*диагнозни аниқлашда*) – шум I.

Шовқин II (*гигиенада, аудиметрияда*) – шум II.

Шовқин III (*кибернетикада*) – шум III.

Шокила (-лар) – бахромка (-и)

– бачадон найи шокилалари.

Шох I; тармоқ (*анатомияда*) – ветвь – *maxilla*

– ортки ён қоринча шохи;

– олд орқа мия шохи;

– ўт қопи артерияси чап шохи.

Шох II (син. мугуз) – рог – *cornu*

– шох парда;

– эпидермия шох қавати.

Шох томир (ас. т. *Аорта*) – *аорта*

– юракдан бошланган шох томир.

Шошилинч операция (син. кечиктириб бўлмас операция) – экстренная операция (син. неотложная операция).

Шошилинч тиббий ёрдам – экстренная помощь медицинская (син. неотложная помощь медицинская).

Шуъласимон; нурсимон – лучистый

– шуъласимон тож.

Э

Эгар бурун – седловидный нос

– туғма эгар бурун.

Эгат (-лар) – бороздка (-ы)

– артерия эгати;

– катга мия эгати;

– мияча эгатлари.

Эгатча (-лар) – бороздка (-и)

– тери эгатчалари.

Эгизак (син. э г и з) – близнец, двойняшка

Эгизаклар – близнецы, двойняшки.

Эгилувчанлик; қайишқоқлик – гибкость

– гавда эгилувчанлиги.

Эгрилик – кривизна

– меъда эгрилиги.

Эзибички (*халқ табобатида*).

Эзилган томчи – раздавленная капля

– микроорганизмларни витал микроскопияда аниқлашда ишлатиладиган эзилган томчи.

Эзилиш – сдавление (син. у щ и б; у щ е м л е н и е)

– эзилиш аъзо ва тўқималар травмаси.

Экзокрин без (ас. т. **Ташқи секретия беzi**) –

экзокринная железа (ас. т. **Железа внешней секретии**)

– экзокрин без ўз секретиясини ташқарига чиқаради.

Экма (син. ку л ь т у р а) – культура – *cultura*

– соф экма;

– тўқима экмаси;

– хужайра экмаси.

Эксперт-врач – врач-эксперт.

Экссудатли нейродермит – экссудативный нейродермит.

Экссудатли притонит – экссудативный перитонит.

Экссудатли плеврит – экссудативный плеврит.

Эктима (ик. номи **Кўзьяра**) – эктима.

Эластик – эластичный

– эластик каверна.

Электр терапия – электротерапия.

Эмбол (ик. номи **Тиқилма**) (син.: тиқинди, тиқин III)

– эмбол.

Эмбрион (син. муртак) – зародыш (син. эмбрион).

Эмизгич (син. эмизги) (*идиш маъносида*) – сосуда соской.

Эмизик I – рожок.

Эмизикли аёл (син. **Эмизикли хотин**) — кормящая женщина.

Эмизикли бола (ик. номи **Гўдак**) — грудной ребенок.

Эмизикли ёш; **кичик ясли ёши** (ас. т. **Кўкрак ёши**) — грудной возраст; (син.: **ясельный возраст младший**).

Эмизикли она — кормящая мать.

Эмиш; **сўриш** — сосание (син. **всасывание**).

Эндокрин без (ас. т. **Ички секретия беги**) — эндокринная железа (ас. т. **Железа внутренней секреции**)
— **эндокрин без ўз секретиясини ички аъзоларга чиқаради**.

Эндокрин касалликлар — **эндокринные болезни**

— **эндокрин безлар функцияси бузулишидан келиб чиқадиган эндокрин касалликлар**.

Энса олди камгаги — **предзатылочная вырезка**.

Энса суяги ички (ташқи) дўнглиги — **выступ затылочной кости внутренний (наружный)**.

Эпигастрал соҳа — **надчревьё**.

Эриттич (*асбоб*) — **растворитель**.

Эритувчи (*модда*) — **растворяющий, растворитель**.

Эриш — **растворение**.

Эркаклар туваги (син. **ўрдак**) — **утка**.

Эрозия (ик. номи **Яланиш**) — **эрозия**

— **бачадон яланиши**;

— **эрозияли гастрит**.

Эртаки; барвақт — **ранний** — **ргаесох**

— **барвақт аборт**;

— **эртаки оғриқ**;

— **эртаки туғма захм**.

Эртаки диагноз — **ранний диагноз**.

Эрта соч оқариш — **преждевременное поседание** (син. **пресенильное поседение**).

Эсга келтириш (ас. т. **Эслаш**) — **вспоминание**.

Эслаб қолиш; хотирлаб қолиш; ёдда сақлаб қолиш ва б. — **запоминание**.

Эсоғиш (ас. т. **Шок**) — **шок**.

Эспастилик (*халқ табобатида*).

Этбўғоз — **мясистый занос**.

Эхинококкли киста — **эхинококковая киста**.

Эшакем — **крапивница**.

Эшитиб кўриш (ас. т. **Аускультация**) — **аускультация** (син. **выслушивание**)

— **ўпкани эшитиб кўриш**.

Эшитув (син. **э ш и т и ш**) — **слух**.

Ю

Ювинди – смыв

– ўпка ювиндиси;

– қўл ювиндиси.

Юксак ўсимликлар – высшие растения.

Юмалоқ бачадон бойлами (син. круглая связка матки).

Юмалоқ қуртлар (син. бирламчи кавак қуртлар) – круглые червы (син. первично-полостные червы).

Юмшатиш; юмшаш – размягчение.

Юракбуруғ (ас. т. Ичбуруғ) – дизентерия.

Юрак гликозидлар – сердечные гликозиды.

Юрак дори – сердечная лекарства.

Юрак ёрилиши (син.: кардиорексис, ташқи юрак ёрилиши) – разрыв сердца (син.: кардиорексис, разрыв сердца внешний).

Юрак ирғитмаси – сердечный выброс

– бир марталик юрак ирғитмаси.

Юрак иши етишмаслиги – сердечная недостаточность.

Юракогрик (*халқ табобатида*).

Юрак томчилар – сердечные капли.

Юрак чўққиси кемтиги – выемки верхушки сердца.

Юрак ўйнаши (син. дил ўйнаши) – сердцебиение (син. сердечная гонка).

Ютим; қултум – глаток

– бир ютим дори.

Ютоқ (син. ютоқи) – обжора.

– ютоқи одам.

Ютқин (ас. т. Ҳалқум) – глотка

– ҳалқум ялиғланиши.

Юқи даражасида – скудный

– юқи даражасида олинган суртма.

Юқори даражада тузилган – высокоорганизованный

– юқори даражада тузилган организм.

Юқорилаб борувчи (син. кўтариловчи) – восходящий – ascendens

– юқорилаб борувчи неврит;

– юқорилаб борувчи фалаж.

Юқори молекуляр – высокомолекулярный

– юқори молекуляр модда.

Юқори-пастки – верхний-нижний

- юқори қовоқ;
- пастки қовоқ;
- юқори лаб;
- пастки лаб.

Юқори умуртқа камгаги – позвоночная вырезка верхняя.

Юқтириш; юқиш – заражение

- грипп юқтириш;
- сил юқиши.

Юқтирувчилар – переносчики

- майда ҳашаротлар касаллик юқтирувчилар саналади.

Юқумли аортит – инфекционный аортит.

Юқум I (ик. номи **Инфекция I**) (организмда микроорганизмлар келтириб чиқарадиган юқмайдиган патологик ҳолат) – инфекция I.

Юқум II (ик. номи **Инфекция II**) (организмда микроорганизмлар келтириб чиқарадиган юқумли (юкадиган) касаллик) – инфекция II.

Юқум III (ик. номи **Инфекция**) (организмда юқумли (юкадиган) касаллик келтириб чиқарувчи микроорганизмлар) – инфекция.

Юқумли I (ик. номи **Инфекция I**) (организмда микроорганизмлар келтириб чиқарган, аммо одамдан-одамга юқмайдиган патологик ҳолат, касаллик ҳақида) – **неконтагиозный инфекционный**.

Юқумли II (ик. номи **Инфекция II**) (организмда микроорганизмлар келтириб чиқарган, одамдан одамга турли хил йўллар билан юқиб кетадиган касаллик ҳақида) – **контагиозный инфекционный**.

Юқумли полиартрит (син. юқумли специфик полиартрит) – **инфекционный полиартрит** (син. инфекционный специфический полиартрит).

Юқумсиз (ик. номи **Инфекциясиз**) (организмда микроорганизмлар келтириб чиқармайдиган, қандайдир асептик (микробсиз) шароитда юзага келган патологик ҳолат, жароҳат, касаллик ва б.лар ҳақида) – **неинфекционный**.

Юқумсиз иситма (син. инфекциясиз иситма) – **неинфекционная лихорадка**.

- микробсиз кўтарилган, яъни юқумсиз иситма.

Юқумсизлантириш (ас.т. **Дезинфекция**) – обеззараживание (ас.т. **Дезинфекция**)

- бемор идиш-товоқларини юқумсизлантириш;
- уйни юқумсизлантириш.

Я

Ядро (-лар) I – Ядро (-а) I – nucelus (қ. П.ж.) (*марказий нерв системасида*).

- базал ядролар;
- жилов ядроси;
- кўкрак ядроси.

Ядро II – ядро II – nucelus (*хужайрада*)

- хужайра ядроси.

Яланиш (ик. номи **Эрозия**) – **Эрозия**

- бачадон бўйни яланиши.

Яллигланиш – **воспаление**.

Ялқув (*ичбуруғда*) – **слизь с кровью**

- ичдан ялқув келиши.

Ярали гингивит – **язвенный гингивит**.

Ярали тери актиномикози – **актиномикоз кожи язвенный**.

Ярим шар (ас. т. **Палла**) – **полушарие**

- катта мия яримшари (ас. т. **Катта мия палласи**).

Ясама аъзо (ик. номи **Протез**) – **протез**

- ясама кўз (ик. номи **протез кўз**);
- ясама тиш (ик. номи **протез тиш**).

Ясси; япалоқ – **плоский**

- ясси оёқ (ас. т. **Туяпайпоқ**).

Яшаб кета оладиган ҳомила – **жизнеспособный плод**.

Яшаб кета олмайдиган ҳомила – **нежизнеспособный плод**.

Яшилнамо стрептококк – **зеленящий стрептококк**.

Яшиндек тезкор гепатит – **молниеносный гепатит**.

Яшиндек тезкор гипоксия – **молниеносная гипоксия**.

Яшиндек тезкор кўксув – **молниеносная глаукома**.

Яшиндек тезкор скарлатина (син. **гипертоксик скарлатина**) – **молниеносная скарлатина** (син. **гипертоксическая скарлатина**).

Яқинни кўра олишлик (син. **узоқни кўра олмаслик**) – **близорукость**.

Яқинни кўра олмаслик (син. **узоқни кўра олишлик**) – **дальнозоркость**.

Ў

Ўзак (*ўрнига қараб*) – **ствол – truncus**.

Ўзан (*ўрнига қараб*) – **ствол – truncus**.

Тармоқ (*ўрнига қараб*) – **ствол – truncus**.

Ўзгарувчан диабет – **лабильный диабет**.

Ўзгарувчанлик – **изменчивость**

– морфологик-физиологик уюшувнинг ўзгарувчанлиги.

Ўзига таъсир кўрсатиш (син. ўзига ўзи таъсир кўрсатиш, ўзини ўзи ишонтириш) – само-внушение.

Ўзини айблаш васвасаси – (син. ўзига ҳукм чиқариш васвасаси, ўзини гуноҳкор санаш васвасаси) – бред самообвинения.

Ўзини баҳолаш – самооценка.

Ўзини жазога тортиш – самооговор.

Ўзини кайд килиш – саморегистрация.

Ўлат (син. тоун) – чума

– ўлат зотилжами.

Ўлик (син. мурда, жасад) – труп – cadaver.

Ўликни кесарча ёриш – кесерово сечение трупа.

Ўлимгача етказилган жароҳатлар – прижизненные повреждения.

Ўлимдан кейинги етказилган жароҳатлар – посмертные повреждения.

Ўлим талвасаси (ик. номи Агония) – агония.

Ўлиш – умирание

– ўлиш жараёнида олдин вояга етган аъзолар охирида ўлади.

Ўлишлик – летальность (син. смертельность).

Ўлчов – измерение

– ўлчов бирлиги.

Ўн икки бармок ичак – двенадцатиперстная кишка.

Ўпка шамоллаши (ас.т. Зотилжам) – воспаление лёгких (ас.т. Пневмония).

Ўпка юрак – лёгочное сердце

– ўпка касалликларида юзага келадиган ўпка юрак дарди.

Ўрдак юриш I – утиная походка I

– гавда қисмлари дардга чалинишидан юзага келган

ўрдак юриш.

Ўрдак юриш II – утиная походка

– қиз-жувонларнинг атайлаб ўрдак юриш манераси.

Ўрин I ; жой – койка; место

– касалхоналарнинг ўринлари.

Ўрин I – постель

– беморнинг ўринбоши.

Ўрмаловчи оғриқ – ползучая боль.

Ўрмаловчи яра – ползучая язва

– ўрмаловчи яралар бирин-сирин силжиб бориш табиатига эга бўлади.

Ўроқ – серп – falx

– бош мия ўроғи;

– мияча ўроғи.

Ўсимта (син.: ўсиқ, ўсиқча) – **отросток** (син. вырост)

– киприк ўсиқчаси;

– ханжарсимон ўсимта;

– қанотсимон ўсиқ.

Ўсма – опухоль (син.: бластома, неоплазма, новообразование)

– рақ ўсмаси;

– хавфли ўсма;

– хавфсиз ўсма.

Ўсмир – подросток

– 13–18 ёшли ўғил бола ўсмир ҳисобланади.

Ўспирин – юноша

– 17–21 ёшли ўғил бола ўспирин ҳисобланади.

Ўт (син.: зарда II, сафро) – **жёлчь**

– ўт асосан ёғни парчалайди.

Ўта ўткир – острейший

– ўта ўткир сепсис.

Ўтказувчанлик I – проводимость

– тўқималарнинг импульсларни ўзидан ўтказувчанлик даражаси.

Ўтказувчанлик II – проницаемость

– тўқима ва тузилмаларнинг суюқликларни ўз деворидан ўтказувчанлик ҳолати.

Ўтказувчанлик III – проходимость

– ичакларнинг озиқ моддаларни ўтказувчанлик лаёқати.

Ўткинчи; вақтинча – преходящий

– касалликнинг ўткинчи белгилари.

Ўткир ... I (касалликка нисбатан) – острый I

– зотилжамнинг ўткир кечувчи хили.

Ўткир II (асбобга нисбатан) – острый II

– ўткир жарроҳлик пичоғи.

Ўт ҳосил бўлиш (син.: ўт ажралиш, ўт ишлаб чиқариш, ўт пайдо бўлиш, ўт ҳосил қилиш) – **желчеобразование** (син. желчеотделение).

– ўт ҳосил бўлиш жараёни жигарда кечади.

Ўт пигменти (ас. т. Билирубин)

– сарғаймага сийдик таркибидаги ўт пигментига қараб баҳо берилади.

Ўхчиш – позив на рвоту

– қусишдан олдин ўхчиш келади.

Ўхчиқ – позив на рвоту

– ўхчиқ кучли ғайритабiiй товуш билан кечади.

Ўқёй (камалак ўқи) – стрела – *sagitta*.

Ўқёйсимон – стреловидный – *sagittalis*

– пастки ўқёйсимон синус (ас.т. Пастки сагиттал синус)

– юқори ўқёйсимон синус (ас.т. Юқори сагиттал синус).

Ўқ-снаряд жароҳати – огнестрельное ранение

– снаряд парчаси етказган жароҳат ўқ-снаряд жароҳатига киради.

Ўқ жароҳати – пульевое ранение.

Ўқтин-ўқтин оқсоқланиш – перемежающаяся хромата.

Ўқ қисқичи – пулевые щипцы.

Қ

Қабзият (син. и ч қ о т и ш) – запор

– кам ҳаракатлик ҳам бора-бора қабзиятга олиб келади.

Қавариқ I – пузырь, волдырь

– қўл қавариғи

Қавариқ II (син. қ а в а р и н қ и) – выпуклость

– қавариқ шиша.

Қ а в а р и қ III (ас.т. қадоқ) – мозоль

– қўл қавариғи;

– оёқ қадоғи.

Қават (син. қатлам) – слой (син. пласт) – *stratum*

– миелин қавати (син. миелин пардаси);

– ноксимон нейронлар қавати (син. ганглионар қават).

Қад – осонка

– тўғри қад.

Қадам I (син. о д и м) – Шаг.

Қадам II (оёқ кафти) – подошва стопы.

Қадаҳ – бакал.

– қадаҳсимон тузилма.

Қадоқли – мозолистый

– қадоқли қўл.

Қадоқ малҳам – мазольный пластырь.

Қазғоқ (син. қ а с м о қ) – перхоть; чешуйки II

– бош қазғоғи

– тери қазғоғи.

Қайиқ — ладья; лодка

Қайиқсимон — ладьевидный.

Қайрилма пушта (-лар) — извилина (-ы)

— бош мия қайрилма пушталари.

Қайталама терлама (син.: қайталайдиган терлама, қайталанувчи терлама, қайтар терлама) — возвратный тиф

— спирохеталар қайталама терламани қўзғатади.

Қайталаниш (ик. номи рецидив) — рецидив

— касаллик қайталаниши.

Қайтар таъсирланиш — возвратное возбуждение

— импульсларга жавобан нейронларнинг қайтар таъсирланиши.

Қайтар — обратимый

— қайтар жараён.

Қайтмас — необратимый

— қайтмас патология.

Қайчиоёқ (ик. номи Х-симон оёқ) — Х-образные ноги.

Қалам (ик. номи Қалам дори) — карандаш (ик. номи лекарственный карандаш)

— сиртга ишлатиладиган қалам.

Қанд касаллиги (ас.т. Қандли диабет) — сахарная болезнь (ас.т. Сахарный диабет).

Қанот — крыло — ala

— бурун қаноти;

— ёнбош суяк қаноти;

— катта понасимон суяк қаноти.

Қашайма қорин — выпуклый живот

— истисқодан юзага келган қаппайма қорин .

Қарилик ақпастлиги — старческое слабоумие

— бош мия атрофиясидан юзага келган қарилик ақпастлиги.

Қария (син. ч о л) — старик

— 75 ёшдан ошган эркак статистик маълумотга кўра қария саналади.

Қатлама чок — послойный шов

— қатлама чок алоҳида-алоҳида қатлам ҳосил қилиб солинади.

Қиёслама перкуссия — сравнительная перкуссия

— қориндаги ўсмалар қиёслама перкуссия қилиб аниқланади.

Қизил илик — костный мозг красный

— умуртқа ва ясси суяқларда асосан қизил илик бўлади.

Қизилўнғач — пищевод

– қизилўнгач ҳазм системасини бошланғич қисми.

Кизиққон бемор – *вспыльчивый больной*.

Қизлик пардаси (ас. т. **Иффат пардаси**)

– девственная плева;

– қизлик пардаси қин даҳлизи билан қин бўшлиғи оралигида жойлашган бириктирувчи тўқимадан иборат.

Қиличоёқ (*халқ табобатида*).

Қилтомир (ас. т. **Капилляр**) – **капилляр**

– қон қилтомири;

– лимфатик қилтомир.

Қин I (син. **дилоқ**) – **влагалище I** – **vagina**

– қин – аёлларнинг жинсий аъзоси.

Қин II – **влагалище II** – **vagina**

– кўз соққаси қини;

– сийдик най қини;

– қорин тўғри мушаги қини.

Қин тушиш (син. **қин ағдарилиши**) – **выпадение влагалища** (син. **выворот влагалища**)

– қин тушиши бачадон тушиш билан бирга юз беради.

Қиринди – **соскок**

– бачадон қириндиси.

Қирра (*кўпроқ суякка нисбатан*) – **гребень**

– пешона суяги қирраси;

– қов суяги қирраси.

Қислоқ (ин. номи **Сфинктер**) – **сфинктер**

– тўғри ичак қислоғи;

– қин қислоғи.

Қисм – **часть** – **part**

– ҳалқум бурун қисми;

– ҳалқум ҳиқилдоқ қисми.

Қисқич – **зажим**; **щипцы**

– жарроҳлик қисқичи;

– игнасимон қисқич;

– ҳиқилдоқ қисқичи.

Қисқич-жуфтақ – **пинцет-зажим**.

Қичима I (син. **қичиқ I**) – **зуд**

– тери таъсирланишидан юзага келадиган қичима.

Қичима II – **почесуха**

– тери қичимаси;

– пуфақчали қичима.

Қобиқ – **оболочка**; **кора**; **плёнка**

– гавҳар қобиғи.

Қов I (ик. номи **Қов соҳаси**) – **лобковая область** (син. **надлобковая область**)

— қов равоғи.

Қов II (*сўхта маъносиди*) — пережжённая вата.

Қовоқ жияғи — кайма века.

Қовузлоқ — петля

— ичак қовузлоғи.

Қовурға бошчаси қирраси — гребень головки ребра.

Қовурға пичоқ — реберный нож

— ўлик ёришда ишлатиладиган қовурға пичоқ.

Қовурға қайчи — реберные ножницы

— қовурға ва тоғайларни қисиб қийиб олишга ишлатиладиган қайчи.

Қовушқоқлик (син. қовуш оқлик) — вязкость

— қовуштирувчи моддалар.

Қомат (син.: гавда бичими, гавда тузилиши, жусса, қадди-қомат) — телосложение (син. фигура)

— атлетик қомат.

Қон айланиш — кровообращение

— катта ва кичик қон айланиш системаси.

Қонаш — кровотечение — haemorrhagia

— ташқи аъзолар сирти қонаши.

Қон босим — кровяное давление

— қон босим ошиши гипертония;

— қон босим пасайиши гипотония.

Қон кетиш — кровотечение — haemorrhagia

— ички аъзолардан қон кетиш.

Қон оқиш — кровотечение — haemorrhagia

— ташқи аъзолардан қон оқиш.

Қон кўлмағи — кровяной затёк

— шикастланган ердан нарироқда тўпланган қон кўлмағи;

Қонли операция — кровавая операция

— қон чиқариб қилинадиган операция.

Қонсиз операция — безкровая операция

— қон чиқармай қилинадиган операция.

Қонталаш (ас.т. **Моматалоқ**) — синяк (ас.т. **Кровоподтёк**)

— қонталаш тери соҳаси.

Қон туплаш (син. қон тупуриш) — кровохарканье — haemoptoe

— қон туплаш зўрайиб кетган сил белгиси.

Қон югириш (-лар) (син. қон қуйилиш (-лар) I) — приливы

— меъдага қон югириши

— юзга қон югириб қиздириши.

Қон яралиш (син. қон ишлаб чиқариш, қон яра-
тилиш ва җ.) – кроветворение

– кўмик, талоқ каби аъзолар қон яралиш аъзолари саналади.

Қон қуюлиш (ас.т. Гемоконцентрация) – сгушение
крови (ас.т. Гемоконцентрация)

– қон таркибидаги сув микдорининг нисбатан кама-
йиши қон қуюлишига олиб келади.

Қоп – мешок; пузырь

- ёш қопи;
- лимфатик қоплар;
- сариқ тана қопи;
- ўт қопи.

Қопча – мешочек

- альвеоляр қопча;
- сферик қопча;
- тиш қопчаси.

Қопчиксимон – мешотчатый

- қопчиксимон бронхоэктаз;
- қопчиксимон тузилма.

Қопқа (син. дарвоза) – ворота

- буйрак усти беги қопқаси;
- жигар қопқаси;
- талоқ қопқаси.

Қораоқсоқ (ик. номи Бруцеллёз) (син.: Банг
касаллиги, Мальта иситмаси ва б.) – бруцеллёз
(син. болезнь Банга, мальтийская лихородка
ва б.)

– қораоқсоқ бактериал зоонозларга киради.

Қорачечак (ик. номи Геморрагик пустулали чечак) –
чёрная оспа (ас.т. Геморрагическая оспа пустулёзная)

– қорачечак чинчечакнинг бир хили (формаси).

Қорақўтир I (син.: пўстлоқ II, қатқалоқ) – корка

– қорақўтир яра-чақалар юзасида қуришиб қолган
қорамтир пўстлоқ.

Қорақўтир II – струп

– терида қотиб қолган қон ёки тўқималар қолдиғи.

Қоринбоғ – брюшник

– қорин операцияларидан кейин белга боғлаб
юриладиган қоринбоғ.

Қорин дамланиши (ик. номи Метеоризм) (син. ич
дамланиши) – метеоризм

– ичакларга ел (газ) йиғилиши қорин дамланишига
киради.

Қорин нафас – брюшное дыхание

– эркақлар қорин нафас олишади.

Қориноғриқ (*халқ табобатида*)

– қориноғриқ дарди.

Қорин парда – брюшина

– қорин парда қорин деворини ички томонидан ўраб туради.

Қоринча – желудочка

– бош мия қоринчаси;

– орқа мия қоринчаси;

– ҳиқилдоқ қоринчаси.

Қоғоноқ (син. ҳомила пардалари) – плодные оболочки

– қоғоноқ уч хил пардалардан таркиб топган ҳомила пардаси.

Қоғоноқ суви (син.: амнион суви, ҳомила суви) – околоплодные воды

– қоғоноқдан ажралиб чиқадиган сувни қоғоноқ суви деб аташ расм бўлган.

Қуймуч (син. ўтирғич) – седалище

– қуймуч суяги;

– қуймуч чурраси.

Қуллоб – бандаж

– қуллоб қорин чурраларини ушлаб туришга хизмат қилади.

Қулоқ бўртиғи – козелок

– қулоқ бўртиғи қулоқ йўлагини ҳимоялашга хизмат қилади.

Қулоқ супраси – (син.: қулоқ II, қулоқ чиганоғи) – ушная раковина (син. ухо)

– қулоқ супраси товуш қабул қилишга мослашган.

Қулоқ хотира – слуховая память

– қулоқ хотира эшитган товушларни эслаб қолишга ихтисослашган.

Қушюз – пгичье лицо

– қушюз юз тузилишининг бир кўриниши.

Кўзиш (*йўқолиб кетган касалликнинг қайталаниши*)

– темиратки бир неча йилларда кейин ҳам кўзиши мумкин.

Кўзғалиш I (*психиатрияда*) – возбуждение I

– баъзи руҳий беморлар ҳаракат активлиги билан кўзғалиши мумкин.

Кўзғалиш II (*физиологияда*) – возбуждение II

– тирик тўқималар ташқи таъсирларга кўзғалиш реакциялари билан жавоб беради.

Кўзғалиш III (кибернетикада) – возбуждение

– тинч ҳолатдаги ҳужайралар ансамбили тойдирувчи таъсирга жавобан кўзғалиш ҳолатига кўчади.

Кўзғалувчанлик I – возбудимость

– ихтисослашагн тўқималар (нерв, мушак ва б.лар) таъсирланишларга кўзғалувчанлик лаёқатига кўра у ёхуд бу даражада кўзғаладилар.

Кўзғалувчанлик II – раздражительность

– асабий беморлар арзимас таъсирловчи гап-сўзларга ҳам ўта кўзғалувчанлик билан муносабат билдирадилар.

Кўзғатиш (син. қўзғаш) – возбуждать

– сил микобактериясининг организмга тушиб сил касаллигини кўзғатиши.

Кўл панжа – кисть

– қисқа бармоқли кўл панжа.

Кўлтиқтаёқ – костыли

Кўл тушиш (туғруқда) – выпадение ручки

– кўл тушиш баъзан ҳомила боши олдин келганда кузатилади.

Кўл чок – ручной шов

– аппаратсиз кўлда бажарилган ҳар ҳандай тикув ишлари кўл чокка киради.

Кўрқувдан кўрқиш (ас.т. Фобифобия) – страх

– кўрқув ҳолатига тушиб қолишдан кўрқиш кўрқувдан кўрқишга киради.

Кўшиқ тугунчалари (ас.т. Тугунчали ларингит) – певческие узелки (ас.т. Узелковый ларингит)

– лекция ўқийдиган, кўшиқ айтадиган кишиларнинг овоз бурмаларида кўшиқ тугунчалари деб аталувчи бир жуфт тугунча ҳосил бўлади.

Кўшоқ – шестипалый

– оёқ ёки кўл бармоғи (аксари, бош бармоқ)нинг эгиз бўлишини кўшоқ дейиш расм бўлган.

Кўш қоринли мушак – двубрюшковая мышца

– кўкрак қафаси кўш қоринли мушаги.

Кўғирчоқ юриш – кукольная походка.

F

Ғадир-будир – бугристый; шершавый

– катта болдир суяги ғадир-будир.

Ғалвирсимон (*кўпроқ суякка нисбатан*) — решетчатая
— ғалвирсимон суяк.

Ғалтак (*анатомияда*) — блок
— елка суяги ғалтаги;
— ошиқ суяк ғалтаги.

Ғалтаксимон — блоковой; блоковидный
— ғалтаксимон суяк.

Ғижимлаб оғриш (син. ми жиғлаб оғриш)
— қориннинг ғижимлаб оғриши.

Ғичирлаш (ик. Крепитация) — крепитация
— майдаланиб синган суякнинг тери-эт остида
ғижирлаши.

Ғовак — губчатый
— ясси суякларнинг ғовак моддаси.

Ғовак модда (*майда катакли*) — губчатое вещество
— ясси суякларнинг ғовак моддаси.

Ғозжигар — гусиная печень
— сарғиш, ёғли, дистрофик жигар ғозжигар деб
аталади.

Ғозтери — гусиная кожа
— совқотганда, кўрқиб кетганда тук фолликулалари-
нинг кўтарилиб ғозтери кўринишини олиши.

Ғор — пещера — *antrum*
— ғорсимон бўшлиқ (синус).

Ғудда — шишка — *tuber*
— суяк ғуддаси.

Ғуддасимон — шишковидный — *tuberosus*
— ғуддасимон тана (син. ғуррасимон тана);
— ғуррасимон чўнтак.

Ҳ

Ҳаб (ик. номи Ҳаб дори)
— пилюля;
— аччиқ-тахир дорилар ҳаб шаклида чиқарилади.

Ҳавза I (*спортда*) — бассейн
— жаҳон талабларига жавоб берадиган спорт ҳавзаси.

Ҳавза II (*анатомияда*) — цистерна — *cisterna*
— катта мия чуқурчаси;
— «мияча-мия» ҳавзаси;
— ўргимчак ини ости ҳавзаси.

Ҳаво билан даволаш (ас. т. Ҳаво терапия) —
аэротерапия.

Ҳаво ванналари — воздушные ванны

— ҳаво ванналарини денгиз соҳилларида тоғ этақларида олганда унинг нафи юқори бўлади.

Ҳаволи эмболия — **воздушная эмболия**.

Ҳазмлик (син.: ҳазм бўлишлик, ҳазм қилишлик) — **переваримость**

— овқат маҳсулотларининг ҳазмлик даражаси уларнинг сифатини белгилайди.

Ҳаётӣ анамнез — **анамнез жизни**

— беморнинг ҳаётӣ анамнезини йиғиш.

Ҳайз — **менструация**

— ҳайз 28—30 кун оралатиб келади.

Ҳаллослаш (син.: ҳансираш, ҳарсиллаш)

— оғир меҳнатдан ҳаллослаш;

— тез югиришдан ҳаллослаш.

Ҳалқум (син. ютқин) — **глотка**

— ҳалқум шамоллаши.

Ҳамшир — **медбрат**.

Ҳамшира — **медсестра**.

Ҳаракатли кўзғалиш — **двигательное возбуждение**

— ҳаракатли кўзғалиш автоматизм билан юзага чиқадиган ҳаракатлар мажмуи.

Ҳаракат хотира — **двигательная память**

— ҳаракат хотираси кучли одам.

Ҳароммағиз (ас. т. Орқа мия) — **спинной мозг**.

Ҳарорат сезувчанлик — **температурная чувствительность**

— ҳарорат сезувчанлик атроф-муҳит ҳароратини қай даражада сезиш билан белгиланади.

Ҳид сезувчанлик — **обонятельная чувствительность**

— ҳид сезувчанлик ҳид билиш аъзоларининг лаёқат даражасини белгилайди.

Ҳимоя кўзойнак — **защитные очки**

— ҳимоя кўзойнак ҳар хил кимёвий, механик таъсирла-нишлардан асрайди.

Ҳимоя суртма (син. профилактик суртма) — **защитная мазь** (син. профилактическая мазь).

Ҳирс (эҳтирос; истак)

— ҳирсни қондириш.

Ҳиссий хотира — **эмоциональная память**

— ҳиссий хотираси кучли (ёки кучсиз) одам.

Ҳис этиш — **осязание**

— атроф-муҳит таъсирлари ҳис этиш билан идрок қилинади.

Ҳиқилдоқ (син. бўғиз) — **горган**

— овоз ҳам ҳиқилдоқда юзага келади.

Ҳиқичоқ — икота

— ҳиқичоқ тутиш.

Ҳолдан тойиш (син. ф у т у р д а н к е т и ш) — изнурение

— оғир, сурункали касалликларда ҳам ҳолдан тойиш кузатилади.

Ҳомила боши билан келиши — предлежание плода головная

— ҳомила боши билан келиши нормал ҳисобланади.

Ҳомила келиши — предлежание плода

— туғруқда ҳомила келиши бир неча хил бўлади.

Ҳомила пуфағи (*ҳомила пардаларининг олдинги қоғоноқ сувини ўзига жо қилган қисми*) — плодный пузырь.

Ҳомила суви (ас. т. Қоғоноқ суви) — околородные воды

— ҳомила сувида ҳомила учун зарур бўлган барча моддалар бўлади.

Ҳомила тушиш (ас. т. Аборт) — аборт (син. в ы к и д ы ш)

— 28 ҳафталик даври ичида ҳомиланинг кутилмаганда тушиши ҳомила тушишга киради.

Ҳориш (ас. т. Чарчаш) — усталость

— дам-бадам ҳориш касалликни зўрайтириб юборади.

Ҳосила (ик. номи Дериват) — дериват

— гормон ҳосиласи.

Ҳошия — кайма; полосок; лампас

— ҳошияли кесиш.

Ҳудуд II — участка.

Ҳужайрали эмболия (син. т ў қ и м а л и э м б о л и я) — клеточная эмболия.

Ҳужайра экмаси (син. ҳ у ж а й р а к у л ь т у р а с и) — культура клеток.

Ҳужара (ас. т. Камера) — камера

— кўз олд ҳужараси;

— сунъий иқлим ҳужараси.

Ҳуснбузар (син. б ў ж а м а) — утри

— безлашган ҳуснбузар;

— чаплашган ҳуснбузар.

Ҳушдан кетиш (син. ҳ у ш н и й ў қ о т и ш) — обморок

— мия қонсизланиши оқибатида ҳушдан кетиш.

Ҳўкиз юрағи — бычьё сердце

— ҳўкиз юрағи кардиомегалиянинг янада зўрайган хили.

Ҳўпоз — карбункул

— думбага чиқадиган ҳўпоз.

Хўқна — клизма

— дорили хўқна;

— тозаловчи хўқна.

ХОТИМА

Тиббиёт (расча-байналмилал «медицина») дейилганда «инсоннинг соғлигини сақлаш, касалликларнинг олдини олиш, касалликлар ҳақидаги ва уларни аниқлаш ҳамда даволаш йўллариини ўрганадиган фан» тушунилади. Бу масаланинг бир томони. Шу билан бирга, тиббиёт амалиёт ҳам ҳисобланади. Чунки у фақат айтилганларни ўрганибгина қолмайди, балки бевосита амалий иш билан ҳам шуғулланади, яъни инсонни касалликдан асрайди. Шунинг учун ҳам тиббиёт ниҳоят даражада кенг қамровли ўзига хос бир йирик соҳа ҳисобланади. Бинобарин, бунда амалиётнинг 50 дан ортиқ соҳа тармоқлари қарор топган. Мана буларнинг айримлари: терапия, жарроҳлик, оториноларингология, офтальмология, венерология, дерматология, эндокринология, психиатрия, невропатология, акушерлик, гинекология, педиатрия, анатомия, гистология, физиология, патология, гигиена, биокимё, биофизика, радиология, иммунология, эпидемиология, микробиология, онкология, рентгенология, стоматология, гематология, фармация, фармакология, фтизиатрия, пульмонология, травматология, ортопедия, урология ва бошқалар.

Шуниси ҳам борки, мазкур соҳаларнинг барчаси умумий терминлар билан бир қаторда ўзининг ўзига хос терминларига эга. Уларнинг жамулжами эса **тиббиёт терминологияси системасини** ташкил этади. Бундай терминларнинг шаклланиш тарихи эса узоқ ўтмишга бориб тақалади. Фикримизнинг исботи учун айрим далилларга мурожаат қиламиз.

Луғатшунос бобокалонимиз **Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғатит турк»¹** номли капитал асари борлигини яхши биламиз. Луғатда XI асргача халқ тилида ишлатилиб келинган, ўша вақтларда кенг истеъмолда бўлган, инсон фаолиятининг жуда кўп қирраларида қўлланган кўплаб терминлар ўз ифодасини топган. Шуниси диққатга сазоворки, бундай терминларнинг бир талайи ҳозирги кунларгача етиб келган бўлиб, замонавий тиббиёт терминологиясида ўзига хос ўринни эгаллаб келмоқда (бундай терминларнинг айримлари бироз фонетик фарқ қилишини таъкидлаймиз; уларни ўқишни осонлаштириш мақсадида транскрипциясиз

¹ Кошғарий М. Девоне луғатит турк. I—II—III томлар. — Тошкент, 1961—1963 йй.

келтириш лозим деб топилди). «Девон»да ўз ифодасини топган тиббий терминлар ҳақида бир қадар тасаввур ҳосил қилиш мақсадида биринчи галда «Девон» тузилган вақтда ишлатилган, ҳозирда эса қўлланмаётган тиббий терминлардан намуналар келтирамиз: *кээик* (безгак), *кээуш* (шишга суртиладиган бир хил дори), *кэм* (касаллик), *кээтут пиши* (очкўз), *киркин* (шаҳват), *кўг* (бетга тушадиган доғ), *кўкуз* (кўкрак), *кўсакчи* (иштаҳали киши), *кўсри* (кўкрак қовурғалари), *куларган* (шишиб кетадиган қорин), *култуғу* (тутқанок), *майғуқ* (оёғи эгри киши), *менг//менгиз* (ҳол), *мунди* (ақлдан озди), *салунди* (эркаклар кокили), *самлади* (эмлади, даволади), *сағ* (ақл), *ата сағун* (табиб), *сақақ* (энгак, ияк), *сингири* (тиришиш), *саламуқ* (чапақай), *сўғал* (касал, бемор), *сўгнади* (сўғални даволади), *сўгнагу* (тирноқ билан гўшт орасига чиқадиган чиқиқ) ва бошқалар. «Девон»нинг биз учун қимматли томони шундаки, унда ҳозирда ҳам тиббиёт терминологияси системасида ишлатиб келинаётган терминлар қайд этилган. Юздан ортиқ шундай терминларнинг айримларини намуна тариқасида келтириб ўтамиз: *кўз қабақи*, *без*, *сиш* (шиш), *тоз*, *ала*, *кал*, *букри*, *қотур* (қўтир), *кэкирди*, *кэпак* (бош кепаги), *кирпик* (киприк), *кўз*, *кўнгул* (юрак), *кулгу* (1. кулги; 2. ҳушдан кеткизувчи сакта касаллиги), *мунглуғ* (мунгли одам), *самурсақ* (саримсоқ), *сариг* (сариқ касали), *соч* (соч), *сақал*, *севинч*, *семизлик*, *сигил* (сўғал), *сидук* (сийдик), *сирка* (уксус), *соғул* (сўғал), *сут* ва бошқалар.

Маълумки, IX–XI асрларда Ўрта Осиё (ҳозир Марказий Осиё) заминида кўплаб тибшунос олимлар ҳам етишиб чиқди. Абу Али ибн Сино мана шундай буюк олимлардан бири эди. Унинг қаламига мансуб «Тиб қонунлари» ва ўттиздан ортиқ тиббиётга алоқадар рисоалари фикримизнинг далилидир. Тўғри, буюк аллома бу асарларини араб тилида ёзган. Унда аслида арабча ва форс-тожикча терминлар билан иш кўрилган. Бироқ бундай терминларнинг баъзилари истеъмождан тушиб қолган бўлса ҳамки, талай қисми ҳозирда ҳам ишлатилиб қолинмоқда. *Қуланж*, *ниқрис*, *феъл* (феъли айниди), *қувват*, *хина*, *бухрон*, *шақиқа*, *ақл*, *мизож*, *мушк*, *саратон*, *назла*, *тарёқ*, *бавосир*, *асаб*, *аззо*, *дард*, *дори* (*дору*), *жавҳар*, *жароҳат*, *зотилжам*, *кайф*, *маний*, *меъда*, *руҳ*, *савдо*, *сакта*, *сафро*, *сарсом*, *тиб*, *шароб*, *ҳазм*, *ҳаким*, *ҳис*, *ҳомила*, *ҳарорат* ва бошқалар шундай терминлар жумласидандир.

Тиббий терминлар тарихи ҳақида гап кетар экан, буюк аллома Алишер Навоийнинг номини тилга олмай бўмайди. Чунки унинг боқий асарларида тиббиётга оид юзлаб

терминлар ишлатилган. Уларнинг бир қисми образ яратиш учун хизмат қилдирилган бўлса, бошқаларидан **реал воқеликни акс эттириш** учун фойдаланилган.

Бундай терминларни қўлланиш доирасига кўра икки гуруҳга ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Алишер Навоий яшаган даврда ишлатилган, лекин ҳозирда қўлланилмаётган тиббий терминлар. Шундай терминлар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин: *сакарот* (жон талвасаси), *салим* (соғлом), *сам* (заҳар), *саргарон* (гангиган, довдираган, боши айланган, маст), *сарҳут* (кайф, шароб кайфи), *сақим* (қасал, ҳаста, бемор), *сақоғ* (ияк, бағбақа), *сиблат* (мўйлов), *сибт* (насл, бола), *табхола* (учук), *талоч* (ғилай), *тийнат* (хулқ, феъл), *тифл* (бола, гўдак, чақалоқ), *тифлзод* (болаликдан, туғилишдан таниқли белги), *торак* (бошнинг тепа қисми, бош), *туган* (яра ва жароҳатнинг изи, доғи), *тўрра* (кокил), *қаруҳ* (яра, жароҳат) ва б. лар.

Уларни англлатган маъноларидан келиб чиқиб қуйидагича гуруҳлаштириш мумкин:

1. Касалликлар ёхуд уларнинг симптом ҳамда синдромларини англлатувчи терминлар: *буқук* (буқоқ), *толғар* (юрақбуруғ, ичкетиш), *безгак* (безгак), *без* (эт билан тери орасида пайдо бўладиган шиш) ва б. лар.

2. Анатомияга оид терминлар: *баш* (бош), *сақақ* (ияк), *сач* (соч), *эт* (гўшт), *тиз* (тизза), *бел* (бел) ва б. лар.

3. Физиологияга оид терминлар: *кэгут* киши (хўрак одам), *йуму эр* (пакана киши), *йаваш* (юввош одам), *туш* (туш), *йашлиғ* (ёшлик), *сағ* (соғлиқ) ва б. лар.

4. Танадан ёки аъзолардан чиқадиган суюқликларни англлатувчи терминлар: *қан* (қон), *йаш* (ёш), *лиш I* (сўлак), *лиш II* (балғам) ва б. лар.

5. Фармацияга алоқадор терминлар: *йақиғ* (яра дориси), *йипар* (ипор, мушк), *тойоти* (дори ўт) ва б. лар.

Ўзбек тилининг қадимий терминологияси «хужжатлаштирган» манбаларга: Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Хоразмий, Дурбек, Атоий, Саккокий, Лутфий каби бир қатор шоиру фузалоларнинг асарларини келтириб ўтиш мумкин. Аммо луғат ҳажми тақозоси билан улар ҳақида тўхташга имкон йўқ.

2. Алишер Навоий яшаган даврда ҳам, ҳозирда ҳам тиббиёт терминологиясида ишлатилиб келинаётган терминлар. Бундай терминларнинг бир қисми асли ўзбекча, бошқа бир қисми эса форс-тожикча ёхуд арабча, ёинки уларнинг омихтасидан иборат эканлигини алоҳида уқтириб ўтамиз. Фикримизни

қуйидаги мисоллар тасдиқлай олади: *сариқоғриқ//сариқоғриқ* (сарик касаллиги), *савдойи* (телба), *сабр, савдо* (1. ақлдан озиш, мажнунлик; 2. касаллик номи), *саломатлиқ, саросима, сақол, севмаклик, табиб, табобат, табон//тобон* (товон), *табъ* (табъи хира), *талхулиқ* (аччиқлик), *телба, телбалик, тер, тери, тетик, тиб* (б), *тиз* (тизза), *тил, тирик, тириклик, тирноғ, тиш, тоб* (ҳарорат, иссиқлик), *тобсиз, тоз* (кал), *томиши* (маза, таъм), *тоун* (ўлат), *тунд, қабарчуқ* (қавариқ, учуқ; чипқон, кўрчипқон), *қабза, қарилиғ//қарилиқ, қаҳқаҳа, қичиш, қон, қорин, қош, қувват, қувватлиғ, қурсоқ//қурсоғ* ва б. лар.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан кейин, Ўрта Осиё, жумладан, ҳозирги Ўзбекистон ҳам Россия тасарруфига ўтганлигини яхши биламиз. Бу босқинчиликнинг сиёатимиз, иқтисодиётимиз, маданий қадриятларимизга қанчалик салбий таъсир кўрсатганлигини ҳам биламиз. Аммо бизни бу ўринда бошқа масала қизиқтиради. Гап шундаки, босқинчилик нақадар оғир бўлишидан қатъи назар, ўлкамизда ҳам фан ва техника соҳасида анча-мунча ўзгаришлар рўй бера бошлади, яъни жаҳон миқёсидаги янгиликлар кириб кела бошлади. Шундай янгиликлардан бири ўлкамизда ҳам айрим шифоналар — амбулаториялар, касалхоналар, госпиталлар очила бошланганлиги бўлди. Натижада, аста-секинлик билан она тилимизга русча-байналмилал тиббий терминлар ҳам ўзлаша борди. Ўша давр вақтли матбуоти кузатилганда ёзма нутқда ҳам шундай терминларнинг ўзбек тилига кириб келганлигини кўриш мумкин. Қуйида келтирилган айрим мисоллар шундан далолат беради (таъкидлаш жоизки, ўзлашма терминларнинг деярли барчаси оғзаки нутқ талаффузига мослаштириб ўзлаштирилган эди): *оптик* (аптека), *вироч* (врач), *гўспитол* (госпиталь), *гродус* (градус; термометр), *дўхтур//духтур//дўхтир//духтир* (доктор; врач), *дўхтурхона, дифтирит* (дифтерит), *испирт* (спирт), *камприс* (компресс), *моссож* (массаж), *микрўб//микрўб* (микроб), *мўрфи* (морфий), *порошук* (порошок), *рок* (рак), *сонитар* (санитар), *сониторний камисия* (санаторный комиссия), *термўметр* (термометр), *фелдшир* (фельдшер), *фелдширхона, хина* (хинин), чума ва бошқалар.

XX асрнинг 20-йилларидан кейин эса ўзбек тилининг тиббий терминологияси фақат русча-байналмилал терминлар ҳисобига тўлдирила бошланди. Ўзбекча (баъзилари аллақачон ўзлашиб бўлган форс-тожикча ёхуд арабча) тиббий терминлар эса онда-сонда тилга олинадиган бўлиб қолди.

Ўзбекистон Республикаси Мустақилликка эришгандан кейин эса барча соҳалар терминологияси, жумладан, тиббиёт терминологиясининг ҳам ўзбекча терминлар билан бойитилишига кенг йўл очиб берилди. Кейинги йилларда таржима қилинган, маҳаллий тиббиёт ходимлари томонидан яратилган (Н.Н.Хўжаева, А.У.Шоюсупова. Психиатрия. Т. 1995 ва б. лар) дарслик ва қўлланмалар, баъзи луғатлар (Тиббиёт қомусий луғати. Т., 1994; Русча-лотинча-ўзбекча тиббий луғат. Т., 1996), матбуот саҳифаларида эълон қилинаётган тиббиётга оид саҳифаларда бот-бот ишлатиб келинаётган ўзбекча тиббий терминлар фикримизнинг ёрқин исботидир.

Келтирилган далиллардан ўзбек тилининг тиббиёт терминологияси мураккаб шаклланиш жараёнини бошидан кечириб келганлиги аён бўлди, деб ўйлаймиз. Бу терминологик тизимнинг ҳозирги босқичда маълум даражада шаклланиб бўлганлиги ҳақида бир қадар тасаввур ҳосил қилиш учун **тиббий терминларнинг генетик асослари**, яъни қайси тилларга мансублиги масаласи китобхонларни қизиқтирса керак. Чунки дунёда соф тил, бинобарин, соф лисоний терминология бўлмаганидек, ўзбек тилининг тиббиёт терминологияси ҳам турли тилларга оид луғавий бирликлар ҳисобига шакллана бошлади ва ҳозирги ҳолатига етиб келди.

Шундай қилиб, ҳозирги ўзбек тилининг тиббиёт терминологияси таркибида қуйидаги тилларга оид терминлар мавжуд:

1. Асли ўзбекча (уларнинг баъзилари умумтуркий) **тиббий терминлар**: сариқ//саргайма, сезгирлик, сезиш, семизлик, сепкил, сергаклик, сийғоқ, симён (ориқ ва рангпар одам), эмлаш, чирқироқ//зирқироқ, совуққон (-лик), совуқлик (акси: иссиқлик), эмчак, соч, соқов, соқол, соғ (-лик), соғачтиш, соғлом (-лик), шилпиқ, сурги, сут, суюқлик, суяк (-дор), суякланиш, суқ, сўғал, сўйлик, сўпоқлик, сўрғич, чандиқ, танглай, телба (-лик), тер, чечак, терлаш, тери, эсноқ, терлама, терлоқ//терчил, тиз//тизза, тил, тилча, тин, тиним, тинка, тинчлик, тириклик, тиришиқ, тирноқ, тирсак, тиртиқ, тиш, товон, томизғи (дори), томоқ, тоғай, шилпиқ, тугун (нерв тугуни), тузланиш, тук, тутқаноқ, туш, туғилиш, туғдириш, туғуруқ, тўлғоқ, тўқлик, увишиш ва б. лар.

2. Форс-тожикча тиббий терминлар: саросима, сурма, сушт, сўзак, таб (таб босиш), табгир (табгир дори), тахтакач, ташна, тоб (тоб қочиш), тутиё, фарзанд, халта (кўз халтаси), хориш, хасмол, хаста, хастадил, хафа, хол, холдор, хун, хунук, хурмо, чарви, шакар, шикаст, шотут ва б. лар.

3. **Араб тилидан ўзлаштирилган тиббий терминлар:** сабий (кўкракдан ажратилган бола), савдойи, саломат, саратон, сафро, сиҳат, сиҳат-саломат, супра (қулоқ супраси), табиат, табиб, табобат, таваллуд, тажанг, тажриба, талваса, талоқ, тан, тана, таносил, таъм, таъсир, ташхис, тиб, тиббиёт, тоун, тоқат, фалаж, фаросат, фасод, феъл, хина, хотира, хумор, хуруж, шарбат, шол, эҳтирос ва б. лар.

4. **Русча-байналмилал тиббий терминлар:** санитария, секреция, сепсис, сиворотка, скелет, стоматология, таблетка, терапевт, терапия, термометр, тон, трахома, укол, фермент, физиология, физиотерапевт, физиотерапия, физкультура, фильтрация, формалин, фтизиатр, фтизиатрия, халат, характер, хинин, хлор, хлороформ, эмбрион, эмбриология, эпидемиолог, эпидемиология, эпидемия, шанкр, шизобулия, шизофрения, шок, экстракт, эндокринология, эндоскоп, энцефалит, эректор, лактация, миокард, ринофима, лейкоз, кетгут, доза ва б. лар.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, келтирилган мисолларнинг биринчи гуруҳи соф ўзбекчалиги билан ажралиб туради. Шунингдек, иккинчи, учинчи, тўртинчи гуруҳдаги терминлар ҳам, гарчи аслида форс-тожик, араб тилларида ҳамда русча-байналмилал бўлса-да, ҳозирги босқичда ўз тилимизнинг «мулки»га айланиб қолди. Бундай терминларнинг ҳақиқатан ҳам ўзбек тилида, унинг тиббиёт терминологиясида чуқур илдиз отганлигини, асли ўзбекча терминлар қаторидан жой олганлигини тасдиқловчи муҳим бир омил ҳам бор. Бу — ўзлашма терминларнинг қайта терминлашиш жараёни билан боғлиқ бўлган муҳим бир омилдир. Фикримизни далиллар билан исботлашга ҳаракат қиламиз.

Маълумки, *хафа* аслида физиологик термин бўлиб, у «ғамли, қайғули, хасратли» ва шундай белгиларга эга бўлган ҳолат маъносини ифодалайди. Унга асли ўзбекча *қон* («плазма ва ундаги осилма шакли элементлардан таркиб топган суюқ тўқима») тиббий терминининг қўшилишидан янги бир тиббий термин яратилган, яъни *хафақон*. У қуйидаги маънони ифодалайди: «қон босимининг ортиши туфайли юз берадиган касаллик». Ўз навбатида, мазкур луғавий бирликдан учинчи янги термин ҳосил қилинган, яъни *хафа+қон+лик*.

Яна битта тиббий термин ҳақида сўз юритайлик. *Шаб* асли форс-тожикча бўлиб, «кеч, кеча, тун» маъносини ифодалайди. Тўғри, унинг тиббиётга алоқаси йўқ, яъни у тиббий термин эмас. Бироқ унга «иккала кўзи ёруғликни бугунлай сезмайдиган одам; ёруғликни бутунлай сезмайдиган кўз» маъносини ифодаловчи *кўр* луғавий бирлигининг

кўшилиши туфайли *шабкўр* деб аталган янги бир тиббий термин ҳосил бўлганки, қуйидаги маъноларни касб этган:

1. Кўз тўр пардасининг ёруғлик сезувчи таёқчасимон ҳужайралари функцияси бузилиши оқибатида ёруғлик етишмай қолган шароитларда кўрмай қолиш ёки ғира-шира кўриш. 2. Қоронғида кўрмайдиган одам.

Ўз навбатида, янги яратилган *шабкўр* терминига *-лик* аффиксини қўшиш йўли билан *шабкўрлик* деб аталган яна битта термин ҳосил қилинган.

Келтирилган мисоллар масаланинг бир томонини кўрсатишга хизмат қилади. Масаланинг иккинчи жиҳати ҳам амалда эканлигини таъкидлаб ўтамыз. Бу, юқоридан фарқи ўлароқ, қуйидагича рўй беради: ўз «мулки»мизга айланиб қолган ўзлашма луғавий бирликка, яъни асосларга асли ўзбекча, шунингдек, бошқа тиллардан ўзлаштирилган ясовчи кўшимчаларнинг қўшилиши туфайли ҳам қайта терминлашиш ҳодисаси рўй беради. Ҳосил бўлган янги термин соф ўзбекча термин мақомини олади. Бундай ясовчи кўшимчалар ҳар учала гуруҳга оид ўзлашма луғавий бирликларга қўшилиб кела олади:

– **форс-тожик тилларидан ўзлаштирилган асосларга:** бадбуруш+лик, бемор+лик, гиёҳванд+лик, дабба+лик, дона+ча, доривор+лик, доя+лик, жигар+лан+иш, заҳар+лан+иш, чапа+қай ва б. лар;

– **араб тилидан ўзлаштирилган асосларга:** бавосир+лик, шамол+лаш, васваса+лик, даво+лаш, даво+лан+иш, диққат+боз+лик, жароҳат+лан+иш, жарроҳ+лик, жинни+лик, зарар+сиз+лан+тир+иш ва б. лар;

– **русча-байналмиал ўзлашма асосларга:** акушер+лик, гигиена+чи, кодеин+хўр+лик, крахмал+лан+иш, крио-жарроҳ+лик, невроз+лик, паразит+лик, кислота+ли+лик, код+лаш+тир+иш, кондинцион+лаш+тир+иш ва б. лар.

Келтирилган «далилий ашёлар», яъни терминлар ўзбек тили тиббиёт терминологиясининг нақадар катта луғавий бойликка – тиббий терминларга эга эканлигидан далолат беради. Бу бойликни тўплаш ва уни юзага чиқариш учун эса жуда кўп «тер тўкиш»га тўғри келади. Эндиги гап, гарчи нокамтаринлик бўлса-да, шу ҳақда боради.

Авалло шуни таъкидлаш лозимки, мазкур тўрт жилдли луғатни майдонга келтириш осонлик билан кечмади. Уни бунёд этишда, биринчи галда, тиббий терминларни тўплаш, маълум тартиб асосида системалаштириш, бу терминлардан ҳар бирининг изоҳини аниқлаш, уларнинг қўлланиш доирасини белгилаш, нотўғри ишлатилаётган терминларга аниқлик

киритиш каби ўнлаб масалаларни ечиш лозим эди. Бундай ўта мураккаб ва чигал масалаларни ҳал этиш учун эса махсус тайёргарлик ва каттагина тажриба талаб қилинган эди. Ўйлаймизки, қуйида қисқача баён этилган илмий изланишдан иборат ҳаёт йўлимиз ишимизни бунёд этишнинг асоси бўлиб хизмат қилди.

Ўрта маълумотга эга бўлингандан кейин фельдшерлик муахассислигини эгаллашга тўғри келди ҳамда тиббий муассасаларда ўн йилдан ортиқроқ хизмат адо этилди. Шу билан бирга, филологик маълумотга ҳам эга бўлинди, яъни Тошкент давлат педагогика институти тил ва адабиёт факультетида олий таълим олинди (1963–1971 йиллар). Ниҳоят, 1971–1988 йиллар давомида собиқ «Медицина» (кейинги «Абу Али ибн Сино») нашриётида иш олиб борилди. Аини шу муассасада тиббиёт терминлари масалалари каминани қизиқтира бошлади. Чунки тиббиёт адабиётларини таҳрир қилиш ёхуд таржима қилиш жараёнида тиббий терминларнинг ҳам тушунчаларни аниқ, ихчам, қисқа ва тўғри ифодалай олиши лозим эканлигига ишонч ҳосил қилинди. Ҳамкасабалар билан фикр алмашинувлар, ўқиш-ўрганиш, ҳаётий тажрибалар асосида ўзимиз фойдаланишимиз лозим бўлган тиббий терминлар хусусида айрим қайдлар қоғозга туширила борилдики, бу хатти-ҳаракатлар тиббиёт адабиётларини таҳрир ёки таржима қилишнинг анча осон кўча бошлашига шароит яратди. Каминанинг таҳрирлигида нашр этилган ва таржима қилинган (қ. «Муаллифнинг илмий фаолиятдан намуналар» – 472- б.) дарслик, қўлланма ёхуд рисоаларда ўз ўрнида ва тўғри ишлатилган тиббий терминлар шундан далолат беради.

Энг муҳими, тиббиёт терминологияси соҳасидаги ишимиз илмий тадқиқотларда ҳам давом эттирилганлигидандир. 1988 йилда ҳимоя қилинган «Ҳозирги ўзбек тилида фармацевтика терминологияси» номли номзодлик диссертацияси, шу мавзуга бағишланган кўплаб илмий маҳолалар (қ. «Муаллифнинг илмий фаолиятдан намуналар» – 472- б.) тиббий терминларни тадқиқ этиш ва шу терминологик тизимдаги терминларни тартибга солиш юзасидан олиб борилган муҳим ишлар шулар жумласидандир.

Ўзбекистон фанлар академияси Тил ва адабиёт институтининг терминология бўлимида олиб борилган фаолиятимиз (1988–2000 йиллар) натижаси ўлароқ талайгина илмий мақолаларимиз чоп этилди (қ. «Муаллифнинг илмий фаолиятдан намуналар» – 472- б.). Республика миқёсидаги қатор анжуманларда маърузалар қилиндики, улар ҳам

тиббийёт терминологиясининг долзарб масалаларига бағишлангандир.

Илмий-тадқиқот ишларимизнинг амалий натижалари эса нашр этилган бир қатор луғатларимизда ҳам ўз аксини топган (қ. «Муаллифнинг илмий фаолиятдан намуналар» — 472- б.).

Кўрсатиб ўтилган ҳаётий ва илмий тажрибаларимиз мазкур тўрт жилдли тиббий терминлар изоҳли луғатини яратиш имконини туғдирди десак хато қилмаган бўламиз. Зеро, мазкур иш 40 йиллик изланиш ва меҳнатимиз мевасидир. Тўғри, дунё миқёсидаги нашр этилган луҳатларнинг жуда кўп қисми ўнлаб, юзлаб шахсларнинг иштирокида яратилган. Бироқ, тарихда ёлғиз муаллифлар яратган луғатлар оз эмас. Жумладан, буюк бобокалонимиз Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғатит турк» номли оламга машҳур 3 жилдли асари, машҳур рус луғатшуноси В.И. Даль томонидан тузилган «Жонли великорус тилининг изоҳли луғати» («Толковый словарь живого великорусского языка») номли 4 жилдли луғати ва бошқалар фикримизнинг ёрқин исботидир.

Камтаринлик бўлмаса-да, қанчалик қийин кечган бўлмасин, биз ҳам шу йўлдан боришга жазм этдик ва қўлингиздаги 4 жилдли «Тиббий терминлар изоҳли луғати»ни яратишга эришса оддик. Шуни алоҳида уқтириш лозимки, мазкур ишда тахминан 30 мингдан ортиқ тиббий терминга баҳоли-қудрат изоҳ берилди, бу терминларнинг синонимлари ва вариантлари, русча ва лотин-грекча муқобиллари аниқланди. Бундан мақсад: тиббийёт соҳасида қўлланаётган терминларни тўплаш, уларни тартибга келштириш ва уларни фақат тор мутахассисларгагина эмас, балки кенг китобхонлар оммасига етказиш бўлди. Бундан тиббийёт илмини ўрганувчилар ҳам, илмий изланишлар олиб борувчилар ҳам, «билмагандан кўра билган яхши» дегувчилар ҳам тўла манфаатдор бўлади, деб ўйлаймиз.

Буюк рус ёзувчиси А.С. Пушкин француз олими Декартнинг бир жумласини ўзгартириб шундай деб ёзган: «Сўзларнинг маъносини аниқланг ва шунда сиз оламни унинг ярим адашишларидан холос этган бўласиз» (А.С. Пушкин. Полное собрание сочинений. Т. XI. — Москва, 1949, с. 434). Ҳақиқат деб тан олинган бу сўзлар бевосита терминологияга, хусусан, тиббийёт терминологиясига ҳам алоқадордир. Шунинг учун луғатимизни тузишда ҳар бир терминнинг барча терминологик принципларга мос бўлишини, изоҳларнинг аниқ ва тўғри берилишини таъминлашга ҳаракат қилинди, лозим топилганда янги-янги терминлар ҳам яратилди ва китобхонлар ҳамда мутахассислар ҳукмига ҳавола этилди (бу

масалалар луғат I жилдининг «Кириш» қисмида ўзининг тўлиқ ифодасини топган).

Ҳаммага маълумки, термин инсонни ўз фикр-мулоҳазаларини ихчамлашга, қисқа, лўнда қилиб тушунтиришга, ортиқча сўз ва маънолардан озод бўлишга ва оқибат натижада уларни қолишга солиб ифодалашга ўргатади. Ким терминларга эътибор билан қарар экан, эслаб қолар экан, у илмий тушунчаларга бой бўлади, демак, у илмдор бўлади. Энг муҳими, у ўз билимини нутқида ифодалар экан, энг осон, қисқа, лўнда термин ишлатиб ифодалашга ўрганadi. Ўз навбатида, термин ўзининг ихчамлиги, залворли маъноси билан ақлни баъзан чархласа, ўткир қилса, баъзан таъсирчан ва сермазмун қилади. Ўз ўрнида ишлатилган термин ҳамиша жумлани, нутқни илмий, равон, қисқа ва тушунарли қилади. Ўқувчи ёшларни, талабаларни терминларни эслаб қолишга, мағзини чақишга ва ўз нутқларида ишлатишига одатлантириш таълимнинг энг муҳим воситаларидандир. Бунинг учун амалий ва назарий қўлланмалар, луғатлар жуда зарур.

Яна бир гап: терминология, тил хазиnasi орасида ўз бойлиги ёки камбағаллиги, ривожланганлиги ёхуд ривожланмай қолганлиги билан фан ва техниканинг қайси соҳаси қачон, қайси йилларда ёки даврларда ривожланганлиги ёки инқирозга юз тутганлигини кўрсатиб берар экан, шу йил ва даврларда миллий тиллар ривожининг ёхуд инқирозининг кўзгусига айланади. Бинобарин, терминологияни тил каби ижтимоий ҳодиса ривожини ўзига хос тарзда белгилаб берувчи омил деса бўлади. Буни унинг хизматида яққол кўриш мумкин. Чунончи, терминлар:

1) тарихий бўладиган бўлса, — ўтмишнинг, замонавий бўладиган бўлса, — ҳозирги замоннинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маданий, илмий-техник ва бошқа жиҳатлари даражасини;

2) бошқа тиллардан ўзлаштириб бойиган-ривожланган бўлса, ўша тиллар билан бу ўзлаштира тилнинг муносабатини, ўша тилларнинг бу тилга қай йўсинда, қай ҳолатда, қай даражада таъсир кўрсатганлигини;

3) ўзлаштира тил қайси йиллар ёки даврларда бойиган ва ривож топган бўлса, шу давр ёки йилларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётини, тараққиётини;

4) қайси йил ва даврларда қайси фан соҳалари бўйича бойиган ва ривожланган бўлса, шу давр ва йилларда шу фан соҳалари қанчалик ривож топганлигини;

5) умуман олганда, терминлар халқларнинг илмий-техник тараққиётини белгилаб беради.

Масалан, техникага оид терминларнинг ҳозирга қадар бизда кам ривожланган ва кам бойиганлиги ўтмишда техника тараққиёти оқсаганлигини, ўқув, таълим, маориф ва тиббиёт терминларининг бир қадар ривож топганлиги ўтмишимизда шу фан соҳалари анча илдамлаб борганлигини кўрсатади ва ҳоказо.

Луғатда фақат ўзгаришсиз ўзлашган (ёки ўзлашиши лозим деб топилган) терминлар олинди ва уларга изоҳ (ёки таъриф) берилди. Агар улар воситасида бирикма терминлар ҳосил бўлган бўлса, улардан энг фаол деб топилганларига ҳам ўз уячасида изоҳ бериб борилди (бу ҳақда III жилднинг «Кириш» қисмига қ.). Фикримизча, бу усул орқали байналмилал терминлар ёрдамида ўзбекча бирикма терминлар ясалиши мумкинлиги ва уларнинг қай йўсинда юзага келтирилиши хусусида амалий кўрсатма берилди. Бинобарин, биргина байналмилал термин орқали талайгина ўзбекча бирикма терминлар ясалиши ва шу билан ўзбекча тиббий терминлар салмоғи жадал ривожланиб, бойиб бориши мумкинлиги аён бўлади. Демак, байналмилал терминларни ўзлаштириш, бир томондан илмий терминологияни бойитса, иккинчи томондан, миллий терминологиянинг жадал ва пухта ривожланиб бойиб боришига, шунингдек, илмий тушунчаларни омма томонидан ҳам ўзлаштириб борилишига имкон туғдиради.

Луғатимизни 4 жилд қилиб, боз устига, луғатшунослик амалиётида ҳали ҳеч ким қўлламаган усулни қўллаб, оригинал тарзда жилдларни бўлиб чиққанлигимизга келсак (I жилднинг «Кириш» қисмига қ.), бу — биринчидан, нашр масаласининг муаммо бўлганлиги бўлса, иккинчидан, ўзбек тили тиббиёт терминологиясининг қанчалик бой эканлигини алоҳида-алоҳида шаклда таъкидлаб ўтиш бўлди. Қолаверса, китобхонларнинг луғат харид қилишларини осонлаштириш ҳам керак эди. Эътибор беринг, I жилднинг «Кириш» қисмида тушунтириш бериб ўтганимиздек, ҳар қайси жилд «А»дан «Ҳ» гача ёзилган. Луғатнинг бир жилдини харид қилган китобхон «қолган ҳарфдаги терминлар менда бўлмайди-ку» деган ўйга бормайди ва шунга қаноат қилади-қўяди.

Вақти келганда, насиб этса, барча жилдларни алфавит бўйича қўшиб юбориб, янгитдан, янги ўзбек алифбоси асосида қайта нашр эттириш умидидамиз.

Бизга тиббиёт фанидан, тилшунослик илмидан сабоқ бериб тиббиёт ходими, тилшунослик олими бўлиб етишишимизга ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшган ўқитувчи, домла, устозларимиздан бағоят миннатдоримиз. Тиббиёт терминологиясининг мағизини чақиб, уни илмий равишда ўргата

бошлаган собиқ «Медицина» нашриёти ходимларига, катта-кичик тахририят усталарига, моҳир таржимон, тахриркаш устозларимизга самимият билан ташаккур изҳор қиламиз. Мамнуният билан ўз сафларидан менга ўрин ажратган Тил ва адабиёт институти раҳбариятига, Илмий кенгаш аъзоларига, Терминология бўлимнинг мудирлари, ходимлари, устозларимизга, шунингдек, ўз маслаҳат ва кўрсатмаларини биздан аямаган барча институтимиз илмий ходимларига раҳматларимиз ёғилсин. Айниқса, кези келганда бизни суяб, дадиллаштириб, илмий таянч берган устозларимиз: Ш.Ш.Шоабдурахмонов, А.П.Ҳожиев, Р.Дониёров, Э.Бегматов, А.Аҳмедов, Т.Содиқов (Аллоҳ ўз раҳматига олсин у кишини), Н.Маҳкамов, А.Мадвалиев, З.Мираҳмедова ва бошқа бир талай раҳнамоларимиздан миннатдоримиз.

Луғат кўлёмаси билан танишиб, ўзларининг бебаҳо маслаҳатларини берган тахрир ҳайъати аъзоларига, тақризчиларга, тахририятчиларга самимий ташаккур билдирамиз.

Ниҳоят, мазкур 4 жилдли луғатимизнинг аъло даражада ва сифатли нашр этилишида ўз заҳматини аямаган нашриётлар раҳбарлари ва муҳарририятига чин қалбдан раҳмат айтамиз.

Азиз луғатхон! Биз яратган ушбу тиббиёт луғатини қўлингизга олар экансиз, унда учраган нуқсон ва камчиликларга кўзингиз тушар, ақлингиз илғар ва шунда улар ҳақида биз билан ўртоқлашарсиз деган умиддамиз.

* * *

*Тўрт жилд тиббий-туркий луғат яратиб,
Ҳеч кимса қилмаган илмий иш қилдим.
Қирқ йиллик умримни унга бағишлаб,
Фанимга ҳайкалим рамзини қурдим.*

Муаллиф.

МУАЛЛИФНИНГ ИЛМИЙ ФАОЛИЯТИДАН НАМУНАЛАР

I. Нашр қилинган асарлари

Қосимов А.И., Набиев М.М. Ботаникадан қисқача изоҳли луғат. — Т.: Ўқитувчи, 1990. -80 б.

Қосимов А.И., Холматов Ҳ.Х. Русча-ўзбекча-латинча фармацевтик терминлар луғати. — Т.: Ибн Сино, 1990. -128 б.

Холматов Ҳ.Х., Қосимов А.И. Русча-ўзбекча-лотинча доривор ўсимликлар луғати. — Т.: Ибн Сино, 1992. -200 б.

Холматов Ҳ.Х., Қосимов А.И. Доривор ўсимликлар. — Т.: Ибн Сино, 1994. -368 б.

Қосимов А.И. Тиббиёт ходимлари луғати. — Т.: Абу Али ибн Сино, 1998. -272 б.

Қосимов Азимжон. Тиббий терминлар изоҳли луғати. — Т.: Абу Али ибн Сино, I ж. — 2003. -472 б.; II ж. — 2003. -568 б.

Қосимов Азимжон. Ҳаётим — сабоқларим. — Т.: Минҳож, I қисм, 2005. -160 б.

Қосимов Азимжон. Ҳаётим — сабоқларим. — Т.: Меҳридарё, II қисм, 2006. -176 б.

Қосимов Азимжон, Қосимова Муаттар. Инглизча—ўзбекча—русча ва ўзбекча—инглизча—русча анатомик терминлар луғати. — Т.: Меҳридарё, 2006. -176 б.

Қосимов Азимжон. Тиббий терминлар изоҳли луғати. — Т.: III ж., 2008. -620 б.; IV ж., 2008. -484 б.

II. Чоп этилган илмий мақолаларидан намуналар

Дониёров Р., Қосимов А. Беруний «Сайдана»си нимани ифодалайди? — Т.: Фан ва турмуш, 1-сон, 1975. -11- б.

Дониёров Р., Қосимов А. Қимматли маълумотнома. — Т.: Мухбир, 3-март, 1975. -44- б.

Қосимов А. Сўз мулкига саёҳат. — Т.: Меҳнат ва турмуш, 7-сон, 1975. -17- б.

Қосимов А. Сўз мулкига саёҳат. — Т.: Меҳнат ва турмуш, 10-сон, 1975. -17- б.

Қосимов Азимжон. Қимматли луғат. — Т.: Меҳнат ва турмуш, 12-сон, 1975. -20—21- б.

Қосимов Азимжон. Доришунослик терминларини тартибга солиш тўғрисида. — Т.: Ўзбек тили ва адабиёти, 5-сон, 1976. -79—82- б.

Қосимов А. Монанд бўлсин. — Т.: Ўзбекистон маданияти, 67-сон, 1980.

Қосимов А. Доришунослик терминларига оид (Ибн Сино асарлари бўйича. — Т.: Адабий мерос, 1 (17)-сон, 1981. -88-89- б.

Шомуродов Ш., Қосимов А. Ҳафаликни орқага ташланг. — Т.: Тошкент ҳақиқати, 19 август, 1981.

Қосимов А. Сўз тагида сўз бор. — Т.: Тошкент оқшоми, 7 август, 1982; 28 август 1982.

Қосимов Азимжон. Ўзбек медицина терминологиясининг ҳозирги аҳволи. Ўзбек тили терминологияси ва унинг тараққиёт перспективалари; I Республика терминология конференцияси материаллари. — Т.: 1986. -31-32- б.

Қосимов А. Атоқли кишилар номини эъзозлайлик. — Т.: Ўқитувчилар газетаси, 1 октябрь, 1986.

Қосимов Азимжон. Чигалликни ечайлик. — Т.: Ўзбекистон маданияти ва санъати, 25 декабрь, 1987.

Қосимов Азимжон. Ечилмаган муаммолар. — Т.: Ёш ленинчи, 28 май, 1991.

Қосимов Азимжон. Атамашуносликка қўшилган муҳим ҳисса. — Т.: Тошкент ҳақиқати, 13 июнь, 1991.

Қосимов А. Навоий асарларида тиббий терминларнинг қўлланилишига доир. Алишер Навоий туғилганининг 550 йиллигига бағишланган илмий конференция тезислари. — Т.: 1991, -70- б.

Дониёров Р., Қосимов А. Туркий тиллар лексикасига доир тадқиқот. — Т.: Ўзбек тили ва адабиёти, 2-сон, 1992. -58-60-б.

Қосимов А.И. Миллий ўзбек ёзуви истиқболига бағишланган илмий анжуман. — Т.: Ўзбекистонда ижтимоий фанлар, 7-сон, 1993. -77-78- б.

Қосимов Азимжон. Тиббий атамаларни қўллаш ҳақида. — Т.: Тил ва адабиёт таълими, 5-6-сон, 1997. -17-18-б.

Қосимов Азимжон. Ўзбек халқ шеваларида тиббиётга оид лексик қатлам хусусида атоқли олим, профессор Худойберди Дониёров таваллудининг 70 йиллигига бағишланган илмий-амалий хотира анжуман материаллари. — Гулистон, 1997. -85-88- б.

Қосимов Азимжон. Тиббий терминларни ўзлаштиришга доир мулоҳазалар. — Т.: Ўзбек тили ва адабиёти, 4-сон, 1991. -48-50- б.

Қосимов Азимжон. Русча-байналмилал бирикма терминларнинг ўзбек тилида ифодаланиши. — Т.: Ўзбек тили ва адабиёти, 5-сон, 1999, -26-29-б.

III. Русчадан ўзбекчага ўгирган таржима асарларидан намуналар

Қосимов А., Тўлаганов А.С. Ўзбекистонда болалар соғлигини сақлаш. — Т.: Медицина, 1976. -16 б.

Қосимов А., Солихўжаев С.С. Ўқитувчиларга гигиеник маслаҳатлар. — Т.: Медицина, 1976. -16 б.

Қосимов А., Абдуллаева С., Бобохўжаев Н. Пахтакор механизаторларнинг овқатланиш гигиенаси. — Т.: Медицина, 1976. -24 б.

Қосимов А., Беляев И.И. Тамаки — саломатлик душмани. — Т.: Медицина, 1977. -44 б.

Қосимов А. Сут кўхнялари ва сут тарқатиш пунктларини ташкил қилиш. — Т.: Медицина, 1978. -72 б.

Қосимов А., Колложная Р.А. Ўқувчининг ҳаракат режими ва саломатлиги. — Т.: Медицина, 1978. -28 б.

Қосимов А., Кирюшченко А.П., Собуров Х.С. Шошилишч гинекологик ёрдам. — Т.: Медицина, 1988. -300 б.

Қосимов А., Бурая А.Н. ва бошқалар. Соғлом ва касал бола парваришига доир амалий машғулотлардан қўлланма. — Т.: Медицина, 1989. -216 б.

IV. Таҳрир қилган асарларидан намуналар

Қосимов А., Якубева С.И., Туляганов П.Д. Русско-латинско-узбекский медицинский словарь. — Т.: Медицина, 1978 (луғат).

Қосимов А., Золотарева М.М. Кўз касалликлари. — Т.: Медицина, 1982 (дарслик).

Қосимов А., Ганделсман Б.И. Дезинфекция иши. — Т.: Медицина, 1983 (дарслик).

Қосимов А., Морозов Г.В., Ромасенко В.А. Нерв ва психик касалликлар медицина психологияси асослари билан. — Т.: Медицина, 1986 (дарслик).

Қосимов А. Садриддинов Ф. Дори моддалар. — Т.: Медицина, 1987 (маълумотнома).

Қосимов А., Муратов С.Н. Хирургик касалликлар ва беморларни парвариш қилиш. — Т.: Медицина, 1989 (дарслик).

Қосимов А., Польшун В.Т., Вознесенский Н.А. Қулоқ, томоқ ва бурун касалликлари. — Т.: Медицина, 1989 (дарслик).

Фойдаланилган адабиётлар

I. ЎзР Президенти И.А.Каримов асарлари

Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2000. -528 б.

Каримов И. А. Миллий истиқлол мафқураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. «Фидокор» газетаси мухбири саволларига жавоблар. – Т.: Ўзбекистон, 2000. -40 б.

Каримов И. А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. – Т.: Ўзбекистон, 2001. -432 б.

Каримов И. А. Ҳаётимизнинг, тараққиётимизнинг ҳуқуқий асоси. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўн йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқ, 2000 йил, 5 декабрь. – Т.: Ўзбекистон, 2002. -48 б.

Каримов И. А. Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т. 11. – Т.: Ўзбекистон, 2003. -320 б.

Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005. -96 б.

Каримов И. А. Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида. – Т.: Ўзбекистон, 2005. -144 б.

Каримов И. А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. – Т.: Ўзбекистон, 2005. -448 б.

9. **Каримов И. А.** Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият. Ўзбекистон конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2005 йил, 7 декабр. – Т.: Ўзбекистон, 2005. -48 б.

II. Илмий манбалар

Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. I китоб. – Т.: Фан, 1954. -458 б.

Абу-Бакр-ар Розий ва унинг шогирдлари ёзиб қолдирган касалликлар тарихи; Кириш, тарж, изоҳ ва кўрсаткичлар Ҳ.Ҳикматуллаевники. – Т.: Фан, 1974. -116 б.

Акобиров С.Ф. Тил ва терминология. – Т.: Ўзбекистон КПМК нашр., 1968. -40 б.

Акушерлик дарслиги. – Т.: Ўзбекистон давлат нашриёти, 1949.

- Арнаудов Г.Д.** Медицинская терминология. – София: 1966. -850 с.
- Гандельсман Б.И.** Дезинфекция иши. – Т.: Медицина, 1983. -372 б.
- Генис Д.Е.** Медицина паразитологияси. – Т.: Медицина, 1988. -308 б.
- Георгиева ва бошқ.** Физиология. – Т.: Медицина, 1984. -472 б.
- Даниленко В.П.** Как создаются термины? Русская речь. – М.: 1967. № 2, 57–65 с.
- Дониёров Р.** Ўзбек тилининг илмий-техникавий терминлари тарихидан. – Т.: Фан, 1973. -116 б.
- Дониёров Р.** Ўзбек тили техник терминологиясининг айрим масалалари. – Т.: Фан, 1977. -160 б.
- Жамолхонов Ҳ.А.** Ўзбек ботаника терминологиясининг таркиб топиш ва ривожланиш тарихидан. Филол. фанлари номзоди – дис. – Т.: 1962. -283 б.
- Зокиров Қ.З., Жамолхонов Ҳ.А.** Ўзбек ботаника терминологияси масалалари. – Т.: Фан, 1966. -44 б.
- Золотарева М.М.** Кўз касалликлари. – Т.: Медицина, 1982. -192 б.
- Иванов П.И.** Психология. – Т.: ЎзССР Давлат ўқув-педагогика нашриёти, 1957. -398 б.
- Касымов А.И.** Фармацевтическая терминология в современном узбекском языке: дис. канд. филол. наук. – Т.: 1982. 142 с.
- Коган А.А., Қодирова А.А. ва бошқ.** Гинекология. – Т.: Медицина, 1962. -340 б.
- Крегова Н.Е.** Акушерлик ва гинекология. – Т.: Медицина, 1987. -368 б.
- Лотте Д.С.** Вопросы заимствования и упорядочения иноязычных терминов и термиоэлементов. – М.: Наука, 1982. 149 с.
- Мазурин А.В., Воронцов И.М.** Пропедевтика детских болезней. – М.: Медицина, 1985. -432 с.
- Маматов А.** Анатомик терминлар ва бошқа терминологик системаларнинг бойиш манбаи. – Т.: Ўзбек тили ва адабиёти, 1984. №3. -131–143 б.
- Машковский М.Д.** Лекарственные средства. – Т.: Медицина, I ва II т. 1987. -624 б, -676 б.
- Морозов Г.В., Ромасенко В.А.** нерв ва психик касалликлар. – Т.: 1986. -400 б.
- Муратов С.Н.** Хирургик касалликлар. – Т.: Медицина, 1989. -344 б.

Мясников А.Л. Внутренние болезни. — Т.: Медицина, 1981. -846 с.

Неменова Ю.М. Клиник лабораторияда текшириш усуллари. — Т.: Медицина, 1972. -448 б.

Окорокова Ю.И., Еремин Ю.Н. Овқатланиш гигиенаси. — Т.: Медицина, 1983. -316 б.

Развитие терминологии на языках союзных республик СССР. — М.: Наука, 1986. -270 с.; 1987, -288 с.

Реформатский А.А. Что такое термин и терминология. Вопросы терминологии. Сборник. — М.: 1961. -47 с.

Пальчун В.Т., Вознесенский Н.А. Қулоқ, томоқ ва бурун касалликлари. — Т.: 1989. -304 с.

Студницин А.А., Стоянов Б.Г. Тери ва таносил касалликлари. — Т.: Медицина, 1988. -280 б.

Ходос Х.Г. Нервные болезни. — Т.: Медицина, 1981. -672 б.

Шоисломов Ш. Ибн Синонинг тиб ҳақидаги шеърый асари («Уржуза»). — Т.: Фан, 1972. -236 б.

Ямпольская Э.И., Скорцов И.А. Мозг ребёнка. — М.: Здоровье, 1987, №3, -12-13 б.

Ўзбек тили грамматикаси. I т. — Т.: Фан, 1975. -610 б.

Ўзбек тили лексикологияси. — Т.: Фан, 1981. -313 б.

Ҳикматуллаев ғ. X асрга оид тиббий асарнинг топилган туркча таржимаси ҳақида. — Т.: Ўзбек тили ва адабиёти, 1974, №2. -149 б.

Ҳикматуллаев Ҳ. Абу Али ибн Синонинг «Юрак дорилари» номли рисоласи. — Т.: Фан, 1966. -180 б.

Ҳозирги замон ўзбек тили. — Т.: 1980. -184 б.

Ҳозирги ўзбек адабий тили. I т. — Т.: 1966. -392 б.

III. Луғатлар ва маълумотномалар

Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати; 4 т. — Т.: Фан, I т. — 1983. -656- б.; II т. — 1985. -642 б.

Англо-русский медицинский словарь. — М.: Русский язык, 1988. 604 с.

Аскарлов А.А., Зоҳидов ғ.З. Русча-ўзбекча-лотинча нормал анатомия луғати. — Т.: Медицина, 1971. -182 б.

Аскарлов А.А., Нажмитдинов Т.Х. Лотинча-ўзбекча-русча нормал макроскопик анатомия терминлари сўзлиги. — Т.: Ўздавнашр, 1933. -125 б.

Аттуҳфатул закияту-филлуғатит туркия. — Т.: Фан, 1968. -279 б.

Ибодов Н.А. Анатомиадан қисқача лотинча-русча-ўзбекча луғат. — Т.: Медицина, 1982. -86 б.

Карузина И.П. Анатомиядан қисқача лотинча-русча-ўзбекча луғат. — Т.: Медицина, 1982. -86 б.

Кошгарий М. Девону луғотит турк. — Т.: Фан, I т. — 1960. -449 б.; II т. — 1961. -427 б.; III т. — 1963. -466 б.

Международная классификация болезней. — Женева: Всемирная организация здравоохранения, 1983. -586 б.

Навойи асарлари луғати. — Т.: 1972. -784 б.

Назарова Х. З.М. Бобур асарлари учун қисқача луғат. — Т.: Фан, 1972. -190 б.

Найденов Грамен. Краткий медицинский орфографический справочник. — София: Медицина и физкультура, 1967. -204 б.

Наследственные болезни (справочник). — Т.: Медицина, 1980. -416 б.

Тиббиёт қомусий луғати. — Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1994. -288 б.

Русча-ўзбекча луғат. — Т.: Ўзбек совет энциклопедияси бош редакцияси. I т. — 1983. -808 б.; II т. — 1984. -798 б.

12. Русча-лотинча-ўзбекча тиббий терминлар изоҳли луғати. — Т.: Камалак, 1996. -526 б.

Садриддинов Ф.С. Дори моддалар. — Т.: Медицина, 1987. -384 б.

Саломатлик. — Т.: Ўзбек совет энциклопедияси бош редакцияси, 1985. -560 б.

Словарь иностранных слов. — Т.: Русский язык, 1989. -624 б.

Справочник медицинской сестры по уходу. — М.: Медицина, 1981. -336 б.

Тиббиёт қомусий луғати. — М.: Қомуслар бош таҳририяти, 1994. -288 б.

Холматов Ҳ.Х., Қосимов А.И. Доривор ўсимликлар. — Т.: Ибн Сино, 1994. -368 б.

Энциклопедический словарь медицинских терминов. — М.: Советская энциклопедия, т. I — 1982. -464 с.; т. II — 1983. -448 с.; т. III — 1984. -512 с.

Якубова С.И., Туляганов П.Д. Русско-латинско-узбекский медицинский словарь. — Т.: Медицина, 1978. -250 б.

Ўзбек тилининг изоҳли луғати. — М.: Рус тили. I т. — 1981. -632 б.; II т. — 1981. -716 б.

Ўзбекча-русча луғат. — М.: 1959, -840 б.

Қосимов А.И., Холматов Ҳ.Х. Русча-ўзбекча-лотинча фармацевтик терминлар луғати. — Т.: Абу Али ибн Сино, 1990. -128 б.

Қосимов А.И. Тиббиёт ходимлари луғати. — Т.: Абу Али ибн Сино, 1998. -270 б.

Қосимов А.И. Тиббий терминлар изоҳли луғати. — Т.: Абу Али ибн Сино нашр., 2003. — I жилд, -472 б.; II жилд, -568 б.

Қосимов Азимжон, Қосимова Муаттар. Инглизча-ўзбекча-русча ва ўзбекча-инглизча-русча анатомик терминлар луғати. — Т.: Меҳридарё, 2006. -176 б.

Ҳамидова М.Ҳ. ва бошқалар. Офтальмологиядан қисқача изоҳли луғат. — Т.: Ибн Сино, 1993. -40 б.

АЗИМЖОН ҚОСИМОВ
филология фанлари номзоди, шифокор

ТИББИЙ ТЕРМИНЛАР
ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

IV жилд

“Меҳридарё” нашриёти, Қўшқўприк кўчаси, 22-уй.

Муҳаррир *Н.А.Қосимов*
Мусаҳҳиҳ *Ҳ. Исматов*
Техник муҳаррир *Г.Қосимова*
Компьютер вёрсткаси *Г.Қосимова*
Технолог *Т.Джораев*

Босмахонага 12.02.2008 да берилди. Босишга 09.04.2008 да рухсат этилди. Бичими 84x108¹/₃₂. Офсет қоғози. Офсет босма. Шартли босма табоқ 29. Нашр босма табоқ 30. 24 –2008-рақамли шартнома. Жами 500 нусха. 24-рақамли буюртма.

МЧЖ “Меҳридарё” босмахонасида чоп этилди.
Қўшқўприк кўчаси, 22-уй